


ТОХИР МАЛИК

ШАЙТАНАТ

ЎЗБЕК БЕСТSELLЕРИ



3

**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2013**



ТОҲИР МАЛИК

ШАЙТАНАТ

Қисса

Учинчи китоб



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2013

УЎК 821.512.133-3

КБК.84.(5)⁶

М-22

Мусаввир
ХУРШИД ЗИЁХОНОВ

М-22 **Малик Тоҳир.**

Шайтанат: Қисса /3-китоб/. — Т.: «Sharq»,
2013. — 384 б.

Ёзувчи Тоҳир Малик қаламига мансуб бўлмиш «Шайтанат» асарининг мазкур учинчи китобида оғир хасталикка учраган Асадбекнинг руҳий ҳолати, Зайнабнинг тақдиди ва жиноятчилар оламидаги талвасалар ҳикоя қилинади.

УЎК 821.512.133-3
КБК.84(5)⁶

ISBN 978-9943-26-053-5

Alisher Navoiy®

«Sharq» нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 1996, 1998, 2006, 2013.

2016

102 nomida

4811

O'zbekiston MK

МУАЛЛИФДАН

Бисмиллахир Роҳманир Роҳийм.

«Ва мин-ан-наси ман йужаадилу филлахи бигойриң ъылмни ва йаттабиъу кулла шайтонин мариидин. Кутiba алайхи аннаху ман таваллаху фааннаху йудилгуху ва йаҳдихи ила ъазаби-с-саъийр».¹

«Вамтаазул йавма айиүхал мужримуун. Алам ъаҳад илайкум йаа баний адама алла таъабудуш шайтон, ин-наху лакум адуввум мубийн. Ва аниъбдуни ҳаза сиротум мустақиим. Ва лақод азолла миикум жибиллан қасиyro. Афалам такунуу таъқилюн. Ҳазиҳии жаҳаннаму-ллати кунтум түвадуун».²

«Шундан сүнг иблис Расули акрам (с. а. в.) га ўз ҳолатини англата бошлади:

Эй Мұхаммад, бирон кимсаны залолатта олиб бориш учун қулимда имкон йүқ. Мен фақат васвасага соламан, бир нарсанн чироили қилиб құрсатаман, холос. Агар залолатта олиб бориш учун қулимда имконият бўлса эди, ер юзида «ла илаха иллалаху Мұхаммадур расулиллаҳ» дейдиганларни, рўза тутадиганларни, нағоз ўқийдиганларни ҳоли қўймасдим. Барчасини залолатта бошлардим. Сизнинг қўлингизда ҳидоятга бошлаш имконияти бўлмаганидай, мен ҳам залолатта бошлай олмайман. Сиз фақаттина Оллоҳнинг элчисисиз ва таблиғта бошлаш қўлингизда бўлсайди, ер юзида битта ҳам коғир қолмас эди. Сиз Оллоҳнинг яратганлари учун бир ҳужжатсиз. Мен ҳам азалдан бузғуничилек, гуноҳкорлик ёзилған кишиларга бир сабаб, воситаман».³

Мазмуни будир: ¹ «Одамлар орасида ўзи билмаган ҳолида Оллоҳ хусусида мұжодала қиласылған ва ҳар бир итоатсиз шайтонга әргашиб кетаверадиган кимсалар ҳам бордир. У (шайтонга эса) ўзини дўст туттан кимсани, албатта, йўлдан оздириш ва дўзах азобига йўллаш ёсиб қўйилган — ҳукм қилингандир» («Ҳаж» сурасидан).

² «Эй жиноятын кимсалар, мана бу кунда (мўъминлардан) ажралинглар! Мен сизларга: «Эй Одам болалари, шайтонга ибодат қиласынгиз, чунки у сизларга очиқ душмандир. Менгагина ибодат қилинглар! Мана шу тўғри йўлдир», деб буюрганимидим? Аниқки, (шайтон) сизларнинг ичингииздан кўп авлодни йўлдан оздириди. Ахир ақи юритгувчи бўлмадингизларми?! Сизларга ваъда қилинган жаҳаннам мана шудир!» («Ёсин» сурасидан Алоуддин Мансур таржимаси).

³ Мұхийиддин ал-Арабийнинг «Шажаратул-Кавн» китобидан.

I б о б

1

Асадбек Ҳосилбайвачча тақдирини ҳал этиш режасини тузәйтган дамларда Кесакполвон кутилмаган бир муаммони ечиш билан банд эди. Мусаффо осмонда охиста сузаёттан уchoқ булутлар түдасига кириб асабий титрай бошлагани каби, кейинги воқеалар уни биринки силкиб қўйган, бу воқеаларни бўйига мос фаросати билан қаричлаб, шунга яраша холоса чиқариб юрганида Чувриндининг йигитларидан бири кутилмаган масалага рўбарў қилди.

Шу пайтгача Чувриндининг йигитлари Кесакполвонга, ёки аксинча, Кесакполвоннинг зўрлари Чувриндига бирон-бир масалада мурожаат қилишмаган эди. Ёзилмаган қонун асосида бунга ҳақлари йўқлигини яхши билишарди. Агар Кесакполвон Чувриндининг йигитига (ёки аксинча) бир юмуш буюргудай бўлса ҳам, бу йигит вазифани адо этишга киришишдан олдин ўз ҳожасини албатта огоҳ этарди. Чувринди буюрган ишни бажармай Кесакполвонга мурожаат этиш, аниқроғи, буйруқдан бўйин товлашни фавқулодда ҳолатлар сирасига киритиш мумкин. Яна ажабланарли томони шундаки, шилтаси чиқадиган ишни Чувринди Кесакполвон зиммасига оширишга уринарди. Шилтароқ иш раҳм-шафқат деган тушунча билан муроса қила олмагани сабабли Чувриндида уйғониб тургувчи бу тўйғу панд бериб қўйиши мумкин эди. Буни билгани учун ҳам Кесакполвон Чувриндининг бу кичик ҳийласидан оғринмасди. Қасамни бузган табибининг ўлимга ҳукм қилиниши Кесакполвон учун бир муаммо бўлса, ҳукмни ижро этишини Чувриндининг ўз зиммасига олгани яна бир топишмоқ эди.

Кесакполвон бу янгиликни эшитгач, йигитга кўзларини лўқ қилганича топишмоққа жавоб излади. Чувриндининг бу йигити шаҳарда, балки бутун мамлакатда кўриниши жиҳатидан ягона бўлса эҳтимолдан ҳоли эмас. У ўн-ўн икки ёшга қадар барча қатори бўйга ўстган-у, сўнг эринибми ё яна ўсиш лозимлиги-

ни унугибми, бола гавдасида қолган эди. Бу ҳолдан бехабар калла эса катталашиб бораверганди. Агар у бир оз ҳаракатсиз турса, қайси ношуд ҳайкалтарош ёш болага катта одамнинг хумдай бошини ўрнатиб қўйибди, деб ўйлаш ҳам мумкин эди. Гавда билан калтанинг номутаносиблигига ботиндаги шафқат ва бемеҳрик зиддияти қўшиб қаралса, Миродил деган исмнинг нақадар ноўрин эканини фаҳмлаш мумкин. Дунёдаги бир қанча ноўринликларни ўзида мужассам этган бу йигит Чувриндининг маҳсус топшириқларини бажарар эди. Ҳамиша икки-уч бақувват йигитлар билан бирга юрувчи Миродил ҳар қандай одамга тап тортмай тик бораради. Қисқагина гапириб, қўққисдан нақ киндикни мўлжаллаб муштларди. Унга бу зарбани бирор ўргатганми, ёки икки қош ўртасига уруш учун бўй калталиқ қилганидан киндикни мўлжаллашга мажбурми эди, айтиш мушкул. Ҳарҳолда, унинг тошдай муштидан татиб кўрган одам барака топмасди. Мушт зарби керагидан заифроқ бўлган тақдирда ҳам бақувват йигитларнинг тепкилари бу камчилик ўрнини тўлдириб қўярди. Кесакполвон Миродилнинг нималарга қодир эканини ўз кўзи билан кўрмаса ҳам, кўп эшитган, биларди. Билгани учун ҳам Чувриндининг топшириғи нечоғли муҳим эканини англашетди.

«Дўхтирнинг гуноҳи нима экан? — деб ўйлади Кесакполвон. — Бекка бир бало бўлдими, сал нарсага «ўлдир» деб юборялти. Бунақада шаҳарда тирик зот қоладими? Балки дўхтир ўладиган одамдир, унда нима учун мендан яширди? Маҳмуд нима қилиқ қилиб юрибди? Ё бу Хумкаллани менга рўпара қилиб бир ҳунар кўрсатмоқчими? Ё бунақа ишларни сен эплай олмайсан, дейишмоқчими?..»

Хумкалла дардини айтишга айтиб қўйди-ю, Кесакполвоннинг ўйга толганини кўриб, хавотири уйгона бошлади. Унинг назарида бу фикрлаб ўтириладиган масала эмас, «ҳа» ёки «йўқ» деб қўйиш билан битадиган осонгина иш эди. Кесакполвоннинг хаёл саҳросида илонлар каби ўрмалаётган гумонларини бу бечора қайдан билсин? Хумкалла ташвиш жарига томон қадам қўйган пайтда Кесакполвон тилга кирди:

- Қандай гум қилишни ўйлаб қўйдингми?
- Йўқ ҳали...
- Сенга иш топширилган эди?

Хумкалла унинг ўткир нигоҳидан кўзларини олиб қочди.

— Ишдан бўйин товлашининг оқибати нима бўлишини билмасмидинг? Ё дўхтири билан бирга жўнагинг келиб қолдими?

Хумкалла Кесакполвонга бир қараб олишга журъат этди.

— Гапир! Балодан қайтмайдиган бола эдинг-ку, нимага аммамнинг бузоғига ўшаб қолдинг?

— Ака, нима десангиз денг, мен ишдан қочадиган боламасман. Ўрнига ўзинг ўл, денг, ўлмаган ўғил боламас.

— Намунча, ўв ўғил бола? — деди Кесакполвон кесатиқ оҳангида. — Дўхтири ким ўзи, аммангнинг эрими ё киндигингни кесганми? Ё...

— У... ойимларга қараган. Ҳалол қараган.

— Ойинг ўлиб кетган шекилли?

— Ҳа... Лекин ўша дўхтири доим дуо қиласдилар.

— Ойинг дуо қилгани учун ўлдиришга қўлинг бормадими? Шунаقا кўнгилчан ойимчаон бўлиб қолувдингми? Хўш, нима учун гум қилиш керак экан, биласанми?

— Йўқ...

— Нима учун Маҳмуднинг ўзига айтмадинг дардингни?

— Гапларини дарров қайтара олмадим.

— Энди мен даллоллик қилайинми?

— Сиздан маслаҳат сўраб келдим.

— Мен ҳам йўқот, десам-чи? Ё йигитларимга айтсам-чи?

— У ёмон одам эмас, гуноҳи бўлса кечириш мумкинmasmi?

— Сен бола, менга ақл ўргатма. Бор, жўна, турқингни кўрмай. Маҳмудга бориб айт, «Мен ҳезалак бўлиб қолганман», де.

Хумкалла қўлидаги умид чиннисини тушириб синдиран ночор одам ҳолида ўтирилиб бир-икки қадам қўйган эди, Кесакполвоннинг амри эшитилди:

— Тўхта! Майли, сазанг ўлмасин. Дўхтири Оқтегракдаги жойга олиб борасан. Бехит бўлсин. Қани, гаплашиб кўрай-чи.

Хумкалла таъзим қилиб, миннатдорчилигини изҳор эттан бўлса-да, Кесакполвоннинг бирдан юмшаб қолиши кўнглида шубҳа уйғотди. Шу боис кўчага чиққач,

бир неча нафас ҳаракатсиз турди. «Бекор келибман, — деб ўйлади у. — Ҳеч кимга айтмай қочириб юборсам бўларкан. Бунақа зўр дўхтири Масковга борсаем хор бўлмайди, нонини топиб ейди. Ҳали ҳам бўлса шундай қилсанмикин? «Бордим, йўқ экан, тополмадим», десам-чи?» Хумкаллага ўзининг шу фикри маъкул келиб, машина томон юришдан аввал одати бўйича атрофга аланглаб олди. Ўзидан икки қадам нарида тиржайиб турган йигитга кўзи тушгач, шаштидан қайтди. «Булардан энди қутулиб бўлмайди. Ҳиротдан бўлса ҳам топишади. Ҳозир изимга тушишади. Энди қочириб бўлмайди. Иш атала бўлди. Оқтеракка олиб борай-чи, ҳарҳолда у ер одам ўлдирадиган жой эмас...» Хумкалла аниқ бир қарорга келиб, машинасига ўтириди.

2

Шаҳарнинг кунботар томонидаги этакдан бошлинувчи Оқтерак қишлоғининг чойхонаси кечаю кундуз очиқ бўлади. Бу ерда истаган одам истаган пайтда чойхўрлик, ҳамён кўтарса ошхўрлик ҳам қилиши мумкин. Ҳовуз лабидаги мажнунтолнинг чилвир сочлари остига қўйилган иккита темир сўри кун бўйи қишлоқ қариялари билан банд бўлади. Текин чойнонга, баъзан ошхўрлар ҳиммати билан узатилиб турувчи ошга ўрганган қариялар ҳожатхона ёнидаги йўлак қайси уйга олиб боришини, у ерда қандай савдолар бўлишини фаҳмлашса ҳам, бирорга чурқ этиб оғиз очишмайди.

Кузнинг совуқ нафаси сезилиб қолгани учунми, сўрилардан бири бўш, иккинчисида эса беш қария ёнбошлаб олиб, мудрарди. Кесакполвон уларга бир қаради-ю, салом бермай, ҳожатхона ортидаги уйча томон юрди. Бу хона ҳам бошқаларидан айтарли фарқ қилмайди. Жихозларига зираға тўйинглан ошнинг, ёғ, ароқ, сигарет тутунининг ҳиди сингиб кетган. Бошқа хоналар фақат кундузи гавжум бўлса, бундагилар туну кун уйғоқ, ҳамиша сергак. Ўчоқбошидаги бир қозонда фақат шу хона эгалари учун эртаю кеч турли таомлар қайнаб туради. Бу ер Кесакполвоннинг таъбири билан айтганда — «қозихона». Асадбек «Бу хунарингни ташла», деб буюрган бўлса-да, у «тарки одат — амри маҳол» дегандай билганидан қолмайди. Кесакполвон жавобгарларнинг мўлтиллаб қарашларини, йиғлашла-

рини, тавбалар қилиб эмаклашларини томоша қилишни ёқтиради.

Кесакполвоннинг ўзигагина тобе бўлган бу «қози-хона» гавжум эди. Қозилик вазифасини адо этаётган йигит ҳожаси кириб келиши билан ўрнидан бир қузғолди-ю, «давом этавер» деган ишорани кўриб, жойида қотди. Қош-кўзлари қоп-қора, соқоли ўзига ярашган бу йигитни кўчада кўрган одам тақводор, имон эгаси деб ўйлайди. Бу кўриниш, бу алдамчи соқол кўпчилик фикрини чалғитади. Айниқса, бу «қози» бошига оқ ҳожидўппи кийиб олсами, бас, унинг сўзларини даъвогарлар ҳам, жавобгарлар ҳам шариат ҳукми сифатида қабул қиласерадилар. Тили ҳали имон калимасига келмаган, пешонаси ҳали саждага бормаган бу йигитни «қози»ликка Кесакполвоннинг ўзи тайин этган, Ҳалимжонни синаб беришни ҳам айнан шунга топширган эди.

Кесакполвоннинг мўлжалича Хумкалла табибни бу ерга ярим соатдан кейин бошлаб келиши мумкин эди. Шу боис ишнинг «белига тепмай», якунланишини кузатмоқчи бўлди. «Қози»га яқин ўтирган, кийимлари йиртилиб, қовоғи кўкарган йигитга қараб, «айбдор» шу эканини фаҳмлади. Турли ёшлардаги тўрт кишининг ташки кўринишларидан мусоғир эканликларини англамоқ мумкин эди. Даъвогарларнинг ёши улугроги эшиқдан кириб келган кўримсиз гавдали, эти устихонига ёпишган, қалдирғоч мўйловли Кесакполвонга бир қараб олди-ю, «эътибор беришга арзигулик одам эмасга ўхшайди», дебми яна «қози»га ўгирилиб, гапини давом эттириди:

— Ёшули, бу манғлайи қора пулимизни, поезд паттасининг ҳақини ҳам тўлаши керак. Сиз ундириб беринг, ёшули, биз сизни инжитмаймиз.

— Бекорларни айтибсиз, бир тийин ҳам бермайман, — деди қовоғи кўкарган йигит, ўжарлик билан.

— Бермасанг, терингни шилиб оламан, манғлайи қора! — деб бақирди даъвогар.

«Қози» уларни тинчтиш учун столни муштлади:

— Овозларингни ўчир! Мен сўрайман, сен эса жавоб берасан, — деб жавобгарга қаради: — Демак, диспетчернинг хонасида чой ичиб чиқдингми?

— Ҳа, айтдим-ку?

— Жавоб бер, маҳмаданалик қилма.

Бу саволга яқынгинада жавоб қайтарған йигит Кесакполвон учун сүроқ атайин тақрорланаётганини фақтамади. Аксинча, қайта сүроқ замирида бир шумлилік ётибдимикин, деб хавотирланиб, довдираган ҳолда жавоб берди:

— Трамвайим чет йўлда турувди. Қарасам, эшиклиари очилиб қолибди. Булар бемалол жойлашиб ўтиришибди. Бир киши «Шу қариндошларимни вокзалга олиб бориб кўясан, рози қилишади», деди.

— У бизарнинг қариндош эмас, уни танимаймиз. У сенинг ҳамтоворинг, — деди даъвогар. — Унга йўлкирани нақд санаб бердик. У «Трамвайчи ошнам, бир оғиз айтсам, ўн беш минутда бирон ерда тўхтатмай фир этиб элтиб ташлайди», деди.

Бу гапни эшитиб, жавобгар ҳазин жилмайди:

— Эси жойидами буларнинг. Трамвайни тўхтатмай ҳайдаб бўларканми? Олдиндаги трамвайларнинг тепасидан учиб ўтаманми?

— Чалгима, бўладиган нақд гапни гапир, — деди «қози».

— Ишим охирлаб қолувди. Пул берса тешиб чиқмайди, олиб бориб кўя қолай девдим. Қайрилишга етганда тўхтаб, пулни бериб кўйинглар, дедим. Бунақалар трамвайга чиққанида мард, манзилига етганида тирриқлик қилишади. Уйлаганимдай бўлди: пулни шеригингга бердик, деб фирромлик қилишди. «Менинг ҳеч қанақа шеригим йўқ», десам ҳам ишонишмади. «Агар пулни бермасаларинг бошқа ёққа қараб бурвораман», десам ҳам кўнишмаганидан кейин трамвайни шартта паркка қараб ҳайдадим. Кейин мени дўйпослаб қолишди. Мени деб поездларига кечикишганмиш.

— Ёшулли, сиз буни эмас, мени тингланг! Бу манфлайи қоранинг шериги бор. Бизар поезднинг паттасига куйдиқми, бу бирми? Бизар бозордан қолдиқми, бу иккими? Ана шунинг жаримасини тўласин.

«Қози» ўз ишига пухта бўлса-да, ҳожасининг мартабасини иззат қилиб «сиз буюринг», дегандай қаради. Кесакполвон унинг савол назарини эътиборсиз қолдирмай даъвогарни сўроқقا тутди:

— Шеригига қанча пул берувдиларинг?

— Ўн сўм сўровди, аммо учга ризо бўлиб эди, — деди даъвогар унга ўгирилиб.

«Бу қанақа гўл одам ўзи, — деб ўйлади Кесакпол-

вон. — Шошиб турган одам ҳам трамвайни кира қила-
дими?»

— Бу хом иш, — деди Кесакполвон масалага якун
ясаб. — Пулни кимга берган бўлсаларинг, ўшани то-
пип келларинг.

— Ёшули, сиз ҳақиқат қилмадингиз, — даъвогар
ўрнидан туриб, қўлини пахса қилди: — Биз була-
рни танимасак. Шаҳарни билмасак...

— Ўтири, — деди Кесакполвон, унга ўқрайиб. —
Сен менга қўлингни пахса қилма! Онангнинг уйимас
бу. Неча кишилашиб урдиларинг буни?

— Бизми?.. Бир-икки туртдик-да.

— Узинг айт, неча киши урди сени?

— Етгита эди.

— Бекордан-бекор урганларинг учун ҳар бир киши
бўйнига икки юздан, жаъми бир минг тўрт юз бера-
санлар.

— Биз берамиزم? — деди даъвогар ажабланиб.

— Олдин милисага ҳам боришган, — деди «қози»
масалага аниқлик киритиб. — Гувоҳлар ҳам бор...

— Э, ҳали шунақами? Унда ҳисобга тўғри қилиб,
икки мингни санаб беришсин-у, қораларини ўчириш-
син. Бошқа гап йўқ!

— Ёшули, сизлар адолат қиласизлар, деб эшитган
эдик?

— Бу адолат бўлмай нима?

— Биз тўламаймиз. Милисага арз қиласиз.

— Милисага бориб овора бўлмайсан. Милисанинг
ўзи ўлигингни олиб кетади, — деди «қози» совуқ
оҳангда. Жавобгарнинг довдираганини кўриб қўшиб
қўйди: — Уч-тўрт кундан кейин зовур ёқасида қулоқ-
бурунларингни итлар ғажиб кеттанидан кейин топи-
шади.

Бу гапни эшитгач даъвогарлар бир-бирларига мўл-
тиллаб қараб қолишиди. Назарларида уларнинг қулоқ-
бурунларини ҳозирнинг ўзида итлар ғажиб ташлаган-
дай бўлиб, этлари сесканди.

— Ёшули, адолат қилинг, — деди шу пайтгacha
гапга аралашмаётгандардан бири. — Дуруст, биз мили-
сага бормасмиз, бу ағажонга ҳам даъвойимиз йўқтур.
Ижозат этинг, юртимизга кетайлик.

— Бу ерда ҳукм битта бўлади. Сенинг даъвойинг
бўлмаса, буники бор. Пулни тўлайсан, тамом! — деди
«қози».

Кирасолиб ишни бузган қалдирғоч мүйловли бу кишидан најот тилаб мултиллаб қарадилар.

— Бизнинг бунча пулимиз йўқ, — деди ҳозиргина-да қўлини пахса қилиб гапирган даъвогар.

— Пулинг бўлмаса молинг бор. Шаҳарда қарин-дошларинг бор, ошна-оғайниларинг бор, — деди Кесакполвон. — Сен бир соатда пулни олиб келасан. Шерикларинг шу ерда ўтиради.

— Люкс хонамиз бор, — деди «қози», — бир соатда келмасанг, ҳар соатига яна мингдан қўшилади. Соат ўн иккигача етиб келмасанг, шерикларингдан умидингни уз. Ўзингни эрталаб ўзимиз қидириб топамиз.

Бу гапдан кейин даъвогарлар ўринларидан туриб қочишига шайланишган эди, орқада турган йигитлардан бигтадан мушт еб, масала узил-кесил ҳал бўлганини англадилар. Даъвогарларнинг учтаси ташқаридаги хужрага қамалиб, биттаси пул топиб келгани кетгач, Кесакполвон «қози»га қараб:

— Бунинг ҳақини бериб юбор, — деди.

«Қози» чўнтағидан пул чиқариб санади-да, жавобгар йигитга узатди:

— Омадинг чопиб қолди, ма, ол, — деди ҳиммат қилиб.

— Керакмас, пул керакмас, шулардан қутқарганларингиз учун раҳмат сизларга, — деди йигит пулдан кўзларини олмай.

— Сенинг ҳақинг бизга ҳам керакмас, — деди Кесакполвон. — Олавер, уст-бошингни тузат. Йигит бўлсанг, бундан кейин уч сўмга паст кетма.

Ҳозиргина бир балога мубтало бўлишдан қўрқиб ўтирган йигит ишонқирамаган ҳолда бир пулга, бир «қози» га қараб, қўлини чўзди.

— Ҳеч кимга айтмайман, — деди миннатдор оҳангда.

Бу гапдан «қози»нинг энсаси қотди.

— Хоҳласанг радиода гапирмайсанми! Бор жўна, қип-қизил тўнка экансан-ку?!

Йигит қайта-қайта раҳмат айтганича шошилиб чи-қиб кетди.

— Қўйиб берганингизда бу тўнканинг елкасига ҳам бир-икки сўм илардим, — деди «қози».

— Бунинг нимасига иласан, уч тийинлик патта со-тиб кун кўрадиган бола бўлса. Пули йўқлигидан уч сўмни талашиб калтак еб юрибди-да. Анави гўлларни жазолаш керак. Иккинчи лаллайиб юрмайдиган бўли-

шади. Сен энди йигитларингни олиб ташқарида кут. Бир одам келади. Ҳушёр бўлларинг. Яккама-якка гаплашишим керак.

— Дастурхонни янгилайми?

— Ҳа. Сал одамбашара қилиб қўй. Ўтирган жойларинг молхонага ўхшайди. Одаммисанлар ё молмисанлар?!

Кейинги гапини худди Асадбекка ўхшаб айтди. Тартибни яхши кўрадиган Асадбек дуч келган жойларда ўтиравермасди. Бирон-бир чойхонага боргудай бўлса ҳам ирkit кўрпачалар, ёф томган шолчаю дастурхонни кўргач, бир зум қараб турарди-да, сўнг индамай изига қайтарди. Кесакполвонга эса фарқи йўқ эди. Чарчаган бўлса, ирkit кўрпачага ҳам ёнбошлаб олаверарди. Унинг ҳозирги танбеҳи қози учун янгилик бўлса-да, «нозикроқ одам келади шекилли», деб ўйлаб, ижрода иккиланмади. Бир зумда дастурхон алмаштирилди. Патир нонлар, мева-чева... шунга яраша ичимлик билан безалди. Худди шуни пойтаб турғандай остонада аввал Хумкалла, сўнг кўзларида ҳайрат ва хавотир зоҳир бўлган табиб кўринди.

Хумкалла табибни «бир оғир касал бор, кўриб қўйинг», деган илтимос билан бошлаб келган эди. Машина чойхона ҳовлисига кириб тўхтагач, табиб унга ажабланиб қаради.

— Орқадан яқин йўл бор, у ёқقا машина ўтолмайди, — деди Хумкалла унинг савол назарига жавобан.

Табиб бир нимани сезди-ю, аммо қайтишга истиҳола қилиб, эргашди.

Табиб Хумкаллани танирди, аммо нима иш билан шуғулланишини билмасди. Агар бирор унга «Шу хумкалла Асадбекнинг одамларидан» деса, ишонмай кулган бўлларди. Лекин унинг устидаги кийим, тагидаги машина бу одамнинг анойилардан эмаслигини билдириб турарди. Табиб уни касалхонада бир неча бор кўрган, аммо айтарли эътибор бермаган эди. Онасини олиб кетгач, икки-уч ой кўринмади. Кейин кутилмаганда пайдо бўлиб, тугунча узатди-да:

- Ойим сизга атаган эканлар, — деди.
- Ойингиз... тузукмилар? — деди табиб.
- Ўлдилар. Охирги куни ҳам сизни дуо қилдилар.
- Касални сал ўтказиб юборган экансизлар, — деди табиб ўзини оқлаш мақсадида.
- Ойим «Худонинг хоҳиши шу», дедилар...

Тутунчада бир жойнамоз, күйлак, озгина пул бор эди...

Шундан кейин ҳам Хумкалла икки-уч келиб хасталанган танишлариникига олиб борди. Шу боис ҳам унинг бугунги ташрифи табибда ҳеч қандай шубҳа ўйғотмаган эди.

Хожатхона ёнидан ўтаётганида шу томонга тикилиб турган йигитларга кўзи тушиб, хавотири уйғонди. Остона ҳатлаб ичкари кириши билан рўпарада ўтирган қалдиргоч мўйловли одам «келинг, дўхтир!» деб кўйгач, шу ерда бир бало бўлишини фаҳмлаб, оёғида қалтироқ турди. «Ким бу ўзи? — деб ўйлади у. — Биттаси «Ҳеч кимга айтмайсан», деб қасам ичирди. Филайи келиб «жон керакми, қасам керакми?» деб кеирдагимни суғуриб олай деди. Буниси қайси томон?»

— Ўтиринг, дўхтур, — деди Кесакполвон, — касал кўравериб эзилиб кетгандирсиз. Соғ одамлар билан ҳам би-ир отамлашинг, — Кесакполвон шундай деб Хумкаллага қараб кўйган эди, у аста изига қайтиб, эшикни зичлаб ёпди. Табиб ўтириши билан Кесакполвон қўлига пиёлани олди-да:

— Оқиданми ё қизилиданми? — деб сўради.

— Раҳмат, мен ичмайман, — деди табиб.

— Нима бало, сўфимисиз? Дўхтир зотининг ичмайдигани бўлмайди, — у шундай деб пиёлаларга коняк кўйди. — Кўрқманг, мен сизни ўлдириш мақсадида чақирмадим.

— Кўрқаётганим йўқ... — деб гап бошлади табиб. Аммо Кесакполвон уни гапиртирмади.

— Қани, олайлик, олдирмайлик. Йигит ўлмайлик, бало кўрмайлик.

Косагул пиёлани бир кўтаришда бўшатиб, тамшаниб кўйгач, гапничувалаштиромай ичавергани маъқул эканини фаҳмлаб, пиёлани қўлига олди. У ичиб бўлгучиша Кесакполвон кутиб турди, сўнг яна кўйди-да:

— Жуфт бўлсин, — деб изоҳ берди.

Жуфтдан сўнг тоқ, кейин яна бир карра жуфт бўлиб, табибнинг юзларига қизиллик юргургач, Кесакполвон муддаога ўта бошлади:

— Очигини айтсам, дўхтир зотига тобим йўқ. Үн йилми ё ўн беш йилми олдин биқиним оғриб дўхтироҳонага борувдим. Биттаси иккинчисига рўпара қўлди, униси ўнинчисига юборди, хуллас, отнинг калласидек қофозга касалларимни ёзив беришди. Ет-

ти-саккиз хил касалим бор экан. Вей, томи кеттганлар, шунча касал ўликда ҳам бўлмайди, дедим. Берган дориларининг биттасини ҳам ичмадим. Мана, юрибман, ўлмай.

- Энди дўхтир текшириб қўриб, борини ёзади-да.
- Ҳе... ёзса ёзиб бўксин. Сиз... мени танийсизми?
- Йўқ.
- Хумкалла... кимлигимни айтмадими?
- Бир касални қўриб қўйинг, девди.
- Ҳа... ўша касал — менман.
- Сиз?

— Ҳа, мен. Менинг битта касалим бор. Ким мендан сир яширса, ўшанга қизиқавераман. Билиб олмагунимча қўймайман. Хўп, мени танимасангиз Асадбек деган одамни эшитганмисиз?

— Эшитганман, — табиб шундай деб Кесакполвоннинг ўткир нигоҳига дош беролмай кўзларини олиб қочди.

- Эшитганмисиз ё танийсизми?
- Танийман.
- У-чи? У ҳам сизни танийдими?
- Билмадим. Танисалар керак.

— Танисалар керак?.. Ҳм... мен ҳам таниса керак, деб ўйловдим. Маҳмуд-чи, уни ҳам танийсизми ё эшитганмисиз?

- Нима учун сўраяпсиз?
- Ҳозир айтдим-ку, шунаقا касалим бор, деб. Агар тўғрисини айтмасангиз касалим қўзиб, тутқаноғим тутиб қолса, чатоқ. Жавоб беринг!

— Танийман.

- Қанақасига танийсиз? Ким таништирган?
- Қўриб қўйганман.
- Кимни? Маҳмуднинг онасиними?
- Йўқ. Онасини танимайман.
- Кимни кўргансиз? — Кесакполвон энди таҳдид оҳангига ўтди. Бу оҳанг табибга тутқаноқнинг бошланнишидай туюлиб, бир сесканди.

— Кимни деяпман?

- Айтольмайман... Қасам ичганман.
- Менга айтишинг мумкин, — Кесакполвоннинг сенсирашга ўтиши ўзи айтган тутқаноқнинг бошланнишидан дарак эди. Табиб бу ҳам филайга ўхшаб кекирдагимга чанг солмасин, деб қўрқиб, айборларча секин деди:

- Асадбек акамни...
- Асадними? Уни нимага кўрасан? Касалми?
- Айтмолмайман... қасам...
- Қасам-пасамингни қуй. Мен Асаднинг энг яқин ошнасиман, мен билишим керак. Гап иккаламизнинг орамизда қолади.
- Биттаси ҳам шунаقا девди, айтиб қўйибди.
- Ким?
- Танимайман... гавдали бир филай одам.
- Шомилми?
- Отини билмайман. Келасолиб томоғимдан бўғди. «Асадбекнинг касалини айтасан», деб туриб олди. «Айтмасант ўласан», деди.
- «Ҳа, бу — Шомил, — деган қарорга келди Кесак-половон. — Бу хунаса қаердан ис олди? Асадбекнинг касали билан нега қизиқди?»
- Айтдингми?
- Ҳа.
- Қасамни бузган бўлсанг... ўлишинг керак.
- Айбим нима?
- Филайга нима дединг?
- Касалини айтдим.
- Қанақа касал? Шамоллаганми?
- Йўқ... касаллари жуда жиддий... рак. Ўпкаларида.
- Нима?! — Кесакполвон сапчиб туриб, стол атро-фини айланиб ўтди-да, табиба яқинлашгач, ёқасига чанг солиб бир-икки силкиди: — Нима деяпсан, хуна-са! Йўгалса рак бўлаверадими?!
- Текширдим. Красноярда ҳам қаратишган экан.

Красноярни эшитиб, табиби қўйиб юборди. «Отамни зиёрат қиласман», деб кетувди, дўхтирга тек-ширтиргани борган экан-да?» деб ўйлади. Жойига қайтиб боришга мадори етмаётгандай табибининг ёнига ўтириди. «Асадга нима бўлди? Нима учун дардини мен-дан яширди? Нима учун бу сирни Маҳмуд билиши мумкин-у, мен бехабар қолишим керак? Дўхтири сир очилмасин, деб ўлдиришмоқчи бўлишдими? Ё Фи-лайга айтиб қўйгани учунми? Филай билдими, демак, Ҳосил гимирлаб қолган. «Рак бўлса, эрта-индин ўла-ди», деган. Ҳосилнинг-ку, муддаоси аниқ. Маҳмуд-чи? Мендан кўрган яхшиликларига жавоби шуми? Чув-ринди деганичувриндилигича қоларкан-да, а? Асад-нинг ўрнига иштача сақляяптими? Менга хўжайин бўлмоқчими?.. Ебсан!»

Кесакполвон кейинги сўзни беихтиёр овоз чиқариб айтди. Табиб унинг нима деганини англамади:

— Гапингизга тушуммадим?

Кесакполвон чалғиган хаёлини бир ерга жамлаб, табибга қаради:

— Балки адашаётгандирсан? Красноярдагилар ҳам янглишишгандир?

— Бўлиши мумкин...

— Бўлиши мумкин? Унда нима учун ваҳима қиласан?

— Шунга асос бор-да. Узил-кесил хулоса чиқариш учун касалхонада ётишлари керак. Ўпкадан сув олсак, кейин аниқ бўлади.

— Нимаси аниқ бўлади?

— Агар сув тоза чиқса, бошқа гап, қонли, йирингли бўлса, унда... чораси қийин...

— Нега ётқизмадинг?

— Кўнмадилар.

«Овоза бўлишдан кўрқсандир», деб ўйлади Кесакполвон.

— Шу соҳадаги дўхтирларнинг зўри сенмисан?

— Мендан зўрроқлари ҳам бордир... лекин... хафа бўлманг-у... ҳозир чораси йўқ, улар ҳам ҳеч нима қилишолмайди.

— Кўлларингдан ҳеч бало келмаса, нима қилиб юрибсанлар дўхтирман, деб керили-иб? Бироннинг эрта-индин ўлишини айтиш учун ҳам дўхтир бўлиш керакми? Э, хунасан давронлар! — Кесакполвон хуморидан чиққунича сўкинди. Табиб ҳалқ оғзаки ижодини ўрганаётган олимдай бошини этиб, сукут сақлаганича тоқат билан тинглади.

— Хўп, — деди Кесакполвон сал ҳовуридан тушгач, — дўхтирларинг эплолмабди, янги чиққан экстрасенслар-чи?

Табиб бош чайқади:

— Улар лўттибоз-ку!

— Тузатишашётганиш-ку? Одамлари бормиш-ку?

— Мен у лўттибозларга ишонмайман. Асаблари заиф одамларни лақиллатишиди.

— Тузатиш ўзингнинг қўлингдан келмайди, лўттибозларга ишонмайсан. Бир одам шунаقا бўлиб ўлиб кетаверадими? Билиб кўй, Асад ўлса, сен ярим кун ҳам яшамайсан!

— Нимага ахир... мен...

— Латтачайнарлик қылма. Бу ҳукмни мен чиқарманганман. Бекор ҳам қилолмайман. Жонингни сақлашнинг йўли битта — Асадни тузатасан.

— Етишлари керак. Нур бераб кўриш керак. Доридармонларни айтганман.

Кесакполвон «Асадни тузатасан» деб буюришга буюрди-ю, «Бу энди унга қандай рўпара бўлади, ўлиши керак-ку?» деб ўйлади.

— Сен тузатолмайсан. Дўхтирнинг зўрини топ, — деб буйруғига ўзгартиш киритди.

Табиб ўйланаб туриб, уч кишининг исмени айтди. Кесакполвон уларни бирма-бир суриштираётганида иккиланган ҳолда яна бир исмни тилга олди.

— Ким у? — деб сўради Кесакполвон.

— У дўхтирмас, кекса бир табиб. Чорасиз касалларни ҳам тузатар эмиш. Лекин... ҳаммани ҳам қабул қиласвермас экан. Ҳушига келмаган одамни яқинлаштирмас эмиш. Мен уни кўрмаганман. Эшитганман. Балки ўша...

— Табиб дедингми? Ҳа, ана энди ўзингга келдинг. Дўхтирингдан шу тузук. Сенлар ўликнинг қорнини ёриб, кейин касалини айтасанлар. Табиб томир ушлаб туриб билади. Шуни топамиз. Сен эса... Ҳайронман, сени нима қисам экан... Сен қасамни бузгансан. Очигини айтайинми — жонинг Хумкалланинг қўлида. У сени ҳурмат қиласкан. Жонингни сақлаб қолмоқчи. Майли, мен розиман. Сен эса ўлмай десанг, унинг чизган чизигидан чиқмайсан. Ёт деса — ётасан, тур деса — турасан. Одам зотининг кўзига кўринмайсан, тухум босиб ётасан, тушундингми? Биз чиқарадиган ҳукм билан ҳазиллашма. Энди боравер. Хумкаллага айт, кирсин.

Табиб Асадбекни текшириб, касалининг рак эканини айтганида Маҳмуд «Бу сирни бирор билса — ўласан» деб огоҳлантирган эди. Табиб буни ўша онда шунчаки бир пўписа сифатида қабул қиласкан эди. Қасами ҳам астойдил эмас, уларнинг кўнглини тинчилиш учунгина эди. Бу оми бандада ислом фарзанди учун бундай қасам ичмоқ дуруст эмаслигини билса эди, тилига эҳтиёт бўларми эди. У қасамини унутаёзган ҳам эди. Филай келиб ҳиқилдоғидан олганда ўт билан ўйнашайтганни фаҳмлади. Ҳозир Кесакполвоннинг гапларини эшитиб, боши узра қандай абри бало тўпланиб қолганини идрок этди. Чўчқанинг озгини, негр-

нинг малласи бўлмаганидек, бу тоифа одамларнинг меҳр-шафқати йўқлигини шу пайтга қадар билмас эди. Табиб бу ердан эсон-омон, айни чоқда жони омонат ҳолда чиқиб кетажагини англаб ўрнидан турди. Ҳолдан кетиб, титраётган оёқларининг ўзига бўйсуниши қийин бўлди. Уч-тўрт қадам юрмай, Кесакполвоннинг овозини эшитиб, тўхтади.

— Агар... ҳеч чораси топилмаса... қанча яшайди?

— Аниқ айтольмайман... узоги билан беш ойга борар. Яна Худо билади. Агар қаралмаса, тезлашиб кетиши ҳам мумкин.

— Агар яна бирор суриштириб қолса, рак эмас, дейсан. Ҳиқилдоғингдан олса ҳам, «беш-олти йил яшайди», дейсан. Тушундингми, энди бор, жўна!

Табиб чиққач, Ҳумкалла кириб келди.

— Сени қарздор қилиб қўйдим, — деди Кесакполвон унга тикилиб. — Бўйнингга иккита жон илинди.

— Раҳмат акахон... лекин... сал тушунмадим?

— Тушуниш учун калла керак. Дўхтирни ўлдирмайлик, дедингми? Бу битта жонми? Энди бунинг ёнига ўзингникини қўш. Сен хўжайинингни сотдинг, айтган ишини бажармадинг. Маҳмудга айтсам, дўхтилинг билан битта гўрда ачомлашиб ётармидинг?

— Раҳмат акахон, энди тушундим. Яхшилигинги ни унусам, тил тортмай ўлай.

— Тўхта, ўлмай тур. Аввал қарзингни уз. Сен менга Маҳмуднинг ҳар бир айтган сўзини етказасан. Ҳар бир босган қадамини кузатасан. Билдингми?

— Билдим, акахон.

— Дўхтирни нима қиласан?

— Ишидан жавоб олса...

— Хўжайининг жуда ақли-ку, сенга ўргатмаганми? Калла борми, ўзи? Сенга уни ўлдир, дебмиди? Ишхонасидан рухсат олиб, кейин ўлдирасанми? Ҳе, аҳмоқ! Ҳозирнинг ўзида уни пана жойга яшир. Ишхонаси ҳам, бола-чақаси ҳам билмасин. Йўқолди, деб қидираверишсин. Бир ойми, бир йилми, қанча керак бўлса, шунча ўтиради. Хоҳламаса, юраверсин, сен бўлмасанг, бошқалар ўлдиришади. Орқасидан ўзинг ҳам жўнайсан. Хўжайинингта «Ўлдириб, сувга ташладим», дейсан. Мен билан бехит учрашиб турасан.

Ҳумкалла ишнинг ўзи ўйлагандек якунланганидан кувониб, бир иршайди-да, янги ҳожасига қуллуқ қилди.

Хумкалланинг «осон қутулдим», деб қувониши бежиз эмас эди. У ўз ҳожасининг айрим айбдорлар гуноҳини кечиб юборганини эшитган, аммо «Кесакполвон фалончига марҳамат қилибди», деб қулоғига чалинмаган. Хумкалла аниқ билади: янги, пинҳоний ҳожаси шунҷаки пўписа қилмади — хоҳласа, табибга қўшиб ўлдиртириб юбориши ҳеч гап эмас. Хумкалла фақат бир нарсани ажрим қила олмади: у-ку, ўз ҳожасига хоинлик қилиш эвазига жонини сақлайди. Табиб-чи? Табибга нима сабабдан марҳамат қилди? Наҳот табиб унинг биргина илтимоси билан тирик қолган бўлса? Бу нодон банданинг охиз ўйига келган фикрни қаранг: ўзига бино қўйган Кесакполвон беўхшов бир маҳлук сифатида кўрувчи шу одамчанинг илтимосини инобатга оларканми?..

Кесакполвон табибдан «зўр дўхтирлар»нинг номини сўраб олган бўлса-да, уларга мурожаат қилиш нияти *иўқ* эди. Чунки у бошқа табиб жалб этилса яна битта гувоҳ кўпайишини, шаҳарга овоза тарқалишини билади. Кесакполвон «керак бўлиб қолса шу табибининг ўзини ишга солавераман», деган мақсадда унга илтифот кўрсатган эди.

Ҳозирги фикри ўзига-да маъқул келган Кесакполвон бир неча нафас ҳузур қилди. Сўнг нимадир юрагини сиқиб кела бошлади. Омбурнинг икки жағи каби сиқаётган ўша «нимадир»нинг бир томони гумон, иккичиси хавотир эди. Гумони — Чувринди, хавотири — Асадбек. Қайси масалада бўлсин, Асадбек Чувриндининг маслаҳатига қулоқ тутса, Кесакполвон ғашланарди. Бу ғашликни баъзан ҳасад либосига ўраб, кўнглининг қоронғу бурчагига тўпларди. Кўнгилнинг бу қора бурчаги йиллар давомида лим-лим тўлган, энди вулқон каби отилишга етилиб қолган эди. Хумкалланинг ташрифи вулқон отилиши фурсатининг яқин келганидан бир дарак бўлди.

«Мамлакати» бу қадар қудрат касб этмаган дамларда, тетапоя чоғларида, милициянинг бир чертишида кунпаякун бўлиши мумкин пайтларда, дудаманинг ўт-кир тиги устида яшаган кезларида Асадбек Кесакполвоннинг маслаҳатларига қулоқ соларди. Агар Кесакполвон аҳмоқ бўлса, бемаъни маслаҳатлар берса бу «мамлакат» қаддини ростлаб олармиди? Бу Чувринди-

га қачон ақл бита қолди? Кесакполвонни нари суриб, доно вазир мартабасига қачон ўтириб олди?

Хар бир гуноҳкор банда каби Кесакполвон ҳам ўз ақлу фаросатига беҳад юқори баҳо беради. «Асадбек менинг маслаҳатларимсиз хору зор бўларди» деб ҳам ўйлади. Лекин берган маслаҳатларининг юздан тўқсони (балки кўпроғи) Асадбекнинг қулогига кирмагани, Асадбек бу «мамлакат» пойдеворини ўз ақли билан бунёд этганини тан олгиси келмайди.

Авваллари абри найсон сингари лахтак-лахтак сузиб юрган булутлар энди бирлашиб, ваҳимали қора туsgа беланган, ҳадемай жала қуиши, сел келиши кутилмоқда эди. Осмон булутлари раҳмат ёмғирларини ёғдирган чоғда, Кесакполвонда мавжуд алам булутлари оловли қаҳр ёмғирини ёғдиришга шайланмоқда эди.

Кесакполвон бир қисм ғашликларини кўнглининг қора бурчагига яширса, бир қисмини аждаҳо ўт пуркагандай сочиб туарди. Унинг бу ҳолати Асадбек учун кинодаги аждаҳо каби эди: бу аждаҳо оловини «ҳадеб жириллайверма» деб бирпасда ўчириб кўя қоларди.

Эртакдаги уч оға-ини каби улар уч йўл қаршисига келиб қолган эдилар. Асадбек борса-келмас йўлига рўпара келиб турибди. Маъмурлик йўли тор, унга бир кишигина сифади. Чувринди отни қамчилаб шу йўлни эгалламоқчими?

«О, Маҳмуд, чувринди укагинам, — деб ўйлади Кесакполвон. — Сен мени лақиллатмоқчимисан? Мен сени одам десам, илон экансан-ку? Кимни чақмоқчисан? Сенинг заҳринг менга ўтмайди, бола! Асадни Асадбек қылган сен эмас, мен бўламан. Кеча кавушингни судраб, поездга осилиб келиб, бугун таҳтга ўтирмоқчимисан? Тахт анча баландда, бола, чиқаман, деб чотинг иирилиб кетади-я!.. Асад... бекман, деб кериласан-у, аммо фирт аҳмоқсан. Қиморни ташлаган пайтларингда сени ким боқувди? Ўн сўм ўмарсам, еттиси сенини эди. Сен е-еб ётардинг. Мен эса сал нарсага қамалиб кетишмумкин эди. Энди мендан нимани яширасан? Касалингни билсам, тириклигингча кўмиб келармидим?.. Ишонган боланг ажалингдан олдинроқ ўлдирса-чи? Биламан, сен яхши хўжайинсан, итингнинг олдига суюк ташлашни унутмайсан. Менга ҳам нимадир берасан. Лекин сен янглишасан, ошна, мен суюкка қаноат қиласиган итинг эмасман. Мен кўлингдаги суюкни олиб, кимга лозим бўлса унга

үзим ташлайман. Суяк гажиши Чувриндиң ярашади. Лекин сен ўлишга шошилма, ошна. Мени ахмоқ қилмоқчи бўлсаларинг, майли уриниб кўраверларинг. Сенинг жонингни олмоқчи бўлган Азоил билан үзим олишаман. Бир кун бўлса ҳам умрингга умр кўштири масам юрган эканман...»

Эшик қия очилиб, остонаяда «қози» кўринди.

— Хумкаллага тилла бердингизми, жа-а оғзи қулоғида, — деди у ялтоқланиб.

Кесакполвон ўзи эрк берган хаёлларини яна ўз жойига жамлаб, занжирлаб, «қози»га қараб заҳарли илжайди:

— Унга берган нарсамни миллион тилла билан ҳам сотиб ололмайди.

— Нима экан у?

— Ё отанг, ё онанг гўнгқарға сен боланинг. Ҳамма нарсага бурнингни тиқаверма, деб неча марта айтганди-а! Ё бурнингни кесиб ташлайми?

«Қози» бу пўписа амалга ошиб қолмасин, деб қўрқибми, дарҳол қўлини кўксига кўйди-ю, бош эгиб мутелик кўринишини зоҳир этди. Кесакполвон унинг таъзимига эътибор бермай пиёлалаға коняқ қўйиб ичдида, газак қилмай ўрнидан турди. «Қози» итоаткор мулоzим кўринишида уни кўчага қадар кузатиб борди. «Лозим бўлса игнанинг тешигидан туюни ҳам ўтказиб юбора оламан», деб катта кетувчи «қози» хўжайнинг феъли айниб турганини фаҳмлаб, бундай кезларда чоракта гап ҳам ортиқчалигини билгани учун лом-мим демай, барча эҳтиромини таъзим орқали изҳор эта қолди.

Чойхона ҳовлисидаги машина ёнида турган йигитлардан бири орқа эшикни очди. Аммо Кесакполвон ҳайдовчи ўрни томон юрди. Унинг мақсадини англаған ҳайдовчи дарров жойни бўшатди. Кесакполвон «қози»га хайр ҳам демай, эшикни ёпди-да, машинани юргизди. Кузатувчи йигитлар тушган кулранг «Жигули» бетўхтов равишда унга эргашди.

«Қози» кирган вақтда Кесакполвон хаёlinи кишишлаган бўлса-да, юрагини қиздираётган фалаён ўтини ўчира олмаган эди. Бу ўт чойхонадан узоқлашгач, кишанни парчалаб, яна хаёлларига эрк бериб юборди. Машинани ўзи ҳайдашидан мақсади — кўнгли ёлғизликни кўмсаганидан эди. Ҳар бир инсон боласида мавжуд бўлганидек, унда ҳам баъзан шундай ҳол юз

берар эди. Аммо у ғофыл банда дунёга келганидан бери ёлғиз эканидан бехабар эди. Тұғри, воҳидлик — фақат Оллоҳга хос. Аммо одамлар орасида яшовчи банданинг самимий дўсти йўқ экан, ўзи Оллоҳдан узоқ, Яратганни ўзига ҳамроҳ билмас экан, уни ёлғиз санаш мумкин. Алқисса, ёлғиз одамгина ёлғизликини истайди. Кесакполвон атрофидаги одамлардан баъзиларини дўст, айримларини мулоғим деб ҳисобларди. Лекин жилмайиб турувчи бу дўсту мулоғимлар бошга тушган дастлабки баҳтсизликдаёқ синовдан ўта олмасликларини у ўйлаб кўрмаган эди. Агар садоқат — дўстлик юраги саналса, Кесакполвон атрофидагиларни юраксиз бандалар деб айтиш жоиздир. Бир донишманд «уруш — ботирни, жаҳл — донони, йўқчилик — дўстни синайди» деган экан. Кўп йиллардан бери йўқчилик нима эканини билмайдиган бу одам учун дўстни синаш имкони ҳам йўқ эди. Унинг Асадбек билан яқинлиги гарчи дўстлик либосида кўринса-да, аслида одам боласига хос самимийликдан йироқ, фақат бир мақсад йўлидаги мажбурий бирлашув эди. Улар шу йиллар ичи тиришиб, тирмашиб тоғ чўққиси томон интилдилар. Йўллари хатарли эди. Чўққига якка-ёлғиз ета олмасликларини билар эдилар. Шу сабабли бир-бирларини ҳимоя қилувчи арқон билан боғланган эдилар. Улар бу арқонни дўстликнинг темир занжирин деб фараз қиласидилар. Аммо бирорлари тойиб бу арқонга осилса-ю, иккincinnisinинг ҳаёти хавф остида қолса, бу арқоннинг кесилуви тайин эди. Чунки улар «бир киши ўрнига икки кишининг ўлмоқлиги бемаънилиkdir» деган ўзларига хос ҳаёт фалсафасига амал қилиб яшардилар. Чўққига етгунларига қадар улар бу синовга учрамадилар. Бир чўққини эгаллашгач, нарида янада баландроғи кўринганида Асадбек уни эгаллашни истамади. Улар яхши ҳамроҳ бўлар, деб Чувриндини ҳам чўққига олиб чиқкан эдилар. Мана энди Асадбек чўққини ташлаб кетмоқчи. Энди бу чўққи кимга насиб этади? Чувриндигами?

Кесакполвон «чўққидаги таҳтга Чувринди даъво-гар», деган фикрга келиб, янглишмаганди. Асадбек чиндан ҳам ўрнини Чувринди эгаллашини истарди. Аммо бу икки аъённинг чўққи талашиб, оқибатда иккovi баравар қулаши мумкинлигини ҳам сезиб турарди. Шу сабабли кафтдек чўққини иккига бўлиб, ўрта-

дан девор олиб, икки «мустақил мамлакат»га айлантироқни ўйларди. Шубҳасизки, Асадбекнинг бу ўйидан Кесакполвон бехабар эди. Билган тақдиррида эса бу ҳом хаёлнинг амалга ошишига йўл қўймаган, «Мен бор жойда Чувринди чуварндилигини қилсин, жойини билсин», деган бўлар эди.

У машинани шаҳарга олиб борувчи йўл қолиб, дала томон беихтиёр бурди. Унинг кўнгли фақатгина ёлғизликни эмас, кенгликни, жим-житликни ҳам истаётган эди. Кенгликни эса даладан топмоқни умид қилганди. Ажабланарли ери шундаки, тор кўнгил даладан паноҳ изламоқда эди. Тор кўнгил ҳеч қачон кенглик билан муроса эта олмаслигини эса у билмасди. Жимликни ҳам даладан истаётганди. У кишанни парчалай олган хаёллари шовқини жим-житликни яқин йўлатмаслигини ҳам билмасди.

Асфальт тугаб, трактор гилдираклари ўйиб юборган йўл бошлангач, машина бир-икки қаттиқ силкиниб, тўхтади. Изма-из келаётган машина ҳам ўттиз қадамча нарида тўхтади.

Кесакполвон «нима бўлди экан?» деб ўйламади ҳам, тушиб қарамади ҳам. Фақат рўпарасидаги кафтдек кўзгу орқали орқасига бир назар ташлаб қўйди. Аммо узоқ ўтира олмади. Юраги тошиб, ташқарига чиқди-да, машинадаги йигитларга қараб бақириди:

— Ҳў, аммамнинг бузоги, нимага анқаясан?! — савол қуруқ бўлмасин, деб йигитларнинг оналарини бир сидра «эслаб», «ўқиб ташлагач», сал ҳовури пасайиб, яқинда карамлари йифишириб олинган, энди молларга роҳат бахш этаётган дала сари юрди. Бу манзара кўзни кувнатадиган даражада гўзал бўлмаса-да, юрагида жиндек сурори бор одам ўзича таскин топиши мумкин эди. Бундай фазилат улашилганда навбати етмай қолган Кесакполвонга сал нарида безрайиб қараб кавш қайтараётган сигир ёқмади. Энгашиб муштдай тош олди-да, сигирнинг онасига ҳам «муҳаббатини изҳор этиб» отди. Сигир қочмоқчи бўлиб бўйинни бир қайирди-ю, сўнг «ўзинг пачоққина одам экансан, нимага дўқ қиласан, ё шохимга илиб отиб юборайми?» дегандай мўъраб қўйди. Кесакполвон отган иккинчи кесак яғринига теккач, «пачоқ бўлсанг ҳам шайтоннинг жиянига ўхшайсан, сен билан пачакилашмай қўя қолай», дебми, бурилиб нари кетди. Чўчиб қочмай, аста бурилиб кетиши ҳам Кесакполвоннинг ғашини

келтириб, учинчи марта кесак отди. Сигир эса пашша кўригандай думини ҳаволатиб қўйиб, секин кетаверди.

Йигитлар қорни ерга тиравиб қолган машинани итариб катта йўлга олиб чиқишигач, Кесакполвон изига қайтиб, ҳайдовчисига қараб бақирди:

— Нега серрайиб турибсан! Ўтири, ҳайда машинани!

Ҳожасининг бундай қилиқларига кўнишиб кетган ҳайдовчи ҳам, йигитлар ҳам бир нафасдаёқ жойжойларини эгалладилар.

Ҳайдовчи шаҳар йўлига чиққунча индамади. Сўнг айбдор одамнинг овозида сўради:

— Қаёқقا ҳайдай?

Кимни чақиши, захрини кимга солишни билмаётган Кесакполвон унга ўқрайиб қараб:

— Онангнигига... — деб сўкинди. Сўнгра тоғ довони ортидаги бир жойнинг номини айтди.

Ҳайдовчи «рост айтипсизми?» дегудай бўлса, онасию бувилари яна қайта эсланиши мумкинлитетини билиб, шаҳарга кирмай, айланма йўл орқали тоғ сари юрди. Довондан ошиб ўтишганида қоронги тушиб қолган эди. Кесакполвон табиб чол яшайдиган жойни тунда қидириб топиш қийинлигини фаҳмлаб, машинани сой бўйидаги чойхона сари буришни буюрди.

Ёз ойлари туну кун йўловчилар билан гавжум бўлувчи чойхонанинг эгаси барча қатори уларга ҳам лутф кўргазиб кутиб олди-да, «Ташқари салқин, ичкарида ўтира қолинглар», деб пастак уйга бошлади.

Шаҳар томонларда куз борлиққа хукм ўтказаётганидан талтаймоқда эса-да, қишининг барвақт ҳамласига дош беролмаслигини билиб, бу ерларни тезроқ ташлаб қочмоқ ҳаракатига тушган эди. Ярим тунда турган қаттиқ шамол бўғотларга урилиб, увиллай бошлади. Тонгга яқин қор аралаш ёмғир ёғди. Йигитларнинг бири шу уйда, қолганлари машинада эдилар. Барчалари совқотиб, субҳда уйғонищди-да, чойхоначи билан ҳисоб-китоб қилиб йўлга тушиши. Водийни кесиб ўтиб, табиб чол яшайдиган тоғ ёнбағридаги қишлоққа пешинга яқин етиб келишди.

4

Дарахтзорга бурканган қишлоқ осуда, эзиз ёғаётган ёмғир қишлоқ аҳлини уй-уйига ҳайдаган, шағал бостирилган кўчалар кимсасиз эди.

Табиб чол асли бу ерлик эмас. Йигирманчи йилларда жамият васвасага тушиб, «қама-қама», «қулок қыл», деган касалга учраган дамларда бу бало офати уларни иссиқ уйларидан ҳайдаб чиқариб, шу ерга ҳайдаб келган эди. У пайтларда қишлоқ сал пастроқда бўлиб, «Тўнғизқоя» деб аталувчи бу жойга одамлар яқинлашишни исташмас эди. Узоқдан тўнғизнинг тумшуғига ўхшаб кўринадиган қоя атрофидағи тошлоқ ерда дараҳт ўстириш қийин бўлгани сабаблими, қишлоқ паст томонга қараб кенгаяр, бу томонга чиқишини истовчилар эса топилмас эди.

Улар дастлабки йили бир деҳқоннинг каталакдек уйидан паноҳ топишиди. Кейинги ёзда шу қояга орқа қилиб бир бостирма солиб, кўчиб чиқишиди. Табиблик — чолга ота мерос, тўққиз аждоди табиб ўтгани унга маълум. Боболари Оллоҳнинг бандаларига шифо беришида сабабчи бўлишганини, аммо бу хизматлари эвазига бемордан сариқ чақа ҳам олишмаганини яхши билади. Одамларга холис хизмат қилиш ҳам ота мерос. Бир-икки бемор аввало Оллоҳнинг марҳамати, қолаверса, отасининг илми туфайли соғайгач, уларнинг обрўлари ошди. Шу обрў орқасидан серҳосил ерларга эгалик қилишлари ҳам мумкин эди. Бироқ отаси «Бу ер шу қишлоқ одамларининг ризқи. Оллоҳ насиб этса, биз ўз ерларимизга кетармиз», деб қоя пойидаги қаровсиз жойни танлаган эди. Табиб чол ўшанда, бола кезлари ҳам бостирма эмас, тузукроқ уй қуриш имкониятлари мавжудлигини биларди. Боболардан мерос қолаётган тиллалар борлигидан ҳам хабардор эди. У туғилиб ўсган қишлоғида данғиллама иморатда эмас, кўримсизгина уйда яшагани, назарга илинарли молмулки йўқлиги сабабини кейинроқ, отаси ҳаётдан кўз юмар пайтда билди. Боболари бу юртга бошқа ерлардан келганликларини, охир-оқибат аждодлар юртига қайтишни васият қилганлари, тиллаларни фақат ўша ерларда ишлатишга ижозат этганларидан хабар топди. Бу васият авлоддан-авлодга мерос қолар, ким, қачон боболар ерига қайтажагини билишмаса-да, оила сирига хиёнат қилмас эдилар. Отаси қишлоқ аҳлини ўлимдан кутқариш учунгина хазинадан оз қисмини ишлатган, шунданми умрининг сўнгги кунларида жон беролмай азобланган эди.

Хумкалла бошлаб келган, Чувринди ўлимга ҳукм этган табиб бу чолни кўрмаган, ҳаётини, тарихини ҳам

билмас эди. **Фақаттина унинг довругини эшиштган эди.** Кесакполвонга унинг манзилини айтаётганида «Асадбекка қарамаса керак», деб ўйлаган эди. Ўзини қудрат бобида иккинчи ўринга қўювчи Кесакполвон эса чолни шаҳарга олиб келишига, дўстининг шу чол қўлидан шифо топишига, шу туфайли «Асадбек — Чувринди» битимининг кулини кўкка совуришига амин эди. Кудрат бобида ўзини иккинчи ўринга қўяди, дейилганда биринчи ўринда Яратган қодир Худо туради-да, деб англашингиз табийи. Агар Кесакполвонни назарда тутиб, шундай десангиз, адашасиз. Чунки у «камтарин» банда қудрат бобида ўзидан олдин фақат Асадбекни кўради. Агар «ҳой гуноҳкор банда, аввали Оллоҳ!» десангиз-да, учинчи ўринга тушиб қолишни сира истамайди. Агар шаҳардаги табиб «овора бўлиб бориб юрма, ўша чол сенинг қудратингни бир пулга олмайди, мағур бошингни эгади, сузмоқчи бўлган шохингни синдириали», деганида тили кесилиши мумкин эди. У чолнинг феълини яхши билмагани учун ҳам бундай жазодан қутулиб қолди.

Чолнинг ҳовлиси гир айлана қўрғон қилиб ўралган, аммо дарвоза ўрнатилмаган эди. Ҳовлининг бир қисмита пастак уйлар курилган, асосий қисми эса молхона, отхонадан иборат, этакдаги баланд бостирма остида қишлиқ хашак ғамлаб қўйилган эди. Уйлар олдига икки қатор мевали дараҳт экилган, ҳовли ўртаси яйдоқ, тўрт ерга етти яшар боланинг белидек келадиган йўғонликда, бўйи бир ярим қулочли хода қўмилган эди. Тепа қисми одам бошини эслатадиган бу ходачалар отларнинг қозиги экани, бу хонадонда улоқчи чавандозлар яшашини ҳамма ҳам дарров англайвермайди. Ҳарҳолда Кесакполвон бунақа манзарани илк дафъа кўриши эди. Шу сабабли қайси бир кинони эслаб, бу қозиқлар унга чўқинадиган бутлар каби туюлди.

Бегона одамлар кирганини сезган отлар пишқиришди. Иккита катта ит ўрнидан туриб, «нимага келдиларинг?» дегандай тикилиб қолдилар-у, аммо вовулламадилар. Кесакполвон ит талаб қолмасин, деган хавотирда табиб чолнинг отини айтиб чақирди:

— Раҳмон ака!

Отхона томондан «ҳози-ир» деган овоз келди. Бир оздан сўнг эгнига паҳталик, бошига телпак, оёғига

кирза этик кийган қора соқолли бир киши чиқиб келіб, улар билан саломлашды.

— Раҳмон ака сизмисиз? — деди Кесакполвон, унга бошдан-оёқ разм солиб. У табиб өзінің фаришта күринишида, оптоқ либос кийиб юрувчи оқсоқол бўлса керак, деб ўйлаган эди.

— Йўқ, мен ҳамсоялариман. Уста отга қарайтувдилар. Бугун Аравонда катта улоқ, денг, ашаққа бориш керак. Эндила жўнаймиз, деб турувдик.

— Биз шаҳардан келдик. Касалимиз бор, — деди Кесакполвон.

— Пича кутиб тураллар, тақсир. Қани, ичкарига кирсинлар, бу ер шабадароқ, устингиз юпун экан.

Кесакполвон совқота бошлаган эди, ноз қилиб ўтиրмай, чап томондаги биринчи хонага кирди. Йигитлар чекишини баҳона қилиб, ташқарида қолишиди. Кесакполвон кириб ўтиргач, мезбон фотиҳа ўқиб, узр сўради-да, чиқди. Дам ўтмай қирра бурунли бир ўспирин салом бериб кириб, дастурхон ёзди. Кесакполвон бир пиёла чойни ичиб улгурмай эшик очилиб, баланд бўйли, қирра бурунли, кўзлари думалоқ, қошлари қалин, калта соқолли одам кўриниб салом берди. Кесакполвон билан сўрашиб ўтиргач, фотиҳа ўқиди. Сўнг ўрнидан туриб енгил таъзим қилганича «хуш келдингиз», деб калта соқолини силаб қўйди.

— Раҳмон ака сизмисиз? — деб сўради Кесакполвон.

Бу гап чолга ёқмай, пешанасини тириштириди:

— Мен Худо эмасман. Оллоҳнинг кулиман. Исмим Абдураҳмон.

Кесакполвон унинг нима сабабдан бундай деганига тушунмади. Буни олифта бир гап ўрнида қабул қилди. У «шаҳардан атай келганимизни билиб бу қишлоғи табиб хурсанд бўлиб кетади», деб ўйлаган эди. Чолнинг менсимайроқ қараши унинг ҳам ғашини келтирди. Худонинг қудратини қарангки, улар дастлабки салом-алиқдаёқ бир-бирларига ёқмадилар. Чунки иккевларида ҳам бир оннинг ўзида кибр уйғонган эди. Бандага хос бўлмаган кибр ўзининг энг зўр вазифасини — одамни-одамга ёмон кўрсатиш, бир кимсанни иккинчисидан нари итариш ишини амалга оширишга киришган эди.

— Довругингизни эшишиб, шаҳардан атай келдим, — деди Кесакполвон «шаҳардан» сўзига урғу бериб. — Ошнам касал, бориб кўрсангиз, хурсанд қиламиз.

Кейинги гап чолдаги қайсарлик дарвозасини ланг очиб юбора қолди. У соқолини силаб, Кесакполвонга тикилди. Ҳар бир нарсани пулга сотиб олиш мүмкин, деб ҳисобловчи Кесакполвон рўпара-сидаги бу чолнинг бениҳоя кўп бойлик эгаси эканини қайдан билсин? Бу чолнинг ҳар қандай бойликка нафрат билан қарашини билган тақдирда ҳам нима учун шундайлигини Кесакполвон фаҳмлай олмаган бўларди.

Абдураҳмон табиб унга бир оз тикилиб тургач, тилга кирди:

— Ошнангиз хаста бўлса, Оллоҳ шифосини берсин.

— Машинада бориб келасиз. Уринмайсиз. Тузатсангиз, оғзингизга сиққанича сўрайсиз, бир тийин кам берган — номард!

— Шундайми? — деди чол, Кесакполвондан кўз узмай. — Пулингиз шунаقا кўп бўлса дўхтурларга бермайсизми?!

— Уларнинг қўлидан келмайди. Ошнам рак бўлиб қолган.

— Ҳа-а... дарди оғир экан, бояқишининг. Лекин мен сиз айтган жойга бормайман.

Чолдан бундай гапни кутмаган Кесакполвоннинг жаҳли чиқиб, ўрнида бир қимирилаб олди. Атрофида-гиларнинг ҳамиша қуллуқ қилиб туришига, айтган амри бетўхтов ижро этилишига кўнишиб қолган Кесакполвон учун бу гап кутгилмаган бир зарба эди. Яқин орада ҳеч ким унга бу тарзда муомала қилмаганди. Кимсан, Ҳайдарбек, катта бошини кичик қилиб, қанча йўл юриб келса-ю, бу пистакўмирга ўхшаган чол олифталик қилса!

«Ўзим аҳмоқман, — деб ўйлади Кесакполвон, — йигитларни юборсам-ку, юмалоқ-ёстиқ қилиб бўлса ҳам етказишарди...» Йигитларнинг ўзларини жўнатиш фикри шаҳардаёқ хаёлига келган, аммо гувоҳ кўлпайишини истамай, ўзи йўлга чиққан эди.

— Амаки, ўйлаб гапиряпсизми? Қанча йўл юриб келганимизни биласизми?

— Билмайман. Қаердан келганингизнинг менга фарқи йўқ.

— Сиз табибмисиз ўзи?

— Одамлар шунаقا дейишади. Оллоҳ истаса мен бир восита бўламану дардмандга шифо етади. Бўлмаса йўқ.

— Нима, менинг ошнамни даволашни **Худойингиз** истамаётидими? — деди Кесакполвон, фижиниб.

— Оллоҳ, бир меники эмас, барчамизники, — деди чол овозини бир парда кутариб. — Сиз номусулмон одамга ўхшаб сўзлар экансиз.

Шу пайт ташқаридаги юк машинанинг пишқириб тұхтагани овози эшилди. Кейин эшик очилиб, ҳамсоя күринди-да, кутилаётган машина келганини маълум қилди.

— Отларни олиб чиқаверинглар. Мәхмөн шошиб турибдилар. Гапимиз ҳам битди, — деди Абдураҳмон табиб унга жавобан.

Чолнинг бу гапи Кесакполвоннинг назарида бехурматлик чегарасидан ҳам ўтиб кетиб, чинакамига аччиқланди.

— Сиз яхши иш қилмаяпсиз. Агар хоҳласак, машинага босиб олиб кетишимиш ҳам мумкин. Биз билан ўйнашманг.

Бу пўписадан чолнинг ҳам ғазаби қайнади. Аммо меҳмөнни қувиб чиқармаслик учун сукут сақлаб, ўзини босишига мажбур этди. Кесакполвон эса бу жимликини ўзининг фойдасига ҳал қилиб, «битта пўписалик жонларинг бор, сенларнинг», деб қўйди.

— Ошнангизга Худонинг ўзи шифо берсин, омийн, — деди Абдураҳмон табиб, фотиҳага қўл очиб.

— Борасизми? — деди Кесакполвон амр оҳангидан.

— Йўқ, боролмайман.

— Сиз ўйлаб гапирмаяпсиз. Билиб қўйинг, ошнам ўлса, бу уйда битта ҳам тирик жон қолмайди!

Агар Кесакполвон бу гапни кўчада айтганида, эшигадиганини эшитарди. Чол мусулмоншева күринса-да, баъзан ўзини тута олмай қоларди. У қайсар эди, тажанг эди, бандага номуносиб иллатлардан бебахра ҳам эмасди, аммо ҳар қандай шароитда меҳмөннинг иззатини қилишга мажбур эканини биларди. Ҳозир мезбонлик бурчи ҳамма нарсадан устун келиб, Кесакполвонга қаттиқ тикилиш билан чекланди. Унинг вужудида алнга олган ғазаб ўтини шу кўзлари билдириб турарди.

— Ҳа, нимага тикилиб қолдингиз, борасизми? — деб сўради Кесакполвон энди таҳдид оҳангидан.

— Сен... — Абдураҳмон табибининг овози титраган ҳолда чиқди. — Валади зинога ўхшайсан...

Шу ўринда чол мезбонлик вазифасига озгина хиё-

нат қилишга мажбур бўлди. Ўрнидан туриб, хонани тарк этди. Кесакполвоннинг ғазаби уникидан кам эмасди. Аммо у меҳмонлик бурчи нима эканини билмасди.

Кесакполвон юқ машинаси ёнидаги отларга қараб турди-да, йигитлардан бирини имлаб чақириб, қулоғига шивирлади:

— Буларнинг изидан борасан. Бекит жойда отларни қуритасан. Одамларига тегма. Биз секин юриб турдиз, етиб олларинг.

П б о б

1

...Атрофга шом қоронгуси бостириб келадир. Кеч кузнинг изгириныли нафаси соchlарини аста тўзитадир. Жувоннинг вужудини эса хуфтон зулумоти босадир, юраккинаси музлайдир, танаси совукданми ёхуд ўлим шарпасининг қўркувиданми енгил титрайдир... Кумушбиби бўлмоқни орзу этган бокира, инжу орзулари лойга қоришган Тупроқбиби, унданда баттар қавмда сўнгти нафас сари борадир...

Отасининг кўзлари «Сен ҳур қизлар билан бирга бўласан», деди. Лекин Зайнаб ўзидаин шармандани ҳур қизлар қаторларига олмасликларини билади. Аммо бундай ҳолларда астойдил тавба қилмоғи, ҳаётдан кўз юмар арафасида бир мартағина бўлсин пешанани саждага олиб бормоғи лозимлигини билмайди. Билганида эди, титроқ бармоқлари отаси ташлаб кетган арқондан сиртмоқ ясамоққа уринмаган, Яратганинг омонатига хиёнат қилмоққа тайёрланмаган бўларди.

Отаси арқон ташлаб кетди. Отасининг мақсадини бир қарашдаёқ англали. Доридан караҳт бўлган, шармандали воқеадан чайқалган ақли ўйламоқдан, мулоҳаза юритмоқдан ожиз эди. У фақат бир нарсани идрок этди — отасининг ҳукми мутлақ тўғри! Аслида Зайнаб шармандали уйда, кийинаётган маҳалида ўзини-ўзи ўлим жазосига ҳукм этган эди. Отаси бу ҳукмни қандай ижро этишни кўрсатди халос...

Сиртмоқ ясаётган бармоқлари бирдан тўхтаб, яrim юмуқ кўзлари очилди. Уй бурчагига тикилиб қолди. Гапирай деса тили айланмади. Ўлимга шайланаётган

жувоннинг уй бурчагида елкасига хуржун ташлаган қора хотинни кўриб қўрқиб кетиши сиз учун ажабланарли ҳол туюлар. Агар бу қора хотин унинг кўзига жон олгувчи Азоил сифатида кўринган бўлса-чи? Бу хотин айнан бугун эрталаб нон тилаб келган, сўнг ақдни лол қолдирадиган тарзда кўздан йўқолган бўлса-чи?!

«Чиқиб кетувди-ку? Уйга яна қандай кириб олди? — деб ўйлади Зайнаб. — Эрталаб қўлида чақалоги бор эди. Боласи қани, қаёққа ташлаб келди?»

... Чиндан ҳам қўлида кир латтага ўралган чақалоги бор эди...

Зайнаб эрталаб баданидаги оғриққа шифо топиш илинжида Мардонага қўнғироқ қилишдан олдин ўзини енгишга уриниб, хаёлинни чалғитиши мақсадида кўчага чиқди. Биронта қўшни аёлни учратсан, озгина лақиљашиб турсам, оғриқ чекинармикин, деб ўйлаганди. Қўшнилар билан айтарли кирди-чиқди қилмайдиган Зайнаб шу тобда уларни кўргиси келди. Ҳар куни эрталаб кўча супуриш баҳонасида бошланувчи хотинлар мажлиси озгина танаффусдан сўнг кун ёйилгунча давом этар, сергап хотинларни кўриб, Зайнабнинг ғаши келарди. Ҳар қандай мажлисда танаффус бўлганидек, хотинларнинг кўча издиҳомида ҳам тахминан бир соат давом этадиган узилиш мавжуд эди. Бу вақт мобайнида хотинлар эрларини ишга, болаларини мактабга, боғчага кузатишиб яна кўчада пайдо бўлишар, «миш-миш халта», «ғийбат тўрва»лар баралла очилиб, бити тўкилиб яйраган одамдай ҳузур қилишарди. Уларнинг анжуманлари болаларидан бирининг мактабдан қайтгунига қадар ҳам давом этиши мумкин эди. Бугун «мажлис» қолдирилганми ё барвақт ниҳоясига етганми, нечундир хотинлар кўринмади.

Зайнаб бўм-бўш кўчага қараб тургач, изига қайтди. Ҳовли томон уч-тўрт қадам кўймай, бир овоз уни тўхтатди:

— Янга, ҳов янга, бирпасга тўхтанг, дардингизни олай.

Зайнаб ўтирилиб, дарвоза остонасида турган озгин, қора хотинни кўриб ажабланди: «Ҳозир кўчада ҳеч ким йўқ эди-ку, бу қаёқдан пайдо бўлиб қолди?» Зайнаб ажабланганини яширмаган ҳолда аёлга разм солди: қўлида кир латтага йўргакланган чақалоқ, елкасида хуржун. Киприк қоқмай тикилиб турибди.

Зайнаб уй томон юрмоқчи эди, қора хотин яна тұхтатди:

- Менга қаранг, дардингизни олай.
- Ҳозир пул олиб чиқаман, — деди Зайнаб.
- Пулингиз керакмас. Сизга мен бир гап айтай. Түйингизда бўлғанман. Ўша куни менга бирор бир сўм бермади, хор бўлдим. Аммо эрингиз менга кўп пул берди. Бир хотун қўйлаклар берди. Мен дуо қилдим, бу уйдан қарз бўлиб қолдим. Қарзимни узайин деб бир гап айтгани келдим. Дардингиз оғур янга, дардингизни менгина олай, аммо бугун кўчага чиқманг. Ҳудо, денг, дардингиз кетади. Энди сиз менга биттагина нон беринг, дардингизни олай.

Зайнаб ошхонага кириб қутини очди-да, суви қочган яримта бўлкани олиб «назарга илармикин» деган ўйда иккиланди. Сўнг «бошқа нон йўқлигини айтарман», деб изига қайтди. Қайтди-ю, ҳовлиниң ўртасида тұхтади: қора хотин кўздан йўқолган эди. Тез-тез юриб кўчага чиқди. Кўча ҳам кимсасиз эди. Яримта бўлкани кўтариб кираётган Зайнабни кўрган Элчин:

- Ҳа, нима бўлди? — деб сўради.
- Гадой хотин кирувди...
- Нон бермоқчи бўлдингми, улар ҳозир нон олармиди, пул бера қолмабсан...

Зайнаб эрига қора хотиннинг гапларини тущунтириб ўтиrmади. Элчин кетгач, баданидаги оғриқлар кучайди. Беихтиёр телефон гўшагини кўтарди. Мардонани топди. Қора хотиннинг гапларини унуди.

Айнан ўша қора хотин ҳозир, сиртмоқ тугилаётган дамда уй бурчагида турибди. Елкасида хуржун, аммо боласи йўқ... Зайнаб унга тикилганича лом-мим демай қотиб қолди. «Қачон кирдинг уйга?» демоқчи бўлди, аммо тили айланмади. Қора хотин эса ундан савол кутгандай, киприк қоқмаган ҳолда ҳаракатсиз тураверди. Бу ҳолат бир неча дақиқа давом этди. Зайнаб ўзини осмай туриб, бармоқларининг жон таслим қилаётганини сезди. Яқингинада сиртмоқ тугаётган бармоқлар энди жонсиздек, ўзига бўйсунмас эди.

«...Агар Азроил шу бўлса, ўзимни осмай туриб жонимни шундайгина олиб қўя қолмайдими?.. «Ўзини осибди» дейилса, одамлар минг хил миш-меш тўқишишади. «Тўсатдан ўлибди» деса, «бечора» деб қўя қолишинади. Азроил бўлса нега тикилиб турибди? Шартта чанг солиб, жонимни сугуриб ола қолмайдими? Ё ар-

қонга осилишими пойлаяптими? Уйда осганимда бу қора хотин йўқ эди. Шунинг учун тирик қолганмидим? Йў-ўқ... унда ойим кутқариб қолгандилар. Энди... ойим йўқлар... Ҳозир... Ҳозир осаман... Сен қанақа Азроилсан ўзинг, осишими пойлаб нима қиласан? Ўлимга рози бўлганимдан кейин оладиганингни олавермайсанми?»

Зайнаб кейинги гапларни бақириб айтмоқчи эди. Бироқ, лаблари сал қимирилади-ю, овоз чиқмади.

Ниҳоят иккала томоннинг сукут билан олишувига хотима ясалиб, қора хотин тилга кирди:

— Нима қиляпсан, ўзингни осмоқчимисан?

Эрталаб қора хотин мулойим эди, энди эса сенси-раялти, овози ҳам дағал.

Зайнаб унинг саволига бош иргаб қўйди.

— Осиб овора бўлма, сен ўлмайсан.

«Ўлмайсан? Нега? Бу ким ўзи — Азроил эмасми? Ўлмаслигимни қаердан билади?»

— Гапимга тушунмадингми? Ўлмайсан.

— Нега? — Зайнаб ўзининг овозини аранг эшилди. Бу овоз худди бегонадек, тубсиз қудуқ қаъридан эшилгандек туюлди.

— Мен биламан, сен ўлмайсан, — деди қора хотин киприк ҳам қоқмай, — Сен узоқ яшайсан. Шу қадар узоқ умр кўрасан-ки, яшаш жонингга тегиб ҳам кетади. «Омонатингни ол!» деб Худога ялинасан. Аммо Худо сенинг нолаларингни эшилтмайди.

Ўлимдан кўрқмаётган жувон қора хотиннинг бу гапини эшитиб чўчили:

— Нега?! — Зайнаб бу сафар баландроқ авжда сўради.

— Сен Худодан узоқлаша бошладинг. Мен эрталаб келиб «Кўчага чиқма» дедимми? Сен қулоқ солмадингми? Дарвоза остонасини ҳатлаб чиқишинг билан Худодан узоқлаша бошладинг. Энди ҳар қадаминг билан узоқлашаверасан. Сен ҳозир осон ўлим топмоқчимисан? Йўқ, бундай ўлим сенга насиб этмайди. Худо сенга узоқ умр бериб жазолайди.

Зайнаб қора хотиннинг Худодан узоқлашиш ҳақидаги гапларини идрок қила олмади. Бу гапни бошқа пайтда, руҳи тетик дамларда эшиганида ҳам дуруст англамаган бўларди. Шу ёшга етиб, Оллоҳга яқинлашмоқча интилиб яшамоқнинг нима эканини билмаган, эшитмаган, ҳатто ота-онаси ҳам Яратганни дуруст танимаган одамнинг бу гапларни фаҳм этмоғи мушкул.

Зайнабга бирор шу пайтгача «Сени Оллоқ яратган, унга қуллуқ қыл, ундангина најот күт», демаган. У ўқиған китобларининг қули эди, сурурга банди эди, ўз тасаввури билан яратган дунёда шодон яшамоқчи эди. Пойдевори сурурдан иборат ҳар қандай қўрғон ҳаёт деб атадмиш кичик бир палахмон тоши тегиши билан яксон бўлишини ўйлаб ҳам кўрмаганди. Ўзининг тасаввури билан яратган дунёси эса тутундан иборат, ҳаётниңг енгилгина шабадасиёқ уни тўзитиб юбориш кучига эга эди. Шундай бўлди ҳам. Бу сурур, бу алдамчи дунё уни шу сиртмоқ сари етаклаб келди. Қора хотин эса «узоқ яшайсан, қийналиб ўласан», дейди. «Нимага бунақа дейди? Мени лақиллатмоқчими? Битта тугун тугсам бўлди. Кейин осаман. Узоги билан уч дақиқа кифоя...»

Ҳа, уч дақиқа кифоя эди. Зайнабга айнан шу уч дақиқа етмади. Телефоннинг қаттиқ жиринглаши қора хотиннинг гапларини тасдиқ этгандай бўлди.

2

Олмония сари учиб бораётган Манзура ўзини дорбоз каби ҳис этарди.

Уч йил аввал Асадбек икки ўғлини хорижга ўқиш учун юбориш ҳаракатига тушганида қувонган эди. «Ўғилларим оталари сингари қыл кўпприк устида яшамайдиган бўлишади», деб Худога шукрлар қилди. Асадбек тўнғич ўғил туғилганидаёқ «Мен буни ўқитиб, зўр одам қиласман», деганди. Орадан йил ўтиб кейинги ўғил дунёга келганида ҳам шу аҳдини айтди. Бу мақсадини тез-тез такрорлаб турса-да, Манзура ишонқирамас эди. Фарзандлари улғайгани сайин «от ўрнини той босмас эди» деб чўчириди.

Унинг хавотири ўринсиз эди. Асадбек фарзандларига қаттиқ ўғилмаса-да, эркалатмади, ўқишини назорат қилди. Яхши муаллимларни ёллаб, ўғилларининг вақтни бекор ўтказишига йўл қўймади. Фурсат етгач, иккала ўғлини олдинма-кейин Москвадаги ўқишга киритди. Бир томондан зарнинг кучи, иккинчи томондан болаларнинг идроки зўр келиб, Олмонияда ўқиш имкони туғилиши билан бу имкониятдан бетўхтов фойдаланилди.

Ўшанда қувонган Манзура ўзини дорбоз ҳолига тушажагини фаҳмламаган эди. Жуда баланд тикилган,

соғинч деб аталувчи бу дорнинг бир томонида ўғилла-ри, бир томонида эри билан қизи. У эса уқувсиз дор-боз, қўлида лангар чўпи ҳам йўқ. Дорнинг ўртасига келиб олиб, дам олдинга, дам орқага қарайди...

Уйдан чиққанидан бери юраги ғаш. Эри касал, қи-зининг юзларидан қон қочган, кўзларига хасталик бу-лути кўланка солган. Қизи сездирмасликка ҳаракат қиласади. Лекин онанинг юрагини алдаб бўлар эканми?

Бормайин деса, у томонда ўғиллари... Баҳона қи-дирса эридан балога қолади. Борайин деса...

Учоқ булутлар ҳамласидан юлқиниб чиқиб оҳиста суза бошлагач, учоқ бекаси патнисдаги билтур қадаҳ-ларда ичимлик тутди. Манзура калта кўйлакли бекага «бу нима?» деган маънода қараган эди, у изоҳ берди:

— Пепси-кола, пиво, вино.

Манзура: «Керакмас, ичмайман», дегандай бош чайқади. Шу пайтгача қош-кўзларига зеб бераётган ёш жувон бўйин чўзиб патнисга қаради-да:

— Пиво кимники, финларникими? — деб сўради.

— Москваники, — деди учоқ бекаси.

— Вино-чи?

— Вино ҳам.

— Фу, — деди жувон, кейин Манзурадан илтимос қилди: — Пепсини узатиб юборинг.

Манзура «пепсиси қайси бири экан?» деб ўйланиб ўйига етунича жувон унинг шундай тумшуғи остидан қўлини узатиб қадаҳлардан бирини олди. Сўнг ярмини ичди-да, сумкасидан япалоқ шиша идишни олиб, қоп-қофини очди. Манзура унинг ҳаракатларини кўз қири билан кузатди. У япалоқ идишдаги ичимлик хориж коняги эканини билмас эди. Коняқдан пепси-кола усттига қўйилиб, сумкадан бир қаричли найча чиқарилиб, симира бошлангач, Манзура киноларда кўрганини эслаб, хонимчанинг коктейл ичаётганини фаҳмла-ди. Манзура бунақа ҳолатни ҳаётда энди кўриши эди, шу боис «кинода кўрсатадиганлари тўғри экан-да» деб кўйди. Манзурунинг у билан гаплашиш истаги йўқ эди. Хонимчанинг қилиғи ёқмаганидан ёки русчани яхши билмаганидан эмас, балки хаёл ипининг бир уни эрида, қизида, бир уни ҳадемай учрашиши лозим бўл-ган ўғилларида бўлгани сабабли ҳам унга жим кетиш маъқулроқ эди. Баъзилар руҳи безовта пайтда ким би-лан бўлса бўлсин, сұҳбатлашиб хаёлини чалғитишга, шу йўл билан руҳнинг эзувчи тўрларидан қутулиб чи-

қишга уринади. Манзура ундей тоифадан эмас. У ҳар қандай рухий азобнинг муте чўриси. Сафарга отланганидан бери шу чўрилик либосида.

Ичимлик симириб бўлингач, хонимча сумкасидан сигарет чиқариб, бирини лабига қистирди-да, сўнг қутини Манзурага узатиб, илтифот қилди:

— Олинг, чекинг!

Манзура чекувчи аёлларни кўрган-у, аммо «қачондир, кимдир менга ҳам чекишини таклиф қилас», деб ўйламаган эди. Шу боис ҳамроҳининг таклифини дарров англаамади.

— Чекасизми? — деб сўради хонимча унинг дарров жавоб бермаганидан ғаши келиб.

— Йўқ-йўқ, — деди Манзура, ҳижолат бўлиб. Унинг бу ҳоли зимдан кузатилса, чекмагани учун уяляпти, деб ўйлаш ҳам мумкин эди.

Хонимча «чекмасанг баттар бўл», дегандай бир чимирилгач, сигарета тутатди. Дам ўтмай уchoқ бекаси келиб:

— Аэрофлот қоидасига кўра салонда чекиш мумкин эмас, — деди.

Хонимча унинг гапларига эътибор қилмади.

— Сизга айтяпман! — деди бека, қатъйроқ оҳангда.

— Тупурдим ўша аэрофлотингга ҳам, қоидасига ҳам, — деди хонимча. — Бор, ишингни қил, менга халақит берма. Мен текинга учмаяпман. Пулини тўлаб қўйганман. Қандай хоҳласам, шундай учаман.

— Қоидани бузганингиз учун қўнган еримизда жарима тўлайсиз.

— Вой, вой, кўрқитиб юбординг-ку, қўнган еримизда, агар истасам, самолётингта қўшиб ўзингни ҳам сотиб оламан. Ўлаёттан пайтингда ҳам оёғимни ўпиб ўласан.

— Безбет экансиз!

— Бор, ишингни қил, аммо кимлигингни унутма!

Уchoқ бекаси бу бало билан баҳслashiшнинг фойдаси йўқлигини билиб бир нима деб пичирлаганича бурилиб, нари кетди. Манзура унинг нима деганини эшитмаган бўлса-да, эркаклар айтадиган ширин сўзлардан эканини фаҳмлаб, лабини тишлади. Хонимча ҳамроҳи эса бу сўзларни овоз чиқарилиб, икки қултумгина ичилгач, Манзура суҳбатта тортилди.

— Бу ювуқсизлар қачон одам бўларкин, а?

Манзура нотаниш аёлларнинг орасига тушмоқни лозим кўрмади, индамай ўтираверди. Хонимчага ҳозир эшигувчи қулоқ керак эди, шу боис Манзуранинг саволига жавоб бермагани андак ғашини келтирган бўлса-да, гапини давом этди:

— Худога шукр, булардан қутуладиган бўлдим, — у думалоқ дераза оша пастга қараб қўйиб, хитоб қилди: — Хайр, ювуқсиз Россия!

Манзура бу гапни эшитиб, сесканиб тушди. У ватанпарварлик, Ватанга садоқат, муҳаббат деган баландпарвоз гаплардан узоқ эди, аммо айни чоқда ўз юртига нисбатан бундай дейиш мумкинлигини ҳазм қила олмай, ҳамроҳига савол назари билан қаради. Хонимча бу қарашнинг маъносини уқиб, изоҳ берди.

— Бу менинг гапим эмас, Гоголь деган ёзувчи ўтган, эшигтанмисиз? У Россияни ташлаб кетаётганида шундай деган.

Тарихдан, хусусан Гоголь тақдиридан хабардор одам унга жавобан «Эй нодон, Гоголь киму сен кимсан, ўзингни кимга тенглаштиряпсан? Бу гап айтилган замон қайдо-ю, бугунги замон қайдо?» деган бўларди. Манзура эса бу тарихдан бехабар бўлгани сабабли «Гоголь дегани ҳам фалати экан-да» деб ўйлади. У ҳамроҳининг асл мақсадини англамади. Юртини ташлаб кетаётган бу хонимча шу гапи билан рус бўлмаган аёлнинг кўнглини қитиқламоқчи, уни ўзига ҳамдард қилиб олмоқчи эди. Унинг мўлжалича, Манзура бу гапни эшигтгач, «Ҳа, чиндан ҳам ювуқсиз, булар фалон, булар пистон...» дейиши лозим эди. Шунда у «Россияни шунинг учун ташлаб кетяпман», деб баҳонасини рўйач қилган бўларди. Лекин кутган гап айтилмади. Хонимча «Булар бир нима дейишга кўрқишиди», деб ўйлаб, аччиқланди. Шу топда у гапирмай келаётган аёлдангина эмас, ўзидан ҳам нафратланди: «Менинг қаёққа, нимага кетаётганимни у билмаса, унга тушунтиришим шартми?...»

Одам табиати шундай: баъзан бирон ножӯя қадам кўяди-ю, кейин ўзини оқлаш мақсадида баҳоналар излайди. Бирор «нимага шундай қилдинг?» деб сўрамаса ҳам баҳоналарини айтишга шошилади. Ўзи тўқиган, аммо ўзи ҳам ишонмаган баҳонага бошқаларни ишонтироқчи бўлади. «Иштонсизнинг ҳадиги чўлдан», деб балки шунга айтилар.

Хонимча Манзуранинг қараб туришидан тутоқди:

— Нимага қарайпсиз? Гапим ёқмадими, ё тушун-
мадингизми?

— Тушундим... лекин...

— Нима, лекин?

— Ўзингиз русмасмисиз?

— Хўш, рус бўлсан-чи?

— Ўзингизнинг юртингизни шундай дейсизми?

— Хўш, чиндан ҳам ювуқсиз бўлса-чи? Хўш, ўзингиз кимсиз, қозоқмисиз, тоҷикмисиз?

— Ўзбекман.

— Агар Ўзбекистон шунаقا бўлса, индамай юраве-
расизми?

— Худонинг ўзи асрасин!

— Йўқ, сиз менга аниқ жавоб беринг: шу гапни
айтмайсизми?

— Тилим кесилса ҳам айтмасман.

— Хўш, нимага? — Хонимча шундай деб кутидан
яна бир сигарета олиб, лабига қистирди. — Фақат
«Ватанимни севаман» деманг, бунаقا гапларни ми-
лиард марта эшигганман.

Манзура нима дейишини билмасди. Нима десин:
киндиқ қоним тўкилган тупроқ мен учун муқаддас,
унда ота-онам ётибди, азиз-авлиёлар ётишибди, бир
куни ўзим ҳам шу тупроққа қўшиламан, қандай қилиб
уни лаънатлаш мумкин? Ўз юртини лаънатлаган тилни
кесиб, итга ташланса, ит ҳам бу тилдан ҳазар қиласар,
емас?

Манзуранинг дилида шу туйғу бор, лекин бундай
сўзларни маромига етказиб улаб, айта олмайди. Би-
роқ, хонимча унга қалтис савол берди, жавоб кутяпти.

— Шундай дейсиз-у, эрта-индин яна шу... ювуқсиз
деганингиз жойга қайси юз билан қайтиб келасиз?

— Ким қайтиб келади? Менми? Ўлсам ҳам қайт-
масман. Тупурдим бунаقا жойга.

— Энди... бу ёқларда яшамоқчимисиз?

— Ҳа. Ўйнашим кутиб турибди. Германияга бора-
ману ундан Парижга учаман. Парижда яшайман!

«Ўйнашим кутиб турибди?» Бу гапни шу тарзда
бешаёлик билан айтилгани Манзурани титратиб юбор-
ди. Манзура назоратдан ўтаётганида бу хонимчанинг
бир йигит билан кучоқлашиб, ўпишиб хайрлашганига
кўзи тушган эди. «Демак, у боёқиш эри... бу ёқда эса
ўйнаши... Вой шарманда, ё тавба...» Манзура шундай
деб ўйладио бирдан ёдига Зайнабнинг Элчинга айтган

сўзлари ёдига тушиб оёқ-қўлига муз югурди. «Наҳотки менинг қизим ҳам шундай бўлса?!» деган фикр миясиға яшин каби урилиб, жонини суғуриб олгандай бўлди.

Жисм оғриса чидаш мумкин, руҳ зада бўлса, эзилса чидамоқ мушкул. Кўзини юмиб, инграб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Хонимчанинг бошқа гапирмай жим кетиши бир жиҳатдан яхши бўлса-да, иккинчи томондан Манзура ни нохуш хаёллар ҳукмига топшириб қўйди. Омадсизлик-да, агар ҳамроҳи бамаъни бўлса, суҳбат билан овунарди, бу азоблар ҳам йўқ эди. Бундай ҳолларда банда чорасиз. Исломий илмдан хабардор бўлганида ҳам, шайтон васвасаларидан паноҳ излаб, Яратган сари интилар эди. Тангрига солиҳ банда бўлиш тизгинсиз хаёлларга банди бўлишдан қутқаради. Бундай паноҳ йўқ экан, азобни тортаверади.

У ўзини кўнгилсиз хаёллар панжасидан қутқармоқ учун кўзини очганида хонимча Зайнаб бўлиб кўриниб яна инграб юборди. Шу бўйи яна кўзларини юмганича, то учоқ кўнгунича очмади. Учоқдан тушар маҳалида ҳам хонимчага қарамасликка тирищди. У ўзини ҳам, кўзларини ҳам ҳамроҳидан олиб қочар, аммо аксига олгандай, хонимча дам ёнида, дам рўпарасида пайдо бўлиб қоларди.

Хонимча бошқаларни туртиб-суртиб бўлса-да, назоратдан аввалроқ ўтди. Шунда Манзура унинг ўйнашини кўрди. Камида олтмишни уриб кўйган, кал, малла башара семиз одамни кўриб, «Ўл-а, топганинг шумиди?» деб қўйди.

3

Манзура келинликка номзодлар ҳам кутгани чиқишига керак, деб фараз қилган эди. Шу сабабли соғинтирган ўғилларини бир-бир бағрига босиб, худди гўдагини эркалагани каби суйиб, ўпаётганида нигоҳи кўз ёшлиарининг хира пардаси орқали ўша қизларни излади. Манзура ўғилларини қайта-қайта бағрига босгани билан соғинч саҳросида ташналик азобида қийналган кўнгли қониқмаётган эди. Бу учрашув, бу кўришув саҳро юзига уч-тўрт ёмғир томчиси тушгани каби эди. У фарзандларини бирма-бир қучоқлашга қаноат қилмай қулочини кенг ёйди-да, сўнг жўжаларини

икки қаноти остига олиб авайлагандай бараварига қу-
чоқлади.

Кўзлардан оқсан соғинч, баҳтиёрлик ёшлари ти-
ниб, ҳаяжон тафти сал босилгач, улардан икки қадам
нарида ўрта бўйли, қораҷадан келган тилла ҳалли кў-
зойнак тақсан одам яқинлашиб, қўлидаги бир даста
гулни Манзурага узатди:

— Марҳабо, хоним афандим, хуш келдингиз, —
деди у Манзура учун бегона бўлган лутф билан.

— Доктор Худоёр устозимиз бўладилар, — деди
Самад, уни онасига танишириб.

— Ёдингиздадир, биз сиз ила телефон орқали сўз-
лашмак шарафига мусассар бўлган эдик. Бу ташрифин-
гиз чўх гўзал бўлмиш. Чўх миннатдорман, чўх баҳтиёр
бўлмишам, хоним афандим.

Манзура бундай илтифотга нима деб жавоб қайта-
ришни билмай, бош силкиб қўя қолди. Эрида, хона-
дони атрофидагиларда бундай лутф бўлмагани сабабли
ҳам у жавобга ожиз эди. Доктор Худоёр учун бу ҳол
коронгу эди. Шу боис аёлнинг бош силкиб қўйишини
унинг ҳаяжонига йўйди.

— Абдусамад, иним, сиз юклар ила машгул бўлинг,
биз бора турамиз, — деди доктор Худоёр.

Тўнгич ўғлига «Самад» деб исм қўйиб, шу ёшга
қадар «Самаджон», деб эркалаб чақириувчи онага «Аб-
дусамад» дейилиши ажаб туюлди. У ўғлининг доктор
Худоёрга дастлаб учраб «Исмим Самад» деганида «Ас-
Сомад — Оллоҳнинг сифатларидан бири, яъниким,
бутун маҳлукотнинг ишини битириувчи, барча ҳожат-
ларни сўрайдиган зот, демакдир. Сиз билан биз эса
Оллоҳнинг қулларимиз. «Самад» десангиз Худо бўлиб
қоласиз. Исмни тўғри талаффуз этмак жоиздур. Сиз
«Самад» эмас, «Абдусамад» сиз», деб танбеҳ эшигга-
ни билмас эди.

Манзура «қизлар кутгани чиқмадими?» деган ўйда
атрофга бир аланглади. Унинг фикрини англашмоқ
учун доктор Худоёрга шунинг ўзи кифоя қилиб, ку-
лимсиради:

— Хоним афандим, узр этмагингизни сўрайман.
Сизга пешвоз чиқмак учун қизларни-да таклиф этмиш
эдик. Улар ташрифингиздан сарфароз эсалар-да, бунга
чиқмоқдан уятдилар. Уларнинг чўх гўзал одоблари вор-
дур. Уларни узр этмак, дуо қилмак жоиздур, хоним
афандим. Буюринг хоним, Абдулҳамид, кечинг.

Бундай сўзларни эшитганида Асадбек қандай ажабланган бўлса, ҳозир Манзура ҳам шундай таажжубланди.

4

Бу шаҳарнинг бошқа ерларга нисбатан орасталиги билан ажралиб туришини ҳар қандай одам йўл-йўла-кай билиб олади. Машинанинг орқа ўринидигида, икки ўғлини икки қаноти остига олиб бораётган Манзура атрофга сукланиб боқмаса-да, буни сезди. Фидиракларнинг дўқилламай, машинанинг чайқалмай, сакратмай оҳиста сузишини, одамларнинг йўл четларида тартиб билан юришларини, озодаликни бир неча дақиқалик сафар чоғидаёқ сезиш мумкин эди.

Олдинги ўринидикда ўтирган доктор Худоёр шаҳар оралаб юришаётганда орқасига ўгирилди:

— Хоним афандим, биз-да олмонларнинг шул кентинда мусофирилик ичинда истиқомат этмақдамиз. Қаранг, кент чўх гўзалдир. Сизлар буларни нима деб атаясизлар? — доктор Худоёр кулимсиради. — Чириётган капитализмми? Қаранг, қандай чиримакда!

Манзура бу каби сиёсатдан беҳад узоқ бўлса-да, радиодан айтилувчи шунга ўҳшаш гаплар қулоғига кириб турарди-ю, аммо мулоҳаза қилиб, фаҳм этишга уринмас эди. Доктор Худоёрнинг ҳозирги киноясига ҳам тушунмагани сабабли жавоб ўрнига енгилгина жилмайиб қўя қолди. Бу жилмайиш доктор Худоёрга илҳом бериб, шаҳарни мақтайдерди. Айрим биноларнинг тарихини ҳам баён қилишни унутмади.

Бир соатлардан сўнг баланд бинолар сафи сийраклаша бошлади. Ана шунда доктор Худоёр изоҳ берди:

— Хоним афандим, Музаффархон Марғilonий жаноблари sizни кент ҳудудидан ташқаридаги виллада кутмакдалар.

Вилла деганлари ғоятда озода боғ, уч қаватли иморат, мармар ҳовуздан иборат эди. Вилла одам бўйи келадиган панжара билан ўралган, бу қўриқлаш мақсадида ўрнатилган девор эмас, балки кўча ҳамда кўшни вилладан чегаралаб турувчи рамзий тўсиқ эди. Манзурани Музаффархон аҳли аёли Гулузор бегим билан пешайвонда кутиб олишди. Ичкарида, шохона безатилган кенг хонада ўндан зиёд эркагу аёл — Олмонияда истиқомат қилувчи ўзбекларнинг юқори табака вакиллари меҳмон кутиш баҳонасида тўпланган эдилар.

Соҳиб байт лутф қилиб, уларни бир-бир таништириди. Эркаклар енгил таъзим ҳамда жилмайиш билан меҳмонни шарафлашди. Аёллар ўзларигагина хос бўлган қизиқувчанлик, зийраклик билан Манзуранинг кийимиға, бармоқларидағи узукларга, бўйнидаги дурмаржонга қараб олганларидан кейин жилмайган ҳолда қўл узатдилар. Бундай маросим, бундай танишувни энди кўриб турган Манзура қандай ҳаракат қилишни, нима дейишни билмай хижолат бўлди, ўзини нокулай ҳис этди. Доктор Худоёр буни сезиб, таништирув чоғида гап қўшиб, ҳазиллашиб, кулгу уйғотиб, нокулай вазиятни чекинтиришга ҳаракат қилди.

Манзурани айни чоқда қимтинишга мажбур этаётган яна икки омил мавжуд эди. Бири — уйнинг ҳашами бўлса, иккинчиси — ўзининг либоси эди. Гарчи эрининг давлати буларницидан кам бўлмаса-да, уйлари бу даражада эмасди. Бундай уйларда яшаб ўргангандан одамлар Асадбекникуга боришса ажабланишлари турган гап эди. Эри бу қадар ҳашамни ёқтирамасмиди, ё данғиллама уй солишдан кўрқармиди, Манзура буни билмайди. Ўзи эса ҳеч маҳал бунга қизиқмаган.

«Қизлар бизнинг уйимизни назарга илишармикин?»

Остона ҳатлаб ичкари кирган Манзуранинг хаёлига келган дастлабки фикр шу бўлди.

Дунёдаги барча аёлларда бўлганидек, Манзурада ҳам либосга қараб қўйиш одати бор эди. У бир қарашнинг ўзидаёқ, мезбонлар либосининг шоҳона эканини билди. Уларникуга нисбатан ўзиники ғарибгина туюлди. Агар қимматбаҳо безаклари бўлмаса, уни шу уй хизматкорлари қаторига қўйиш мумкин эди.

Танишув сўнгидаги улар чеккароқда ийманиб турган икки қизга яқинлашдилар.

— Менинг қоронгу осмонимни ёритиб турувчи икки юлдузим — бири Чўлпоной, бири Муштарий, — деди Музаффархон фаҳр билан.

Қизлар кўзларини ердан узмай, бараварига салом бердилар. Манзура алик олгач, доктор Худоёр сўз қотди:

— Иншоolloҳким, бу юлдузлар сизнинг осмонингизда ҳам нур сочажак!

Қизлар уялишиб, ўгирилдилар-да, зина томон юрдилар. Сўнг илдамлик билан юқорига кўтарилилар.

Уларни кўрган заҳоти Манзуранинг юраги жиз эти. Қизлар бағоят гўзал, истарали эдилар. Балки ҳаз-

рат Навоий «Рухсорида ломаи малоҳат, гуфторида нашъиаи фасоҳат» деб битик битгандарни шундай гӯзалларни назарда тутдиларми, Худо билади. Манзура ҳозирча уларнинг рухсоригагина банди бўлди, ҳали сўзларини эшигтгач, шундай қизларни ўғилларига насиб этгани учун Яратганга шукрлар қилиши тайин.

Манзура барча билан бир сидра танишиб чиққач, Гулузор бегим илтифот қилди:

— Азизларим, Манзурахон бегим ила мени маъзур тутгайсизлар, сизларни бир неча дақиқага тарк этајакмиз.

Манзура мезбонга эргашиб, аввал шинам даҳлизга чиқди, сўнг мўъжаз меҳмонхонага кирди.

— Бунда ором олмоғингиз мумкин, Манзурахон бегим. Чанталарингиз бу ерда. — Мезбон шундай деб, ён эшикни очди. Манзура бир кишилик ётоқхонани, каравот ёнида турган жомадонини кўриб, «чанта» нима эканини фаҳмлади.

— Сиз ташрифингиз ила барчаларимизни фоятда сарфароз айладингиз, бегим, биз бунда ота юртдан келган ҳар бир ватандошларимизнинг нафасига муштоқ яшаюрмиз. Шул боис ватандошлар ташрифингизга пешвоз йигилдилар. Сиз ҳордиқ чиқаринг, мен пича фурсат ўтгач, хузурингизга қайтажакман.

Мезбон чиққач, Манзура юмшоқ курсига омонатгина ўтирди. У уйнинг ҳашами, мезбонларнинг такаллуфидан ҳайрон, гўё бегона юртга, бегона одамларникига эмас, балки бегона дунёга келиб қолгандай эди. Тўю-зиёфатларга бориб «эсонмисиз-омонмисиз...»дан бошлаб, керакли-кераксиз гаплар билан вақт ўтказишга, кетма-кет киритилувчи овқатларга, «олинг оповси, олинг, овсин» деган меҳрибончиликларга ўрганиб қолган аёл учун бу чиндан ҳам ўзга дунё эди. Шу сабабли Манзура йўлдаги ҳолатини, қизи ташвишидаги хаёлларини, ўғилларини бағрига босган чоғдаги масъудликни бир зум унутиб, ўзини қандай тутмоқлиги лозимлигини ўйлади. Гулузор бегимнинг бу хонага бошлаб киришидан мақсади ювениб, кийимларини алмаштириб олиш учун шароит яратмоқ эканини фаҳмлаб, ўрнидан турди. Шунда ётоқхона ёнидаги эшикнинг қия очиқ турганига, бу ернинг ювениш хонаси эканига эътибор берди.

Манзура ювениб, тараниб бўлгач, мезбонни яна ўн дақиқа кутди. Сўнг Гулузор бегимга эргашиб, танишув

маросими бўлиб ўтган катта хонага қайтди. Давра куриб ўтирганлар Манзуранинг ташрифини жилмайиб, бош иргаб қўйиш билан шарафлашди. Давра тўрида, икки ўғил ўртасида икки жой бўш эди. Манзура билан Гулузор бегим ўтиришлари ҳамон хизматчи келиб қаҳва тутди.

Манзура кирганда узилган суҳбат, қаҳвадан бир ҳўплаган онда давом қилди. Доктор Худоёрнинг ёнида ўтирган озғин одам ҳам қаҳва ҳўплаб олиб, фикрининг давомини изҳор этди:

— Мен жаннатмакон Шермуҳаммадбекнинг бутун бўй-бастлари ила акс этган ҳайкални-да бориб кўрмакни ихтиёр этдим. Ахир мен Шермуҳаммадбек ҳали ҳоли-ҳаёт эканликларида бир неча бора суҳбатларидан баҳраманд бўлмак шарафига етушганман. Мен лол қолдимки, айнан ўзларига ўхшабди. Яна лол қолдимки ҳайкални ўрнатмакка юрт оғаларида рағбат йўқтур.

Гулузор бегим Манзурага қараб, паст овозда: «Саъдуллохон Ватанга бориб қайтиб эдилар. Таассуротларини айтмакни ихтиёр этиюрлар», деб изоҳ берди.

Саъдуллохон деганлари таассуротини интиҳосига етказмай, доктор Худоёр эътиroz билдириди:

— Азизим, агарчи менда-да ҳукм бўлган чоғинда ҳам ҳайкални ўрнатишга изн бермас эдим.

Фикрининг қабул қилинишига ишонган Саъдуллохон бу қадар кескин эътирозни кутмагани учун ажабланди:

— Нима учун? — деди у норози оҳангда.

— Бунинг бир неча сабаблари вордур: илк сабаб ўзулким, ҳайкал ўрнатмаклик — Исломга тамомила ёттурсур. Бутпараст мушрикларнинг йўлидур. Исломдан нарида сўзламак истасак, Шермуҳаммадбек бундайин шарафга нолойиқ шахсадир.

— Ажаб! Ажаб! — деб юборди Саъдуллохон. — Шермуҳаммадбекнинг кимлигини билурмисиз ўзингиз?

— Билиурман, азизим, — деди Худоёр, хотиржам оҳангига хиёнат қилмай. — У муҳтарам зотнинг маълум ҳаракатлари учун хурматимни изҳор этганим ҳолда деюрманки, сиз айтган шарафга лойиқ эмасдурлар. Яъниким, Мадаминбекни шаҳид қилмоқда иштироклари бўлганини кечирмоқ асло мумкинмасдир.

— Агар Мадаминбек хоинлик кўчасига кирган бўлсалар-чи?

— Сайдуллохон, азизим, қалбимдасиз. Сиз билан бу хусусинда аввал ҳам баҳслашиб эдик. Мадаминбекнинг шўролар билан битимидан асл мақсади сиз билан бизга қоронғу бўлгани сабабли ажрим қўлмоққа ҳуқуқимиз йўқтур. Сиз билан мен бу хусусинда бир битимга кела олмаганимиз боис, баҳсни янгила-майлик. Фикримнинг давоми шуки, Шермуҳаммадбек амиралмуслимини шаҳид этиб қочганидан сўнг...

— Кочганлари йўқ, ҳижрат қилдилар. Ҳижрат қилмоқлик эса суннатдир. Еинки жаноби Расулилоҳнинг ҳижратларини-да инкор этажакмисиз?

Бу савол доктор Худоёрга ёқмагани учун заҳарли жилмайиб қўйди. Аммо галидаги босиқлик оҳангини йўқотмади:

— Азизим, сиз мени бир тоққа, бир боққа бошламакдасиз. Пайғамбар афандимиз, саллоллоҳу алайҳи васаллам, ҳижратлари билан Шермуҳаммадбекнинг қочоқликларини тенглаштироқнинг ўзиёқ гуноҳ саналур. Сиз муҳтарам афандимга эслатмагим жоиздурки, пайғамбар афандимиз ҳижрат қилганларидан сўнгра улуғ ғазотнинг раҳбари бўлдилар. Шермуҳаммадбек эса, — доктор Худоёр яна жилмайди, — майли, сиз айтганингизча бўла қолсин, «ҳижрат қилганларидан» сўнгра тан оромидан ўзга нарсани билдиларми? Ўзларини амиралмуслимин, деганлари ҳолда нечун жиҳодни давом эттирмадилар?

Сайдуллохон жавобга оғиз жуфтлаган чоғда уй эгаси Музаффархон галга аралashiб, баҳсни юмшатмоқчи бўлди:

— Доктор Худоёрнинг қаричлари узунроқ, — деди у кулимсираб, — ўлчовни ҳамиша баланд олворадилар. Росмана ўлчов билан қарасак, Мадаминбекнинг ҳам, Шермуҳаммадбекнинг ҳам оми одамлардан бўлганликларини унутмаслигимиз дурустдир. Уларда ҳарбий илм борми эди? Шермуҳаммадбек милтиқ отишни Мадаминбекдан ўрганиб эдими? Улар қўлларига илк марта милтиқ олибоқ ким билан олишдилар, эсланг! Жаҳон муҳорибасинда чиниккан ўрус аскарлари билан жанг қилдилар-ку?! Улар то ўша кунларга қадар сиёsat ни-ма эканини биларми эдилар? Йўқ, азизларим, билмас эдилар. Ҳарбий илмдан узок, сиёsatнинг алдовдан иборат бир нарса эканини билмаган ҳолда жанг қил-

дилар. Ҳа, уларда на ҳарбий, на сиёсий илм бор эди. Аммо у улуғ зотларнинг муборак қалбларида Ватанни севмак туйгуси бор эди. Биз, азизларим, ана шу туйгуни шарафламагимиз шарттур.

— Афандим, — деди доктор Худоёр, унинг сўзини бўлиб, — буни мен-да дуруст англаюман. Бироқ, Шермуҳаммадбек жиҳодни давом эттиргани мумкин бўлмаган экан, Ватанда душман қўлидан ўлим топмоғи шарафлироқ эмасми эди?

— Ажаб! Ажаб! — деб юборди Саъдуллохон, овозини бир оз баландлатиб. — Сизнинг бу гапларингиз менга Ватандаги бир шўропарастнинг сўзларини эслатди.

— Сабр этмакни ихтиёр қилинг, афандим. Менинг-да сўзим ҳали интиҳосига еткани йўқтур. Сиз-да, афандим, ҳижратни тилга олдингиз, аммо улуғ Бадр муҳорибасини хаёлингиздан паришон қўлдингиз. Англаюманки, улуг Бадр муҳорибасинда шаҳид бўлганлар шарафига етмак мушкул бир вазифадур. Аммо минг тўққиз юз ўн тўрт санасинда Чаноқ қалъасиндағи муҳорибани англаюрмисиз? Бир қалъада тўрт юз эллик минг шаҳид! Уч юз эллик минги талабалар! Англаюрмисиз буни?! «Кими ҳинду, кими ям-ям, кими билмам не бало...» Улар-да шаҳид бўлдилар, аммо Туркия мағлуб этилмади. Афандим, англамак жоизки, Ватан бир боғдур. Бу боғни инсон қони ила суғармак лозимдур. Афандим, мен сизга бу хусусинда бошқа сўз айтмасман. Шўропарастлар сўзларини сиз айтинг.

Тўплангандар ўша шўропарастнинг гапи нима экан, деган маънода кутдилар. Саъдуллохон ҳозирги гапларга ҳам муносабатини аён қилмоқчи эди, бироқ доктор Худоёрнинг «мен сизга бу хусусинда бошқа сўз айтмасман», деб қўйиши ҳамда тўплангандарнинг тикилиб қолишлиари унинг шаштини қайтарди.

— У зоти паст айтдики, — деди у бир оз ўнгайсиз аҳволда, — ит қорни тўйган ерда, одам эса Ватанда яшармиш.

Дастлаб эшитилганда қўпол туюлган бу мақол ўтиргандар этини бир сидра зириллатди. Бу ҳолатни сезган Саъдуллохон мазкур баҳсада мутлақ ғолиб бўлдим, деган қарорга келиб, атрофидагиларга мағрур назар ташлади. Аммо унинг ғолиблик супасини эгаллаши бир неча сониялик эди. Доктор Худоёр осонлик билан мағлуб бўлувчи тоифадан эмас эди. У ҳам ўтиргандарга бир кур

назар ташлаб олгач, «бошқа сўз айтмасман» деган ваъдасига хиёнат қилгани ҳолда жавоб берди:

— Гумраҳ улус ичра ўзин қотти, ахий,
Дунёга бирорки дунёни сотти, ахий...

Ҳазрат Навоийга бир сўз қўшмакка ҳожат йўқтур. Саъдуллохон, шарафли афандим, қалбимдасиз, сиз мени бир муҳориба майдонидан бошқасига етаклаб ўтмакни ихтиёр эттингиз. Шўропарастнинг гапи бошқа, биз айтаётган дард ўзгадир, Шўропараст сизга қозоқ биродарларимизнинг бир мақолини айтиби. Буни камина ҳам эшитгани бор. Сиз шўропараст бизларни итга қиёс этмакдадир, деб ғазаб отига минијурсиз. Менинг англамогим бўйича, мақсад мақолнинг иккинчи бўллагида. Ҳар бир инсонни Ватанда яшамакка даъват этмакдир.

— Ватанда бўлмак?! — Саъдуллохон чекинишни истамади. — Отам менга Ватанни қолдирдими?

Бундай баҳснинг ўрни ҳамда вақти эмаслигини билган Гулузор бегим енгил йўталиб қўйиб, меҳмонга қараб айбли кўринишда кулимсиради. Саъдуллохон енгил йўталнинг маъносини англаған бўлса-да, гапларини чала қолдиришни истамади:

— Отам менга Ватанни қолдирдими? — деб қайтарди у. — Йўқ, отам менга Ватан соғинчини мерос қолдирди. Шўропарастлар буни англа маслар! Уларда наинки соғинч, уларда Ватан туйғуси йўқтур. Буни мен англашим! Улар сўқир! Шўро етагида қайга боражакларини билмаслар!

— Сиз уларни бунда айбларсиз, улар бизларни унда айбларлар. Кун шу тарзда ўтаверар. Ватан эса кундан-кун ботқоқقا ботаверар. Афандим, агарчи улар сизни, сиз туфайли бизларни айблар бўлсалар, ҳақлидурлар. Чунки биз бунда Ватан учун бирон нима қилмакдан ожиздурмиз.

— Биз нималар қиласликки, йўллар тўсиқ бўлса. Йўллар очилса эди, мен Ватаннинг беш ерида беш улуғ мағоза очсан, Лутфуллахон яна неча еринда супермаркет очсалар...

— Ўҳ-хў!.. — доктор Худоёр баралла кулиб юборди. — Афандим, афандим, сиз ўн эмас, ўн минг дўкон қуринг, Ватанга нафи оздир. Мағозалар қурғувчи тужжорлар Ватанда ҳам бисёрдир. Сиз Ватанга илм олиб

боринг. Ватаннинг қаддини кўтаргувчи биринчи восита — озодлик, иккинчиси эса илмдур. Дунё юртларига бир қаранг-чи, улар мағозалари ила бақувватларми ёинки илм илами? Сиз билан биз яшаб турган Олмонияни урушдан сўнгги хароблиқдан бу даражага илм кўтармадими? Сиз билан бизнинг айбимиз шуки, Ватан йўллари очисин, Ватан озод бўлсин, деб бунда орзу қилиб кутиб ўтирмақдамиз. Шўроларнинг ҳукмидаги Оврупо жумхуриятларининг хориждаги биз каби муҳожирлари эса вақтли ҳукумат тузиб, ўз Ватанларини озод қилиш қасдида курашмақдалар. Нима учун сиз билан биз курашмаймиз? Чунки бизлар — сиз меҳр қўйган Шермуҳаммадбекнинг авлодларимиз. На-да Шермуҳаммадбек курашди, на-да амир Сайд Олимхон курашди, на-да биз курашяпмиз. Сизни билмадим, шарафли афандим, аммо мен Ватан қаршисида уятлидурман.

— Сиз андак янглиш гал айтдингиз, жаноб Худоёр. Бизнинг жамиятимизни назарга илмаганингиз чакки. Биз ҳам Ватан учун қайғурмакдамиз.

— Қайғурмак дуруст, аммо курашмак лозим. Ватандан келган ашуалаларни эшитиб, «ўйна ёр, ўйна!» деб ўтирмақдан наф йўқтур. Агар менинг сўзларим малол туюлса, ана, ватандошимиз муҳтарама хоним афандим айтсиналар...

Манзуранинг кутилмаган тарзда суҳбатга чорланиши фақат унинг ўзинигина эмас, ўғилларини ҳам шошириб қўйди. Иккови бараварига нажот истаб, Гулузор бегимга қарадилар. Гулузор бегим бу қарашнинг маъносини уқиб, жилмайгани ҳолда доктор Худоёрга мурожаат қилди:

— Муҳтарам доктор жаноблари, бизларга дастурхон мунтазирдир. Баҳс нонуштадан сўнг давом этмаги дурустмикин?

Бу луқма чўкаётган одамни кемага чиқарип олиш савоби даражасига етишди. Доктор Худоёрнинг мурожаати ҳам соғинч, ҳам хавотир денгизида чўкиш азобини тортаётган аёлни янада оғирроқ аҳволга солган эди. Аввалига Манзура уларнинг суҳбатларига унчалик аҳамият бермади. Аникроқ айтилса, баҳснинг сабабини англамади. Машойихлар бедарднинг олдида бошимни оғритма, деганларича бор. Асосан оила ташвишлари билан яшовчи аёлнинг бу одамлар қалбидаги дардни ҳис қилиши мумкин ҳам эмас эди. Қўқонда Собитхон Асадбекни йўқлаб, унда Ватан ҳимоячисини кўришни

истаб янглишгани каби, бу издиҳомдагилар ҳам Ватан хусусидаги гапларимиз ватандошни бефарқ қолдирмас, деб адашдилар. Тўпланган мезбонларнинг қалблари Ватан, Ватан соғинчи дарди билан, Манзуранинг қалби эса эрининг ташвиши, қизининг соғинчи билан тепарди. Қалбларнинг тепиши ҳамоҳанг эмас эди. Манзуранинг сұхбатга чорланиши ана шу сирни ошкор этмоғи мүмкін эди. Гулузор бегимнинг луқмаси уни бу ноку-лайликдан ҳам қутқарди.

Доктор Худоёр танбеҳни англаб, ўрнидан турди-да, кулочларини ёйган ҳолда деди:

— Ў, шарафли хоним афандим, қалбимдасиз, сизнинг сўзларингиз биз учун амрдир. Нонуштадан сўнгра ҳам баҳслашмакдан бўйин товляяжакман. Баҳсда шарафли Саъдуллохон афандимни енгиг бўлмас!

Доктор Худоёрнинг кейинги гапида таслимга нисбатан киноя оҳанги зуҳур эди. Тўпланганлар бу гапдан «Саъдуллохонга гапириш бефойда, барибир тушунмайди», деган маънони уқишган бўлишса-да, ҳеч нарса англамагандай кулимсираб қўйдилар.

Шу онда ён томондаги девор аста сурилди. Манзура бу деворни ойнаванд жавон деб ўйлаган эди. Девор сурилгач, улар дастурхон тузоғлиқ хонага ўтдилар. Дастурхон устида ортиқча лутф, «олинг, олинг», деган қисташлар бўлмади. Манзура тортиниб, қимтиниб ўтиргани учун Гулузор бегим лутф кўргазиб икки марта «марҳамат қилинг», деди. Таомланиб бўлганлар бирин-сирин ён хонага чиқа бошладилар. Манзура қарасаки, ўғиллари билан ёлғиз қоладиган. Шу боис ўзи учун фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди-да, Абдулҳамидан астагина:

— Уйга телпон қилса бўладими бу ердан? — деб сўради.

— Ҳозирми? — деди Абдулҳамид.

— Ҳа. Нимагадир кўнглим ғаш, болам.

— Узоқ йўл юриб келдингиз. Чарчагансиз. Мехмонлар ҳадемай кетишиади Хотиржам дам оласиз. Мен ҳозир телефонга буюртма бериб қўяман. Хавотирланманг.

Абдулҳамид айтганидай меҳмонлар тез кетишимади. Эркаклар ҳовлини айланиш баҳонасида чиқдилар. Шундан сўнг аёллар гурунги бошланиб, фақат аёлларга хос масалалар муҳокама қилинди. Бу издиҳомнинг аввалгисидан фарқи шунда эдики, бунда «томонлар

бир-бирларини тўла англаган ҳолда, дўстона сұхбат курдилар».

Меҳмонлар кетишгач, соҳиб байт ҳам шаҳарда юмушлари мавжудлигини баҳона қилиб қайтдилар. Вилла Манзура билан ўғиллари ихтиёрига топширилди. Манзура ўғилларини тергаш имконига эга бўлиб, бу имкониятдан энди фойдаланаман, деганида телефон жириングлади. Айни шу онда Зайнабнинг уйида ҳам телефон жириングлади...

III б о б

1

...Бир денгизчидан «Аҳвол қанақа?» деб сўрашса, «Кайфиятлар аъло, чўкяпмиз», деган экан...

Ҳамдам Толиповнинг алам билан айтган бу гапи Зоҳиднинг ярадор қалбини тирнаб, азоб берди. Ҳамдам шу гапни айтмаса ҳам Зоҳид ботқоққа ботаётганини сезиб турарди. Денгизчи кайфиятининг аъло бўлишига асос бор — ҳар қалай, тоза сув бағридан макон топади. Улар-чи? Қўланса ботқоқданми? Наҳот ботқоқдан қутулишнинг иложи бўлмаса? Зоҳид шу ботқоққа чиримоқ учун илмдан воз кечиб шу йўлга кирганмиди? Чўкаётган одам «тирик қолармикинман» деган умидда хасга ҳам тирмашаркан. Зоҳиднинг кўзига баъзан ўша хас ҳам кўринмай кетади. Ана шундай ҳолда у доно бир маслаҳатчига муҳтожлик сезади. Унга ким доно маслаҳат беради? Отасими, онасими? Дардини уларга айтса, жавоблари тайин: «Қўй ўғлим, шу ишингни йифиширига қол, бу соҳада ким барака топибдики, сен топсанг...» Уларнинг энг доно маслаҳатлари шу. Ё илмдаги устози Ҳабиб Сатторович тўғри йўл кўрсатадими? Унинг айтадиган гапи: «Сен илмга хиёнат қилдинг, энди хиёнатчи сифатида жазо топяпсан...» Балки Ҳамдам Толипов қалб ярасига малҳам кўяр? Унинг маслаҳати ҳам аниқ: «Шартта ушлаш, шартта қамаш, шартта отиш керак! Дастанчончи хотинга ўхшаб ҳамманинг кўнглига қараб иш тутилса, ҳеч нимага эришиб бўлмайди...» Ҳамдам шунга ўхшаш маслаҳатини беради-ю унга амал қилинмаса, бир-икки сўкиб, қўл силтаб қўя қолади. Бу соҳада Зоҳидга жўяли маслаҳат беради — майор Солиев.

Зоҳид Ҳамдамдан илмоқли гап эшитиб, қалб яраси таталангач, ўзининг ёғига ўзи қоврилиб юрди. Ҳаёлнинг минг бир кўчасига тентираб кириб, довдираб чиқди. Охири майор Солиевни топиб, дардини айтди. Бу соҳада турли найрангларга дуч келавериб пишиб кетган майор шогирдининг гапларини диққат билан эшитиб, сукутга толди.

Зоҳид «бу сукут фикрларимнинг тасдиғи аломати» деган хаёлга бориб, тасдиқни тил билан ифода этилишини, яъни «Тўғри, уларга ишонма, барчаси найрангбоз, товламачи», дейилишини кутиб, ёнмоққа, ёнмоқ нима экан, портламоққа тайёр эди. Пича фурсат ўтгач, ёнмаслиги ҳам, портламаслиги ҳам аён бўлди — майор у кутмаган гапни айтди:

— Ҳулоса чиқаришга шошилма, — деди у вазмин оҳангда. — Балки юқоридагилар бир нарсани ўйлашгандир. Сен билан биз бир қўргонга дуч келганмиз, уни эгаллашга курбимиз етмайди. Алам қиласидиган ери шуки, бу қўргонни кўз олдимизда тиклашди. Айрим биродарларимиз уларга дастёрлик қилиб, «Мана бу ерини мустаҳкамроқ қилинг», деб маслаҳат беришгани учун ҳам бизнинг бу қўргонга ҳужумимиз бетонга кесак отган билан баробар бўлади. Бу қўргонни олиш учун мўлжалга аниқ урувчи замбараклар керак. Бизга ўхшаган пиёдалар ишни бузиши мумкин. Балки қўргонларининг мутлақ бехавотир эканига тўла ишонишлари учун уларга шароит яратиб беришмоқчидир. Агар уларда шундай ишонч қатъийлашса, зийракликлари сусаяр, қўргонни бир ҳамла билан олиш имкони яралар?..

— Ўҳ-хў... — деди Зоҳид, ҳафсаласи пир бўлиб. — Гапга ҳам тўн кийдирвордингиз. Сиз айтгандай арқон узун ташланса, улар қўргонларини шундай мустаҳкамлаб оладиларки, кейин ўнта атом бомба ташлаб ҳам тинчита олмайсиз.

— Атом бомба таъсир қилмаса, водород бомба бор, нейтрон бомба бор, — деди майор Солиев ҳазил оҳангиди. Майор камдан-кам ҳолларда ҳазиллашарди. Ҳозир шогирдини тутаб турганини кўриб, атайин гап ма-ромини ҳазил оҳангига бурган, шу орқали таранг тортилган асаб торларини сал юмшатмоқчи эди. Лекин унинг бу макри иш бермади.

— Мақсад ака, айтаётган гапларингизга ўзингиз ҳам ишонмаяпсиз. Менинг ўрнимда бўлганингизда нима қиласидингиз?

— Хе, жўжакўroz, — деди Солиев, энди эркалаш оҳангода, — сенинг ҳолингта мен кўп мартабалаб тушганман.

— Ҳар сафар шунақа чекинганмисиз?

— Чекинганман, сабр қилганман. Чекиниш бошқа, сабр бошқа. «Сабрлига тоғлар эгар бошини», деган мақолни эшитмаганмисан?

Зоҳид майорни тушунмади. Ҳамиша адолат учун курашиб келган одамнинг бу гаплари сабр эмас, чекинишдан далолат эди. Одам суюниб, паноҳ топишни мўлжал қилган қоя тош эмас, нураб, йиқилай деб турган пахса девор экани маълум бўлгач, қандай ҳолга тушади, тасаввур қилиб кўринг-а? Зоҳид шу ҳолга тушиб, янгишган эди. Чунки Солиев вазирликка чақирилганини, Асадбекка алоқадор ишларга аралашмай туриш ҳақида топшириқ олганини унга айтмади. Солиев дастлаб сукут сақлаганида шу топшириқни ўилаған эди. Икки юқори идорадан бир хилда топшириқ бўлдими, бу демак, масала Асадбеклар фойласига ҳал этилиш жараёнида эмас. Юқоридагилар қандайдир режани пишитишган. Ишга ҳалал бермасликни сўрашдими, демак, бажариш шарт! Солиевга ҳам «Вақти келганда бу ишга сизни жалб этамиз», дейиши. Демак, сабрдан ўзга йўл йўқ. Агар Зоҳидга ўхшаб «бетон деворга кесак отавераман», деса, истеъфога чиқишини таклиф этишлари турган гап.

Солиев шогирдига яна насиҳатлар қилиб, унинг попутини бир оз пасайтироқчи бўлди. Лекин қалб ярасига малҳам қўя олмади. Малҳамни икки кундан кейин яна ўша ҳамкасб йигит — Саид Қодиров қўйди.

Зоҳид охирги учрашувдан сўнг энди уни анчагача кўрмасам керак, деб ўйлаган эди, барвақт йўқланиши унинг учун кутилмаган ҳол бўлди. Шу сабабли ажабланганича унинг ҳузурига йўл олди.

Саид Қодиров уни хуш кайфият билан қаршилади.

— Ишлар қалай? — деб сўради у, Зоҳидни ўтиришга таклиф этгач.

— Ишлар ёмон эмас, — деди Зоҳид, сўнг Ҳамдамнинг кесатиқ гапини қистириб қўйди: — Чўяқпмиз!

— Чўяқпмиз, денг? Қизиқ масала... Кимdir чўкса сув айборми ё сузишни билмаган одамнинг ўзими?

— Ботқоққа чўкиш учун сузишни билишнинг ҳеч бир аҳамияти йўқ.

— Ботқоққа денг?.. Эски пластинкани айланти-

ришни яхши кўрар экансиз. Битта ашулани эшитавериш жонингизга тегмайдими?

— Агар ҳақиқат ашуласи бўлса...

Сайд Қодиров унинг гапини бетакалтуф тарзда узди:

— Суннатуллаев ишини ёпинг, деб буйруқ беришдими?

Зоҳид фикри бўлинганидан ғашланса-да, сир бой бермай жавоб қайтарди:

— Буйруқ эмас, маслаҳат беришди.

— Сиз-чи?

— Мен ўйлаб кўраман, дедим.

— Кескин тарзда рад жавоби бериб, сўнг бизга рапорт ёзишингиз керак эди.

— Сабаб?

Сайд Қодиров жавоб ўрнига савол назари билан тикилди. Зоҳид бу қарашдан «Шунга ҳам фаҳминг етмадими?» деган саволни уқди. «Мен рапорт ёзаман, булар эса рад этишади. Сўнгра Суннатуллаев иши батамом тўхтатилади. Ишнинг ёпилишидан буларнинг ҳам манфаатдор эканликлари аён бўлади. Кимга аён бўлади? Асадбекками? Шахмат ўйинидаги пиёданинг арзимас, ҳеч нарсани ҳал қилмайдиган юриши-ку, бу? Шунақа паст юришлар билан ўйинни ютишмоқчими?»

— Хўп, яхши, — деди Сайд Қодиров қатъийроқ оҳангда. — Улар сизга яна айтишади. Унгача мана бу билан танишиб чиқинг. — У шундай деб қофозлар боғламини узатди. Зоҳид биринчи саҳифага кўз югуртирди: Жамшид Суннатуллаевнинг жиноий иши. Зоҳид бу «Иш» билан юзаки таниш, жиддийроқ шуғулланишга ҳали фурсати етмаган эди. Бу «Иш»нинг Сайд Қодиров қўлига тушиб қолганидан ажабланиб, унга қаради:

— Бир қизиқиб кўринг, фойдаси тегиб қолади. Унинг ўлганига ишонмаяпсиз-ку, демак, яна учрашиб қолишингиз мумкин. Қофозларни менга эрта-индин қайтарасиз.

— Ҳозироқ қайтаришим мумкин. «Иш» билан танишиб, керакли жойларини ёзиб олганман.

— Ёзиб олган бўлсангиз ҳам яна бир марта ўқиб чиқсангиз зарар бўлмас, — Сайд Қодиров шундай деди-да, столи тортмасидан қаҳва чиқариб икки пиёлага бир қошиқдан қаҳва кукуни солди. Сўнгра қайнатгични чойнак оғзидан олди.

— Қанд соласизми? — У саволига жавоб кутмай

пиёлаларга бир чақмоқдан қанд солиб, устига қайноқ сув қуиди. — Менга устозим «Чўкмаслик йўлини изласанг, қаҳва ич, қаҳва ақлни пешлайди», деган.

Сайд Қодировнинг енгил ҳазилини жавобсиз қолдирмаслик учун Зоҳид қаҳвадан бир ҳўплаб, деди:

— Устозингиз бир нарсанинг ҳисоб-китобини қилмабдилар. Бу ҳаёт денгизида чўкаётганлар кўп. Ҳамма-га қаҳва етказиб бўлармикин?

Сайд Қодиров жилмайиб қўйиб:

— Мабодо сизнинг мучалингиз чумак ари эмасми? — деди.

Қаҳва ичилаётган дамда улар орасидаги расмиятчилик девори чекингандай бўлди. Зоҳид бу одамни дастлаб кўрганида ғашланган эди. Ҳозир Қодировнинг гап оҳангидаги самимийликми ё чиндан қаҳва таъсир этдими, босиб турган ўша ғашлик тутуни кўтарила бошлади.

— Зоҳид, сиз ҳеч илм билан шуғулланишга ҳаракат қилганимисиз?

Суҳбат мавзунинг тўсатдан бу мавзуга кўчиши Зоҳидни ажаблантириди. «Утмишимни билиб сўрайтими ё бошқа бир нарсани айтиш нияти борми?» деб ўйлаб, мужмалроқ жавоб қайтарди:

— Сал-пал... ҳаракат бўлган.

— Бизнинг ишимизда ўша «сал-пал»и чатоқ. Илмга «сал-пал» қизиққанимиз учун ҳам чўкамиз. Мана, бизнинг ишимиз нима ўзи? Жиноятни очиш, жиноятчини фош қилиш... ҳоказо, ҳоказо... Мен эсам «бизнинг ишимиз илмнинг айнан ўзи!» дейман. Бу ишга илм нуқтаи назаридан қарамаганимиз учун ҳам чўкамиз. Сиз ранжиманг, киноя қилаётганим йўқ. Чўкаётганимиз аниқ. Мен сизга бекор қизиқиб қолмадим. Сизда илмий таҳлилга интилишни кўрдим. Мана, кечаги хабар: Русияда бир манякни ушлашибди. Ўн еттита хотинни зўрлаб, ўлдирган. Бу хабар юзаки қараганда мен учун аҳамиятли эмас. Лекин икки йил ичida ўн етти хотиннинг қотили изланган. Учтаси ҳатто «топилган». Аҳмоқликни қарангки, битта хотиннинг эрини қотил деб гумон қилиб, отишга ҳукм қилишган, болаларини етимхонага жойлашган. Агар у аҳмоқлар илмга асослашиб иш юритишганда шундай бўлармиди?

— Бизда аҳмоқлар йўқ дейсизми?

— Ҳа, қойилман. Ҳамма гап шунда. Шунинг учун Суннагуллаевнинг эски «Иш»ини бир кўринг дедим.

Менинг фикримча, ҳар бир жиной ишнинг очи-лиши — илмий иш. Менга қолса, Суннатуллаевнинг ишини очсангиз, шартта «хуқуқшунослик фанлари номзоди» ёки «дўйктўри» унвонини бериб юборардим.

— Раҳмат, худди унвонни олгандай бўлдим, — деди Зоҳид кулимсираб.

— Энди ишимизга таалуқли бир савол: Асадбекка ўшаганлар, жиной гурӯҳлар нима учун талтайиб ке-тишиди? Улар олдин пастки қобиқда писиб юришарди. Ит кутурса эгасини қопади, дейишармиди? Уларни нима кутуртириди?

— Бунинг сабаблари кўп. Жамиятнинг томир ури-шига қараб, сабабларни ахтариш керак.

— Сиз бир ахтаринг. Унгача менинг жавобимни эшлитиб кўринг. Жамиятнинг касалини эслаганингиз яхши. Асадбеклар пайтдан фойдаланишиди. Ошқовоқ Гдлян тепа томонни сур-сур қилаётганида булар билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолдими? Кадрлар масаласи кўтарилидими? Кўп жойлар бўшадими? Булар ўша жойларга ўзларига содик одамларини тиқишира бош-лашдими? Ўртада пул деган нозанин ўйнадими? Бу нозанин бир карашмаси билан неча жонларни беҳала-вот қиларкин? Булар ҳали ҳам ўша-ўша замон деб ўйлашяпти. Ҳали ҳам айтганларини қонун деб ишони-шади. Бир жиҳатдан шундай деб ўйлашлари ҳам ду-руст. Илм деганим — рентгендай гап. Биз уларнинг ўпка-жигарларигача кўриб туришимиз шарт. Бўлмаса касалнинг илдизини топа олмаймиз... Устозим тўғри айтган эканларми, қаҳва ақлни пешларканми? Яна биттадан ичамиزمи?

Зоҳид пиёлани четга суриб, илтифоти учун Сайд Қодировга раҳмат айтди-да, кетишига ижозат сўради. У остона ҳатлаб хонага киришида эзгин кайфиятда эди, чиқишида бошқа ҳолда бўлди. «Гапи бошқа, иши бош-қаларга ўхшамайди», деб ўзига-ўзи таскин берди.

2

Жамшид Суннатуллаевнинг аввалги жиной иши-ни ўрганишни Зоҳид зътиборга молик масала деб хи-соблаган бўлса-да, бу вазифани бажаришни кейинрок-қа қўйган эди. Сайд Қодировнинг ҳузуридан чиққач, Жамшид ўсмирлик чогида ишлаган идорага қараб юр-ди. У «Иш» билан дастлаб танишган чогида пала-пар-

тишиликни, даъвогар қизнинг терговдаги гаплари билан судда айтганлари орасида мантиқий боғланиш бузилганини аниқлаган бўлса-да, ҳали унда «Суннатуллаев туҳмат билан қамалган экан-да?» деган фикр уйғонмаган эди. Ҳозир боришидан мақсади ҳам туҳматни фош этиш эмас, балки Суннатуллаевнинг «Иш»ига аниқлик киритиш, Асадбекнинг тўдасига қандай кириб қолганини билишга интилиш эди.

У Жалол Комиловнинг шахсини оз бўлса-да, аниқлаштириди. Жиноятчилар кўчасига қандай кирганини тахмин қила олди. Энг муҳими — осилган одамнинг Жалол Комилов экани аниқ. Ҳамдам ҳатто унинг лақабини ҳам аниқлаштириб берди — Шилемшиқ. Зоҳид буни эшитиши билан «Шилемшиқ бўлса, ўладиган одам экан-да», деб ҳам кўйди.

Жамшидинг «Иш»и хийла мураккаб, чунки «ўлди» деган фикр билан кўмилса-да, аслида тирик бўлиши ҳақиқатта яқинроқ. Комилов билан Суннатуллаевнинг бир жиҳати ўхшаш — икковига ҳам аза очилмади. «Вой, жигаре-ем!» дейдиган одам топилмади. Ахир қариндош-уруғлари бор-ку, улар нима учун жим? Улар йигитларнинг нима иш билан шуғулланишганини билишганми, билганлари учун «Ўлгани яхши бўлибди», деб кўя қолишганми? Ё кўрқишишганми? Кимдан кўрқишиади?

Кузнинг бир оз изгиринли, аммо ёқимли шабадаси эсиб турган хиёбондан юриб бораётган Зоҳид бу ҳақда аввал ҳам ўйлаган, аввал ҳам «Кимдан қўрқишиади?» деган савол деворига бошини уриб, тўхтаган эди. У бир нарсани идрок қила олмаётган эди: Комилов ҳам, Суннатуллаев ҳам Асадбекнинг одамлари. Бир хилда ўлдирилди. Бундай ҳолда Асадбек индамай кетаверадиган латта одамми? «Ўзи ўлдирирган бўлса-чи?» деган тахмин ўринисиз. Агар ўзи ўлимга ҳукм қилса, бундай намойишкорона осиб қўймас эди. «Балки бошқаларга ўрнак бўлсин», дегандир? Барибир бундай йўл тутиши ақддан эмас. Зоҳидни кўпроқ қийнаган савол бегона одамнинг мурдасини «Жамшид Суннатуллаев» деб кўмишлари. Бу ўзларининг найрангларими ё гўлликларими? «Сиз кўмган одам Суннатуллаев эмас», десак қидиришадими? Ё уни ўзлари яширишдими?..

Саволлар Зоҳиднинг назарида қават-қават қўйилган бетон деворга ўхшарди. Бу деворни йиқиши учун

Сайд Қодиров айтгандай «Илм» деб аталғувчи порт-латгич зарур.

Зоҳид хиёбондан ўтгач, автобусга чиқди. Ярим соат деганда Жамшид ишлаган идорага етиб борди. Кенг даҳлизнинг бошланишига қўйилган эски ёзув столи ёнида ёшлари олтмишлардан ошган икки киши чойхўрлик қилиб ўтиришарди. Идорага кириб келган бегона одамни кўриб икковлари уни савол назари билан қаршиладилар. Зоҳид одоб билан салом бериб кўришгач, улардан бири чой куйиб узатди-да:

— Келинг, иним, бирорни излаётганга ўхшайсиз? — деди.

— Қаердан билдингиз? — деди Зоҳид чой хўплаб.

— Биламиз-да, шу ерда ўтириб ризқимизни териб еганимиздан кейин ким келди, ким кетди, кимнинг дарди нима — сезиб турамиз-да.

— Бу ерда анчадан бери ишлайдиганга ўхшайсиз, а?

— Олтинчи йил кетяпти. Мамасодикнинг бир оғиз гапи билан иссиқ жойимни ташлаб келганман. Бунинг ўзи йигирма йилдан бери шу ерда. Галма-гал турамиз. Ҳозир исмен алмашадиган пайтга келдингиз. Исмен баҳона иккита чол валақлашиб оламиз-да.

Зоҳид чойни ичиб бўлиб пиёла узатгач, мақсадини айтди:

— Мамасодик ака, бундан ўн икки ўн уч йил олдин шу идорада Жамшид деган йигитча ишлаган экан, эслайсизми, бир қизни зўрлайман, деб қамалиб кетган экан?

— Жамшидми? Суннатвойнинг ўғлини айтяпсизда, а?

— Ҳа. Бир қизни...

— Бўлмаган гап! Бояқиш мўмин-қобил бола эди. Отаси ҳам тилла одам. Ҳозир ётиб қолган...

— Ёш бола нарсага шайтон васваса қилган бўлса, кўзи қонга тўлган пайт шўхлик қилгандир, — деди Мамасодикнинг шериги.

— Э, йўқ, қўйсангиз-чи бу гапларни, — деди Мамасодик бош чайқаб. — Сиз уни кўрмагансиз, билмайсиз. Шайтонга бўйин эгадиган боламас эди. Бу ерда бир туҳмат бўлди чоғи.

— Ёш ўсмирда кимнинг хусумати бўлиши мумкин? Ё отасининг душманлари бормиди?

— Бунисини билмайман, ука, сиз нима учун суриштириб қолдингиз?

— Мен прокуратураданман, — Зоҳид шундай деб ҳужжатини кўрсатди. — Сиз айтгандай туҳмат бўлиши мумкин. Туҳматлиги аниқланса, у оқланади.

— Ие, ҳалиям қамоқдами у? — деб ажабланди Мамасодикнинг шериги.

— Э, йўқ, — деди Мамасодик, — икки йилми уч йилми ўтириб чиқди. Энди оқлашларингнинг нима фойдаси бор? Онаси бу шармандаликни кўтаролмай ўлиб кетди. Отаси ишдан бўшади. Иссиқ жойини совутди. Оқибат на ўликмас, на тирикмас — ётибди.

— Шундай дейсиз-ку... оқланса... ҳар ҳолда елкасидаги шармандалик юки олиб ташланади-ку?

— Барибир фойдаси йўқ. Уни оқлаб, туҳмат қилганларни қамаш қўлингиздан келадими? Келмайди-да. Шунинг учун фойдаси йўқ, дедим.

— Сиз туҳмат деяпсиз. Ўша пайтда нима учун айтмагансиз?

— Биз киммиз, бизнинг гапимизни бирор сариқ чақага олармиди? Қоровулнинг гапини эшитадиган қулоқ борми ўзи? Ўшанда бирдан миш-меш тарқалди. Терговчи келди, опа билан гаплашди. Опа кимни чақирса, ўша гувоҳлик берибди. Ўша куни мен исменда эдим, бирор нима деб сўрамади. «Сендан сўрашни исташмаётибдими, сен бир факир одам, лозим бўлмаган ишга бурнингни тиқма», деб жим қолавердим-да.

— Сиз Жамшиднинг зўрлаши мумкинлигига нима учун ишонмаяпсиз?

— Э, иним, зўрлайдиган боланинг кўзи ўйнаб турди. «Фунажин кўзини сузмаса, буқача арқонини узмайди», деган мақолни эшитганмисиз? Жамшидники эмас, ўша... ҳажиқизнинг кўзи ўйнаб турарди. Еаркўз эди у. Ҳозир ҳам ўйнаб турди. Унинг ўзи Жамшидга осилиб, лабини чўзиб юрарди. Иморатни кўриб турибсиз. Шу учинчи қаватдан ўзини ташлаган одам тирик қоладими? Ҳўп, адолат қилмоқчи экансиз, юринг, кўрсатай.

Мамасодик шундай деб ўрнидан турди-да, ҳовли томон юрди.

— Ана, осма тик тарновни кўряпсизми, дераза ёнидан ўтган. Ўшанга осилиб, манави томга тушган, ундан ерга сакраб, дод-вой қилган. Деразадан ташлаган одам ҳеч бўлмаса манави томга тушади, ҳеч бўлмаса тунукани пачоқ қиладими?.. Гап шу укам, адолат

қиламан, десантгиз, ўша ҳажиқизнинг бўйнига қўйиб, қаманг.

— У ҳозир қаерда, билмайсизми?

— Қаерда бўларди, гўрга кетадими, шу ерда. Опанинг муовини ҳозир. Номи муовини, аслида опа ҳамма ишни шунинг қўлига топшириб қўйган. Бу шайтоннинг урочисидан ҳамма безор.

— Гапингизга қараганда уни ёмон кўрадиганга ўхшайсиз.

— Мен ёмон кўрдим нима-ю яхши кўрдим нима, фойда-зарари йўқ ҳеч кимга. Мен бир қоровул одам бўлсан, келаёттанида ўрнимдан туриб саломимни бераман, хушига келса алик олади, келмаса йўқ, алик олмасанг онангниги, деб қолавераман. Идора ходимларига ачинаман-да. Баъзан дуч келганини итдай қопади. Ё қудратингдан, бу ялмоғиз доим чап ёни билан турадими, дейман. Ҳузурига кирмоқчи бўлганлар зириллаб туришади. «Ҳажиқизнинг кайфияти қалай, кирсак бўлармикин?» дейишади.

Зоҳид тажанроқ кўринган Мамасодиқнинг бу гапларини эшишиб кулимсиради:

— Унда мен ҳам сўрай: кайфияти қалай, ҳозир кирсам бўлармикин?

— Бугун қопадиган куни. Кўрқмасангиз, кираверинг.

— Қопса қопар, дўхтирга бориб қирқта укол олсан, тузалиб кетарман, кутурмасман.

Зоҳиднинг ҳазили Мамасодикқа маъқул келиб, жилмайди.

IV б о б

1

Ўзининг ўрмонига сифмаган бир шер бошқа бир ўрмонга бориб қарасаки, ўзидан зўрроғи йўқ. Шунда у беҳад қувониб «Мен шу ўрмоннинг шоҳ-арслониман! Ҳамма қаршимда тиз чўксин!» деб наъра тортиби. Бу нодон ўйламабдики, бу ўрмоннинг ўз хўжаси — арслони бордир, у пинакка кетгандир, ҳадемай уйғонар, уйғонса иш расво бўлар...

Уз кўнглича шаҳарга якка ҳоким бўлиб олган Ҳосилбойвачча ана шу нодон шер тоифасидан эди. Ен-

гил-елпи ғалабалар билан шу мартабага етган у ақли қосир мутлақ ҳокимликка эришмоқ учун биттагина асосий ғалаба етарли деб ўйлади. Агар у қиморбоз бўлса эди, ошиғи ҳамиша олчи туриши мумкин эмас-лигини биларди. У ошиқ тепишни яхши ўрганмай туриб бор мулкни, ҳаттоки жонни тикди. Тиқди-ю, Асадбекнинг ошиғи олчи туриб, у ютқизди. Агар Ҳосилбойвачча дин аҳлидан, ёинки уларга яқинлардан бўлса эди, «Иза тавотириу аала аҳадикум ан ниаъму фал-йабки аала нафсиҳи фа қод салика ғайра тарий-қус-солиҳин»¹ ҳикматининг маънисини чақармиди. Афсуски, у ўз ҳолига йиглай олмай кетди.

Ҳар бир күш қаерга, қандай ин қуришни билади. Буни билибдими, демак, яшашдан мақсади не эканини ҳам англайди. Жонзотлар орасида энг онглиси ҳисобланувчи инсон вакили бўлмиш Ҳосилбойвачча қуш билган нарсага фаҳми етмади. Чумчук ҳеч қачон бургут уясини орзу қўлмайди. У эса орзу қилди.. Чумчук билан бургутнинг қаноти ҳам, чангали ҳам ҳар хил бўлишини билмади...

Асадбек эса бу ўйинда ютишига ишонарди. Инсон қалби ҳақиқатдан, адолат ва муруватдан ўз ҳоҳиши билан эмас, ўзи билган ва билмаган куч орқали зўрлик билан узоқлашади. Асадбек уни ўлдиришни истамаган эди. У Ҳосилбойваччанинг кўп қилиқларини кечириб келарди. Айрим издиҳомларда «Шу бола оҳири тўқмоқ ейди», деб кўярди, лекин «шу тўқмоқ билан ўзим урсам керак», деб ўйламасди. «Ёвни аяган яра ер, калтагини сара ер», деб бежиз айтишмаган. Асадбек бу мақолни билмас эди, аммо у «Сенга зулм қилсалар, сен ўн карра зулм билан жавоб қайтар», деган ўз ақидасига содик ҳолда яшарди. Ҳосилбойваччанинг зарбидан сўнг қуёш юзи тўсилиб, совуқ бош кўтаргани каби, Асадбекда зулм уйғонди. Афсус шуки, кечроқ уйғонди. Асадбек Ҳосилбойваччанинг зарбага шайла-наётганини сезган эди. Қилич Сулаймоновнинг «Шу иш баҳона бўлиб Асадбекни йўқотиш керак. Бу шаҳарга хўжайнлик қилиш фақат сизга ярашади», деган гапларини ёзиб олиб тақдим этиши ёки Элчинни тўйда ҳақоратлашга журъат этишининг ўзиёқ огоҳлан-

М а ъ н о с и б у д и р: «Агар бирортангизга неъматлар кетма-кет келаверса, бас, ул киши ўз ҳолига йигласин. Чунки у яхши одамлар йўлидан юрмаёттан экан».

тирувчи зарбалардан эди. Асадбек «Ҳосилбойвачча күчлироқ зарба беришга қодир эмас», деб янглишди.

Асадбекнинг кейинги кунлардаги аҳволини кўрган Чувринди «касаллик хуруж қилипти», деб хавотирланди. Асадбек эса касалини қарийб унутган, бутун фикри-зикри Ҳосилбойваччада эди. У кўзларини юмди дегунча қизи шармандали ҳолда гавдаланар, бу манзара темир тирноқлар билан руҳини эзарди. Унинг ингрешлари тан азобидан эмас, руҳ қийноғидан эди.

Ўша куни қизи титроқ овозда, «Ада, сиз ҳеч кимни ўлдирмайсиз, уларни ўзим ўлдираман», деганида зимиштон кўнглига бир ёруғлик мўралади. Эҳтимол, қайси бир ота шундай фожиага рўпара бўлса-ю, қизи қасос истагида шундай деса, балки «Майли, қизим, ўч ол!» дер. Лекин гал шундаки, у «қайси бир ота» эмас. У — АСАДБЕК! У эркак билан аёлнинг вазифаларини ажратади. Ўлар ҳолида ҳам бу ишни қизига қолдирмайди. Агар ўғиллари шу ерда бўлишганида, шубҳасиз, улар сингилларининг топталган номуси ҳаққи қасос олишга отланишарди. Аммо ўшандада ҳам Асадбек уларнинг йўлини тўсган бўларди. Чунки фарзандларини ёвуз шамолдан асрой олмаган ота каби у ўзидан-ўзи нафратланарди. Энг муҳими — Зайнаб номуси бир восита, шу орқали ўзининг номуси булғанганини яхши идрок этади. Агар ўз номуси учун қасос олишга қурби етмаса, эркакман, дейишни хайф санайди. У мағрур яшади. Ўлаётганида ҳам мағрур тарзда ўлишни истади. «Қасосиз кетсан, ётқизиб кўма олмайсан, гўримда тик тураман» дегани шунчаки оддий гап эмас, қалб нидоси эди.

У ота ҳовлисига қадам босганида ҳолсиз эди. Чувринди буни касаллик ҳукми деб ўйлади. Режа амалга ошгач, Асадбек уйдан битта-битта босиб чиқиб келди. У энди бир неча соат илгариги ҳолсиз одам эмас, қаддини мағрур тутувчи Асадбек эди.

2

Бири кам дунё, деб шунга айтадилар.

Мўлжалдаги ишни ўйлаб-ўйлаб обдон пишитасан. Нимадан бошлаб, нимадан тугатишча белгилаб оласан. Тўсиқ бўлувчи ё халал берувчи, ёйинки ўйлаганингни чиппакка чиқариб юбориши мумкин бўлган юз (балки минг) тасодифларни ҳисобга оласан. Йўлингда

ўша ҳисобга олганинг юз (балки минг) тасодиф эмас, етти ухлаб тушингга кирмаган юз (балки минг) биринчи тасодиф қал ростлайди. Бу тасодиф тўсиғини янчид ё айланиб, ёйинки ошиб ўтишни билмай гаранг бўлиб турганингда мўлжалингдаги ишингдан латта ҳиди келиб қолади.

Қаддини мағрур тутиб, ўлжалари ёнига яқинлашаётган Асадбекни ўша юз (балки минг) биринчи тасодиф кутарди.

Унинг режаси оддий: бир ўқ билан икки қўённи урмоқ эди. Асадбек Ҳосилбойваччанинг Филайсиз келмаслигини биларди. Ўқ овозини эшигтан Филайнинг ҳовлига отилиб киришини ҳам ҳисобга олган, шу сабабли ҳам Чувриндига изма-из келишни тайинлаган эди. Филайнинг пистирмада турганига амин бўлгани учун ҳам тўппончани Элчинга берди. Элчин довдираб, нима бўлаётганини англаб етгунича Филай уни даф қилиши, сўнг ўзи ҳам шу ерга бехуш чўзилиши лозим эди. Дастребки режа бўйича Шомил ҳам жон бериши керак эди. Асадбек арқонни узун ташлаб, бу ишга Хонгирейнинг ҳам аралашиши мумкинлигини ҳисобга олиб, унга омонлик беришни лозим топди. Вазифа бир оз енгиллашди, айни чоқда чигаллашди.

Ўлжасига яқинлашаётган Асадбек ўз хаёлича курган қасос иморатининг бир томони ўпираётганидан бехабар эди. У «икки малъуннинг оққан қонини кўриб, кўнглим таскин топар, қалбни бураб азоб бераётган омбур кучдан қолар», деб ўйлаб адашган эди.

Ўқлар зарбидан чалқанчасига йиқилган Ҳосилбойвачча булутли осмонга тикилиб, најот кутаёттандай эди. У тириклигида ҳам кўзларини чақчайтиргувчи эди. Асадбек шу чақчайган кўзларни дастлаб кўрганидаёқ ёқтиримай, тўдага қўшмаганди. Ҳозир ҳам унга қараб батгар ғашланди. Элчиннинг қўлидан тўппончани олиб икки ўқ билан бу чақчайган кўзларни йўқ қилмоқчи бўлди. Энгashiб, куёви чангалидан тўппончани олмоқчи бўлганида Элчин ингради. Бу овозни эшитиб, Чувриндига «Ўлмабди-ку?» деган савол назари билан қаради. Филайнинг қўлидан тўппончани олишга улгурган Чувринди «отайми?» дегандай шайланди. Учинчи ўқ отилмай туриб Филайга зарба бергани учун у ўзини айбдор ҳис қилиб, хатосини тўғриламоқчи бўлди. Ана шунда Асадбек бир қалқиб кетди.

Күёвини ўлимга хукм қылганида дийдаси қаттиқ эди. Унинг қаттий фикрича, Элчинга бундан бўлак мукофот бўлиши мумкин эмас эди. У «Элчиннинг юраги кўпдан бери бир-икки ўқни соғиниб қолган», деб ўйларди. Аслида Элчиннинг юраги Зайнаб ўғирланган кунлариёқ қўрошин ўқларни ютиб, тепишдан тўхташи лозим эди. Зайнабнинг кейинги тақдири, шармандалик чодирига ўралишининг сабабчиси ҳам Асадбек назарида Элчин эди.

Асадбекнинг кўлқоп кийиб олганига Элчин ажабланганди. Ҳолбуки, кўл совқотадиган даражада аёз тушмаган эди. Элчин тўппончада бармоқ излари қолмаслиги учун кўлқоп кийилганини, тўппончада Ҳосилбойваччанинг қотили эмас, балки ўзининг бармоқ излари қолажагини қаердан билсин? Ҳосилбойваччага ўқ узган тўппонча Элчинда, Шомилники эса Ҳосилбойвачча кўлида бўлгач, милиса чақирилиши мўлжалланган эди. Ана ўшандা милиса бир-бирини «ўлдирган» икки нодон «Иш»и билан шугуллана бошларди.

Режадаги иш ниҳоясига етай деганида Элчин инграб ётибди, жони қаттиқ экан, ўлмабди. Бу хатони тузатиш осон — бир имо қилса бас, Чувринди ўқ узади. Лекин... имо қилишга журъат эта олмади. Кўз олдида паришон Зайнаб кўринди. Қулоги остида унинг «отман!» деган ҳайқириги эшитилгандай бўлди. Бир сониянинг ўзида, Элчининг ҳаёти қилга осилиб турган нафасда Асадбек ўзи кутмаган ҳолга тушди. Унинг рўпарасида, паришон Зайнабнинг ёнида Элчинни отилажак ўқдан ҳимоя қилгандай онаси, сўнг... хасталиқдан озиб кетган кичкина Самандар кўринди. Асадбек бу ҳолатини кейинчалик ҳам кўп ўйлади. Онасининг кўзига кўринганини тушуниш мумкин. Онасининг руҳи набираси Зайнабнинг тақдирини ўйлаб набира куёвнинг ҳаётини сақлаб қолмоқ учун безовта бўлгандир? Самандар-чи? Гўдак укасининг руҳи нечун безовталауди? Бу саволга Асадбек кейинроқ жавоб топишга ҳаракат қиласди.

Айни дамда Чувринди изн кутиб, ҳожасига тикилади. Асадбек эса кўзига кўринаётган яқинлари олдида ожиз.

Пайғамбар афандимиз (саллаллоҳу алайҳи вассаллаҳ) намоз сўнгида ўнг томонга салом бериб, чап томонга салом беришга улгурманми, йўқми, Худо билади, деган эканлар. Киши олган нафасини чиқара ола-

дими ё у нафас билан жони қўшилиб чиқадими — билмайди. Билмагани ҳолда худди дунёда мангу қоладигандай мағрур юради. Қорни бир коса овқатга тўйгани ҳолда дошқозонда тўла ош бўлмоғини истайди. Шу учун курашади, ён-атроғидагиларни босиб-янчади. Суягини қизғаниб ириллаган итдан кулади, ўзи эса фақатгина ириллаб қўя қолмайди, ганим деб билгани биродарига ташланади, кекирдагидан олади. Умри давомида бу дунёнинг ҳою-ҳаваслари деб неча одамнинг руҳини мажаҳдайди. Фофил бандада... ўзича олтмишми ё тўқсон йилми умр кўрадигандай керилиб юради. Ҳолбуки унинг умри биргина им қоқиши билан узилиши мумкин. Мана, ҳозир Асадбек биргина имласа тепки босилади, ўқ кўз илғамас тезликда оловли из қолдиради-ю, Элчиннинг иссиқ қалбидан макон топади. Тамом-вассалом.

Чувринди ҳожасидан изн кутади. У нодон банда «отарчининг ҳаёти бегимнинг қўлида», деб ўйлади. У билмайдики, олам тифи жойидан қўзғолган тақдирда ҳам Худо ҳоҳламаса, бирон томирни ҳам қирқолмас. Бу онда Яратган тақдир ёзуғига хиёнат қўлмади — им қоқилмади, тепки босилмади, ўқ ўзининг совуқ маконида қолди.

Асадбек бир зумгина кўзларини юмди-ю, темир тирноқлар ҳукмидаги қалб азобидан инграб юборди. Сўнг Элчин қўлидан тўппончани олди-да қасос ўтининг забтиданми ё куёвини ўлимга ҳукм этишга журъати етишмагани аламиданми, кўзларни мўлжалга олишни ҳам унутиб, барча ўқларни жонсиз жасадга қадади. Чувринди ҳожасини шу пайтгача бу аҳволда кўрмаган эди. Шу сабабли унинг важоҳатидан бир оз чўчили.

Асадбек бир неча нафас ҳаракатсиз тургач, бурилиб, уй томон юра бошлади. У энди яқиндагина мағрур қадамлар билан уйдан чиқсан Асадбек эмас, ўлим тўшаги сари бораётган хаста одам кўринишида эди. Уч-тўрт қадам босгач, у тўхтаб, ўгирилди:

— Дўхтирга олиб бор.

Шундай деб уйга кириб кетди.

Чувринди режа ўзгарганини фаҳмлади. Ҳожасидан «яна нима қилай?» деб сўрамади. Асадбек гапни чўзмадими, демак, бу ёғи унинг фаҳм-фаросатига боғлиқ. Чувриндини Яратган фаҳм-фаросатдан қисмагани эса Асадбекка маълум. Агар ҳозир Кесакполвон бўлганида «Филайни боғла, Отарчини дўхтирга олиб бор, «уйида

кимдир отиб кетибди», де, қоронғу түшганида Ҳосил-ни күмиб кел», деб бирма-бир түшнүтирган бўларди.

Чувринди тезлик билан ҳаракат қилиб, аввал ипак каноп билан Филайнинг қўл-оёқларини боғлади, сўнг елимли тасмани оғзига ёпиширга. Шундан кейинги-на Элчин устига энгashiб, бикин томони қонга беланганини кўрди.

Ҳалимжон Чувриндининг топшириғи бўйича измайиз юриб келиб, энди эшикнинг нарёғида амрга маҳтал турган эди. Чувринди ичкаридан «машинани олиб кел!» деб бақиргач, катта кўча томон югурди.

Асадбекнинг «дўхтирга олиб бор», дегани «куёвим-нинг жонини асраб қол», деган маънони англатишини Чувринди биларди. Касалхонага олиб борса, бундан милиса огоҳ топади, милиса билдими, кавла-кавла бошланади. Бусиз ҳам Шишимшиқ билан Жамшид(?)нинг ўлими уларнинг бошлари узра бало булатидай соя ташлаб турибди. Қўллари узун бўлгани билан ҳамма ёқса етавермаслигини бошқалар билмаса ҳам Чувринди пайқайди. Айниқса, Зоҳид сўроққа чақирганида, уйига келганида юраги ноҳушликни сезди. Энди Элчин отилгани билан шуғулланишса, латта иси келиши ҳеч гапмас. Етти қўшнидан ҳеч бўлмаса биттаси беш-ўнта ўқ овози эшитганини айтиб қўяди. «Хў-ўш, — деб ўйлайди терговчи (балки ўша прокуратурадаги Зоҳиддир?), — иккита ўқ Элчиннинг бикинида, қолганлари қани?».

Чувринди машина келгунича бир қарорда тўхташи шарт эди. Элчинни уйига олиб бориб, сўнг табибни олиб келиш кўп вақт талаб қиласди, бу вақт ичидаги ярадор омонатини топшириб қўйиши ҳеч гап эмас. Режа ўзгарганидан кейин эса, унинг ўлиши сира ҳам мумкинмас... Чувринди аввал Элчинни уйига олиб боришга, Зайнабни огоҳлантирганидан сўнг касалхона сари юришга аҳд қиласди. Элчиннинг уйига боргач, бу режасини яна ўзгартиromoққа мажбур бўлди.

3

Дорининг хумори тутиб тўлғонаётган Зайнабни кўрган Чувринди масала янада мураккаблашганини билди. Ҳозир Зайнабга галириш фойдасиз эди. Шу сабабли Элчинни касалхонага ташлаб, сўнг орқага қайтишга қарор қиласди. Шу бугун, айниқса, шу дамда содиқ йи-

гитларига эхтиёж сезди. Зайнабни ёлғиз тащлаб чиқаёт-
ганида Жамшидни күмсади. У бўлса эди, иш бир оз
енгиллашарди. Зайнабни табибга олиб боришни, энг
муҳими — «Элчинни отган одамни кўрган» бир-икки
гувоҳ топишни унга бемалол ишонса бўларди. Тўгри,
йигитлар орасида ишончга сазоворлари ҳам бор, аммо
уларни бундай қалтис ишларга жалб қилишга кўнгли
чопмайди. Йўлда кетатуриб, Ҳалимжонни ёнига олга-
нидан пича афсусланди. Гарчи Ҳалимжон қайси бир
жиҳатлари билан Жамшидни эслатса-да, беғубор кўзла-
ри ҳалоллигидан дарак берса-да, баъзан қарашларида
«мендан эхтиёт бўл» деган ўт чақнаб қолади. Чувринди-
нинг зийрак нигоҳи бу ўтни илғайди. Илғагани учун
ҳам эхтиёт чораси ҳақида ўйлади.

Энг яқин ёки биринчи дуч келган касалхонага
олиб бориш — кутилмаган фалокат илонининг думи-
ни босиб олиш демакдир. Ҳар бир касалхонада бир-
икки таниши ёки ишончли одамлари бўлса-да, масала
ЭНГ ишончли одамлар ёрдамида ҳал этилажаги сабаб-
ли шаҳарнинг кунботар томонидаги янги касалхона
томон юрди.

Чувринди орқа ўриндиқда, Элчиннинг бошини
тиззасига кўйган ҳолда ўтиради. Дам-бадам унинг пе-
шанасини ушлаб қўяди. Бир маҳал Элчин қаттиқ инг-
ради. Чувринди кафтини унинг пешанасига босиб:

— Ҳофиз, озгина чиданг, ҳозир касалхонага ета-
миз, — деди. Сўнг сўради: — Ҳофиз, гапимни
эшитяпсизми? Мен — Маҳмудман, жавоб беринг,
эшитяпсизми?

Бир неча нафасдан сўнг Элчин инграб жавоб берди:
— Ҳа...

— Бек акам ўч олмоқчи эдилар. Фалокат оёқости-
дан чиқиб қолди. Буни кейин тушунтириб бераман.
Ҳосил ўлиши шарт эди, ўлди. Аммо буни ҳеч ким
билмаслиги керак. Сиз ҳам унунинг. Гапимни эши-
тяпсизми? — Чувринди «бу гап сенга ҳам тегишли»
дегандай Ҳалимжонга бир қараб олди. — Ҳофиз,
эшитяпсизми?

Элчин бу сафар ҳам қийналиб «ҳа» деб кўйди. У
Чувриндининг овозини кудуқ тувида туриб эшитаёт-
гандай эди. Шу сабабли Чувриндининг гапларини ду-
руст идрок қиёлмади.

— Ҳофиз, — деди Чувринди, — сиз йўлда кетаёт-
гандай эдингиз, бир машина қувиб ўтиб, тўхтади. Маши-

надан тушишингиз билан сизни отди. Отган одамни танимайсиз. Гапимни эшитдингизми?

Элчин жавоб бермади. У қудук тубига чўкиб борар, Чувриндининг овози эса тобора узоклашарди.

Чала қурилган иморатлар ёнидан ўтишаётганда Чувринди Ҳалимжонга қараб:

— Ҳофизни шу ерда тасодифан кўриб қолиб, машинангга олдинг. Бошқа ҳеч нарса билмайсан, — деди.

Ҳалимжон маъқул ишорасини қилиб, жим кетаверди.

Касалхона ҳовлисига киришлари билан машина тўхтаб, Чувринди тушиб қолди. Машина қабул бўлими сари юргач, у асосий бино томон йўналди. Керакли одамни топиб, изоҳ бериб ўтирмади, буйруқ қисқа бўлди — у ўлмаслиги керак!

Табиблар, ҳамширалар ярадор атрофида гирди-капалак бўлишаётганида Асадбекнинг болохонасидағи телефон жиринглади. Ҳофизнинг машинасини қаерга элтиб кўйиш хусусида буйруқ олган икки йигит тезлик билан йўлга тушди.

4

«Мен сенга қасос олиш қанақа бўлишини кўрсатаман. Ҳозир ўлиши керак бўлган одам сенинг ҳам, менинг ҳам номусимни булғади...»

Асадбек шундай деб кўча эшигига тикилди. Элчин эса у айтган гапларнинг асл магзини чақиш учун бир унга, бир кўча эшигига қаради. Асадбекнинг шахсан ўзи қасос олмоқчи бўлаётгани унга ажабтовур туюлди. Биттагина имосига илҳақ ўнлаб йигитлари турганида тўппонча яланғочлаб, дераза панасида пусиб ўтиришнинг боисини англаб этиши мушкул эди.

«Ўлиши керак бўлган одам ким? —деб ўйлади Элчин. — Иккимизнинг номусимизни булғаши мумкин бўлган ким экан? Жамшидми? У қайтиб келганми? Уни нима учун ўлдига чиқаришди? Энди чиндан ҳам ўлдирмоқчими? Зайнаб... демак, ўшанда тўғри айтган экан-да... Мен лақма...»

Зелихон Сочидан телефон қилганидан бери буларнинг ўйинига тушунолмай гангид юрган Элчин яна халта кўчага кириб довдиради. Агар ҳозир эшик очилиб, Жамшид кириб келса-ю, Асадбек уни отса... сўнг... «Чотингда безинг бўлса, бу ювуқсизни топиб

ўзинг ўлдиришинг керак эди. Қасоскорман, деб катта кетиши биласан. Сен эркакмисан, сен — даюссан!.. дейдими?..

Хәлига дафъатан келган бу фикр бутун баданини, бадани нима экан, оёқларининг бармоқларигача, бармоқлар нима экан, тирноқларигача музлатиб юборди!

То кўча эшиги очилиб, остоңада Ҳосилбойвачча кўрингунига қадар Элчин Жамшидга қараб ўқ узилишига амин эди. Шу сабабли Ҳосилбойваччанинг совуқ башараси кўрингани ҳамон ажабланиб, қайнотасига савол назари билан боқди: бунинг айби нима? Тўйда мени хорлаганими? Наҳот шунинг учун?.. Уйғонган саволлар оқими охирига етмай ўқ узилди. Сўнг Асадбек тўппончани узатиб, қаҳрли овоз билан амр этди:

— Чиқ тез, ўлмади шекишли, қўлим титради. Тирик бўлса, от!

— Нимага?

— Чиқ деяпман! Зайнабни булғади бу, эшитяпсанми?! Эркакмисан, ўзинг?

Элчин бу гапга ишонқирамаса ҳам, вужудида уйғонган бир куч тўппончага кўл узатишга мажбур этди. Асадбек яна бақиргач, ҳовлига чиқди. У Асадбекнинг гапларидан тамоман гангиган эди. У қаттиқ ерда юриб эмас, гўё саволлар ботқоғига тобора ботиб бораради. Асадбек «от!» деб буюрди, у амрга итоат этиб, ҳовлига чиқди, ўлжа сари юриб боряпти. Лекин тепкини боса оладими ё йўқми — аниқ билмайди. Чунки Ҳосилбойваччанинг гуноҳидан бехабар. «Зайнабни қанақасига булғashi мумкин? Ахир Зайнаб ўз оғзи билан Жамшидни айтган-ку? У расвони деб ўлмоқчи бўлди-ку?..» деб гарангсийди.

Асадбек режа тузатган чоғида Элчин Ҳосилбойваччани отгани чиқадими ё рад этадими, деб кўп ўйлаган эди. «Хотинини бундай ҳолатда кўрган ҳеббим ҳам чидаб туролмайди», деган фикр режанинг тўлиқ амалга ошишига ишонч тугдирарди. У Элчин қалбидаги газаб гулхани ёқиши учун Зайнабнинг ҳаммомдаги шармандали ҳолати тасвирини кўрсатмоқчи ҳам бўлди. Шу фикрга келиши билан ўзи уятдан ёрилиб кетай деди. У куёвини ўлимга ҳукм қилган эди. Аммо ўлимнинг тотли лабидан ўтмоқ арафасида турган бу одамга ҳам тасвирларни кўрсатишга журъат қила олмади. Ҳосилбойваччанинг айбини отиш олдидан қисқа тарзда

баён қилишни ҳам ўйлади. Бироқ, бунга ҳам тили бормади. Ўқ узилгач, «Зайнабни булғади бу!» дейиши эса Элчинда ғазаб гулханини ёқа олмади, балки савол ботқофига ботирди.

Қатъиятсизлик билан қадам босиб бораётган күёвига қараб, Асадбек ғижинди. У нишонни аниқ олганнига, ғанимнинг жон таслим қилганига ишончи комил эди. Яна тўққиз-ўн қадам кўйгач, бир неча ой күёвлик либосида юрган Элчин ҳам «бахтиёр» ҳаётига шу ерда якун топмоғи лозим эди. Лекин у ўша тўққиз-ўн қадамни босишни истамаётгандай имиллайди. Бир неча нафаслик фурсат Асадбекка бир неча асрдай ғоят узоқ туюлди. Шубҳа йўқки, қўлида яна бир тўппонча бўлганида, оқибатини ўйлаб ўтирамай, Элчинни шартта-шартта отиб ташларди.

Элчин эса оғир қадам босаётганини ўзи ҳам сезди. «Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиқ», деб аффон чекувчи, ўзини ҳалол деб ҳисобловчи, аслида эса ўзи билмагани ҳолда шайтоннинг суюкли фуқаросига айланган бу одамга ўлимнинг иссиқ тафти сари бораётгани, бир тасодиф билангина тирик қолажаги ҳозирча номаълум эди. Тўғри, у қоронгу уйда Зайнабга тегинган ондан бошлаб Асадбекдан ўлим ҳукмини кутиб яшарди. Ҳатто тўйидан кейин ҳам бу хавотир булути тарқамаган эди. «Жамшидда нима қасдингиз бор эди?!» деб жағига мушт соганида қайнотасининг ҳукм сари яқинлашаётганини сезган, аммо айнан шу бугун, айнан шу ҳовлида, ҳукмнинг ижро бўлишини ўйламаганди. Ҳозир, Ҳосилбойваччага яқинлашар чоғида ҳам қайнотасининг режасидан бехабар, ҳатто эшик зарб билан очилиб, Филайни кўрганида ҳам буни фаҳм этмади. Аввал кўкрагига, сўнг биқинига ўқ қадалганидан кейингина бир «оҳ» уради. Кейинроқ, ҳушига келганида эса бу ҳолатини эслаб, лақмалиги учун ўзини лаънатлайди. «Тақдир (Асадбек эмас!) қўлимга тўппонча тутқизган экан, ҳаммасини отиб ташламайманми, ҳаммасидан биратўла қутулмайманми», деб ўқинади. Лекин... Сўнгти пушаймондан ким лаззат топибдики, Элчин хузурлансан...

билан унинг нигоҳи тўқнашди. Ўзини ҳимоя қилишни ўйлашга ҳам улгурмади. Унинг нигоҳидаги «нималар бўляпти, ўзим ҳам тушунмаяпман», деган саволга жавобан Шомил тўппонча тепкисини босди. Ҳожасини ёлғиз қўйганидан ўкиниб, важоҳат билан югуриб келган Филай қандай воқеа содир бўлганини аниқ билмаса-да, ерда чўзилиб ётган Ҳосилбойваччага шу Элчин ўқ узган деб гумон қилиб, тўппончасидаги бор ўқларнинг барини унинг жисмига бўшатиши мумкин эди. Яхшики, Чувринди изма-изетиб келди...

Элчин тўппонча оғзидан сачраган оловни кўрди, сўнг... чуқур қудуқقا ағанади. Юраги қинидан чиққудай бўлиб шитоб билан тубсизлик сари учаверди. Учаверди, учаверди... қудуқнинг тубидан эса дарак йўқ. Сўнг... қоронгулик чекиниб, атрофи ёриша борди. Галати манзаралар кўринди. Кейин бирдан... харобгина бостирма ёнида ота-онасини кўриб, титраб кетди. Волидайн тажрибахонада киядиган оқ либосларида эдилар. Элчин шум хабарни эшлибиоқ мактабдан етиб келганида улар қўланса ҳидли тажрибахонада шу кийимда, жонсиз ҳолатда ётар эдилар. Уларнинг кимёвий тажриба ўтказаётуб заҳарланишганини кейинроқ билди. Шу пайтгача бирон марта бўлсин «заҳарланишганмиди ё ҳасадчи ҳамкаслари заҳарлашганмиди?» деб сира ўйламаган эди. Ҳозир тубсизлик сари учиб бораётганида нечукдир шу савол хаёлига келди. Пича тўхтаб, сўроғини сўради, аммо жавоб ўрнига бошқа гап эшилди:

— Сен бу ерда тўхтама, сени Ноила кутяпти, — деди онаси жойидан жилмай.

— Нима учун бу хароб бостирмада яшаяпсизлар? — деб сўради Элчин.

— Ҳар ким амалига яраша ажр олар экан, — деди отаси.

Элчин бу гапнинг маъносини тушунмади.

— Мени ахийри отишиди, — деди Элчин. — Ойи, эсингиздами, қамоқдалигимда келиб, бошимни силардингиз, ўзим ҳимоя қиласман, дердингиз?

— Ҳимоя фақат Яратгандандир. Биз Тангirimнинг хоҳиши билан сени ҳимоя қиласар эдик. Бизга берилган бундай ҳуқуқ кучи бугун қирқилди. Биз сендан ҳар он дуолар кутдик. Ақалли бир мартағина пешананг саждага тегиб, ҳаққимизга дуо қилсанг, бизларни бу хорлиқдан оз бўлса-да, кутқарар эдинг.

— Имконим бўлмади.

— Имкон ўз қўлингда эди. Сен ҳам биз каби Тангридан йироқлашдинг. — Бўлди, бас, тўхтама, энди қиёматда дийдор кўришамиз.

— Мен... ўлдим... энди сизлар билан бирга бўлишини истайман.

— Йўқ, болам, бу баҳтдан бизлар бенасибмиз...

...Бу аёвсиз ҳукмни эшигтиб, Элчин инграб юборди. Күёвининг ҳаракатсиз гавдаси узра энгашган Асадбек шу аламли, азобли инграшни эшигтан эди...

...Ота-онаси бағрига сифмаган Элчин яна уча бошлиди. Сўнг яйдоқ далада, ўтлари, чечаклари топталган кенглиқда Ноиласи кўринди. Ўша кўйлакда, аммо... кўкрагида қонли доғ йўқ. Ўша пичноқ... кўкрагида эмас, қўлида... учидан қон томиб турибди. Қамоқда эканида, тушларида кўрганида бу кўйлакда қонли доғ бўлгувчи эди. Энди эса топ-тоза...

— Ноилам, ниҳоят келдим, энди ҳамиша бирга бўламиз. Отишганидан хурсандман. Лекин афсусим ҳам бор... Охиригача қасос ололмадим. Фақат биттасини ўлдирдим... Нега индамайсан, Ноила?

— Биттасини ўлдирдингиз... бир бегуноҳ бокира қизни эса, булғаб ташладингиз. Бу камми сизга?!

— Бу — қасос, Ноила! Ахир эсингдами, тушларимга кириб, қасосга ундар эдинг?

— У мен эмас эдим.

— Нима учун бундай деяпсан, тушларимга киргучи сен эдинг!

— Йўқ, адашяпсиз, у — қалбингиздаги шайтон эди. Менинг қиёфамга кириб сизга кўринар эди. Ўйлаб кўрмадингизми, бир қизни булгашга мен сизни даъват этишим мумкинми? Мен сизни ҳеч ёмонликка қараб ундалманмани? Мана бу топталган чечакларни кўряпсизми? Буларнинг бари булғанган қизлар. Зайнаб ҳам бир куни шу ерга келади. Мен сизни деб бир неча дақиқага турдим, ҳадемай яна чечакка айланаман.

— Мен келдим, Ноила, у дунёда зурриёдим қолмади. Ёлғиз ўғил эдим, уруғимиз қуриди.

— Фарзанд кўришни ўзингиз истамадингиз, ёшлиқда ўйнаб қолайлик, дедингиз. Ўйнаб-ўйнаб шу мартабага етдингиз.

— Гуноҳларим кўп, биламан, Ноила, энди иложисизман. Энди биз бирга бўламиз.

— Йўқ, сизнинг жойингиз бошқа. Сиз изингизга қайтасиз.

— Ноила, мени ота-онам ҳам ҳайдашди, сен ҳайдама. Мен энди айрилиқ азобига чидай олмайман.

— Сизни ҳайдовчи мен эмасман. Сиз Зайнабга қайтинг.

— Ундаи дема, Ноила, қайтмайман. Ҳайдама мени... Биламан, сенинг олдингда гуноҳкорман.

— Сиз Оллоҳ олдидага гуноҳкорсиз. Мен сиздан розиман, аммо Оллоҳ рози бўладими-йўқми, билмайман. Қайтинг!

— Ҳайдама, Ноила!

— Сизни ҳайдагувчи мен эмасман.

Шундай деб Ноила кўздан йўқолди — чечакка айланди. Элчин фарёлли овоз билан чақирди:

— Ноила!

Унинг ноласи саҳро бағрига томган томчи каби самарасиз бўлди. Кўкрагида алам илони тўлғониб, ингради.

Машинада кетаётган Чувринди ана шу овозни эшилди. Яна уча бошлаган Элчин эса таниш овозни илгади:

— Ҳофиз, озгина чиданг...

...«Ким бу менга гапираётган?» деб атрофга аланглайди. Тушунуксиз манзараларда инсон зоти кўринмайди.

— Ҳофиз, гапимни эшиятпизми?

...Яна аланглайди. «Ҳа», деб жавоб беради.

Учди, учаверди... Тиконзорлардан ўтди, тиканаклар баданини тилдилар. Чаёнзордан ўтди, чаёнлар нишларини санчдилар. Илонзорга етди, илонлар чақдилар. Бу ҳам камлик қилиб, бўйнига ўралганча бўғдилар.

Элчин азобдан тўлғонар. Кимлардир, қайдадир унинг ҳолига кулар, кулаверар.

Шу азоблар гулханида куяётганида илонзорда Ҳосилбовачча кўринди. Нечундир илонлар уни чақмаслар, бўғмаслар. Бир йўғон илон эса нозанин каби унинг белига ўралар, сўнг лабидан бўса олар. У эса кулар, кулаверар. Охир-оқибат кулгидан чарчаб, Элчинга қарап:

— Булар ҳаммаси меники. Мен сендан олдинроқ келдим. Энди меники булар.

— Мен... Менинг маконим шу ерми? — деди Элчин.

— Э, йўқ, бу ер менинг мулким. Сенга жой йўқ.

Сен кейин келасан. Кундузи илонлар сени чақади, гүштларингни еб тутатади. Шомгача қуруқ суюнгинг қолади. Тунда эса яна гүшт ўсиб чиқади. Эрталабдан яна илонларга ем бўласан.

— Сен-чи?

Ҳосилбойвачча бу саволга жавобан хоҳолаб кулди, бир буралиб илонга айланди, сўнг яна аслига қайтди.

— Кимсан ўзинг, Ҳосилмисан ё шайтонмисан?

— Хоҳлаганинг.

— Ҳосил бўлсанг, айт: Зайнабга тегиндингми?

— Буни қайнотангдан сўрайсан.

— Унда айт: тўғри, мен гуноҳкорман, жазо олишим тайин. Сен-чи? Гуноҳларингнинг чеки-чегараси йўқку?

— Шу ерда ҳам ўзбеклигинга борасан-а? Яхши ҳамки қиёматда сен гуноҳ тортувчи тарозибон бўлмайсан. Нақ ҳамманинг шўрини қуритасан! Сен ўзинг учун жавоб бер. Бошқалар билан ишинг бўлмасин!

У узоқлаша бошлади. Узоқдан туриб яна овоз берди:

— Ҳофиз, гапларимни эшитяпсизми?

Чувриндининг овози унга Ҳосилбойваччанини бўлиб туюлди.

У учди. Сўнгсиз равишда учаверди.

Дам-бадам нотаниш овозларни эшитди:

— ...Тампон... тикинг... пульс...

Учиб юришлар ниҳоясига етиб, кўзларини очди.

V б о б

1

Кесакполвон шаҳарга оқшомда кириб келди. Аввал Асадбекни излади. Кейин Чувриндини йўқлади. Уларнинг қаерга кетганини ҳеч ким билмади. Кесакполвон болохонадаги йигитларнинг онаси-ю, опа-сингилларини уч-тўрт сидра «ўқиб» ҳам хуморидан чиқмагач, бирининг жағига мушт тушириб, бошқасини тепиб қолди. Агар Кесакполвон медузасифат тўрт кўл, тўрт оёқли бўлиб яралганида эди, болохонадаги бошқа йигитлар ҳам унинг мушти, тепкиларидан бебахра қолишмас эди. Йигитлар «Оқаҳон, биз бор-йўғи бир пойлоқчимиз, Бек акамдан «қаерга кетаётганларини

сўрашга ҳаққимиз бўлмаса...» деб ўзларини оқлашди. Уларда бундай ҳуқуқ йўқлигини Кесакполвон яхши билади. Ҳам бўйдан, ҳам покиза ақддан қисилган бу банда жаҳл юҳоси қўзғолган дамда тупроққа яқинлашиш лозимлигини билганида эди, аламдан бу тарзда чиқиш йўлини танламаган бўларди.

Абдураҳмон табиб унинг илтимосини рад этиб, кетига келиштириб тепгандан баттарроқ иш қилди. Гарчи унинг улоқчи отлари манзилга етиб бормаган бўлса-да, Кесакполвон хумордан чиқмади. Асадбек билан Чувриндининг биргаликда гойиб бўлгани эса гумон ўтига мой сепиб аланга олдиради. Бир жуссада гумон билан аlam алангаси чирмашар экан, Йигитларнинг сўкиш эшишиб, мушт ёки тепки ейишларидан бошқа иложлари йўқ. Кошки эди, бир тепки-ю мушт билан бу аланга ўча қолса. Йигитлар навбатдаги зарбаларни кутиб, бошларини хам қилиб туришганида телефон асабий жиринглади. Аслида телефон одатдагидай жиринглаган, аммо жаҳл торлари таранг тортилиб турган болохонадагилар учун шундай туюлган эди. Йигитлардан бири шошилганича гўшакни кўтариб, кулоғига тутди. У:

— Ассалому алайкум, Маҳмуджон aka, — дейиши билан Кесакполвон гўшакни қўлидан юлқиб олди.

— Маҳмуд! — деди зардали овозда. «Қаёқда юрибсанлар?» деб сўрамоқчи бўлди-ю, «излаганимни билмай қўя қолсин», деган мақсадда тилини тийди. Унинг жимиб қолганидан Чувринди фойдаланди:

— Ие, Ҳайдар aka, қаёқда юрибсиз, қидиравериб энка-тинкамиз чиқиб кетди-ку?

— Юрибман қаричлаб ўлча-аб, — деди Кесакполвон яна зарда билан. Кейин ичиди «Қидирасан-а, қидирасан, йўқ бўлиб кетсан, дўппингни осмонга отарсан!» деб фижинди. Шу боис сўроги янада зардалироқ чиқди: — Асад қаерда??!

— Билмайман... — Чувринди шундай деб тин олди. — Аркда бўлсалар керак. Йигитларда гапим бор.

Кесакполвон тушунди. Айрим ҳолларда, айниқса телефонда гаплашилганда Асадбекнинг қаердалигини айтиш мумкин эмас эди. Шу боис фақат энг яқин одамларгина тушунадиган тарзда унинг қаердалигига ишора қилинарди. Ҳозир Чувринди «Билмайман... аркда бўлсалар керак», дедими, демак, у эски шаҳардаги ота ҳовлисида.

Кесакполвон гүшакни йигитта бергач, «У ерда нима қиласы? Тез-тез борадиган бўлиб қолди. Ё бир балони бошламоқчими?..» деб ўйланди.

Чувриндининг гапи қисқа бўлди. Йигит «Хўп бўлади, акахон», деб гүшакни жойига қўйди. Кесакполвон ижирғаниброқ сўради:

— Акахонинг нима деди?

— Отарчининг... — Йигит Чувриндининг буйруғини сўзма-сўз такрорламоқчи бўлди-ю, аммо «отарчи»нинг Бек акасига куёв эканини эслаб бошқачароқ оҳангда айтди: — Ҳофиз акамнинг мосиналарини янги касалхона йўлига ҳайдаб борарканмиз...

— Нимага?

Йигит «бilmайман» дегандай елка қисди.

— Машинаси Асаднинг маҳалласидами?

Йигит бош иргаб тасдиқ ишорасини қилди.

— Отарчининг ўзи қаерда экан?

— Бilmайман.

— Телпон қил-чи?

Гүшакни у томондан ҳеч ким кўтартмагач, Кесакполвон икки йигитта ижозат берди. Узи болохонада бир неча нафас ўтириб, нима қилиш лозимлигини фикрлади. Кўнгли ғаламисликни сезиб, йигитларнинг изидан бормоқчи бўлди. «Хўйнаҳой у ерда Маҳмуд кутиб тургандир, пойлаб борганимни билса, хитланади», деган фикрга келиб, шаштидан қайтди. «Асад ёл-ғиздир, бориб гаплашай-чи», деган қарорда ўрнидан турди. Катта кўчадан эски маҳаллага бурилишда Хумкалланинг кулранг «Жигули»сини кўриб, машинани тўхтатди. Бармоқларида калитни ўйнаб турган Хумкалла янги ҳожасини кўрди-ю, пилдираб юриб келиб унинг қаршисида пайдо бўлди.

— Нима қилиб турибсан? — деб сўради Кесакполвон ўтирган ерида.

— Хизматдамиз, акахон, — деди Хумкалла атрофга бир аланглаб олгач.

— Қачондан бери?

— Эрталабдан.

— Ким бор?

— Ҳозир ким борлигини билмайман.

— Акахонинг шу ердами?

— Шу ерда эдилар. Бир соатча бўлдими...

— Ўзи келиб, ўзи кетдими?

— Ўзлари келдилар... Кетишда... орқада Ҳофиз

акамни күргандай бўлдим... яна Худо билади. Сиздан сал олдинроқ болалар келишиб машинасини ҳайдаб кетишиди.

- Рўлда акахонингмиди?
- Йўқ... Ҳалим.
- Отарчининг келганини кўрувмидинг?
- Кўрувдим.
- Яна ким келди?
- Бу томондан бошқа ҳеч ким. Балки нариги томондан...

Кесакполвон «тушунарли» деб эшикни ёпмоқчи эди, Ҳумкалла уни тўхтатди.

— Акахон, бир гап: кўчанинг нариги бетида бойваччанинг боллари фимиirlаб юришибди. Улар ҳам пешиндан бери шу ерда.

- Бойваччанинг ўзи кўринмадими?
- Бир кўрингандай бўлди... Яна Худо билади.
- «Булар нимадан ис олган бўлишлари мумкин?»

Хаёлига келган бу саволга жавоб топиш учун фурсати йўқ эди. Шу боис кўп ўйлаб ўтирумай, ҳайдовчинг елкасига туртиб, «ҳайда» деди.

Машинанинг чироги Асадбекнинг эшиги оғзида турган Бўтқани ёриттач, чиндан ҳам «бир бало бўлганини» фаҳмлади. Шу сабабли эски уй қаршисида тўхтамай ўтиб кетди. Кесакполвоннинг машинасини таниб пешвоз чиқмоқчи бўлган Бўтқа тараддулланган ерида ажабланганича қолаверди.

Кесакполвон маҳалланинг нариги биқинидаги катта кўчада ҳам Чувриндининг йигитларини кўргач, «бир бало бўлганига» аниқ ишониб, изига қайтди. Ҳозир уни биров тўхтатиб, «Ҳосилбойвачча шу уйда ўлдирилди» деса, ишонмай, «бор тошингни тер», деб жеркиб ташлаган бўларди. Унинг кўнглида ваҳм илонини қўзғотган фикр бошқа: Асадбекка бир нарса бўлган-у Чувринди отни қамчилаб қолган. Шунинг учун атрофни йигитлари ўраб турибди!

Шу фикрга банди бўлган ҳолда машинадан тушиб, Бўтқанинг саломига алик ҳам олмай, эшикни зарб билан очиб, ичкарига қадам кўйди. Қадам кўйди-ю, ҳовлида чўзилиб ётган икки одам қорасини кўриб, таққа тўхтади. У «бир бало бўлганини» сезган эди, аммо ҳовлига қадам кўйиб, икки ўлик устидан чиқаман, деб хаёл қилмаганди. Чўзилиб ётганларни кўриб, икковини ҳам ўлик деб ўйлади. Фира-ширада аввалига уларни

танимади. Шу сабабли эшикка яқынроқ ётганига энгашыб қараб, Филайни таниди. Күл-оёғи боғланганидан унинг ҳали тириклигини фаҳмлади. Кейин юзига эски қофоз парчаси ташланган Ҳосилбойваччани таниб, бир сесканди. Довон ошиб келаётганида Ҳосилбойвачча билан ҳуфёна учрашмоқни, гап гапга қовушса, вақтингалик иттифоқ тузмоқни хаёл қилганди. Чувриндини йўлдан супуриб ташлаш учун шу иттифоқ зарур деб топган эди. Чунки Асадбекнинг умр шами учбид бораётганидан дарак топган Ҳосилбойвачча ҳам тек турмас, бир томондан Чувринди, иккинчи томондан Ҳосилбойвачча юриш қилса, орада хароб бўлишига ақли етарди. У харобликдан кутулиш чораси деб ганим томонни кўзлади. Кўзлади-ю, орадан бир неча соат ўтиб, пешонаси тош деворга урилди.

У ўзича режа оши масаллигини тайёрлаб келаётганида бу ерда Асадбек билан Чувринди иш ошини пишириб кўйишга улгuriшган эди.

Мурдани танигани ҳамон «Нега ўлдиришди?» деган савол миясига урилди. Сўнг «Нега мен билмай қолдим, нега мендан яширишди?» деган савол гумонлар пўртanasини қўзгади. Шундан сўнгтина кўп йиллик дўсти, ажralмас шериги ёдига тушиб, атрофга аланглади: ичкарида чироқ ўчиқ. Ҳовлида одам қораси кўринмайди.

Кесакполвон хавотирга тушиб, атрофни йигитлар кўриқлаётганини унуди. Панжаси биқинига ботиб турган тўппонча сари югурди. Сўнг беихтиёр равиша бақирди:

— Асад!

Назарида бу овоздан атроф гулдураб кетгандай туюлди.

— Асад!

— Бўкирма, бу ёққа кел.

Кия очиқ деразадан чиқиб келган Асадбекнинг овози ундаги хавотир алангасини ўчирди. Кўлини тўппончадан олиб, уй томон юрди.

— Асад, нима бўлди? — деди остона ҳатлаб.

— Хўқизга ўшшаб бўкирма, дедим, сенга.

— Асад, нима бўлди?

— Нима бўлганини кўрмадингми?

— Кўрдим... Нимага ўлдирдинг?

— Ўлгиси келган экан, ўлди. Меникига уни ажали ҳайдаб келган. Энди сен гапничувалаштирумай қўя қол.

— Нима учун мендан яширдинг?

— Яширганим йўқ. Ўзинг қаёқдаги тезакларни териб юрибсан? Чойхонангдан чиқиб қаёққа ғойиб бўлдинг?

«Суриштирибди-да...» — деб ўлади Кесакполвон. Шу фикрнинг ўзи уни бир оз тинчлантириди. «Ҳар ҳолда бутунлай сурис четта чиқармабди», деб таскин топай деганда Шайтон алайҳилаъна аста келиб қулоғига шивирлади: «Бу ишни кечча режалаштирумагандир? Уч-тўрт кун пишигандир? Маҳмуд билан фикрлашгандир?..»

Шайтон шивирини тилга чиқармоқчи эди, Асадбек гапириргани кўймади:

— Бойваччани кўмдир. Филай сеники. Нима қилсанг қил: оёғидан осасанми, қайноқ сувга бўктирасанми, ўзингнинг ишинг. Эрталабгача йигитлари кўл қовуштириб, салом берадиган бўлишсин.

Бу топшириқ шивирлаётган шайтонни нари сурис, юрагига чироқ ёқди. Оч ётган аждаҳо бирданига ўнлаб одамларни тириклайн ютиб қандай роҳатланса, Кесакполвон шундай ҳузурланди. Бу буйруқ Кесакполвон учун кутилмаган баҳт эди. Шу баҳт күёшидан кўзлари қамашиб, ийиб кетди.

— Ўзинг тузукмисан? — деди меҳрибонлик билан.

— Нима, олдин бузуқмидим? — деб тўнғиллади Асадбек.

Гап бир оз совуқ оҳангда айтилган бўлса-да, Кесакполвон буни ҳазил сифатида қабул этиб, дўстининг елкасидан кучди.

— Тез бўл, имиллама! — деб буюрди Асадбек.

— Эшвормаган — номард! — деди Кесакполвон. — Эрталаб ҳаммаси эмаклаб келиб, этагингда намоз ўқииди.

— Катта кетма. Иси чиқмасин. Намоз ўқишилари шарт эмас, аммо ҳаммасининг оғзини тикиб чиқасан. Биттаси овоз чиқарса... кейин мендан хафа бўлиб юрмана.

Кейинги гап ийиб турган кўнгилга муз парчаларини сочди.

— Сен... оғайни... олифтагарчилик қилма. Шу пайтгача қайси ишнинг исини чиқарувдим?

— Жириллама!

Кесакполвоннинг тили бир қичиди-ю, аммо ўзини тийди.

— Хўп, жирилламасам жирилламадим, — деб тўн-
филлаганича ташқарига чиқди. Кўча эшигини очиб,
Бўтқани чақирди.

— Манавини бир бало қилиб, юхонага жойла.

Бўтқа учун шу буйруқнинг ўзи кифоя қилди. Бир
дақиқанинг ўзидаёқ қонга беланганд мурда икки буқла-
ниб, юхонадан жой олди. Бўтқа буйруқни ижро эт-
гач, «яна хизмат борми, акахон?» дегандай эшик оғзи-
да кўл қовуштириди.

— Кўтар буни, оғзини оч, — деди Кесакполвон
Филайга ишора қилиб.

Бўтқа уни тиклаб, йиқилмаслиги учун бир қўли
билан суюб, иккинчи қўли билан елим тасмани кўчир-
ди. Филай чуқур нафас олди.

Кесакполвон чўнтағидан сигарет чиқариб битта-
сини Филайнинг лабига қистирди-да, ёққични ёндири-
ди. Пилик ёргуда Филайнинг юзи янада хунук кў-
ринди. У оч қолган одамдай ютоқиб тутатди. Кесак-
полвон ёққични ўчирмади, пилик алансини унинг
жағига тутди. Жағи куйган Филай бошини орқага
тортди.

— Шунаقا, оғайничалиш, — деди Кесакполвон, —
хўжайинни алмаштирадиган вақт келди. Янги хў-
жайнинг тобинг борми ё эскисининг орқасидан жий-
да-халтангни кўтариб жўнаб қоласанми? Киноларда
кўргансан, а? «Хўжайинимга содиқман» дейдиганлар-
нинг оғидан осиб қийнашадими-еъ. Кинодагилар аҳ-
моқ, а? Ё сен аҳмоқмисан? Сенинг оғингдан оссам
ярашмас, а? Ё киндигингдан кекирдагингача тилиб,
туз сепсан, мазза қиласанми? Кўй, бунаقا маззалар
аҳмоқларга аталган. Сен аҳмоқ эмассан. Кимга содиқ
бўлмоқчисан? Ўлик одамгами? Хўш, энди гапир, ке-
лишамизми ё отамлашамизми?

Кесакполвон унинг лабидаги сигаретни олиб таш-
лади. Филай енгил йўталди.

— Қани, энди гапир-чи? Кесакполвон пилик оло-
вини унинг бурнига яқинлаштириди. Филайнинг бур-
нидан чиқиб турган тукларнинг учи куйиб, чаённинг
нишидай гажак бўлиб олди. Гилай пастки лабини чў-
зиз пилик оловини пуфлаб ўчирди-да:

— Гап йўқ, келишамиз, — деди.

— Қойилман, ўғил бола, — деди Кесакполвон за-
ҳарли жилмайиб. Кейин Бўтқага буюрди: — Аканг-
нинг қўл-оғенини еч. Қайси аҳмоқ боғлади ўзи буни.

Мен шунақа ўғил болаларга беш кетаман ўзим. Қани, окаси кўзидан, энди айт-чи, атрофдаги кўчага қанча бола қўйгансан?

- Тўққизта.
- Улар нимага тухум босиб ўтиришибди, нимага ёрдамга келишмади?
- Ишора бўлгунича кутишлари керак эди. Бу ёғи бунақа бўлиб қолди.
- Асадни... ўлдирмоқчимиidlаринг?
- Бу ҳақда гапирмовди.
- Унда нимага келди?
- Менга иш буюрарди, мен бажаардим. Мен билан маслаҳатлашмаган.
- Одамларингнинг ҳаммасини бир ерга тўплашинг керак.
- Керак бўлса ярим соатда тўплайман.
- Қитмиrlари йўқми? Фалва қилишмайдими?
- Билмайман. Балки... бу гапларни айтмаслик маъқулдир уларга?
- Қойилман, калланг фиж-фиж ақл-а, тошиб кетмаганига ҳайронман, — деди Кесакполвон кесатиб. — «Хўжайн бизларни Асадбекнинг ихтиёрига топшириб ўзи сафарга кетди», дейсан. Қаерга тўплайсан болалингни?

Филай шаҳар четидаги боғни айтди.

— Йўқ, — деб эътиroz билдириди Кесакполвон. Кейин бир оз ўйланиб туриб ўзига маъкул бошқа ерни айтди-да, Бўтқага қараб қўйди. Бўтқа бу қарашнинг маъносини англали — демак, ўша ер йигитлар билан ўраб олиниши керак. Бўтқа «тушундим» дегандай бош иргаб қўйгач, Кесакполвон Филайнин кўча томон бошлиди: — Юр, энди. Ошни пиширайлик. Тезроқ дамламасак, тагига олади.

Кесакполвон нозанинни кузатгандай Филайнинг кўлтиғидан олди. Катта кўчага чиқишигач, машина тўхтади.

— Болаларингни чақир, — деди Кесакполвон.

Филай тушиб, уч-тўрт қадам юргач, қўл силкиб қўйди. Кўчанинг нариги бетидаги йигитлардан бири югуриб келди. Филай унга бир нима дегач, у шошиб изига қайтди. Бу орада Бўтқа Хумкаллага ҳожасининг буйругини етказди.

Филай машинага ўтиргач, Кесакполвон унинг елкасига қўл ташлади.

— Энди акангникига кириб ўтайлик. Бола-чақаси хавотир олмасин, сафарга кетганини айтиб қўйишинг керак.

— Ака, бир жойга кириб юзта-юзта қилиб олайлик, бош ёрилиб кетай деяпти, — деди Филай ялинчоқ оҳангда.

— Боя айтмайсанми шуни? — деди Кесакполвон, сўнг Бўтқага буюрди: — ол, анави ерда очилгани бўлиши керак.

Бўтқа пешойна остидаги мўъжаз юхонани очиб, бир шиша ароқ билан пиёла олди-да, қуйиб узатди. Филай уни бир кўтаришда бўшатгач, чуқур нафас олиб қўйди.

Кесакполвон унинг руҳий ҳолатини тушунгандек, унга ҳамдард бўлгандек меҳрибонлик қилиб, сигарет тутди. Филай яна бир пиёла сўради. Уни ҳам сипқоргач, сигарет тутатди. Бир неча нафасдан сўнг яна сўраган эди, Кесакполвон унамади.

Филайнинг шартта осонлик билан рози бўлганидан у кўп ҳам ажабланмади. Чунки садоқат деган тушунчанинг руҳи унга бегона эди. «Хўжайнинг хиёнат қилди, сотди», деб ҳам нафратланмади. Чуни «хиёнат — гуноҳ», деган тушунчадан ҳам йироқ эди. Агар дунё тескари айланиб, Филайнинг ўрнида ўзи бўлиб қолган тақдирда, ҳеч бир иккilanмаган ҳолда шу йўлни танлаган бўларди. Дунё-ку тескари айланмас, у Филайнинг ўрнида бўлмас. Лекин Асадбекнинг қўли титраб, нияти амалга ошмай, ўзи нобуд бўлиб ҳукмронлик супасига Ҳосилбойвачча кўтарилганида унга хизмат қиласериши аниқ эди. Ундаги бетайнликни Асадбек азалдан билар, шу боис ҳам кўпроқ Чувриндига суюнади.

Кесакполвон чўнтак кесиб юрган кезларида Асадбекнинг бир чўталчиси бўларди. Серйўталроқ, нимжонроқ бола эди. Касалванд бўлгани учунми, Асадбек унинг туриш-турмушидан хабар олиб турарди. Йигитча ҳам Асадбекка содиқ эди. Номи чўталчи, асли эса айғоқчи эди. Қиморбозларга хизмат қилиб юриб, кўрган-билганларидан Асадбекни огоҳ этиб турарди.

Бир куни Кесакполвон каттароқ овни мўлжал қилиб, уни ёнига олди. Ов юришмади-ю, аммо йигитча анқовлик қилиб кўлга тушди. «Участковой ака» деб мурожаат қилишларига кўникиб қолган милиса Кесакполвонни танир эди. Таъбир жоиз бўлса, у вақти вақти билан Кесакполвондан «совға-салом» олиб ту-

рар, шунинг эвазига баъзи пайтларда, баъзи кўчалардан кўзларини юмиб ўтарди. Бир касофат бўлиб, шайтон йўлдан урибми, кўзларини беҳос очган экан, ўша йигитчадан гумонсирабди. Кесакполвон «Бу бола бизнинг укахон», деб чўнтагини бир кавлаб қўйса, олам гулистон эди. Шуни истамади. Чунки «Бу бизнинг укахон» деган учтагина сўз тилдан осонгина учгани билан, то гап эгасининг кулогига етгунича чўнтак орқали ўтиши шарт. Кесакполвон эса майда ўғрилигига бориб, сарф-харажатдан қочади. У бирорнинг чўнтағига қўл солса бирон нимани илаштириб чиқиши хуш кўради. Ўз чўнтағидан чиққан дамларда эса жони суғурилгандай туолиб, азобланади. Йигитчани қутқаришдан бўйин товлаганининг иккинчи боиси — гап чувалашмасин, деди. Ўшанда Асадбек ундан норизо бўлганида «Икки киши ўрнига битта одам ўтиргани дуруст эмасми?» деб ўзини оклади. Унинг фалсафаси шундай эди: икки киши ўрнига бир одам қамалгани яхши. Қамалгувчи одам касалванд бўлса ҳам майли, қамоқхонада жони узилса ҳам майли... Кесакполвон бу «фалсафаси» байроғи остида кўп ишлар қилди. Бугунга келиб бу байроқ яна қўтарилди. Фақат ёзув бироз ўзгартирилди: Асадбекнинг мулки икки кишига эмас, бир кишига қолиши керак!

Филайнинг осонгина бўйин эгиши Кесакполвонда ҳеч қандай туйғу уйғотмади, демак ҳам ноўриндир. Филай қаршилик кўрсатмагач, Кесакполвон ундан ха-вотирланди. Филайнинг қаёққа ёки кимга қараётганини билиб бўлмаганидек, хаёлида қандай шумлик яши-рингани ҳам номаълум эди. Шу хавотир туфайли кўчага чиқишганида «Олд томонга ўтири», деб Бўтқага имо қилган эди.

Машина ўридан жилганидан бери хаёлнинг бир улуши биқинига ботиб турган тўппончада, ўнг қўли эса қуллуқ қилгандай кўкрагида — тўппончани олишга шай эди. Кетма-кет равишда минг марта, балки ундан-да кўп ҳарифларининг курагини ерга теккизган полвон агар доно бўлса, ўзига бино қўймайди, минг биринчи ҳарифни ҳам албатта мажақлайман, деб катта кетмайди. Афсус шуки, Кесакполвон у доно полвонлар тоифасидан эмас. Агар Филай тирсаги билан туртиб юборса, тўппончаси иш бермай қолиши, ҳатто Бўтқанинг ўтирилишга ҳам улгуролмаслиги мумкинлигини ўйламайди. Унинг баҳтига Филайда ачиниш

хисси йўқ. Бўлсами эди, Ҳосилбойваччанинг ўлими унинг учун изсиз кетмас, ҳеч бўлмаса бир ҳаракат билан ўч олишга интилар эди.

Ҳовлига боғлаб қўйилган ит ҳеч маҳал «Ҳожам ўлса шу уйга хўжайин бўламан», деб орзу қўлмагани каби Шомил филай ҳам «Ҳосилбойваччадан кейин унинг мулки менга қолади», деб фикрламаганди. Агар бирор «Ҳожанг яқинда итдай ўлим топади, тайёргарлигинги кўриб қўй», деб башорат қилсами, бир ойли чақалоқнинг калласидай келадиган муштдан татиб кўриши тайин эди. Филайнинг шу хаёlda юргани ҳам Кесакполвоннинг баҳтидан. Агар мулкка эгалик ҳисси уйғонсами, бу туйғу жон аччиғига нисбатан қудратлироқ бўлар, оқибатда уни унча-бунча занжир жиловлай олмас эди. Филай қўл-оёғи боғланган ҳолда, гарданидаги оғриқдан азобланиб ётганида ҳожасини кўз қири билан кўриб, нима қилишини фикрлаган, ўзининг чорасизлигига амин бўлган эди.

Кейинги кунлар ичи Ҳосилбойвачча ғолиб одамнинг қадамлари билан одимлай бошлаганида Филайнинг шум кўнгли бир ноҳушликни сезган, уни йўлдан қайтаришни хаёл ҳам қилган, аммо ҳожаси ўзгаларнинг маслаҳатига юрмаслигини билгани учун тилини тийган эди. У буйруқни бажарувчи сўқир жангчи эди, узоқни кўра оладиган басир саркарда эмасди.

Машина Ҳосилбойваччанинг дарвозаси қаршисида тўхтаганида Кесакполвон «Тушавер» деган маънода Филайга қаради. Филай ўрнидан дарров жилмади. Бир неча соат илгари бу остонаядан мағрур ҳолда босиб чиққан одамнинг энди бу уйга мутлақ қайтмаслиги унинг қалбини эза бошлади, демак ёлғондир. Қалби эзилмаса-да, бу уйнинг ҳожасиз қолгани унинг учун ноҳуш эди. Ҳозир машинадан тушиши керак. Ҳовлига кириб «кеннайи!» деб чақиради. (Ҳосилбойвачча ҳам, хотини ҳам ўзидан анча кичик бўлишса-да, ҳожасининг ҳурматини қилиб, «келин» эмас, «кеннайи» дерди). Ҳожасининг (энди собиқ ҳожасининг) завжаси чиққач, «Акам сафарга кетдилар», дейди. Бунаقا ҳол кўп бўлган. Шу сабабли аёл «қаёққа кетдилар, қачон келадилар?» деб сўрамайди. Филай учун шуниси дуруст.

Кесакполвон бир неча нағасгина тараффудланган Филайнинг елкасига «туша қол» деган маънода аста туртди. Филай унга бир қарагач, машина эшигини очди. Кесакполвон қўлига тўппончани олди.

Машина билан уй орасидаги масофага қил кўприк тортилган, Филай шу қил кўприк устидан, лангар чўпсиз борарди. Сал оғса ўлим жарига қулайди. Кесакполвон гарданига уриб ўтирмайди, тепкини боса қолади. Филай буни билгани учун ҳам ошиқча ҳаракатдан ўзини тийди. Ҳожаси қонга беланганд, икки букилган ҳолда машина юхонасида ётибди. Асадбекнинг мулкига эга чиқдан ҳолда мағрур қайтмоқни хәёл қилган одам чорасиз, бир жанозага, бир кафанга, икки қулоч ерга зор ётибди. Кафансиз, жанозасиз кетиши аниқ, икки қулоч ерга эга бўлиши эса Кесакполвоннинг «марҳамати»га боғлик. У марҳамат қилса, қабристонга ташлаб ўтади. Гўрков эгалари унугтан бирон эски қабрга жойладиди. Оқибатда бирон кампирми ё чолнингми суюклари ёнида унинг жасади ҳам чирийди.

Кутлуғ табиатли шоҳ Жамшид бир булоқ бошидаги тошга шундай битик ёздирган экан:

Бул чашмага биздек басо лаб урдилар,
Келдилар бир лаҳза, сўнг кўз юмдилар.
Олдилар дунёни мардлик, зўр билан,
Элтмадилар, қолдилар бир гўр билан...

Ҳақиқат шулким, ҳеч ким мулкини орқалаб ўзи билан у дунёга олиб кетмаган. Шоҳ Жамшиддай зот мулкини гўрига элта олмаганидан кейин Ҳосилбойваччага йўл бўлсин! Шоҳнинг-ку, ўз гўри бор эди. Ҳосилбойваччада шу ҳам йўқ. Бироннинг қабридан жой текканига ҳам шукр қилса бўлар.

Қил кўприқдан бораётган Филай ҳам, унинг ҳар бир ҳаракатини кузатайтган Кесакполвон ҳам буларни ўйлашмайди. Бирининг мақсади янги ҳожалари билан «яхши ишлаб кетиш», иккинчисиники эса мулкка эга чиқиш. Иблис уларни ўз чодирига шу қадар ўрабичирмаб ташлаганки, Филай ҳам, Кесакполвон, Бўтқа, ҳайдовчи йигит ҳам «бизнинг тақдиримиз юхонадаги бойваччаникига ўҳшаса-чи, гўрга етишолмай юхонада икки бувланиб ётсак-чи?» деб фикр қилишмайди. Яратганинг ўзи «Каллаа, иннал инсанга ло ятғо. Ан роа хус тағно»¹, деганда шу тоифа бандалар назарда тутилмадими экан, валлоҳи аълам?

Мазмун буудир: «Дарҳақиқат инсон ўзини бой-бехожат кўргач, албатта тутёнга тушар – ҳадидан ошар». («Алақ» сураси, 6-7-оятлар. Алоуддин Мансурнинг маънно таржимасидан.)

Тангрининг эмас, эрининг қудратига ишониб қолған, «Бу дунё фақат яхши еб-ичиш, яхши кийиниши, түй-ҳашамларда зеб-зийнатларни кўз-кўз қилиб ўтириш учунгина яратилган», деб фикр қилувчи, «Яшамоқдан мақсад нима?» деб сўралгудай бўлса, эри билан бир хилда «Яшамоқдан мақсад — мазза қилиб яшамоқдир», деган жавобни қайтарувчи, ҳусн ила ақлнинг номутаносиблигини ўзида мужассам этган бу аёл Филайнинг галига дарров ишона қолади. Хавотир ҳисси кўнглини зириллатмайди. Оллоҳнинг эмас, эрининг қулига айланган бу жувондан яна нимани кутиш мумкин? Занглаған темир қафасда ўтирган кул билан тилла қафасдаги қулнинг фарқи борми? Аслида-ку, иккови ҳам бир — кул! Иккови озодликдан маҳрум. Аммо темир қафасдагиси озодликни қўмсайди, тилла қафасдагиси эса бу фазилатдан маҳрум. Агар унга озодлик берилса ҳам қафасни ўзи билан ола кетишини ўйлади.

Шу тоифага мансуб бу жувон бир неча қадам нарида эрининг хорланган ҳолда ётгани, Филай айтган «сафар» индамаслар юртига экани, адоксиз экани, орадан ойлар ўтиб, ҳақиқат булоғидан сув ичувчи «миш-мишлар»га ишонишни ҳам, ишонмаслигини ҳам; аза очишни ҳам, очмаслигини ҳам билмай гаранг юражагини ҳозир билмайди.

Филай айтадиганини айтиб, орқасига хотиржам қайтди. У «Энди бу хонадонга қайтмасман», деб ўйлади. Кесакполвоннинг хоҳиши билан, янада аниқроқ айтилса, Асадбекнинг буйругига кўра ҳожаси «сафардан қайттунича» ҳеч нарса бўлмагандай ҳар куни шу ерда юриши мумкинлиги хаёлига ҳам келмади.

Машина ўрнидан жилгач, Кесакполвон Филайнинг елкасига уриб қўйди.

— Қойилман, эркак дегани шунақа бўлади. Энди, окаси кўзидан, сен ҳам чарчадинг, мен ҳам эзилиб кетдим. Би-ир майшат қилмасак ёрилиб ўламиз. Бугунги майшат сендан. Дидинг зўр, деб эшитганман. Қани, маржаларингнинг мазасини биз ҳам бир тотиб кўрайлик-чи...

— Гап йўқ, окахон, — деди Филай.

Филайнинг «окахон» дейиши Кесакполвонга мойдек ёқди. Филай қайси томонга юриш лозимлигини айтган эди, Кесакполвон унинг гапини бўлди:

— Тўхта, аввал акахонингни жойига ташлаб ке-

тайлик, орқада димиқиб кетгандир, — деди. Кейин ҳайдовчи йигитга қайси қабристонга борилажагини тушунтириди. Йўл-йўлакай гўрковнинг уи қаршисида тўхтаб, Бўтқа ширакайф бир кишини бошлаб чиқди. Филай ёнидан жой олган эски чопонли гўрковдан ирганиб юзини бурди. Ажаб ҳол: одам ўлдиришдан ирганмаган Филай одам кўмувчидан ирганса?..

Машина зулмат қўйнидаги қабристон ёнида тўхтагач, Кесакполвон Филайга қаради:

— Туш, акахонингни кузатиб қўй, ҳарҳолда қадрдан эдинглар, яна нариги дунёда сендан хафа бўлиб, аразлаб юрмасин.

Филай бу буйруқقا ҳам итоат этди.

Йўлга чиқишиган онда Кесакполвон мурданинг қайси қабристонга элтилганини Филай билмай қўя қолсин, деб ўйлаган эди. Кейин «Билсин, ўзи кўтариб кирсин, «ФИНГ» деса акахони ёнидан жой олишини ҳам билиб қўйсин» деган қарорга келди. Филай машинага қайтгач, писанда қилди:

— Бу ерда анча бўш жойлар бор.

Филай унинг нима демоқчи бўлганини фаҳмлади. Гарчи ичida «ўзингга буюрсинг», деб ўйласа-да, тилидан бошқа гап учди:

— Бу менбоп эмас экан...

Филай бошлаб келган майшатхонага кириб боришаётганда Кесакполвон уни тўхтатиб, сўради:

— Дўхтирининг олдига сен борувмидинг?

— Қайси дўхтири?

— Ўзингни гўлликка солма, Асадни кўрган дўхтири ни айтяпман.

— Ҳа, уми... борувдим.

— Улади, дедими?

— Шундоқ деди.

— Сен шу гапни акахонингга айтибмидинг?

— Айтувдим.

— Акахонинг Асадникига шунинг учун борувдими?

— Йўқ, бир нима кўрсатмоқчиди.

— Нима?

— Қизи шалава бўлиб кетган. Шуни видикка олдирган эди.

— Қулоқقا тепма.

— Ўзим организоват қилганман.

Кесакполвон унинг кекирдагига чанг солди:

— Овозингни учир. Агар акахонингга эргашишни

истамасанг, бу гапни эсингдан чиқар. Дўхтирнинг айтганини ҳам унут. Асад ўлмайди. Дўхтирнинг зўри билан гаплашдим. Даволайдиган бўлди. Акахонинг аҳмоқ эди. Асад ўладиган бўлса, бу ерда мен турибман!

Кесакполвон шундай деб бир қадам ташлади-ю, тўхтади:

- Кассета кимда, сендами?
- Ўзида эди...
- Вой аҳмоқ...

Кесакполвон орқасига қайтиб Бўтқани имлаб чақирди-да, қабристонга қайтиб бориб мурданинг кийимларини тинтиб кўришни тайинлади. Бўтқа эшик тирқишидан қараб Чувриндининг тинтиганини, нималарнидир олганини кўрган эди. Шундай бўлса ҳам, Кесакполвонга гап қайтармай «хўл» деганича машинага ўтирди.

Кесакполвоннинг «бу ерда мен борман!» деган гапига Филай яхши тушунди. Янги ҳожаси бир қанотини кўтардими, бас, иссиқ пинжига кириши керак. У аҳмоқ жўжа эмаски, жонсиз товуқнинг қанотида умр кечирса! Шу боис Кесакполвонга ёқадиган яна бир гап айтди:

— Ҳадеб «акахонинг» деяверманг, менинг акахоним — сизсиз!

2

Абдураҳмон табиб гарчи «сен... валади зинога ўхшайсан», деган гапни жаҳл устида билиб-бilmай айтиб юборган бўлса-да, янгилишмаган эди. Кесакполвон «валади зино» нима эканини билмасди, шу сабабли чолнинг гапига тушунмади, «Бу нима дегани экан?» деб бошини қотириб ҳам ўтирмади. Тушунган тақдирда буни ҳақорат фаҳмлаб, чолнинг кекирдагидан олган бўларди. Абдураҳмон табиб тилига келиб қолгани учун шу гапни айтиб юборди. Ҳатто Кесакполвоннинг ўзига ҳам маълум бўлмаган ҳақиқатни у қаердан билсин?

Кесакполвоннинг билгани — отаси урушда ҳалок бўлган. Онаси эса... Бунинг ўзи бир тарихким, Кесакполвон эслашни ҳам истамайди. Чувриндининг волидаси вафот этганида «Маҳмуд, ранжимагин-у, аммо менга қолса, онангнинг хор бўлиб юришларини, хорланиб ўлишини, хор бўлиб кўмилишини видеога олиб, телевизорда кўрсатардим. «Боласини таш-

ламоқчи бўлганлар, кўриб қўйларинг, эрта-индин сенлар ҳам хорланасанлар», дердим», деб айтгани бе-жиз эмасди. Бу гапларни айтмоққа қалбининг овлоқ ва зимишон ерида яшириниб ётган бир дард сабаб бўлган эдики, бу дардан энг яқин биродари ҳисобланмиш Асадбек ҳам бехабар эди. Ўшанда бу гапни эшитган Чувринди «Ҳайдар акамнинг аҳмоқликлари чегара нима эканини билмайди», деб ранжиган, Асадбек эса «бу қовоқ мия қаҷон ўйлаб гапирадиган бўлади», деб гижинган эди.

Кесакполвон Чувриндининг онасидан нафратла-нарди. Шилимшиқнинг онасини эса кўргани кўзи йўқ эди. Улар ҳақида бирон сўз эшитса ўз онасини эслаб, фазабдан титраб кетарди. Ҳолбуки... унинг онаси бўлак тақдир эгаси эди.

Бу ўринда Тангри Таолонинг «Эй Одам, сен ўз жуфтинг билан жаннатни маскан тутғилким, унда кўнглунг нимани тусаса таомланғил, ош бўлсин, аммо мана бу дарахтга зинҳор яқин келмагил, яқин келсанг золимлардан бўлурсан», деган муқаддас қаломини эсламофимиз жоиздир. Яқинлашмоқлик манъ этилган мазкур дарахт нафс учун бир синовдирки, бу бало ғолиб келгудай бўлса одам боласи умрининг охирига қадар қақшайди. Не ажабки, Одам болалари буни билсалар-да, неча минг йиллардан бери бу дарахтга яқинлашаверадилар, унга интилаверадилар. Бу интилиш эса «севги-муҳаббат туйғуси», деган чойшабга ўраб эъзозланади. Яратганга бўлган муҳаббатдан кўра бу туйғу қўпроқ шарафланади. Бу туйгунинг олиб борар манзили биттагина — тўшак... Тўшакдаги оний фароғатни боқий фароғатдан афзал билувчилар ўзларига зулм қилаётганларига фаҳмлари етсами эди...

Моҳичехра — Кесакполвоннинг онаси ҳаётининг энг ширин палласида шу тоифа юргувчи кўчага адабишиб кириб қолганлардан бири эди.

Тоғ ёнбағрида жойлашган қишлоқларида бундай ноxуш воқеалар камдан-кам содир бўларди. Қариялар тошбўрон қилинган йигит-қизларнинг тақдиридан ҳикоя қиласидилар, аммо бу воқеа шу қишлоқда бўлганми ё узоқ қишлоқдами — аниқ билишмасди. Ўзлари эса бунақа шармандаликтининг гувоҳи бўлишмаган эди. Шу боис ҳам Моҳичехра қишлоқдан бош олиб кетишга мажбур бўлганди. Уруш баҳона бўлиб, унинг аввал шаҳарга, сўнг жанггоҳга кетишининг сабабини бирор

билди, биروف билмади. Биروف ишонди, бошқаси ишонмади...

Үнинчими битирған, исми жисмига монаңд — ой юзли дуркун қызы ҳарбий хизматдан қайтиб мактабдаги қашшофларга етакчилик қилаётгандай йигитни севиб қолган эди. Мөхічехра йигиттегі үгринча тикилар, Етакчи эса унга сұқланып боқарди. Үнинг күнглида ёмөнлик йүк, аксина, отасининг йили үтгач, Мөхічехрага совчи юбормоқни умид қылар эди. Сирли қарашлар номус чегарасына яқынлашған дамларда уларни бүгдей үримиге жүннатиши. Хумор боқишилар ана үша ерда чегарадан чиқди. Үша дарахтнинг меваси уларнинг түйгуларига әгалік қилиб, нафс синовидағолиб келди-ю, покиза түшак эмас, бир уюм сомон устига бошлади. Ёзниң фарағы кечаларида улар иблизисе бор вужудлары билан банди бўлдилар.

Үша тотли күнларда қишлоқдагилар улар учун но маълум бўлган сабаб билан даракламай қўйиши. Озиқ-овқатлар тугай бошлагач, Етакчи хабар олгани қишлоққа жўнади. Тонгда йўлга чиққан йигит оқшомга қадар қайтиши лозим эди. Мөхічехра уни кўзлари тўрт бўлиб кутди. Эргасига ҳам, индинига ҳам... Дарак бўлавермагач, хавотирланиб қишлоққа қайтди-ю уруш бошланганини эшилди. Мөхічехра бу хабардан эмас, Етакчининг урушга жўнатилганидан даҳшатга тушди. У урушнинг нима эканини, эл бошига қандай кулфатлар келтиришини билмас эди. У урушнинг со-вуқ нафасидан эмас, шармандаликтининг вужудни куйдирувчи оловидан титрар эди. «Фашист занғарни бир-икки ойда энасиникига киритиб қайтиб келишади», деган умидли гапларга ишониб, кутишдан ўзга чораси йўқ эди.

Икки ой үтди, уч ой... «Фашист занғарни киришга» шошилмади. Умидли гаплар ўрнини ваҳимали миш-мишлар эгаллади. Бу орада миш-мишлардан ҳам ваҳималироқ, даҳшатлироқ воқеа юз берди — кўнгли айниб, ҳолсизланиб юрган Мөхічехра юкли эканини фаҳмлади. Фаҳмлади-ю, қишлоқдан кетишдан ўзга чораси йўқлигини билди.

Ҳайдар — Кесакполвон шаҳарда туғилди. У урушдан титраётгандай дунёни тезроқ кўришга шошилдими ё онасининг шармандали юқдан тезроқ ҳоли қилишни истадими, ҳархолда муддатидан эртароқ туғилди. Каттароқ телпакка сиғиши мумкин бўлган даражадаги

митти чақалоқнинг бу дунёда яшаб қолиши гумон эди. Лекин бу валади зинонинг жуссаси кичик бўлса ҳам умри қисқа эмас экан. У ёшига тўлмай туриб, ҳали эрга тегмаган онасининг «туғиб қўйгани» ҳақида-ги хабар қишлоққа етиб борди. Бу шармандали хабар қишлоққа борди-ю, ўрнига Етакчининг ҳалок бўлгани ҳақидағи шум хабар қайтди. Моҳичеҳра шармандали юкни кўтариб юришга чидамадими ё чиндан ҳам «фашистдан ўч олмоқ» қасдидами, ҳарҳолда урушга жўна-ворди. Ҳатто ижарада турган уй бекасига ҳам айтмади. Ижара пулинни тўлармикин, деб кутаётган аёлга шу бола қолди. Аёл тақдирга тан бериб бир неча ой боқди. Кейин... болалар уйига топширди...

Кесакполвоннинг тили болалар уйида чиқди. Болалар уйида атак-чечак қилди. Болалар уйида эсини таниди. Асосий ҳунари — ўғирликни ҳам шу ерда ўрганди.

Уруш оёқлаб бўлган, аммо дунё ташвишлари озаймаган эди. «Уруш тамом бўлса ота-онам келиб, мени олиб кетади», деган умид билан улгаяётган болалар, тушларида ота-оналарини кўриб, тонгда кўз ёши билан улгаяётган дили пораларнинг ёруғлик кунидан эса дарак йўқ. Ёши каттароқ болалар «Ота-оналаримиз уруш асоратларини тугатиш учун узокларда меҳнат қилишяпти» ёки «Бизни қидиришяпти» деб ўзларига ўзлари тасалли беришарди. Уруш нима эканини, унинг асорати не эканини билмайдиган, тасаввур ҳам қила олмайдиган Ҳайдар — бўлажак Кесакполвон эса уларга кўшилиб умид қуёшидан баҳра оларди. У отасининг ўғил фарзандли эканидан, ўзидан ҳароми бўлса-да, зурриёд қолаётганидан бехабар ҳаётдан кўз юмганини, онасининг эса беҳуш ҳолда асирга тушганини, уруш тугаб, асирикдан қутулиб, «Ватан хоини» деган лаънат тамғаси билан туманли, совуқ ўлкаларда азоб чекаётганини, Ҳайдар деб исм кўйиб, бегоналар қўлига ташлаб келган боласини соғинаётганини, тонгларни кўз ёшли-ри билан қаршилаётганини билмас эди.

Болалар умид қуёшига сифиниб юрган кезларида уларнинг сафларига саккиз-тўққиз ёшлардаги бир бола қўшилди. Нонушта чоғида у Кесакполвоннинг ёнида ўтирди. Берилган нондан бир-икки тишилагач, қолганини чўнтағига яширди.

— Нонингни нимага емадинг? — деб сўради Кесакполвон.

Бола жавоб бермади.

Кесакполвон унинг биқинига туртиб яна сўрагач, бола ён-атрофга бир олазарак бўлиб олиб, сўнг паст овозда деди:

— Ойимларга бераман.

Бу гап Кесакполвонни хайратта солди:

— Ҳали ойинг борми?

— Ўзингники йўқми?

— Менинг ойим урушда.

— Уруш тамом бўлган.

— Уруш асоратларини тутатяпти.

Бола «Қанака асорат? Гапингга тушунмадим?» дегандай қараб қўйди. Яхшики «асоратларинг нима ўзи?» деб сўрамади. Сўрагандами, Кесакполвон қандай жавоб қайтаришни билмай гангид қолган бўларди.

Тўйиб она сутини эммаган, тўйиб нон емаган Кесакполвон боланинг бу қилиғига тушунмади.

Улар панжарага яқин ерда ўйнар эдилар. Ўзлари ўйин билан банд, кўзлари эса бир арава аранг сифадиган кўчада бўларди. Шу кўчадан уларга нон олиб келишарди! Тошбақани эслатадиган усти ёпиқ тўрт фидиракли арава кўриниши билан барчаларининг зимистон юракларига чироқ ёқилар, «Нон келяпти! Нон! Но-он!!» деган баҳтиёр овозлар янграади. Ҳар сафар уларнинг назарида арава кўпроқ нон келтираётгандай бўларди. Шу умид билан емакхонага киришиб, яна ўша ҳажмдаги бурда нонни кўришгач, «Нега кўпроқ олиб келмайди?» деб ўйлашар, энагаларининг «Сабр қилинглар болалар, уруш тугасин, тўйиб-тўйиб нон еймиз», деган гапларига ишонишарди. Уруш тугаса ҳам тўйиб нон ея олмаётган, ҳануз нон ташийдиган аравани кутаётган болалар сабрга кўнишиб қолган эдилар. Ана шу шароитда боланинг бир-икки тишлам нонга қаноат қилиши Кесакполвон учун ажаб ҳол эди. У «Бола алдаяпти, ҳали беркитиқча еб олади» деб пойлади. *Йўқ*, бола алдамади, эртасига ҳам, индинига ҳам нонни яширди. Уни кунда пойлаётган Кесакполвоннинг сабри ортиқ чидамади. Нонни ўғирлаб еди! Бирам роҳатланди, бирам роҳатланди!.. «Ўғирлик роҳат келтиради», деган тушунча ўшанда туғилди. Туғилди-ю, онгига муҳрланди. Орадан йиллар ўтиб ҳам бу тушунча заррача ўзгармади.

Ўшанда дастлабки ўғирлик нашъасидан маст Кесакполвоннинг йўлини бола тўсди:

— Нонларимни қайтариб бер! — деди у титроқ овозда.

— Қайси нонларингни? — деди Кесакполвон ундан кўзларини олиб қочиб. Биринчи марта ўғирлик қилгани учун ҳам уялди, ҳам бир оз кўрқди. Кўзларини лўқ қилиб тик қарай олмади. Бу одатни у кейинроқ касб қилди.

— Нонларимни сен олгансан. Нега олдинг? Ойимга йигаётганимни айтувдим-ку?

— Нонингта текканим йўқ, — деди Кесакполвон чийиллаб, — олган бўлсам нон урсин!

— Пойлаб юрганингни кўрганман, — деди бола бўш келмай. — Нонларимни қайтариб бер.

— Олмаганман! — деб яна чийиллади Кесакполвон. Сўнг ҳимоя ўзининг мағлубияти билан якунлажагини англаб, ҳужумга ўтди: — Ўзи ойинг қачон келади?

— Яқинда келадилар. Билиб кўй: яна ўғирласанг, ўлдираман! Мен ўнта одам ўлдиранман. Сен ўн биринчиси бўласан.

Одам ўлдириш қандай бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган бола Кесакполвонни қўрқитиб қўймоқчи эди — муддаосига етди, аммо кутилмаган нохуш ҳолга рўпара бўлди. Боланинг совуқ гапидан чўчиб тушган Кесакполвон ҳомийсига, болалар уйининг зўрига югурди. У беминнат айгоқчилиги эвазига ҳомийдан најот бўлишига ишонарди.

— Анов бола мени ўлдирмоқчи, — деди эзгин оҳангда. Бу оҳанг замирида «Мен ўлиб кетсам сен айгоқчисиз қоласан», деган маъно ҳам яширинган эди. Ҳомий буни англадими ё айгоқчисига раҳми келдими, ҳарҳолда боланинг таъзирини бериб қўймоқ учун чақирди:

— Бу ёққа кел, душман боласи, — деди Ҳомий.

— Мен душман боласи эмасман! — деди бола титроқ овозда.

У ярим кечада нотаниш одамлар келиб, онасини усти ёпиқ қора машинада олиб кетишганини билади. Онасига «сен ҳалқ душманининг хотинисан, демак, сен ҳам душмансан!» дейишганини эшигтан, аммо бу айловнинг маъносига тушуниб етмаган эди. Ҳозир бу айловни Зўринг тилидан эшитиб, юрагидаги яра тиранлди.

— Менинг ойим дўхтирлар, душман эмаслар! — деди овозини бир оз кўтариб.

— Ўчир! — деди Ҳомий раста овозда. — Буни нега ўлдирмоқчисан?

— Нонимни ўғирлади.

— Қанақа нон?

— Душман ойисига йиғаятувди, йўқотиб қўйибди, — деди Кесакполвон, «душман» сўзига ургу бериб.

— Бу душманинг иши! Сен етимларнинг ҳақини душман онангта бермоқчи бўлдингми?! Сени большевикчасига тарбиялашимиз керак. — Ҳомий қандай тарбия қилишни бир оз ўйлаб олгач, қатъий тарзда ҳукм чиқарди: — Ҳар куни нонингнинг ярмини менга берасан!

— Бермайман, — деди бола.

— Бермасанг — ўласан!

— Ўлсам ҳам бермайман. Сен — текинхўрсан!

Ҳомийси олдида ботирлашган Кесакполвон боланинг кекирдагига чанг солди.

Хулоса шуки, бола нонининг ярмини большевикча тарбия учун курбон қилишга мажбур бўлди. Ярмини эса... онасининг ҳақига хиёнат қилмади, ўзи емай, йиғаверди. Куналар ўтгани сайин у ҳолдан тойиб, ранглари сарғаяверди. Бир куни ошхонага кираверишда боши айланиб, йиқилди. Уни касалхонага олиб кетдилар. Болани бошқа кўрмадилар. Унинг аҳволи, тақдиди билан қизиқмадилар...

Вақт ўтиб, қорин нонга тўядиган кунлар ҳам келди. Вояга етиб, болалар уйидан учирма бўлган бир Зўрнинг ўрнини иккинчиси эгаллайверди. Шу зайдда Кесакполвоннинг ҳомийлари ҳам ўзгараверди. Ёзилмаган қонун асосида янги Зўр салафининг ишини рисоладагидай давом эттиради. Ёш улғайиши ёки Зўрнинг хоҳиши билан айрим болаларнинг вазифалари ўзгараварди. Бошқалар айғоқчиликни дуруст эплаша олмасмиди, ё бу «вазифа»дан ҳазар қилишармиди, ҳарҳолда Кесакполвон бу касбидан узоқлашмади.

У баъзан мартабаси кўтарилаётганидан афсусларди. Аммо бошқа вазифаларга нисбатан айнан унинг — айғоқчининг Зўрга яқинлиги тасалли берарди. Айнан шу яқинлик туфайли бир кунмас бир кун Зўрнинг ўрнини эгаллаши мумкинлигига акли етиб турарди.

Муддаоси сари яқинлашаётган дамда кимнингдир истаги билан бу болалар уйи ёпилди. Улар турли болалар уйларига тарқатилдилар. Кесакполвон катта шаҳар-

га шу зайлда келди. Асадбек билан ҳам шу баҳонада танишди. Аниқроғи, Асадбек ўқийдиган синфга келиб, энг охирги партага, бўйи бошқаларнидан узунроқ бўлган бола ёнига ўтириди. Қовоғини солиб, тумшайиб ўтирадиган бу боланинг исми Асад эди. Кесакполвон унинг бўйига, авзойига қараб, «Зўри шу бўлса керак», деб ўйлаб янгишишмади. Асадбек бошқаларни ҳуда-бехуда урмаса ҳам, сўкмаса ҳам ёши каттароқ бўлгани учун ундан ҳайиқишаради. Кесакполвон унинг мактабга кечроқ чиққанини, отаси қамалган йили эса синфда қолганини дастлабки кезлар билмасди.

Бир куни синф раҳбари кириб Асадбек билан Кесакполвонни ўринларидан турғизди.

— Турдиалиевнинг перосини қайси бириңг ўғирландинг? — деди фазабли кўзларини уларга тикиб.

Бу даврга келиб Кесакполвон кўзларини лўқ қилиб қарашнинг устаси бўлиб қолган эди — ўқитувчига «Бунақа гапдан хабарим йўқ», дегандай безрайиб қараб тураверди. Ўғирликни ор деб билган Асадбек эса бундай қила олмади. Гумоннинг ўзиёқ уни уятдан бош эшишга мажбур этди.

— Мен ўғри эмасман, — деди у ўқитувчига тик қарай олмай.

Шу заҳоти унинг юзига шапалоқ тушди:

— Сен, унсурнинг боласи, менга тўнғиллама. Дарс тугагунча перони жойига қўймасанг — қамаласан! Энди ҳамма туриб, халқ душманининг ўғлига, ўғрига ўз нафратини изҳор қиласин!

Кесакполвон нафрат қандай изҳор қилинишини билмас эди. Отаси қамалганидан бери бундай хорлик тузини татиб кўраётган Асадбек қочмоқчи бўлди. Аммо синф раҳбарининг омбурдай қўллари қулоғини бураб, жойидан жилдирмай қўйди. Болаларнинг айримлари унга яқинлашиб, тап тортмай тупурдилар. Айримлари эса кўрқа-писа «туф» деб ўтдилар. Синф раҳбари истамайроқ тупурганларни тўхтатиб, нафратни астойдилроқ изҳор этишга мажбуrlади. Шу зайлда нафратлар изҳор этилиб бўлингач, синф раҳбари Кесакполвонга қараб:

— Сен-чи? — деди.

Душманлар рўйхатига тушиб қолмаслик учун Кесакполвон ҳам тупурди. Бу дунёнинг ажабтоворлиги шундаки, валади зино ҳалолга, ўғри тўғрига тупурди! Кесакполвон бошқаларга қўшилиб «нафратини изҳор»

этди-ю, «Ҳали бу абжагимни чиқармаса эди», деб күркди.

Танаффус пайтида синфнинг зўри бўлмиш Асад болаларни чертмади ҳам, сўкмади ҳам. Ҳовлига чиқиб, дарахтга суянганича маъюс ҳолда тураверди. Эртага қичиши мумкин бўлган ерини бугун қашиб қўйишни ўрганаёттан Кесакполвон унга қўрқибгина яқинлашди.

— Оғайнничалиш, сен мендан хафа бўлма. Агар туфламасам мендан кўради.

Асадбек ўзига нисбатан ёши ҳам, бўйи ҳам қисқа бу болага бир қараб олди-ю, индамади.

— Перони сен олмагансан. Отанг душман бўлгани учун...

— Менинг отам душман эмас! — деди Асадбек ўқрайиб. Унинг муштлари тугилиб, важоҳати ўзгарди. Болалар тупураётганда бунаقا ҳолга туцмаган эди.

— Мен душман демадим-ку! Улар шунаقا деб ўйлашаркан-да. Синфда бир нарса йўқолса ё сендан, ё мендан кўришади. Мен детдом боласиман. Демак, мен ҳам ёмонман.

— Ёмонлигинг тўғри. Перони сен олгансан.

— Йў-ўқ, олганим йўқ.

— Олдинг. Ўзим кўрдим.

— Кўрган бўлсанг... унда нимага айтмадинг?

— Мен сотқин эмасман. Сенга ўхшаган ўғри ҳам эмасман...

— Мени ўғри деяпсанми?.. Ҳа, майли, ўша перосини мен олдим. Берид тур, десам бермади. Бермагандан кейин оламан-да. Агар ўзи йўқотиб кўйганида ҳам барбириб биздан кўришарди. Ундан кўра ўзимиз олганимиз яхши эмасми? Ма, — у шундай деб чўнтагидан перо чиқариб узатди, — эгасига бер. Яна қаматиб юрмасин.

— Ўзинг бер.

— Мен нима деб бераман?

— Ўғирладим, дейсан.

— Сендан кўришяпти, ўзинг берганинг яхши.

— Мен берсам, мен ўғирлаган бўлиб чиқаман.

Кесакполвон бу гапни эшитиб, бирпас ўйланди-да, «Гапинг тўғри, шу ерда тур», деб нари кетди. Турдидиев дегани доимо озода кийиниб, бўйнига шоҳи қизил галстук тақиб юрувчи нимжонроқ бола эди. Кесакполвон уни чақириб, панарақ жойга бошлади. Аммо жуда хилватта ўтишдан ўзини тийди. Асадбек-

нинг шу томонга қараб турганига ишонч ҳосил қылгач, аввал яхшилик билан гап бошлади:

— Перойингни Асад ўғирлаганини күрдингми?

— Йў-ўқ, — деди Турдиалиев.

— Бўлмаса директорингга кириб айт, пероимни йўқотиб қўйган эканман, топдим, де.

— Сенга нима? Сени ўғри қилмадик-ку?

— Ўгри менман! — Кесакполвон шундай деб унинг кекирдагига чанг солди: — Ё айтасан, ё ўласан! Мен детдом боласиман, а? Айтасанми ё йўқми?

Эсхонаси чиқиб кетган Турдиалиев хириллади:

— Айтаман, қўйвор энди.

Кесакполвон чўнтағидан уч-тўрт перо чиқариб унга узатди:

— Танлаб ол, қайси бири сеники?

Турдиалиев титроқ бармоқлари билан отаси Москвадан олиб келган перони танлаб олди.

— Буни эскитиб қўйибсан. Эртага менга янгисини олиб келасан. Тўхта, яна битта гап бор: синфда йигирма иккита бола бор, а? Ҳар битта боладан беш тийиндан тўлаб берасан.

— Нимага?

— Тупургандаринг учун. Битта тупуриш беш тийин. Сен ўзинг ўн беш тийин тўлайсан. Сени деб бўлди ҳаммаси. Билиб қўйларинг: фиринг десаларинг — сўйман! Битта-битта ушлаб сўйман. — У шундай деб чўнтағидан буклама пичоқча чиқаргач, Турдиалиевнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

Шу воқеа баҳонасида у ўзи ҳам кутмаган ҳолда синфнинг зўрига айланниб қолди.

Асадбек ундан анчагача нафрлатланиб юрди. Кесакполвон унинг нафратини сезиб турар, аммо бу нафратни уйғотувчи омилни идрок қила олмас эди. Гарчи Асадбек «душман боласи» тамғаси остида юрса-да, унинг бошқа олам фарзанди эканини тушунмасди. Тушунмоқ учун эса ўзининг валади зино эканини билмоғи лозим эди.

Мактабда, хусусан, уларнинг синфида ўғирлик давом этар, чув тушган айрим болалар ёнида пичоқча олиб юрувчи бу «детдомчи»дан қўрқишиб индашмас, айримлари арзи ҳол қилган тақдирларида ҳам ундан гумонлари борлигини билдиришмас эди. Асадбек яна икки карра нафрат нишонига айлангач, Кесакполвон уни тартибга чақирмоқчи бўлди:

— Иккитасини боллаб абжагини чиқаргин, кейин туфламайдиган бўлади. Нима, қамалишдан қўрқасанми? Бунаقا тургандан кўра қамалиб кетган минг марта яхши.

Бу заҳарли гапдан кейин Асадбек «ёрилди»:

— Қамоқдан қўрқмайман, — деди у. — Мен қамалиб кетсан ойимларга ким қарайди?

Кесакполвон Асадбекнинг бу дардига ҳам тушунмади. Она сутига, меҳрига қонмаган, қалби «онага муҳаббат» деган туйғудан ҳоли бу бола она ҳузуридаги масъулият, бурч деган тушунчаларни идрок қилиши мумкин ҳам эмасди.

Кесакполвон ўша онларда юқори синфларда ўқийдиган зўрларга ҳам яқинлашишга ҳаракат қилди. Улардан бир-икки тепки егаҳ, бу йил бўлмаса келаси йили мактабнинг мутлақ зўри мартабасига етувчи Асадбекдан дурустроғи йўқ эканига ишонди. Асадбек «Сен бола, ўғирлик қилма!» деб урганида ҳам ранжимади. Асадбекнинг кўнгли совиб, гаплашмай қўйган кезларида эса юқори синфда ўқувчи Жалилни ишга солди. Тўғри, аввалига Асадбек билан Жалилнинг ораларидан қил ўтмас даражадаги дўст эканликларини билиб, фашланди. Ўзини Жалилнинг ўрнида кўришни истади. Аммо бу дўстликни унча-бунча куч бузолмаслигини билгач, Жалилдан фойдаланадиган бўлди.

Болалар уйидаги ҳаёти оёқлаб, «кatta ҳаёт»га учирма бўлишга ҳозирлик кўриб юрган кезлари бир аёл келди. Тарбиячилар уни «Сенинг онанг», деб таниширишди. Аёл йиғламсираб «Болам!» деганича уни бағрига босди. Кесакполвоннинг эти ҳатто жимирамади. Бир пайтлар болаларга қўшилиб онасини кутган Кесакполвон бўзлаётган бу аёлнинг онаси эканини ҳис эта олмасди. Аёл шу соғинч, шу бўзлаш билан харсанг тошни кучиб меҳрини берса, балки тош эриб кетарди. Лекин Кесакполвон ўшанда қилт этмади.

Онаси уруш оғатларини, асирик азобларини, қамоқ жафоларини айтиб йиғларди. Кесакполвоннинг эса киприги қилт этмасди. Кесакполвон тошдан ҳам қаттиқроқ эди — ёрилмади.

Онаси «уйга олиб кетаман», деди. «Барибир қаердадир яшашим керак-ку», деб кўнди. Жангда жароҳатланиб асирига тушиб қолган, урушдан кейин қамалган онаси Сибирда ўзига ўшаган одам билан то-

пишган экан. У «Хоҳласанг «дада» де, хоҳласанг «Тошмат ака» де», деб ўзини таништириди. Ўз онаси ни «она» дея олмайдиган одам бегонани «дада» дермиди? «Тошмат ака», деяверди. Тошмат ака деганлари жуда инжиқ экан. Кесакполвоннинг ҳар қадамини кузатади. «Ундей қилма, бундай қил», деб ақл ўргатаверади. Бу ҳам етмагандай, кечалари бақириб, кимларнидир жангта бошлайди. Хуллас, бу ҳаёти жонига тегиб, уйдаги қўлга илинарли нарсаларни ўмарди-ю, фойиб бўлди.

Кесакполвон онасини тушунмади. Тушуниши мумкин ҳам эмасди. Онаси эса ғолиб нафснинг лаҳзалик роҳати учун бу дунёдаги умрини қурбон қилганини англаб етди. Шу боис ўғлини бошқа қидирмади...

VI б о б

1

Зоҳид «Ёшлигида Жамшид Суннатуллаевга ошиқ бўлган бу хоним ким экан?» деган қизиқиш билан муовиннинг эшигини аста тақиллатди. Ичкаридан «Бандман!» деган ингичка овоз эшитилди. Зоҳид одоб юзасидан пича кутди. Сўнг яна тақиллатди. Ичкаридан бу сафар «Бандман!» деган овоз зардали оҳангда келди. Зоҳид бу зардага парво қилмай эшикни қия очди-да «Мумкинми?» деди.

— Бандман, кутинг, — деди муовин жаҳл билан.

Зоҳид бу гапни ҳам эшиитмагандай эшикни каттароқ очиб, остона ҳатлади. Хона тўридаги катта столга тирсагини тираб ўтирган жиккаккина, қалдирғоч қанотидай қайрилма қош остидаги думалоқ кўзларидан қаҳр ёғилиб турган аёл «Бу безбет йигит ким бўлди экан?» деб ўйлаб ҳам ўтиrmади.

Унинг ҳузурига турли юмуш билан турли тоифа одам келиб турарди. Булар орасида мулойимлари ҳам, безбетлари ҳам, ширинсўзлари ҳам, тўнкамижозлари ҳам бўларди. У барчани бир тарзда — қошларини чимирган ҳолда қабул қиласади. Фақатгина гап орасида ҳуснини мақтаб ўтувчи эркакларгагина бир жилмайиш ҳадя этиб қўяр эди.

Агар Зоҳид шоиртабиат бўлганидами, «Бу оху кўзларга газаб эмас, кулиб туриш ярашади», деган гаплар

билан күнглини овларди. Зоҳид шоиртабиат ҳам эмас, бу аёлнинг күнглини овлаш нияти ҳам йўқ. Бундан ташқари хонасига кирувчини ит каби қопадиган раҳбару раҳбарчаларга азалдан тобу тоқати йўқ. У ичкарига бир қадам қўйиши билан муовин жаҳл билан ўрнидан турди:

— Сизга «Бандман!» дедим?!

— Эшиздим, — деди Зоҳид. — Афсуски менинг вақтим зикроқ, бошқа кутолмайман.

— Менинг ҳам вақтим зик. Сизни қабул қила олмайман.

— Вақtingиз бўлмаса ҳам бостириб киришга мажбурман. Ҳизматим шунаقا. — Зоҳид шундай деб унга яқинлашида, хужжатини узатди. Муовин гувоҳнома билан танишгач, шаштидан қайтди. Ўрнига ўтирди. Аммо жиддийлигини йўқотмади, қошларини чимирган ҳолда:

— Ҳизмат? Биз нима гуноҳ қилибмиз? — деди.

— Гуноҳингиз йўқ. Бир ишга аниқлик киритишда ёрдам берсангиз?

— Марҳамат, сўранг. Фақат имилламанг, вақтим зик.

— Сиз... Жамшид Суннатуллаев деган йигитни танирмидингиз?

«Танирмидингиз?» деган сўз муовинга «ўша воқеани эслайсизми?» деган писандадай туюлиб, юраги шув этиб кетди. Чимиirlаган қошлари асл ҳолига қайтди. «Шунча йилдан кейин нимага кавлаштириб келди?» деган ўй уни муовинлик шоҳсупасидан оддий гуноҳкор банда ҳолига бир зумгина туширди. Йиллар бўйи вужудини бошқариб келаётган кибр бу оний чекинишдан ғолиб чиқиб, уни яна ўша шоҳсупага кўтарди. У яна қошларини чимирди:

— Ким дедингиз? Эслолмаяпман?

— Наҳотки? — Зоҳид ажаблангандай унга тикилди. — Сизни зўрламоқчи бўлган йигит... Қамалиб кетган.

— Ҳа, уми... анча йил бўлди. Эсимданам чиқибди.

— Қизиқ?

— Нимаси қизиқ?

— Бунақа воқеа эсдан чиқмаса керак деб ўйларканман.

— Яна нималарни ўйлайсиз? — деди Муовин пичинг аралаш зарда билан. — Ёшлигимда бунақа йигитлардан мингтаси атрофимда илакишиб юрарди.

— Буни билмадим... Балки мингтадан ҳам кўпроқ-

дир. Лекин уларнинг ҳаммаси қамалмагандир? Бунақаси биттадир?

— Балки биттадир... Қани, тапни айлантиrmай, мақсадингизни айтинг.

— Суннатуллаевни охирги марта қачон кўрган эдингиз?

— Бетинг курғурни ўша суддан кейин кўрмадим.

— Кейин... қамоқдан чикқанидан кейин илакишимадими?

— Кейин кўрганим йўқ.

— Сиз унинг тақдири билан қизиқмадингизми?

— Нимага қизиқишим керак экан?

— Ахир... отаси билан бирга ишлар эдингиз?

— Ишлар эдик. У одам ишдан бўшаб кетган.

— У одам ҳозир оғир касал эмиш?

— Бўлса бордир. Иссик жон...

— Ҳа, иссиқ жон... Суннатуллаевни ўлдириб кетишибди, эшитмадингизми?

— Мен ўлдирмабманми, ишқилиб?

— Йўқ, сизмасдирсиз.

— «Сизмасдирсиз?» Нима демоқчисиз?

Зоҳид кўмирга айланган мурда суратини чўнтағидан олиб, унга узатди:

— Бунақа иш сизнинг қўлингиздан келмаса керак, демоқчийдим.

Муовин Жамшиднинг ўлганини эшитган, аммо бундай ваҳшийлик содир бўлганини билмаган эди. Суратни кўриб бир чўчиб тушди. Уни бу нокулай аҳволдан мўъжаз репродуктордан келган овоз кутқарди:

— Марказкомдан шоширишяпти, хат тайёр бўлдими?

Муовин шошиб микрофонга энгашди:

— Йўқ, опажон.

— Нимага чўзяпсиз? Бу масала пленумга қўйилишини айтдим-ку сизга!

— Прокуратурадан бир ўртоқ келиб, мени сўроқ қиляпти.

— Ҳузуримга киrint. Тез бўлинг.

Муовин «эшитдингизми?» дегандай қошлирини чимирди-да, бетакалтуф тарзда хонадан чиқди. Бир неча дақиқадан сўнг анча дадиллашган ҳолда қайтиб, жойига ўтиреди.

— Яна нимани сўраб билмоқчисиз?

— Суннатуллаев сизни зўрламоқчи бўлган ўша ишда сиз терговчига «Ундан қочаман, деб ўзимни деразадан ташладим», дегансиз. Судда эса «Деразадан итариб юборди», дегансиз. Қайси бири тўғри?

— Бу одамнинг ўлимига менинг кўрсатмаларимнинг нима даҳли бор? Сиз қотилни қидиряпсизми ё эски гўнгни титяпсизми? Мақсадингиз нима?

— Сиз саволимга жавоб бермадингиз?

— Жавоб бермайман ҳам. Қандайдир терговчининг бемаъни саволларига жавоб қайтаришга тоқатим ҳам, вақтим ҳам йўқ.

Зоҳид қайрилма қош бу Муовиннинг бу тарзда дадиллашиши сабабини билмай турганида телефон жиринглаб масалага ойдинлик киритди. Муовин телефон гўшагини қулоғига тутди-да, «Ҳа, шу ерда», деб Зоҳидга маъноли қараб кўйди. Сўнг гўшакни узатди:

— Сизни сўрашяпти.

Зоҳид ажабланган ҳолда гўшакни қулоғига тутди-да:

— Эшитаман, Шарипов, — деди.

— У ерда нима қилиб ивирсив юрибсиз. Ҳурматли одамларни беҳурмат қилишга ким сизга хуқуқ берди?

— Кечирасиз, сизни танимай турибман? — деди Зоҳид.

Бўлим бошлиғи ўзини танитгач, Зоҳид «зўрсизларку!» деган маънода Муовинга қараб кўйди-да:

— Мен юритилаётган иш юзасидан келдим бу ерга, — деб изоҳ берди.

— Ишга уларнинг даҳли йўқ. Дарҳол узр сўрангу ҳузуримга етиб келинг.

— Яхши. Яна бир-икки савол бераману етиб бораман.

— Ҳеч қандай савол берилмасин!

— Яхши.

Зоҳид гўшакни Муовинга узатиб:

— Бу иморат анча баланд қилиб қурилган экан, а? — деди.

— Сиз шошиб турибсиз шекилли, чақиришяптими? — деди Муовин қошларини чимириб.

— Ҳа, ҳозирча шошиб турибман. Кейин бафуржга гаплашамиз.

— Овора бўлиб келиб юрманг. Бошқа айтадиган гапим йўқ сизга.

— Энди опажон, бу масалани биз ҳал қиласиз. «Овора бўлиб келиб юрманг», деб яхши айтдингиз.

Сизга чақи्रув қоғози юбораман, прокуратурага ўзингиз бора қоласиз.

Муовин гезрайганича қолаверди. Зоҳид хонадан чиқди-да, «Қоровул бало экан», деб қўйди. Қоровул эса уни бир пиёла чойга таклиф қилиб:

— Қалай, қопмадими? — деб сўради.

— Ўзи қополмади, зўрроғи бор экан, ўшанга қоптирди, — деб кулди Зоҳид.

2

Зоҳид қоровулга кулимсираб гапиргани билан найза санчилган ҳолга келган қалби фарёд уради. Зоҳид чигирткадай кўринган аёлнинг бу даражадаги оғат эканини тасаввур ҳам қилолмаган эди. Мана ҳозир орқасидан тепки еган нотавон одам кепатасида бўлса ҳам қоровулга сир бой бермаслик учун ҳазил билан жавоб қилиб, кўчага чиқди. Чиқди-ю, яна қайтгиси, усталик билан, маданий тарзда тепиб чиқарган Муовиннинг опажони ҳузурига кириб боргиси келди. Зоҳид уни сиртдан биларди. Зоҳидга маълум бўлгани — у қаҳрамон! Радио-телефизорда, матбуотда номи тез-тез зикр этилувчи аёл. Зоҳид семиз бу кампирнинг қиёфасини кўз олдига келтириб «Каттамизни терлатганга ўхшайди-да», деб қўйди. У билмайдики, қаҳрамон кампир у ўйлаган «катта»га эмас, балки ундан каттароғига арз қилган. Ўша каттароқ пастроққа, униси яна пастроққа зуфум қилгач, занжир реакция амалга ошиб, Зоҳиднинг бошлиғи бевошлиқда айбланиб, унга «сиёсий кўрлик» «унвони» берилди. Буни англаб етган раҳбар чўғни босиб олгандай талvasага тушди. Кимгаки, «сиёсий кўрлик» «унвони» насиб этдими, баланд мартабалар йўли тўсилиши ҳам майли, тагига сув кета бошлайди. Бир аҳмоқ ҳодимининг қилиғи учун мансабдан айрилишни ким ҳам истар эди?

Зоҳид ҳали буларни билмайди. У ҳозир кўчада кетатуриб изига хаёлан қайтиб, ҳар нарсага қодир ўша кампиршога аччиқ-аччиқ гапларни айтарди: «Минбарларда айтган гапларнитиз нима-ю, бу қилифингиз нима? Адолат, адолат, дейсиз, халқ манфаати, дейсиз. Ўзингиз эса халқнинг бир фарзандини беайб қаматиб юборасиз. Менинг билганим фақат Суннатуллаев. Сиз яна нечта одамнинг умрига зомин бўлгансиз? Ҳеч хибоб-китоб қилганимисиз? Сиз минбарда кўпириб айт-

ган адолат бошқа, биз ҳимоя қилмоқчи бўлган адолат бошқами? Адолатнинг ранги нечта ўзи? Оддий одамлар адолати жонсизу сизларники Ўлмас Кащчейдек даврон сураверадими? Ўша Ўлмас Кащчейингизнинг жони қайси кутичада сақланади ўзи? Ўша кутичага бизнинг қўлимиз етмайдими? Ундаги тухумни олиб куритишга ким қодир?...»

Қаҳрамон кампиршога бўлган қаҳрини хаёлан сочиб бораётган Зоҳид бир зум тўхтаб, ўзидан-ўзи нафратланди. Шартта қайтишга, бу гапларни унинг юзига тик қараб туриб айтишга журъат қилолмагани учун ўзидан-ўзи нафратланди. Эркакнинг ўзини ночор сеziши — қалби учун оғир азобдир. Тан азобидан бир неча ҳисса ортиқроқдир. Тан азобигаю малҳам эм бўлар, қалб азобига-чи? Дурадгорнинг михи тугаса, биринки кун ночор бўлар. Аммо адолат мих эмаски, бу дўконда бўлмаса, бошқасидан топиб ишини давом эттираверса...

Зоҳид гашланган кўйи идорасига етиб борди. Навбатчи раҳбари кутаётганини маълум қилгач, «Телефондаги гапи чала қолган экан-да» деган фикрда унинг хонаси томон юрди.

Ичкаридан раҳбарининг бақириб айтиётган гапларини эшитиб тўхтаган эди, котиба «кираверинг, кутяптилар», деди. Зоҳид эшикни очиб, ичкарига иккни қадам қўйди-ю, тўхтади. Раҳбари қўлида бир тутам қофозни ушлаб, силкитганича Зоҳиднинг ҳамкасбига танбех берарди. У Зоҳиднинг кириб келганини кўрса ҳам, эътибор бермай, дағдағасини давом эттирди:

— Сиёсий кўрликдан қачон қутуласанлар ўзи?! Қачонгача мен сен галварсларни деб дакки эшитаман? Сен, қовоқмия, буларга нима деб айб қўйяпсан?

— Бандитизм... — деди терговчи.

— Ҳа, бандитизм! Кўр эмасман, ўқидим, айбловингни. Энди мен шу аҳмоқона қофозингга қўл қўйами? Сенга қўшилиб мен ҳам партия сиёсатига қарши чиқайнми? Сени деб мен ҳам қамоқда чирийинми? Сен менга айт, КПСС йигирма биринчи съездид қарорларини ўқиганмисан? Айт, ўқиганмисан?

— Эсимда йўқ...

— Ҳа, эсингда йўқ. Эснинг ўзи борми, сен галварслада? Сен учун мен ўйлашим керакми, а? Сенлар жарақжарақ пул ишлайверларинг, бойвачча бўлиб керилиб юраверларинг. Мен эса сенлар учун ўйлаб юрай,

эслаб юрай... Ҳозир чиқиб, съезд қарорларини ўрганиб, кейин келасан, — у шундай дегач, қофозларни терговчига қараб отди. Қоғозлар мүлжалдаги манзилга етмай, сочилиб кетди. Терговчи қофозларни йиғиштираётганида раҳбар Зоҳидга қаради:

— Қани, доно йигит, сен биласанми, партия қарорларини?

— Партиянинг қарорлари кўп, қайси бирини айтяпсиз?

— Қара-я, яхши эслатдинг, мен аҳмоқ қарорларнинг кўплигини билмас эканман. Съезд фақатгина бандитизм ҳақида қарор қабул қылган, деб юрарканман, — деди раҳбар пичинг билан. — Қани, нима деган, сен менга айт!

Зоҳид елка қисди: йигирма биринчи съезд қачон бўлгану нима деган, кимнинг эсида турибди? Ҳатто партиянинг раҳбарлари ҳам унугишгандир бу қарорларини. Нафси замони айтганда, ўзини сиёсий хушёр, билагон қилиб, ходимларини эзаётган бу раҳбар ҳам съезднинг фақат шу қароринигина биларди.

— Билмайсанлар! Ҳа, билмайсанлар, лекин донолик қилиб, осмондан келасанлар. Ўргилдим, сендақа донолардан! Сенлардақа юзта донони йиғиб келса, бир грамм ақд топилмайди-ю, яна кариллайсанлар-а! Билиб қўйларинг: КПСС йигирма биринчи съезди қарорларида «СССРда бандитизм барҳам топган», дейилган! Сен эса, — у терговчига бармоғини бигиз қилди, — «Йўқ, съезд адашган, бизнинг шаҳарда бандитизм бўлиб туради», демоқчимисан? Э, ўргилдим, сенлардақа калтабинлардан. Ярим соатдан сўнг айловни ўзгартириб кел.

— Нима деб қўяй? — деб сўради терговчи қофозларни йиғиштириб бўлгач.

— Бало дейсанми, баттар дейсанми, ўйла, каллангни ишлат! Шу ишинг учун давлат сенга пул тўлайди. Калланг пўла бўлса, бўшатиб қўй, каллалилар ишласин!

Терговчи елкасига шу каби тавқи лаънат тошларини ортиб, ночор аҳволда хонадан чиқди. Зоҳид эса аста юриб бориб унинг ўрнига турди. Гё ўрган-қутган лаънат тошларини ортиш учун елкасини тутди. Раҳбар унга қовоқ уоб қаради, ўзи ҳам ўтирмади, уни ҳам ўтиришга таклиф этмади.

— Хўш, доно йигит, қаерга борганингизни биласизми, ўзи?

— Оддий бир идорага, — деди Зоҳид ўзини хотиржам тутишга тиришиб.

— Сиз учун оддийдир. Аммо, — раҳбар кўрсаттич бармоғини шифтга қараб нуқди, — юқоридагилар учун оддий эмас. Сен бола, Суннатуллаевнинг алмисоқдан қолган ишини нимага кавлаштиряпсан? Сенга бу «Иш» тугалланган, ёп, дейилганми, нега ёпмаяпсан?

— Иш ҳали мутлақо мавхум.

— Нимаси мавхум? Суннатуллаев ўлдирилдими? Уни ўлдирганлар ҳам ўлдирилдими? Униси ҳам, була-ри ҳам дордан қочган жиноятчилармиди? Сенга яна нима керак? Хурсанд бўлиб ёпавермайсанми? Сен қи-лолмаган ишни ўзлари қилишяпти. Бир-бирининг гўштини еяпти. Йиғиштир, бунақа донолигингни!

Зоҳид Сайд Қодировнинг топшириғини эслаб, раҳбарга эътиroz билдириди:

— Бу ишни ёполмайман. Мени мажбур қиломайсиз. Керак бўлса, юқорига арз қиласман.

— Ўҳ-ҳў... зўрсан-ку, а?! Қани, ёзиб кўр-чи? Э, сенга хат-савод ўргатгани... — раҳбар сўкиниб, жойига ўтириди. — Мишигини артолмайди-ю, яна мен билан олишади-я! — У шундай деб столи устидан бир «Иш»ни олиб, Зоҳидга узатди: — Ўн беш кунда жавобини айтасан. Бор, ишингни қил.

Зоҳид «Иш»ни олиб бурилди. Остонага етганида раҳбарнинг сўкиши эшитилди. Зоҳид орқасига кескин ўгирилиб, кўзларидаги фазаб ўти билан унга жавоб қилди.

3

У хонасига киргач, жойига ўтиргиси ҳам келмади. Юзаси чойнак изларидан доғ бўлган стол кўзига баттар хунук кўринди. Қўлидаги «Иш» зил-замбилдай туюлиб, стол устига «тап» этиб ташлади. Қофозлар қатидан енгил фубор кўтарилиб, димоғини қичиштириди. Икки-уч акса ургач, енгиллашгандай бўлди.

Бирон ишга қўл урилган маҳалда юқори мартаба эгаларининг аралашувлари, оқибатда ожиз одамдай четга чиқиб қолиниши Зоҳид учун янгилик эмас. Аксининг ўлимидан сўнг бундай ҳақсизликни кўп кўрди. Одам зоти янтоқзорда юриб, оёқлари тиконларга ўргангандай, ҳақсизликка учрайверса, унга кўнишиб қолади. Ҳатто ҳақсизликка узоқ вақт дуч келмаса, уни

қўмсайди ҳам. Зоҳид ҳақсизлик деб аталмиш тўқайзорда юрганини аллақачон фаҳмлаб етган, неча йилки, бу тўқайзорда адолат гулини излайди. У билмайдики, тўқайзорда гул битмас, адашиб битган тақдирда ҳам ундаги тўнғизлар янчарлар, йўқ қиласлар.

Зоҳид эса излагани, гул деб ўйлагани сассиқ алаф бўлиб чиққан онларда афсусланади, аммо ишонч билан излайверади. Зоҳид илм гулшани сари бораётиб ўз йўлинни тўқайзорга ўзи бурди. У тўқайзорда сассиқ алафларнинг, қамишларнинг, гулни пайҳон қилғувчи тўнғизларнинг кўплигидан ажабланмайди. Уни қийнайдиган савол битта: бу ҳақсизлик тўқайзори қачон обод бўлади? Инсон фарзандлари қачон адолат гулшанидан баҳра оладилар? Бу савол уйғонган дамда яширин бир овоз «ҳеч қачон!» деб жавоб беради. Ана шунда Зоҳид бу овозни бўғади, адолат гулини топмоқ ишончини сўндирамайди. Унинг бу ишончи узоқ давом этувчи хасталикка ўхшайди — ўлиб ўла қолмайди, жонланиб, жонланмайди. Ишончи ўлиб қола қолса эди, у ҳақсизлик тўқайзорини бутунлай тарк этиб, умидини шу ернинг ўзига дағн қилиб қутулар эди.

Бугун кўрган-кечирганлари унинг ишончини яна ўлим тўшагига қулатди. У зиндан нима эканини, зиндан азоби қандай бўлишини билмайди. Лекин хонаси ҳозир унга зиндан каби туюлди. Деворлар ўрнидан силжиб, хона тораяётгандай, уни эзаётгандай бўлди.

Яна бир оз шундай турса, руҳининг азобланишига чидай олмаслигини фаҳмлади. Хаёлини нима биландир чалғитиши лозимлигини англади. Бу хонада хаёлини чалғитишининг ягона йўли — жойига ўтириш, Сайд Қодировнинг айтганини бажариш — юқорига арзнома ёзиш. Шу юмуш ўзига ҳам маъқул келиб, жойига ўтиргач, қофоз олди-ю, ёза бошлади. Вужудини эзаётган ҳасратлари ҳарфларга айланиб, қофозга тушди-ю, сал енгил тортгандай туюлди. Сайд Қодировга кўнгироқ қилди. У томондан жавоб бўлмагач, раҳбари берган «Иш»ни ҳафсаласизлик билан варақлай бошлади. «Иш №... Ботиров Шокир... 1986 йили 21 декабрь куни балоғатта етмаган қизни зўрлаган. Ўзбекистон ССР жиноят процессуал Кодексининг 94-моддаси... Ўн бир йил муддатга озодликдан маҳрум этилган... Прокурор ўн беш йил сўраган... Жиноятчилар тўрт киши бўлган... Суд эса биргина Ботировни ҳукм этган... Ботиров муқаддам, 1980 йилда ЎзССР жиноят

процессуал Кодексининг 89-моддаси билан судланган...»

Шу жойга келганда Зоҳид сергак тортди. Ҳатто ҳуққу илмидан бехабар одамнинг ҳам ақли етадиган ма-салага нечун суд эътиборсиз қараган? Қолган учта жиноятчи қани?

Зоҳид «Балки саҳифалар ўрни алмашиб кетгандир», деган ўй билан қофозларни бир-бир кўздан кечирди. Кейин зўрланган қиз — Моҳира Нуридинованинг суддаги кўрсатмаларини ўқиб чиқди. Уни тўрт йигит чала битган тўрт қаватли иморатга бошлаб борган. Тўртталаси ҳам нафсини қондирган. Лекин... улар орасида Ботиров бўлмаган. Тергов пайтида «Ботировни кўрсатасан», деб мажбурлашган...

Зоҳид «Иш»ни ёпиб, ўйланиб қолди. Назарида бу «Иш» ҳам Суннатуллаевга оид «Иш»нинг мантикий давомидай туюлди. Бир неча йиллар муқаддам Суннатуллаев туҳмат билан қамалган. (Зоҳид бугунги воқеадан сўнг унинг туҳмат билан қамалганига қатъий ишонч ҳосил қилди). — Ботировнинг «Иш»идан ҳам туҳматнинг иси келиб турибди.

«Бундай туҳмат билан қаматишдан ким қандай манфаат кўради? Шариф Намозов «Иш»ида ўртада мол-дунё турибди. Суннатуллаев эса ўша хонимчадаги йўқ номусга курбон бўлди. Ботиров ниманинг курбони бўлган?»

Зоҳидни таажжубга солган яна бир нарса — дастлабки суд Ботировни жиноятчи деб топиб, ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этган. Орадан фурсат ўтиб, шаҳар суди бу қарорни бекор қилиб, Ботировни беайб деб холоса чиқарган. Лекин орадан яна бир неча ой ўтиб, учинчи марта суд бўлган. Бу сафар Ботировнинг «жинояти» ўн бир йиллик қамоқ билан «тақдирланган». Учта ҳакамнинг уч хил муносабатига сабаб нима? Нима учун иккинчиси Ботировни оқлаган? Поранинг кучи биланми? Биринчиси билан учинчисига пора бера олишмаганми? Қиз нима учун судда бошқа, терговда бошқа гапларни айтган? Ботировнинг одамлари қўрқитишганми ё пул бериб сотиб олишганми?

Терговда бир гапни айтиб, судда бошқасини айтиши Зоҳид учун янгилик эмас. Терговда айини бўйнига олган жиноятчилар судда «Мен айбсизман, уришганлари учун қўрқиб, тилхат бердим», деб без бўлиб туриб олишади. Зоҳид ҳеч ёдидан чиқара олмайди: бир

ўғрини жиноят устида ушлаб, иш судга оширилганда у: «Мени азоблаб қийнашганди, мен ўғри эмасман», деб туриб олган эди. Ўзига нисбатан бўлган бу тұхматга Зоҳиднинг чидаши қийин бўлган эди. Орадан йиллар ўтиб, ҳозир эсласа, эти жимиirlаб кетаверади. Шу сабабли ҳам Ҳамдам Толиповнинг усулини ёқтирумай, у билан кўп баҳлашарди.

Зоҳид «Иш»ни яна варақлаб, қизиқиши орга борди. Сўнг Ботировни шаҳар қамоқхонасига кўчириш, қизни ва бошқа гувоҳларни терговга чақириш хусусида керакли ҳужжатларни тайёрлашга киришди. Лозим қофозлар тахт бўлганида шом қоронғуси чўка бошланган эди.

Икки кундан сўнг унинг хонасига ҳали йигирмага тўлмаган қиз билан ёши элликдан ошган, одми кийинган, қотмадан келган аёл кириб келди. Зоҳид тергов бошлаш учун қофоз-қаламларини тайёрлаётган дамда қизга зимдан разм солди. Шўхлиги, ўйинқароқлиги билиниб турибди. Аммо кўз қараашларида бузуклик аломати сезилмайди. Суннатуллаевга осилган хонимчадай гаркўз эмас.

— Хола, илтимос, сиз ташқарига чиқиб туринг. Аввал қизингиз билан гаплашиб олай.

Зоҳид мулойимлик билан мурожаат этган бўлса-да, аёл зардали овоз билан жавоб қайтарди:

— Нима гапингиз бўлса менинг олдимда сўранг. Сизларни биламан, сиртмоқни айлантириб келиб қизгинамнинг бўйнига ташлайсизлар. Уч йилдан бери ҳали у ёққа судраб, ҳали бу ёққа судраб, қизим шўрликни жинни қилиб юборай дедингизлар.

— Агар мендан гумонсираётган бўлсангиз, марҳамат, адвокат ёлланг, адвокат иштирокида сўроқ қиласай.

— Адвокатингизга тўлайдиган пулим йўқ, — деди аёл зардали овозига яна куч бериб. — Адвокатингиз нима-ю сиз нимасиз... — аёл «бир гўрсизлар», демоқчи бўлди-ю, тилини тииди. Зоҳид унинг фикрини уқиб:

— Оқ ит, қора ит — барибир итми? — деди пичинг билан.

— Унақа демоқчимасман.

— Сиз мени биринчи марта кўриб турибсиз. Бу «Иш»ни мен кавлаб чиқарганим йўқ. Қизингиз суд ноҳақ, прокурор ноҳақ, деб катта идораларга арз қилибдилар.

— Ҳа, арз қилди. Жиноятни қилганлар айшини

суреб юришибди. Сиз бир шүрликни қамаб, адолат бўлди, деб керилиб юрибсиз.

— Уни мен қамаганим йўқ шекилли?

— Сиз бўлмасангиз бошқаси. Мен сиз деб идорангизни айтяпман, — деди аёл сўзига аниқлик киритиб.

— Менинг идорам ҳам қамамайди. Сиз жиноятчиларнинг айшини суреб юрганларини қаердан биласиз?

— Қизимнинг ўзи кўрган уларни. Кўчада кўрган. Бир шўрлик бояқишининг қамалиб ётишига менинг виждоним чидамайди.

— Қизингизни ариза ёзишга сиз ундалингизми?

— Қизим аҳмоқ эмас, унда ҳам виждон бор. Сиздақаларда... — Аёл гап келганда отасини аямайдиган тоифадан эди. Хонага кирганида «бу бола гиди-биди деса бир боплай», деб қўнглига туккан эди. Зоҳиднинг мулоийим муомаласи уни шаштидан қайтарди.

— Биздақаларда виждон йўқми? — деди Зоҳид, унинг чала қолган гапини давом эттириб.

— Унақа демоқчимасман... Ўзингиз ўйлаб кўринг: қизим билан катта идорага бордик. Адолат қилинг, бир бояқишининг умри завол топмасин, дедик. Гапларимизни эшакка айтсан тушунарди, у одам тушунмади. Қизим шунда «агар адолат қўлмасангиз ўзимни ёқаман», деди. У тўнка нима деб жавоб қилганини биласизми?

— Сиз айтсангиз биламан.

— У тўнка, қизимга гугуртини узатди. «Манг, ёқсангиз ёқинг», деди балогинага учрагур. Кейин менга «Сиз чиқиб туринг», деди. Мен меров бўлмасам чиқармидим? Чиқдим. Инсофга киргандир, десам у қирчинингдан қийилгур қизимга «Кечроқ келинг, сизни зўр жойга ишга киритиб қўяман», дебди. Ҳе, идоранг бошингдан ордона қолсин-а...

— Холажон, бу гапларни кўйинг. Менинг ишим бошқа. Майли, менга ишонмасангиз ўтираверинг, — Зоҳид шундай деб бир оз сукут сақлагач, қизга қаради: — Нуриддинова, бўлган воқеани бир бошдан айтиб беринг.

— Анави қофозларингизда бор-ку ҳамма гап? — деди аёл.

— Мен ўзларидан эшитмоқчиман. Сиз аралашмай ўтиринг.

Қиз хўрсишиб қўйди. Орадан йиллар ўтган бўлсада, унга ўша шармандали воқеани эслаш оғир эди.

Уша воқеадан сүнг ёпиглиқ қозон ёпиглигича қолса майли эди. Ушандан бери бу ҳолатни неча марта баён этди. Йигитнинг ширин сўзларига учиб, ўсмирликнинг бевош сурурига банди бўлиб, уша машинага чиқмаганида, дугонасига қўшилиб уйига кетаверганида, уша иморат ичига кирмаганида бу машмашалар йўқ эди. Иморат сари юраётганида ақл кўзи кўр эди. Биринчи йигит билан роҳат баҳрида сузаётганида ҳам ожиз эди. Бу ақл кўзи қурғур анча кеч очилди. Билмайин босилган тиконнинг азобларини билганида эди бевошлиқ кўчасига қадам қўймаган бўларми эди...

Зоҳид унинг қийналаётганини сезиб, далда бериш мақсадида:

- Демак, 1986 йил, 21 декабрь, — деб қофозга шу санани ёзди.
- Адамларни кўргани касалхонага борувдик...
- Соат нечада? Ким билан борувдингиз?
- Соат тўртларда... Дугонам Шаҳло деган қиз билан... Кўчада тўртта йигит турган экан. Мошинада айлантириб келамиз, дейишиди. Шаҳло уйига кетди. Мен чиқдим.
- Машина кимники эди?
- Билмадим.
- Такси эди, — деди аёл аниқлик киритиб.
- Хола, сиз аралашмай туринг, — деди Зоҳид унга танбеҳ бериб. — Демак, машина кимники эди?
- Такси эди...
- Таксилигини қаердан билдингиз?
- Ҳалиги... анақаси бор эди.
- Нимаси?
- Кўк чирофи... Кейин томида ҳам белгиси бор эди.
- Уша машинада анҳор бўйидаги иморатга бордингларми? Биринчи бўлиб сизга ким яқинлашди? Ботировми?
- Вой, у бола бўлмаган, — деди аёл.
- Хола, сиз менга халақит беряпсиз. Чиқиб туринг, — деди Зоҳид қатъий тарзда. Кейин фикри қатъийлигини англатиш учун ўрнидан туриб, эшикни очди. Аёл энди баланц келолмаслигини фаҳмлаб, аста ўрнидан турди. Туриш жараёнида қизининг елкасини чимчилади.
- Овсармисан, мунча лалаясан? — У эшик остонасига етганида Зоҳидга эштилаларли тарзда минғирлади:

— Терговларинг ҳам ордона қолсин. Мени адойи та-
мом қиласанлар ҳали. Тўрттагина гўрсўхтани ушлаб
қамаш қўлларингдан келмаса, нималарингга керила-
санлар?!

Зоҳид жойига ўтиргач, сўроқни давом эттира ол-
мади.

Сўроқни якунлаб, қиз чиқиб кетганидан сўнг ҳам
анча пайтгacha қўли ишга бормади. «Менга қолса, —
деб ўйлади у, — Ботиров бу ишга аралашган бўлса ҳам
қамамас эдим. «Зўрлаш»... деймиз. Бу қанақасига зўр-
лаш бўлсин? Битмаган иморатга ўз ёёғи билан юриб
борган. Бирор уни судрамаган. Кўл-оёқларини ушлаб
турмаган ҳеч ким. У дод солиб ёрдамга чақирмаган.
Нимаси зўрлаш бунинг? «Номусга тегиш»... деймиз.
Ўша иморатга киргунича номуси бўлганми ўзи? Зоҳид
буни ҳам сўради қиздан. Қиз ўшангача ҳеч ким билан
яқин бўлмаганини айтди. Лекин Зоҳид бу гапга унча
ишонмади. Бу роҳатни аввал тотиб кўрмаган қизнинг
овлоқ жойга индамай кириб бориши мумкин эмасдай
туюлди унга.

4

Ботировнинг «Иш»и баҳона бўлиб, Зоҳид вужудига
эгалик қилаётган бекорчи хәёллардан қутула борди.
Назарида айнан шу «Иш» туфайли адолат манзилига
етиб борадигандай эди. У ҳали «Ботиров — гуноҳсиз»
деган фикрдан узоқ. Бироқ, кўп масалаларнинг ҳуқуқ
чегарасидан нарида ҳал этилгани уни ажаблантиради.
Зоҳид муаммоларнинг чигал ипларини ечишга ури-
наётган дамларida унинг арзномасига рад жавоби бе-
рилди — Суннатуллаев «Иш»и расман ёпилди. Сайд
Қодиров бундан хабардор қилиб кўйгани учун Зоҳид
кўкка сапчимади. Бу «янгилик»ни ювощ бола каби
хотиржам тарзда қабул қилди. Шу воқеанинг эртасига
уни Сайд Қодиров йўқлади.

Зоҳид йўқловдан мақсад яна Суннатуллаев иши
бўлса керак, деб ўйлаб, гапни шу масаладан бошлиди.
Муовин аёлга учрашгани, бошлигининг қўнғироқ қил-
ганини... айтиб берди. Сайд Қодиров бу гапларни руҳ-
сиз ҳолда эшитди. Зоҳид буни сезиб гапини қисқа
қилди.

— Бу энди сиз билан мен учун ўтмиш. Лекин уни
кераксиз матоҳдай кўчага улоқтируманг. Тахмонга кўр-

пача тахлагандай тахлаб кўйинг. — деди Сайд Қодиров. — Вақти келади ҳали, ўшанда олиб ишлатасиз. Сиз бир янгиликни эшитдингизми-йўқми, шуни билиш учун йўқладим.

— Қанақа янгилик?

— Ҳосилбойваччанинг йўқолганидан хабарингиз борми?

— Ҳосилбойвачча? Қанақасига йўқоларкан?

— Шунақа... изсиз йўқолган.

— Қизиқ... Шундай одам ҳам изсиз йўқоларканми?

Шотирлари-чи? Тирикми ҳаммаси?

— Тирик.

Зоҳид Сайд Қодировнинг кўзларига қаради. Бу кўзларда зоҳир бўлган кувлик унинг Ҳосилбойвачча тақдиридан воқиф эканини сездириб қўйди. «Мени синамоқчими? «Ўлаб кўр-чи, фаҳминг нимага етар экан?» демоқчими? Бу жумбоқнинг нимаси оғир экан? Шотирлари тирик. Ўзи эса йўқ... Демак...»

— Демак, бир-бирларини қиришни бошлабдиларда? — деди Зоҳид ундан кўзларини узмаган ҳолда.

— Шунақага ўхшайди. Мендаги маълумотларга қараганда Ҳосилбойвачча ўлдирилган. Асадбекнинг эски шаҳардаги уйида ўлдирилган.

— Маълумот?... — Зоҳид «кимнинг маълумоти?» деб сўрамоқчи бўлди-ю бундай савол жавобсиз қолмоғи мумкинлигини англаб, гапни бурди: — Маълумотта ишонса бўладими?

— Маълумот аниқ. Ҳовлида икки киши отилган. Биттаси Асадбекнинг куёви. У ҳозир касалхонада. Кўчада кетаётганида номаълум шахслар аллақандай машинада яқинлашиб, отишганмиш. Жабрланувчининг машинаси кўчада турибди. Аммо бир томчи қон йўқ унда. Врачларнинг холосасига қараганда эса у кўп қон йўқотган. Вақтида улгуриб қон куйишмаганида ўлиб қолиши ҳеч гап эмас экан. Мана, экспертиза холосаси, — у шундай дегач қофозлар орасидан кераклисини танлаб, Зоҳидга узатди. Унда ўқнинг йўналишини аниқлаган эксперктнинг холосаси ёзилган эди. Унга кўра, ўқ рўпарадан отилган. Агар жабрланувчи машинасида ўтирган бўлса рўпарадан ўқ ейиши мутлақо мумкин эмас. Ўқ биқингами, чаккагами, боринг, ана ўтирилиб қараган тақдирда пешанасигами санчилиши мумкин. Лекин рўпарадан?.. Сира мумкин эмас. Агар машина пешайнаси синдириб отилган бўлса?..

Зоҳид бу бошқотирмадан ажабланиб, иягини қашиған ҳолда суҳбатдошига қаради. Сайд Қодиров унинг хаёлига қелган саволни уққандай гапини давом эттириди:

— Машина бус-бутун, бирон ери ҳам тирналмаган. Маълумотга қараганда жабрланувчи бир неча ҳафта илгари «Мен уларнинг қўйнига илон бўлиб кириб, битта-битта чақиб ўлдирман», деган экан. «Улар» дегани ким, биласизми?

— Ҳосилбойваччами? Ё... Асадбекми?

— Асадбек бўлса эҳтимол... Аммо, нима учун чақиб ўлдирмоқчи эди? — Сайд Қодиров жавоб кутмай яна бир савол тоғини кўндаланг қилди: — Ҳосилбойваччанинг мурдаси қаерга кўмилган? Қаерга кўмишган бўлишлари мумкин?

Зоҳид Сайд Қодировнинг Элчин ҳақидаги гапларини эшишиб, дафъатан Анвар билан бўлган учрашувни, «Суннатуллаевнинг ўлимини Элчиндан кўрманг», деган гапини эслаб «у чақишига улгурдими ё энди чақмоқчи эдими?» деб ўйлади. Аммо бу ҳақидаги фикрини Сайд Қодировга билдирамади. Сайд Қодиров жавоб кутар эди. Зоҳид унга қараб, жавоб ўрнига елка қисиб қўя қолди.

— Мурдани топиш керак.

— Агар майдалаб ёқиб юборишмаган бўлса, топса бўлар.

— У ҳолда кулинни бўлса ҳам топиш керак!

VII б о б

1

Ўлимнинг муздек лабига лабини тутаётган, ўлимнинг димогидан уфураётган совуқ нафасдан эти сеска-наётган Зайнабни телефон жиринги қўрқитиб юборди. Ундан бўса олмоқни, бўса нима экан, жон олмоқни ихтиёр этган ўлим фариштаси ҳам чўчиб, ғойиб бўлди. Унинг узоқлашишини истамаган Зайнаб телефон гўшагини кўтармай пича кутди. Телефон қўнғироғи тўхтовсиз жиринглайверди, ўлимнинг нафаси эса узоқлашаверди.

У сиртмоқни бир қўлига олиб, иккинчиси билан гўшакни кўтарди. Гўшак оғир тош каби туюлди — қулогига аранг олиб бориб «лаббай» демоқчи эди, ти-

ли айланмади — гёё ўлим бўса олаёттан дамда тилини музга айлантириб қўйгандек эди.

— Алё, алё, Зайнаб! Зайнаб!!

Онасининг майин овози совуй бошлаган баданига илиқлик бахш этди. Жамшиднинг ўлимини эшитиб ўзини осган дамда ҳам шу овоз унга жонини қайтарган эди. Бу нима ўзи? Мўъжизами ё туш кўрятпими, ё алаҳсираяптими?.. Онасининг овози унинг музлаган тилини ҳам эритди. Беихтиёр:

— Ойижон! — деди-ю, бутун вужудига титроқ югурди.

Дунёда тўсиқни билмайдиган нима бор, деб сўралса ҳеч иккиланмай «она қалби» деб жавоб бериш мумкин. На масофа, на вақт она қалбига ўз хукмини ўтказа олади. Мана ҳозир ҳам Манзуранинг безовта қалби қизининг ҳузурига етиб кела олди. Зайнабнинг биргина хитоби — «Ойижон!» дейишининг ўзиёқ аҳволини онасига ошкор этди.

— Зайнаб, жон болам, соғлиғинг яхшими, сенга нима бўлди?

— Ойижон... — Зайнаб нима дейишини билмай, каловланди. Ҳатто «яхши етиб олдингизми?» деган гап ҳам хаёлига келмади. Ўзи учун ҳам кутилмаганда, ўзи ҳам истамаган ҳолда кўкрак қафасида бир фарёд уйғониб, юқорига интилди. Бўғзига етганда эса тўхтаб, уни энтикирди.

— Зайнаб, гапларимни эшитяпсанми, нимага индамаяпсан?

— Яхшиман, — деди Зайнаб титроқ овозда.

— Тобинг йўқми, нимага овозинг ўзгариб турибди?

— Шамоллабман...

— Ўзингта қара, жон болам, ётишдан олдин сут қайнатиб ич.

— Ҳўп.

— Аданглар яхшимилар, йўталлари қолай дедими?

— Яхшилар.

— Бугун бордингми, хабар олдингми?

Зайнаб жавоб бера олмади. Отасини кўрганини, қай аҳволда юзлашганини қандай айта оларди?

— Адангларни бугун кўрдингми?

— Кўрдим...

— Эринг яхши юрибдими? Уйда йўқми яна?

— Йўқлар.

— Мен яхши етиб келдим. Акаларинг билан гаплашасанми?

— Майли...

Зайнаб акалари билан ҳам шу тарзда гаплашди.

Шармандалик балчиғидан халос бўлмаган, бир қўлида сиртмоқни маҳкам чанглаб турган жувон жигаргушалари билан нима ҳақда гаплашсин?

Абдулҳамид гўшакни онасига узата туриб:

— Кайфияти чатоқроқми, гаплашгиси ҳам келмади, — деб қўйди.

Манзура яна қайта-қайта ҳол-аҳвол сўрагач, гапни бас қилди-да, ўғилларига маъюс боқди:

— Касал бўлиб қолганга ўхшайди... Боласи нобуд бўлганидан бери эзилиб кетди...

Манзура бу гапни беихтиёр равишда айтди. «Эринг яхшими, уйда йўқми?» деган гапидан бери ўғилларининг ажабланиб ўтиришганини сезмади. Унинг хаёли қизи билан банд, ўғилларининг уйдаги воқеалардан бехабар эканликларини унугтан эди. Онасининг маъюс чеҳрасида фам баҳрининг мавжларини кўрган Абдулҳамид:

— Зайнабни... қачон узатдинглар? — деб сўради.

Бу савол Манзурунинг хаёлини қизи бағридан юлиб олиб, ўғиллари ҳузурига қайтарди.

— Ҳали бир йил бўлгани йўқ...

— Бизга нима учун айтмадинглар? — деди Абдусамад рањиганини яширмай.

— Дадангни биласан-ку, ўқишлиридан хаёллари чалғимасин, дедилар.

— Куёв ким, биз таниймизми? — деб сўради Абдулҳамид.

— Билмадим, танирмикансан? — Манзура куёвинг номини айтишга қийналди. — Ашулачи йигит экан... Элчин...

— Элчин? — Абдусамад ўрнидан туриб кетди. — Қамалиб кетган отарчими? Ойи, Зайнабни кимга берганингизни биласизми?

— Биламан, жон болам, биламан. Тақдир экан-да... Адангнинг феъли ўзингга маълум-ку?

— Адам... Зайнаб-чи, Зайнабнинг ўзи кўндими?

— Кўнмаса... тегармиди?..

Абдусамад отасига ўхшаш — баъзан сал нарсага тутаб кетади. Абдулҳамид эса онасига тортган. Мулоҳаза билан иш юритади. У онасини қийнаётган, бирорвга, ҳатто ўз ўғилларига ҳам айта олмайдиган дарди борлигини сезди. Шу сабабли тутай бошлаган акасига

қараб лабини тишилаганича бошини сарак-сарак қилиб қўйди. Абдусамад укасининг мақсадини англаб, бошини эгиб ўтирган онасининг елкасидан қучди.

— Ойижон, юринг, бофни айланиб келамиз.

Манзура истар-истамас ўрнидан турди.

— Маҳмуд акантта тилпон қилсак бўларкан. Ўзими, хотиними хабар олиб турса бўларди.

— Ҳамид, сен буюртма бериб кутиб ўтириб, биз айланниб келамиз.

2

Абдусамад ҳовлига чиққач, онасини қўлтиқлади. Манзурага бу ғалати туюлиб, ўғлига қараб олди. Бу ҳолда сира юрмагани учун худди ўғли судраётгандай туюлиб, қадам олиши қийинлашди. Абдусамаднинг йўл-йўлакай боф таърифини қилишидан билдики, ўғли бу ерларда тез-тез бўлиб туради. Рўпарадан чиқиб қолган боф хизматчиларининг таъзим бажо келтириши ҳам унинг бу ердаги мавқеидан дарак берди. Хизматчилар Абдусамадни хўжайнинг меҳмони сифатида иззат қилишармиди ёинки бу хонадоннинг бўлажак куёви, таъбир жоиз бўлса, валлоҳи аълам, бўлажак ҳожаси сифатида эҳтиром этишармиди — Манзурага қоронги эди. У ўзича «ўғлимнинг бу жойга куёв бўлишини хизматчилар ҳам билишар экан-да», деб бир қувонди, айни чоқда «ўғлим шу ерларда қолиб кетсаня» деган хавотири уйғониб, ташвишланди.

Бундай хонадонга ўғлининг куёв бўлишини қайси она истамайди? Бундайин сарой, бунчалар мол-мулк... Ҳар қадамда хизматчиларнинг таъзим қилиб туриши... Хон куёвигагина насиб этувчи мартаба... Бу — она орзусининг ушалишими? Бахтми?

Кимларгадир баҳт бўлиб туюлиши мумкин. «Ўғлим қаерда юрса ҳам боши омон бўлса бас», деб шукр қилувчилар бор. Аммо йўғида сабр қилиб умр кечирган, борида талтайиб яшамаган Манзура учун бу баҳт эмас. Хорижда яшайдиган қизларни келин қилиши лозимлигини билганидан бери у ташвиш баҳрида сарсари сузади. «Қизил оёқ келиб, қизил юздан жудо қилди», деганларидек, икки келин икки ўғлини бағридан юлиб олажагини ўйласа, вужуди музлаб кетади.

Асадбек қиморга кетиб, ўзи жойнамоз устида ўти-

риб Оллохга муножот этиб тонг оттирган кезлари эри-
га инсоф сўраган экан-у, фарзандларим улғайишгани-
да бағримдан юлиб олма, демаган экан... Агар ҳозир
фойибдан овоз келиб, «Ўғилларингнинг мол-дунё ден-
гизида чўмилиб яшаганлари дурустми ё бир бурда
нонга қаноат қилиб бағрингда умр кечирганлари ях-
шими» деб сўраса, у шак-шубҳасиз, иккинчисини тан-
лаган бўларди. Манзура кўр эмас, кар ҳам эмас, дунё-
нинг одам зотига вафо қилмаслигини кўриб, эшишиб
турибди.

Ёнида бораётган ўғли тилида боғ таърифини қила-
ди. Дилида эса бошқа гап. Онанинг сезгири қалби буни
сезади. Ўғли «Қизлар сизга ёқдими?» деб сўрамоқчи
бўлади. Лекин йигитлик ғуури бу саволнинг тилга
кўчишига йўл қўймайди. Ота билан ўғил орасида ҳаё
пардаси бўлгувчи эди. Ҳар қандай ўғил кўп ҳолларда
отага айтмоқчи бўлган дардини она орқали етказарди.
Ҳаттоқи маълум дамларда ўғилнинг сирдоши ота эмас,
айнан она бўлиши ҳам ҳеч кимга сир эмасдир. Асад-
бек ўғилларини ўз юмушларидан узоқроқ тутишга ҳа-
ракат қилиб, фарзандларининг руҳий оламидан анча
йироқлашганини ўзи ҳам сезмай қолган эди. Барча
оиласагилар каби бу хонадон ўғиллари онага яқин
бўлсалар-да, Абдусамад ҳозир арзимас туюлган савол-
ни онасига беролмай қийналарди. Манзура ўғлини бу
қийноқдан қутқариш учун ўзи муддаога яқинлашмоқ-
чи бўлди:

- Қизлар билан... бирга ўқийсизларми?
 - Йўқ... Улар ҳам ўқишади, лекин бошқа соҳада.
- Бизга доктор Худоёр устозлар. Биофизикадан...
- Буни биламан.
 - Бизни доктор Худоёр таништирганлар.
 - Бойлигига учдингларми?

Манзура «отанг ҳам камбағал эмас эди-ку?» деган
оҳангла гапирди. Абдусамад бу оҳангни сезиб, ерга
қаради.

- Ойи... улар яхши қизлар... Ҳали гаплашиб кўра-
сиз...
- Мен ёмон деяётганим йўқ... Попукдаккина экан
икковиям... Лекин... шу ерда қолиб кетасанларми, деб
жоним ҳалак, болам. Мен... айрилиққа чидай олмасам
керак...

Абдусамад йиғламсирай бошлаган онасини елкаси-
дан қучди.

— Бундан хавотирланманг, айрилиқ бўлмайди, ойи. Қизларнинг ота-онаси бизни бу ерда олиб қолмоқчи эмас. Уларнинг мақсади қизларини Ватанга узатиш. Шу йўл билан Ватанга қайтиш.

— Қизларини узатиб, ўzlари ёлғиз қолишадими?

— Ойи, ҳали уларнинг гапларини тушундингизми? Уларда ҳамма нарса бор. Фақат Ватанлари йўқ. Ватансиз яшаёт улар учун жуда оғир. Биз буни тушуна олмаймиз. Ватан дейилса улар қизлар тугул жонларини ҳам бериб юборишга тайёрлар. «Биз Ватан ҳажрида куйиб ўтяпмиз, фарзандларимиз куймасин», дейишиди. Агар тарозининг бир палласига фарзандларидан айрилиш азоби, бошқа палласига Ватан ҳажри дарди қўйилса, дард босиб кетади. Улар шунаقا одамлар. Биз ўқишини тугатиш билан қайтамиз.

— Худо ўша кунга етказсин, ишқилиб. Лекин... да-данглар нимагадир қайтишга шошилманглар, дегандай бўлдилар.

— Нима учун?

— Билмадим, болам... балки ўzlари ҳам шу ёқларга келиб яшамоқчидирлар. Ишларини биласан-ку... У ёқлар нотинчми, дейман?

Манзура эрининг мақсадини аниқ англамаган эди, шу боис мавхумроқ оҳангда айтди. Онасидан эшитган янгилик ўғил учун кутилмаган эди. Бунда Саид Музаффархоннинг нияти бошқа, унда Асадбекнинг умиди бўлак бўлса?! Бири Ватанга интилса, иккинчиси эса қочмоқ, йироқлашмоқ илинжида... Самодаги қора булат парчаларининг бири манфий, иккинчиси мусбат қувватга эга бўлса, яқинлашмоқ онларида чақин чақнайди, олам остин-устун бўлгандай туюлади. Шу хаёлга бориб, Абдусамаднинг юраги увишди. Ўзига-ўзи тасалли бериш мақсадида:

— Ойи, сиз нотўғри тушунгандирсиз? — деди.

Манзура ўғлидаги ўзгаришни сезиб, хатосини тўғриламоқчи бўлди:

— Ҳа, болам, хато тушунгандирман. Адангларни биласан-ку, очиқ-сочиқ гапирмайдилар. Бу ёқса келишлари... Йўқ, келмайдилар. Эски ҳовлиларини соғиниб турадилар-ку... Бу ёқларга бутунлай келармидилар... Йўқ, келмайдилар.

Чиндан ҳам Манзура Асадбекни нотўғри тушунган эди. «Мен ўғилларингнинг ўша ерда ўқиб, ўша ерда ишлашларини хоҳляяпман», деганида ўзининг ҳам кў-

чиб боришини назарда тутмаган эди. Гарчи ўша сухбатда Асадбек уч-тўрт йилда қайтишади, дея гапини юмшатган бўлса-да, Манзурага эгалик қилган хавотир исканжаси бўшашибмаган эди. Чувринди кузатаётганда «Тилла тақинчоқларни кўпроқ олаверинг, балки ўша ерда асқотар, балки уч-тўрт ой ўша ерда қоларсиз», деганида эри айтган «уч-тўрт йил»ни эслаб чўчиб тушди. «Зайнабни кейинроқ юборамиз», девдилар. Секинсекин ҳаммамиз кўчиб ўтарканмиз шекилли» деб ҳам ўйлади. Тўғри, кейинги пайтларда Асадбек оиласининг ўша томонларда яшашини истаб қолди. Лекин ўзининг ҳам кетиши сира режасида бўлмаган. Айниқса, хасталиги аниқ бўлиб, Ҳосилбойвачча қилиқларни бошлаган дамда кетишни ўйлаши мумкин ҳам эмасди. Унинг бирдан-бир нияти — оиласининг тинчи ва фаровонлиги эди. Бу нияти Манзурага, алҳол ўғлига-да қоронғу эди.

3

Манзура толиққан бўлишига қарамай тунда ухлай олмади. Юмшоқ ўрин унга тиконзор каби туюлди. Оиласидан илк карра узоқ кетгани учун қалби нотинч эди. Безовта юрак юртидаги нохушликларни сезиб, вужудини беҳолгина титратиб турарди. Шу азобдан қийналган Манзурага бу шаҳарнинг туни беҳад узундай туюлди. Уй исиб кетиб, нафас олишга арзирли ҳаво қолмагандай бўлди. Ўрнидан туриб, пешайвонга чиқадиган эшикни очди. Юзига салқин шабада урилиб, ором олди. Ташқарида майдалаб ёмғир ёға бошлаган, саноқсиз чироқлар ёруғида боғ тўлин ой нурига чўмилгандай сўлимлик кашф этган эди. Аммо бу сўлимлик унинг кайфиятини яхшилашга қодир эмас эди. Бу олам аро тунни бедор ўтказган фақатгина Манзура эмас. Неча минг, балки неча юз минг, балки ундан-да кўп одам — хаста ҳам, тани соғ ҳам, подшо ҳам, гадо ҳам; бахтли ҳам, бахтсиз ҳам; қайгули ҳам, қайгусиз ҳам... тунни бедор ўтказади. Ҳеч ким ўша туннинг ўзида, қаердадир бир жигарбанди ҳам қалб титрофида эканини билмайди. Алҳол Манзура ҳам юртида эри билан қизининг тунни уйқусиз ўтказишганидан бехабар эди.

Нонуштадан сўнг ўғиллари шаҳар айланажакларини маълум қилдилар. Манзуранинг сайру саёҳатга хо-

ҳиши ҳам, ҳоли ҳам йўқ эди. Шунга қарамай, ўғилларининг шаштини қайтармаслик учун отланди.

Ўғиллари шаҳар кўчалари, айрим иморатлар ҳақида гапиришар, Манзура эса уларнинг завқини баҳам кўра олмас эди. Юраги нима сабабдан ғашланаётганини ҳатто ўзи ҳам билмасди. Баъзан хаёлини шаҳар манзараларига банд этиб чалғимоқчи бўларди. Бу каби шаҳарларни у телевизорда кўрган, мухбирлар «чириган капитализм» деб буларни танқид қилишарди. Манзура сайр чоғида шаҳарда чирик иморатларни кўрмади. Тўғри, сиёсат оламига у бегона аёл эди. Капитализмнинг чиригани қанақа бўлади, чиримагани қандай — билмасди. Билиш учун ҳаракат ҳам қилмасди, ўйламасди ҳам. Ҳозир, икки ўғли икки қанотига шаҳар бобини сайр қилаётган чоғида «Шундай яхши жойларни нима учун ёмонлашади?» деб ўйлаб кўйди. Унинг сиёсатга муносабати шу ўй билан чекланди.

Манзуранинг руҳидаги синиқликини ўғиллари сезишиди. Бу ҳолни улар чарчоқ оқибати деб ўйлаб сайрни узоқ давом эттиришмади. Виллага қайтишгач, учовлари ошхонага кирдилар. Абдулҳамид ошпаз аёлга палов пишириш ниятлари борлигини маълум қилди. Бу хонадонда тез-тез паловхўрлик бўлгани сабабли немис аёли ҳам ош пиширишни биларди. Шу сабабли чаққонлик билан масаллиқни тайёрлаб берди. Манзура ошга уннамоқчи эди, ўғиллари йўл қўйишмади.

— Бизнинг қўлимиздан бир паловхонтўра енг, — дейишиди.

Бекорчиликка ўрганмаган Манзура ўғилларининг қаршилигига қарамай, сабзи тўғраб берди.

Ошни пишириб, еб бўлишгач, Абдусамад шаҳарда зарур иши борлигини айтиб, онасидан узр сўради. Манзура ўғиллари хулқида ўзгариш мавжудлигини яна бир карра сезди. Ўз уйларида эканида ўғли бирон ерга бормоқни ихтиёр этса «Ойи, кетяпман», деб кўярди. Ҳозиргидай лутф қилиб ўтирумасди.

Оқшомга яқин виллага Музаффархон билан Гулузор бегим келишди. Кейинроқ доктор Худоёр ҳам ташриф буюрди. То у келгунига қадар гап-гапга қовушмади. Ёшларнинг тақдирни хусусида сўз очишга у томон ҳам, бу томон ҳам журъят эта олмади. Доктор Худоёрда юзхотирчиликнинг йўқлиги шу замонда иш

берди. У хизматчи келтирған қақвадан уч-түрт хўплагач, Манзурага юзланди:

— Қалбимдасиз, хоним афандим, сиз муҳтарама зоти олияларига бизим қизларимиз ёқдими экан?

Тўсатдан берилган бу савол Манзуруни гангитиб қўйди. Кўзини ерга қадаганича жавобга тараффудланди. Уни бу ноқулай аҳволдан доктор Худоёрнинг ўзи кутқарди:

— Бир кўришда хulosса билдиримоғингиз чўх мушкулдир, буни-да англаюмиз. Аммо инонингким, бу ўлкаларда бундайин фозила қизлар бошқа йўқтур. Агарчи менинг-да икки ўғлим бўлганида эди, Саид Музаффархонни тинч кўймаган бўлурдим. Аммо билмоғингиз керакким, хоним афандим, сизнинг оқил ўғилларингиз менинг учун ўз фарзанду аржумандларим каби қадрлидурлар. Уларнинг бурага таҳсил учун келмоқлари Оллоҳнинг хоҳиши иладир, сўнгра мен улар билан танишдим, мossaolloҳ! Биз умид қиласётган никоҳни ҳам Оллоҳ насиб этгандур, иншоolloҳ! Хоним афандим, сизга биз айтиётган сўзлар ғалат туюлгуси, буни-да англаюмиз. Сиз қизларимиз ила сухбат қурсангиз нур алсан-нур бўлур эди. Аммо, афсус шуки, қизларимиз сиздан уялъятилар. Фикри ожизимча, бу ҳам уларнинг бир ажиб фазилатлари дур. Саид Музаффархон жанобим, қалбимдасиз, сиз айтинг энди.

— Оллоҳдан умидим бисёрдир, — деди соҳиббайт, — агарчи хоним афандим ризолик билдирисалар, аввал нишон тўйини ўтказсак, сўнгра тўйга қадарли фурсат бўлар, қизлар билан сухбат қуарлар...

Манзура «нишон тўйи» нима эканини тушунмаса ҳам, мезбонларнинг раъйини қайтармаслик учун бош иргаб қўйди. Тасдиқ ишорасини олган мезбон чехраси янада ёришди.

— Хоним афандим нимани ихтиёр этиюрлар: нишон тўйи виллада бўлгани маъқулми, ёинки ресторандами?

Манзура «Бу саволга мен жавоб бера олмайман», дегандай нажот излаб доктор Худоёрга қаради.

— Ресторанни қўйинг, афандим. Ҳаром кўп у ерда. Яхши ният ила қурилажак оила биносининг пойдеворини ҳаром ерда қўймайлик. Шунда, ҳалол луқма ила бошлангани Оллоҳга хуш ёқар. Менга маълумки, афандим, сиз беҳад сахий жаноблардансиз. Нишон тўйига ҳам оз эмас, бирон икки-уч юз меҳмон чорла-

моқни орзу этажаксиз. Сиз бу орзуларнинг баҳридан ўтинг, жанобим. Йигирма, борингки, ўттиз чоғли кўнгилга яқин инсонлар ташриф буюрсалар, басдир. Тўй ҳам дабдаба ила ўтмасин, десам кўнглингиз ранжимасин. Чунки тўйнинг дабдаба билан ўтиши мутлақо шарт эмасдир, билъакс, ёшларнинг бундан кейинги ҳаётлари дабдаба билан ўтсин, деб Оллоҳдан сўрайлик.

Келишувга шу зайдада якун ясалди. Нишон тўйи яқин кунларга белгиланиб, асосий тўйни Асадбекнинг келишига қараб ўтказадиган бўлишди.

Кечки овқатдан сўнг мезбонлар кетишгач, Манзура Абдулҳамиддан сўради:

— Нишон тўйи дейишиди, у нима дегани?

— Уми... — Абдулҳамид кулимсиради, — бизнингча, унаштириш, дегани. Фотиҳа тўйи ҳам дейилади шекили? Сиз ҳозир нима иш қилиб қўйганингизни биласизми?

— Нима қибман?

— Бизни унаштириб чиқдингиз, — Абдулҳамид шундай деб муғомбирларча кулди. Манзура эса кафтларини юзларига босди:

— Вой ўлмасам!.. Билмай-нетмай, а?..

— Ташвишланманг, ойи. Нишон тўйидан сўнг қизлар билан яхшилаб танишиб оласиз. Ёқмаса, тўй бўлмайди, фотиҳа бузилади. Бунинг ҳеч қўрқинчли жойи йўқ.

— Кўй, ундей дема, совуқ нафас қилма. Мен сенга қизлар ёқмади, демадим-ку? Ўзларингта ёқаёттан бўлса, бас-да...

VIII б о б

1

Яйдоқ далада турган одамга осмонни қоплаган қоп-қора булутлар айтарли хавфли эмас. Ёмғир ёққудай бўлса, чораси осон — устига ёпинчиқ ташласа кифоя. Ёпингичи бўлмаса, нари борса, ёмғирда бўкар. Агар нафрат ва алам булути бараварига ёпирилса-чи? Бунинг чораси борми?

Асадбек ўзича чорасини топгандек бўлиб эди. Назариди Ҳосилбойваччага қараб узилган ўқ бу булутларни тарқатиб юборадигандай эди. Ўқ отилди. Жон узилди.

Аммо нафрат ва алам булути тарқалмади. Бильякс, янада куюқлашди. Мурда олиб чиқилиб, ўзи ёлғиз қолгач, бу булаг пастлаб, уни бўға бошлади. Уйда ўтира олмай, ҳовлига чиқди. Бу ҳолатта узоқ чидай олмаслигини фаҳмлаб, ҳовлининг ўртасида тик турганича: «Маҳмуд!» деб бақирди. Чувриндининг бу ерда эмаслигини у яхши биларди. Айни чоқда йигитлардан бири нинг эшик ёнида шай тургани ҳам маълум эди унга. Ҷақирувдан сўнг ўтган бир неча сония унга соатдай туюлди. Бетоқатланиб, яна бақирди. Эшик шашт билан очилгач, остонаяда қотган йигитга бобиллаб берди:

— Ухлаб ўтирибсанми, хунаса! Минг марта чақиришим керакми?!

Йигит чиндан ҳам ухлаб қолиб, улуғ бир айб иш қилиб қўйгандай бош эгди.

— Жалил акангни топиб кел, имиллама!

Булар-ку, имилламайди-я, аммо Жалил деганлари уйидамикин, «Бек акам чақирияптилар», деб боришса, «Аравангни торт, гапи бўлса, ўзи келсин», демасмикин?

Асадбек дўстини шу хавотир билан кутди. Вужудига ҳукм ўтказа бошлаган иситма енгил титроқ уйғотди. У «совуқ таъсир қилди», деб ўйлаб, ичкари кириб, танчага ўтиреди. Иссик баданига хуш ёқди, бироқ титроқни тўхтатмади. Чироқ нури камон ўқига айланиб, икки қоши ўртасига санчилгандай фани келди. Пешонасини силади. Чироқ нури ўқ қадашини кучайтиргандай бўлди. Ўзини мажбурлаб ўрнидан туриб, чироқни ўчириди — ҳаммаёқ зимиstonга айланди.

Ховли зимиston...

Уй зимиston...

Ҳатто қалби зимиston.

Дунё зимиstonдан иборат. Дунёда нур йўқ. Ҳамма қоронгулик бағрида тентираиди. Оламнинг кун ва тунга бўлиниши ёлғон, қуёшнинг кўриниши ҳам алдамчи бир ҳолат. Ой ҳам йўқ, юлдузлар ҳам йўқ...

Ўзини зулумот ихтиёрига берган Асадбекнинг на зарида шундай эди. Лекин унинг бу фикри чақмоқ умри мисол оз умр кўрди. Кўчадан ўтган қайси бир машинанинг чироги атрофни ёритиб ўтди. Кейин эса кўзлари қоронгуликка аста кўника борди.

Бир ош дамларли фурсат ўтди ҳамки, Жалилдан дарак бўлмади. Асадбек энди асабийлаша бошлаган

вақтда күчада машина тұхтади. Күча эшиги очилди. Одам қораси күринди — икки-уч қадам босиб ҳовлига кирди. Яна тұхтади. Қоронғу бўлса ҳам Асадбек ўртоғини таниди. Таниди-ю, юраги увишди.

1950 йилнинг биринчи январ тонгидан ҳам Жалил шундай кириб келган эди. Ўшандада ҳам бир-икки қадам күйгач, тұхтаб, атрофга алланглаган эди. Унинг бунақа одати ўшандада ҳам йўқ эди. Тўғри уйга кириб келаверарди. Лекин ўшандада... бир нарсадан қўрқибми, тұхтаган эди. Энди-чи, нимадан чўчиди?

— Асад!

Жалил одатда ҳовлига кириши билан шундай деб бақириб кўйиб, уйга қараб юради. Ўшандада ҳам, ҳозир ҳам паст овозда, бирорни ҳуркитиб кўйишдан қўрқандай аста чақирди. Ўшандада Жалил жавоб кутиб, сўнг яна ўша овозда «Асад», деб кўйган эди. Ўшандада Асадбек ўртоғини кўриб йиғлаб юборай деганди. Ҳозир ҳам йиғлагиси келди. Ўша кезда Жалил жавоб бўлмагач, изига қайтмоқ учун ўгирилганида Асадбек жонқолатда «Жалил!» деб бақириб ҳовлига отилган эди... Ҳозир эса қимиirlашга мажоли бўлмади.

— Асад! — Бу сафар Жалил баландроқ овозда чақириди.

— Жалил! Киравер, уйдаман.

Жалил ичкари кириб, чироқни ёқди. Асадбек ўтирган ҳолиша қўришмоқ учун қўл узатди.

— Ие, иситманг бор-ку, — деди Жалил унинг кўлинини кўйиб юбормай. — Нима қилиб ўтирибсан, бу зимиstonда, тинчликми?

— Тинчлик... сени кўргим келди, оғайнини...

— Об-бо, намунча инқиллайсан? Ўликнинг овози ҳам сенинидан яхшироқ чиқади. Кўтар гавдангни, дадил-дадил гапир. Асадбек аммамнинг бузогига ўшшаб қолибди, деса бирор ишонмайди.

Ўртоғининг бу йўнилмаган гаплари ёқиб, жилмайганида йўтал тутди. Жалил унга қараб туриб:

— Ҳали ҳам тузалмабсан-да, укамга чиқиб айтай, сут қайнатиб берсин, — деди.

— Керакмас, — деди Асадбек.

— Шотирларингта айт, дори-пори берсин бўлмаса.

— Ҳозир уйга кетаман, қўявер... Ўзинг бормисан? Ошнам Красноярда касал эди, ўликмикин, тирикмикин, бир хабар олай, демайсан?

— Сен ўзинг думингни тутқазасанми ҳеч? Болохонадаги шотирларинг айтишмадими, неча марта бордим. Бир борганимда Манзура ҳам йўқ экан. Яна бир борсам, Германияга кетибдими? Тинчликми ўзи?

— Ҳа... ўғилларини соғинган да. — Асадбек тўйдан оғиз очса, гина-ю маломатлар ёғилишини билиб, гапини қисқа қилиб қўя қолди.

— Учта чолни олиб, Кўёнга бориб келдим. Собитхон салом деди сенга.

— Ўзи соғми?

— Анча яхши. Кўлтиқтаёқда юряпти.

— Кўёнга кетяпман, деб айтсанг ўлармидинг?

— Ўзингни кўрмасам, арвоҳингга айтаманми? Нима, бормоқчимидинг?

— Борсам-бормасам, айтсанг мошина тўғирлаб берардим.

— Оббо... Мошин битта сендагина борми? Сенинг мошинанг бўлмайди бунақа ишларга.

— Нега?

— Сеники миннатли. Сен бурнининг тагига соч қўйган қурруқларингдан биттасига буюрасан. У хўп, дейди-ю, аммо ичида минғирлайди. Бизга бунақаси кетмайди. Бизга холис хизмат керак.

— Собитхон билан анча гаплашгандирсан?

— Гаплашдик.

— Оғайнингиз касал бўлса, сал ширинроқ гаплинг демадими?

— Деди. Сен қанақасан ўзинг, касал бўлсанг касалга ўхшаб ёт. Сен ўзингга ёпишган касалга ҳам қасам ичирворасан. Касалликнинг ҳам ҳурмати бўлади. Иззат қилиб ётсанг, икки-уч кун меҳмон бўлади-ю, кетади. Сенга ўхшаб итни гижгижлагандай сёқда юрса, касал ириллаб, суягини фажиб ётаверади. Сен энди гапни айлантирма. Иситманг кўтарилигани учун чақириргмагандирсан мени? Нима дардиг, бор, айт.

— Сен сассиқ бир одамсан, сенга галирган одам барака топмайди-ю, мен дардимни айтайми? Сенга бирор ярасини кўрсатса, малҳам қўйиш ўрнига туз босасан.

— Туз ҳам дори, оғайни, бу — бир. Сассиқ бўлсанг ҳам кунингта менгина ярайман, бу — икки. Сенинг мендан бошқа дўстинг йўқ, бу — уч.

— Бекор айтибсан.

— Агар шуни билмасанг — гирт аҳмоқсан! Атрофингдагилар дўстми сенга? Ҳе, йўқ... улар дўст эмас, улар МАНФААТ. Атрофингдагилар иши битгунича эшакни ҳам тога деб туришмайдими? Ўша эшакнинг жиянларини ўзингга дўст деб биласанми?

Бу гапларни эшлитиб, Асадбек асабийлашди. Уни бу сафар жаҳлини қўзғотган нарса — ҳақиқат эди. Чин дўсти йўқлигини унинг ўзи ҳам биларди. Ўзи билган ҳақиқатни бошқа одам тилидан эшлиш малол келди.

— Ўчирасанми, йўқми?! — деди у овозини баландлатиб.

— Бўпти, ўчирсам ўчирдим. Энди сен гапир.

Асадбек унга олайиб қаради. Бир неча дақиқа бурун кўришни истаётган одам энди уни чақирирганига пушаймон бўлди.

— Қетавер, гапим йўқ... кўргим келувди.

— Ўзи келди ёр-ёр, ўзи кетди ёр-ёр... Бизнинг иш шу-да. Гапинг бўлмаса кетдим, оғайнини. — Жалил фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди. Остонага етганида Асадбек уни тўхтатди.

— Қайт, ўтирижойингга, — деди-да, сукутга толди.

Жалил «Қўшнинг ёмон бўлса — кўчиб кутуласан, хотининг ёмон бўлса — қўйиб кутуласан, ошнанг аҳмоқ бўлса — дардингни кимга айтасан?» деб мингирлаганича жойига қайтди. Унинг ўрнидан туриб, кетмоқчи бўлгани шунчаки пўписа эди. Асадбек тўхтатмаган тақдирда ҳам ҳовлига чиқиб, сўнг бир баҳона билан қайтарди. У «ранг кўр, ҳол сўр», деганларидек, ўртоғининг аҳволини билиб турарди, рух азобини унча сезмаса-да, тан азобини салқиган мижжа, қуруқ йўталнинг ўзиданоқ ҳис этарди. Бек акасининг йўқловини билдириган йигитдан «акангнинг кайфияти қандай?» деб сўраганида у жавоб ўрнига бошини сарак-сарак қилиб қўйгандаёқ, кўнгли бир ноҳушликни сезган эди. Агар қоронгуда кириб келмаганида ҳовлидаги инсон қонларини кўрарди. Ана ўшанда ўртоғи билан савол-жавоби бошқача бўларди. У ҳовлига кириб тўхтаган жойида оёғига илинган қонни кўлмакда ҳосил бўлган балчиқ деб ўйлади. Уйга кириб пойафзаллини ечаётганда ҳам қонга кўзи тушмади. Унинг учун бир нарса ойдин — ўртоғининг вужудида хасталик бор. Асадбек дилидаги ярани эса у сезмайди.

Жалил «гапинг бўлса, айт» дегандай ўртоғига тикилиб ўтираверди.

— Тұғри айтдинг, — деди ниҳоят Асадбек, — сасиқ бўлсанг ҳам ўзингдан ўтадигани йўқ... Болаларни кўриб турасанми?

— Қайси болаларни?

— Маҳалладаги... Бахтиёр, Шавкат, Раҳмат, Нусрат...

— Кам кўраман. Ҳамма ўзининг ташвиши билан овора. Бирор бирордан гина қиласидиган замон эмас. Аナンинда Шоқосимни кўрувдим. Белдан олибди. Тўқсон яшар чолдай гажак бўлиб юрибди.

— Футбол ўйнаганимизда зўр эди, а? Эсингдами кўли сингани?

— Эсимда... сен йиқитиб синдирувдинг.

— Мен атай йиқитибманми, оёғим чалишиб кетувди.

— Сенинг оёғинг ҳозиргача ҳам чалишади.

— Бўлди, сасима.

— Хўп, сасимадим. Менга қара, дўхтир танишларинг кўп. Шоқосимни бир қаратсанг-чи? Шу ёшида қийшайиб юриши менга ёқмаяпти.

— Яхши айтдинг. Зўр дўхтирга қаратамиз. Жалил, ошна болаларни би-ир йифмайсанми?

— Сеникигами? Келишмайди.

— Нега?

— Сен улардан ўзингни баланд тутдинг. Улардан ўзинг узоқлашдинг. Биз болаликда қанча эдик, ҳозир нечта қолдик, биласанми? Козим, Раҳим, Туроб, Ҳабиб, Манноп... Биттаси ўттиз бешда кетди, биттаси қирқида кетди... Жанозаларига бормадинг-ку? Сагирларига бир бурда нон бермадинг-ку?

— Ҳа, гапиравер, оғиз ўзингники, тилингнинг сугарги йўқ. Худо ҳеч бўлмаса сенинг тилингни суякли қилиб яратганида қандай яхши эди...

— Сен Худонинг ишига аралашма. Ўзингни бил. Менинг тилимга суяк сўрагунча, ўзингта имон тила.

Бу гапни эшлиб, Асадбек аччиқланди. Ўрнидан бир қўзголиб олиб, ўртогига ўқрайди.

— Нима демоқчисан? Ҳали мен имонсизманми?!

— Бу ёлғиз Худогагина маълум. Лекин билиб қўй: маҳаллага мачит қурдирганинг билан имонли бўлиб қолмайсан. Минигта мачит қурдир-у, ўзингнинг пешнанг саждага тегмаса бир пул.

— Мен мачитни пеш қилганим йўқ сенга.

— Мен ҳам шунчаки айтдим.

Асадбек чиндан ҳам ғазаблана бошлаган эди. Гап талашув шу зайлда давом этса, ўртоғининг кўнглини оғритиб қўйиши мумкинлигини фаҳмлаб, сукут сақлади. Жалил бу сукутни мағлублик аломати деб ўйлаб, ғолибларга хос қараш билан ошнасидан яна сўз кутди.

— Нима қиласан, болаларни йиғасанми? — деди ниҳоят Асадбек, аввалги мавзуга қайтиб.

— Айтдим-ку, сенга... — деди Жалил ўша қайсарлик билан.

— Меникига келмаса, уйингга чақир. Бўлмаса... чойхона бор. Битта ош мендан.

— Ўҳ-ҳў... жуда каттага тушасан-ку, а? Ошнам, ҳамёнинг кўтара олармикин бунча харажатни? — деди Жалил пичинг билан. Асадбек унга бир салчимоқчи бўлди-ю, унинг қувлик билан жилмайганини кўриб, шашти пасайди. «Понани пона билан чиқаради», деганларидаи ўзи ҳам пичинг билан жавоб қайтарди:

— Ҳамёним кўтармаса Жалилбойвачча деган ошнам бор, қараб турмас ахир.

Сұхбат шу зайлда давом этаверди. Дам киноя, дам ғазаб, дам пўписа оҳанглари бир-бирларига илтифот қилиб, сұхбат маромига ҳожалик қилдилар. Жалил кетишга шошилмади. Асадбек эса уни қувмади.

Асадбек сўзни асосий мақсадга буришга қанчалик уринмасин, шу гапга келганида тили айланмай қолаверди. Иўқ, у ошнасига қизи фожиаси ёки бутунги отишмани айтишни ният қилмаган. Унинг мақсади бошқа.

Қизини шармандали ҳолда кўриб, изига қайтаётганида хаёлига «нима учун мени Худо ёмон кўриб қолди?» деган савол урилди. Бу саволни кейинроқ ҳам тез-тез эслади. Элчинни тирик кўрганида ҳам хаёлини шу савол бир ёритиб ўтди. Бу саволга ўзи жавоб топа олмас эди. Жалил келганида ундан сўрамоқчи бўлди. Лекин ўзи билмаган қандайдир куч уни тўхтатди. Сукутга берилган онлари хаёлан Жалилга шу саволни берди. Жалил эса унга:

— Аввал Худо сени яхши кўярмиди? — деб жавоб қиласиди.

— Аввал ҳамма ишларим силлиқ эди. Бошимга бунчалик бало тошлари ёғилмаганди.

— Худо сени синаётган эди. Сен бошқаларнинг бошига оғат тошлари ёғдириб кун кўрдинг. Энди бу

тошларни ўзинг ҳам бир тотиб кўр-чи? «Пичоқни олдин ўзингга ур, оғримаса бировга ур», деган ҳикматни эшитмаганмисан? Сен бу ҳикматга амал қўймадинг. Пичоқни аввал бировларга уриб, лаззатландинг. Энди эса пичоқ этингни сал тилиб кетса,вой-войлаб ўтирибсан...

Асадбек дўсти билан хаёлан шундай баҳс юритиб «Бу одамдан фақат шунақа сассиқ гап оласан» деган қарор билан саволини тилига чиқармади.

Жалил «шундай сўррайиб ўтираверамизми, ул-бу^п олиб чиқай», деб укасиникига йўл олганида унинг изидан яна шу саволни хаёлан бериб кўриб, бу сафар лўндароқ жавоб олди:

— Худо сени нима учун яхши кўриши керак?..

2

Жалил укасиникидан қайтаётганида Чувриндига ўйлиқди. Машинадан тушибоқ хуш кайфият билан кўришган Чувринди эшикни очмоқчи бўлганида Жалил уни тўхтатди:

— Акангта нима бўлди?

— Нима бўлти? Билмасам... Уйга борсам йўқлар, ҳойнаҳой шу ердадирлар, деб келаётганим.

— Шунақами?... — Жалил аччиқланиб «ит ҳам эгасига бунчалик вафодормасдир», деб ўйлади, сўнг Чувриндининг билагидан ушлаб, ўзига қаратди: — менга яхшироқ қара-чи, аҳмоқча ўхшармикинман?

— Ие, Жалилхон ака, нимага ундан дейсиз?

— Мен аканг билан кўча чангитиб юрганимда сен адангнинг белида ҳам йўқ эдинг. Мен оғайнимнинг кўзига қараб, ичиди дарди борлигини биламан. Ҳали сен мени лақиллатмоқчи бўласанми, айт, нима гап ўзи?

— Ўзларидан сўрамадингизми?

— Ўзи дардини айтадиган одамми?

— Сизга айтмаган сирларини менга айтармидилар. Мен ҳам ҳайронман, ўзи. Кеннайим кетганларидан бери кайфиятлари йўқроқ.

— Дўхтирга қаратяпсанми? Йўтали жуда хунук-ку?

— Дўхтир дори берган. Худо хоҳласа яхши бўлиб кетадилар.

Жалил ундан гап ололмаслигини билиб, билагини кўйиб юборди. «Бир гўрсанлар ҳамманг», деб ичкари кирди. Уйга киргач, Чувринди бирон ишора қиласми-

кин, деб кузатди. Асадбек аўёнининг жилмайиб салом беришиданоқ иш яхши битганини фаҳмлади. Ортиқча имо-ишорага ҳожат қолмади. Чувринди аввал уйга ўтгани, сўнг бу ёқса таваккал қилиб келаверганини айтиб, танчанинг бир томонини эгаллаб ўтириди.

Жалил укасиникидан олиб чиқсан дастурхонни ўртага қўиди.

— Жиян ҳозир чой олиб чиқади, — деди у, — укам исменда экан, келинга айтдим, маставага уннади. Бир терласанг, енгил тортасан.

— Бекор овора қилибсан, уйга борақоламиз, — деди Асадбек.

— Тўхта энди, маставани ичиб кет. Жиянларим айтишиди: ҳали шу томонда милтиқ отилганмишми? — Жалил шундай деб икковига синовчан боқди.

— Агар сенинг жиянларинг эшитишган бўлса отилгандир. Сенга-ю, уругларингта Худо жағ билан қулоқни икки нормадан қилиб берган. Милтиқ овозини эшитишган бўлса... битта-яримта қарға отгандир.

— Гапинг тўғри, — деди Жалил, — ҳозир гўшт қиммат, қарғани отиб, қозонга босгандир. Ўзи азалдан шу маҳаллада қарға отиб тирикчилик қилишади. Ўзинг ҳам қарға гўшти еб катта бўлгансан, эсингдами?

Чувринди икки ошнанинг бу илмоқли гапларидан кулди.

— Гапга ҳам тўн кийғизворасиз-да, аммо ака, — деди Жалилга, — Эскироқ мосина ўтган бўлса, пакиллагандир.

— Ҳа... мен ҳам шунаقا дедим уларга. Милтиқпилтиқ деган гапларни йиғиштирларинг, сенларга шунаقا туолган, дедим.

Шу гапдан сўнг Асадбек Чувриндига маъноли қараб қўиди. Жалил бу қараашда бир сир яшириганини сезиб, бу ҳақда сўз очиб хато қилганини фаҳмлади.

Чувринди келгунига қадар болаликнинг масъуд дамларига қайтиб, кўнгил губори кўтарилаётган Асадбек яна бугунги куннинг заҳарли ҳавосидан нафас ола бошлади. Гўё Чувринди билан бирга бу хонага куннинг изғирили ташвишлари ҳам қайтгандай бўлди. Тўп тепиб, қийқириб юришлар, ўртоғининг кўли сингани, кўкраги ёнғоқдай бўлиб қолган ҳуркак қизларга тегажоқлик қилишлар... ҳаммаси изига қайтмас ўқ каби учиб ўтиб кетгани яна бир карра таъкидланди гўё. Учинчи одам орага қўшилгач, икки ўртоқнинг сурур

булоғидан сув ичаётган сұхбати лойқаланды. Чувринди индамай ўтиргани билан улар губорсиз болалик уммонаңда эркин суза олмас әдилар. Сұхбат мавзуи ўзи истамаган сүқмоқтарға бурилавергач, Асадбек сиқила бошлади. Үндаги ўзгаришни сезган Жалил «Қарай-чи, мастава пишдимикин?» деб ўрнидан турди. У чиқиб кетиши билан Чувринди Элчинни қай ақвонда касалхонага элттанини маълум қылды.

— Уйга дўхтири чақира қолмабсан-да, — деди Асадбек норози оҳангда

— Шунақа қымоқчийдим... лекин... Зайнаб...

— Нима бўлди? — деди Асадбек хавотир билан.

— Дорининг хумори тутган шекишли. Сал нотинчроқ эди. Ҳозир шу келишимда хабар олдим. Инқилаб ётибди. Ёлғиз қолмасин, деб келинингизга одам юбордим. Икки-уч кун ёнида туради. Хумордан кутулгунча қийналади. Балки...

— Нима демоқчисан, айтавер.

— Балки касалхонада даволатсакмикин?

— Калланг жойидами?! Бошми бу ёки томоша қовоқми? Ким у, биласанми? Асадбекнинг қизими ё кўчада ит ҳам, бит ҳам тепиб ўтадиган одамми? Бир марта касалхонага ётқизганинг камлик қилдими?

— Мен билиб ўтирибманми?..

— Билишинг керак эди. Оғзингга пашша ўтириб кетса ҳам лаллайиб ётавер, «билибманми...» деб.

Жалил қайтиб киргунига қадар ҳам Асадбекнинг ғазаб ўқлари тугамади. Чувринди эса эртакдаги баҳодирлардай кўкрагини бу ўқларга тутиб, чидам билан тураверди.

Мастава шўр туюлиб, Асадбек уч-тўрт қошиқдан ортиқ ичолмади. Чувринди эса иримига лаб теккизисиб қўйди. Жалил уларга эътибор бермай маставани хўриллатиб ичиб, косани бўшатди.

— Энди уйга борамиз, — деди Асадбек, лабини сочиқча артаётган ўртоғига қараб.

— Ҳамма уй-уйигами? — деб аниқлаштириди Жалил.

— Йўқ, сен меникига борасан. Гаплашиб ётамиз.

— Боринг, акахон, — деб ҳожасини кувватлади Чувринди, — бир кун минг кун бўлармиди, би-ир отамлашиб ётасизлар.

— Борсам боравераман-да, уйда эмизикли болам қолиб кетармиди, — Жалил шундай деб косаларни

йифиширди-да, ташқарига йўл олди. Асадбек ҳам ўрнидан туриб ҳовлига чиқди.

— Одамларингга тайинла. Пашиб ҳам учеб ўтмасин бу ҳовлига. Кун ёришганда қон теккан ерни қириб ташлашсин. Жалилнинг гапларини эшитдинг-а, иси чиқмасин.

— Болаларни?..

— Уларга тега кўрма. Лекин шу атрофдагиларнинг оғзи маҳкам бўлиши керак. Нима қилиш кераклигини ўйлаб кўр.

«Ўйлаб кўр», дейиш осон. Аммо ўйлаб, энг маъқул ўйлни топишнинг ўзи бўларми экан? «Иккита, учта ўқ овози бўлса эди, эшитганлар унга эътибор беришмаса, — деб ўйлади Чувринди. — Ўликка шунча ўқ узиш шартмиди?..»

Шарт эмас эди. Бу Асадбекка ҳам маълум нарса. Аммо ўшандা унга ҳокимлик қилган ғойиб кучи шунга мажбур этди. Чувриндининг бу ҳолни ҳис қилиши мушкул.

Айни чоғда оғир туюлган бу масаланинг ечимини Чувринди тонгда топди. Ҳосилбойваччанинг йигитлари билан бўлган учрашувдан кейин Ҳалимжон Чувриндининг топшириғига кўра терговчи қиёфасида қўни-қўшниларникига бир-бир кириб чиқди. Ажойиботни қарангки, уларнинг биронтаси ҳам ўқ овозини эшитишмабди. Ҳатто Жалилнинг жиянлари ҳам «Ўқ овозини эшитдингларми?» деган саволга «Қанақа ўқ?» деганларича безрайиб тураверишли.

Бу манзара эртанинг иши. Бу кеч эса Асадбек топшириқни бериб машинага ўтириди. Чувринди икки ошнани кузатгач, уйига қайтишга отланди. Йўл-йўлакай яна Зайнабдан хабар олди. Хотини етиб келган, ўқчиётган Зайнабга чой тутиб, «ичинг, айланай, терласангиз ўтиб кетади», деб зўрлаётган эди.

— Қанақа чой беряпсан? — деб сўради Чувринди, остона оғзида тўхтаб.

— Кўк, — деди хотини.

— Фамил дамла. Роса аччиқ бўлсин.

Шундай деб яна бир оз тургач, изига қайтди.

3

Тонг ғалати манзара билан отди.

Машриқдаги булутларнинг четлари қонталаш,

аммо бағри қора эди. Кечаси бир сидра ёғиб, ер юзасини омонат қоллаган қор эса бағрига сукунатни сингдирған. Серқатнов күчалардаги қор машина филдиректер остида эзилиб, әриб кетгач, сукунат ҳам чекинди. Шовқин Асадбек яшайдын маҳаллага ҳам етиб келди.

Ярим тунга қадар гурунглашған икки ошна ҳали уйқуда — тонг манзарасини күришдан бебаҳра эдилар. Жалил уйқу ҳукмiga бўйсуниб бомдод намозини ҳам бой берди. Ташқарида ғовур-ғувур товушлар қулоғига кирған Асадбек кўзларини ярим очганича бошини кўтарди. Овозларга қулоқ тутди. Сўнг эринибгина ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди. Муздек тоза ҳаво тўғри ўпкасига урилиб, йўтали қўзиди. Йўтал овозини эшитган дарвозаҳонадаги чоллар ҳам, уларнинг йўлини тўсиб турган йигит ҳам уй томонга қарадилар.

— Нима гап? — деди Асадбек, йўтали тингач.

— Гаплари бормиш, — деди йигит айбдор одамнинг овози билан. Сўнг ўзини оқлаш мақсадида изоҳ берди: — Ухляяптилар десам ҳам кўнишмаяпти.

— Бек иним, икки оғиз гапимиз бор, айтамизу кетамиз. Сизни учратишимиз осонми, бу тўртингчи келишимиз, ҳайрият, уйда экансиз, — деди чоллардан бири.

— Кираверинглар, мен ҳозир, — Асадбек шундай деб ювенишга ўтди. Йигит «уйга киринглар», деса ҳам чоллар айвонда, тик турган ҳолда кутишди. Асадбек ювениб чиқиб, улар билан кўришгач, уйга таклиф қилди. Чақирилмаган меҳмонлар бу лутфни қайсарлик билан қабул этмадилар.

— Бек иним, биздан ранжиманг, бомдоддан чиқиб келавердик. Сизнинг ишингиз кўп, биламиз, кундузи учратишимиз қийин. Бир масалани ҳал этиб бермасангиз бўлмай қолди-ёв, — деди дастлаб узр сўраган қария.

— Қанақа масала?

— Мачит битай деб қолди, Оллоҳ сиздан рози бўлсин. Бунақа серфайз мачит бу атрофда бошқа йўқдиров... Аммо-лекигин... мачитда ит боғлоқлик турса ёмон бўлар экан. Шу итни йўқотиб беринг, жон иним.

— Ит? Қанақа ит? — деб ажабланди Асадбек.

— Ит деганимки... — қария қўполроқ галириб юборганидан хижолат тортиб, соқолини тутамлаганича изоҳ берди: — мутаваллимиз Абдукаримни айтаман...

— Ҳа, Қўсамуллами? Яна қанақа хунар кўрсатди?
Танобини тортиб кўйувдим-ку?

— Қўсамуллангизнинг ҳунари кўп, Бек иним.
Унинг аввал ким бўлгани ўзингизга маълумдир? Ҳозир
тамоман мачитнинг ҳўжаси бўлиб олди. Кексани кек-
са демайди, ёшни ёш демайди. Ҳоҳлаганини уради,
хоҳлаганини сўқади. Қилаётган ишинг мусулмончи-
ликка тўғри келмайди, деб айтсан қулогига илмайди.

— Қулогига гап кирмаса орқасига боплаб теп-
майсизларми?

— Тепишга тепардигу, аммо-лекигин бир нима де-
сак «мачитни менга Бек акам топшириб қўйганлар»
деб дағдаға қиласди.

— Бекорларни айтибди. Мачит сизларники. Ле-
кин... ёзда ҳам шунақа гап чиққанида четлаштирув-
дим, а? Қурилиш ишларини қиласидиган бошқа одам
топмадинглар. Бақириб-сўкса ҳам ишни юритиб ту-
рувди. Яна ўйлаб кўринглар. Мутаваллиликни олсалা-
ринг олинглар. Унга бошқа иш беринглар. Майли,
сўфилик қилсин, овози ўткир-ку?

— Ҳай-ҳай, асти ундан демандиг. Агар у сўфи бўлса-
ми... — қария қулимсиради, — у аzon айтишни бошласа
дунёдаги бор эшакларнинг бари ҳанграб юборар...

— Унда билганингларни қиласеринглар.

— Бек иним, яна чоллар гийбатчи экан, деб ўйла-
манг. Мачитда юрадиган одам покизароқ бўлиши ке-
рак-да. Бу Қўсамуллангиз битта рост гапга тўқсон тўқ-
қиз ёлғонни қўшиб турса... Ёлғоннинг гуноҳи жуда
катта экан. Агар бу Қўсамуллангиз оғзиға пилик тутиб
ёқиб қўйилса, то қиёматга қадар ўчмас-ов... Бек иним,
Қўсамуллангизни ўзингиз чақириб, мутаваллиликни
топшир деб кўйинг.

— Ҳўп, — деди Асадбек энсаси қотганини яшир-
май. — Мачитга қадам босмаса, ҳисобми?

— Йў-ўқ, мачитга келиб ибодатини қиласерсин,
фақат...

— Бўпти, гаплашиб қўяман, — Асадбек беодоблик
бўлса-да, шарт бурилиб, уйига кириб кетди.

Чоллар унинг ранжиганини англаб, бош чайқа-
дилар-у кўча томон юрдилар. Дарвозахонага етганла-
рида «чақириб қолармикин», деган илинжда орқала-
рига қараб олдилар. Уй томондан садо бўлмагач,
тарвузи қўлтиғидан тушган одам кепатасида кўчага
чиқдилар.

Улар дарвозадан узоқлашмай туриб Чувриндининг машинаси келиб тұхтади. Чувринди уларга бир қараб олиб, дарвоза остоңасида турған йигитдан «Ха, тинчликми, нимага келишиби?» деб сүради.

— Билмасам, мутавалли деган одамдан шикоят қилишиди шекилли.

— Шу етмай турувди, — деди Чувринди мингирилаб. — Кім ивирсіб келса, ичкарига құяверасанми?

— Кирамиз, деб ғалва қилиб туриб олишиди. Кейин Бек акам «кираверишсін», дедилар.

— Нонушта тайёрладиларингми? Ҳамшира келиб кетдими?

— Йўқ. Мошина юборғанман. Ҳозир келиб қолади.

Нонушта тайёр бўлгунича ҳамшира келиб, эмлаб кетди. Нонуштадан сўнг Жалил ташрифи учун ажратилган вақтнинг якунига етганини англаб дуо ўқидида, ўрнидан турди. Асадбек «яна бирпас ўтири», деб лутф қилмай, уни кузатгани қўзғалди. Ҳожасининг ўрнига Чувринди манзират қилди:

— Акахон, доим шошиб турасиз-а, гурунглашиб ўтирувдик-да...

— Мен ишлайдиган одамман. Ишласам менга бир бурда нон беришади, ишламасам, йўқ. Болаларимнинг ризқини ҳалол топаман. Сенларга ўхшаган бекорчи бўлганимда биксиб ётаверардим.

Манзиратига жавобан «ширингина» гап эшитган Чувринди ҳожасига қараб, бош чайқаб қўйди.

— Йигитларга айт, олиб бориб қўйишишин.

— Онам мени мошинада түғмаганлар, автобусда кетавераман, — деди Жалил.

— Акахон, машина тайёр-а, — деди Чувринди.

— Кўй, ука, мен мошинага ўрганмаган одамман. У сенлар, ҳожатхонага ҳам мошинада борадиган.

Жалил шундай деб турганида дарвозахонада Кесакполвон кўринди. Жалилга кўзи тушиши билан чехраси ёришди. Соғинганининг дийдорига етишган баҳти одам каби қулочини кенг ёйиб келиб, Жалилни қуҷоқлади. Туни билан ичилган ароқнинг сассиқ ҳиди димогига урилгани ҳамон Жалил афтини буриштириб, Кесакполвонни нари итарди:

— Чўчқаҳонада ётганмисан, нима бало?

— Ў, акагинам, ирганманг биздан, — деди Кесакполвон Жалилнинг гапини ҳазил ўрнида қабул қилиб.

— Ирганаётганим йўқ. Сендан таралаётган ҳид ўн-

та чүчқаҳонага асқотади. Сен ювиқсиз билан кўришган одамнинг охирати ҳам куйиб кетади.

— Сал пастроқ тушиңг, акагинам, — деди Кесакполвон қийқириб кулиб, — жа оширвордингиз, одамлар этагимда намоз ўқийман, деб навбат кутиб туришибди-я...

— Ол-а, — деди Жалил, энсаси қотиб. — Сенинг этагингда намоз ўқишга шайтон ҳам ҳазар қилар. Киймингни итга ташла-чи, устига чиқиб ёзилармикин?

— Бўлди, акагинам. Шу гап билан ўлдириб қўя қолдингиз, — Кесакполвон шундай деб яна қучоқла-моқчи эди, Жалил тисланиб, уни ўзига яқинлашти-мади. Кесакполвон буни ҳам ҳазил ўрнида қабул қилиб, хоҳолаб кулганича деди: — Сизда зарур гапим бор. Кечқурун уйингизга бораман.

— Шунақа аҳволда ювиқсиз борсанг уйга киритмайман, яна дод деб юрма.

Жалил шундай деб кўча томон юрди. Кесакполвоннинг кўзи Асадбекнинг қаҳрли нигоҳи билан тўқ-нашиб, сергак тортди.

— Шунақа бўлиб юргандан кўра ўлганинг яхшироқ эмасми? — деди Асадбек қаҳр билан. — Бир марта майшатдан қолсанг, миянгга уриб кетармиди?

— Жаҳлинг чиқмасин. Ўзимча майшат қилганим йўқ. Филайдан гап олишим керак эдими?

— Хўш, нима гап олдинг?

— Ҳали тайинли бир нима демади. Лекин биз томонга бутунлай оғди — гап йўқ! Мен уни одам қила-ман.

— Сен унга яқинлашмай тур. У билан Маҳмуд ишлайди.

Асадбекнинг бу гали Кесакполвон учун кутилмаган тарсакидай бўлди. Шу сабабли «хато эшийтдимми ё ҳазиллашяптими?» дегандай унга қараб қолди.

— Нимага бақрайяпсан? — деди Асадбек уйи томон юриб.

— Кечаги гап бошиқа эди-ку? Нима учун энди уни Маҳмудга оширяпсан? — деди Кесакполвон зардали овозда. Чувринди уларнинг тортишувига аралашмаслик учун ўзини четроқقا олди.

— Вақти келса биласан, — деди Асадбек орқасидан эргашиб келаётган Кесакполвонга қарамай. Уйга кириб ўтиргандан кейин Кесакполвоннинг савол назари

билан тикилиб турганини кўриб, юмшоқроқ тарзда изоҳ берди: — Маҳмуд балки у билан бирга Масковга бориб келар.

— Мен олиб борсам-чи?

— Сен аввал ўрисча гапиришни ўрган. «Твоё-моё»дан нарига ўтолмайсан.

— Масковда нима қиласди?

— Вақти келганда биласан.

— Нима учун мен ҳамма нарсани охирида билишм керак. Энди мен итнинг кейинги оёғи бўлиб қолдимми? Менга ишонмаётган бўлсанг айт. Хоҳласанг орқамга бир тепиб, кўчага ҳайдаб чиқар. Финг деган номард!

— Сасима... Филай қаерда?

— Машинада. Кирсинми?

— Йўқ! У ифлоснинг оёғи останамга теккан куни хотини йириб осиб қўяман, билдингми? Сен бошлаб кирсанг, сени ҳам аямайман.

Фазаб билан айтилган бу таҳдиднинг замирида чинакам зулм мавжудлигини Кесакполвон сезди. Аммо унга бир нарса қоронгу эди. Ҳосилбойваччани нима учун ўлдирди-ю, лайчасига ҳёт инъом этгани ҳолда энди бу қадар нафратланяпти? Асадбекнинг Ҳосилбойваччани ёқтираслиги Кесакполвонга маълум эди. Лекин уни ўлдириш учун шунинг ўзи сабаб бўлолмаслигини ҳам биларди. Чунки Асадбек кўп одамларни ёқтирамайди. Лекин шу пайтгача ёқтирамаган одамларидан биронтасини ўзи ўлдирмаган эди. Кесакполвон майшат баҳонасида чиндан ҳам Филайдан гап олмоқчи эди. Филай ҳожасининг ўлими сабабини билмасмиди ё ўзини меровликка солдими, ҳархолда тайинли гап айтмади.

Чувринди кириб, хонтахтанинг пойгак томонига ўтирди.

— Бек, сен ҳаммамизга хўжайинсан. Шу пайтгача ақлим етганича маслаҳат берганимда хоҳлаганингни олиб, хоҳламаганингни нари отдинг. Мен гинг демадим. Маслаҳатимга кулоқ согтанингда ҳеч ёмон бўлдингми? Ҳозир жаҳлинг чиқиб турган бўлса ҳам айтай: Филайни Маҳмуд эплай олмайди. Филайни ҳам, шотирларини ҳам биламан. Улар бизнинг йигитларга ўхшашмайди.

— Бўлди, чўзилма. Одамларни қаерга йиғасан?

— «Ялта»га. Ҳозир ўша ер тинч.

— Ҳаммаси келадими?

— Филай тайинлаган.

— Маҳмуд, сен боғни ўраб оласан. Ишқал чиқса биттаси ҳам тирик қолмаслиги керак. Ҳайдар, сен Филайни боққа олиб бор. Ҳамма тўпланганидан кейин менга хабар берасанлар.

— Ўзимиз гаплашиб қўяқолсак-чи? Сенинг боришинг шартми?

— Шарт! Чикаверларинг.

Аъёнлар ўринларидан қўзғалишди. Чувринди осто-нага еттанида Асадбек уни ҷақирди:

— Маҳмуд, тўхта, гап бор.

Кесакполвон «Яна яширин гапми?» деб ғашланиб, ташқарига чиқди.

— Зайнабдан хабар олмадингми? — деб сўради Асадбек ёлғиз қолишгач.

— Ҳозир кириб келдим. Келинингиз қарайпти. Ке-чагидан анча тузукка ўҳшайди. Касалхонадан телефон қилишибди, кечқурун милисадан келиб кетишибди.

— Зайнаб... билдими?

— Ҳа, билибди. Яхши бўлиб турса, келинингиз билан бирга касалхонага бориб келишади.

— Яхши... борсин... Маҳмуд, агар ишқал бўлиб ҳаммасини отадиган бўлсанг ҳам Филай тирик қолсин.

— Нега?

— У керак бўлади... Хонгирейни кўрганинг эсинг-дами? Ҳосилнинг суянган тоғи ўша эди. Шунинг учун ҳам олифтагарчилиги осмонда эди. Улар нимани келишишган, билмайман. Ҳарҳолда Хонгирей тинч турмас. Фимирлаб қолса, тинчтиш учун Филай керак бўлади. Қараб турасан, уч-тўрт кундан кейин Хонгирей Ҳосилни суриштириб қолади. Ҳосил мени янчидан ташламоқчи бўлганини унга айтган бўлиши керак. Шунинг учун Хонгирей биринчи навбатда мендан хавфсирайди. Филай — асосий гувоҳ. У нима деса шу бўлади. Филай биз хоҳлаган гапни айтади. Боғдаги иш охирига этиши билан уни олиб кетасан. Иси чиқмайдиган ерга яширасан. Ҳатто Ҳайдар аканг ҳам билмасин. Энди боравер, сергак бўл.

Кесакполвон бу ерни бекорга танламаган эди. Бир томони ўзи айтганда, тинч бўлса, иккинчи томони — Асадбекнинг болалиги, ёшлиги хотираларига боғлиқлиги эди. Асадбек бу овлоқ боғда кечалари фонус ёқиб қўйиб, роса ошиқ тепган. Кейинчалик, қиморни ташлаб, «қозилик» мартабасига ўтиргач, кўп баҳсли масалалар шу ерда ҳал қилинган эди. Боғдаги қуриган, қурий бошлаган дараҳтлар қанчадан-қанча одамларнинг нолаларига гувоҳ бўлган...

Ўзларича Сталин, Рузвелт, Черчилл учрашувларига қиёс қилиб, даъвогарларни «Ялта конференцияси»га таклиф қилишар эди. Ана шундан бери бу Урмонбог ўзининг асл номини йўқотиб, «Ялта» деб юргизиладиган бўлган эди.

Асадбек «Ялта»га кўп йиллардан бери келмаган эди. Бирон бир давра билан ораларида тушунмовчилик юз берса бაъзан Кесакполвон, кўпроқ ҳолларда эса Чувринди келиб, масалани ҳал қилиб кетаверарди.

Асадбек машинадан тушишга улгурмасидан уни Чувринди қарши олди.

— Ҳаммаёқ тинч, — деди у ҳисоб бериб. — Қуролларини беришди.

— Сапчишмадими?

— Йўқ. Ҳозирча ювошгина туришибди.

— Ҳаммаси йигилдими?

— Тўртгаси Красноярда экан.

Асадбек Хонгирейнинг гапларини эслаб, «Хойна-ҳой Козловга кетишгандир», деб ўйлади-да, фикрини тасдиқ этмоқ учун сўради:

— Нимага кетишибди? Филай айтмадими?

— Филай билмасмиш. Ҳосил уларни уйга олиб кириб, бир соатча нималарнидир тушунтирибди. Филайнинг билгани шу.

— Қачон келишаркан?

— Ё эрта, ё индин.

— Ўзинг кутиб ол. Бирор билан учрашишларига йўл қўйма, — у шундай деб бир-икки қадам юрди-да, тўхтаб буюрди: — Красноярга одам юборсанмикин? Агар Козловга ёпишишган бўлса, цистернанинг ишқали чиқмасин.

Қишида ит уриштириладиган яйдоқ майдончада Ҳосилбойваччанинг йигитлари тўпланиб туришарди. Уларнинг аксари ҳали ўттизни қораламаган, буюрлса олов денгизи бўйлаб ялангоёқ югуришдан тоймайдиган

йигитлар эди. Улар ажал тунидай хунук ва щум, тундан қора ва зулмкор эдилар. Ҳаммалари худди оловдай, аммо тутун каби кеккайиб, күм-күк осмонга бош тортишни одат қилиб эдилар.

Кесакполвон Филай билан четроқда турарди. У Асадбекнинг Чувринди билан ёнма-ён келаёттанини кўриб бир фижинди-ю, истар-истамай унга пешвоз чиқди. Филай янги ҳожасига эргашишни ҳам, эргаш-маслигини ҳам билмай, жойида қотди.

Асадбек Филайга кўзи тушиши ҳамон тўхтади. У қизининг шармандали ҳолда суратга олинишида Филайнинг ҳам иштироки бор, деб ҳисобларди. Шу боис аввалига ҳожасига қўшиб уни ҳам ўлдиришни истаган эди. Лекин Хонгирейга бориб тақаладиган масалани ечишда ёрдами зарур бўлишини инобатга олиб, Филайнинг умрини бир оз «чўзи». «Ҳосилбойваччани ўрган одамлари ушлаб кетгани»га Хонгирейни ишонтириши билан Филайга ҳожат қолмайди. Лекин унга қадар... Вақти-вақти билан Филайни кўриб туришга мажбур. Уни ҳар кўрганида қизининг шармандали ҳолати кўзи олдига келиб эзилаверади, эзилаверади... Бошқа чора йўқ.

Тўпланиб турган йигитлар Асадбекни кўришгач, ўзга давлат бошлигини шарафлашга ҳозирлангандай беихтиёр равищда саф тортищи.

Аслида ҳам шундай эди. Агар таъбир жоиз бўлса, Асадбек шайтанат оламидаги «ўзга давлат» раҳбари, йигитлар эса «мағлуб мамлакат»нинг фуқаролари эдилар. Мозий тилига кўчирилса, улар — қўмондонидан ажралган асиirlар эдилар. Асиirlарнинг тақдирини эса ҳамиша голиб амирлар ҳал этганлар. Агар амирнинг кўнглига Яратган озгина инсоф, раҳм-шафқат солса, уларнинг молу жони омонда, йўқ эса талонда бўлганлари сир эмасдир. Алҳол, агар Асадбек ақлига, қалбига зулм эгалик қўлсами, чақмоқдай ёниб турган бир тўп йигит дақиқанинг ўзида бир тўп кулга, аниқроғи бир тўп мурдага айланишлари мумкин эди. Атрофни ўраб турган йигитларга биргина имо кифоя: биқиниларига тирадиб турган тўппончалар чиқарилади-ю, тепкилар босилади. Айримлар «Оҳ!» дейишга ҳам улгуrolмай қолишиади. Сўнг... мурдалар машиналарга ортилади-ю, изсиз йўқотилади. Сўнг... бедарак кетганларнинг сони кўпаяди. Сўнг... кимдир ўғлига, кимдир эрига, кимдир акаси ёки уласига аза очишни

ҳам, умид билан кутишни ҳам билмай йилларни ар-
монда ўтказади...

Йўқ, ундаи бўлмади. Гарчи Асадбекнинг оёқлари
уни зулм сари етаклаган бўлса-да, инсон қони тўкил-
мади.

Асадбек йигирма қадамча берида тўхтаб, йигитлар-
ни кузатди. Аъёнлари унинг ёнида тек турганларича
худди чуҳралардай атрофга олазарак қараашарди. Асад-
бек Ҳосилбойваччанинг йигитларига қараб, уларда бе-
саранжомлик бор ёки йўқ эканини аниқламоқчи эди.
У томоннинг хотиржам турганини кўриб, аста юра
бошлади. Аъёнлари эргашган эди, орқасига ўтирилиб,
буюрди:

— Ҳайдар, Филайнинг ёнида тур. Маҳмуд, сен сал
орқароқда юр.

Асадбек йигитлардан икки қадам берида тўхтади.
Ана шу икки қадам оралиғидаги масофага сукунат су-
кулиб кириб ҳукмронлик ўрнатди. Кўзлар кўзларга
тўқнашган ҳолда қотди. Аммо сукунатнинг ҳукмрон-
лиги узоққа чўзилмади. Йигитларнинг чапдастроғи
«Ассалому алайкум, Бек ака», деди-ю, қўлини кўксига
кўйганича унга пешвоз чиқди. Бошқалар ўйлаб ҳам
ўтирамай, унга эргашишди. Уларнинг аксари янги ҳо-
жалари билан кўшкўллаб кўришишди. Мана шу ман-
заранинг ўзиёқ «икки давлат» ўртасида ғолибнинг
фойдасига битим имзоланганидан далолат эди. Асад-
бек улар билан кўришиб бўлгач, «иш кўнгилдагидай
битди», деган хаёлда орқасига қайтмоқни ҳам ўйлади.
Бу йигитлар ўз ҳожалари учун жон олишлари мумкин,
аммо жон беришни истамайдиган тоифадан эди. Кеча
оқшомда ҳожаларининг Асадбек уйига кириб кетгани-
ча қайтиб чиқмаганини улар билишарди. Кичик ҳожа-
ларининг бу ҳолда туришининг ўзиёқ уларга чорасиз
эканликларини, икки йўлдан бирини танламоқликла-
ри зарурлигини англатарди. Асадбек келмасидан илга-
риёқ, улар кичик ҳожалари йўлини танлашган, ғолиб-
лар қаршисида бичилган юввош қул либосига ўралган
эдилар. Агар Асадбек кўринганида бирор «Тиз чўкли-
нинг!» деб бўйруқ берсами эди, шубҳасиз тиз чўкарди-
лар, бўйруқ бўлса сажда қилишдан-да қайтмаган бў-
лардилар.

Асадбек улар орасида саросимани, норозиликни,
ҳатто қаршиликни кутган эди. Йигитларнинг мутелик
билин кўришишлари унинг учун кутилмаган ҳол бўл-

ди. «Агар Ҳосил менинг йигитларим ҳам унга шундай пойи-патақ бўлишармиди?» деган хаёл кўнглини ғаш қилиб ўтди.

Кўришув маросими тугагач, йигитлар Асадбекнинг атрофида ярим доира ясадилар. Тобелик аломати яқ-қол сезилиб турса-да, Чувринди эҳтиётни шарт деб билиб унга яқинлашди. Унг қўли жигарранг чарм плаш чўнтағидаги тўппонча дастасини маҳкам сиқди.

Ҳосил менинг энг қадрдан укахонларимдан, буни биласанлар, а? — деди Асадбек вазминлик билан. — Кеча у уйимга келиб бир илтимос қилди: узоқдаги бир жойда битадиган зарур иши бор экан. Ўзи бормаса иши битмас экан. У ёқда бир ой юрадими, икки ойми — Худо билади. «Замон нозик, болаларга кўз-кулоқ бўлиб туринг», деб илтимос қилди. Сизларга шу хабарни ўзим етказиб кўяй деб тўпладим. Ҳосилнинг кеттанини сиз билан мендан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак. Бирор сўраса тушунтириб ҳам ўтируманг. «Билмайман», денг — тамом! Кимнинг гапи бўлса, менга рўпара қилинг. Ҳосил келгунича, мана, Маҳмуджон акаларинг нима деса, шунга бўйсунасанлар.

Бу гапларни эшита туриб Кесакполвон бетоқатланди.

— Билиб қўй, — деди у Филайнинг биқинига тирсаги билан аста туртиб, — энг муҳими — ўшандан эҳтиёт бўл. Сен ўладиган бўлсанг ҳам шунинг қўлида ўласан.

— Пацан-ку бу, бўш келиш йўқ, — деди Филай менсиммаган тарзда.

— Ақлинг бўлса, шу мишиқилардан кўрқ. Қовоқ калласига нима келса шуни қиласди.

Филай «сенники маъқул» дегандай бош иргаб қўйди.

Асадбек гапини охирига етказа олмади — йўтали тутди. Чувринди илдам равишда унинг ёнига келиб, гапини давом эттириди:

— Ўйлаб кўрларинг: сенларни зўрлаш йўқ. Ҳосил келгунича бирга ишлаймиз, десаларинг, гап йўқ. Кўнгасаларинг, яна ўзларинг биласанлар. Лекигин тухум босиб ўтирасанлар, писта қилиб юрасанлар. Фиринг-пиринг деган гап чиқарсаларинг тухумларингни қуритаман.

— Эшитдингми? — деди Кесакполвон яна Филайнинг туртиб, — Ҳосил келгунича бирга ишлайсанлар. Кейин Ҳосил келиб, ўзи билан олиб кетади.

Филай «пацаннинг ўзини асфаласофилинга жўнатмай тагин!», демоқчи бўлди-ю, тилини тийди. Ҳархолда булар орасидаги муносабатни яхши билмайди. Ораларида совуқлик мавжуд дегани — бир-бирларига душман, деган гап эмас. Бугун бундай деб тўнгиллаб, эртага туғишгандан зиёда равишда апоқ-чапоқ бўлиб юрадиганлар камми дунёда?

— Кани, ўйладиларингми, нима дейсанлар? — Чувринди йигитлардан жавоб кутиб, уларга бир-бир қаради.

— Юр, — деди Кесакполвон Филайга, — бир нарса деб кўй.

Филай унга эргашиб, тўдага яқинлашди-да, Чувриндига қўл узатди:

— Гап йўқ, оқаҳон, — деди жилмайишга ҳаракат қилиб. — Акам «Бек акаларинг билан бирга туринглар», деганлар. Бошқача гап бўлиши мумкин эмас. Тўғрими? — у шундай деб йигитларига қаради.

— Гап йўқ, — деди Асадбек билан биринчи кўришган йигит. — Бошқалар ҳам тасдиқ ишорасини қилиб, Чувринди билан кўришиб чиқишиди.

— Энди шошмаларинг, битта-битта гаплашаман, — деди Чувринди «битим имзолаш» маросими якунлангач. Асадбек бўлажак суҳбатда иштирок этви шарт бўлмагани учун изига қайтди. Кесакполвонга «Юр» ҳам демади, «Сен қол», ҳам демади. Кесакполвон бундан ўзича хулоса чиқариб, Чувриндининг ёнида қолди. Натижада «бирга-бир» суҳбатлашиш фикри амалга ошмади, суҳбат «учга-бир» тарзида бўлиб ўтди. Чувринди ҳар йигитнинг зиммасидаги вазифасини сўраб билди. Ошиқча сўз айтмади. Кўрсатма ҳам бермади. Кесакполвоннинг эса бу суҳбатдан кўнгли тўлмади. Ўзига зарур сир ололмади.

«Томонлар орасидаги музокара» якун топгач, Чувринди Асадбекнинг топшириғига кўра Филайга «Мен билан юрасан», деди. Филай бу амрга бўйсунмагандай Кесакполвонга қараган эди, у «Боравер, сени ўзим топаман», деган маънода имлаб кўйди.

Ҳамма тарқаганидан кейин ҳам Кесакполвон «Ялта»да бир оз турди. Бўлиб ўтган воқеаларни у яна фикр тарозуси паллаларига кўйди. Бузук тарозида нарса юз тортилсин, минг тортилсин — бир хил рақамни кўрсатиб тургани каби унинг ақл тарозуси ҳам ягона фикрни таъкид этарди: Асадбек билан Чувриндининг ҳаракат-

ларида ўзига қарши ҳолатни күрарди. «Хокимият» узилесил Чувринди құлиға ўтиб, ўзи четлатилгандай, ҳоқимлик мартабаси эмас, мулозимлик балчиғи томон пасаяётгандай туюларди.

«Осоның билан жон берадиган ахмоқ йүк!»

Кесакполвон шу қатый қарор билан изига қайтмоқчы бўлиб шарт бурилди-ю, икки-уч қадам қўйгач, катта ит етаклаб келаётган йигитни кўриб, секинлашди. Кечаси бир сидра қор ёғиб ўтган бўлса-да, ҳали қишининг ҳукм ўтказишига фурсат бор, демак, ит уруштириш мавсумига ҳали сал эртароқ эди. Бўрибосарнинг катталигидан эгаси қайиш ёки арқонга эмас, занжирга боғлади. Йигит майдон ўртасидан келаётган Кесакполвонни сал четлаб:

— Ака, сал эҳтиёт бўлинг, одамга ташлаб қоладиган одати бор, — деди узрли оҳангда.

— Роза етказибсан-ку, а? — деди Кесакполвон итта тикилиб.

— Кўз тегмасин, деб қўйинг, ака, — деди йигит.

— Ҳа, ҳа, кўз тегмасин. Ҳали ёшга ўхшайди, а? Бу йил биринчи марта қўясанми?

— Бултур икки марта қўйганман.

— Ютганмиди?

— Йўқ, жуда ёш эди.

— Ҳозир зўри кимники?

— Аҳмадбой акамники. Чемпион-да.

— Бултурги гапми бу?

— Бу йил ҳам зўр. Утган оддих қўйиши.

— Вақтли бошлабсанларми бу йил?

— Одамлар соғиниб қолишиган-да.

— Бугун қўймоқчимисан?

— Маслаҳатга қарайман.

Кесакполвон йигит билан гаплашиб турганда Ҳосилбойваччанинг йигитларидан бири унга яқинлашди.

— Ҳайдаржон ака, ишқивозлик борми? — деди у итта ишора қилиб.

— «Ми»сини олиб ташлаб гапир. Мен кўрган кучквозликларни кўриш учун яна юз йил яшашинг керак. Кейинги пайтларда вақт бўлмади. Бўлмаса битта қўймас эдим.

— Бугун қолинг бўлмаса, зўрлари қўйилади.

— Шуни айтяпсанми?

— Бунинг гавдасига ишонманг. Пўк ҳали.

— Сен қаердан биласан?

— Биламан-да... Тирикчилик шу ерда, акахон, — деди йигит мийифида кулиб.

— Бу ер... сенга қарайдими? — деди Кесакполвон ажабланиб.

— Ҳа... — деди йигит айбдор боладай ундан күзини олиб қочиб.

Кесакполвон бу ер шу йигитта қарагани учун ажабланмади. Унинг таажжуви бошқа нарсага бўлди: бир вақтлар Асадбек гуллатган бу жой қачон, қанақасига Ҳосилбойвачча ихтиёрига ўтиб қолган экан? Бу жойга хўжайнинлик қилишга тўла хуқуқ уларнинг ихтиёрида бўлгани ҳолда нечун эътиборсизлик қилдилар? Буни Асадбек биладими ё Маҳмуддинг хабари борми?

— Чўтал яхши тушиб турибдими? — деди Кесакполвон шуларни хаёлидан ўтказиб.

— Ёмон эмас.

— Сен фақат мен билан салом-алик қиласан, — деди Кесакполвон амр оҳангиди.

— Гап йўқ, акахон, дилимдагини айтдингиз, — деди йигит итоат билан. — Бирпас қоласизми?

— Қоламан. — Кесакполвон шундай деб итга қаради.

— Унга қўйманг...

— Худди шунга қўйман, — деди Кесакполвон ўжарлик билан. — Таваккал: ё чикка, ё пукка. Сен ишингни билиб қиласавер. Ҳозир келаман.

Кесакполвон ташландиқ боғ четида турган машинасига бориб пиёлага тўлдириб коняк кўйди-да, симирди. Қақшай бошлаган баданига роҳат югурди.

Ярим соат ичиди бу ер гавжумлаши. Таъбир жоиз бўлса, «иш куни» бошланди. Сомсачилар, ҳасипчилар буг ўрлаб турган тоғораларини қўйдилар. Кабобчилар кўраларини ўрнатдилар. Эски, пачоқ «Запорожец»нинг юхонаси очилди. Бутун мамлакат бўйлаб ичкиликка қарши кураш кетаётган дамда юхонага терилган ароқ-конякларни кўз-кўз қилиш — қаҳрамонлик намунаси эди. Агар бирон киши келиб, «Сен партия қарорларини нега бузяпсан?» деса у бамайлихотир равища «Бу ер партияга қарамайди, партиянгнинг қарори кўчанинг нарига бетида ўгади», дейиши мумкин. Агар даъвогар одам юқори идоралар номини ўтага қўйиб даг-дага қилса, чораси осон — оғзи битта, нари борса иккита шиша билан ёпилади. Шунда ҳам кўнмаса, у ҳолда Ҳосилбойваччанинг йигити билан

икки оғиз «ширин сұхбат» куради. Сомсачига, ҳасипчига, ароқчига, хуллас, ҳаммасига фақат шу йигитнинг сўзи ўтади. Томоша тамом бўлгач, ҳаммалари у билан бир-бир сўрашиб, валинеъматлик қилаётгани учун миннатдорлик билдирадилар. Даромад мўмайроқ бўлган кунлари «отамсиз» дейишдан қайтмайдиганлар ҳам бор. Бугунги даромад ҳақида башорат қилишга ҳали эрта, лекин бир нарса аниқ — саломлашиш чоғида йигит уларга хўжайин ўзгарганини, шу боис «нархнаво» ошганини маълум қиласиди. Улар норозиликлари ичларига ютганлари ҳолда, шодиёналик белгиси сифатида яна юз сўмдан «суюнчи» чўзадилар.

Кесакполвон яна бир пиёлани бўшатгач, сомсачига яқинлашганда йигит пайдо бўлди.

— Закказ сомса, келинг ока, ғичча ёғ ейсиз, — деди сомсачи.

Кесакполвон у узатган сомсанни олмоқчи эди, йигит уни нари бошлади.

— Бундан олманг, «оқ қўй»нинг ёғи ҳаммаси. Ҳасип ея қолинг.

— «Оқ қўй»ники бўлса зўр-да, қонни қўпиртиради, — деди Кесакполвон.

— Қўйинг, акахон, ҳасипдан енг, эгнингизга шим битиб бунақасини емагансиз, — йигит тенгдошларига айтиб юрадиган ҳазилини янги хўжасига беихтиёр айтиб юборди-ю, чўчиб, тилини тишлади. Унинг бахтига Кесакполвон бу оғир ҳазилга эътибор бермади. Тўғри, бир гижинди, аммо «Майли ўзини менга яқин олгиси келяпти. Яқин бўлаверсин, фойдаси тегади», деган фикр билан жавоб қайтармади.

Ҳасип олинди, ейилди. Ҳасипчи улардан пул умид ҳам қилмади.

Улар тамадди қилиб бўлгунларича майдон атрофи одамлар билан тўлди. Эски «Запорожец» атрофи, сомсачию ҳасипчилар атрофи ҳам гавжумлашли. Бири-биридан баҳайбатроқ итлар олиб келинди. Бунда ит уруштиришга ишқивозлар ҳам, шу баҳонада майшат қилиб кетадиганлар ҳам бор эди.

Бир соатча олдин муҳим масала ҳал этилган жойда энди итлар ўз муносабатларини ойдинлаштиришлари лозим эди.

Жангларнинг кўпини кўрган тажрибали итлар ракибларига беписанд қараб эснаб қўядилар. Айримлари бетоқатланадилар. Бу майдонга энди келган итлар эса

занжирларини узгудек бўлиб силтаниб, вовуллайдилар. Жанг кўрган итлар эса уларга жавоб қайтармайдилар, аксинча «Ўпкангни бос», дегандек қараб қўядилар.

Одамларнинг тайёргарлик ишлари — яъни, ким қайси итга қанча пул қўйиши аниқ бўлгач, ўртага даврабоши чиқди:

— Аҳмадбойникига ким қўяди? — деди у баланд овоз билан. Сўнг изоҳ тариқасида қўшиб қўяди: — «Чемпион»га ким қўяди?

Томошабинлар «Ўтган йилнинг зўри ҳисобланган «Чемпион ит»га ким қўяр экан?» деган мазмунда ўзаро баҳс бошладилар. Баҳслар ниҳоясига етмай туриб, ўртага Кесакполвонга маъқул бўлган итни етаклаб чиқишиди. Сўнг майдонда «Чемпион» кўринди. У айтарли баҳайбат эмасди, силтанмасди, вовулламасди. Бўйинбоги занжирдан эмас, оддий арқондан эди. У рақибига қараб «Важоҳатинг зўр-ку? Лекин мен сендай пўкларнинг кўпини кўрганман», дегандай ўтириб олди. Унинг бу қилиғи баъзи томошабинларга ёқиб, баъзиларига ёқмай қийқириб, хуштакбозликни бошлаб юбордилар.

Даврабоши ишора қилгач, аввал «Чемпион»нинг бўйинбоги, кейин рақибнинг занжири ечилиди. У ўлжасини бир сонияда янчидан ташлаш мақсадида югурди. «Чемпион» эса жойидан жилмади. Фақат рақиби яқинлашгандан чақонлик билан ўзини четта олди. Ўзини тўхтатолмаган рақиби гангиди йиқилгач, бир сакрашда бўйнидан тишлаб, булғалай бошлади. Баҳайбат итнинг эгаси келиб, уни ажратмоқчи бўлди. Тамошабинлар норозилик билан «Қоч, қўйиб бер!» деб бақирдилар. Ўртада Ҳосилбойваччанинг йигити пайдо бўлгач, «Чемпион»нинг эгаси итини ажратиб олди. Бундай ҳол бир неча марта такрорланди. Бундан «Чемпион» чарчадими ё орага гирром аралашганини сезиб урушгиси келмай қолдими, ҳарҳолда сўнти сафар сергаклигини йўқотди — рақиби унинг нақ жағидан тишлашга улгурди. «Чемпион»нинг эгаси итини ажратиб, мағлуб бўлганини маълум қилгач, норози хитоблар кучайди. «Чемпион»га ишониб пул тикиб, энди ютқизган ишқибозлар ит эгасини барадла сўка кетдилар. Ит эгаси атрофга хавотир билан аланглаб қўйиб, «Чемпион»ни — энди собиқ чемпионни етаклаб даврадан чиқди. Шу чиқиш асносида бир-икки мушт, орқасига бир-икки тепки еса-да, бошини хам қилга-

нича жим кетаверди. Катта тикканлар ўйинга ким ара-лашганини англаб индамадилар. Бўлмаса ит эгаси бир-икки тепки билан қутулмас эди.

Кесакполвон ихтиёр қилган эди, бу ернинг қоидаларини ҳам ўзгартириб юборди. Агар унинг хоҳиши билан баҳайбат ит ўрнига лайча қўйилганида ҳам «Чемпион»ни ютарди. «Чемпион»нинг орқасида турган катта кучлар шунда ҳам дамларини ичларига ютиб қолаверар эдилар. Кесакполвон бу ҳолатдан мамнун бўлди. Бир неча соат илгари кўнглини босган губор бир оз тарқади.

Машинасига ўтираётганида йигит келиб чўнтағига бир даста пул солди.

— Керакмас, — деди Кесакполвон, — бугунги даромадинг — ўзингники.

— Бу даромадмас, акахон, ҳаппаи ҳалол ўзингизнинг ютуғингиз.

— Бу жой ўзингники, бирор финг деса — менга айтасан.

— Раҳмат, акахон.

— Отинг нима?

— Рамз.

— Бўлти, ишингни қиласвер.

Машина узоқлашгунга қадар ҳам Рамз қўл қовуштириб турди.

IX б о б

I

Қора хотин ўша кеч бошқа кўринмади.

Зайнаб онаси билан гаплашиб бўлгач ҳам гўшакни анча маҳалгача жойига қўймай ушлаб турди. Даҳшатли, хунук манзаралар чекиниб, кўз олдида онасининг маъсума узори пайдо бўлди. Ҳаёли кўзгусида гавдаланган онаси унга узоқ тикилди. Сўнг сиртмоққа айланган, бир ширин жонни олмоққа шайланган арқонга қўл узатди:

— Ташла буни, қизим... бу нима қилганинг?

— Ойижон, энди мен чидолмайман.

— Ундей дема, болам, мени ўйламассанг ҳам Худодан кўрқ. Худо кечирмайди бу гуноҳингни...

— Худо нима учун мени бу азобга солди? Балки менинг ўлимимни Худонинг ўзи истаётгандир? Ҳа...

хоҳдаяпти... «Ота рози — Худо рози», дейишади-ку? Арқонни адам ташлаб кетдилар. Адамлардан хафа эмасман. Тұғри йүлни күрсатдилар.

Манзура жавоб бермай, ерга қаради. Агар бу сұхбат Зайнабнинг хаёлида, ғойибда эмас, ҳақиқатда, юзма-юз равища содир бұлғандами эди. Манзура қизининг айтғанларига раддия билдиради. Манзура гарчи бу масаладаги шариат йүригини билмаса-да, Тангри бандаларига бундай үлимнираво күрмаслигини түшүнтиришга ҳаракат қиласы.

Хозир эса Зайнаб бу масалани англамагани учун ҳам хаёлидаги сұхбатда онасидан жавоб ололмади. Үз фикрини тұғри, деб ҳисоб қылды.

— Ойижон, аёллар нима учун яшайди ўзи бу дунёда? Хор бўлиб умр кечириш, кейин хор бўлиб ўлиб кетиш учунми? Сиз нима кўрдингиз? Сиз учун бу дунёningроҳати нимада?

Бу савол юзма-юз ҳолатда берилганида Манзура ҳеч иккilanмай «Менингроҳатим — сиз, Худо берган фарзандларим», деган бўларди. Бу дунёда аёл зоти учун Оллоҳнинг энг улуғ марҳаматларидан бири — фарзанд эканини Зайнаб ҳали тұла англаб етмайди. Агар боласи нобуд бўлмай, уни бағрига боса олганида эди, чақалоқ маммасига талпинганида эди, бу роҳатни, бу улуғ баҳтни ҳис этган бўларди. Хозир бу ҳисга бегоналиги учун онасининг баҳти нимада эканини ҳам аниқ билмайди. Билмагани учун ҳам хаёлидаги саволга жавоб ололмайди.

Бир неча сониялик сукутдан сўнг кўз олдидаги онасининг сурати яна тилга кириб, энди ўзига ҳуш ёқадиган сўзларни айтди:

— Сен болалигингда Кумуш бўлишни орзу қилас әдинг.

- Орзу қиласдим, ойижон...
- Кумуш заҳарланган эди-ку, шуни ўйламабмидинг?
- Ҳа... заҳарланган эди...
- Узбек ойим қора кийган эди-ку...
- Ҳа, қора кийган эди...
- Заҳарланган Кумуш қайта тирилар, деб ўйладингми?
- Ўйладим, ойижон...
- Ўзбек ойим қора либосини ташлайди, мотам кунлари тугади, деб хаёл қилдингми?
- Ҳаёл қилдим, ойи...
- Адашдинг, қизим, Кумуш заҳарланган...

— Заҳарланган ойи, менимча, дунёдаги жаъмики пок нарсалар заҳарланган. Энди энг түғри йўл — сиртмоқ...

— Жон қизим, мени тириклайн ўтга ташлама...

— Сизни ўйласам... бу ўтда ўзим ёнишим керак...

— Жон қизим...

— Ойижон, балки бу дунё менсиз гўзал бўлиб кетар?

— Ундай дема, қизим... Сенсиз дунё мен учун бир харобазорга айланади. Менинг шу харобазорда хор бўлиб ўлишимни истайсанми?

— Ойижон, бир китобда ўқиганман. Ўлим — бу дунёнинг энг улуғ мукофоти бўлиши мумкин экан. Мен шу мукофотта лойиқман-ку?..

— Йўқ, қизим...

Шу онда, ҳеч кутилмагандага дарвоза эшиги тарақлаб очилди.

— Зайнаб!

Аввалига чўчиб тушган Зайнаб отасининг овозини эшитиб, қулқуларига ишонмади. Ичкари югуриб кириб, ҳовли ўртасида тўхтаган Асадбекни кўриб, кўзларига ионномади. Бир қўлида гўшак, бир қўлида сиртмоқли арқон ушлаганича қотиб тураверди.

— Зайнаб!!

Асадбек атрофига олазарак боқди. Ҳовлида одам ўзини осиши мумкин бўлган дарахтлар, айвон панжаларининг бўшлиги кўнглини бир оз тинчлантирса да, хавотири чекинмади.

— Зайнаб!!!

Бу сафар жавоб кутмай, уй томон илдам юрди. Даҳлизда тўхтамади. Аввал ётоқхона эшигини очди. Кейин меҳмонхона эшигини очди-ю, тош қотди.

Ота-бала бир-бирларига боққанларича бир неча нафас турдилар. Асадбек кўраётгани рўё эмаслигига, қизи тирик ҳолда турганига ишонч ҳосил қилгач, оғир қадамлар билан ичкари кирди. Қизининг қўлидаги арқонни енгил силтаб олди-да, билагига ўради.

Зайнаб ҳукм бекор қилинганини англади. Аммо ни манинг эвазига марҳамат қилинганини билмади. У отасидаги фарзандга бўлган меҳр номус кучидан ҳам аълороқ эканини билмас, буни фаҳм ҳам эта олмас эди. Зайнабнинг назаридаги отаси унга ўлимни раво кўрганида минг марта ҳақли эди. Энди эса... ҳукм бекор бўлди. Энди отасига қайси бет билан рўпара келади? Ўз кўзи билан кўрмаганида ҳам, бирордан эшитганида ҳам май-

ли эди... Зайнаб отасининг ҳаммомдаги манзарани ҳам кўрганини билмайди. Билсами...

Агар қизини эркалаб катта қилган Кесакполвон шу вазиятга тушганида ҳам фарзандини, ҳам ўзини овутадиган гапларни айтишга ҳаракат қилган бўларди. Бундай гапларни тополмаган тақдирда «Ҳаммасининг уруғини қуритаман. Сен ранжима, ўттан ишга — салавот» деб қўярди. «Ҳаммасининг уруғини қуритиши» аҳди Асадбекда ҳам бор. Қизини овутиш истаги ҳам мавжуд. Лекин у шу пайтгача аҳдини овоза қилмаган, шу пайтгача қизини эркаламаган, ранжиттанида эса овутмаган.

Агар Зайнабнинг ўрнида Кесакполвоннинг қизи бўлганида отасининг елкасига осилиб ўкраб йигларди, тавбалар қиласиди, айброрларни «оғзиларингдан қонлагаринг келси-ин», деб қарғармиди... Лекин Зайнаб бошқа... У отаси билан сира ўпишиб қўришмаган, ўпишиб хайрлашмаган. Бўйи етиб қолганидан сўнг отасига эркалик қилганини ҳам эсламайди.

Ҳар қанча эркалиги, ҳар қанча инжиқлиги бўлса онасига қиласиди. Онаси кўтарарди.

Ҳозир Манзуранинг йўқлиги Зайнабга ҳам, Асадбекка ҳам билинди. Индамайгина уй ишлари билан машғул юрувчи бу маъсуманинг ўрни сезилди. Манзура иккови ҳам суюнадиган тоғ экан. Тоғ ўрнидан жилиб, иккови ҳам йиқилиш хавфида тебраниб қолди. Яраттанинг қудратини қарангки, айни чоғда уч қалб ҳамоҳанг равиша безовта тепарди. Узоқ Олмон еридаги беҳаловат юрак бу хонадаги икки пораланган дил орасида воситачи эди. Бу икки қалбнинг фарёдини Манзуранинг юраги эшитарди. Аммо оралиқ масофа уни чорасизлик жари нарёғида ушлаб турарди. Диллар сўзламоқ имконига эга бўлганларидами эди, бу ондаги нолалардан замин эриб кетарми эди.

Болалиги, ёшлигида қалб нолаларидан чарчаган Асадбек бир неча сана роҳат булоғидан сув ичди. Кўпдан бери ноланинг аччик сувидан тотиб кўрмаган эди. У бошқа қалбларнинг нолаларини эшитмасди. Аниқроғи, тинглашни хоҳламас эди. Ҳозир, ўзи азоб чекиб турган пайтда «Мен қанча одамларни шу дардга гирифтор этдим. Қанча одам шу дард билан бу дунёни тарқ этиб кетди», деб ўйламади. Айни дамда қизини тирик кўриб Тангрига шукур ҳам қилмади. Изига қайтаёттанида — хаёлан минг бир кўчага кириб чиқар чоғида Худони эслаган эди. Қизини тирик кўрган тақ-

дирда унга айтадиган гапларини хаёлида пишигтан эди. Остона ҳатлаб, бир қўлида сиртмоқ, бир қўлида телефон гўшагини ушлаб турган қизини кўргани замон ҳаммасини унугти. Нимадир демоқчи бўлди — гапиролмади. Тили шишиб, оғзини тўлдириб тургандай қимирламади.

Отасининг қайтишини сира кутмаган, йўқлик дунёси сари учишга ҳозирланаётган Зайнаб ҳам бир нима демоқча ожиз эди. Аммо бу жонсиз сукунат узоқ давом этиши мумкин эмасди. Зайнаб отасининг кўзларига боқишига ботинмаган ҳолда, ерга қараганича:

— Ойим телпон қилдилар, — деди.

Унинг пичирлаб айтган гаплари Асадбекнинг қулоғига «Ада, мен тирикман!» деган маънода жаранглаб урилиб, бир сесканди. Шу гапдан кейингина «Хайрият, Худога шукр», деб қўйди. Сўнг:

— Юр уйга, — деди. Унинг овозида амр эмас, узрли ялиниш оҳангি бор эди. Зайнаб учун бу оҳанг мутлақо янгилик эди. Отасига бир қараб олиб, гўшакни жойига илди. Асадбек қизини овутиш учун нимадир дейишга ўзида мажбурият сезди. Ўша «ниманидир»ни айтди:

— Мен ҳаммасининг қонини ичаман.

Бу сўзларни Асадбекка хос оҳантда айтди. Бу аҳди эшигтан Зайнаб ялт этиб отасига қаради.

— Йўқ, ўлдирманг, — деди. Сўнг овозини бир парда кўтарган ҳолда изоҳ берди: — Ўлим улар учун халоскор...

Асадбек қизининг гапидан ажабланди. Тўғрироғи, титроқ овознинг оҳангига у учун янгилик бўлди. Зайнабнинг кейинги аҳди эса уни янада ҳайрон қолдирди:

— Уларни ўзимга қўйиб беринг!

Ким айтяпти бу гапларни? Маъсума қизими? Бу қандай аҳд? Бир неча дақиқалик алам тутуними ёинки қасос ўтими? Асадбек «Нима қилмоқчисан?» деб сўрамади. Қизининг аҳди унга шунчаки алам тутуни бўлиб туюлди. У бир неча дақиқа муқаддам бу уйда покиза Кумуш осилганидан бехабар, Зайнаб ўзини эмас, дилидаги Кумушни, унга қўшиб ишончини, гардсиз эътиқодини осганини билмас эди. Буни ҳис ҳам қилломасди. Чунки қизининг руҳий олами ота учун бегона эди. Кумуш осилгач, бу хонада бошқа Зайнаб дунёга келди. Иблис унинг қалбидағи сурурни сиқиб чиқариб, зулм нафасини уфурди. Ҳаётнинг шафқатсиз панжалари олдида Зайнабнинг туйгулари, умидлари

таслим бўлди. Шўр ерда сунбул битмаганидек, ёвузлик оламига умид уругини экиб бўлмайди. Зайнаб бунга энди узил-кесил ишонди.

— Уларни ўзимга қўйиб беринг!

Такрор айтилган бу гапда энди қатъийлик зухур эди.

— Юр уйга, — деди Асадбек остона сари чекиниб.

— Уларни менга қўйиб берасиз, а?

Асадбек «Бу қизларнинг иши эмас», демоқчи бўлди-ю, қизининг шаштини қайтаришдан ўзини тийди. Бош иргаб, тасдиқ ишорасини қилгач, даҳлизга, ундан ҳовлига чиқди. Зулм либосини ўзига маъқул кўрган Зайнаб отасига эргаши.

Даҳлизга чиққанида бурчакда турган қора хотинни кўриб, тўхтади. Қора хотин унга «айтмабмидим» дегандай бир жилмайди-ю, кўздан йўқолди. Унинг бу хунук жилмайиши Зайнабнинг хотирасига михланди.

Орадан кунлар ўтиб, Асадбек Ҳосилбойваччани отишга шайланганида ҳам, мақсадига етиб қоронги уйида ўтирганида ҳам қизининг «Уларни ўзимга қўйиб беринг!» деган гапини эслайди. Эслайди-ю, «Йўқ қизим, буларга сенинг тишинг ўтмайди. Хумордан чиқмоқчи бўлсанг майли, Мардона сеники» деб қўяди. Шу қарори билан Кумушнинг покиза оламини тарқ этган қизини ўз оламига қабул этади. Зайнабга ҳам айни шу керак эди. Чунки у Ҳосилбойваччанинг қиликларидан бехабар эди.

2

Зайнабнинг назаридаги ичига бир неча илон кириб олиб буралаётгандай эди. Ўқчиқ уни тамоман ҳолдан тойдирди. Азоб исканжасида бўлганида Мардона кўзига яна фариштадай кўринди. Ҳатто бир неча марта телефон гўшагини кўтармоқчи бўлди. Аммо ўзини тезда қўлга олди. Мардонага нисбатан уйғонган нафрат ва зулм ўти азоб оташидан устун келди.

Узи билан ўзи олишиб ётган дамда Чувринди кириб келди. Отасининг яқин аъёнига нимага муҳтоҷ эканини айта қолса масала ҳал эди. Бироқ, у айтмади. Бу дардни енгмоқлик аҳди бор эди, бу аҳдига хиёнат қилмади. Тишини тишига қўйиб, инграганича қолаверди. У Чувриндининг ёмон хабар билан келганини сезмади. Дард хуружидан холи бўлганида Маҳмуд акасининг кўзига қарабоқ нохушлик юз берганини англармиди...

Орадан қанча фурсат ўттанини билмади. Ичидаги «илон»ларнинг навбатдаги құзғалишидан сүнг күзини очиб қараса — бир аёл ўтирибди. Аввалига уни кейинги кунларда таъқиб этаётган қора хотин деб ўйлади. Кейин фикри бир оз равшанлашиб, Чувриндининг хотинини таниди. Кўришмоқ учун ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди.

— Асти уринманг, қоқиндиқ. Кўзиқканга ўхшайсиз, — у шундай деб эснади. — Вой ўлсин-еъ, қайси бетамизнинг кўзи теккан экан? Суқ дегани ёмон нарса-да. Бу атрофда кинначи йўқмикин?

— Билмадим... йўқ бўлса керак.

— Тўхтанг, бўлмаса... — у шундай деб ошхонага чиқди-да, дам ўтмай гугурт қутисини кўтариб кирди. Сўнг қутини Зайнабнинг пешоналарига, кўкрагига бошиб, ўзича кинна солди. Кейин учта чўпни чиқариб ёқди-да, Зайнабнинг боши узра айлантириб, оғзига яқин тутди: — Пуфлаб ўчиринг, қоқиндиқ. Ана энди туриング.

У Зайнабни ҳовлига бошлаб чиқиб, ўрик дарахтига яқинлашди.

— Шу дарахтни маҳкам қучоқланг. «Худо, дардими ол!» денг.

Зайнаб итоат билан амрни бажарди.

— Дардингиз шу дарахт орқали ерга ўтиб кетади. Ана, анча енгиллашдингизми?

Ишонч билан айттилган бу гапдан сўнг чиндан ҳам бир оз енгиллашгандай бўлди.

Уйга киргач, бир оз гаплашиб ҳам ўтириди. Уларнинг суҳбатларини телефон жиринги бузди. Зайнаб bemажол қўли билан гўшакни кўтариб қулоғига туттида, хаста овозда «алё», деди. Кўнгироқ қилувчининг овозини эшигтгач, бир титради-ю, гўшакни кўлидан тушириб юборди.

— Вой қоқиндиқ, нима бўлди? — деди Чувриндининг хотини жон ҳолатда.

Зайнаб жавоб бермади. Лаблари титраб, гапиролмади. Чувриндининг хотини гўшакни қулоғига тутиб:

— Алё, кимсиз, нима гапингиз бор? — деди. Қисқа ду-дурутлашни эшитиб, гўшакка пуллади. Ҳар эҳтимолга қарши: — Гапиринг, — деди-ю, сўнг гўшакни жойига илди, — Зайнабхон, ким экан, нима деди?

— Элчин акамни...

— Нима бўпти?

— Кимдир отиб кетибди.

— Вой ўлмасам... — У шундай деб бир оз гангиб турди-да, кейин телефон гүшагини күтариб, уйига құнғироқ қилди. Үғлидан «Аданг келдиларми?» деб сүради. «Йўқ», деган жавобни эшилтгач, Асадбекнинг болохонасидаги йигитларга құнғироқ қилиб, уларга «янгилик»ни билдири. «Акангизни қаердан бўлса ҳам топпинг», деб топшириди.

Нохуш хабар Зайнабнинг ичидағи илонларни яна уйғотиб, ҳаракатга келтириди. Азобга чидай олмай, гужанак бўлиб олди. Хотин нима қилишини билмай ҳайрон турганида эри кириб келди. Чувринди хотинининг «важимали» хабарини хотиржам тарзда эшитиб, Зайнабга аччиқ-аччиқ фамил чой беришни тайинлади-да, чиқиб кетди. Шу кетганича эрталаб табиби бошлаб келди.

Сочлари жингалак, ранги оқ-сариққа мойил, кўзлари ўткир боқувчи табиб йигит «Нима гап? Қаерингиз оғрияпти?» деб ҳам ўтирумай аввал Зайнабнинг иккита кафтини кўрди, тирноқларини оҳиста эзди, сўнг билак томирини ушлаб, бошини қуи этганича, ниманидир зийраклик билан тинглаётгандай жим қолди. Икки дақиқа шундай ўтириб, сўнг тилга кирди:

— Яқинда фарзандлари нобуд бўлибди.

Бу гапни эшитиб, эр-хотин бир-бирларига ажабланган ҳолда қараб қўйишиди. Чувринди табибга бу ҳақда гапирмаган эди, шу сабабли ҳам ҳайратланди. Узича «Буни бекорга мақташмаган экан», деб қўйди.

— Юрак чарчабди, — деб давом қилди табиб, — қонга бегона моддалар аралашган. Аммо... кўп эмас, хавотирли жойи йўқ. Яқинда бошлабдилар. Конни то-залаш мумкин.

Табиб қўйган ташхис Чувриндига маъқул тушди. «Бек акамни ҳам шунга кўрсатсан бўлар экан», деб ўйлади. Табиб сумкасини очиб ундаги халтачалардан бир чимдим-бир чимдим қуритилган гиёҳлар олиб, қофоз устига тўқди-да, Чувриндининг хотинига узатди.

— Янга, шуни уч литрли сувда қайнатиб, сўнг дамлаб қўйинг. Кейин сузиб, юз граммдан тўрт маҳал ичирасиз. Бугун-эрта дард кўзгалади. Учинчи куни оғриқ пасайиб, йўқ бўлади. Сут-қатиқ бермай турасиз, — шундай дегач, Зайнабга ўгирилди: — Қани, синглим, туринг-чи...

Зайнаб зўрға ўрнидан туриб, табиб кўрсатган курсига ўтириди. Орқа томонда турган табибининг нима қилаётганини билмади, аммо елкалари қизий бошлаганини сезди. Дам ўтмай, бутун бадани қизиди. Худди

ёз чилласида күёш нурига орқа қилиб ўтирган каби терлай бошлади. Шу алпозда оғриқдан халос бўлаётгандай туюлди. Табибнинг «Енгиллашдингизми?» деган саволини эшитиб, бош иргаб тасдиқ ишорасини қилди. Кейин табибнинг амри билан жойига ётди. Табиб чаккаларига, билакларига, кўкракларига соч толасидай ингичка тилла игналар қадагач, янада енгиллашиб, уйқуга кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. Уйғонгач, Чувриндининг хотини бир пиёладаги тахир ичимликни ичирди. Кўнгли бир ағдарилиб ўқчиidi, аммо қайт қилмади.

— Акангиз касалхонага бориб келибдилар. Элчин акангиз анча тузук эканлар. Хавотир олманг. Сал тузалиб олинг, кейин кўргани борамиз. Акангиз «Бир-икки кунда тузалиб, чиқиб қолади», дейдилар. Яралари енгил экан.

Чувринди унга бундай демаган эди, Зайнабни тинчлантириш учун ўзидан кўшди.

Ана шу пайтда икки нотаниш одам келиб, ўзларини «Милицияданмиз», деб таниширишгач, Зайнабни сўроққа тутишди. Зайнаб ўзини енгилроқ ҳис қилгани билан, боши гаранг эди. Шу боис уларнинг саволларига қисқагина қилиб, «Ҳа», «Йўқ» ёки «Билмайман», деб жавоб қилди. Улар Элчиннинг кеча соат нечада чиқиб кетгани, душманлари бор ёки йўқ экани билан кўпроқ қизиқишиди. Биттаси «Уйдан машинада чиққанмидилар ё машинасизми?» деб сўраганида дарров жавоб бера олмади. Шу саволдан сўнг фикр олами сал ёришгандай бўлди. Эрининг машинасиз кетгани аниқ ёдида. У «Уста келади, машинани устахонага олиб борамиз», деб кутиб ўтирганида телефон жиринглаган эди. Ким биландир гаплашиб, «Ҳўп», деди-ю кийимларини алмаштириди. Кейин «Уста келса, қалитни бер, устахонага ўзи олиб бораверсин», деди. Қалитни... телевизор устига кўйди...

Зайнаб шуни эслаб, телевизор томонга қараб олди: қалит жойида турибди! Зайнаб эрталаб дарвозахонада машина йўқлигини билиб, «Уста қачон келибди?» деб ўйлаган эди. Ҳозир эса «Калитсиз машинани ким ҳайдаб чиқибди?» деб ўйлади. Кейин... энг муҳимини эслади: Элчин чиқар маҳалида «Аданг чақираётгандишлар, бориб келай-чи...» деган эди! Зайнабнинг хаёлига «Адам?!» деган фикр чақмоқ ўти каби бир урилди-ю, аммо дарров сўнди. «Йўқ, — деди у ўзига ўзи, — нега энди... Йўқ, бўлмаган гап!»

Зайнабга тикилиб турған икки жуфт күзлардан бири унинг телевизор томон қараб қўйганини сезди. У ҳам қаради — шода калитни кўрди. Аммо сир бой бермай яна сўради:

— Эслай олмаяпсизми?

Берилган саволни унтиб, хаёлнинг бошқа қоронғу кўчаларига кириб тентирай бошлаган Зайнаб унга ажабланиб қаради:

— Нимани?

— Мен сизга савол бердим: эрингиз машинада чиқдими ё пиёда кетдими?

— Нега энди пиёда кетарканлар?

— Мен ҳам шуни сўраяпман. Аниқ айтинг.

— Мошинада кетганлар.

— Биз уйингизни бир қараб чиқишимиз керак. Мана, прокурорнинг рухсатномаси, — сўроқ қилаётгандарнинг бири чўнтағидан тўрт буклоғлик қофоз чиқариб, узатди.

Зайнаб қофозга қараб қўйди-ю, қўлига олмади:

— Нега? — деди ҳайрат билан.

— Қоидамиз шунаقا: бир қараб чиқишимиз керак.

Гувоҳлик учун иккита қўшнингизни ҳам чақирамиз.

Бу гапдан кейин Зайнаб янгасига қаради. Чувриндинг хотини сұхбатта аралашмоғи лозим эканини фаҳмлади:

— Қоидангиз қизиқ экан-ку?! Отган одамни қидирмай, отилган одамнинг уйини титасизларми?

— Сиз ўзи ким бўласиз? — деди терговчилардан бири, фаши келганини яширмай.

— Мен кеннайилариман. Ҳозир акаларини чақираман. Ўша киши билан гаплашасиз. Рухсат берсалар тинтийсиз, бўлмаса йўқ.

— Биз рухсатни акаларидан эмас, прокурордан оламиз.

— Прокурорингиз ишхонангизда прокурор. Бу уйнинг прокурори бошқа, — у шундай деб телефон гўшагини кўтарди-да, Асадбекнинг болохонасида ўтирган йигитларга қўнғироқ қилди: — Алло, Асадбек аканинг уйларими? Бек акангизга айтинг, қизларини-кига милиса келиб ўтирибди. Ўзлари келмасалар ҳам Маҳмуджон акангиз тезда етиб келсинлар.

Гўшакни жойига қўйгач, гапларим буларга таъсир қилдими ё йўқми, деб уларга қараб қўйди.

Улар кимнинг уйига келишаётганини билишган эди. Тинтуб ҳақида топшириқ берувчи «Қаршилик қи-

лишса қаттиқ турманглар», деб вазифани осонлаштирган эди. Ҳозир Асадбекка хабар кетганида улар бир-бирларига «Нима қылдик?» деган маңнода қараб олдилар.

— Яхши, акаларини кутсак кутармиз, — деди улардан бири, сир бой бермай. — Ташқарига чиқиб турамиз.

Улар чиқишигач, Зайнаб ўрнидан туриб телевизорга яқинлашди-да, калит шодасини қулига олди. Калитлар худди қизиб турғандай, кафтини күйдирғандай бўлди. Шу боис шошиб, калитларни чўнтағига солди.

Кўп фурсат ўтмай, ҳовлида Чувринди кўринди. Кутимаган меҳмонлар билан нима ҳақдадир суҳбатлашди. Кейин изн берди шекилли, улар ҳовлини айланниб, ошхонага, ҳожатхонага бир-бир мўралаб, «тингув» қилишгач, изларига қайтишиди.

3

Зайнаб бу воқеани ҳам, ўша хотиннинг гапларини ҳам унутиб юборган эди. Нечундир ҳозир эсига тушди. Қайсиdir қариндошиникидами эди ё танишиникидами, ёдиди йўқ, чарларида хотинлар даврасида эрларнинг бузуқлиги ҳақида гап қўзғалди. «Хотинлар ичмаса ҳам дастурхонни безаб туради» деган фикрда қўйилган шишаларнинг оғзи очилган, ундаги шайтон суви айрим аёллар қонини кўпиртирган, ҳаё пардалари йиртилиб, тил жилови узилган эди. Зайнаб ўшанда улардан нафратланиб чиқиб кетганди. Ҳозир эса улардан бирининг гаплари ёдига тушди.

— Эркак зотининг палаги бузуқ. Мана-ман дегани ҳам юради. Юрмаса... — У уятсиз сўзлар айтиб, хоҳолаб кулган, бу кулгуга бошқалар ҳам қийқириб қўшилишган, Зайнаб эса ғаши келиб, ўрнида бир қимирлаб олган эди.

— Поччам ҳам юрадиларми? — деб сўраган эди бир аёл.

— Юрмай ўлсинми? Ўйнашдан келганини шундай билиб тураман.

— Сиз ҳам биттасини топа қолмайсизми?

— Топаман. Лекин ҳозир эмас. Худо уни шол қилиб қўйсин. Онаси ўпмаган қулинг ўргилсин бир йигитни олиб келиб кўзининг олдида «қайтар дунё» қиласман-да!..

Шу галдан кейин Зайнаб чиқиб кетган эди. Бир

нече кун давомида «Ўз эрини шол бўлишини истаган хотин бунчалар аҳмоқ экан?» деб ўйлаб юрди. Гарчи Элчинни севмаса-да, гарчи Элчин унинг умид саройини вайрон этган бўлса-да, «эрим раққосалари билан майшат қиласи», деган гумонда юрса-да, унинг шу каби нияти йўқ эди.

Тўғри, Элчин ярим тунда тўйдан қайтган кезлари уни ўзига яқинлаштиришни истамасди. Гарчи Элчин унга покиза эканини бир неча марта айтган бўлса-да, унинг бу гаплари Зайнабни маҳв этган гумон булутларини тарқатишга ожиз эди. Эрини бирор отиб қўйганини эшитганда хаёлига келган биринчи фикр ҳам ўша гумон булугидан сув ичди: «Ўйнаш талашиб отгандир!...» Терговчи «Душманлари йўқмиди?» деб сўраганида шу гумонини айтиб юборишига салгина қолди.

Зайнаб, табиб айттанидай, бир кеча-кундуз ит азобини тортди. Кейин дори таъсир этиб, ичидаги «Илон»-лар ўлдими ёки чалажон бўлиб, уйқуга кетдими, ҳарҳолда безовта қилмай қўйди. Иштаҳа кириб, ярим кося аччиқ мастава ичгач, пешонасида тер маржонлари пайдо бўлди. Шу кунлар ичи Зайнабнинг ёнидан жилмаган, Зайнаб тан азобини тортган маҳалда ўзи руж азобида қийналган Чувриндининг хотини яхшилик томон ўзгаришни сезиб, «Худога шукр» деб қўйди. Чувриндининг «Сал ўзига келса телпон қил, эрини кўришга борсин», деган гапини эслаб, Зайнабдан:

— Қоқиндиқ, би-ир банинсага бориб келмаймизми? — деб сўради. Уй бекасидан ижозат ишораси бўлгач, телефон гўшагини кўтариб Асадбекнинг болохонасидаги йигитларга мақсадларини баён қилди. Машина келгунига қадар ювиниб, тараниб олиш учун Зайнаб ўрнидан турди. Ҳаммомдаги тошойнада ўз аксини кўриб, ҳайратдан қотди.

Ким бу? Кўзлари киртайган, соchlари паҳмоқ, нигоҳида ҳаёт нишонаси бўлмиш — чўғ қолмаган, юзлари сомон рангини олган, кампирлик чегарасига яқинлашган бу аёл ким?

Наҳот шу аёл Зайнаб бўлса?! Ҳали йигирма бешга етмаган жувон деб ким айтади? Тим қора кўзларининг соқчилари бўлмиш узун киприклари камон ўқларига айланиб, севги ёғида қоврилаётган йигитлар қалбини вайрон қиласди, деса бирор ишонармикин? Узоқ эмас, бир йилгина муқаддам ўзини тошойнага солиб «Кумуш чиройли бўлганмикин ё менми?» деб ўйлаган, ўз Отабегига етишмоқни орзу қилган қиз шуми?

Қарашидаги сулувлик қани?

Наҳот, кўзларидағи сурур нурини зулм пардаси батамом тўғсан бўлса? Наҳот бу парда умрининг сўнгига қадар ғолиб қолса?

Зайнаб «Шунчалик ўзгариб кетдимми?» деган ажабланиш билан тошойна олдида узоқ турди. Ювиниб чиққач, ётогидаги тошойна қаршисига ўтириб соchlарини таради. Зайнабнинг хуснига тўймай «Ўғлим каттароқ бўлганида шу қизни келин қилардим», деган армонда юрувчи Чувриндининг хотини ҳам ундаги ўзгаришни кўриб, «Бечорагина, сўлиб қолди-я...» деб ачинди.

Ҳамшира уларни аввалдан танигандай илиқ кутиб олиб, «Элчин ака бугун анча яхшилар», деганича узун даҳлиз бўйлаб юриб, йўл бошлади. Даҳлизнинг адоғидаги эшикка етишганида Чувриндининг хотини «Вой ўлмасам!» деб кўйди. Зайнаб «Нима бўлди?» дегандай унга қаради.

— Езувини ўқинг,вой ўлмасам...

Ўз хаёлларига банди бўлиб келаётган Зайнаб ёзувни ўқиди: «Ўликларни тирилтириш хонаси».

Ҳамшира аёлларнинг ажабланганини сезиб, кулимсираган ҳолда изоҳ берди:

— Бир куюнчак дўхтир акамиз борлар. Ҳамма ёзувларни ўзбекчалаштириб чиққанлар. «Реанимация»ни шунаقا таржима қилибдилар. Сал кўполроғ-а? Кўпчиликка ғалати туюляпти.

Зайнаб ҳозир бу таржиманинг қўпол ёки тўғри эканини мулоҳаза қиладиган ҳолатда эмас эди. Шу боис «Эшикни очинг», дегандай ҳамширага қаради.

Ҳамшира «Ўликларни тирилтириш хонаси» бекасига уларни рўпара қилиб, ўзи изига қайтди.

Бурнига найча уланган Элчин кўзлари юмуқ ҳолда ётарди. Унда ҳаёт нишонаси сезилмас эди.

— Кечаси ўзларига келдилар. Ҳозир яна уйкуга кетдилар. Кризис вақти ўтди шекилли.

Бу гапни эшитиб, Чувриндининг хотини:

— Ҳайрият-е, Худонинг ўзи сақласин-е, — деб кўйди.

Зайнаб эса индамади.

«...Худо уни шол қилиб қўйсин. Онаси ўпмаган қулинг ўргилсин бир йигитни олиб келиб, «қайтар дунё» қиласман...»

Зайнаб унугтиб юборган ўша воқеани, ўша хотининг гапларини шу дамда, ўзи учун ҳам кутилмаган бир ҳолда эслади. Эслади-ю, баданига муз югорди.

Рўпарада ётган, юзларидан қон қочган, бурнига ичакча уданган, кўринишидан тирикми ё ўлик экани билинмаётган одам — унинг тан маҳрами. Бир ёстиқ-қа бош қўйганидан бери қалбини заррача бўлсин исита олмаган инсон. Энг муҳими...

Энг муҳими...

Бир йил муқаддам Зайнабнинг дунёси бир қўрғон каби эди. Бу қўрғонга ўзга кишиларнинг кирмоги мумкин эмасди. Кириш нима экан, ҳатто мўралаб қарамоғига ҳам ижозат йўқ эди. Уни Элчин бузди. Яъжуҷ-маъжуҷ каби бостириб келди, бузди, топтади.

Авваллари бу қўрғонда меҳр ва умид гуллари парвариш этиларди. Энди бу гуллар қуриди. Энди унда зулм ва адоват тиконлари ўсгуси...

Ҳозир айни дамда шу зулм ва адоват тиконлари илк нишона мевасини берди: инсон сифатида эрига раҳми кела бошлаган Зайнаб бирдан ўзгарди — унга нафрат билан тикилди. Сўнг... нафрат чекина борди. Чалажон ҳолдаги меҳр нафратнинг мутлақ ғолиб келишига йўл бермади. Оқибатда манфий ва мусбат булутлар тўқнашувидан яшин чақнагани каби икки туйғунинг олишувидан икки аланга ҳосил бўлди. Тутун аралаш, қора тусдаги аланга ўша хотиннинг шармсиз гапларини шивирлаб айтиб, вужудини кўйдирди. Кўз олдига ўзининг шармандали ҳолати келиб, сесканниб кетди. Назарида Элчин кўзларини очгандай, «Сен шу даражада шармандамисан?!» деб бақиргандай бўлди. Бу қарашнинг изидан «Шарманда! Шарманда!!» деган ҳайқириқ деворларга урилиб, акс-садо бергандай туюлди. Бу ҳайқириқ Зайнабнинг назарида бутун қасалхонани остин-устун қилиб юборгандай бўлди. Юзлари қизиб ёна бошлади гўё. У кафтларини юзларига босиб, кўзларини юмиб олди.

— Куёнманг, қоқиндиқ, уч-тўрт кунда дард қўрмандай туриб кетадилар, Худо хоҳласа...

Чувриндининг хотини айтган гапни эшилди.

Кошки эди куёнса... Кошки эди, дардига малҳам бўлиш истаги мавжуд бўлса...

Қора тусдаги аланга инсонга хос туйғуларни ямлаб-ютишга интилади.

Чувриндининг хотини айтган гап эса оқиши тусли алангага мой бўлиб сепилади. Бу аланга қувват олиб ўқорига ўрлайди. Шармандалик жари йўлини тўсади.

«Бу ҳам бир инсон-ку? Қанча жабрлар чекди. Энди бу азоб ҳам бормиди? Кризис даври ўтгани билан ту-

залиб кетмаса-чи? Ўлим олдида ўзига келган бўлса-чи? Сенга бир гапни айтишни истаган бўлса-чи?.. Балки... Сени деб отишгандир?.. Аданг... нимага ча-қирирган эдилар?...»

Кафтларини юзларига босганича турган Зайнаб бу гапларни ким шивирлаб айтганини билмади. Фақат вужудини ёндираётган аланганинг пасайганини сезди. Кўзларини очиб, бармоқлари орасидан эрига қаради. Қаради-ю, ўринда қора хотин ётганини кўриб яна кўзларини чирт юмди. Дам ўтмай очди: яна ўша манзара! Хотин тиржайди:

— Агар эрингга қарамасанг, ўзинг шол бўлиб, азобланиб ўласан! — деб бақирди.

Унинг бақириги бутун касалхона бўйлаб акс-садо бергандай бўлди. Зайнаб шошиб, янгаси билан ҳамширага қаради — улар хотиржам эдилар.

— Кеннийи, юринг, — деди Зайнаб ялинчоқ оҳангда.

Унга ҳамширанинг гапи далда бўлди:

— Ҳа, борақолинглар, бу ерда кўп туриш мумкинмас.

Уйга қайтишганда Зайнабни унуга бошлаган ичидаги «илон»лар яна қўзғалишди. Дори ичганидан сўнг ҳам енгиллик сезилмади. Мехмонхонага кириб, диванга беҳол ўтирганида Чувриндининг хотини унга насиҳат қилди:

— Ҳали ўн гулингиздан бир гулингиз очилмаган, қоқиндиқ. Дардга сира-сира енгилманг. Ёш жувон ҳар қандай дардга учраганда ҳам чараклаб туриши керак. Гапларимга тушуняпсизми?

Зайнаб «Тушуняпман... Лекин, хотин киши азобланганида ҳам тиржайиб туриши керакми?» деган маънода унга қараб олди.

— Хотин зоти эрига бепардоз кўринмаслиги керак. Сизга қараб ҳайрон бўляпман. Ёш нарса уззу-кун тошойна олдида ўтирса ҳам айби йўқ. Сиз соchlарингизга, қошларингизга қарамайсиз...

— Қошимга? — Зайнаб ажабланиб, ихтиёrsиз равища бармоқларини қошига теккизди. — Қошимга нима қилибди?

— Озгина тердириб туриш керак. Ҳозир чой-пой ичволайлик-да, кейин сартарошхонага борайлик. Таниш устам бор, бип-бинойи қилиб қўяди.

Бир жиҳатдан Зайнабнинг қимирлашга ҳоли йўқ эди. Йккинчи томондан эса шу пайтга қадар сартарошхона остонасини ҳатламаган эди. Онаси пардоз-

андозни ўрнига қўймагани учунми, у ҳам безанишга қизиқмас эди. Тўғри, икки йил аввал ҳавасга қошини бўяётганида онаси кўриб қолиб, бошини сарак-сарак қилиб чайқаган, «Вой, қизим-ей, қошларингни қийнаб нима қиласан? Шу қаламсиз ҳам қошларинг қопқора. Ўзинг, Худога шукр, чип-чиройлисан. Юзларингни бўясанг, масхарабозга ўхшаб қоласан», деган эди. Онасининг шу гаплари кифоя қилиб, пардозга берилмади. Фақат янгаларнинг зўри билан никоҳ тўйи арафасида бир озгина пардоз қилган бўлди. Ушанда хоҳлаганига тегмаётгани учун безанишни истамаган эди. Ҳозир эса Чувриндининг хотини ўша хоҳламаганига чиройли бўлиб кўринишга даъват этяпти...

- Кеннайи, ҳозирмас... кейинроқ, — деди Зайнаб.
 - Кейинга суриб нима қиласиз?
 - Энди одамлар... «Эри бунақа ётиб, ўзи пардоз қилиб юрибди», деб гап қилишади.
 - Ҳа, одамлар гапираверишади, уларнинг нима ишлари бор экан?
 - Сиз шунақа дейсиз-у...
 - Майли, қоқиндиқ, ўзингиз биласиз. Унда мен уйимга бориб келайин.
 - Раҳмат, кеннайи, бораверинг. Бугун анча тузукман, келиб овора бўлиб юрманг.
- Зайнаб ўзини мажбур қилиб жилмайди. Чувриндининг хотини бу сохта жилмайиш ортидаги дардни сезса-да, индамади.

X б о б

1

Бало шамоли бало булутини ҳайдаб келтани каби Шариф Намозов боши узра бало дўли ёғила бошлади.

Эрталаб ишга отланган дамда янги қурилган дарвозани кимдир тақиилатди, сўнгра жавоб кутмай баланд овозда «Шариф ака, ҳов Шариф ака!» деб қайта-қайта чақирди. Шариф «Ҳозир!» деб ташқарига чиққанида йўқловчи ҳовлига кириб бўлган эди. «Бунақа совуқ менга чўт эмас», дегандай юпун кийинган, бир қўли шимининг чўнтағида, бир қўлининг бармоқларига тураб турган сигарет қистирган йигит Шарифни кўриб, жилмайди. Шариф уни кўрибоқ таниди — бунақа ху-

нук тиржаядиган одам дунё бўйича биттадир, уни унтиш ҳам мумкин эмасдир. Йил бошида Қилич Сулеймоновнинг «марҳамати» билан қамоқхонада ўтирганида унинг елкасига аввал беш, сўнгра ўттиз минг сўмни «илган», «Тилла тишинг бўлмаса каллангни суғуриб оламан, беш мингта арзийдими ўзи калланг?» деб пўписа қилган бу нусха баъзан тушларига ҳам киради.

Шариф «Бу нима қилиб юриди? Уйимни қандай топиб келди?» деб ўйлашга ҳам улгурмади. Йигит:

— Вей, пахан, уйлар ништяк-ку, а? Қойилман, эркак, қойилман, гап йўқ! — деб сўрашмоқ учун қўл узатди. — Шу кўчага йўлим тушиб қолувди, паханни бир кўриб кетай, дедим. Братанлар «Қадрдон бўп қолувдик, жа дараклари йўқ», деб хапа бўлишди. Мени танидингизми, ўзи?

— Танидим, — деди Шариф, энсаси қотганини яширмай.

— Қойилман! Памяти зўр одамларга беш кетаман. Мен братанларга айтдим. «Пахан унугтадиган тарвузлардан эмас», дедим. Братанлар мени омонатни олиб келишга юборишиди.

— Қанақа омонат? — деди Шариф ажабланиб.

— Ие, пахан? — йигит оғзининг таноби қочди. — Памятнинг бир чеккасини курт еганми, а? Кеннаяшкага икки марта саломхатни ким ёзувди? Бир марта беш кусок, кейинги сафар ўттизта. Иккаласини қўшсак ўттиз бешми? Қачон беришинг керак эди? Январда, а? Ўн бир ой ўтдими? Ҳар ойга яна бешдан қўшсак қанча бўлади? Эллик бешми? Оптом ҳисобласак, эллик бешга ўттиз беш — тўқсонми? Менинг чиқиб келишим ўнтага тушди. Энди округлят қилсак юзтагина кусок бўларкан.

Йигитнинг ишшайган ҳолда ҳисоб-китоб қилиши Шарифнинг сабр косасини тўлдирди, беихтиёр жер-киб юборди:

— Нима деб валдираяпсан, калланг борми ўзи?

Ишшайиб турган лаблар яна жойига йифилди, аммо ғазабдан титрамади. Ғазаб чўғлари кўзларига кўчди. Йигитнинг ўтли назари Шарифнинг кўкрагини тешиб ўтгандай бўлди.

— Менинг каллам йўқ! — деди у таҳдидли оҳангда. — Менга калланинг нима кераги бор? Менга пул керак! Юз мингни топиб, санаб бериш учун калла сенга керак!

— Менда бунча пул йўқ, — деди Шариф сал бўшабиб.

— Винзавод директорида юз минг топилмас экан, деган анекдотни эшилса, одамлар балдет қилиб қолишади. Бўлти, сен «Валдирама!» дединг, гапни резинка қилмайман. Эски ошначилигимиз хурмати, сенга кечгача вақт бераман. Кечкурун олтида келаман. Тўққизда жойимда бўлишим керак. Ё пулни олиб бораман...

— Ё калламни оласанми?

— Вей, пахан, сенинг бу дурной башканг кимга керак? Сен менинг мазгамни тақиллатма, нима қилишни ўзим биламан. Болаларинг кўринишмайди, мактабда шекишли, а? Ҳозир кўриб қолдим кетишаётганини... Каттангга янги пальто олиб берибсан, а? Сендақа добрий папашкаларни яхши кўраман.

Шариф унинг нимага шаъма қилаётганини англаб, кўркіб кетди:

— Болаларимга тегма!

— Умница! Буниси энди ўзингга боғлиқ. Хайр, соат олтида келаман. — Йигит шундай деб сигаретини чуқур-чуқур тортди-да, тутунини Шарифга қараб пуфлаб, сигарет қолдигини унинг оёғи ёнига ташлади. Ўгирилиб, бир-икки қадам қўйгач, тўхтади. Бошини буриб, тахтадек қотиб қолган Шарифга қаради:

— Курортдалигингда ювошгина бола эдинг. Энди сал қўрсроқ бўлиб қолибсан. Асадбек воспитаниянгни бузибди. Сенга маслаҳатим: Бек акантини бу ишларга путат қилма. Бу дунёда ундан қўрқмайдиган одамлар ҳам бор, билиб қўй! Ҳа, хотининг сутга чиққан экан. Одам кўп. Навбатда турибди. Пахан, хотин деганни эҳтиёт қилиш керак. Ҳеч қайси давлатда винзавод директорининг хотини азонлаб сутга югурмайди. Мазгандигни ишлат, ҳе сўтак!

Йигит шундай дегач, тез-тез юрганича чиқиб кетди.

Шариф эса икки-уч дақиқагина давом этган бу суҳбат тушими ё ўнгидаги содир бўлдими — фарқламай, гангигиган ҳолда туриб қолди.

Фоғилваш банда... Боши тошdevорга урилгач, «Бу девор қайдан пайдо бўлди?» деб ҳайратланади. Бошкалар кўрган деворни кўрмайди. Шайтон кўзларини бойлик пардаси билан тўсган бўлса на қилсин?

Жоҳил банда... Яратганинг «Йа бани Адама! Изароайта-л-Фина муқбилан аълайка фақул занбун аъжиз

латун уқубатуҳу»¹ деб огоҳлантирганини билмаса, ким айбдор?

Чорасиз банда...

«Яшамоқнинг лаззати илмда», деб юрган одам «Дунёнинг пойдевори бойликда», деган фитнали қарорга келган экан, энди нима қилсин?

Яқиндагина ҳаромдан ҳазар қилиб юрган одам ҳаромсиз яшай олмаслик даражасига етган бўлса-чи?

Хотини «Шу данғиллама иморатдан кўра ўзимизнинг кулбамиз дуруст, дадаси. Мойли нондан қора нонимиз аълороқ. Ўйлаб иш қилинг, улар бизга бошпана қуришмаяпти, худди кафан бичишяпти-я?» деганида қандай жавоб қилиб эди-я? «Давлатинг илм қадрига етмади. Мана шулар етишди. Илмимни кимга, қанчага, қанақа тарзда сотаман — бу менинг ишим...»

Шундай иморат солиб берган валинеъматлар яна юз минг топиб беришга ёки ўша муттаҳамнинг кекирдагини узиб олишга қодирмасмилар? Ундан баттари ни-да қилиш қўлларидан келади. Лекин гап бунда эмас.

Гап... болаларда... У ҳаммасини кузатибди! Мактаб ўйлини... Хотинининг сутга навбатда турганини...

Беихтиёр турмадаги воқеа ёдига тушди:

Қарзини вақтида тўлолмаган одамнинг боши худди тарвуз танлаётгандай қаттиқ сикилди. Оғриқча чидолмай додлаганида икки бармоқ бурнига тиқилиб, пастки жаги босилди. Сўнг... япалоқ омбур билан тилла тишлар бир-бир суфуриб олинди. Оғзи қонга тўлган одам вовайло айтганича қолаверди...

Шарифнинг ўзи шу ҳолга тушса майлига. Бир бошга — бир ўлим. Лекин болалари...

«Қочириш керак! Яшириш керак! Ҳозироқ!» Хаёлига келган бу фикр уни жойидан қўзғатди. Шошилинч равишда дарвоза томон юрди. Аммо остона ҳатлади-ю, кетма-кет келиб тўхтаган икки «Волга»ни кўриб, ажабланди. Олдиндаги «Волга»дан биринчи бўлиб тушган калта курткалиmall соч аёл тез-тез юрганича Шарифга яқинлашди-да, кўзларига тикилганича:

— Намозов Шариф? — деб русчалаб сўради.

Кулранг жинси шими сонларига ёпишиб турган,

¹ М а Ҷ н о с и б у д и р: Эй Одам фарзанди! Агар сенга бойлик келаётганини сезсанг, билгинки, азоб-уқубати ва жазоси нақд бўлган гуноҳ келаёттир. (Кудсий ҳадисдан.)

юрганида аёллик назокатига нисбатан эркаклик шаҳдамлиги устунроқ бўлган хипчабел хонимни Шариф аввалига Португалиядан келган вакилмикин, деб фарз қилди. Шу боис умидли бир оҳангда:

— Менман, — деди.

— Намозов, тез ичкарига кир! — Малласочнинг таҳдидли буйруғи Шарифдаги умидли ўйни маҳф эти-ю, нотинч гумонлар эшигини ланг очди.

— Нима гап, тинчликми? — деди Шариф бир оз довдираган ҳолда.

— Кир дегандан кейин, кир! — Аёл шундай деб уни елкасидан ушлаб, енгил силтади.

Шариф «Кимсан ўзинг, нимага туртасан?» дейишга оғиз жуфтлади-ю, машиналардан тушиб келаётган йигитларни кўриб, итоат этишдан бошқа чораси йўқлигини англади.

— Кир, деганда кира қолмайсизми? — деди етиб келган йигитлардан бири ўзбекчалаб.

— Киришга кираман, нима гаплигини тушунтирсанглар-чи ахир? — деди Шариф ялинчоқ оҳангда.

— Гапга тушунмайдиган эшшакмисан, нима ба-ло?! — Ҳалиги йигит шундай деб билагидан ушлаб, қўлини қайирди. Оғриққа чидолмаган Шариф шартта орқасига ўгирилганини ўзи ҳам сезмай қолди. Гарданига бир мушт тушгач, ўзини ҳовлида кўрди.

— Уйда ким бор? — деб сўради малласоч.

— Ҳеч ким йўқ, — деди Шариф яна бир мушт тушиб қолишидан чўчиб. — Болаларим мактабда. Хотиним сутга кетган.

— Ўзинг қаёқча кетмоқчийдинг?

— Ишга.

— Ишга яёв борасанми?

— Йўқ, машина келиб қолиши керак.

Дастлабки сўроқдан кўнгли тўлган малласоч курткасининг чўнтагидан сигарет чиқариб лабларига қистирди. Шарифнинг қўлини қайриб, гарданига мушт урган йигит чаққонлик билан ёққични ёқиб, алансини хонимга тутди.

— Ҳаммаёқни қараб чиқинглар, — деди хоним сигаретни тутатгач. — Биронта ҳам тирқиши қолмасин, — у шундай деб ҳали бўёқдан чиқмагани учун кўчиб кирилмаган уйга синчиклаб разм солди-да, Шарифга: — қани, Хива хони, уйингта бошла, — деб буюрди.

Эски уйга киргач, уриниб қолган хона анжомларига ажабланиб қаради. Уртадаги эски думалоқ столни

айланиб ўтди-да, хона тўридаги диванга ўтириди. Ке-
йин ён чўнтағидан қизил рангдаги гувоҳномасини чи-
қариб:

— Арина Бергер, СССР прокуратурасиданман, —
деди-да, Шарифга кўз-кўз қилгач, жойига солиб
кўйди. Сўнг сигарет кулини гилам устига қоқиб, Ша-
рифга савол назари билан қаради: — хўш, ўзинг кўр-
сатасанми ё бизни қийнайсанми? Билиб кўй, бизни
қийнасанг, ўзингга ёмон.

— Нимани курсатай?

— Овсармисан? Қани, ўйлаб кўр-чи? СССР про-
куратурасига нимани кўрсатиш мумкин? Эркакли-
гингнинг исботиними? — Бергер масхараомуз тир-
жайди.

Аёл кишидан бунақа гап чиқиши мумкинлигини
ўйламаган Шариф сал довдиради:

— Унақа деганим йўқ... Аниқроқ айтинг-да...

— Аниғими? Тўплаган бойлигингни кўрсат менга!

— Тўплаган бойлигим... Йўқ...

— Йўқми? Бу уйни қайси пулга қурдинг?

— Уйними... ошна-оғайниларим...

— Учир! Мен сенга чўпчакка ишонадиган қизча
эмасман. Сибирга виноларни текинга юбордингми?

— Сибирга?.. Йўқ, давлат белгилаган нархда юбо-
рилади.

— Намозов! Сени олим дейишувди. Олиммисан,
аҳмоқмисан — айт! Йўқ, айтма. Шу туришингдан маъ-
лум — тўнкасан сен! — У щундай деб Шариф томонга
қараб «чирт» этиб тупурди. — Сен сассиқ ҳайвонни
деб мен икки қитъани босиб, учеб келдимми?

Шу пайт ҳовлида Насибанинг «Кимсизлар, нима
қиляпсизлар?» деган овози келди.

— Ким у? — деб сўради Бергер.

— Хотиним...

— Влад, олиб кир уни.

Шарифнинг орқасида турган йигит ташқарига чи-
қиб, Насибани бошлаб кирди.

— Вой, дадаси, нима бўлди? — деди Насиба остона
ҳатламай туриб.

— Жим! — деб бақирди Бергер. — Фақат русча
гаплашилсин! Намозовамисан? Яқинроқ кел. Демак,
сен бу нусханинг хотинисан?

— Ҳа, — деди Насиба бош иргиб. У русчага нўноқ
эди. Шундай бўлса ҳам этлаштириб сўради: — нима
керак?

— Саволни мен бераман, Намозова! — Бергер сигарет тутатиб, кулини гилам устига қоқди: — Нечта боланг бор?

— Түртта... уч ўғил, бир қыз.

— Ҳа... болаларинің ота зарур экан. Менга қара, Намозова, агар сенга эр керак бўлса, айтсан: эринг пулларни қаерга яширган?

— Пул? Қанақа пул? — Насиба шундай деб эрига қаради. Шариф «Ўзим ҳам ҳайронман?» дегандай елка қисди.

— Кўзимга қара! — деб бақирди Бергер. — Айтсанг — эр сеники. Айтмасанг олиб кетаман. Суяклари қамоқда чирийди.

— Арина Иосифовна, қўшниларни чақирайми? — деб сўради йигитлардан бири.

— Йўқ, аввал айтишсин. — Йигит «тушунарли» дегандай изига қайтгач, Бергер Шарифга қаради: — Намозов, Козлов берган икки миллионни қаерга кўйдинг? Яхшиликча айт.

Бергерга Москвада берилган маълумотда «Козлов бир миллион юборган», дейилган бўлса-да, у «Тўплаб кўйгани ҳам бор», деган ишончда «икки миллион»дан гап очган эди. Бергернинг мўлжалича, Козлов юборган пул давлатга топширилган тақдирда винзавод бошқонидан тортиб олингани ўзининг ҳамёнига тушиби керак эди. У, гарчи бу ердагиларни «профессионал лаёқатсизлик»да айблаётган бўлса-да, Москвада Хонгирей томонидан берилган маълумот сохта эканини ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Яқинда салафлари қопчиқларини тўлдириб кетганларидан хабардор Бергер ўзининг сафари ҳам шундай тугашига амин эди. Ҳозирги саволидан сўнг Шарифнинг ўйланиб қолганини кўриб «Илинди!» деган фикрда ичдан қувонди.

Йўқ, Шариф «илинмаган» эди. «Козлов» деганини қачондир, қаердадир эшитган эди. У «Козловни кимдан эшитган эдим?» деб эслашга уринаётганди. Ҳа, эслади! Қилич Сулаймонов йигирма кунми, бир ойми аввал «Красноярда Козлов деган харидоримизнинг сўраганини берайлик» деган эди. Ӯшанда Шариф «Уларнинг лимити йўқ», деганида Қилич Сулаймонов «Лимитни бизга қўйиб беринг» деган эди. «Бу хотин ўша Козловни айтяптими? Козловга вино юборилган экани? У менга икки миллион сўм берибдими?..»

— Хўш? Намозов, мен сендан жавоб кутяпман!

— Нима сўрадингиз?

— Намозов, ўзингни меровликка солма. Агар бу тўнка миянг ишламаётган бўлса, ишлатадиган усулларимиз бор!

— Меровлик қилаётганим йўқ, саволингизни тушунмадим.

— Нимасига тушунмаяпсан: Козловдан олган пулларингни мана бу ерга қўй! — Бергер шундай деб думалоқ стол устини кўрсатди.

— Козлов? — Шариф бир зум сукут қилди. — Танимайман бунақа одамни.

— Танимайсанми? Козловни, Алексей Петровични-я? Красноярскка неча тонна вино юборганингни ҳам билмайсанми?

— Жўнатиш билан мен шуғулланмайман. Ўринбосарим бор.

— Қалбаки ҳужжатларга ҳам ўринбосаринг имзо чекканми? Сен менга чўпчагингни айтма, Намозов! — Бергер шундай дегач, Насибага қаради: — Намозова, сен ҳеч эрингта хиёнат қилганмисан?

— Нима?

Насиба унинг саволини тушунмади. Бергер саволни аниқлаштириди:

— Бегона эркак билан бўлганмисан?

— Вой... нимага... — Насиба русчалаб тушунтиромай: — Вой, шарманда, — деб қўиди.

— Намозов, хотинингни бегона эркак билан бўлганини кўрганмисан?

— Иўқ, — деди Шариф унинг мақсадини англамай.

— Ҳозир кўрасан. Айтсанг — айтдинг. Айтмасанг, хотининг билан шу ерда, кўзинг олдида кетма-кет майшат қилишади.

— Менинг бойлигим йўқ, бор нарсам — кўриб турганингиз. Ишонинг, Козловни ҳам танимайман... — деди Шариф ялинчоқ оҳангда.

Бергер унинг гапларини тинглашни ҳам истамади.

— Влад, бошла. Тўртта туққан бўлса ҳам, куриниши қиздек. Қора хотинлар зўр бўлади, деб эшитганман.

Бергернинг амрини сўзсиз бажаришга ўрганган кенг елкали йигит Насибага яқинлашиб қучоқлаб олди. Кучли панжалар аёлнинг кўкракларини сиқди. Насиба ҳам тан оғриғига, кўпроқ номус оғриғига чидолмай дод деб юборди. Шариф хотинини ажратишга интилган эди, Бергер ўрнидан сапчиб туриб, йўлини тўсди-да, икки чоти орасини мўлжаллаб

қаттиқ төпди. Шариф бүкчайиб қолди, нафас олиши қийинлашди.

— Тұхта, — деди Бергер Владга, — үзига келиб олсин. Бұлмаса томошанинг қизиғи қолмайди. — Бергер Насибага яқынлашиб, үзига енгил шапати урди: — Намозова, сен қаршилик құлма, үзинг ечин. Мен хоҳлаган иш барибир бұлади. Мен «Иигитлар майшат қилишади», дедимми, демек қилишади. Еттіта йигит сени қийнаб қүйиши мүмкін, билиб қўй. Кейин... — Бергер заҳарли кулди: — тұққиз ойдан кейин туққан болангнинг отаси кимлигини билолмай гарангсиб юрасан. Лекин... сен үзингни номусли аёл деб биласан-а? Номусли бұлсанг, пулни қаерга яширганларингни айт. Хўш? Ҳовлига кўмиб қўйганмисанлар? Ё қариндошлигницидами? Айт! Балки манави янги уйингнинг фиштлари орасига териб юборгандирсанлар, а? Агар хоҳласам уйингни ҳам бузиб кўришади. Унда ҳам эрсиз қоласан, ҳам уйсиз. Хўш, айтасанми?

— Пулимиз йўқ, — деди Насиба йигламсираб.

— Влад, вақтни ўтказма, бу тўнкаларга гап тушунтириб бўлмайди. Эри үзига келгунича ечинтириб қўя қол.

Бир зумда Насибанинг кийимлари парча-парча қилиб йиртилиб, ярим яланғоч ҳолга келди. Икки қўли билан кўкракларини тўсиб, аёзда қолгандай титрай бошлади.

Бу орада Шариф сал үзига келиб, қаддини ростлади.

— Намозов, эсингни йиф, агар олиб кетсам, у ёқда баттарроқ азоблар бор. Айт, Козловдан пул олдингми?

— Йўқ, танимайман, унақа одамни.

— Влад, бошла!

Влад дегани астойдил равищда шимини еча бошлади. Орқада турган йигит эса, Шарифнинг соchlарини чанглалаб тортди.

— Тўхтанг! — деб бақирди Шариф жон ҳолатда. — Айтаман, тўхтанг. Фақат, хотинимга тегманг.

— Ҳа, эркакка ўхшар экансан-ку! Влад, шимингни кий. Осиёликлар номусни ҳамма нарсадан устун қўйишиди, билиб қўй. Хўш, Намозов, энди айт.

— Аввал хотиним чиқиб кетсин. У билмайди.

— Сен бизга шарт қўйма, Намозов.

— Бунақа ҳолатда айттолмайман.

— Майли, Намозова, нима, совқотдингми? Кийиниб ола қол. Пулларни санаёттанда бунчалик титрамагандирсан, а? Хўш, Намозов?

— Мени бу ердан олиб кетинг. Айтсам, мени ўлдиришади. Пул менда эмас.

— Қиз-з-зиқ... — Бергер шундай деб Шарифга яқынлашди-да, тутаб тугай бошлаган сигарет чүфини унинг юзига босди. Шариф инграб юборди.

Кийина бошлаган Насиба эса эрига қараб қолди.

— Сен кийинавер, — деди Влад, уни туртиб.

— Намозов, ўтири, ёз, — деди Бергер.

— Нимани?

— Козловдан икки миллион рубл олганингни ёз. Қаердалигини майли, кейинроқ айтасан.

Шариф тамоман гангиб қолган эди.

Яйраб, ўйноқлаб юрган кўзи тўсатдан қўл-оёқлари боғланганида, тепасида пичофини қайраётган қассобга мўлтиллаб қараганини кузатганимисиз? Ҳозир Шариф ана шу жавдираш билан қаради. У ҳозир ўзини ўйламас, аҳли аёли билан фарзандларидан хавотирда эди.

Ёзда у ғалати манзаранинг гувоҳи бўлганди: чумчукнинг ҳали учирма бўлмаган боласи уясидан тушиб кетган экан. Мушук тайёр луқмани кўриши билан писиб кела бошлади. Чумчукча чириллаб қочмоқни, учмоқни ихтиёр этарди. Аммо қора булат каби бостириб келаётган мушукнинг муддаога етмоғи аёнроқ эди. Мушук қушчага яқин келган онида икки чумчук пайдо бўлди. Уларнинг бири ҳеч тап тортмай, мушукнинг юзига урилди. Уларнинг «жанги» узоқ давом этмади. Мушукнинг панжаси унинг ҳамласидан кучлироқ чиқди. Мушук chalажон чумчуқда «Сен энди ҳаппай ҳалол ўзимникисан. Манави жимиртак бирор кавакка кириб гойиб бўлмасидан еб олай», дегандай қараб қўйиб, яна ўлжаси изига тушди. Шунда иккинчи чумчуқ унга ҳужум қилмади, балки қаноти сингандай унинг йўлига кулади. Сўнг, қанотларини ерга урганича чирқираб, судрала бошлади. Мушук энди унинг изига тушди. Чумчуқ судрала-судрала уни боласидан узоқлаштирди. Аммо... ўзи мушукка ем бўлди.

Шариф ўшанда бу манзарани қизиқиб томоша қилган, аммо мушукни ҳайдаб, қулшарни асраб қолиш лозимлигини ўйламаган эди. Бу воқеани хотинига айтганида Насиба ранжиб, «Чумчуқлар увол бўлибди-я...» деб ачинган эди.

Ҳозир ўзи ўша чумчуқ ҳолига тушди.

«Эрталабки нусха болаларимга шаъма қилди. У юз минг сўраган эди. Буниси икки миллион талаб қиляп-

ти. У-ку, одам қонини сўриб юрувчи ҳайвон. Қасби шунаقا. Булар-чи? Қайси бири баттарроқ? Масковдан келдим, деб нимани хоҳласа қилаверадими? Итми-мушумки, Масковдан келдим, деб бир чеккадан қийратаверса, бирор уларга пишт демаса...»

Шариф буларни ҳозир эмас, кейинроқ, қамоқнинг бир кишилик совуқ хонасида ётганида ўйлади. Ҳозир эса мушукни чалғитмоқчи бўлган чумчуқ каби Арина Бергер деган бу зулм қилғувчини уйидан узоқлаштиришни истайди...

2

Ботировнинг шаҳар турмасига келтирилганини Зоҳидга маълум қилишди. Зоҳид зўрланган қиз — Моҳира Нуридинованинг гапларига қониқмаган бўлса-да, уни иккинчи сўроққа чақиришга шошилмади. Зўрланган — Шокир Ботиров билан юзма-юз бўлганидан кейин ишни давом эттиришга қарор қилган эди.

Зоҳид кўчага чиққанида йўл-йўлакай Ҳамдам Толиповни йўқлаб ўтишга қарор қилди. У бир неча кундан бери Саид Қодиров айттан гапларнинг магзини чақиш билан банд эди.

«Ҳосилбойвачча изсиз кетиши мумкин эмас, — деб ўйлади у. — Катта йўл бўйида ёқилган мурдалар тақдиди билан бирор қизиқмади. Улар томчилар эди. Кумга томдилару йўқ бўлдилар. Ҳосилбойвачча денгиз эмас, кўл ҳам эмас. Балки кўлмакдир. Бироқ, кўлмакка чўп ташласанг ҳам чайқалади. Сассиқ кўлмак бўлса, ҳиди чиқади. Ҳосилбойваччанинг атрофидагилар нима учун жим? Нега чайқалмадилар?..» Асадбекнинг йўриғидан бехабар Зоҳид ўзича калаванинг учини ечмоқчи бўлади. У «Ҳосилбойвачча у ёқ-бу ёқка қочиб кетмадимикин?» деб ҳам ўйлади. Аммо Саид Қодировнинг бу тўдада «одами борлиги»ни маълум қилиши хаёлларини маълум чегарада чеклашга мажбур этди.

Ҳамдам Толиповни йўқлашдан мақсади ҳам шу муаммони ечишга интилиши, унинг «миш-миш овлаш»га усталигидан фойдаланиш.

Ҳамдам хонасида ёлғиз эмас эди. Хона тутунга тўла бўлса ҳам, у навбатдаги сигаретини барадла бурқситиб ўтиради. Зоҳидга Ҳамдамнинг иши унча юришмай тургани шундан аён бўлди. Ҳали муштлари, тепкиларини ишга кола олмаганидан хуноб кўринади. Башанг

кийинган, бўлиқ юзлари пўрсилдоқ нондай қизариб турган, бармоғига ёқут кўзли йўғон узук таққан одамда эса хавотир ёки ташвиш сезилмас эди.

Хонада бошқа стул йўқлиги сабабли Зоҳид дераза токкасига суюнди.

— Кўриб қўйинг, ўртоқ прокурор, баъзан «Ишингнинг тайини йўқ», деб танбеҳ берасиз. Мана бунақа акахонлар билан икки соатлаб отамлашсагу бир тайинли гал чиқмаса, ишда қанақа унум бўлсин?

— Энди ука, гапни икки соатдан бери мен эмас, сиз чўзяпсиз. Сизга лўндасини айтдим: қайнонам азалдан мени ёмон кўради. Қизини укасининг ўғлига бермоқчи бўлиб юраркан, қизи унга тегмаса, мен айборманми? Қизи менга хуштор эди, қайнонам шуни сига чидолмади. Ҳозир ҳам чидолмайди. Зоти паст уларнинг аслида.

Зоҳидга бу одамнинг гап оҳанги фалати туюлиб, гапга аралашибди:

— Қайнонангизнинг қизлари — сизнинг хотинингизда, а?

— Ҳа, ҳамма гап шунинг устида.

— Зоти паст, дедингиз, демак, ўзингиз ҳам зоти пастта тенглашибсизда, а?

— Энди... ёшлиқ-да, хуштор бўлганидан кейин...

— Хотинингиз сизни яхши кўрар экан, сиз-чи? Яхши кўрмасмидингиз? Бўйингизга осилиб «Мени олсанг ҳам оласан, олмасанг ҳам оласан!» деб туриб олганми?

— Э, ука...

— Бу одам сизга ука эмас, прокурор! Шаҳар прокуратурасидан! — деди Ҳамдам зарда билан.

— Узр, ўртоқ прокурор, танимаганини сийламас, деган мақол бор-ку. Билмапман, кечирашибди. Сиз жуда тўғри савол бердингиз. Уни ўзим ҳам яхши кўрадим. Йигитлик ўзингизга маълум. «Мұҳаббатнинг кўзи кўр», дейишади-ку... Ундан ташқари ғунажин кўзини сузуб турганидан кейин ҳар қанақа тентак буқача арқонини узади-да...

— Энди-чи, энди ёмон кўриб қолдингизми?

— Эндиими... энди...

— Чайналмай айтаверинг: энди у хотин йўқ, ўлган! Бу акахонни қаранг, ўртоқ прокурор, хотинларини жарроҳнинг қўлига топшириб, ўзлари Ялтага жўнаворибдилар. Буларнинг бир мақоли бор: «Пулинг бўлса халтада, ялло қилгин Ялтада», шунақами, а?

— Дам олиш гуноқ эмас-ку? Касали оғирлигини билмабман, дедим-ку? Үзим ҳам армондаман.

Ҳамдам бу одамнинг айёргидан фижиниб «Илгари тентак буқача бўлганингиз рост экан, энди улфайиб фирт аҳмоқ ҳўқиз бўлибсиз», демоққа шайланди-ю, аммо бу ташбеҳдан ўзини тийиб, гапнинг лўндасини айтиб қўя қолди:

— Эй, инсон, одам дегани қўйини қассобга берса ҳам, сўйгунича пойлаб туради. Сиз қайнонангизга мағзава ағдариб, ўзингиз сувдан куруқ чиқмоқчими-сиз? Ўртоқ прокурор, бу одамнинг яна битта қилиғи-ни айтами: Ялтага ўйнашларини ачомлаб кетишлари-дан олдин...

— Ҳеч қанақа ўйнаш йўқ. Бу ердан бошлаб кетадиган аҳмоқ эмасман. Ялтада дараҳтга қараб аксираб юборсанг, мингта қулинг ўргилсан жонон ёғилади. Ўрисларда мақол бор: «Тулага ўз самовари билан бо-рилмайди».

— Қаранг, ўртоқ прокурор, бу акахонимизнинг турган-битганлари фиж-фиж мақол. Ҳатто ўрисларни-кини ҳам биладилар. Ўзбекларда ҳам бир мақол бўларди, балки биларсиз? Нима эди. «Чучварани хом сана-манг»миди? Акахон, мен Толиповман! Мана, менга ишонмасангиз, ўртоқ прокурор айтсинлар, мен ушла-ган жойимдан кесаман. Ҳали ҳеч ким мени сувга олиб бориб, суформай олиб келмаган. Ким билан борганин-гизни икки-уч кунда ўзингизга айтаман. Хоҳласангиз гаров ўйнаймиз: мен сизга ўйнашингизни рўпара қи-ламан, сиз эса... сизни бичамиз-қўямиз, келишдикми?

— Йўқ, келишмадик. Сизларни биламан, кўчадан битта шалоқни олиб келиб рўпара қиласиз. Юзта гу-воҳ ҳам топасиз.

— Йў-ўқ, акахон, — деди Ҳамдам ўрнидан туриб, — гаровда бунақа фирромлик бўлмайди. Аниқ далил билан исботлайман. Исботлай олмасам, майли, «Иш»ни ёпа-ман.

— Қанақа «Иш»? Куруқ тухмат бу!

— Тўғри, ҳозирча жиноий иш қўзғолгани йўқ. Ҳо-зирча ариза бор. Бурнимнинг катталигини кўряпсиз-ми? Мана шу бурним жуда сезгир-да. Ҳозирнинг ўзи-да жиноятнинг ҳидини сезиб турибди. Ўртоқ проку-рор, бу акахон Ялтага ўйнашларини ачомлаб жўнаш-ларидан олдин дўхтирга озгинагина чойчақа узатиб «Наркозни аяманг, бечора бу дунёда қийналиб кетди, ухлаганича уйғонмай қўя қолсин», деганлар.

— Тұхмат!

— Ўртоқ прокурор, сиздан маслаңат сұрамоқчиман: мурдани кавлаб олиб текширишни нима дейишарди?.. Ҳа, экспертиза унинг касали, берилған наркоз даражасини аниқлаб берса керак, дейман, а? Ана ундан кейин дүхтиржон ҳам сайраб берарлар? Ана шунда бу акахонни икки құллаб сизга узатамиз. Ахир қотиллік билан күпроқ прокуратура шуғулланади, тұғрими?

— Андишанинг отини құрқоқ деманғ, оғайни. Мени құрқитмай құя қолинг, ёш бола эмасман. Қонунни сиздан бошқа биладиганлар ҳам бор. Экспертиза қилғанғиз келса, қылаверинг. Аммо билиб қўйинг: шахсан ўзимнинг иштирокимда очасиз.

— Ие, бўлмасам-чи? — деди Ҳамдам қўлларини ёйиб. — Сизсиз бўларканми бу иш. Энди гапни кўпайтирмай қўя қолайлик. Маслаҳатимиз пишди, а? Энди мана бу ерга чиройликкина имзоингизни қўйиб беринг.

— Нима бу?

— Аввал ўқинг. Қонунда аввал ўқиб кейин қўл қўйилсин, дейилган. Сиз иш бир ёқлама бўлгунича шаҳардан ташқарига чиқмай турасиз. Чакирганим замоним «Лаббай!» деб етиб келишингиз керак бўлади. Болалигинизда пионер бўлгансиз-ку, а? Шиорингиз «Всегда готов!» миди? Ҳа, билар экансиз. Мабодо битта-яримта сизга телефон қилиб қолса, шу шиор эсингизда турсин.

— Менинг телефоним ишламайди, бу бир. Иккинчидан мен пионер бўлмаганман. Шу шиорни билмаганим учун «Мафкуранг бузук», деб қабул қилишмаган.

— Хотиржам бўлинг, телефонингизни ишлатиб қўйишади. Мафкурангизни ҳам созлаб қўйишади.

Ўзаро пичинг тошлари отиб тутатилгач, тилхатга имзо чекилди-ю, «қайнона тұхматига учраган бечора күёв» хонани тарк этди. Эшик ёпилиши билан Ҳамдам унинг изидан ғазаб тошларини отди.

— Ҳайвон! Тўнғиз!

«Тўнғиз» «унвони» камлик қилдими, кейинги «тош»лар унинг онаси-ю, амма-холаларини тилга олиш билан отилди.

— Кўрдингми, бу ит эмганни, — деди Ҳамдам, сал ҳовури босилгач. — Бешта боласи бор экан. Кўнгли янгисини тусаб қолган бу буқанинг. «Иш»ини судга оширмай бўғиб ўлдириб қўйгим келяпти.

— Ҳали айби исботланмади-ку, балки чиндан ҳам қайноаси...

— Сен прокурор, ҳали боласан. Бунаңа ишларга ақлинг етмайды. Ҳозиргина айтдим-ку, бурним сезгир, деб... Хүп, буни қүявер, ўзингнинг ишларинг қалай?

— Юрибмиз ишла-аб...

— Асадбекларни кўлга олибсанми, а?

Ҳамдамдаги қолган-қутган заҳар томчиларининг ўзига аталганини сезган Зоҳид унинг пичингига эътибор бермай:

— Оляпмиз, — деб қўиди.

— Оляпсизми ё чўкяпсизми?

— Униси ҳам, буниси ҳам.

— Кейингиси тұғрироқдир.

— Балки... Сиз мабодо Ҳосилбойвачча деган одамни эшиитмаганмисиз?

— Бунаңа зўрларни прокурорлар эшитишади. Биз бир кичкинагина изқувар бўлсак... «Фас!» дейилса югурамиз. Етиб олсак, босамиз, тишлаймиз, «Фу!» дейилса — қўйиб юборамиз, — деди Ҳамдам заҳарли пичинг оҳангидা.

— Ҳамдам ака, анчадан бери биронни чақа олмай зада бўлиб турган экансиз-а? — деди Зоҳид жилмайишга ҳаракат қилиб. — Мен бир иш билан келдим. Гапимни эшитишга тобингиз борми?

— Тобимми?.. Тобим бор. Билиб турибман: «Ҳосилбойвачча йўқолганмиш», демоқчисан.

— Эшитибсиз-да?

— Бу тешик қулоқ баъзан эшитиб ҳам туради.

— Миш-миш овлайдиган жойингиз бўларди?

— У ердаги гаплар сенга тўғри келмайди.

— Айтинг-чи?

— Бойвачча чет элга қочиб кетганмиш.

— Ишончсиз гапми бу?

— Сен ишонасанми? — Ҳамдам саволга савол билан жавоб қилди. Сўнг бир нафас тин олди-да, афсус оҳангидага қўшиб қўиди: — Ишонсанг — фирт аҳмоқсан!

— Бу гапни нима сабабдан ишончсиз деяпсиз?

— Чет элда унга пишириб қўйибдими? Бу ерда ўзига хон, ўзига бек бўлса. Сенга ўхшаганлар мушугини пишт демаса... Чет элга қочиб кетиш осон эканми? Булар аҳмоқ эмас, қочишмайди. Чет элда нон йўқ уларга.

— Унда қаерга фойиб бўлган?

- Сен гапни чўзма, ичингдагини айтавер: ўлдириб кетишган, демоқчимисан?
- Шу тахмин ҳақиқатта яқинроққа ўхшайди.
- Ким ўлдиради?
- Балки Асадбекдир?
- Сенинг танглайингни Асадбек кўтарғанми? Нима иш бўлса ўшанга тақайдиган бўлибсан. Хўш, давом эт-чи?
- Мурдани топиш керак.
- Ўҳ-ҳў... иштаҳалар карнай-ку, а? Билиб қўй: агар бойвачча сен айтгандай ўлдирилган бўлса, ўлигини икки дунёда ҳам тополмайсан.
- Ҳарҳолда бир қизиқиб кўриш керакмикин?
- Менга қара, прокурор, фойда чиқмайдиган ишларга бошингни қотирма. Агар чиндан ҳам улар ўлдиришган бўлса-ю, мурдани топишимизни исташса, бизларни қийнашмас эди. Аввалтиларига ўхшаб дарахтта осиб қўя қолишарди. Буни исташмадими — тамом, овора бўлма. Мен гугурт чўпини беш-олтига майдалаб Сирдарёга ташлаб юборай-чи, топа олармикансан? Мурдани йўқотиш усуллари кўп, топиш усули эса кам. Сен жасадни эмас, уни йўқотишда қатнашганларни топ. Ҳеч бўлмагандга биттасини топ. Гапингнинг ҳидига қараганда кимдир хабар қилганга ўхшайди. Ана ўшанинг гирибонидан ол. Гапирмагунча қўйма.
- «Унинг кимлиги маълум бўлганида нима қилишни ўзим билар эдим», — деб ўйлади Зоҳид унинг гапларини эшила туриб. — Агар Сайд Қодиров рост гапирган бўлса, у одамни ёлғиз ўзи билади. Менга рўпара қилмайди. Гирибонидан ҳам олдирмайди».
- Ҳамдам Толипов жасадни йўқотиш усулларини яна пича баён қилгач, гапдан тўхтади. Зоҳид бу мавзуни давом эттирмакни истамай, сухбат мавзуига таҳрир кирилди. У бутун, улгуролмаса эртага Ботиров ишини юритган терговчи билан учрашмоқни ихтиёр этган эди. Зоҳид қўшни тумандаги бу терговчини танимасди. «Балки Ҳамдам aka танир», деб сўраб эди, янглишмади.
- Танийман уни, — деди Ҳамдам. Сўнг Зоҳидга мугомбirona тикилди. — У ишкалга нима учун ишқинг тушиб қолди?
- Бир «Иш»да хомлик қилганга ўхшайди.
- Бир «Иш»да сен хомлик қилишинг мумкин. Бор, ана, мен хомлик қилишим мумкин. Унда хомлик деган гап бўлмайди, билиб қўй. Унинг лақаби «Иш-

кал». Бу нима дегани, биласанми? У ишқалликни пулга сотиб олади.

— Тушунмадим?

— Сен «Мушт ишлатасиз», деб менга кун бермайсан. Мен пичноқ бориб сүякка қадалганды дүппослаб қоламан. Ҳаммани ҳам уравермайман. У «Ишқал» эса хонасига кирган одамни муштламаса кечаси ухтолмайды. Агар отаси кириб қолса, уни ҳам аямаса керак. Яна бир нарсаны билиб қўй: у яхши ходимлар рўйхатидаги биринчилардан бўлиб туради. Топширилган ишнинг юздан тўқсон тўққизини очади. Тушундингми?

— Тушундим.

— Йўқ, тушунмадинг, — деди Ҳамдам айёrona жилмайиб. — Ҳали тушунганинг йўқ. Уч-тўрт кундан кейин тушунасан.

— Нега? — деб ажабланди Зоҳид.

— Негаки, у сенинг адолат қилишингга йўл бермайди. Сен бор, у билан суҳбатлаш. Лекин унинг ҳар бир тешикда акахонлари борлигини унутма. У хизмат варақасига қандайдир бир «зумраша» прокурорнинг «минус» қўйишига йўл бермайди.

Ҳамдам «Ишқал» деб аталган ҳамкасбининг қиликлиаридан айтиб бергач, Зоҳид унга миннатдорлик билдириб, изига қайтди.

3

Соқчи Ботировни бошлаб келди. Ботиров сўроқхонага қўлларини орқасига қилган ҳолда кириб, маҳбусларга хос бўлмаган оҳангда қироат билан салом берди. Зоҳид бу лутфга жавобан қуруққина қилиб «салом», деди-да, рўпарасидаги курсини кўрсатиб «Ўтилинг», деди. Ботиров ўтиргач, Зоҳид учун кутилмагандаги қўлларини фотиҳага очди-да:

— Роббано... иҳдинас-сиротал мустақийм... — деб дую қилди.

Зоҳид беихтиёр равишда дуога қўшилиб, кафтларини юзига суртди.

— Қалай биродар, саломатмисиз, аҳли байтлар омонми? — деб сўради Ботиров.

— Раҳмат, юрибмиз... — деди Зоҳид.

— Алҳамдулилаҳ, — деди Ботиров.

Зоҳид яна ажабланди. Хизмати давомида қўп одамини тергов қилди, суҳбатлашди. Лекин ҳеч бир терговни бундай тарзда бошламаган эди. Шу пайтгача бирор

унга «хол-аҳвол сўраш одоби бизда ҳам бор», демаган эди. Афсус ери шундаки, буни ўзи ҳам ўйлаб кўрмабди. Ҳозир, Ботировнинг одоби унга бир дарс бўлиб, аҳвол сўрамаклиги лозимлигини уқди.

— Ўзингизнинг аҳволингиз қандай?

Зоҳиднинг бу гали одоб оҳангига эмас, сўроқ тарзида эшитилди. Сўроқларга кўнишиб қолган, терговчидан лутф кутмаган Ботиров бу оҳангга эътибор бермади.

— Алҳамдуиллаҳ, — деди у, сўнг қўшиб кўйди: — Яратганга шукр.

Зоҳид бу шукронани эшитиб, унга тикилиб қолди. Қамоқда ётган одамнинг Худога шукр қилиши уни чиндан ажаблантириди. Одатда иши қайта кўрилаётган одам туҳмат жабрини чекаётганидан шикоят қиласарди. Бу эса... «Тил учиди айтяптими ё дилданми?»

— Ҳа, биродар, тикилиб қолдингиз? — деди Ботиров.

— Тикилиб қолганим... очифини айтсам, «Яратганга шукр», деганингизга ҳайрон бўляпман.

— Астағfirуллаҳ! Нима учун ҳайрон бўляпсиз? Сиз... мусулмон эмасмисиз?

Зоҳид шу ёшга кириб, бундай саволга дуч келмаган эди. Шу боис айб устида кўлга тушган боладай шошилиб қолди.

— Мусулмонман...

— Алҳамдуиллаҳ, мусулмонсиз, — деб тўлдириди Ботиров.

— Ҳа, алҳамдуиллаҳ, мусулмонман, — деб камчилигини тузатди Зоҳид, — лекин... очифини айтсам, нағоз ўқимайман.

— Оллоҳ сизни ва сиз кабиларни ўзи ислоҳ этсин. Сиз «Бу қанақа тентакки, қамоқда ўтириб шукр қилса», деб фикр қилаётган бўлсангиз ажаб эмас. Сиздан «мусулмонмисиз» деб сўраганимнинг боиси шундан иборатки, ҳар бир муслим ҳар нафасида Яратганга шукрлар қилмоғи фарэдир. Сиз тонгда уйғонганингизда Раббимга шукр қиласизми?

— Йў-ўқ, — деб тан олди Зоҳид.

— Шуниси ёмон-да. Ахир бир ўйлаб кўринг: агар Оллоҳ ирова этмаса уйғонмайсиз-ку? Уйку — ярим ўлим демак. Қанчадан-қанча инсонлар тунда уйқуга кетадилар, аммо уйғонмайдилар. Буни ўйлаб кўрмагандирсиз, а? Неча юз ёки минг инсон эрталаб хизматига кетади. Уйига эса қайтмайди. Кўчадами ё хизмат жойидами омонатини топширади. Сиз билан гаплашиб тур-

ган шу дамда қанча одам нафас олди-ю, нафаста қўшиб жонини ҳам чиқарди. Шундай экан, ёлғиз Оллоҳга шукр қилинг. Қамоқ эса... Бу Раббимнинг синовларидан бири. Раббим Ҳақ-таоло айтадики: «Эй, бандала-рим, мен бандаларим ичидан бир мўъмин кишини би-рон мусибат етказиб имтиҳон қилсан, у менга ҳамд айтиб, менинг имтиҳонимга сабр қилса, у ўша жойидан турганида гуноҳларидан онаси туқдан кунидек пок бў-либ туради». Бу каломнинг маъносини англадингизми? Тўғри, менга зулм қилдилар. Лекин улар қиёматда шунга яраша ўз ажрларини оладилар. Мен улардан ноли-майман. Уларни қарғамайман. Оллоҳ менга шу қамоқни лозим кўрибдими, шунисига шукр. Чунки бундан баттар зулмга рўбарў бўлганлар бор.

Зоҳид унинг гапларини дикқат билан эшитиб, ўйланди. Назарида Ботиров ҳали ўттизга кирмаган йи-гит эмас, олтмиш ёки етмиш йиллик умр йўлини бо-сиб ўтган, оқ-қорани яхши ажрата оладиган дониш-манд бир мўйсафиддай туюлди.

— Узриман, биродар, мен сизни асл мақсадингиздан бир оз чалғитдим. Сўрайдиганингизни сўрайве-ринг. Ҳар иккимизни Ҳақ йўлидан адаштирмасликни ёлғиз Оллоҳдан сўрайлик.

Маҳбусни сўроқ қилгани келган терговчи бу гап-лардан сўнг ноқулай аҳволга тушди. Сўроқни бошла-гиси келмади. Буни сезган Ботиров яна:

— Сўрайверинг, биродар, — деб қўйди.

Зоҳид хаёлини жамлаш учун қофозларига тикилди. Бир оз фурсат шу зайлда ўтгач, бошини кўтариб Боти-ровга қаради:

— Ботиров, биринчи марта нима учун қамалган эдингиз?

— Биринчи мартами?.. Бу жуда эски гап-ку, биро-дар?

— Эски бўлса ҳам билишим керак.

— Қофзода ёзилганлари тўғри. Мен ўшанда зулм қилганман. Уша йигитнинг биқинига михбурагични санчиб олганман. Ёш эдим, тезлик қилганман.

— Дастробки терговда «Бу йигитлар ёмон ҳақорат қилдилар», дегансиз. Батафсилроқ айтиб бера оласиз-ми?

— Батафсилми?.. Шартми шу?

— Шарт.

Ботиров бошини қуи эгди. Унинг бу ҳолатидан ўтмишини эслашга майли йўқлиги сезилди. Зоҳид

«Майли, хаёлини жамлаб олсин», деган фикрда унга бошқа гап қўшмади. Бир-икки дақиқалик сукутдан сўнг Ботиров бошини кўтарди. Ана шунда Зоҳид унинг кўзларида беғуборликни, юзларида эса ажиг нурни кўрди.

— Ўсмирикнинг чўққисига етганимда ўзимга яраша қайсар эдим. Худо мени куч-куватдан қисмаган эди. Шайтон алайҳилаъна эса мени кибр булоги сувидан суғориб турар эди. У пайтларда мен буларни англамас эдим. Ўзимга бино кўйиб юраверардим. Ўша кезлари бир биродаримнинг акаси уйланадиган бўлиб, тўйда хизмат қилдик. Тўйда хизмат қилиш ўзимга ҳам ёқарди. Ўзимни катта одам ҳис қилиб, бир-икки қултум шайтоннинг сувидан ҳам татиб турардим. Ўша тўйда бир улфат менга керагидан ортиқроқ хизмат буюрди. Назаримда улар мени қалака қилаёттандай туюлиб, айтганларини бажармай кўйдим. Уларга бу малол келди. Биттаси чақириб, сўқди. Мен жавоб қайтардим. Хуллас, тўй охирлагач, кўчага чақиришди. Тап тортмай ташлашдим. Тўрт йигитга бас келолмадим. Машиналарига босиб, овлоқ бир жойга олиб борицди. Уришди. Хуллас, қўл-оёқларимни боғлаб... ечинтиришди... Шунда инсофлироғи уларни тўхтатди. Қўл-оёғимни ечди. Машинада яна гап талашиб, олишиб кетдик. Шунда қўлимга михбурагич тушиб қолди. Эй-й... — Ботиров бош чайқади. — Шайтонга банди бўлганингда кўзингта ҳеч нарса кўринмас экан. Мента хайриҳоҳ бўлган, қўл-оёқларимни ечган, оғайниларини инсофга чақирган йигитнинг бикининг санчиб олсам-а... Улар яраланган оғайниларини касалхонага элтиб, мени маҳалламга олиб келиб роса тепкилашди. Уйга бир аҳволда кириб бордим. Адам раҳматли сафарда эдилар. Акам, онам ювиб-тараб, яраларимга малҳам кўйиб, ётқизиши. Бир ҳафта ўрнимдан турмадим. Сал ўзимга келгач, милисага олиб кетиши.

— Бир ҳафтагача сизга ҳеч ким ҳеч нарса демадими?

— Йўқ.

— Сиз дўхтирга ҳам учрамадингизми?

— Йўқ... Мен у йигитларнинг найрангини тушунмабман. Ўзимга келиб олишимни кутиб туриб, сўнг милисага айтишган-да. Майли, мен улардан хафа эмасман. Зулм қилдимми, жабрини тортишим керак эди. Мен ўшанда қозилардан ранжиган эдим. Ҳозир улардан ҳам хафа эмасман. Розиман, ҳаммасидан.

— Нимага? — деб ажабланди Зоҳид.

— Ахир улар адолат қилиша олмас әдилар. Одам адолат құлмоғи учун мусулмоншева бўлиши шарт. Ҳақ йўлида туриши керак, юрагида иймон нури, тилида Оллоҳнинг зикри бўлиши керак. Бусиз қандай адолат қылсинг? Бунақа одамларга менинг раҳмим келади. Оллоҳдан уларни ислоҳ құлмоғини сўраб дуолар қила-ман.

— Демак, сизга биринчи сафар тухмат бўлмаганми?

— Йў-ўқ... Бир жиҳатдан қамалганим яхши нати-жа берди. Қамоқхонада кўзим очилди. Шукрки, иймонли одамга дуч келиб, Ҳақ йўлини танидим. Шайтонга қуллик қўлмайдиган бўлдим, нафсим билан жиҳодга киришдим. Билмадим, бирордар, сиз бунга тушунармикинсиз... аммо мен баҳтимни ўша қа-моқда топдим.

«Бемаънилик, — деб ўйлади Зоҳид. — Қамоқ — жазо. Баҳт топадиган жой эмас. Бунинг эси оғиб қол-ганга ўҳшайди».

— Гапларим bemаънига ўҳшайди, а? — деди Боти-ров худди унинг фикрини уққандай. — Аммо Ҳақ йў-лидаги ҳар қандай одам гапимни тасдиқ этиши мум-кин. Бирор пул топса, бирор катта мансабга етишса, бирор яхши кўрган қизига уйланса.... баҳтимни топ-дим, дейди. Улар — адашган бандалар. Баҳтнинг чин маъносини англамайдилар. Энг улуғ баҳт — Ҳақ йўли-ни топиш, ўзини, бутун оламни яратган Роббисини таний бошлаш эмасми? Бу баҳтдан бенасиблик нима-ни англатади, биласизми?

Зоҳид сўроқ қилиши лозим бўлган бу маҳбуснинг гапларини тинглай туриб, бобосини эслади...

...Садақайрағоч каби ўсган оқ ўрик... Супага тўшак тўшалган. Бобоси... кўзойнакнинг синган банди ўрни-га ип тортиб қулоғига илган. «Қани, дўнгпешоналар, ўтиринглар-чи, эшитинглар-чи...» Ҳозир бобоси шун-дай деб чорлагандай бўлди. Сўнг кўп марта такрорла-ган гапларини айтди: «Оллоҳ таборак ва таоло инсон-ларни синамоқ учун бу дунёга юборган...»

«Бу йигит ҳам синовни гапирди. Синовдан ким ўтади? Фақат шу йигитга ўҳшаганларми? Биз-чи? Мен адолат излаб гангид юрибман. Топаманми уни? Топга-ним — синовдан ўтганимми? Синовдан ўтганим — баҳтимми? Баҳт тушунчаси шунчалар торми?»

— Мен фарзанд кўрганимда ўзимни баҳтли ҳис қилган эдим, — деди Зоҳид, масалани ўзи учун ойдин-лаштириб олиш учун. — Мен ҳам адашганманми?

— Сизга бу баҳтни ким берганини англағанмисиз? Унга шукр этғанмисиз? — деди Ботиров унга синовчан тикилиб.

Қамоқхонанинг заҳ хонасида, димиққан ҳавода нағас олиб, уларнинг баҳт масаласини ойдинлаштиришга киришишлари ажаб ҳол эди. Улар жисман бир хонада, аммо руҳан икки оламда эдилар. Шу ҳолатда баҳт хусусида ягона тушунчага эга бўлмоқлари мумкин эмасди. Айниқса Зоҳид маҳбуснинг баҳти нимада эканини ҳис қила олмас эди. Янада ойдинроқ айтилса, маҳбуснинг баҳтли бўлиши мумкинлиги унинг учун ёт тушунча эди.

У ҳиссиётта берилиб, асл мақсадидан узоқлашаётганини ҳис этди. Ботиров унинг кўзига бегуноҳ фариштадай бўлиб кўрина бошлаган эди. Унга «Маҳбусни яхши хислатларини излама, яхши фазилатига йўлиққан чоғингда кўзларингни юмгину сўроқни давом эттир», деб таълим беришган. Ҳар қандай даражадаги маҳбусдан бир поғона баландда туриб сўроқ қилиши лозимлигини ҳам унуганий йўқ. Лекин Ботиров остона ҳатлаб кирган онидан бошлаб уни чалфитиб юборди.

Зоҳид бу «дарс»ларга ҳамиша амал қилмаса-да, ҳозир хонаси келганини англади. Ҳаёlinи жамлаб, «Сен у билан баҳслашгани келмагансан, сен сўроқ қилгани келгансан. Маҳлиё бўлма. «Ўғри қариса — сўфи бўлади», деган мақол бор. Бу ҳам қилғилиқни қилиб қўйиб, кейин муллага айлангандир балки...», деб ўзига-ўзи танбех берди. Сўнг терговчи қиёфасига кирди:

— Ботиров, — деди у расмий оҳангда, — сиз бир қизни зўрлашда, сўнг унинг пули, кийимларини ўғирлашда айбланаисиз. Айбингизга иқрормисиз?

Ботиров суҳбат мавзунинг, гап оҳангининг кескин тарзда ўзгарганидан ажабланмади, балки «асл қиёфасига кирди», деб ўйлаб кулимсиради. Зоҳид бу кулимсираш замирида ётган аччиқ кинояни уқди. «Нимага куляпсиз?» деб ҳам сўрамоқчи бўлди. Бироқ, яна гапчувалиши мумкинлигини англааб, саволини такрорлади:

— Айбингизга иқрормисиз?

— Одам йўқ айбига иқрор бўлиши мумкинми?

— Ҳарҳолда сизга шундай айб қўйиб, қамашган.

Киз ҳам таниш чоғида сизни адашмасдан кўрсатган.

— Лекин у кейинги кўрсатмаларида тонган. Судда ҳам «Зўрлаган бу одам эмас», деган. Аммо қозилар

унинг гапларига эътибор беришмади. Сизларнинг ишингиз қизиқ. Қиз «Бу эмас», деб турса-ю, иш устида бўлмаганлар, «Йўқ, шу эди», деб ишонтироқчи бўлса... Шунчалар ҳам тұхмат бўларми? Ё Раббим, уларга ўзинг тўзим бер. Мен бир нарсага ажабланаман, биродар, нима учун тұхматта осонгина ишонасизлар-у, ҳақиқатга инонищдан бўйин товлайверасизлар? Ҳақиқатдан қочиш — дўзах олови сари бир қадам қўйиш эмасми, валлоҳи аълам?

— Қизнинг кейинги гапларини ҳақиқат деяпсизми?

— Сиз ҳам ишонмайсизми? У ҳолда яна қайта тергов қилингиздан наф борми? Ишончсиз кўллар билан адолат эшигини очаман, деб фикр қиляпсизми?

— Куруқ гап билан ҳақиқатни исбот этиб бўлмайди. Ҳозирча менинг ишончимни бир четга қўйиб турдилек. Қиз балки кейин қўрқитилгандир. Балки пул берилгандир... Шундай бўлиши мумкин эмасми?

— Мумкин эмас! — деди Ботиров қатъий тарзда.

— Бизнинг ишимизда бунақа гапидан қайтишлар кўп учрайди.

— Сизнинг ишингизда балки кўп учрап. Аммо менинг «Иш»имда бундай бўлмаган. Бизнинг у қизга берадиган пулимиз йўқ. Пулдор оила бўлганимизда биринчи сафар қаматиб қўйишмасди. Пулдор бўлмаганимиз ҳам яхши экан. Йўқса, кулоқларимизгача гуноҳга ботар эдик.

— Қўрқитиш-чи?

— Пулсиз оила зўравон бўлармикин? Уни ким қўрқитади? Онамми? Сиз... онамни кўрдингизми? Бир кўринг... Гаплашинг... Акам билан ҳам гаплашинг... Акам... Агар кўлларини чивин чақиб турганини кўрсалар, аввал: «Шу чивинни ўлдириш мумкинми?» деб домладан сўраб оладилар. Шундай одам қизни қўрқитармикин?

— Унда сабаб нима?

— Худонинг ўзи қизни тўғри йўлга солган, валлоҳи аълам. Тұхмат туфайли қандай гуноҳ ботқоғига ботаётганини билгандир. Сиз унинг ўзи билан гаплашингизми?

— Гаплашдим.

— Нима деди?

Зоҳид унга «Терговчи менманми ё сизмисиз?» дегандай савол назари билан қаради. Ботиров бу қарашнинг маъносини уқиб, бошини эгди.

— Вөкөа содир бўлган куни, яъни 1986 йилнинг йигирма биринчи декабрида қаерда эдингиз?

— Уч марта суд бўлди. Унгача неча марта сўрашди. Яхшилик билан ҳам сўрашди, ёмонлик билан ҳам сўроқ қилишди. Ҳар сафар тўғрисини айтдим. Иккинчи судда гапимга ишониб оқлашди. Лекин адолат қилган суд яна бузилди. Учинчиси яна қўшиб берди. Мен ҳеч қачон иқрор бўлмаганман. Қиз ҳам айловни рад этди. Лекин... Сиз яна сўрайпсиз. Ҳаммаси қоғозларингизга ёзилган-ку?

— Ёзилган бўлса ҳам саволимга жавоб беринг.

— Уша куни устозимни Оллоҳнинг ҳузурига кузатган эдик.

— Аниқроқ айтинг.

Ботиров бошини кўтариб, Зоҳидга норози қиёфада боқди.

— Устозимнинг жанозалари бўлган эди, — деди сал қўполроқ оҳангда.

— Устозингиз ким?

— Неъматиллоҳ аллома.

— Қайси қабристонга қўйгансизлар?

— Қабристоннинг номи эсимда йўқ.

— Жанозани қайси масжидда ўқидинглар?

— Жаноза ҳовлида ўқилган.

— Нима учун масжидда ўқилмади?

— Жамоат кўп эди... Ундан ташқари... ўшанда масжид беркитилган экан.

— Устозингизнинг уйи қаерда эди?

— Бу шаҳарда эмас...

Ботиров айтди. Зоҳид дафтарчасига ёзиб олди.

— Ҳаво қандай эди ўша куни?

— Совуқ эди. Майдалаб қор ёққан эди.

— Жанозани ким ўқиган эди?

— Абдунаби қори. Устознинг энг яқин шогирдлари.

— У сизни кўрганми?

— Кўрган. Уч кун бирга бўлганмиз.

— Буларни нима учун терговда айтмагансиз?

— Айтганиман. Эътибор беришмади. Судда ҳам Абдунаби қорини чақиринглар, дедим. Хўп, дейишди-ю, чақиришмади.

— Ўша куни устингиздаги кийим қандай эди?

— Устимда... пальто, оёғимда маҳси-калиш. Бошимда телпак. Кўнгир күён терисидан. Уст-бошим сизларда... уйда эмас.

— Қабристонни эсланг-чи. Қайси кўчалардан юриб

борилади? Жасад қаерга кўйилган? Йўл бўйидами, бирон дараҳт яқинидами? Балки ўриндиқлар бордир?

— Ўриндиқми?.. Ўриндиқнинг оёқлари бор эди. Тахталари сууриб ташланган экан. Қабристонга келиб Куръон ўқилмасин, деган буйруқ бўлган экан.

Ботиров Зоҳиднинг майдалаб сўрашидан дастлаб фашланди. Сўнг кўнглига чироқ ёқилгандай бўлди. «Ҳарҳолда бу йигит қўл учида иш юритадиганга ўхшамайди. Икир-чикирларга қизиқаётганидан яхшиликни умид қилиш мумкин», деб ўйлаб барча саволларга эринмай жавоб қайтарди. Зоҳид унинг айтганларини қофозга ёзib олиб, сұхбат сўнггида имзо чектириди. Тергов якунланганини англаган Ботиров яна «Ё Роббим, барчаларимизни ўзинг ислоҳ айла!» деб дуо қилди.

«Мен унинг ўрнида бўлганимда Худодан терловчиларга инсоф беришини сўраган бўлардим», деб ўйлади Зоҳид. У ўнлаб жиноятчи, гувоҳларни сўроқ қилиб, бугунчалик қийналмаган эди. Назарида бу маҳбус оғир бир тошни унинг елкасига кўйиб чиққандай туюлди. Бу қандай тош — гуноҳлар тошими ё масъулиятми, билмади. Лекин оғирлигини ҳис этди. Тобора чўкиб бораётгандай бўлди. Елкаларини тош ззиб, зириллаб оғрита бошлади...

4

Сўроқҳонадан чиқиб келаётган Зоҳидга соқчи бошлиқ йўқлаётганини маълум қилди. У «Бирор расмиятчилиги бордир», деган фикрда қамоқхона бошлиғи хонаси томон юрди. Бошлиқ республика прокуратурасидан йўқлашгани, ҳозироқ етиб бориши зарурлигини билдирганда «Ҳосилбойваччанинг мурдаси топилдимикан?» деган хаёлга бориб, Саид Қодиров билан учрашувга шошилди.

Саид Қодировнинг столи усти одатдагидай тартибли эмасди. У бир неча «Иш» тўпламларини ёйганича нималарнидир ёзиш билан машғул эди. Эшикни тақиллатиб кирган Зоҳидга бир қараб олиб, ишини давом эттирди. Зоҳид халал бермаслик учун изига қайтмоқчи эди, у қофоздан бошини кўтартмаганича «Киринг, ўтиринг», деди. Зоҳид юмшоқ курсига чўкиб ўтирганида «Қаҳва тайёрлаб ичинг», деб қўйди. Зоҳиднинг қаҳва ичгиси йўқ эди. Шу боис ўрнидан жилмади. Ярим соат давомида хонага сукунат ҳукмронлик қилди. Қофознинг шитирлаши, Саид Қодировнинг

дам-бадам томоқ қириб қўйиши сукунат ҳукмронлиги мутлақ эмаслигидан дарак берарди.

Сайд Қодиров ишини якунига етказгач, қўлидаги қаламни стол устига ташлаб, керишди. Сўнг кўзларини уқалаб олиб, Зоҳидга қаради:

— Узр, каттанинг топшириғи. Бетоқат бўлиб кутиб ўтирибди. Юқорига чиқиши керак экан. Ишларингиз қалай?

— Ёмон эмас.

— Яхши ҳам эмас. Шариф Намозов деган одамни танийсизми?

— Ҳа. Винзавод директори. Прокуратурага ўтганимда биринчи бўлиб шунинг иши билан шуғулланганман.

— «Иш»ни охирига етказганмидингиз?

— Йўқ.

— Нима учун?

— Винзавод директори туҳмат қилганини бўйнига олган экан. Лекин... «Иш»ни мен ёпмаганман. Нега сўрайпсиз?

— Шарипов билан Москва шуғулланяпти. Винзаводдан жуда кўп миқдордаги маҳсулот Красноярскка юборилган. Ҳужжатлар қалбаки экан. Москвадан тергов гуруҳи келган. Бошлиғи нақ Азроилнинг урточисими, дейман. Балки сизни ҳозир кутиб ўтиргандир. Ҳар бир гапингизни ўйлаб гапиринг. У билан ўчакишманг. Эски одатингизни қилиб ҳақиқат талашманг. Москвадан келадиганларга ҳақиқат керак, деб янглишманг. Уларда ҳам нафс бор.

— Тушунмадим? Нима, унга пора беришим керакми?

— Мен унақа деганим йўқ. Сафсата сотманг, уларга ҳақиқат керакмас, деб огоҳлантиromoқчиман, халос. Ошиқча гапириб юбормасангиз бас. Уюшган жиноятчилик ҳақида умуман гап очманг. Сиз бу ҳақда ҳеч нима билмайсиз.

— Шуни айтгани чақирирдингизми? — деди Зоҳид норози оҳангда.

— Ҳа. Яна қайтараман: эҳтиёт бўлинг. Ҳозирги ишларимизнинг исини чиқарманг.

Сайд Қодиров шундай деб қофозларини йифиштира бошлади.

— Кетаверайми? — деди Зоҳид.

— Ҳа. Айтмоқчи, Шарипов ҳибсда, буни ҳам билиб кўйинг.

Зоҳид ташқарига чиқиб, совуқдан жунжиқди. Сайд Қодировнинг маҳсус قاқириб огоҳлантириши унга ортиқчадай туюлди. «Бунча ваҳима қилади. Мен қорадори бўйича «Иш» очдим. Ҳаммаси қонуний бўлди. Уни бошқалар чиқариши. Винзавод ҳужжатларида қалбакилик бўлса, менинг нима алоқам бор?»

Ишхонасиға боргунига қадар шу фикрда бўлди. Фақат хонасиға яқинлашганида эшик оғзида икки ноғаниш йигитни кўриб огоҳлантиришнинг бежиз эмаслигини англади.

Эшик очмоқчи бўлганида йигитлардан бири йўлини тўсди-да:

— Кимсиз? — деди дағал оҳангда.

Зоҳид ўзини таништириб, гувоҳномасини кўрсатгач, унинг ўзи эшикни очди. Зоҳид ўзининг ўрнида ўтирган аёлни кўриб «Московдан келган Азроилнинг урғочиси шуми?» деб ўйлади. Зоҳид ичкари кириб, орқасидан эшик ёпилгач,mallasoch ўрнидан турди.

— Арина Бергер, СССР прокуратурасиданман, — деди-да, стол устидаги кутидан сигарет олиб, лабига қистирди.

— Шарипов, — деди Зоҳид, ўзини таништириш мақсадида.

— Шариповлигинизни биламиз, ўтириңг, — деди Бергер сигарет тутатиб. Сўнг столга омонат ўтириди-да, унга тикилди.

— Иш пайтида қаерларда юрганингизни раҳбарлар билишмайдими?

— Иш пайтида иш билан шуғулланамиз, — деди Зоҳид унинг қилиғидан ғаши келиб.

— Қаерда эдингиз?

— Шаҳар турмасида.

— Сиз Шариповсиз... Шариф Намозов кимингиз бўлади? Шариф... Шарипов...

— Ўзбекларда бундай исм кўп учрайди. Русларнинг Иванияга ўхшайди.

— Шунаقا дeng? Русларга ўхшаса яхши... Демак, Шариф Намозов кимингиз бўлади?

— Ҳеч кимим, бегона одам.

— Ҳали «Уни танимайман» ҳам дерсиз?

— Танийман.

— Қизиқ... дарров танишингиз қизиқ?

— Прокуратурадаги биринчи ишим. Ҳали бир йил ҳам бўлганий йўқ. Хотирам ҳам яхши, нолимайман.

— Хотирангиз яхшими? Бу жуда гўзал! Ҳозир си-

наб қурамиз. Мушук-сичқон ўйнаймизми ё тўғрисини айта қоласизми?

— Ниманинг тўғрисини?

— Тушунмаяпсизми? Яхши, лўнда қилиб айтайми?

Гап шу бўлмаса: қамоқдан чиқариб юборганингиз учун Шариф Намозов сизга қанча ҳақ тўлади?

Бундай аҳмоқона саволнинг бу қадар безбетларча берилишини Зоҳид кутмаган эди. Савол ханжар бўлиб юрагига санчилиб, бир бураб олингандай бўлди.

— Бунаقا саволни... ҳазиллашиб ҳам бериб бўлмайди, — деди у ғазабини ичига ютиб.

— Мен ҳазиллаётганим йўқ, — деди Бергер. — Сиз билан ҳазиллашай деб икки қитъани босиб келганим ҳам йўқ. Мени ҳақиқат, фақаттинга ҳақиқат қизиқтиради. Хотирингиз жам бўлсинки, мен унинг тагига етаман. Хўш, яна ўша саволга қайтамиз?

— Намозов ишини мен бошлаганман. Лекин уни қамоқдан мен чиқармаганман.

— Биламан. Бу Келдиевнинг иши. У билан гапимиз бошқача бўлади. Мен сиз — ўзбекларни яхши биламан. Бирингиз иккинчингизга ошириб турасиз. «Иш»ни сиз очгансиз, агар розилик бермасангиз Келдиев ёпа олмас эди. Хўш, нима учун рози бўлдингиз? Розилигингизнинг нархи қанча?

— Сиз мен билан бу тарзда гаплашманг, ҳаққингиз йўқ! — деди Зоҳид, бу сафар ғазабини яшира олмай.

— Нимага ҳаққим бору нимага йўқ, сендан яхшироқ биламан, — деди Бергер оёққа қалқиб. — Сен покмисан? Пок бўлсанг нима учун индамай турдинг? Нима учун юқорига ёзмадинг? Ҳаққинг бор эди-ку?

— Бу менинг хатоим бўлиши мумкин.

— Ҳар бир хатонинг ўзига яраша ҳақи бўлади.

— Мен шу пайттacha бирордан пора олмаганман, бундан кейин ҳам олмайман.

— Бунаقا кулгили чўпчакларни болалар боқчасига бориб айтиш керак. Мен бола эмасман, СССР Прокуратурасиданман! Бу «Иш», азизим, сен ўйланчалик ҳазил иш эмас. Билиб қўйганинг яхши: «Ўзбек иши»нинг иккинчи саҳифаси очиляпти. Ҳали кўп одам боради борадиган жойига. Ўртоқ Гдлян айтган: сенлар билан одам тилида гаплашиб бўлмайди. Сенлар одам тилини билмайсанлар. Гап шу: Намозов тан олди. Сенга эллик минг берган экан.

Эртага эрталаб мана бу ерга, — Бергер стол устини шапатилаб қўиди, — йигирма беш мингни қўясан. Келишдикми?

«Ву Азроилнинг урғочиси нималар деб ваддираяпти? Пора сўрайтими ё синамоқчими? Шарипов бермаган нарсасини «Бердим» деган бўлса-чи? Қийноққа олган бўлса, айтиб юбориши ҳеч гапмас. Хўш, айтса нима? Бир аҳмоқнинг гапи ҳақиқат эмас-ку?»

— Келишдикми? — деди яна Бергер унинг ўйга берилганини кўриб.

— Йўқ, келишмадик, — деди Зоҳид қатъий овозда. — Мен ундан сариқ чақа ҳам олмаганман.

— Мен аёл бўлсан ҳам сен билан эркакчасига гаплашяпман. Сен эса хотинга ўхшаб чайналяпсан. Эркакмисан ўзинг? — Бергер қўлидаги сигаретни пастга ташлаб, этигининг учи билан эзди. — Яхши. Эрталабгача ўила. Мен сенга шанс бераман: камерада эмас, уйингда ўйлайсан.

— Ўйлашнинг ҳожати йўқ: ундан ҳеч нарса олмаганман.

— Фирт аҳмоқ экансан! Сен мен берган шансдан фойдаланишини истамадингми? — Бергер саволига жавоб кутмай, даҳлиздаги йигитлардан бирини чақирди: — Влад!

Кираверишда Зоҳидни тўсган қорувли йигит ҳаялламади. Эшикни очиб, ичкарига бир қадам қўиди.

— Олиб чиқиб, камерага тиқ буни. Ҳом калласини пишишиб олсин. Бир тишлам нон, бир хўплам сув ҳам берилмасин.

Зоҳид ишнинг бунақасига айланишини кутмаган эди. Шу сабабли гангиб қолди. Сўнг ўрнидан сапчиб турди-да:

— Ҳаққингиз йўқ! — деди, овозини бир парда кўтариб.

— Ҳаққим бор, — деди Бергер кибр билан.

— Прокурор рухсатномасини кўрсатинг, — деб талаб қилди Зоҳид.

— Рухсатномами? — деди Бергер, сўнг икки бармоғи орасига бош бармоғини қистириб Зоҳиднинг бурнига тақади. — Мана сенга рухсатнома! Мен СССР прокуратурасиданман, шунинг ўзи сенга кифоя эмасми? Влад, олиб чиқ.

Зоҳид қаршилик қилиш бефойда эканини билиб, Владнинг олдига тушди.

Асадбек туш курди.

Қабристон... Рұхі шодлар ва қабр азобини чекаёт-
ганлар диёри. Бу дүнгликлар одамларнинг жасадлари
билан бирга қанча сир-синоатларни яширган экан?
Бойлик йўлида ҳеч нарсадан қайтмаган ҳам, бир бурда
нонга муҳтож бўлғанлар ҳам шунда. Унисининг ҳам,
бунисининг ҳам бошида гувала...

Уркач-ўркач ҳисобсиз дўнглик — ҳисобсиз қабр,
ҳисобсиз тақдир, ҳисобсиз ажр...

Айрим қабрлар устида ажаб нур жилва қиласиди.
Асадбекнинг кўзлари бу нурдан қамашади. Нур оппоқ
кушларга айланниб, чарх ура бошлади. Асадбек онаси-
нинг қабрини излайди. Икки қабр... Ёнма-ён... Кора
мармартош кўйилган. Бири онасиники, кичикроги
Самандарники... Ажаб манзара: бу қабрлар устида оп-
поқ кушлар чарх урмайди. Аксинча, олов тиллари кў-
ринади. Кимнингдир оҳ ургани эштилади. Асадбек бу овоз эгасини танийди: онаси! Самандарнинг ўли-
мидан сўнг уйқусиз тунларда шундай оҳ чекарди. «Ёт-
ган ерларида ҳам оҳ уряттиларми?» Асадбек ажабла-
ниб қабр сари юради, юраверади. Қабр эса ундан қоч-
гандек чекинади, чекинаверади... Сўнг... олов тиллари
ўрнида онаси кўринади. Кўлида Самандар — хаста Са-
мандар. Кўзлари юмуқ. Ҳаракат сезилмайди. Жонсиз
Самандарми? Сўнг... отаси...

— Ада? — деб ажабланади Асадбек, — Сиз ҳам шу
ердамисиз?

— Ҳаммамиз биргамиз, тойчоқ, — дейди отаси
жилмайиб.

— Яқинда мен ҳам келсам керак, — дейди Асадбек.

— Келасан... Мен кутяпман. Сенга чена ясаб
қўйибман... Ченада учишни соғиндингми?

— Соғиндим ада...

— Болам, қийналиб кетдингми? — дейди онаси.

— Қийналдим, — дейди Асадбек.

— Кела қол, аданг ченада учирадилар. Қара, ёғоч
чена ясабдилар ўzlари.

Асадбек атрофга аланглайди. Чана кўринмайди.
Баъзи қабрлар устида чарх ураётган оқ кушларга ажаб-
ланиб қарайди:

— Булар қандай қушлар? — деб сўрайди Асадбек.

- Булар шу қабрларда ётганларнинг руҳлари. Улар у дунёда солиҳ фарзандлар қолдирғанлар.
- Сизниңда олов күрдим?..
- Оҳ... болам... сен қабр азоби нима эканини билмайсан...
- Сизлар бу дунёда ҳалол яшадингиз, умрларингиз азоб билан ўтди. Яна қандай азоб бўлиши мумкин?
- Солиҳ фарзанд...
- Тез-тез худойи қиласман, кўйлар сўйдирман, маҷит қурдиряпман.
- Бу етарли эмас, болам... Солиҳ фарзанд амали...
- Солиҳ фарзанд амали? Нима бу?..
- Онаси жавоб ўрнига «Оҳ!» деб қўяди. Қабристон этагида оқ туялар кўринади. Туя карвони аста юриб қабристонни тарқ эта бошлайди.
- Оқ туялар кетишяпти, — дейди онаси афсус билан.
- Уларни қайтариш керак, — дейди отаси.
- Мозоримииздан авлиёлар кетиб қолишияпти.
- Одамлардан иймон кўтириляпти...
- Асадбек ўйланди. Аввал ҳам кимдантир эшишиб эди бу гапни. Ҳа, эслади: Манзура айтиб эди. Онаси ҳам айтяпти...
- Туяларни қайтараман, — дейди Асадбек.
- Онаси афсус билан бош чайқайди. Отаси эса:
- Сен қайтаролмайсан, — дейди.
- Қайтараман, — дейди Асадбек ўжарлик билан.
- Кейин... югурмоқчи бўлади. Югурман, дейди-ю, зил-замбил оёқлари ўзига бўйсунмайди. Кимдир қаҳ-қаҳ отиб кулади. Атрофига аланглаб кулги эгасини қидиради. Бир дўнг устида Ҳосилбойваччани кўради.
- Аблаҳ, сен тирикмисан, ўлмаганмидинг? — дейди Асадбек.
- Мен ўлмайман. Мени ҳеч ким ўлдиролмайди, — дейди Ҳосилбойвачча, — югурма, овора бўлма. Барibir етолмайсан. Туялар кетиб бўлди.
- Етиб оламан, — дейди Асадбек. Сўнг яна югурмоқчи бўлади. Оёқлари бўйсунмайди.
- Бир жойда... бўри кўринади. Ниманидир иштаҳа билан еяпти. Асадбек тўхтаб, бўрига тош отади. Бўри осмонга бўйнини чўзиб увлайди. Шу аснода у... оғзи қон Кесакполвонга айланади.
- Ҳайдар?! Сен нима қиляпсан бу ерда?

Кесакполвон оғзидан қонни оқизиб кулади. Асадбек унинг ўлжасига қарайди: Чувринди! Кўкси ёрилган. Юраги суғуриб олинган...

— Ҳайдар! Аблаҳ! Нима қиляпсан?

— Улиб қолибди, гўшти бекорга исроф бўлмасин, деб еяпман. Ма, сен ҳам е, юраги ширин экан.

Шундай деб қон томиб турган юракни узатади.

— Иўқол, ҳайвон! — Асадбек щундай деб чекинади. Кесакполвон эса юракни чўзганича уни таъкиб этади. Сўнг юракни тишлаб, чайнай бошлайди...

— Иўқол, ҳайвон! Иўқол!..

Асадбек ўзининг бақириғидан ўзи чўчиб тушди. Аъзойи баданини тер босган, нафас олиши оғирлашган ҳолда уйғонди. Ҳонада ҳаво қолмагандек туюлиб, деразани очди. Епирилиб кирган муздек ҳаво йўталини уйғотди. Ҳайдори ютса ҳам кор қилмади. Йўтал овозидан сергакланган болохонадаги йигитлардан бири чойнак кўтариб кириб, бир пиёлада қайноқ чой узатди.

Йўтали босилгач, Асадбек ўрнига беҳол чўзилди.

«Шу йўтал олиб кетадими энди... — деб ўйлади у. — Битта йўталга кўшилиб чиқадими жоним? Шунча тўплаган бойлигим битта йўталнинг эвини қиломайдими? Дардимга даво беролмайдиган бу бойликни нима учун йиғдим? Болаларим учунми?.. Ҳа, болаларим учун...»

«Кимнинг пули бўлса — ўшанинг келажаги бор. Пули йўқда келажак нима қилсан? Умуман... пули йўқ одам бу дунёда яшамаса ҳам бўлади», деб юрган одам ҳолсизланиб ётиб, ўзини ўзи овутгарди. Ҳозир унга «Пулдорнинг аҳволи шуми? Пулдор одамнинг келажаги — кафанми?» дейдиган одам йўқ. Буидай фикр қоронгуликдаги ақлнинг қай бир қирраларини ёритади. Лекин у мазкур ҳақиқатни тан олишни истамайди. «Нима қилган бўлсан болаларим учун эди», деб ўзини ўзи ишонтироқчи бўлади...

«Узим йўқчиликка чидардим. Манзура ҳам чидарди. Болалар зориқмасин, дедим. Болаларим... ўлим олдидан уларни кўриш насиб этадими? Уларга нима дейман? Ҳа... «Рози бўлинглар», дейман. Зайнаб... рози бўлармикин? Балки... кўнглим учун «розиман», дер. Лекин... Мен уни бахтсиз қилдим. Ҳар нима бўлганда ҳам отарчига узатмаслигим керак эди. Мендан катта хатолик ўтди... Отарчини ўлдиришим керак эди... Ожизлик қилдим... Маҳмудга айтиб кўйишим керак...

Мендан кейин уни ўлдирсинг... Йўқ... Балки бундан бу ёғига яхши яшаб кетишар?..

Одамлар «Киши қачон ўлишини билса, юраги ёрилиб ўлади», дейишарди. Мен нимага талвасага тушмаяпман? Нега кўркмаяпман? Ўлишим аниқ бўлиб қолди-ку? Лекин қачон? Эртагами? Ўн кундан кейинми ё ўн ойдан кейинми? Йў-ўқ... ўн ойга бормасам керак. Балки... эрталабгача ўларман. Яна бир йўтал тутса... жоним ҳам чиқиб кетар?..»

Шу хаёллар оғушида ётган Асадбек қайси бир худойида, қайси бир мулла айтган ривоятни эслади:

«Хорун ар-Рашиддан сўрабдилар:

— Ичаётган бир култум сувингиз учун ҳақ сўрасалар нима берар эдингиз?

— Ярим давлатимни, — дебди Хорун ар-Рашид.

— Агар ичган сувингиз ташқарига қайтмаса, қайтариш ҳаққига нима берардингиз? — деб сўрабдилар.

— Қолган ярим давлатимни, — дебди Хорун ар-Рашид.

— Демак, давлатингизнинг қадри бир култум сув экан-да, — деб хулоса чиқарган эканлар...»

Бехос ёдига тушган бу ривоят мағзини аввал чақиб кўрмаган, шунчаки бир чўпчак сифатида қабул қўйлган эди. Ривоятга яширган фалсафани шу ётишда англади.

«Менинг давлатим эса биргина нафас, — деб ўйлади у. — Тўйиб-тўйиб нафас олишга зор бўлиб ўламан. Жоним йўтал билан чиқса ўлганимни билмай ҳам қолишади. Бирор хабар олгунча сасиб ётавераман. Жагимни танғишида, оёқларимни боғлашади. Дод-вой... Ким йиглайди? Үгилларим узоқда. Зайнаб дод солар балки... Яна бир-икки хотин қўшилар... Хотинларнинг ёлғондан бўлса ҳам йиглаб тургани яхши. Бўлмаса бу уйдан ўлик чиққанини бирор билмайди. Хотинларнинг йигисисиз ўликнинг ҳам файзи бўлмаса керак... Манзура етиб келса бу ёғини ўзи эплаштиради! Йў-ўқ... у йигламайди. Жалилнинг онаси ўлгандамиди... ҳа, ўшанда йигисини эшитиб «Додлашни ҳам ўрнига кўяр экансан, ўлсам маза қилиб эшитиб ётаман», деб ҳазиллашганимда «Вой адаси, хотинлар эрига йигламайди, айб бўлади», деган. Қизиқ... нима учун айб бўлади? Манзуранинг йиглаши шарт ҳам эмас. Балки... қутулганига шукр қилар?.. Менга текканидан бери боши ташвишдан чиқмайди. Энди яйрайман, де-

ганида болаларни ўқишга жунатдим. Кейин чет элга юбордим. Уларни соғинди. Соғинди-ю, «Соғиняпман», деб зорланишга мендан күркди. Қизиқ... урмасам ҳам мендан күркади-я... Зайнабнинг ташвиши уни тамом қилди. Яхши ҳамки кейинги воқеалардан узоқроқда. Билса юраги ёрилиб кетарди. Келинларини бошлаб келиб роҳат кўраман, деганида мен чузилиб ётсам... Бир жиҳатдан у келгунича жўнаворганим ҳам яхши. Ўлигимни кўрмаса бир-икки кун йиглаб, кейин кўнишиб қолади... Мени таниш-билишларимнинг ўзлари жойимга олиб бориб қўя қолишиади. Жанозага тизилишиади. Домла ақл ўргатади. Нима дейди? «Одам охир-оқибат ўлмоқ учун бу дунёга келади», дейдими? «Пенсияга чиққандан кейин намоз ўқийман, деб кутманглар, мана бу биродаримиз ҳам пенсия ёшига етмабдилар. Ўлмасингиздан олдин бир марта бўлса ҳам пешонангиз жойнамозга тегсин», дейдими? Ё «Ёточ отта миниб келмасингиздан аввал ўз оёғингиз билан масжидга келиб туриңг», дейдими? Кейин «Марҳумнинг яқинлари ким?» деб сўрайди. Ким чиқади? Ҳайдарми? Маҳмудми? Иўқ, Жалил чиқади. «Марҳум бирордан қарз олган бўлса, тўлайман», деб сўз беради. Тентак: Менинг кимдан қарзим бор экан? Одамлар мендан қарз. Лекин улар қарзларини келтириб беришмайди. Ўлганимдан хурсанд бўлишиади. Балки ўшалар «Тезроқ ўла қолсин» деб дуо қилишаётгандир... Мен... Жалилдан қарzman. Ҳа... қарзим бор ундан. Ҳовлижой олиб беришим керак эди. Маҳмудга тайинлаб қўйишим керак, мендан кейин олиб берсин. Кейин... кўтаришиади. Тобутнинг бир чеккасидан ушлаш савоб экан. Мени кўтариш ҳам савобми? Одам йигилади? Юзтами, мингтами? Шундан қанчаси хурсанд, қанчаси хафа?.. Жойимга ётқизишиб, бир кафтдан тупроқ ташлашиади. Жойим... жойим қоп-қоронғи лаҳадми? Кейин... «Асадбек қанақа одам эди?» сўрашиади. «Яхши одам эди», дейишади. Ҳа... Бу гаплари тўғри бўлади. Дунёдаги энг яхши одам — ўлик одам. Чунки у бирорга ёмонлик қилмайди...»

Шу фикрга келган Асадбек қалдини кўтарди. Назарида шу ётишида ўлиб қоладигандай туюлиб ўрнидан турди. Шу пайтгача ўлимини ўйлаганида унча чўчимаётган эди. Ҳозир лаҳадда ётиши кўзи олдига келганда совқотаётган одамдай этлари жунжикди. Кўркди. Ўлимидан эмас, лаҳадда ётишидан кўркди.

Лаҳад — у дунё останаси. Асадбек бу останада ўзини нималар кутаётганини, қандай савол-жавобга мубтало бўлишини ўйламади. У қоронғу, зах лаҳадда ёлғиз ётишдан қўрқди. Нопок дил ила, имонсизлик ила ўз умрини вайрон қилишдан қўрқмаган одам лаҳадда ётишдан қўрқди. Тушида онаси айтган қабр азоби нима эканини билмай туриб, лаҳадга тушишдан қўрқди...

Назарида уй торайиб лаҳадга айланаштандай бўлди. Юраги ўйнаб, дераза токчасидаги тутмани босди. Хасталикка чалинганидан кейин Чувриндининг топшириғи билан барча уйларга қўнғироқ тутмалари ўрнатилган, Асадбек болохонадаги йигитларни шу тутмалардан бирини босиб чақиради.

Навбатчи йигит ҳаялламади.

— Жалил акангни олиб кел, — деди Асадбек унга.

Навбатчи йигит узоқлашгач, Асадбек яна қўнғироқни босди-да, изига қайтиб «Лаббай, Бек ака» деганича қўл қовуштирган йигитга:

— Жалилнимас, Маҳмуд акангни топ, — деб буюрди.

Асадбек Жалилни кўрмоқни истаган эди. Лекин «Мен пингилласам, у бобилласа дилим хуфтон бўлар», деган ўйда кўнглига қарши иш қилди.

Чувриндини чақиришишга чақириди-ю, «Яrim тунда овора қилишим шартми?» деб ўйлади. Ўзини хаёлан лаҳадда кўрганидан сўнг уйда ёлғиз қололмас ҳам эди. У Чувринди келган тақдирда ҳам бу уйда кўнгли осойиш топмаслигини билиб, яна қўнғироқ тутмасини босди-да, останада кўринган йигитта «Чакирма. Машинани олиб чиқ. Идорага борамиз», деди.

Хўжайнинг ярим тунда келиши Бўтқа учун кутилмаган ҳолат саналарди. Тўғри, у Бек акаси куннинг исталган вақтида пайдо бўлиши мумкинлигини билади, ҳамиша шунга шай туради. Аммо уйида дам олиб ётган одамнинг ярим тунда йўлга чиқиши уни бир оз хавотирга солди.

Замон сал қалтислашгани сабабли кейинги ойларда тунги маишатлар асосан тўхтатилган бўлса-да, айрим кўнгли нозик акахонлар ҳануз бу ертўлага кўниб туришарди. Бу тун ҳам кичик улфат айш сураётган дамда Асадбекнинг ташрифидан огоҳ бўлинди-ю, тезгина тарқалинди. Бўтқа «Бек акам кеннайимсиз сал қийналгандирлар», деган ўйда ҳар эҳтимолга қарши, ўз таъбири билан айтилганда иккитагина «кушча»ни учириб юбормай, олиб қолди.

Видеобардагилар уй-уйларига жұнаган бўлсалар-да, улардан мерос қолган ароқ ҳиди, сигарет тутунлари ҳали тарқамаган эди. Асадбек ичкари кириши билан Бўтқани бўралаб сўкди.

— Йиғиштири демаганмидим бу ишларни! — деб, қулочкашлаб урди.

Зарба қучли эмасди. Шу боис Бўтқа бир тебранган бўлди-ю, йиқилмади. Аслида бу зарбага чап бериши мумкин эди, аммо хўжайиннинг муборак қўллари қуруқ қайтмасин деб жағини тутиб берган эди.

— Акахонлар илтимос қилишувди, йўқ дея олмадим, — деди айбдор боланинг ҳолатида.

— Ким у акахонларинг?

Бўтқа Асадбек ҳурмат қиласиган икки одамнинг номини айтишга айтиб, «Ишқилиб текшириб қолмасин-да», деб чўчиди. Агар бу одамларнинг бутун келмагани Асадбекка маълум бўлсами, бир-икки мушт билан қутулолмаслигини у яхши билади. У ҳожасига ёлғон гапириш мутлақо мумкин эмаслигини ёдида сақласа ҳам баъзан шунаقا алдовлардан фойдаланишга мажбур бўларди. Хайриятки, бу сафарги ёлғони уни маломатдан қутқарди.

Асадбек тўғрига, иш юритадиган хонасига эмас, чапдаги хос хонага кириб, диванга ёнбошлади-да, остоноада буйруқча маҳтал турган Бўтқага қараб:

— Ниманг бор, олиб кел, — деди.

Бўтқа шу туришида эгасининг кўзига мўлтилаб қараб, думини ликиллатаётган кўпрак ҳолатида эди. У ҳожасининг кўнгли нима тусаёттанини билгандай видеога хориж фильмини кўйгач, дастурхон тузаш тадоригини бошлади. Ўзи ошхонада масаллиқларни тайёрлаб турди. Олиб қолган икки «кушча»си эса хизматда бўлди. Оқ ҳарир кўйлакдаги «кушча»лар хонага гўе сузиб кирдилар. Ичимлик, емакларни карашма билан кўйиб, карашма билан чиқдилар.

Асадбек бу ёқса келаётганида қизлар билан майшат қилишни ўйламаган эди. Унинг мақсади уйидан сал четроқда бўлиш, кўз олдига келтиргани — лаҳадда ётиш манзарасидан узоқлашиш, бирор пиёла ароқни симириб сархуш бўлиш эди. Қизларни кўргач вужудида шаҳват уйғона бошлади. Яқиндагина лаҳалла ётишдан кўрқсан одам бу дунёнинг жаннатида хузур қилишни айлороқ деб билди.

Адашган бандагина ҳаётнинг лаззати шароб ва зинода деб билади. Бунинг алдамчи лаззат эканига ақли

қосир банданинг фаҳми етмайди. Шароб ва зино лаззати данак устини яламоқ кабидир. Чин лаззат эса данак устида эмас, мағзида эканини англамоқ шу қадар мушкулми? Бу данак ақл билан чақилади. Ақл шу даражада заифми? Чин лаззат — рух лаззати эканини Асадбек ҳам билмайди. У ароқни қуйиб ичиб, телевизорга тикилгач, вужудида ўт аланга олди. Қизлар киргач, бирини ёнига чақирди. Қизлардан бири чақирилган бўлса-да, иккинчиси ноумид чиқиб кетмай, дугонасига эргашиб яқинлашди. Бўтқадан аниқ кўрсатма олган «кушча»лар бу касалманд, беҳол одамнинг кўнглини овлашга тушдилар. «Бу одам хастага ўштайди, касали юқиб қолмасмикин?» деб мулоҳаза ҳам қилиб ўтирамдилар. Яхши хизмат учун яхши ҳақ олишлари уларни бундай мулоҳазалардан бенасиб этарди.

Қизлардан бирининг лабига лабини босиб, сўнг ноз билан «Оҳ!» деб қўйиши Асадбекнинг бошига гурзи каби урилди — у гўё қизи Зайнабнинг овозини эшитгандай бўлди.

Ўша шармандали кунда, учинчи қаватда, эшик ўрнига тутилган парда ортидан Зайнабнинг шундай овози келган эди. Орадан кунлар ўтганига қарамай Асадбекни бу овоз ҳоли қўймасди. Дам-бадам эслаб, юраги зирилларди.

Ҳозир яна ўша овоз...

Фақат...

Фақат ҳозир бошқача оҳангда эшитилгандай бўлди.

Ҳозир...

Ҳозир нечундир унда шаҳват оҳангига йўқ эди.

Ҳозир... «Оҳ, отажон!» дегандай нола бор эди.

Асадбекнинг кўз олди қоронгулашди.

Аввал...

Аввал чироқ ўчгандай бўлди.

Зим-зиё тун...

Сукунат...

Йўқ, қора тун эмас.

Қора тун чекинди.

Унинг ўрнига... қонли тун босди.

Ўша шармандали кунда, қалбига ўлим байтлари ёзилганини билмай эшик ўрнига парда тортилган хонада айшини суроётган йигит танасидан саҷраган қон девордан сизиб оққани каби қон сели бостириб келди. Аввал тизза бўйи, сўнг бўғзигача чиқди. Сўнг... тамоман қон кўлига фарқ бўлди. Нафаси қайтди.

Барчаси бир неча сонияда юз берди. Асадбекнинг бошига урилган гурзи унинг ақлини тамоман шол қилди. Агар иккинчи қиз ҳам нозли тарзда овоз бермаганда Худо билади, бу шоллик қанча давом этарди. Ана шу нозли овоз иккинчи гурзи бўлиб миясига урилди. Иккинчи гурзи унинг ақлини шолликдан кутқарди. Кўз олди равшанлашди. Аммо оқ ҳарир кўйлакдаги қизлар қора лиbosдаги ажиналар каби кўриниб, уларни силтаб ташлади. Бундай зардан кутмаган қизлар қўркув аралаш қўнглириб юбордилар. Бу чинқириш Асадбекка юлишга шайланган мушукни эслатиб, иргиб ўрнидан турганича уларни тепиб қолди. Қизларнинг чинқиригини эшитиб югуриб кирган Бўтқа кўзлари косасидан чиқай деб турган ҳожасининг аҳволини кўриб, қўрқиб кетди. Асадбек тепки билан қаноатланмай, стол устида нима бўлса бир-бир ота бошлади. Бўтқа сониялик саросимасини енгиб, ҳожаси қархисига югуриб келди-да, уни маҳкам қучоқлаб олди.

— Бек ака, жон Бек ака, сизга нима бўлди? Ўзингизни босинг. Бек акажон, — деб овутга бошлади.

Бўтқанинг кучли қучоғидан чиқа олмаган Асадбек энди оғзига келганини қайтармай сўкина бошлади. Кейинги йиллар ичи тилга олмай кўйган сўкишлар ҳам тўғонни бузган оқим каби қюлиб келаверди. Асадбек сўқаверди, Бўтқа эса «Бек акажон!» деб унинг елкаларини силаб овутаверди... Ниҳоят ҳукм янгради:

— Ҳайда! Ҳайда қанжикларни... Шу ёшдан-а... Қип-ялангоч ҳолича ҳайда!

— Бек акажон, совуқ-ку? — деб эътиroz билдиromoқчи бўлди Бўтқа.

— Ҳайда! Совуқда шамоллаб ўлса яна яхши. Иккита шилта камаяди.

— Хўп бўлади, Бек ака.

Бўтқа амрни ижро этмоқ учун ҳожасини қучоғидан бўшатгани ҳамон жағидан мушт еди.

— Сен ҳаромини чотингни йириб осаман! Сен ҳали қаланғи-қасанғи акахонларингнинг нушхўртини менга раво кўрдингми?

— Бек ака, жон хўжайин, унақа деманг, улар тегишмади. Булар свежийларидан эди, — деб ўзини оқлади Бўтқа.

Бу эътирози эвазига яна бир мушт егаҳ, «Мен буларни чиқариб юборай», деб чекинди.

Асадбек холи қолгач, диванга чўкиб ўтириб боши-

ни чангаллади. Ҳозиргина қий-чувга түлган хонани сукунат забт этди. Сукунат ҳукмидан унинг қулоқлари шангиллай бошлади. Шу даражада шангилладики, на-зариди қулоқларига жон бериб турган томирлари ёри-либ кеттандай туолди. Ана шу сукунат шовқини ора-сида Жалилнинг овози эшигилгандай бўлди. Асадбек унинг овозини эшигмаслик учун қулоқларини кафти билан беркитди. Лекин бу фойда бермади. Жалилнинг овози сукунат шовқинини босиб, жаранглаб эшигилди:

«Худодан қайтибди... Сен майшат қилган қизлар-нинг ҳам ота-оналари бор эди, улар ҳам эзилгандир... Худога нолалар қилгандир... Худо кар эмас, бу оҳлар-ни эшигандир?...»

«Бўлди, гапирма!» деб пичирлади Асадбек инグラб.

«Худодан қайтибди...»

«Гапирма деяпман, бўлди қил», деб яна пичирлади Асадбек.

«Худо ҳамма нарсани кўриб, билиб туради...»

«Бўлди! Бўлди, деяпман!»

Бу сафар бақириб юборди.

Қизларни кузатиб қайтган Бўтқа остоноада чўчиб тўхтади. Сўнг тез юриб келиб ҳожаси қархисида тиз чўкиб, билагидан ушлади.

— Хўжайнин, жон хўжайнин...

Бўтқанинг овози сукунат шовқинини ҳам, Жалил-нинг акс-садоли товушини ҳам қувиб чиқарди.

Асадбек яна бир неча фурсат қимир этмай ўтирди. Сўнг ўзича «Гапларинг тўғри, оғайни. Сен ҳамиша тўғри гапиргансан», деб кўйди.

2

Кесакполвон Жалилга берган ваъдасига кўра шом чоғида уникига кириб келди. Шом намозини ўқиб чиқ-қан Жалил у билан кўриша туриб, ошкора тарзда бур-нини жийирди. Жалил мактабда ўқиб юрган чоғларида ҳам уни хушламасди. Асадбекка бир неча марта «Шу боладан нарироқ юр», деди. Кейин индамай қўйди, аммо ёмон кўришини ҳеч вақт яширмади. Кесакпол-вон буни яхши билади. Лекин Жалилнинг гапларини ҳазил деб билиб, тиржайиб юраверади. У Жалилнинг Асадбекка таъсир ўтказа олишга қурби етишини бил-гани учун ҳам ҳар қандай ҳақорату сўкишларига чи-дайди.

— Бунақа сасиб юрадиган бўлсанг келма, девдим-ку?
— Окахон, бугун оғзимга олмадим. Бу кечагининг хидидир. Бўлди, энди тавба қилдим. Иккинчи қайтарилимайди, — деди Кесакполвон.

— Сенинг тавбанг нима-ю, лайчанинг ангиллаши нима.

— Ээ-зворинг-а, эззворинг... — деди Кесакполвон кулиб.

Жалил стол устидаги қофоз халтага қаради-да, бир учи кўриниб турган колбасани тортиб чиқарди:

— Ну нима? — деди зарда билан.

— Ҳа, энди қуруқ келмай дедим, болаларга...

— Сенга бирор «Жалилнинг болалари ҳаром нарса ейди» девдими?

— Ие, нега ҳаром бўларкан? Ҳозир искаладга кириб олдим. Отликқа ҳам йўқ, бу зўридан, окахон.

— Зўрими? — Жалил шундай деб деразани очдида, пастта бир қараб олиб, сўнг колбасани кўчага ирғитди.

— Ий-я, — деди Кесакполвон ажабланиб, — емансангиз нега исроф қиласиз?

— Ҳаромни ит-мушуклар есин. Биронта мусулмоннинг ҳалкумини ҳаром қиласин.

— Оббо... — деди Кесакполвон, энсаси қотиб.

Жалил қофоз халтанинг ичига қараган эди, Кесакполвон:

— Буниси гўшт. Қассобники. Ҳаппаи ҳалол, — деб изоҳ берди.

— Сенинг қўлингга тушгунча ҳалол бўлгандир. Буни ҳам ҳаром қилибсан. Олиб кет, ўзинг е.

— Нега ҳаром бўларкан. Қассобники ахир?

— Ҳаром колбасанг теккан унга.

— Об-бо... жа-а тор олиб юборасиз-да, окахон. Бўйти, ўзимизга тан, яна буни ҳам ташлаб юборманг. — Жалил шундай деб қофоз халтани олиб осто-нага яқинроқ ерга кўйди.

Жалил Кесакполвоннинг тезроқ чиқиб кетишини истаб, унга савол назари билан тикилди. Кесакполвон мезбоннинг мақсадини англади. Аммо дафъатан муддаони айттолмай, чўнтағидан сигарет чиқарди.

— Бу ерда чекма, — деди Жалил, ундан нигоҳини узмаган тарзда.

— Об-бо... — деди Кесакполвон норози оҳангда, — одам дегани шунақсанги эз-зид, қон қилиб юборасизми, а?

Жалилнинг тилига «Сен ҳали одаммисан?» деган киноя келди-ю, бироқ, ҳаддан ошириб юбормай, деб гапини ичига ютди-да:

— Менда ишинг бормиди? — деган савол билан Кесакполвоннинг мушкулини осон қилди.

— Ишми?.. Ҳа, иш бор... Лекин бу иш эмас, маслаҳат. Тўғрироғи иккаламизга тегишли иш.

— Иккаламизга? Мен сен билан ҳамтоворқ, бўлмагандим шекилли? Чайналмай, дангалроқ гапир.

— Бу... дадил айтадиган гап эмас-да... Келинг, бир чекиб олай, бўлмаса, ёрилиб ўламан.

— Бўпти, чек, ёрилиб ўлсанг, яна товонингга қолиб юрмай, — Жалил шундай деб деразани қия очдида, ёнига стул қўйди. — Шу ерда ўтириб чек, уйни саситма.

Кесакполвон бир-икки тутатди-да, Жалилга қарамаган ҳолда сўради:

— Асад... Красноярда касал бўлибмиди?

— Ҳа... — деди Жалил унинг бу ҳолатига тушунмай. — Нимага сўраяпсан?

— Дўхтирлар кўришдими, нима дейишди?

— Шамоллаган экан. Бир ҳафта яхши қарашди.

— Бир ҳафта... Шамоллаган одамни бир ҳафта қарарканми?

— Нима демоқчисан?

Кесакполвоннинг мужмаллиги Жалилнинг ғазабини кўзғатди, айни чоғда хавотирга ҳам солди.

— Бекнинг йўтали менга ёқмаяпти, — деди Кесакполвон сигарета бурқситиб.

— Йўтали анча чўзилди... Менга қара, сен нега мижғовланяпсан? Мақсадингни айт.

— Мақсадми?.. Окахоним, ҳаммага ақл ўргатасиз, дуч келганни бобиллаб сўкиб, қопасиз-у, ошнангизнинг аҳволини билмайсиз.

— Гапни чўзма, деялман!

— Бекнинг касали оғир. Тузалиши қийин бўлган касалданмиш. Лекин у яширяпти.

— Тузалиши қийин?.. Қанақа касал?

— Қанақа касал?! — Кесакполвон жаҳл билан ўрнидан турди-да, бармоғига қистириб турган сигаретини ташқарига отди. — Галварсмисиз? Ё меровмисиз? Касали — рак! Энди тушундингизми?

— Сен... бола, валдирама! — деб бақирди Жалил. — Ёмон нафас қилма!

— Ёмон нафас эмиш... Ёмон нафас эмас бу. Дўх-

тирларнинг хulosаси шунақа. Бу Красноярдаёқ маълум бўлган.

— Бекор айтибсан! Маълум бўлганида мен билардим.

— Катта кетманг. Буни фақат икки киши билади: Асаду Маҳмуд.

— Сен-чи? Сен қаердан била қолдинг?

— Учинчи одамдан... дўхтиран.

— Олиб кел ўша дўхтирингни.

— Йўқ, у келмайди, келолмайди.

— Нега?

— У «Ҳеч кимга айтмайман», деб қасам ичиб, сўнг қасамини бузган. Бек қасамини бузганларни кечирмайди. Бу гап орамизда қолсин, а?

— Ишонмайман.

— Ишонмасангиз ҳам бир ишни қилиш керак. Бек ўлимни бўйнига олганга ўхшайди. У аҳволидан бошқаларнинг хабар топишини истамаяпти. Унинг ҳозир бирдан-бир сирдоши — Маҳмуд. Нега минг йиллик қадрдони — сиз эмас, мен эмасман, нега Маҳмуд?

— Уни яхши кўради. Укасига ўхшатади...

— Яхши кўришини биламан. Лекин Маҳмуд-чи? Нега у ҳеч бўлмаганда сиз билан мени огоҳ қилмаяпти? Фикри бузуқ у боланинг! Бекнинг ўлеми — унинг тўйи бўлиши мумкин. У Бекнинг ўрнини эгаллашни ният қилган. Шу сабабли мендан яширади.

— Бу энди ўзларингнинг ишларинг. Асадга бир ни ма бўлса ўша заҳоти бир-бирларингнинг гўштларингни ейишни бошлайсанлар. Аммо билиб қўйларинг: ҳамманг хор бўлиб, қирилиб кетасанлар. Худо сенларни жазосиз қолдирмайди.

— Шу ерда тормозни босинг, окахон. Шу ерда бир-пас тўхтанг. Сиз мени билмагандай гапирасиз-а... Агар Азроил келиб «Қайси бирларингнинг жонингни олай?» деса мен ўзимни рўпара қиласман. Асад... ўлмаслиги керак, ўлмайди... Дўхтилардан иш чиқмайди. Улар жанозани ўқиб бўлишган. Лекин бир одам бор экан. Ўша тузатиши мумкин экан. Мен унинг олдига бордим. Эшшакдан баттар қайсар бир чол экан. «Бормайман, касалингни кўрмайман», деб туриб олди.

— Ким экан у?

— Э, бир қари чол ўзи... — Кесакполвон Абдураҳмон табиб билан бўлган учрашувни қисқа тарзда баён қилди. Унинг улоқчи отларини отиб ташлашни буюрганини эса айтмади.

— Асадни олиб борамиз, — деди Жалил бир оз мулоҳаза қилгач.

— Овора бўлманг, бормайди. Бек табибларга ишонмайди. Оғайнингизнинг ҳам эшшакка ўхшаган қайсар феъли бор, биласиз-ку... Айниқса, касалидан хабар топганимизни билса, ёмон бўлади... Ўша табибнинг олдига... сиз бориб келинг.

— Мен борсам келарканми?

— Келади... У эш-шак мендақаларни ёқтирмас экан. Камбағалпарвар эмиш. Уни уйингизга олиб келсангиз, Асадни бир баҳона билан чақирамиз.

Кесакполвоннинг бу эҳтиёткорлиги Жалилга ёқмади. Бир кўнгли ҳозироқ ошнасининг олдига бориб, «Нега касалингни мендан яширасан, тур, кетдик, табиба!» демоқчи ҳам бўлди. Кейин эса, дўстининг хасталигига эътиборсиз қарагани учун ўзини ўзи койиди. Кесакполвоннинг фикрларида маъно бордек туюлиб, ўйланиб қолди.

— Ўзингиз бормасангиз бўлмайди, — деди Кесакполвон.

— Бўпти, эрталабгача бир мулоҳаза қилиб кўрай. Борсам боравераман.

— Эрталабгача кутиб нима қиласиз? Машина тайёр.

— Мана бу каллани Худо ўйлаб иш юритиш учун яратган. Эрталаб бешда келасан.

— Гап йўқ, ўғил бола! — деди Кесакполвон унинг кўнганидан қувониб. Бешу нол-нолда шу ердаман.

У шундай деб эшикка яқинлашганида Жалил уни тўхтатди:

— Гап шу: билиб қўй, сен бормайсан.

Кесакполвон бу шартга бажонидил рози бўлиб, кулиб қўйди.

Жалил туни билан ухламади. Унинг безовталигини сезган Қамара «адаси, мазангиз бўлмаяптими?» деб меҳрибонлик қилиб, шунинг эвазига «ширингина» сўкиш эшишиб олди. Бунаقا пайтда эри дуч келган одамга нишини санчиши мумкин эканлигини билгани учун бошқа индамади.

Жалил уйига сифмади. Кўчиб келганидан бери энди уйи тор, жуда тор туюлди. Деворлар унинг устига тоғ қоялари каби бостириб келиб, бўғгандай бўлди. Ошхонага чиқиб, муздек сув симирди. Меҳмонхонада у ёқдан-бу ёққа юрди. Сўнг... кийинди. Кўчага чиқди. Асадбекниги бормоқни ният қилиб, машина тўхтат-

ди. Ҳайдовчи машинасини юргизиши билан тирикчилик оғирлашганидан шикоят қилиб, «бола-чақанинг ризқини деб ярим кечада юрганини» айтганида Жалил ҳақни тузукроқ тўлаши лозимлигини уқиб, фижиниб қўйди. Бошқа пайт бўлганида машинани тўхтатиб, тушиб қоларди ёки ҳайдовчига «ширин» гапларидан учтourtасини айтиб кўнгил губорини ёзарди. Ҳозирги кайфияти, шароити унисини ҳам, бунисини ҳам кўтармади. Индамай кетаверди. Машина Асадбекнинг дарвозаси қаршисига етганда «тўхтат», деб буюрди-да, чўнтағига кўл солди. Кўчага пулсиз чиқиб келавергани шундагина маълум бўлди.

— Ука, хаёл қурсин, пул уйда қолибди. Бирпас кутинг, кираману чиқаман. Қайтиб боргандан кейин курсанд қиласман, — деди Жалил хижолат бўлиб.

— Братаң, рўлда ухлаб қолай деяпман. Қайтиб олиб боролмайман.

— Тўхтаб туриңг бўлмаса, — Жалил шундай деб дарвоза томон юрди. Уни таниган йигитлардан бири деразани очиб, салом берди.

— Ўн сўм бериб тур, — деди Жалил унинг саломига адик олиб.

Йигит пастга тушиб машина томон юрганида Жалил унинг йўлини тўсди.

— Ўзим бериб қўяман, — деди йигит.

— Сенларнинг пулни қанақасига бериб қўйишлирингни биламан. Ўзимга бер, — деди Жалил.

Йигит кулиб, чўнтағидан пул чиқариб берди.

Машина кетгач, Жалил дарвозахона томон юрди.

— Хўжайнин йўқлар, — деди йигит унга эргашиб.

— Нега йўқ бўлади? Қаёққа кетди?

— Бир ёққа кетувдилар, — деди йигит мужмаллик билан.

— Ўзи соғми? — деди Жалил оstonада тўхтаб.

— Худога шукр, соғлар. Бизнинг кулбага чиқиб ўтира туриңг. Чой-пой қиласми, — деди йигит.

— Йўқ, мен кетдим бўлмаса. Сен... менинг келганимни хўжайнинингга айтма. Соатинг неччи бўлди?

— Уч, — йигит билагидаги соатга қараб олди.

— Мени уйимга олиб бориб қўя оласанми? — деди Жалил.

Йигит «Гап йўқ, оқаҳон», деди-да, дарвозани очиб, машинани олиб чиқди.

Жалил манзилига етиб, машинадан тушгач, ўрнида бир оз туриб қолди. Уйига киргиси келмади. Изгирини

шамол туриб, баданига совуқнинг игналари санчилганида ҳам иссиқ ўрнига шошилмади. Дастреб Кесакполвоннинг гаплари унга уйдирма бўлиб туюлган эди. Вақт ўтгани сайин, ўй ўйлагани сайин бу уйдирма ҳақиқатга яқинлашиб, у хавотир оловида қовжирай бошлади. Ўтаётган вақтнинг ҳар дақиқаси дўстининг ўлими онига шошаётгандай туюлиб, Кесакполвон айтган вақтда йўлга чиқмагани учун афсуслана бошлади.

Бир неча фурсат ҳайкал сингари қотиб тургач, юзига шамол келтириб урган майда ёмғир томчиларидан сесканиб аста юра бошлади. Йўлакка етиб боргач, ичкарига қадам қўйгиси келмай, изига қайтди.

Шаҳар осмонига эгалик қилаётган булутни шамол суриб кетар, бир неча соатдан сўнг тун ҳукми ҳам адодига етар, аммо Жалилнинг қалбини зулумот пардасига ўраган ташвиш пардаси қачон, қай тарзда кўтарилар экан?

Кесакполвон кеча оқшомда «Ошнангиз касал», демасдан «Ошнангиз ўлди», ёки «ўсал ётибди», дейиши ҳам мумкинмиди?

Жалилнинг хаёлига шу фикр келиб, бутун аъзойи баданини титратиб юборди.

Шу пайтгача қанча дўсти бу дунёни ташлаб кетди. Уларнинг ўлими ҳақидаги хабарни эшиттанида «Нега ўлади, ҳали ёш эди-ку?» деб ўлади. Бу ғофил банда «Ўлим ёш танламайди», деган оддий ҳақиқатни тан олишни истамайди. Кўп қатори «Умримизнинг ярмини яшаб қўйдик, бу ёғи оз қолди», деб юргани билан «Оз қолган қисмини» ўзича йигирма-ўттиз йил деб чамалаб юради. Билмайдики, умри йигирма-ўттиз йил эмас, балки йигирма-ўттиз кун, балки йигирма-ўттиз дақиқагина қолгандир... Балки бирон хасталик ўлмининг хабарчиси сифатида келгандир. Балки... ўлим хабарчисиз, тўсатдан бостириб келар...

Жалил охирги учрашувни, Асадбекнинг гаплари, болаликда бирга ўсан дўстларини қўмсаганини эслади. «Қараашлари маъюс эди. Мен — галварс, шунга ҳам эътибор бермадимми? Ўлими олдида болаларни бир кўриб қолай, деган экан-да... Нега менга ёрилмади? Нега «Аҳволим шунаقا, оғайнини», демади? Шотирларидан яшириши тўғри, улар хўжайинлари ўлмай туриб, мол-дунёни бўлиб олишга киришадилар. Менчи?.. Шу ҳолича ҳам мағрурлигини қўймайди-я?! Шу пайтгача менга бирон марта ҳам шикоят қилмаган

эди. Хор бўлганида ҳам, зор бўлганида ҳам бирорга бўйин эгмаган эди... Энди... ўлими олдида бўйин эгарканми?.. Мен доим унга қаттиқ-қаттиқ гапириб келдим. У нотўғри ҳаёт кечирди. Адаши. Нима учун туғилиб, нима учун яшаёттанини билмади. Шу Ҳайдар паканани одам деб билиб, ўша билан ҳамтовоқ бўлди. Мол-дунё тўплади... Мол-дунё қолади, бола-чақа ҳам қолади... Ўзи кетади... Ёлғиз ўзи... Наҳот чораси бўлмаса?..»

Жалилнинг юраги хаприқиб, чўкаётган одам хаста тирмашгани каби у Абдураҳмон табибга ошиқди.

Кесакполвон айтилган вақтга етиб келди. Жалил хотинига «Бир-икки кун бўлмайман», деди-ю, жўнади. Эрининг ҳаловати йўқолганидан ташвишланаётган Қамара «Қаёққа кетяпсиз?» деб сўрашга ҳам чўчиб, хавотир чодирига ўралганича қолаверди.

Ҳайдовчи йигит чалдастгина эди. Йўлда юришнинг қонун-қоидалари бор, деб ўтирумай, машинани елдай учириб борди. Яхшики, машинада қанот йўқ, бўлсами эди, росманасига учиб кетиши ҳеч гап эмасди. Бошқа шароит бўлганида Жалил «Онангниига шошасанми?» деб койиши мумкин эди. Юраги хаприқиб, шошилиб тургани учун тезликдан бир оз хавотирда ўтирса ҳам индамади. Улар манзилга кун қиёмдан оққандан етиб келишди. Қишлоққа кираверишдаги чойхона ёнидан ўтишаётганда Жалил ҳайдовчига «Тўхтат мошинани», деб буюрди.

Кун салқин бўлишига қарамай, етти-саккиз қария айвонда давра қуриб, чойхўрлик қилиб ўтиришарди. Машинадан одам тушганини кўрган чойхоначи ичкаридан чиқиб, меҳмонни қаршилади. Жалил салом бериб кўришгач:

- Мачит қаерда? — деб сўради.
- Мачиттагча яна пича юрилади, — деди чойхоначи. Сўнг афсус оҳангига қўшиб қўйди: — Лекин... биродари азиз, мачитимиз қулф...
- Қулф? Нимага қулф бўлади? — деб ажабланди Жалил.

— Билмасам... катталар қулф солдирганлар.

Шаҳарда ҳам шундай воқеалар содир бўлганидан Жалилнинг хабари бор. Лекин мачитларни ёптирган катталар аллақачон ишдан олиниб, беркитилган мачитлар яна қайта очилган эди. Ҳали ҳам ғафлат уйкусидаги бу қишлоққа янгиликнинг етиб келмагани Жалилни ажаблантириди.

Жалилнинг ўйланиб тургани сабабини билмаган чойхоначи ўсмоқчилаб сўради:

— Биродари азиз, мачитда қандай юмушингиз бор эди? Ё бирорни излаб келдингизми?

Бу савол Жалилга ғалати туюлиб, заҳарли жилмайди:

— Мачитга нима учун борилади? Намоз ўқимоқчийдим.

— Ўзим ҳам шунақадир, деб ўйловдим, — деди чойхоначи очиқ чехра билан. — Мачитга қулф солишганидан бери шу ерда беркитиқча ўқияпмиз намозимизни. Ичкари киринг, биродар. Биз яқингинада пешинни ўқидик.

— Шаҳарда янги мачитлар қурилиб ётибди-ю, сизлар бу ерда «Катталар қулф урдирган», деб ўтирибсиз. Ўша катталарингиз чиққан жойига кириб кетган. Шартта бориб қулфни бузиб, намозни ўқийвериш керак. Ҳозир бирор «ғинг» демайди.

— Биз билмасак, биродари азиз. Бизлар оми одам бўлсак, — чойхоначи шундай деб ўзини оқлади-да, Жалилни ичкарига бошлади.

Жалил фарз намозини қаср қилиб ўқиб, тезгина чиқди. Чойхоначининг «Меҳмон намоз ўқиркан, яхши одамга ўхшайди», дегани таъсир қилиб, қариялар айвонда Жалил кўриниши билан ўринларидан кўзғалишди. Жалил улар билан кўшқўллаб сўрашгач, мезбоналарнинг ўтингичга кўра тўрга чиқиб ўтириди-да, Собитхондан ўрганган «Робби анзилни мунзалан муборакан ва анта хойрул мунзилин», дуосини ўқиб юзига фотиҳа тортди. Қарияларнинг ҳар бирлари у билан лутфан сўрашдилар. Жалилга яқинроқ ўтирган қария унга бир пиёлада чой қуйиб узатди-да:

— Қани, меҳмон, бир гурунг беринг бизга, — деди.

Қарияларнинг илтифотидан руҳланган Жалил ўзининг «чала мулла» эканлигини унутиб, ундан-бундан эшигтан диний маъruzalariдан эсида қолганини айтиб, ўз кўнглида даъват қила бошлади. Унинг бу даъвати умри сут ичиш билан ўтган одамга ношуд табибининг сут ичиш фойдаси хусусидаги насиҳатига, ёинки етмиш-саксон йиллик умрини далада ўтказган деҳқонга кечагина ўқиши битириб келган агроном томонидан шудгорнинг афзаллиги ҳақида қилинган маъruzaga ўхшаб кетарди. Жалил бечора бу ўтирганлардан иккитасининг Бухорои шарифда мадраса таҳсилини кўрганлигини қаердан билсин?

Жалилнинг «иљм бисоти» тугаб, гаплари бир тоғдан, бир боғдан бўла бошлагач, меҳмоннинг иззатини қилиб индамай ўтирган чоллардан бирининг тоқати тоқ бўлиб, сұхбатга аралашди:

— Биродар, биз томонларга қайси шамол учирди?

— Яхши одамнинг шамоли, — деди Жалил. Сўнг мақсадини айтди.

Унинг келишидан мақсадини тахминан чамалаб ўтирган қариялар бош эгиб, жим қолиши. Сұхбатни узган қария эса Жалилга қараб бош чайқади:

— Нафсиlamрни айтганда, биродар, муддаога етмаёқ изингизга қайта қолганингиз дурустмикин?

— Нима учун? «Бормайдилар» демоқчимисиз? Ахир табиб дегани одамларни даволаши керак-ку? — деб ўзича ҳақиқатни «кашф» этди Жалил.

— Шунақа дейсизу биродар, омма Абдураҳмон aka ўзларини табиб санамайдилар.

— Нега? — деб ажабланди Жалил. — Довруқлари бутун оламга таралган бўлса...

— Шунақаку-я... омма, Абдураҳмон aka табибликни касб қилмаганлар. Тузата олишга кўзлари етса муҳтоjlарнигина боқадилар. Шифо — Оллоҳдан, Абдураҳмон aka бир воситалар холос.

— Қизиқ... — Жалил эътиroz билдиromoқчи эди, қария сўзни узди:

— Бир неча кун бурун шаҳар одамлари чикишиб, Абдураҳмон аканинг таъбларини хира қилибдилар.

— У-бу нарса дебдиларми?

— Нималар дейишганлари бизларга қоронгу. Омма, улар кетганларидан сўнг йўлда тақсиrimнинг улоқчи отларини отиб кетишибди-да...

— Отиб кетишибди? — Жалилнинг кўз олдига Кесакполовон келди-ю, ичida «Оббо ҳароми-е, ишнинг ишқалини чиқариб қўйиб, мени рўпара қилаётган экан-да...» деб ўйлади.

— Ҳа, отиб кетишибди. Шаҳардан келганингизни билсалар, Абдураҳмон aka сиз билан сўзлашмасалар ҳам керак. Феъллари нозик жуда.

— Ўша отларни ростдан ҳам шаҳарликлар отганми? — деб сўради Жалил.

— Буниси ёлғиз Оллоҳгагина маълум. Менинг билганим шуки, ўша куни худди шу аробада келишган эди, — қария шундай деб кўчада турган «Жигули»га қараб қўйди.

«Тамом, — деб ўйлади Жалил. — Бу — ўшанинг иши! Чоллар зийрак. Адашишмайди, ёлғон ҳам гапиришмайди...»

— Шаҳарда бунақа мошинлар кўп, ўхшатаётган-дирсиз? — деди Жалил «Зора адашган бўлса?» деган илинж билан.

— Тўғри айтасиз, биродар, бунақаси кўпdir эҳтимол. Омма нўмираси бундайин бир хил бўлмасов. Икки нўлу, икки беш. Эсдан чиқмайдиган нўмира.

Қария бу гапи билан жон томирига болта урган эди. Жалил бошқа гапирмаса ҳам бўларди. Лекин индамай туриб кетишни ўзига эп билмай, сўнгти умидини айтди:

— Чиқмаган жондан умид, балки бир учрашсаммикин?.. Мен бу болани... яхши танимайман. Кира қилиб келаётувдим. Балки мендан аввалгила...

Қария унинг ёлғонига йўл бермай, гапини кесди:

— Агар менинг маслаҳатимга кирадафон бўлсангиз, бориб овора бўлманг. Касалингиз оёқда турга олса, ўзини олиб келинг. Лекин бунақа аробани бўлак кира қила кўрманг. Худо кўнгилларига солса, балки хаста одамингизни боқарлар...

Гапни чўзишга ёки ланжлик қилишга ҳожат йўқ эди. Жалил чой ҳамда маслаҳат учун миннатдорлик билдириб, кетишга изн сўради.

Шаҳар остонасига етишгач, Жалил ҳайдовчига «Акангникига ҳайда» деб буюрди. Буйруқ итоаткорлик билан бажарилди. Аммо Кесакполвон уйида йўқ эди. «Кечаси ҳам уйида ўтиrmайди, бу ҳароми», деб ўйлади Жалил, кейин:

— Аканг қаерда бўлиши мумкин? — деб сўради.

— Худо билади, — деди ҳайдовчи елка қисиб.

— Топишинг керак! — деди Жалил буйруқ оҳангига.

— Топиш керак бўлса, топамиз, — деди Йигит.

Шундан сўнг аввал «қозихона»га ўтдилар. Бу ерда кам учрайдиган ҳолат — жимлик ҳукмрон эди. Жалил «қозихона»да қандай ишлар амалга оширилишидан бехабар эди. Шу боис «Кечаси чойхонада нима қилади, калланг борми?» деб тўнғиллаб кўйди.

Кесакполвон кириши мумкин бўлган яна икки уйга мўралаб ўтишгач, машина шаҳар марказидаги учқаватли бино олдида тўхтади. Йигит иморат ертўласидаги видеобарга бир «шўнғиб» чиқиб, хўжайнининг шу ерда эканини маълум қилди.

Жалилни останада кутиб олган Бүтқа уни Кесакполвон ўтирган хонага бошлади. Жалилнинг димоғига қўланса ҳид урилиб, кўнгли бехузур бўлди.

Ширақайф равишда диванда ёнбошлаб ётган Кесакполвон **Жалилни** куриб, қаддини кўтарди.

— Сен азалдан ифлос эдинг, шу ифлослигингча ўлиб кетасан, — деди **Жалил** салом-алик ҳам қилмай.

— Ҳов ака, сал пастроқ тушинг, — деди Кесакполвон.

— Сен ахлатингни тозалатгани юборувдингми мени? Билиб қўй, мен сенинг исқиртингни тозалайдиганлардан эмасман. Орқангни ўзинг артиб юр, бола!

— Вой-бў...

— «Бў-бў»лама, ифлос!

— Бўлди-е! — деди Кесакполвон жаҳл билан ўрнидан туриб. — Индамас экан, деб бошга чиқиб олиб булғатаверасизми! Ифлос бўлиб нима қилдим? Хотинингизга суркалибманми?

— Суркалиб ҳам кўр-чи! Сендақаларнинг иккита оёғини иккита мошинага боғлаб, чтоларингни йириб ташлаш керак.

— Кўйинг энди, ўзи бошим ёрилай деб турибди.

— Бошинг бўлса ёрилади-да, э аҳмоқ! Табибга қанақа хунарингни кўрсатиб келдинг?

— Нима қилибман?

— Нима қилганингни билмайсанми?

— Сиз билсангиз айтинг.

— Отларини нега отдинг?

— Қанақа отлар? Мен ҳайвон отадиган одаммасман, — деди Кесакполвон безрайиб.

Жалил «Бу рост гапирияптими?» дегандай унга тикилди. Кесакполвон эса тусини ҳам ўзгартирмай унга бақрайганича, киприк ҳам қоқмади.

— Сен... ўзингнинг лайчаларингни лақиллат, бола... У ёқдагилар аҳмоқ эмас. Мошинангни танишди. Тағин ҳам инсофли экан улар, тошбўрон қилишмади. Шу табибдан умид бор экан, ўшанга зулм қиласанми, ифлос!

— Бўлди, ҳадеб ифлос деяверманг.

— Ифлос бўлганинг учун ифлос дейман!

Кесакполвон сўқиб юбормаслик учун юзини тескари бурди. Шу машинада юбориб хомлик қилганини фаҳмлаб, гижинди.

— Бизнинг илтимосимиз ерда қолгунича ҳўқизнинг шохи синиши керак. Бизни менсимасликнинг оқибати қанақа бўлишини ҳамма билсин.

— Сен ўзинг ким бўлибсанки, илтимосинг нима бўларди!

— Бўлди, гапни чўзманг. Келмадими?

— Мен унга учрашмадим.

— Унда ҳалиги гапни қаердан олдингиз?

— Одамлар айтишиди.

— **Хўп**, энди нима қиласми? Асадни сақлаб қолишимиз шарт. Керак бўлса, мен жонимни берай.

— Сенинг жонинг... Сен жонингни пишириб е!

Жалил шундай деб сўкинди-да, эшикни жаҳл билан ёпиб, изига қайтди. У нима қилишни билмай гаранг бўлиб қолган эди.

3

Навбатдаги бедор туннинг чекиниши бошланганига ишорат қилувчи аzon товуши эшитилди.

Асадбек тонгнинг қадрига етмас эди. Хонадони тун бағрига кириб, ўзининг тонггача етиб боролмаслиги ҳам мумкинлиги аён бўлганидан кейин ҳар тонгни тирик ҳолда, очиқ кўз билан қаршилашнинг ўзи улуг баҳт экани ҳақидаги оддий ҳақиқатни каашф этди. Авваллари ҳам аzon товуши эшитилармиди, йўқми, эслолмайди. Кейинги тунлари шу товушни орзиқиб кутадиган бўлди. Унинг назарида айнан шу аzon товушигина қиёмат ҳали бошланмагани, бу дунё ҳаёти давом этаётганидан дарак берарди. Назарида... аzon товуши эшитилмаса, қоронгулик чекинмас, дунё зулумот чодирида қолаверар, жувонлар алла айтмас, гўдаклар кулмас, ҳаёт сўнар, тамоман сўнар эди...

«Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!...»

Демак, зулумот чодири йиртилгуси, жувонлар аллалар айтгуси, гўдаклар эса кулгуси... Ҳаёт давом этгуси...

«...Ҳайя алал солат...»

Бахти одамларгина етиб келади бу онга.

«...Ҳайя алал фалаҳ...»

Нажотга келганларга Яратганинг ўзи нажот беражак.

Пешинга, сўнг... хуфтонга, сўнг тунни ёриб чиқиб, яна бомдодга етажак, иншоolloҳ...

Асадбек нажотга етиб келгани учун Тангрига ҳамд айтмоқ, муслимлик фарзини адо этмоғи лозимлигини идрок қилмайди. Кўнгли ибодатни тусайди. Қотиб

қолган дил, қотиб қолган тил эса шайтон ҳукмидан кутулмоққа ожиз...

Тонгда... инсон ҳам, жонивор ҳам уйғонади. Уларнинг фарқи — бири Яратган берган онг туфайли Яратувчисига ҳамд айттар.

Асадбек тонгга етиб келганидан хурсанд...

Осмонни қоплаган булат тун ҳукмронлигини бир озгина чўзган бўлса-да, ёруғликни тўса олмади. Ёруғлик чор атрофга ўрмалаганича кириб келаётган дамда телефон қўнғироғи асабий жиринглади. Дам ўтмай болохонадаги йигитлардан бири тушиб, «Германиядан кеннойи телпон қилаётгани»ни айтди.

Асадбек Манзурани соғинган эди.

Манзурани уйда қолдириб, ўзи ҳафталааб юрганида айрилиқ тузининг бу қадар шўр бўлажагини, юракларини куйдиражагини билмаган эди. Дунё тескарисига айланиб, энди ўзи уйда қолиб, Манзура узоққа кетгач, қалби ўртангандан ўртанди. Соғинч нима эканини англади.

У хотинининг тезроқ етиб келишини истарди. Бир кўнгли эса... унинг ўғиллари билан ўша ёқларда бутунлай қолишини истарди. Айниқса... яқинлашаётган ўлимига ўзи ҳам ишонганидан бери бу истак қатъийлаша борди. Ҳосилбойваччанинг изидан Элчинни ҳам жўнатиш режаси айни шу истак булоғидан сув ичган эди. Элчин ўлдирилгач, Зайнабни тўй баҳонасида Олмонияга жўнатмоқни хаёл қилиб эди.

Режа бузилди. Аммо ҳали ниятдан кечганича йўқ. Зайнабнинг хасталиги бир оз чекингач, юборади. Шундан сўнг ўзи бу дунёни хотиржам равишда ташлаб кетиши мумкин. Ўлимидан сўнг... хотини, болаларига бирор таҳдид қила олмайди.

Ечилмай қолган икки масала бор: бири — Зайнабни жўнатиш, иккинчиси бойликларнинг бир қисмини у ёққа олиб ўтиш. Куда ғоят бой экан, аммо ўғилларининг кўлларида ўзларининг сармоялари бўлмоғи шарт!

Асадбекнинг соғинган юраги бир орзиқди. Шу орзиқиши билан телефон гўшагини кўтарди. Манзура эрининг овозини эшитиб, салом берди.

— Яхши юрибсанми? — деб сўради Асадбек, алик олиш ўрнига.

— Худога шукр, ўзингиз тузукмисиз?

— Йўқ, бузукман, — деб юборди Асадбек эски одати бўйича. У мана шунаقا саволларга тоқат қила олмас эди. Кайфияти яхши бўлса ҳазил оҳангиди, ғаш-

ланган пайтига түгри келса кесатиқ ёки жаҳл билан жавоб қайтарарди. Манзура «Қорнингиз қанақа?» деган саволига «Қорним думалоқ», «Тузукмисиз?»га «Йўқ, бузукман», деган жавобларни турли оҳангларда эшишиб, кўникиб кетган. Бошқачароқ тарзда сўрайман, деб ўйларди-ю, эрига рўпара келганида беихтиёр яна айни шу сўзлар тилидан учарди.

Хозир ҳам шундай бўлди. Асадбекнинг «Йўқ, бузукман», деб юмшоқ тарзда айтиши Манзурага ёқиб, кулди.

— Зайнаб яхшими?

— Яхши. Мендан бошқа ҳамма яхши...

— Вой, адаси, унақа деманг, — Манзура «Ўзингиз яхисиз», демоқчи эди, ёнидаги ўғилларидан уялди. Асадбек буни сезди.

Манзура уйда эканида шундай деб эркалаб қўярди. Хозир Асадбек шуни қўмсади. Хотинининг кўпроқ гапиришини истади. Аммо сўзга нўноқ Манзура ҳол сўрашдан нарига ўтмади. «Ўғилларингиз билан гаплашинг», деб ошириб юбора қолди. Ўғиллар билан бўлган гап ҳам ҳол сўраш билан чекланди. Гап адогига етиб бораётганини фаҳмлаган Асадбек ўғлига «Онангга бер», деб буюорди. Манзура:

— Ҳа, адаси? — дейиши билан Асадбек уни койий бошлади:

— Қанақа хотинсан ўзинг?! Сен нимага бординг у ёқقا, нима ишни қойиллатдинг?

— Вой, адаси, ҳеч қанақа ишни қойиллатмадим.

— Тўй нима бўляпти?

— Тўй... сизни кутяпмиз. Нишон тўйи ўтди... Айтдим-ку...

— Бир оз кутишсин... Зайнаб боради.

— Сиз-чи, адаси?

— Мен... билмадим.

— Бирга келақолинг.

Асадбек ёлғон гап аҳволини ошкор қилиб қўйиши мумкинлигидан кўрқиб, синалган қуроли — жаҳлни ишга солди:

— Германия аммангнинг маҳалласими, хоҳлаган автобусга осилиб бораверадиган?

— Вой адаси, унақа демадим-ку?

— Демаган бўлсанг, оғзингни юм.

— Энди...

— Нима энди?

— Одамлар келиб-кетаётганига айтувдим-да...

— У одамлар бошқа, мен бошқа. Ақлинг етмаса вадирайверма.

— Адаси...

— Яна нима дейсан?

— Кудаларингиз «Қоғоз юборганмиз, келсалар яхши эди», деб туришибди. Бир ўзингиз гаплашасизми?

— Иўқ. Ўзинг тушунтириб қўй. Бизнинг одатимизда куёвнинг отаси келинникидаги тўйга келмайди, де. Аввал бу ерда тўй қиласайлик. Келинларни кутиб олайлик. Кейин чақирди қилишса, борармиз.

— Адаси, унақа эмас-ку?

— Нимаси унақа эмас?

— Куёвнинг отаси боради-ку?..

— Борса борсин. Бўлди, бошимни қотираверма. Ўзинг бир нарса деб қўй.

Бир ўрганиш, бир соғиниш билан бошланган сухбат шу тарзда якунига етди. Гўшак жойига қўйилгач, Асадбек хўрсинди. «Бақирганим дуруст бўлмади, кўнгли оғриди», деб афсусланди.

Асадбек янглишди. Бундан баттар гапларни эшишиб кўнишиб кетган Манзуранинг кўнгли эрининг бақириғидан эмас, унинг ноchorлигидан оғриди.

Онанинг маъюслигини кўрган ўғиллари бараварига:

— Нима бўлди? — деб хавотирланишди.

— Адангларнинг келишлари қийин эмиш, — деди Манзура ғалати оҳангда.

— Московда минг чифриқдан ўтказишади-да, — деб юпатган бўлди Абдусамад.

— Адамнинг адалари «Халқ душмани» деб қамалган экан-ку, — деди Абдуҳамид.

Ўғилларининг гаплари Манзурага юпанч бўла олмади. Унинг безовта қалби ҳақиқатни сезиб турарди.

Асадбек кўчага чиқиши хоҳламади, кўнгли уйда ёлғизликни истади. Болохонадаги йигитлардан бири нонушта ҳозирлади. Худди ластурхон тузалишини кутиб тургандай Кесакполвон билан Чувринди олдинмакейин кириб келишди. Асадбек ўрнидан қўзғалмай, ўтирган ерида кўл бериб қўришди. Кесакполвон кўришиш учун энгашганида Асадбекнинг димогига қўланса ҳид урилиб, бурнини жийирди-да:

— Кечаси нажасга ботиб ётганмисан, нима бало? — деб тўнгиллади.

— Бир бўлиб қолди, жаҳлинг чиқмасин, — деди Кесакполвон узр оҳангиди.

Асадбек унинг авра-астарини ағдариб сўқмоқчи бўлди-ю, ўзини тутиб, Чувриндига юзланди:

— Маҳмуд, деразани сал қиялаб очиб кўй.

«Кейинги кунларда молдай ичяпти, бунга бир бало бўлган», деб ўйлаб, Кесакполвонга қаттиқ тикилди.

Кесакполвон бу ўтли қарашга дош беролмай, бир қимирлаб олди.

— Ҳа, мунча тикилиб қолдинг? Нима, тушингта кирдимми? — деб ҳазиллашмоқчи бўлди.

— Сени тушида кўрган одамнинг лабларига учуклар тошади, — деб тўнгиллади Асад. Сўнг овозини кўтарди: — Қаерда бўкяпсан?

— Биласан-ку, гоҳида кўнгил қурғур шунаقا тусаб қолади. Кўнгил тусаган пайтда жигилдоннинг тормози ишламай қолади.

— Э, жигилдоннингга урай сени...

— Бўлди, бугунгиси охиргиси... Менга осилмасдан, янги гапларни эшит. Бош қотирмасак бўлмайди, — Кесакполвон шундай деб Чувриндига қаради. Чувринди бу ишорани кутаётган эди, шу боис дарров муддаога кўчиб қўя қолди:

— Бек ака, кечак Шарифни қамашибди.

— Қамашибди? Ким қамабди?

— Московдан одам келибди.

— Кечак қамашса мен нима учун бугун эшитяпман?

— Аввал сўраб-суриштириб...

Асадбек Красноярга вагонда мусаллас юбораётган-даёқ иши тўмтоқ бўлишини сезган эди. Сезса-да, таваккал қилиб эди. Шариф Намозов деярли ҳеч нарса билмайди, демак сотгиси келган тақдирда ҳам эплаб сотолмайди. Демак, калтак ўзининг бошида синаверади. Шундай бўлса-да, Московдан одам келишидан хавотирга тушгулик...

— Сўраб-суриштириб... Нимани суриштирдинг? — деди Асадбек зарда билан.

— Ўша охирги вагоннинг ишқали чиққанга ўхшайди, — деди Чувринди айбдор боланинг овози билан.

— Шариф нима дебди? Гуллабдими?

— Билмайман. Московлик чумакарига ўхшаган хотин экан. Ўзининг одамлари билан келибди. Бизникиларни яқинлаштирумабди.

— Шариф ҳозир қаерда?

— Ергўлада.

— Одам топ.

— Бўлмайди-ёв...

— Қилич қаерда, думини қисиб қочвормадими?

— Йўқ, унинг парвойи палак. «Хавотир олманглар, иш пухта бўлган, кетса фақат Шарифнинг ўзи кетади», дейди.

— Кўздан қочирма уни. Сал айниса, Ҳосил акасининг изидан жўнатвор.

— Ҳа, акасини зериктирмасин, — деди Кесакполвон ҳожасининг фикрини маъқуллаб. — Уруғаймоги билан қуритиш керак. Буни менга кўйиб бер. Яна бир гап: прокурор болани ҳам ўтқизиб кўйишибди.

— Қайси прокурор бола?

— Оёгимиз остида бир ўралашуви, эсингдами? Маҳмудни ҳам сўроқقا чақириб, дуч келган тешикка тумшуғини тиқятувди.

— Уни нимага қамашибди?

— Шарифга алоқаси бормиши-ей...

Асадбек «Сен аникроқ биласанми?» дегандай Чувриндига қаради.

— Қилич Шарифни қаматганида иш шу боланинг кўлида эди, — деди Чувринди изоҳ бериб. — Бир нарсадан гумонсирашгандир.

Асадбек учун бу янгилик хавотирлироқ бўлди. Дастлаб арзимасдай кўринган бу ўрама фақат Шариф Намозовни эмас, балки бошқаларни ҳам ўз домига тортиши мумкин эканлиги энди аниқ эди.

— Масковликнинг афти-ангорини кўрдингми, ўзинг?

— Кўрмадим, — деди Чувринди.

— Афти-ангорини нима қиласан, жигилдонини кўриш керак, — деди Кесакполвон.

— Жигилдони наҳангниридай бўлади-да, — деди Чувринди.

Асадбек аъёнларининг гапларига эътибор бермай бир оз ўйга толди. Сўнг бир қарорга келиб, Чувриндига қаради:

— Маҳмуд, пайига туш. Яна кавлаб-кавлаб Қиличга осилмасин. Агар Қилич илиниб қолса, чатоқ бўлади.

— Қиличнинг илинишини кутиб ўтирамизми? Уни бир ёқли қилиш керак.

— Ҳозир эмас.

— Сен бир нарсани билмайсан. Менга Филай айтди. У хунаса қамоқда ўтирганида ҳам Ҳосилнинг оёғини ялаб юрган.

— Ҳозир эмас, деяпман! — Асадбек зарда билан гап бошлаб, кейин ўзини босди. — Ҳозир Қилични йўқотсанг, масковлик хитланади. Маҳмуд, Қиличнинг ёнига ишончли одамни қўй. Юрса — бирга юрсин, ётса — бирга ётсин. Ҳар бир нафас олиши кузатувда бўлсин.

— Шу эҳтиёткорлигинг менга ёқмаяпти, — деди Кесакполвон. — Ахир одам иҷкетар бўлиб ўлиб қолиши ҳам мумкин-ку? Бирор ахлатини титиб, сенинг изингни топармиди?

— Керак бўлса жуда топади-да! Лекин менинг изимни эмас, сенинг ачиб-бижиб кетган аҳмоқ миянгни топади. Кейин «Шу аҳмоқ мияни еб заҳарланибди», деб қўя қолади, — деди Асадбек жаҳл билан.

Уларнинг маслаҳати пишмай туриб, эшик қия очилди-да, болохонадаги йигитлардан бирининг боши кўринди:

— Хўжайнин, бир одам сўраяпти, — деди у айбдор бола каби довдираф.

— Ким экан? — деди Кесакполвон зарда билан. — Аввал кимлигини билиб, кейин келмайсанми, с-сўтак!

— Кимлигини билдим, ака: Масковдан келибди. Хонгир деган одамдан салом олиб келганмиш. Хонгирнинг кимлигини хўжайнин биларканлар...

Хонгирейнинг номини эшитиб, Асадбек билан Чувринди бир-бирига сирли равишда қараб олдилар. Москвадаги учрашувдан бехабар Кесакполвон эса энсаси қотиб сўради:

— Кимдан дединг?

— Хонгирми... Гапига яхши тушунмадим. Тилидан ўрисга ўҳшамайди. Гурзинми дейман...

— Бир ўзими ё шериги борми? — деб сўради Чувринди.

— Битта ўзи келди.

— Чақир, кирсин, — деди Асадбек.

Чақирилмаган меҳмонни Асадбек ҳам, Чувринди ҳам дарров танидилар. Москвадаги учрашувда Хонгирей ёнида турган, артистлардай ўзига бино қўйиб кийинган, қалдирғоч мўйловли бу йигитни эҳтиром билан кутиб олиб, тўрга ўтқиздилар.

— Қалай, Хонгирей соғ-саломат юрибдими? — деб сўради Асадбек.

— Оллоҳга шукр, — деди меҳмон. — Хонгирей сенга-да саломлар юбарди. Узинг нечуксан? Соғмисан, қардош?

Унинг ёш бўла туриб сенсираши учовининг ғашларини келтирган бўлса-да, сир бой беришмади. Нозикроқ одамлар билан Асадбекнинг ўзи гаплашарди. Аъёнлар у ёки бу масалага кўз қараашлари билан муносабатларини билдириб туришарди. Бу сафар ҳам анъана бузилмади.

— Кўнгироқ қилганингда кутиб олардик, Хонгирейнинг одами биз учун азиз меҳмон, — деди Асадбек унинг саволларига жавоб бермай.

— Келиб-кетиб юрган ерим. Бу жойлар ўз уйимдай бўлиб қолган. Сени безовта қилмоқнинг ҳожати йўқтур.

— Қандай юмуш билан келдинг? Балки ёрдамимиз тегар?

— Ёрдамми? Э, йўқ, қардош менга ёрдам керакмас. Керак бўлса, бизлар сенларга ёрдам беришимиз мумкин. Мен бу ерга Хонгирейнинг укасини кўргани келган эдим. Сен уни танийсан — Ҳосил. Уйида йўқ, офисида йўқ. Сафарга кетган эмиш. Сен билмайсанми? Қаерга кетган? — У шундай деб Асадбекка синовчан тикилди. Асадбек ундан нигоҳини олиб қочмади, тик қараганича киприк қоқмай жавоб берди:

— Унинг ўз калласи, ўз оёқ-қўли бор, истаган томонига бора беради. Мендан сўраб ўтирумайди.

— Сен уни яқин орада кўрмадингми?

— Яқин орада кўрмадим.

— Эслаб кўр-чи, қачон кўрган эдинг?

— Сен Хонгирейнинг одамимисан ё прокурормисан? — деди Асадбек киноя билан. У шу тарзда меҳмон иззатини билмаёттанини маълум қилиб қўймоқчи эди. Меҳмон бу кинояни самимий ҳазил ўрнида қабул қилиб, кулимсиради:

— Қардошим, мен Хонгирейнинг бош прокурориман. Ҳосилни қачон кўрганинг мени жуда-жуда қизиқтириб қолди. У бутун ё эртага Хонгирейга жуда-жуда керак. Уни қидириб топишим шарт. Ётиригини ё ўлигини, англадингми?

— Менга қара, «бош прокурор», Ҳосилнинг жилови менинг эмас, хўжайнингнинг қўлида. Агар «жуда-жуда қизиқсанг», эшит: Масковдан қайтганимдан кейин уни кўрганман.

— Уйингга ўзи келган, а? — деди меҳмон, «Бундан бизнинг ҳам хабаримиз бор», деган маънода.

— Ҳа, уйимга ҳам келган.

— Ораларингдан гап қочмаганмиди?

— Ҳосилнинг мен билан гап талашиши учун яна эллик қовун пишиги бор. У менинг олдимда ким, биласанми? У — бир лайча!

— Ў, гўзал! — деди меҳмон бармогини қарсиллашиб. — Жуда гўзал! Ҳосил — лайча. Асадбек — ўқ илон! Ҳонгирейга айтиб қўйишим шарт. Қардош, сен айт, агар лайча акиллаб ғашини келтирса, ўқ илон чақиб ўлдириши мумкинми?

— Агар ўқ илон чувалчанг зотидан бўлса, чақади. Ҳақиқий ўқ илон бунаقا паст кетмайди.

— Менга ёқялсан, қардош! Энди яна бир гап: Ҳонгирейнинг Козлов деган яна бир укаси бор. Красноярскда туради. Эшитганмисан?

— Эшитганман.

— Ўша сеникига меҳмонга келмоқчи экан, келмадими?

— Йўқ.

— Қизиқ, сеникига меҳмонга келмоқчи экан, — деб гапини қайтарди меҳмон. — Агар бугун-эрта келиб қолса, Ҳонгирейга хабар қил. Козловнинг озгина қарзи бор, тўлаб қўйсин-у, юраверсин. Ҳа, айтмоқчи, қардош, ижозат бер, мен Ҳонгирейга телефон қилиб олай.

Чувринди туриб телефонни олди-да, уни меҳмоннинг қўлига тутқазди. Меҳмон лозим рақамларни тергач, ўтирганларга бир-бир синовчан тикилди. Сўнг, Москвадан жавоб бўлгач, ўз тилида гапира кетди. Ҳонгирей билан гаплашдими ё бошқаси биланми, улар тушунишмади. Асадбекнинг номи икки-уч марта тилга олингани эса улар учун жумбоқ бўлиб қолаверди.

— Энди менга рухсат бер, — деди меҳмон гўшакни жойига қўйгач.

— Сен меҳмонсан, — деди Асадбек, — ўзбек палов емаган меҳмонига ижозат бермайди.

— Ў, ташаккур, жон қардош, палов егани келаман. — У шундай деб ўрнидан турди.

Асадбек Чувринди билан кўз уриштириб олди. Нигоҳларнинг бу учрашуви қандай маъно англатишини уққандай меҳмон оstonада тўхтаб, орқасига ўтирилдида:

— Қардош, орқамдан одам қўйишини ўйлама. Биз кўпчиликмиз, — деди.

— Хотиржам бўл, менинг бунаقا одатим йўқ, — деди Асадбек.

Меҳмон кўздан йўқолгач, улар ўз ўринларини эгаллашди.

— Ис олибди-да? — деди Кесакполвон совуб қолган чойини ҳўплаб. Сўнг жаҳл билан Чувриндига қаради: — Маҳмуд, чақир биттасини, чойни янгиласин.

Чой янгилангунича хонага сукут ҳукмронлик қилди. Чувринди бундай пайтда ҳожасининг гапиришини кутади. Кесакполвон эса юраги тошиб, бетоқатланади. Ҳозир ҳам фикрини баён қилимоқ учун бир-икки оғиз жуфтлади-ю, Асадбекнинг хўмрайиб ўтиришини кўриб, шашти қайтди.

— Маҳмуд, Масковга бориб келишинг керак. Филяйни олиб бугун уч, — деди Асадбек.

Унинг гаплари мунозарага ўрин қолдирилмаган тарзда, амр оҳангиди айтилган бўлса-да, Кесакполвон ўзини тутиб турга олмади:

— Дарров юборма. Кўрқибди, бир гап бор, деб гумонсирайди.

— Йўқ, буғуноқ жўнайди. Вақт ўтса — газак олади. Мен Масковдан бир садо келишини кутятувдим. Хонгирей мени огоҳлантирган эди. Козлов қочганга ўхшайди. Шарифни қамаган прокурорнинг келишида ҳам Хонгирейнинг хизмати бўлиши мумкин. Вагонни Хонгирейнинг одамлари хитларга рўпара қилган.

— Кўрқоқ бўлиб қолибсан, — деди Кесакполвон.

Алам денгизи тўлиб турган Асадбекка бу гап малол келди. Фазаб жиловини узди-ю, кўлидаги пиёлани Кесакполвонга қараб отганини ўзи ҳам билмай қолди. Пиёла Кесакполвоннинг қулоғи ёнидан учиб ўтди-да, деворга тегиб синди. Чувринди чаққон туриб ҳожасининг елкасидан ушлади. Кесакполвон эса ўрнидан жилмади. Бошини эгиб ўтираверди.

XII боб

I

Тунларни тўлғоқ билан бедор ўтказаётган фақат Асадбек эмасди. Шифохонадаги Элчин ҳам шундай ҳолатда эди.

Фарқлари — Асадбекнинг жон таслим қилиш онлари тобора яқинлашарди. Элчин эса, аксинча — узоқлашаётгандай эди. Асадбекнинг уқубатли умр йўли адогига етай деганида Элчиннинг азобли ҳаёти

давом этадигандай эди. Илгари Элчин тиконли чўл бўйлаб ялангоёқ юргурган бўлса, энди олов саҳросида куйиб, қовжирайди. Руҳ азоби худди соя каби унга илашиб юраверади. Бора-бора ўлим Оллоҳнинг сўнг жазоси эмас, балки мукофоти эканига ишонади. Ана шу мукофотга етишмоқни орзу қилади. Руҳи эзилган дамларда «Худо қайси гуноҳларим учун жазолаяпти?» деб ўзига-ўзи савол беради. Ажаб дунё... фақат Элчин эмас, бу дунё азобидан озгина татиб кўрган ҳар қандай банда шу саволга жавоб топмоқни истайди. Агар бу ожиз бандалар «Қандай яшасам гуноҳга ботмайман, жазога дуч келмайман», деган саволни кўндаланг қўйиб ҳаёт кечирсаларми эди, оқибат қайси гуноҳлари учун жазо олаёттнларини билмай сар-сари бўлмаслар эди.

Элчиннинг ҳали бундай холосага келмоғига фуррат бор. Шифохонада ҳушига келгач, у бошқа нарсаларни ўйлайди. Ўқ еб йиқилган Ҳосилбойвачча томон юргани, кўча эшик зарб билан очилгани, Филай қўлидаги тўлпонча ўт уфургани... синема тасмасидай қайта-қайта кўз олдида гавдаланаверади. Сўнг... отонаси... Ноиласи... Сўнг... илонзордаги Ҳосилбойвачча... Нима эди бу? Тушими эди ё алаҳсирадими? Ёки... у дунёга бориб-қайтдими? Бир ўлиб, бир тирилдими?

Бу жумбоқ эди. Бу жумбоқни ечмоқ учун қўп бош қотиради. Оқибат... қиёматдагина жавоб топади...

Элчин дастлаб ҳуши ўзига келганида кўзини очиб, оқ либосли ҳамширани кўрди. Уни фаришта қиёфасидаги Ноила деб хаёл қилди.

— Ноила, яна кўришдик, энди мени ҳайдама, — деди.

Бу гапни хаёлида айтди — қуруқшаган лаблари салгина қимирлаб қўйди холос.

Сўнг... кўргани ҳамшира хира пардага ўрала бошлади. Хира парда зулумот чодири билан алмашилди.

Аёл киши овоз берди:

— Доктор, юраги тўхтаяпти...

Ким у? Нима учун бундай деди? Элчиннинг назаридаги юраги темирчининг босқонидек гупиллаб уради, қулоғи овозларни эшитарди. Фақат... кўз олди қорон-филашди. Кейин... овозлар узоқлаша бошлади. Кейин у енгил қушга айланди. Уча бошлади. Худди Филайнинг тўлпончасидан ўқ отилгач парвоз қилгани каби... Учди, учаверди...

Шаҳарни осмондан туриб тамоша қилди.
Одамлар... чумолидан кичик, чумолидан ожиз...
Ерда юришлари эса...
Ерда юрганларида ўзларининг бу қадарли ожизлик-
ларини нима учун билмайдилар экан?

Кеккайиб юрувчи одамзотнинг аслида чумоли каби
заифлигидан ажабланётган Элчин энди пастга қулай
бошлади. Пастга, ўзи каби кибрли одамзот бағрига
қараб учди, учаверди. Кўрқди... Ер-парчин бўлиб
ўлишдан кўрқди.

Бирдан... Анвар кўринди! Соғинган дўст каби қу-
личини кенг ёйиб, унга бағрини очди.

Ажабланарлиси шундаки, унинг оёқлари ерда
эмасди, балки у ҳам Элчин каби учарди. Анвар уни
қучоқлаб олди. Элчин қамоқдан қайтаётганида Анвар
билан учрашувни кўз олдига келтирганда ана шундай
қучоқлашишни умид қилган эди. Афсуски, хаёли пуч
бўлиб чиқиб, уни жиннихонадан топди. Соғинган
дўстлар қучоқлашиб кўришмадилар. Ўша умид... мана
энди амалга ошди. Анвар қучоқлади...

Аммо... Анвар ўлган эди-ку?..

— Анвар! — деди Элчин ҳаприқиб, — Қаёқдан кел-
динг? Мени кутаётганимдинг?

— Йўқ, сени кутмаётган эдим. Ўзинг қаёқдан пай-
до бўлдинг? Нима бор сенга бу ерда?

— Бу ер... деганинг нима?

— Тушунмадингми?.. Тушунмайсан...

— Қамоқдалигимда тушларимга кирадинг. Ну-
кул кичкина болага айланиб ўйнардик. Ҳатто... ўқи-
тuvchi ўтирадиган курсига ингичка мих қоқиб қўйга-
нимиз ҳам тушимга киравди. Кейин... Чиққанимдан
кейин ҳам тушимга кирдинг. Ёмон тушлар кўр-
дим.

— Қанақа туш?

— Айтмайман, хосияти йўқ.

— Айт, билгим келяпти.

— Ўзингни осиб қўйган эмишсан.

— Бу туш эмас эди...

— Сен ўзингни ростдан ҳам осдингми? Сен... рост-
дан ҳам... ўлдингми?

— Ҳа, ўлганман.

— Унда ҳозир мен... туш кўряпманми?

— Шунга яқин.

— Уйғонганимдан кейин сени кўрмайманми?

— Кўрмайсан.

- Унда... мени қўйиб юбор.
- Аввал сени ҳаётингга элтаман.
- Ҳаётимга?.. Қанақа ҳаётимга?
- Сен мени жиннихонадан чиқарган эдинг. Мен қарзимни узаман.
- Сенинг... одамларни ҳаётга элтадиган кучинг борми?
- Йўқ, мен фақат амрни бажарувчиман.
- Кимнинг амри?
- Ақлингни ишлат...

Сўнгги сўзлар акс-садо бериб тақрорланди. Тақрорланаверди. Кейин бу овоз юрак дупурига айланди. Яна ўз юрагининг дукурини эшилди. Кейин нотаниш овозлар... Кейин кўзларини очди.

Бундай ҳолат бир неча марта тақрорланди. Дам ҳушини йўқотиб, дам ўзига келиб ётди. Орадан қанча вақт ўтганини фаҳм этмади. Гоҳида бу шифохонага кечагина келгандай туюларди. Гоҳида эса йиллаб ётгандай бўларди гўё.

Ана шундай кунларнинг бирида Зайнаб келди. Аввалига уни танимади. Бунга кўз олдини қоплаган хира парда сабаб, деб ўйлади. Аслида эса, Зайнаб кейинги кунлар ичи чиндан ҳам танимас даражада ўзгарган, озиб, ҳусн-латофатини йўқота бошлаган эди. Чувриндининг хотини уни пардоз қилишга бежиз ундумаган эди. Элчин Зайнабга ҳамроҳ бўлиб келган Чувриндининг хотинини аввал кўрмагани боис ҳам уни танимади.

Зайнаб эрига сассиз тикилиб турган бўлса-да, Элчиннинг қулоқлари остида унинг аламли нидоси жаранглайверди:

- Худо урсин сен ифлосни!!!

Ўша қоронғу уйда, номуси булғанган дамда покиза юракнинг аламли нидоси бўлиб учган бу фарёд сўзлари Элчиннинг хотирасига муҳрланган эди. Ҳозир, ўлим билан ҳаётнинг қил кўприги устида турган маҳалда жаранглаб, қалбдаги яраларини тирнаб ташлади. Сўнг бу сўзлар ўзгарган ҳолда, пастроқ оҳангда, ижро бўлган ҳукмнинг интиҳоси сифатида эшилди:

- Худо урибди-да, охири, Худога шукр...

Йўқ, Зайнаб айтмади бу гапни. Буни Элчиннинг дили жувон тилидан айтди. Яхшики Зайнаб бир сўз айтмади, узоқ турмади. Гапирсами эди, унинг ширин сўзлари ҳам камон ўқларига айланиб, дилини яраларди. Кўпроқ турсами эди, яралangan қалби ўқинчнинг

темир тирноклари орасида мажақланиб азобланарди. Зайнабнинг тез қайтиши уни бу азоблардан күтқарди.

Зайнаб чиқиб кеттак, ухладими ё хушини йўқотдими, билмайди. Ҳарҳолда яна енгил парвоз эттандай бўлди. Аввал Ноилани кўрди. Уни кирланиб кетган либосда кўриб, кўнгли кирланди.

— Ноилам, мен сенга янги кўйлак олиб берай, — деди Элчин.

Ноила жавоб бермади.

— Ноила, нега индамайсан?

— Сизни... Худо ургани рост...

— Ноила, ундей дема.

— Худо ургани рост...

Элчин ҳайратланди: қаршисидаги Ноила Зайнабнинг овози билан гапиради.

— Ноила, сен ундей дема, мен қасос олишим керак эди, қасос оляпман.

— Зайнабни хорлашингиз қасос эмас.

— Тузалиб чиқсан, ҳаммасини ўлдираман!

Бу гапни эшитиб, Ноила кула бошлади. Зайнабнинг овози билан кулди. Хохолаб кулди. Кўзларидан ёш куйилиб, ўксиб-ўксиб йиғлаб кулди. Элчин бунаканги ҳолатни сира учратмаган эди. Шу боис «Кулма», дейишни ҳам, «Йифлама», дейишни ҳам билолмай каловланди. Овутиш учун қўлларини узатган эди, Ноила узоқлашди. Узоқлаша-узоқлаша, охири бир нуқтага айланиб, сўнг йўқ бўлди. Йиги аралаш кулгиси эса эшитилиб тураверди.

Хонада бир нарса тарақлаб, Элчин чўчиб тушди. Кўзини очди. Хона гира-шира ёруг. Кимсасиз. Жимжит. Элчин биқинида уйғонган оғриқча чидолмай, инграб қўйди. Ичи куйиб, лаблари куриб чанқади. Нажот тилаб, «Сув», деб пичирлади. Нажоткор топилмади. «Улаётган одамнинг ёнида бир одам ўтириб, сув томизарди, — деб ўйлади Элчин. — Менга... шу ҳам насиб этмади. Анвар тирик бўлганида ёнимда ўтиради. Ҳеч кимим йўқ... Атрофим тўла одам эди. Қўл қовуштириб туришарди. Қани улар?.. Ҳеч бўлмаса биттаси келиб, лабимга бир томчи... бир томчигина сув томизса-чи...»

Одамлар кўп эди, рост. Аммо улар пастда, Элчин эса юқорида эди. Элчин уларга, айниқса қамалишидан аввал еттинчи осмондан туриб қааради. Ҳар бир одамнинг болалигида ортирган дўстлари оғир дамларида сяниши мумкин бўлган тоғдир. Элчиннинг «тоғ»ла-

рини тўйлари емириб, адо қилди. Айрим дўстларини ўзи назарга илмади. Айримлариникига эса Асадбекка тегишли одамларнинг тўйлари билан бир вақтда бўлгани сабабли боролмади. Дўст тоғлари емирилди. Фарзанд тоғи-чи?

Ўшанда... нодонлик қилди.

Ноила ҳомиладорлигини айтди-ю, маъюсланди.

— Нега хафасан? — деб сўради Элчин.

— Агар... мастилик ҳолатида бўлса... бола ногирон туғиларкан. Ўйлаб қарасам, масти бўлмаган кунингиз йўқ...

— Унда олдириб ташла...

Осонгина ҳукм чиқарди.

Ноила осонгина кўнди. Сўнг... яна...

Ўз фарзандларига ўзлари ўлим ҳукмини ёздилар.

«Ногирон бўлиб туғилавермайдими, ҳеч бўлмаса лабимга бир томчи сув томизишга яратди-ку...»

Элчин ингради. Бу сафар руҳ азобидан ингради. Бу азоб ўқ тешган, тиф теккан баданининг оғрифидан минг карра кучлироқ эди. Бу азоб унинг хушини ўғирлади.

Энди у парвоз қилмади. Оёқларига ботмон-ботмон тош осилгандай қийналиб юрди.

— Ҳа, қийналиб кетдингми?

Элчин Анварнинг овозини таниб, атрофига аланглади.

— Мен сенга нима деганман? Жиннихонага келганингда дунё формуласини кўрсатганман. Эсингдами? Ҳақиқат нимага баробар эди? Эсла: ҳақиқатнинг нимага баробар эканини топиш учун хиёнатни риёга қўшамиз, ҳасад билан очкўзлик қавс ичиди қўшилади. Адоват, гийбат, нифоқ, шуҳратпарастлик, мансабпрастлик эса илдиз остида қўшилади. Буларнинг ҳосиласидан виждон, иймон, ҳаёning қўшилмасини айррасак, баробар нол! Ҳақиқат — нол, деганимда сен мени жиннига чиқарувдинг.

— Бўлмаган гап! Сени ҳеч қачон жинни деб ҳисобламаганман. Сен ўзингни жинниликка солиб юрардинг. Дунё формуласини яратиб, дунёни осонгина ташлаб кетдинг. Сен дунёга хиёнат қилдинг.

— Ўзинг содиқ қолавер дунёйингга.

— Мен қасоскор одамман. Қасос олиш учун ҳам яшашим керак. Энди сен учун ҳам қасос оламан!

— Мен учун?.. Нима қилмоқчисан?

— Холидий сен осилган жойга осилади.

Анвар кулди, хохолаб кулди.

— Кулма, мен онт ичганман.

— Қачон?

— Сенга жаноза ўқылган куни. Ҳамхонанг менга айтиб берган ҳаммасини.

— Ҳаммасини? Ниманинг ҳаммасини?

Үша куни, Анвар лаҳадга қўйилиб, қабрига тупроқ тортилгач, барча тарқалиб, Элчин дўстини ёлғиз ташлаб кетгиси келмай ўтирганида «Энг кичик илмий ходим» унга яқинлашиб, билганларини айтган эди. Анварнинг Холидий билан тўқнашувлари, газетадаги мақола, Ҳикмат Ўроловнинг ўлими, қабристондаги маъруза... ҳаммасини айтди. Ана ўшанда Элчиннинг қалбida ёвуз бир фикр уйғонди. Холидий айнан ўша жиннихонага, айнан ўша ҳожатхонага осилиши керак, деб ҳукм қилди. Фақат... ҳукм ижроси кечикди... Элчин Анвар ишлаган институтга бориб, Холидийни кўриб ҳам келди. Унинг кўзлари олайиб, тилини тишлаган ҳолда ҳожатхонада осилиб туришини истади. Жуда-жуда истади. Фақат... кечикди.

...Хушсиз ётган Элчиннинг хаёлидаги Анвар куларди, тўхтovсиз куларди.

— Кулаверма ҳадеб, — деб ранжиди Элчин. — Ўлдиришимга ишонмаяпсанми?

— Ишоняпман. Лекин сен осганинг билан у ўлмайди. У кўп бошли аждаҳо. Битта бошини осганинг билан бошқалари омон қолаверади. Боғбоңларнинг ишларини кузатгансан? Битта шохнинг учини кесса, ўша ердан икки-учта сурҳча чиқади. Сен битта Холидийни ўлдирсанг, ёнидан икки-учта Холидий ўсиб чиқаверади. Уларни осишга ҳожатхона етмайди.

Шундай деб яна кулди. Хохолаб кулди.

— Сенда қасос туйғуси йўқ эди, — деди Элчин ўйчан тарзда.

— Сенда борми? Бекор гап! Сендаги туйғу — пуч бир нарса!

— Бекор айтибсан!

— Сенинг қасосинг кимга керак? Фақат ўзингта. Кўнгил хуморини босиши учун керак. Сенинг қасосинг — кашанданинг чилим чекишидек бир гап. Хумор тутганда бир чекади, тамом.

— Сен... кет... бошқа келма... Истамайман сен билан гаплашишни. Ноила билан тилларинг бир.

— Ноила нима дейди?

— Зайнабга ачиняпти.

- Тұғри қилади.
- Бу қасос әмас әдими?
- Қасос әмас әди, тұғри.
- Бундай дема! Бу— қасос! Мен Асадбекни қийнаб үлдираман! Кейин ҳаммага айтаман: бундай ифлослар жазосиз қолмаслиги керак, дейман!
- Құлингдан келмайди.
- Келади!
- Йүқ... энди ёнингда Зелихон йүқ...
- Усиз ҳам әплайман!

Анвар кулди, хахолаб кулди... Сүнг...

Сүнг овози узоқлашиб, өқибатда ўчди. Кейин қарға қағиллади. «Овозинг ўчсин», деб ўйлади Элчин. Қа-моқда эканида, Русиянинг совуқ ўрмонларида юрган кезларida «Қарғанинг қағиллашида хосият йүқ», деб әшитиб, шу ақидага амал қилишга одатланған әди. Шу боис «Кишт!» деб ҳайдамоқчи бўлди. Қарға унинг пўписасини назарга илмади. Қағиллайверди. Шунда Элчин туш кўрмаётганини англаб, кўзларини очди. Овоз келган дераза томонга қаради. Боши айланиб дераза, дераза орқали кўриниб турган дараҳт шоҳлари айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Кўзларини чирт юмиб, чу-кур нафас олган әди, биқинидаги оғриқ зўрайди.

Қарға яна қағиллади. У кўзларини очиб қаради. Бу сафар боши айланмади. Ташқарида дараҳт шоҳига қў-ниб, шу хонага қараганича қағиллаётган қарға қанот-ларини патиллатиб қўйди-ю, учмади.

«Сенга нима керак?» деб пицирлади Элчин.

Қарға «гапингга тушунмадим», дегандай бошини қийшайтириди, сўнг шоҳни чўқилаб қўйди.

«Қандай аҳмоқ маҳлуқсан ўзинг?! — деб ўйлади Элчин. — Сенга нима бор бу ерда? Менга қандай хабар олиб келдинг? Ўлим хабарими ё ҳаёт умидими?.. Йўқ... Сенга ҳаёт умидини етказиш вазифаси берилмаган. Сен бор жойда яхшилик уруги қурийди. Сен келсанг бирор қувонмайди, кетсанг — ранжимайди. Сен... Худо қарға-ган күшсан... Қизиқ... Қарға — Худо қарғаган күш... Қи-зиқ... «Қарғиши» деган сўз «Қарға»дан олинганми? Худо қарғаган бандасига қарғани рўпара қиласдими?..»

Бу фикр Элчиннинг товонидан бўғзигача ўтмас пи-чоқда тилиб, туз сепгандай бўлди. Бу оғриққа тоқат қилолмай, қадини кўтариб, «Кишт!» деди. Қарға унинг ожиз сасини әшитгандай, бошини буриб қара-ди. Сўнгра эса «Вазифамни бажариб бўлдим», дегандай бир қағиллади-ю, учиб кетди.

Профессор Ҳабиб Сатторов Лондондан қайтгач, Москвада яна икки-уч ой қолмоқчи эди. Уйига қўнғироқ қилиб, хотинидан «Тезроқ келсангиз яхши бўларди» деган мужмал гапни эшитгач, фикри ўзгарди. «Хойнаҳой онам бетобидирлар. «Эрингни чақиртири», деб сикувга олгандинлар», деган ўйда йўлга ҳозирланди.

Уйига кириб келиши билан сўраган биринчи саволи шу бўлди:

— Ойим тузукмилар? Нега ланж гапирдинг?

— Ойим... тузуклар. Бирпас дамингизни олинг. Соғиник-да... — деди хотини жилмайиб. Ҳабиб Сатторов сезир одамлар тоифасидан эмас. Инсон руҳиятидаги, чехрасидаги ўзгаришларга етарли аҳамият бермас эди. Сезирроқ бўлганида хотинининг жилмайиши ортида бир дард яширганини, ташвишли хабар айтишга тили айланмай қийналаётганини фаҳмлаган бўларди.

Қизлари ўқишда, уйда эр-хотин ёлғиз эдилар. Шу боис «соғиниш» сўзи Ҳабибга ўзгача оҳангда эшитилиб, хотинининг белига кўл юборди.

— Вой ўрай, куппа-кундуз куни-я! — деди хотини нозланиб.

Бу нозланишдан сўнг у ўзини эрининг бағрида кўрди.

Телефон жирингламаганида соғинч деган туйфу уларни нокулай аҳволга солиб қўйиши мумкин эди. Чунки телефон қўнғироғидан кўп ўтмай кичик қизи ўқищдан қайтди...

Ҳабиб Сатторов чой ичиб бўлгач, кийимини алмаштириди.

— Би-ир ишхонага ўтиб келай, — деди у хотинининг савол назарига жавобан.

— Ҳовлига-чи? Ойимларни кўргани бормайсизми?

— Бораман, бораман... Аввал институтга ўтаман. Ҳовлига кейин. Фанлар академиясидан бир халта қозоз беришган. Директорга топшириб қўяй, балки зарур ҳужжатлардир...

Хотини лабини тишлади, аммо гапини айта олмади.

Ҳабиб Сатторов институтга кираверишдаги даҳлизга осилган, атрофи қора ҳошия билан ўралган суратни кўриб, тўхтади. Шу даргоҳда узоқ йиллар ишлаган,

лекин илмга заррача фойда бермаган, кейинги йилларда «кекса олим» сифатида ёшларга панд-насиҳат қилиб юрувчи илмий ходимнинг оламдан ўтгани ҳақидаги хабарни ўқиб, «Худо раҳмат қиссин», деб қўйди. Ҳабиб Сатторов Лондонга кетмасидан илгари бу одам унинг хонасига кириб: «Ўйлаб қарасам, шунча ишлабман-у, битта отнинг тақасини ҳам беришмабди. Ҳатто битта медалим ҳам йўқ-а?! Ўлиб қолсам, ёстиқчага нимани тикиб олиб чиқишиади. Болаларимдан уяламан. Ҳўжайнинг сиз айтинг. Қирқ йилдан ошикроқ ишладим. Ҳеч бўлмаса «Мехнат ветерани» медалини олиб берсинг», деган эди. Ҳабиб Сатторов «Катта» билан яхши муносабатда бўлмаса-да, унинг илтимосини айтган эди. «Медални олишга улгурдимикин? — деб ўйлади Ҳабиб Сатторов. — Бечора олган мукофотларини ёстиқчага қадаб, тобутининг олдида кўтариб боришлирини орзу қилган экан-да? Бу мукофотлар у дунёда иш берармикин? Мукофотлари йўқлар нима қиласкин?..»

Шу фикрларда кетиб бораётганида ҳамкаслари йўлиқиб, уни эсон-омон қайтгани билан қутлаб, сўнгра «Бандалик», деб қўйишиди. Ҳабиб Сатторов буни кекса илмий ходимга нисбатан айтилувчи сўз деб ўйлаб, «Ҳа, энди, умр дегани шу-да» деб қўяверди. Билдирилган ҳамдардликка бу ҳолда лоқайдлик билан жавоб берилишидан ажабландилар. Аммо ҳеч бири «Укаси ўлган одам ҳам шунаقا бўладими?!» демади.

Ҳабиб Сатторов қабулхонага кириб, раҳбар ўтирган хона эшигини очмоқчи эди, котиба тўхтатди:

- Соҳиб Пўлатович бандлар.
- Мажлисми? — деди Ҳабиб Сатторов тўхтаб.
- Бандлар, — деди котиба лабини буриб.
- Мени танияпсизми? — деб ажабланди Ҳабиб Сатторов. У раҳбар билан яхши муносабатда бўлмасада, бошқаларга нисбатан бу хонага бемалол кириб-чиқаверар эди.

— Танияпман, — деди котиба, кейин тортмасидан бир варақ қофоз чиқариб узатди: Ҳабиб Сатторов унинг бу қилиғидан ажабланиб, қофозни олиб ўқиди: «Буйруқ №... Мехнат интизомини сурункали бузгани учун Ҳабиб Сатторов вазифасидан озод этилсин...»

Ҳабиб Сатторов буйруқни қайта-қайта ўқиб, котибага «Эсларинг жойидами?!» дегандай қаради. Бундай тушунмовчиликларга, ажабланишу ҳайратланишларга кўникиб қолган котиба «Менга нима, буйруқни мен

чиқармайман», дегандай кичкина эговчаси билан тирногини эговлайверди.

— Ким бор олдилда? — деди Ҳабиб Сатторов овозини баландлатиб.

— Мумкин эмас, бандлар, — деди котиба яна лабини буриб.

Ҳабиб Сатторов яна бир оз чидаб турди-да, кейин котибанинг ҳай-ҳайлашига қарамай, эшикни шарт очиб, ичкари кирди. Асосий хона кимсасиз, бироқ, орқа томондаги дам олиш хонасидан аёл кишининг нозли кулгилари эшитиларди. Ҳабиб Сатторов «Нима қилсан экан?» деб ўйлаб турмади. Дам олиш хонасига бостириб борди. Чала ярим ечинган ҳолича бақалоқдан келган Соҳиб Пўлатовга карашмалар қилаётган йигирма уч-йигирма беш ёшлардаги жувон эшиқдан кириб келган Ҳабиб Сатторовга кўзи тушиб, қичқириб юборди. Бу қичқириқдан чўчиб тушган Соҳиб Пўлатов орқасига ўгирилиб, кутилмаган меҳмонни кўрди-ю, аввалига бир оз довдиради. Сўнг ўзини қўлга олиб, жилмайганича ўрнидан турди-да, ҳеч нарса бўлмагандай Ҳабиб Сатторовга қўл узатиб, кўришмоқчи бўлди:

— Ҳабиб Сатторович, салом, салом, яхши келдингизми?

Ҳабиб Сатторов унга қўл чўзмади, кўришмади. Соҳиб Пўлатов бунга ҳам эътибор бермагандай, қизга қаради-да:

— Сиз бораверинг, ишингизни қиласкеринг. Ҳаммаси яхши бўлади, — деди. Сўнг Ҳабиб Сатторовни катта хонасига бошлаб, ўз ўрнига ўтирди. У қисқагина фурратда довдираш, ўнғайсизланишдан бутунлай кутулган, жиддий, мулоҳазали раҳбар қиёфасига кириб олган эди. У қўнғироқ чалиб, котибасини чақирди-да, икки кишилик қаҳва буюргач, Ҳабиб Сатторовдан:

— Сафарингиз яхши ўтдими? — деб сўради.

— Сафар-ку, яхши ўтди, аммо мана бунга тушумадим, — деди Ҳабиб Сатторов кўлидаги қофозни унга узатиб.

— Нима бу? — деди Соҳиб Пўлатов ҳеч нарсадан хабари йўқ одамдай. Кейин буйруқقا кўз ютуртиргач, қофозни нари сурди: — Ҳа, буми, арзимаган бир гап. Расмиятчилик. Давлатнинг меҳнат интизоми ҳақидаги қонуни бор, азизим. Унга барчамиз бўйсунамиз.

— Мен Англияга иш билан кетган эдим, амманинг тўйига эмас. Уз ҳисобимдан...

— Хабарим бор. Аммо ўз ҳисобингиздан олган таътилингиз саккиз кун олдин тутаган. Лекин, азизим, сиз ташвишланманг. Бу бир расмиятчилик. Сиз менга тушунтириш хати ёзиб беринг. Сизни ишсиз қолдирмаймиз. Фақат мудирликда эмас... илмий ходим бўлиб ишлаб тура турасиз. Мудирликка одам тайинлаб қўювдим. Академия ҳам тасдиқлаган.

Ҳабиб Сатторов унинг гапларини эшита туриб «Тупурдим сенинг марҳаматингга! Мен Москвагами, Англиягами кетиб ишлашим ҳам мумкин. Аммо сен шу шилта ерингдан бир қарич жила олмайсан!» демоқчи бўлди-ю, тилини тийди. Жой талашиб, паст кетишини истамади. Буйруқни кўра солиб, бостириб киришнинг заифлик аломати бўлганини фаҳмлаб, ўзини ўзи койиди. «Шу бадбахтнинг ҳузуридан бошимни эгиб чиқсан, бир умрли шармандалик бўлади», деган фикртага келиб, қаддини роз тутди.

Унинг бир оз жим қолганини Соҳиб Пўлатов ўзича тушуниб, қўли баланд келганига ишонган ҳолда гапини давом эттируди:

— Яна ҳам мен сизни ҳурмат қиласман, азизим. Сиздай олимлар кўчада қалашиб ётгани йўқ. Баъзи ўртоқлар буни тушунишмайди. Ҳатто партбилетни столга қўйсин, дейдиганлар ҳам топилди. Мен уларга қатъий қарши чиқдим.

— Бекор қилибсиз, — деди Ҳабиб Сатторов истеҳзо билан кулиб.

— Нега бекор бўларкан? Мен кадрларни қадрлашни биламан. Сиз эса мен ҳакимда нотўғри фикрларда юрасиз. Партиялар, азизим, сиёсий масала. Сиёсий масала эса — ҳазил гап эмас! Учуб кетишингиз ҳеч гап эмас!

— Барибир бекор қилибсиз. Мен партбилетни столга қўймасдим, — Ҳабиб Сатторов шундай деб муғомбирларча кулди-да, яна қўшиб қўйди: — икки дунёда ҳам қўймасдим.

— Сиз... катта кетяпсиз. Сиз уларни билмайсиз. Улар шундайки... қўйишга мажбур бўлардингиз баривер.

— Қўймасдим, — деди Ҳабиб Сатторов ўжарлик билан.

— Нега?

— Чунки менда партбилетнинг ўзи йўқ. Партиясизман.

Соҳиб Пўлатов жойида бир қимирлаб олди.

— Бўлар иш бўлибди, — деди Ҳабиб Сатторов ғолиб одамнинг овози билан. — Ўзим ҳам «Бўшасаммик», деб юрувдим. Буйруқ учун раҳмат. Энди мен компьютеримни олиб кетсам.

— Қанақа компьютер?

— Билмайсизми? Наҳотки? Буюк Британия қироллик академияси Ҳабиб Сатторовга бешта компьютер совға қилган эди. Биттаси шахсан ўзимга совға, қиролчанинг дастхати ҳам бор. Билишимча, компьютернинг учтаси Москвада қолган. Иккитаси шу ерда. Майли, мен фақат дастхат битилганини олай. Биттаси институттада қолсин.

— Э, йўқ, азизим, — Соҳиб Пўлатов шундай деб жилмайди. — Сизга беролмаймиз уни. Булар институтнинг мулки. Сиз эса бизда ишламайсиз. Сизга фақат бир яхшилик қилишим мумкин: истаган пайтингизда келиб фойдаланишга ижозат этаман.

Шуниси ортиқча бўлди. Ҳабиб Сатторов шуни сига чидай олмасдан чапаничасига сўкиб юборди. Шу сўкиш баҳонасида ҳар икки томон айтадиганини айтиб, юрагини ғубордай босиб турган аламлардан фориғ бўлди. Фазаб тошлари тугагач, Соҳиб Пўлатов:

— Академик Холидий домла укангни жинни, девдилар. Тўғри айтган эканлар. Ўзи уруғларингда бор экан жиннилик, — деб баҳсга якун ясади.

Ҳабиб Сатторов бу якунга қарши бир гап айтмади. Соҳиб Пўлатовнинг фикрини маъқуллаганидан эмас, аксинча, айтилган гапнинг нақадар тубан, нақадар пуч экани сабабли унга жавоб қайтаришни лозим топмади. У ўз кўнглида сукут сақлаб, ҳарифидан баланд келди, ғолиблик шоҳсупасини эгаллади. Соҳиб Пўлатов эса сўнгги гапи билан уни «тамоман мажақлаб ташлаганига» амин эди.

Ҳабиб Сатторов кўчага чиқиб бир оз юргач, тўхтади. «Яна бир-икки оғиз гапни айтсан билар экан», деган фикрда афсусланди. Сўнг «Шу одамга гап таъсир қиласмиди», деган фикр билан ўзини ўзи овутди. Агар унинг ёнида Собитхонга ўхшаш илм соҳибларидан бири бўлганида, айни бир ҳақиқатни айтиб, кўнглига таскин берарди. Афсус шуки, ёнида бундай ақли расолардан йўқ. Яна бир афсус шуки, ўзи шу ёшга етиб аҳли донишлар сухбатига интилмади. Худо берган ақл хазинасини карра жадвалдан тортиб, турли формулалар билан тўлдирди. Агар руҳоний илмга озгинагина жой

бергандами эди «Ас-синатухум аҳла минал асал ва қула-
бахум қулубуз-зиааб»¹ — ҳадиси шарифининг нени
англатишини билган бўларди. Соҳиб Пўлатовнинг қи-
лиқларини шунда тушуниб етарди. Бўри қўйхонага ора-
ласа, бир неча жониворни бўғизлайди. Ҳолбуки, битта-
гина қўйни олиб кетади. Соҳиб Пўлатов ҳам шундай. У
ҳозирча Ҳабиб Сатторовни ишдан бўшатди. Ҳали шо-
гириллар, тарафдорлар... туришибди. Ҳабиб Сатторов
ҳозирча бу ҳақда ўйламайди...

У автобус бекатига қадар бўлган ярим чақиримлик
йўлда хаёлини ҳозирги ноҳушиликлардан тозаламоқчи
бўлди. Бу — унинг ҳамишалик одати. Бирон ноҳақ-
ликка дуч келса, кўнгли ғашланса, жанжалли ҳолатда
ўзини тутиб, ҳатто буни узоқ ўйламай, хаёлидан чиқа-
ришга ҳаракат қиласди. Бунинг учун у кўнглига ҳузур
бахш этувчи яхши дамларни эслаб, кўз олдига келти-
ради. Ҳозир ҳам шундай қилди. Англиядаги дорилфу-
нунда кечган масъуд дамларини, маърузаларидан
кейинги олқишлиарни, қиролича ҳузуридаги қабулни
эслади. Эслади-да, «Мен ким-у, у ким? Эртага ишдан
олинса, туфлаб ташлаган тупугимга арзимайди», деб
ўзига-ўзи тасалли берди. Соҳиб Пўлатовларнинг эрта-
га ҳам, индинга ҳам ишдан олинмасликларини эса,
ўйлаб кўрмади.

Болалиги ўтган уйга келгандан кейингина ҳамкасб-
ларининг нима сабабдан таъзия билдирганларини анг-
лади. Шум хабарни эшитиб, бир оз гарангсиди. Она-
сининг фифонли йигиси юрагини ўртаб юборди. Ма-
шойихлар «Отамлатсанг отамлатгин, бўтамлатмагин»,
деб бежиз айтмаганлар. Фарзанди дардида эзилиб-эзи-
либ йиглаётган онанинг дардини яна қандай дард би-
лан қиёслаш мумкин? Бундан улугроқ дард йўқдир...
Эҳтимол... Яна ким билади... Рисолат кампирнинг ай-
тиб йиглашига агар тоғ қоялари тушунишса, аламдан
балки тарс-тарс ёрилиб кетарми эдилар. Ажаб ери
шундаки, Ҳабиб Сатторов онасининг йигисидан ўр-
танди... Аммо... ўзи йигламади. Йиги келмади. Бундан
ўзи ҳам ажабланди. Кейин ўзидан-ўзи нафратланди.

Онаси бир оз юпангач, кўча эшик оғзида ҳассага
таянган Собитхон кўриниб, «Опоқи!» деб чақирди.
Рисолат кампир уни овозидан таниб, ўрнидан турди-
да, уй остонасига борди:

¹ Мазмуни будир: «Тиллари асалдан ҳам ширин, қалблари эса
бўриларнинг қалбидир».

— Келинг, Қори болам, келаверинг, — деди у йифламсираган овозда.

Ҳабиб Сатторов ҳовлига чиқиб меҳмонни кутиб олди. Рисолат кампир Собитхон билан йифлагб кўришиди.

Собитхон кўрпачага ўтиришга қийналгани сабабли, стулга чукди-да, ширали овозда тиловат қилди. Фотиҳадан сўнг Рисолат кампир одати бўйича «Худонинг иродаси шу экан-да», деб кўйди. Собитхон «Онажон, бу Худонинг иродаси эмас, Худо бандаларига жонларингга қасд қилинглар деб буюргмаган. Жонга қасд қилиш — шайтон иродасига бўйсунишдир. Афсуслар бўлсинким, биродаримиз шайтон қавмида кетибдилар», демоқчи бўлди-ю, илмдан бехабар бу аёлнинг аламли ярасига туз сепмай, деб тилини тиди.

— Кўёндан келибоқ шу шумхабарни эшигдим. Оллоҳ сизга сабр берсин. Барчаларимизни ўзи ҳидоят йўлига бошласин, — деди Собитхон.

— Юришингиз сал бежороққа ўхшайди. Ҳали ҳам яхши тузалиб кетмадингизми? — деб сўради Рисолат кампир меҳрибонлик билан.

— Шунисига шукр. Дўхтирлар юролмайди, деб башорат қилишувди. Уларнинг эмас, Оллоҳнинг айттани бўляпти.

Собитхон узоқ ўтира олмас эди. Шу сабабли кампирдан ижозат сўраб, ўрнидан турди. Ҳабиб Сатторов уни кузатиб кўйди. Изига қайтаётганида ошхонадан чиқаётган келини — Хонзодага тўқнаш келди. Хонзода қайнин оғасига салом бериб кўришиб, ошхонага кирганича энди чиқиб келаётгани эди. Ҳабиб Сатторов келинига бир қаради-ю, унинг бир неча ой орасида бир неча йилга қариганини сезди. Турмуш икирчикирларига унча эътибор бермайдиган бу олим кейинги ўтган ойлар келини учун нақадар мاشаққат бўлганини билмайди. Хонзоданинг кечалари тўккан кўзёшлари жамлансами, денгиз бўлмагандага ҳам кўл бўлар.

Беванинг, айниқса, тирноққа зор беванинг зорли, ғамли оҳларига тун қандай чидар экан, замину само қандай чидар экан? Ернинг оҳлари тўпланиб, сўнг вулқон каби портласа керак. Бева фарёд қила олса эди, бу фарёллар жамланса эди... Вулқон нима экан, Ер коинотдаги йўлидан адашарми эди... Лекин Ҳабиб Сатторов буларни ҳис қила олмайди. Хонзоданинг отасиникига кетишини ё кўзи ожиз қайнонасини боқиб шу ерда ўтираверишини билмай гарангсиши ҳам

унга бегона. Агар Ҳабиб Сатторовга бирор «Идда ўтиби, энди келинингиз бошқа турмуш қуриши керак», деса ҳайратланиши турган гап.

Келинининг маъюс боқишини кўрган Ҳабиб Сатторов унга нимадир дейиши лозимлигини сезди. Аммо ўша «нимадир» калласига кела қолмади, тилига туша қолмади. Аввалига укасининг сўнгти кунларини сўрамоқчи эди, лекин «Ярасини тирнамай, вақти билан айтар», деган ўйда фикридан қайтди. У айни дамда ё ўйдаги, ё ишхонадаги аҳволдан сўз очиши мумкин эди. Биринчиси ўзига маъқул келмагач:

— Институтда нима гаплар ўзи? — деб сўради.

Бу савол Хонзодага ғалати туюлди. Қайноғасидан тасалли кутган бу бева ер остидан яширинча бир қараб қўйди-да:

— Тинчлик, — деди хаста овозда.

— Тинчлик бўлса яхши... — деди Ҳабиб Сатторов, сўнг келинига синовчан боқиб қўшиб қўйди: — Ди-ректорларинг ҳам тинчми? Бошқаларга... ғаламислик қилмаяптими?

Хонзода «Институтга борибсиз, билгандирсиз?» де-гандек савол назари билан бир қараб олиб, ерга ти-килди:

— Кайфиятлари ёмонроқмикин... Бир мажлис бў-лувди..

«Мажлис» деган сўзни эшитиб Ҳабиб Сатторов сергакланди:

— Хўш, хўш, хўш, давом этинг-чи, нима гап бўлди ўша мажлиса?

— Мажлиса... сизнинг чет эллардаги ишларингиз-ни гапиришди. Хуллас... айтишдики... сиз...

— Тортинмай гапираверинг, нима дейишди?

— Сиз... капитализмга хизмат қилибсиз.

— Ў, шундай дейишдими? Бағоят гўзал айтилибди.

Капитализмга хизмат қилиш... — Ҳабиб Сатторов шу-нақа дегач пешонасига аста шапатилаб қўйди. — Вой, хомкаллалар,вой хомкаллалар! Ахир бу фан, сиёсат эмас! Фан капитализмга ҳам, социализмга бошқа «изм»ларига ҳам хизмат қилмайди. Фан — фанлигича, олим эса олимлигича қолади. Сиёсатдонлар ё у «изм»га, ё бу «изм»га бўйсинади. Иккита-учта «изм»ни ўйлаб топиб, дунёни бўлиб ҳаммани гаранг қилишади. Фан олами бундай «изм»ларга бўлинмаган, бўлин-майди ҳам! У қовоқ каллалар қачон тушуниб етишади буни?!

Хонзода қайноасининг гапларига тушунмагандай қараб тураверди. Бу гапларни келинига айтишнинг фойдаси йўқлигига ақли етган Ҳабиб Сатторов кафтларини бир-бирига уриб қўйди-да:

— Ҳа, майли, қўяверинг. Улар итга ўхшаб ҳураверишади, — деди. — Нима бўлса бўлди! Кунимиз шундай тўнкаларга қолганидан кейин нима қиласдик.

Хонзода қайноаси билан гаплашиб туришдан ийманиб, орқасига аста тисланди. Буни сезган Ҳабиб Сатторов ҳам эшик оғзидан ўзини четроққа олди.

— Ҳали институтга борувдим... Овсинингиз менга бу хабарни айтмовди-да, — деб ўзини оқлади. — Янгиликдан хабарларинг борми?

— Қайси янгилик?

— Мени ишдан бўшатишибди-ку?

— Эшитдик. Академияга хат ёздик.

— Бекор қилибсизлар. Эртагаёқ хатни қайтариб олинглар. Унинг одати маълум, хатта ким қўйган бўлса, битта-битта бўшатади. Мен... аслида ўзим ариза ёзмоқчи эдим. Биратўла Москвага кетаман. Бу ердаги ноҳақликлар жонимга тегди.

— Московда... — деди ўйчан тарзда Хонзода. — Московда ҳақиқат бор деб ўйлайсизми?

«Московда ҳақиқат бор деб ўйлайсизми?...»

Хаста, ўйчан тарзда эмас, Анварнинг кинояли овозида айтилганда бўлди бу гап.

«Московда ҳақиқат бор деб ўйлайсизми?»

«...ҳақиқат бор деб ўйлайсизми?»

«...ўйлайсизми?...»

Ошхона ичкарисида хаста овозда айтилган бу гап Ҳабиб Сатторовнинг назарида бутун маҳаллани зириллатгудай бўлиб жаранглади, акс-садо берди.

Сўнгги учрашувларида Анвар шундай деб эди.

— Московда ҳақиқат бор деб ўйлайсизми?

— Менга ҳақиқат эмас, илмий иш учун шароит керак.

— Ҳақиқат йўқ ерда шароит ҳам бўлмайди. Домлангиз бошингизни силагани билан «қора-қуралар насибамизни еб кетяпти», дейдиганлар кўп у ерда...»

Қизиқ, йўл устида айтилган гапни ўшандаёқ унуган эди. Келини эсга солди... Унда Анвар билан пича баҳслашган эди, насиҳат ҳам қилиб эди. Энди келинига нима десин?

Бу гап аъзои баданига титроқ юборди. Келинига норози қиёфада қаради-да:

— Сиз ойим билан ўтира туринг, мен Анварнинг хонасига кирай, — деб уй томон юрди. Анвар учун ҳам дарсхона, ҳам меҳмонхона вазифасини ўтаган уйга қадам босиб кириб, ўргада тўхтади. Ўзининг күёвлик онлари кечган бу уй деярли ўзгаришсиз. Фақат... ранглар унниқсан. Қайси бир йили чакка ўтганидан шифтдаги фанернинг айрим жойлари тиришган. Уйни қайтадан бўёқдан чиқаришга Анварда қунт ҳам, тоқат ҳам, муҳими — маблағ ҳам йўқ эди.

«Ўзим қараб турсам бўларкан», деб ўйлади Ҳабиб Сатторов.

Қайси бир йили онаси «Укангнинг топиш-тутишида барака йўқ, сен қарашиб тур», деганда «Укам ёш бола эмас. Ҳаракат қилсин. Ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши керак», деб уни ранжитган эди. Мана энди афсусланиб турибди. Энди бу афсусдан не фойда? «Ҳайитгача уйини мойлатиб бераман», деб ҳам ўйлади. Энди уйнинг мойи янгиланди нима-ю, янгиланмади нима? Ҳайитгача Анвар тирилиб келиб ўтирамиди? Ё Хонзодага керакми? У эрининг йили ўтгунча ўтирап, кейин кетар... Кейин Ҳабиб Сатторовнинг ўзи кўчиб келар...

Бир оёғи сингани туфайли каноп билан боғлаб кўйилган, дераза токласига қадалиб турган стол ҳозиргина ҳовлига чиқсан эгасини кутаётгандай мунфайиб кўринди. Хонзоданинг келинлигида тортиқ этилган бу стол меҳмонлар учун ҳам, дарс учун ҳам хизмат қиласарди. Дам ўртага судралиб, дам дераза томонга қўйилавериб оёғи синган бу столнинг «табиби» Анвар ўлимидан уч кун олдин «вақтинча» боғлаб кўйган эди.

Стол устида уч-тўрт китоб, тахлам қофоз, бир неча турли қалинликдаги дафтар турарди. Анвар сўнгги марта бу уйдан чиқсанда булар сочилган ҳолда эди. Кейин... Хонзода титроқ қўллари билан батартиб ҳолга келтирди.

Стол устида қалам ётибди... худди ҳозиргина ишдан ҳориб ёнбошлагандай... Ёки етим қолганидан бўзлаб, бағрини ерга бериб ётгандай. Шуниси тўғридир... қалам етим... китоб-дафтарлар етим, синиқ оёғи каноп билан боғланган стол, ҳатто уй етим... Фақат етим бола йўқ. Отани соғинувчи, «вой отам»лаб йиғлагувчи фарзанд йўқ.

Хаёлига шу фикр келганда кўзларига ёш қўйилди. Бағри куйиб йиглади. Нима учун йиглади? Укасидан

зурёд қолмаганиданми? Еки ўзининг ёлғизлигиданми? Ўз таъбири билан айтганда, «аҳмоқ бўлса ҳам» укаси бор эди. Энди... кўзи ожиз онаси, хотини, икки қизи... «Москвага ёки Англияга бориб ишлайман», деди. Ўзику, бориб келар. Онасига ким қарайди? Хотиними? Қайнона-келин муносабати аниқ-ку?

Ҳа... у ўзининг қисматига ҳам йиғлади. У олимлигини унугтиб, одам эканини эслади.

Шунисига ҳам шукр...

Ҳабиб Сатторов унсиз йиғлаган ҳолида бир оз тургач, стол ёнидаги стулга ўтириди. Бир неча дақиқа ҳаракатсиз ўтириди. Китоб-дафтарларига қўл теккизишга ботинмади. Китоб-дафтарлар кўл тегиши билан «Вой, эгам!» лаб дод соладигандай туюлди. Бир оз ҳаракатсиз ўтиргач, қўлига қаламни олди. Қаламнинг баданида тишларнинг изи...

Хаёлга берилиб, беихтиёр қаламни тишлаган ҳолда нималарни ўйлади экан? Балки ўзини қачон, қаерда, қандай осишни ўйлагандир?

Шу фикр хаёлиши билан, қўли титраб, қаламни жойига ташлади. Сўнг дафтарни олиб, варақлади. Айрим сатрларига кўз ташлади. Анвар ҳусниҳат эгаси эмасди. Айрим сатрлари ўлаётган одамнинг кардиограммасини эслатарди: дастлабки ҳарфларни ўқиш мумкин эди, сатр охирида ҳарф дегани тўғри чизикқа айланарди.

Ҳабиб Сатторовга бу дафтар илмий ишнинг қораламаси каби туюлиб, айрим сатрлар дикқатини тортди. Биринчи синф боласидай ҳижжалаб ўқий бошлади:

«...Бир халқ ўз ихтиёри билан бошқа халққа қандай қилиб қўшилсин? Ҳўп, номуҳтарам, ноакадемик, ноҗаноб, балки бу дунёда сизнинг аҳмоқ каллангиз билан фикр юритадиган галварсларга эргашиб каттароқ ёки кичикроқ халқлар қўшилар. Лекин қандай қилиб бир миллат ўз ихтиёри билан бошқа миллатта қўшилсин? Бу ҳолда қўшилгувчидаги ор-номус бўларми? Миллат — бир динга мансубликми? Бир миллат ўз ихтиёри билан бошқа миллатта қўшилибдими, демак у ўз динидан, ўз имонидан, виждонидан юз ўтирибди. Алқисса: «Урта Осиё Россияга ўз ихтиёри билан қўшилди», деган гап ўрта осиёлик мусулмон динидан чиқиб насторонийликни қабул этди, дегани эмасми? Шу ёлғонни чинга айлантириб бераётганлари учун валинеъматларидан мукофотлар оладилар. Бироқ, тентакона бу гап-

га ким ишонади, кимларни ишонтироқчи бўлишади. Омиларними? Омиларга бари бир — ким нон берса, кайфини хушласа ўшанга қуллуқ қиласверади. Қорнини тўйғазиб қўйиб, қамчиласа ҳам финг демайди. Бунақа оми одам нима — мол нима — фарқсиз. Аммо... (Аммо!) онгли одамлар кўп-ку? Уларни чалғитиш мумкинми?

Одамнинг ўнг елкасида Раҳмон фариштаси, чап елкасида Шайтон боласи туради, дейишади. Балки шундайдир. Лекин менинг назаримда (бунинг тўғри ёки нотўғрилигини Собитхондан сўраб олишим керак!!!) одам ўнгта қараса ҳақиқатни, чапга қараса — алдовни кўради. Одам ўнг томонига бошини бурса, юзига шапалоқ (балки муштдир, Худо уларга инсоф берсин) билан урадилар. Чап томонга бурса, пешонасини силайдилар. Унинг кўзи ажойиб нарсаларга, «имтиёзлар» деб аталувчи бу дунё жаннатига тушиб роҳат топади...»

Фикр шу ерга етганида сатрлар узилиб, араб ҳарфларида бир нималар ёзib қўйилган эди. Агар Ҳабиб Сатторов араб алифбосини билгандами, беадад улугъ ҳикматни ўқир эди. Дафтардаги:

«Изо, каанам туробу далила қовмин, Сайаҳдиҳум ила арзил жийафи»¹ деган арабий байтнинг Соҳиб Пўлатовга ҳам тегишли эканини англарди.

Ҳабиб Сатторов дафтарни яна варақлаб «жиннихона» деган сўзга кўзи тушиб жумла бошини излади.

«...Мени жиннихонга келтиришди. На иззат, на-да икром, на поёндоз, на-да гуллар бор. Обрў ҳам шунчалар бўлар-да. Ишончим комилки, агар Нортожиев (яни Горбачев) жиннихонага ётқизилса, бундан ортиқ обрў ололмайди. Демак, мен обрў жиҳатдан Нортожиев билан тенгман. Орамиздаги фарқимиз, у — профессионал, мен эса келажаги порлоқ ҳаваскор жинниман! Қандай яхши! Келажаги йўқ ёш олим бўлган дурустми ёки келажаги порлоқ ёш жинни аълороқми? Албатта кейингиси — муддаонинг ўзи! Дарвоза тепасига «Ленин биз билан», деб ёзив қўйишибди. Энди «Бутун дунё жиннилари, бирлашингиз!» деб ёздирамиз. Қизиқ... жиннилар нима учун бирлашишмас экан? Балки бирлашишгандир?.. Ҳа, бирлашгандар! Фақат уларга «жинни» деган унвон берилмаган.

¹ Мазмун будир: Агар қузгун қавмнинг йулбошловчиси бўлса, Тезда уларни улаксазорга олиб боради.

Улар — ақлли жиннилар. Биз эса... мен эса... ахмоқ жинниман. Йўқ, улар жинниларми? Мен жиннихонадаман. Демак, мен уларнинг меҳмониман. Буниси қойил! Лекин... бир кунмас бир кун, биз ҳаваскор жиннилар ҳам бирлашамиз. Сўнг... Хўш, сўнгра нима қиласиз? Ҳа, энг аввали ўзимизни «Ақлли жинни» деб эълон қиласиз. Кейин эркакни хотин, хотинни эса эркак деймиз. «Фалончининг эри туғди» ёки «Фалончининг эри боласини эмизмаётган эмиш...» ёки «Фалончининг эри бошқадан иккиқат эмиш». Зўр-а! Болалар-чи? Туғилган болаларни «буваси», «бувиси» деймиз... Қарабсизки, қиёмат! Энг қиёмати — телевизорнинг ҳамма каналарида фақат «Ўзбекфильм» томошаларини кўрсатамиз. Қарабмизки, эрталаб наҳорга босмачи, нонуштага босмачи, тушликка ҳам, кечликка ҳам. Заҳартанг қилиб ёки уйқуси қочиб турса ҳам — «Ўзбекфильм»...

Шу ерга келганда Ҳабиб Сатторовнинг тоқати тоқ бўлиб дафтарни ёпди-да, нари сурди.

«Майнавозчилик! — деб ўйлади у. — Умрини шунақа майнавозчилик билан ўтказди. Жиннихонага ҳам майнавозчилиги туфайли тушган. Ўша ерда ётиб ҳам шу қилигини кўймаган. Ҳаётга шунақа енгил қараган. Енгил қарагани учун ҳам ҳаётдан осонгина кета қолди. Унинг яшашдан мақсади йўқ эди. Ҳамма фожиа шундай!»

Ҳаётни оддий одам сифатида эмас, олим дунёқараш билан тушунувчи Ҳабиб Сатторовнинг укаси ҳақидаги фикри шундай эди.

«Енгил қарагани учун ҳам ҳаётдан осонгина кета қолди...»

Во ажаб! Ўзини осди, дегани ҳаётдан осонгина кетди, дегани эмас-ку? Тўғри, бир неча нафасда жон чиқади. Лекин бўйнига сиртмоқ солгунча қийналмайдими? Сиртмоққача бўлган соатлар, кунлар, ойлар, балки йиллар азобини ким ҳисоб-китоб қиласиди?

«Унинг яшашдан мақсади йўқ эди...»

Нақадар хато фикр! Анварнинг мақсади унизидан улуғроқ эди. Ҳабиб Сатторов бу оламда «Ватан озодлиги, ҳурлиги» деган тушунча мавжудлигини ўйлаб ҳам кўрмаган. Шу сабабли ҳам ҳурлик хусусида сатрлар битилган столга тирсагини тираган ҳолда ўтириб, укасини ножӯя айблади.

XIII боб

I

Асадбек кейинги пайтларда пухта ўйламай туриб қарорлар қабул қилаётган бўлса-да, Чувринди унинг ҳолатини билгани учун қаршилик билдирамади. «Филайни олиб, Масковга жўна», деганида «Уша ёққа бориши шартми? Агар шарт бўлса, кейинроқ борилса-чи», деб эътироз билдиришга оғиз жуфтлади-ю, ҳожасини газабга солмаслик учун тилини тыйди. Асадбекка бўйсиниб йўлга отланди.

Улар сафарга «депутатлар хонаси» орқали чиқишарди. Бу гал ҳам одат канда бўлмади. Хона бекаси Чувриндини яхши танирди. Аникроқ айтилса, бу гўзал жувоннинг хона бекаси бўлишида унинг хизмати бор эди. Хона бекаси уларни қаршилаб, учоқ бир оз кечикишини айтди-да, қаҳвахонага бошлади.

Чувринди қаҳвахонада Орзубекни кўриб қувонди.

— Бирга учамиз шекилли? — деди Чувринди у билан кўришгач.

— Агар Москвага бўлса, бирга учамиз. «Ватанимиз юраги»га, — деди Орзубек кейинги сўзларга киноя оҳангি бериб.

Иккита қаҳва келтирган бекачага Филай ароқ буюрган эди, Чувринди «Масковга бориб келгунча чидайсан», деб жеркиб берди. Филай бундан аразладими ё тор хонада ўтириб сиқилдими, чекиб олиш баҳонасида ташқарига чиқди.

— Бу ҳам ўзларингизданми? — деб сўради Орзубек. — Кўринишидан жаллодга ўхшайди.

— Жаллодлик унинг иккинчи истеъоди, — деб кулди Чувринди.

— Москвага малака оширишга олиб кетяпсизми ё Бутуниттифоқ ёш жаллодларининг кўрик конкурси борми? — Орзубек шундай деб кулди. Унинг кайфияти яхши эди, шу сабабли ҳазилини давом эттириди: — Шунаقا ўтказилса яхши бўларкан. Мана, эшитинг-а: «Алло, биз каллакесарларни изляяпмиз!» Орадан бир ой ўтгач бу ерда янги кўрсатув пайдо бўлади: «Марҳабо, каллакесарлар!»

Чувринди депутатнинг беғараз ҳазилидан кулди. Аслида бу ҳазил эмас, потос боғлаган пичинглардан бири эди. Доимо қовоқ ўюб юрувчи депутатдан ҳазил гапнинг чиқиши шимолда лола ундириш каби эди.

Унинг ҳазилини ён-атрофидагиларгина тушуниши мумкин эди. Чувринди унинг қилиқларини яхши билгани учун ҳам кулиб қўя қолди.

— Маҳмудбек, кўринмай кетдингиз? — деди Орзубек жиддийлик билан.

— Юрибмиз, ака, тирикчилик.

Орзубек ундан «Ўзингиз ҳам куринмайсиз», деган лутф кутди, бундай саволни эшитмагач, ўзи муддаога яқинлашди:

— Мен ҳам йўқламай қўйдим, — деди ҳамсуҳбатига синовчан тикилиб. — Бек акангиз «қорасини ўчирсин», деган бўлсалар керак, а?

— Йўқ, ундан эмас, биласиз-ку...

— Биламан. Ўша охирги учрашувда сизлар мени нотўғри тушундинглар. Мени амалпарамаст деб ўйладинглар. Маҳмуд, ақалли сиз ҳам мени тушунмадингиз-а? Ахир мен мансабпарамаст эмас, миллатпарамастман! Мен миллатим учун жонимни тикканман. Менда миллатим учун жондан бошқа ҳеч нарса йўқ. Молим ҳам, кучим ҳам йўқ. Куч, бойлик сизларда бор. Мен сизларда ҳам миллат туйғуси, хуррият туйғуси уйғонса эди, деб умид қилувдим. Сизда шундай туйғунинг учунини кўргандим. Афсус, адашибман.

— Адашмагансиз. Миллат учун биз ҳам жон беришимиз мумкин, — Чувринди шундай дейишга деди-ю, гап оҳангидаги сохталикни сезиб, ўнгайсизланди.

Депутат бу гапни эшитиб, бошини эгди. Қаҳвадан бир-икки ҳўплади.

— Маҳмудбек, одам бошқаларни алдаган тақдирда ҳам ўзини ўзи алдамаслиги керак. Мен энди тушуниб етяпман. Одамни ўттиз-қирқ ёшида Ватанни севишига ўргатиш мумкин эмас экан. Агар одамнинг ўзида зўр истак бўлса ўрганар-у, аммо бу туйғуни мукаммал дейиш мумкинмас. Ватан туйғуси она сути билан сингиши керак экан. Хафа бўлманг-у, сизларда она сути билан бошқа туйғу кирган.

Бу гап Чувриндининг ҳамиятига тегди. Ўз онасини, боласига кўкрак сутини бермаган онасини эслаб, газабланди. Қўлидаги пиёлани стол устига жаҳл билан «тақ» этиб қўйди-да:

— Оналаримизни тинч қўйинг, — деди зарда билан.

— Мени авф этинг, Маҳмудбек. Мен рамзий маънода гапирдим.

— Рамзий маънода ҳам гапирманг!

— Хўп-хўп, — деди депутат тобелик билан.

— Ватаннинг бошига бир иш тушса билинади, сиз аввал жон берасизми ё бошқаларми? Сизга ўхшаган гапдонларни яхши биламиз. Кўлингизга қурол бериб, «Ватанин ҳимоя қил», деса, «Ҳозир вақтим йўқ, мажлисга кириб чиқай», деб сичқоннинг инини ижарага оласиз.

— Сиз қайси Ватанин назарда тутяпсиз? Совет Иттифоқиними? Мен эса Ватан деганда фақат Ўзбекистонни тушунаман. Ўзбекистон озод бўлса бас! Унинг озодлик кунини кўрсам — армоним йўқ. Ўзбекистон озод бўлсин, мен унинг кўчаларини супуриб юрсам ҳам майли. Мен амалга интилмайман. Сизлардан илтимос қилишимнинг сабаби — ўша амал ҳозирги ишимиз учун зарур эди. Болтиқ бўйидаги давлатларда миллатпарварлар ҳукуматта киряптилар. Бизда эса ҳалиям Москвага қараб чапак чаладиганлар ўтирибди. Қараб турасиз, эрта-индин Bolтиқ бўйидаги уччала давлат ажралиб чиқади. Биз ўтираверамиз аммамнинг бузогига ўхшаб.

— Шуни тушунтириброқ айтсангиз бўларди-ку?

— Гапиртиришга қўйдими, Бек акангиз? Яна нуқул «жухуд хотинингиз» дейди. Қаёқдан олган бу гапни, ҳайронман. Айтиб қўйинг унга, хотиним, Худога шукур, муслима!

«Бу гаплар суяк-суягини зириллатиб юборган эканда, — деб ўйлади Чувринди. — Хотини жуҳудми, ўзбекми ўзим ҳам билмайман. Бек акам балки бошқа бирор билан адаштириб айтиб юборгандирлар».

— Орзубек ака, сиз улуғ одамсиз, — деб гап бошлади у.

— Пичинг қилманг, илтимос.

— Пичинг эмас, рост гап бу, — деди Чувринди самимий тарзда. — Сиз улуғ одамсиз. Улуғ одам майдана-чуйда гапга ўралашмаслиги керак. Ўшанда бек акамнинг кайфиятлари чатоқ эди. Хотинингизни эмас, ўзингизни ҳам «жухуд» деб юборишлари мумкин эди. Эътибор берманг у гапларга. Биз сизни ҳурмат қиласиз. Тўгри, биз миллат учун сиздай жон қўйдира олмаймиз. Лекин «миллат» дейдиганларни бошимизда кўтариб юрамиз. Биз ҳам тирик жонмиз, бизда ҳам дард бордир.

Учоқقا чиқишига ижозат берилгани ҳақидаги хабар айтилганига қадар ҳам Орзубек ва Чувринди шу хилдаги гапларни гапириб ўтириши. Учоқда ҳам бу мавзу давом этди. Орзубек «шу одамлар тушунса ях-

ши эди», деган фикрда гапиради. Чувринди унинг гапларини ақлан яхши тушунарди. Аммо юракдан ҳис қила олмасди. Чунки унинг қалби мол-дунё деган пардага ўралган, туйғу кўзларига тилла эритиб кўйилган эди.

2

Улар Москвада хайрлашдилар.

Москвага келган икки ўзбек икки ташвиш, икки дард билан ажралишди...

Хонгирейнинг идорасини уч соат деганда топиши. Филай Шомил бу ерга бир марта келган, лекин қайси кўчалардан юрганини эслай олмади.

— Кайф бор эди, — деди у ўзини оқлаб, — юзта қўйиб берсангиз, момент топаман. Мастликда келган жойни мастликда топиш керак.

— Бекор айтибсан, бир томчи ҳам ичмайсан.

— Қизил майдондан ўтгандан кейин бир жононинг ҳайкали бор эди.

Филайнинг бу гапи Чувриндига кулгили бир синемани эслатиб, ичидаги кулди-да:

— Чайковскийми? — деб сўради.

— Фамилияси эсда йўқ, — деди Филай.

Чувринди бу гапни эшитиб барага кулиб юборди. Сўнг Филайдан иш чиқмаслигини англаб, танишларига кўнгироқ қилиб аниқлаштириди.

Хонгирейнинг қароргоҳи кўп қаватли уйнинг учинчи қаватига жойлашган эди. Эшик тепасидаги телекамерани кўриб Чувринди ўзича «Зўр-ку!» деб қўйди. Кўнгироқ тугмасини босиши билан эшик ўз-ўзидан очилди. Чувринди шундагина эшикда тутқич йўқлигига аҳамият берди. Эшик очилиши билан тўрда ўтирган милиция зобити кийимидағи барваста йигитга кўзлари тушиб, жойларида қотдилар.

— Киравер, земляк, кўрқма, — деди зобити кавказча шева билан.

Улар остона ҳатлашлари билан эшик ёпилди. Ён хонадан бир йигит чиқиб уларни ичкарига бошлади. Яна уч хонани оралаб ўтишгач, Хонгирейга рўпара бўлдилар.

— Кел, ўзбек қардошим, кел, менинг азиз қўноғим бўл, қалбинг хузурли ўлсун, — деди у ўрнидан туриб.

Чувриндининг назаридаги Хонгирей сохта лутф кўргазаётганди. Чунки Хонгирейни дастлаб кўрганида у

буткул ўзгача важоҳатда эди. Меҳмонхонада, Асадбек хузурида у кавказликларга хос кўпол, такаббур бир одамни кўрган эди. Чувринди Хонгирейга баҳо беришда янгишидди. Чунки аввал кўрганида Хонгирей меҳмон, ҳозир эса мезбон мартабасида эди. Бу идора Хонгирейнинг уйидай гап. Чеченлар эса уйларига келган ҳар қандай меҳмонни иззат қиласилар, унга лутф кўрсатадилар.

Улар ўтиришгач, қалдирғоч мўйловли хушсурат йигит чой келтирди. Бир-икки ҳўплам чой ичганларидан сўнг Хонгирей тилга кирди:

— Хўш, Асад қардошим нечукдир? Аввал кўрганимда хаста эди. Соғ-омонми?

Хонгирей «хаста эди», деган сўзларга ургу бериб, аҳволдан хабардор эканига ишора қилди.

— Сизга салом дедилар, яхшилар, — деди Чувринди.

— Соғ бўлсин, қардошим. Хўш, мени нима учун қидирдиларинг?

— Қидирганимизнинг боиси... — Чувринди унинг ўткир нигоҳларига дош беролмай кўзларини пастига қадаб олди. — Бир одамингиз Ҳосилни излаб борган экан. Билганларимизни ўзингизга айтгани атайин келдик.

— Нима, менинг одамимга ишонмадиларингми? — деди Хонгирей бир оз дағал оҳангда.

— Ишонишга ишонамиз. Лекин бўлган воқеани ўзингиз эшитсангиз яхши бўлади. Воситачига айтилган гапларга ё битта сўз қўшилиши ёки тушиб қолиши мумкин.

— У воситачи эмас, у — вакил! — деди Хонгирей.

— Ҳа, албатта, сизнинг вакилингиз, — деб хатосини тузатди Чувринди.

— Қани айт-чи, Асаднинг воситачиси, нима бўлди?

— Ҳосилни номаълум одамлар ўғирлашган.

— Ўғирлашган? — ажабланди Хонгирей. — Шундай одамни ўғирлаш мумкин эканми?

— Мана бу киши — Ҳосилнинг энг яқин одами. Улар шаҳарда кетишаётганда иккита машина сиқиб тўхтатган. Одамлар Ҳосилни тушириб олиб кетишган.

— Тушунарли, демак, номаълум одамлар. Ҳосил лапашанг эса қаршилик ҳам кўрсата олмаган.

— Улар гувоҳнома кўрсатишибди.

— Қанақа гувоҳнома? — Хонгирей шундай деб Филайга ўқрайиб қаради.

— «КГБ»ники, — деди Филай.

— «Қайси «КГБ?» — деди Хонгирей ундан нигоҳини узмай.

— Қайсилигини билмайман. «КГБ» деганини эшитдим.

— Фамилиясини-чи, эшитмадингми? «Андропов» эмас эканми? — деб кесатди Хонгирей.

Бу пичингни фаҳмлаш учун Филайда фаросат етмас эди. Шу сабабли фамилияни эсламоқчи бўлгандай гўё ўйланди-да:

— Фамилияси эсимда йўқ, — деди айбдор одам овозида.

— Сен яқин одами эмассан! — деди Хонгирей кескин оҳангда.

— Худо урсин, болалигидан ёнидаман. Бир марта келганман бу ерга. Сизга тилла ҳайкалча олиб келганимиз. Мен кўчада эдим, сизни кўрмаганман.

— Бекор айтибсан, филай! Менга ҳеч ким тилла ҳайкалча олиб келмаган. Сен Ҳосилнинг одами эмассан, сен кўшмачисан.

— Нега ишонмайсиз? — деди зорланиб Филай. Унинг кўнгли иш ёмонлик томон бурилаётганини сешиб, фашланди.

— Иккита сабаби бор: биринчиси — аҳмоқ одам Ҳосилнинг яқин одами бўлолмайди; иккинчиси — сен уни ҳимоя қилмагансан!

Шу ерда Хонгирей янглишди. Ҳосил атрофига кўпроқ аҳмоқларни тўплаганди. Ўзига бино қўйгани учун ҳам «Менга ақл сўқадиганлар керак эмас», дерди.

— Имконият бўлмади, — деди Филай кўзларини пирпиратиб.

Филай Шомил бирор кимсани сикувга олганида унинг кўзларини пирпиратиб, ялинишини хушларди. Кўзларнинг пирпираши, ёшланиши баъзан самара бепар, баъзан эса пирпираб-пирпираб чарчаб, мантуга беркиларди. Ана шундай одамнинг кўзлари ҳозир ўзи сезмаган ҳолда пирпирарди... Қаршисидаги одамники эса аксинча, қувват манбаидан узуб қўйилган робот сингари қотган, ҳатто киприк ҳам қоқмас эди.

— Хўжайнини сақлаб қолиш учун имконни сенга ким бериши керак эди. Тур ўрнингдан, чой ичишдан аввал афт-башарани ювиш керак.

Филай «нима қилдик?» дегандай Чувриндига қарди. Ундан «Тур, деганидан кейин тур», деган ишора бўлгач, амра гўйсинди.

Дам ўтмай нариги хонада нимадир тарақлади, сўнг кимдир ихранди, кейин кимдир турсиллаб йиқилди.

Хонгирей индамай утирди. Чувринди эса нима воқеа юз берганини тахминан чамалаб, сабр билан кутди. Нариги хонадагилар тинчигач, чой келтирган йигит кўринди-да:

— Ваннахонада оёғи сирғаниб йиқилиб тушди. Ҳаммаси жойида, ювингити, — деб хўжайинига ахборот берди.

— Ҳа, — деди Хонгирей Чувриндига синовчан тикилиб. — Бизнинг ваннахоналар сирғанчиқ. Билиб оёқ ташламасант, майиб бўлишинг ҳеч гапмас.

Хонгирей маъноли оҳангда шундай деб жим бўлди. Аммо нигоҳини Чувриндидан узмади. Чувринди ўзини йўқотмади. Нигоҳини яширишга уринмади.

— Демак, Ҳосилни ўғирлашдими? — деди ниҳоят Хонгирей.

— Ҳа, ўғирлашибди.

— Ҳўп, мен бунга ишондим, дейлик. Ҳўп, сенлар мени аҳмоқ қилдиларинг ҳам дейлик. Ҳўш, сенлар бундан нимани ютасанлар?

— Биз сизни аҳмоқ қилмоқчи эмасмиз. Ҳосилнинг йўқолишидан бизга манфаат ҳам йўқ. Унинг мол-мулкига кўз тиккан эмасмиз. Биз ўз-ўзимизча ишлар эдик. Бир-биримизга сира ҳалақит бермаганмиз, аксинча, кўмаклашардик. Ҳосил Бек акамнинг шогирдларидан ҳисобланарди.

— Ҳа... яхши — шогирд, яхши — устоз, — деб Хонгирей столни чертиб қўйди. — Билиб қўй: сенлар битта хато қилдиларинг: бу ерга келмасликларинг керак эди. Сенлар мени ишонтироқчи бўляпсанларми? Ўқ илон ақлинни йўқотиб қўйибди. Ё сен лақмалар уни йўлдан уряпсанларми? Мен унинг касалини биламан. Лекин ўлгунича нима қилмоқчи? Мақсади нима? Айт, сендан сўрайяпман?

— Билмайман, — деди Чувринди.

— Сен... билмайсанми?

— Кейинги пайтда, касалларини билиб, фалати бўлиб қолганлар. Мақсадлари аниқ эмас.

— Ҳосилни ўлдирмадими?

— Йўқ. Нега Бек акамдан гумонсираяпсиз?

— Мен гумонсирамайман... Мен ҳар бир нарсани аниқ биламан. Агар лақма бўлсам, ўриснинг пойтахтида ҳукм сурмас эдим. Мен сенларда нималар бўлиб

турганини билиб тураман. Мен Кремлдан ҳам сезгирироқман, калланғта туғиб ол. Сен Асаднинг мақсадидан бехабар экансан. Бунга, мен лақма, ишондим. Шуни ҳисобига энди айт: Козлов қаерда?

— Козлов? — Чувринди елкасини қисди. — Биз уни Красноярда күрган эдик. Шундан бери дараги йўқ.

— Қизиқ... «дараги йўқ», дегин? Дараги йўқ одамга вагонда мусаллас юбордиларингми?

— Юбордик, — деб тан олди Чувринди.

— Мен, алоқа қилмаларинг, деб огоҳлантирсам ҳам юбордиларингми?

— Шартнома аввалроқ бўлган эди.

— Уша шартномангга, — Хонгирей бу ёғига чеченчалаб нимадир деди. Чувринди унинг нимани назарда тутганини ўзича тахмин қилди.

— Хўш, — деб давом этди Хонгирей русчалаб. — Шунча молни юборишга юбориб қўйиб, унинг тақдирни билан қизиқмадиларингми?

— Қизиқяпмиз.

— Хўш?

— Мол қўлга тушган. Мол юборгандарни Москва прокуратурасидан одамлар бориб қамашган.

— Билганинг шуми?

— Ҳа.

— Унда калланғта михлаб ол, Асадга ҳам бориб айт: бу менинг ишим эди. Прокуратурадан боргандар менга тегишили одамлар. Агар истасам авра-астарларингни афдариб ташлайман. Агар истасам, ҳамманг Бутиркада¹ чирийсан, агар марҳамат қилсан, уларни эртагаёқ чақиритириб оламан. Ҳўш, қайси бири маъқул?

— Сизга марҳаматли бўлиш ярашади, — деди Чувринди жилмайиб.

— Айёр экансан. Сен айт: ўзингга қайси бири маъқул?

— Учинчиси. Ҳамма ишнинг тинч йўл билан ҳал бўлгани дуруст. Чунки биз, ҳаммамиз бир оламнинг одамларимиз.

— Ҳа... чиройли гапирдинг. Аммо сен «Биз ҳаммамиз жиноят оламнинг одамларимиз», деб назарда тутдинг, шундай эмасми? Ахир ҳамма бизни жиноятчи деб ҳисоблайди-ку?

— Умуман олганда шунга яқинроқ, — деб тан олди Чувринди.

¹ Москвадаги камоқхона.

— Сенларнинг калтабинликларинг ҳам шунда.
«Биз бир дунёning одамларимиз» — қайси маънода,
биласанми?

— Сиз айтинг.

— Биз ҳаммамиз мусулмонмиз. Бир қавмданмиз. Биз бир ота-онанинг фарзандларимиз. Анови қизил девор ортидагиларнинг ота-боболари бизларнинг юртларимизни оёқости қилишди, мозорларимизни булғашди, қизларимизни бадном қилишди. Яна юз йил, яна минг йил, яна қиёматга қадар шундай қилишмоқчи. Агар менинг боболарим жаннатда бўлишса мен уларнинг кўзларига кўринишдан уялиб, дўзахга қочаман. Мен ўч олмасдан яшай олмайман. Биз кичкина халқмиз. Буларни бутунлай енга олмаймиз. Лекин биз уларни титраб, қўркувда яшашга мажбур қиласмиз. Бизларнинг юртимизни босиб олгани учун улар боболарини лаънатлаб ўтишлари керак! Мен агар истасам, эртага Кремлини портлатиб юборишим мумкин. Лекин бундан менга нима фойда? Муҳими — уларга сўзимни ўtkаза олиш! Мен бунга аста-секин эришяпман. Бунинг учун менга куч керак. Бунинг учун сен айтган оламнинг бирлашуви керак. Ҳосил шунинг тарафдори эди. Лекин сенинг хўжайнинг — эшшакдай қайсар, буни истамайди. У аҳмоқ қизил девор ичидагиларга қуллук қиласди. Мен эсам улар устидан ҳоким бўламан, қараб турасан ҳали. Ҳосилни сенлар йўқ қилдиларинг. Лекин мен сенларга қарши уруш очмайман. Чунки сенлар ўзбек қондошларимсан. Биласанми, мен нима учун ўзбекни яхши кўраман. Чунки ўзбекни устозим яхши кўрарди. Биласанми, устозим ким — Академик! — Хонгирей шундай деб кўрсаткич бармоини фарх билан ҳаволатди. — Эшитганмисан?

— Кўрганман.

— Қаерда?

— Бек акамницида. «Фарғонада бир ғалва бошли надиган, аралашинглар», деб келган экан.

— Ҳа, у шунаقا эди. Бурнини сиёsatга тиққан эди, ўлди. Уни мен ҳам асраб қололмадим. Уч ҳарф¹ мендан кучлилик қилди. Сен ажабланма, «Кремлни портлатишни ўйлаган одам устозини қутқариб қололмадими?» дема. Кремл — бугуннинг иши эмас. Бир кунмас бир кун порттайди. Менинг қўлимдан келмаса, ўғлим, бўлмаса неварам қиласди бу ишни.

¹ Собиқ КГБ назарда тутиляпти.

Хонгирей шундай деб совуб қолган чойдан бир хуплади. Тин одди. Сўнг гапини давом эттириди:

— Бир пайтлар ўзбеклар чеченларга жой берган, нон берган. Зелихон айтган: кафандигини ҳам берган экан. Шунинг ҳурматига сенларга қарши уруш очмайман. Мен катта ишларга қўл ураётганимда ёнимда ишончли ҳамроҳлар бўлишини истайман. Билиб кўй: сенлар тўдакашликларинг билан менга ҳамроҳликка ярамайсанлар. Бу аҳволда сенлар бир-бирларингни қўлламайсан, шунинг учун йигитларинг ҳам бир-бирларига елка тутмайди. Ҳеч бўлмаганда бир-бирларингни ҳурмат қилишни билмайсанлар, керак бўлса, бўридай ғажийсанлар. Шунинг учун ҳам катта куч бўла олишларингга қарамай, майда кучлар олдида эгилиб кун кўрасанлар. Яна щуни билиб қўйки, аҳил яшамас экансанлар, бир киссавурдай, бир майда боққолдай хор бўлиб юраверасанлар.

Хонгирей Чувринди учун кутилмаган гапларни сўзларди. Ҳозир у бутун мамлакатдаги тўдаларга ҳукмини ўтказишни истайдиган амирга эмас, балки талабаларга маъруза қилаётган фалсафа муаллимига ўхшарди. Чувриндининг назарида Хонгирей ўз фикрларини баён қилмас, балки кимдир ёзib берган гапларни айтарди. Шу сабабли унинг айтганлари ғайритабиий туюлиб, ўрнида бир қимиirlab олди.

— Нимага безовтала наяпсан? — Хонгирей шундай деб сўради-да, ўрнидан туриб керишди. — Шеригингни соғиняпсанми?

— Ҳа, ювиниши чўзилиб кетди.

— Ювинишими?.. Ҳали узоқ чўзилади. Аникроғи, қиёматгача.

— Ҳозир шартмиди? — деди Чувринди норози оҳангда.

— Ҳозирми? Мутлақо шарт эмас. Уни ўлдиришди деб ўйлаяпсанми? Калланг борми, ўзи? Идорада, уйда одам ўлдирадими? Эшиздинг-ку, йиқилиб тушибди. У энди дам олсин. Сен ҳам Москвауда уч-тўрт кун ўйна. Қачон кетишингни ўзим айтаман.

— Шомилга раҳм қилинг. У хўжайнинг содик эди.

— Бекор айтибсан! Содик бўлса хўжайнини олдириб юрмайди. Аҳмоқ бўлмаса, менинг олдимга гувоҳликка келадими? Сен глобусни кўрганмисан?

Мавзунинг бу қадар ўзгариши боисига тушунмаган Чувринди ажабланганини яширмай:

— Ҳа, — деди.

— Глобус бир томонга оғиб турибди, а? Нимага, биласанми? Ер юзида аҳмоқлар кўпайиб кетган. Ерни тўғрилаш учун аҳмоқларни камайтириш керак. Ҳеч бўлмаса биттасини камайтириб турайлик. Унинг тирик қолганидан сенга нима фойда? Ҳосилга ҳиёнат қилган сенга ярарниди? Унинг масаласи ҳал. Сен қайтишда бир ўзинг учасан. Кетгунингча бировга, айниқса, Асадга телефон қилма. Биз сенга меҳмонхонадан жой ҳозирлаб кўйганмиз. Ҳамма нарса тайёр. Ҳаттоқи энг зўр жонон ҳам. Кўчага чиқмай, майшат қиласерасан. Чиқими — биздан.

Чувринди ҳукуқшунослар тили билан айтилганда «Уй ҳибсонаси»га ҳукм қилинганини англади. Хонгирейнинг бундан қандай мақсадни кўзлаганини эса билолмай гарангсиди.

— Менга бошқа гапинг йўқми? — деди Хонгирей унинг ўйланганини кўриб.

— Бор, — деди Чувринди, хаёлини жамлаб. — Бир илтимосим бор.

— Айт.

— Жамшид деган йигит бор...

— Ҳа, айтмоқчи, Асаднинг қуёвини отиб кетишибдими? — деди Хонгирей унинг гапига эътибор ҳам қилмай.

— Шунаقا бўлди.

— Кимлигини билмассан?

— Билмайман.

— Қизи наркоманка эмишми?

— Шунаقا эди, бошланишида сезиб қолдик. Даволаняпти.

— Ҳосил менга бир қизиқ видеокассета бериб юборган экан, вақти келса сенга кўрсатаман. Ҳа, Асад нима учун Жамшидни ўлдирмоқчи эди?

— Буни ҳеч ким билмайди. Ҳатто Жамшиднинг ўзи ҳам билмайди. Жамшид ўғлидек қадрдон эди Бек акамга.

Чувринди яна ёлғон сўзлади. Унга тахминан бўлсада, маълум эди. Фақат тахминини бу одамга айтишни истамади. Сир — кўп ҳолларда сирлигича қолгани маъқул. Чувриндининг ақидаси шундай эди.

Чувринди Москвада беш кун қолиб кетди. Бошқача айтганда, беш кун «меҳмонхона қамогида» бўлди. Хонгирей ваъдасининг устида турди — шароит олий мақомда яратилди. Ҳар куни чойшаб, ёстиқлар,

соқчилар алмаштирилгани каби, жононлар ҳам ўзгариб турди. Бир томондан Чувриндининг кўнглига майшат сифмагани, иккинчи томондан бирон маразни юқтириб кетишдан чўчиб, уларга яқинлашмади. Умид билан келган фоҳишалар диванда ёлғиз ётиб тонг оттирдилар. Чувринди узатган пулни олмай, лабларини буриб «Хе, эркак бўлмай ўл», дегандай чиқиб кетдилар.

Филайнинг тақдири Чувриндига пича аён бўлса-да, ўзиники қоронги эди. Хонгирей уни Бутиркада чиритмас-у, аммо ўрис қабристонидаги чириб ётган бирорта мурда ёнига жойлаб қўйиши мумкин. Лекин у нимани кутяпти? Чувриндига шу томони қоронги эди.

Холбуки, унинг нимани кутаётганини билиш қийин эмас — у вакилининг қайтишини кутарди. Шунинг қаторида прокуратурадан боргандарнинг иши натижаси ҳам уни қизиқтираётган эди. Арина Бергернинг ҳамма ёқни остин-устин қилиб юборганини эшитиб мамнун бўлди. СССР прокуратурасида сўзи ўтадиган «кўп ҳурматли ўртоқ»қа телефон қилиб, Бергерни ҳозирча чақириб туришни, Козлов топилгач, ишни қайта бошлашни илтимос қилди.

Хонгирей «Мен гумон қилмайман, ишонаман», деганида катта кетмаган эди. Унинг кўнгли ҳар нима балоларни сезиб турарди. Шундай бўлса ҳам гумонини тасдиқ этиш учун ҳар бир нарсани обдон текширтиради. У Ҳосилнинг йўқолганини эшитибоқ, биринчи Асадбекдан гумонсиради. Ҳосилнинг Асадбекни қармоққа илинтиргани ҳақидаги гагларини эслади. Хонгирей видеокассетани томоша қилгач, Ҳосилга «Уни ҳозирча Асадга кўрсатма», деб тайинланган эди. «У аҳмоқ кўрсатган. Буни кўрган қайси ота тинч юради. Агар Асад тинч юрса, у — ҳезалак!» — деб ўйлади.

Вакили қайтиб, унинг гумони асосан тасдиқлангач, Чувринди кўнган меҳмонхонага борди. Хонгирей вакили билан кириб келгандан кейингина Чувринди унинг кимни кутганини англади.

Хонгирей Чувринди томонидан лутф кутмай диванга ўтириб, оёқларини чалиштириди-да, айёrona кўз қисиб, кулимсиради:

— Устингдан «ЦК КПСС»га шикоят тушибди, «партия»дан ўчириласан энди.

— Гуноҳим нима экан? — деди Чувринди унинг яхши кайфиятига монанд жилмайиб.

— «Совет фоҳишалари»ни назарга илмабсан. Сен улардан иргангансан. Шу ишинг билан мени ранжитдинг. Хонгирей сен ўйлагандай паст эмас, билиб кўй. Улар фоҳиша бўлгани билан «экологик тоза» эди.

Хонгирейнинг оҳангода зарда бўлмагани учун, Чувринди ҳам асабийлашмай, тавозе билан жавоб қилди:

— Улар учун алоҳида келаман. Айниқса учинчи бўлиб келганини совға қўлсангиз олиб кетардим.

— Э, йўқ, қардош, энди тушиングни сувга айт. Уни «юқори»даги ўзимнинг одамларимга ҳам бермаганман. Шу номардлигинг учун менга йигирма бешта ўн беш ёшли бузилмаганни берасан.

— Йигирма беш донами ёки йигирма беш минг донами?

— Сен ҳазиллашма, бу бўйнингдаги қарз, унутма! Хўп, менинг валақлашишга вақтим йўқ. Ишга ўтайлик. Вакилимнинг ҳисботини эшитасанми?

Чувринди муғомбирона жилмайиб турган «вакил»га қараб олди-да:

— Йўқ, — деди.

— Нега? — деди Хонгирей ажабланиб.

— Мен сизга тўғрисини айтганман.

— Демак, ёлғон гапларингдан тонмайсан?

— Ёлғон гапим йўқ,

— Унда мана буни эшит.

Хонгирей ишора қилган эди, вакил кафтдек диктофонни чиқариб, тугмани босди. Филай Шомилнинг сўроқларга берган жавобларини, қалтак зарбларини Чувринди индамай ўтириб эшитди. У энди Филайнинг иқрорини эмас, яна ўз тақдирини ўйларди.

Ёзув тугагач, вакил Хонгирейнинг ишораси билан чиқиб кетди.

— Филайнинг ёлғон галирятими? — деди Хонгирей унга синовчан тикилиб.

Чувринди елкасини қисиб, хотиржам жавоб берди:

— Узингиз тунов куни айтдингиз: у хўжайинига хиёнат қилган. Нима учун? Ўзининг жони ўзига ширин кўринган. Шундай одам жони қийналганда нималарни валдирамайди.

— Дуруст, ақлинг жойида, қардошим.

Хонгирей шундай деб жилмайиб кўйди. «Кайфияти яхши шекилли, жаҳли чиқмаяпти, ё бошқа гап борми?» деб ўйлади Чувринди. Шунча текшириб,

ҳамма ҳақиқатнинг тагига етган одамдан марҳамат кутиш — фоҳишадан ҳаё кутиш ила баробар бўлсада, Чувринди унинг марҳаматига асос бўлгувчи бир нима борлигини ҳис қилиб турар эди. Осмонни булат қоплашидан мурод — ёғин ёғмоғи бўлгани каби Хонгирейнинг чехрасида марҳамат нури кўринганидан мурод не экани бир неча нафаслик сукутдан сўнг аниқ бўлди.

— Докторлар Асадга неча ой умр ваъда қилишди?

Хонгирейнинг бу саволи Чувринди учун кутилмаган бўлди. Шу сабабли қошларини бир оз чимирган ҳолда жавоб қилди:

— Буни Худо билади.

— Бунақа касални доктор ҳам билади. Ахир у ўлади-ку, тўғрими?

— Ҳаммамиз ўламиз.

— Лекин уники — нақдроқ. Биз э-ҳе, яшайвериб, зерикиб кетсан ҳам керак.

Хонгирей худди тақдир ёзуғини ўқий олган одамдай катта гапирди. Тўғри, унинг ёшида ўлим ҳақлиги кам ўйланади. Аммо шу ёшда, ҳатто ундан камроқ умр кўриб ўтганлар мавжудлиги эса хаёлга келмайди. Чувринди «Ҳаммамиз ўламиз», деганида яқин бир-икки ойни ёки йилни эмас, ақл бовар қилмас узоқ даврни назарда тутган эди. Шундай бўлса-да, Хонгирейнинг катта кетиши ғашини келтирди.

— Хўп, масалага бошқа томондан қарайлик, — деди Хонгирей мўйлабини олифтанамо силаб қўйиб. — Ҳосил кетди, орада йўқ. Унинг мулки ҳам сенларнинг қўлларингда. Ҳозир Асад бор. У ўлганидан кейин нима қилмоқчисанлар? Билишимчча, Асаднинг иккита қаноти бор экан. Биттаси сен, иккинчиси... — Хонгирей исмини эсламоқчи бўлиб ўйланди. — Ҳа, Гайдармиди?

— Ҳайдар ака, — деб тузатди Чувринди.

— Хўш, мулки қандай бўлишасанлар?

— Бизда одам тириклигига мулки бўлинмайди.

— Сен чиройли гапларингни йигиштириб. Мен сенларни биламан. «Менга ўлжа керакмас», деб ноз қилиб турасанлар-у, пайт келганда ташланасанлар. Ўғил бола гапни айт: Асаднинг ўрнини эгаллашни хоҳлайсанми?

— Мендан ёши катталар бор.

— Шундай дейсан-у, юрагингнинг бир чеккасида озигина бўлса ҳам истак чўғи бор. Билиб қўй: бу чўғ сени тинч қўймайди. Барибир ёндиради. Бу — бирин-

чидан. Иккинчидан: ёши катта бўлишнинг нима нафи бор? Мен учун катта ёшдаги аҳмоқдан, кичикроқ ёшдаги ақлли одам муҳим. Гап шу: Асаднинг ўрнини сен эгаллашинг керак.

— Буни мен ҳал қилмайман.

— Тўғри айтдинг, буни сен эмас, мен ҳал қиласман!

Бу ҳукм Чувриндига малол келди. Қоши учди. Ўрнидан бир қўзголиб олди, сўнг оғир турди. Унинг ва жоҳатидаги ўзгаришни сезган Хонгирей «Маматбей!» деб чақириди. Шу нафаснинг ўзидаёқ эшик очилиб, вакил кириб келди. Даҳлизда яна икки йигит кўринди. Хонгирей унга:

— Чой олиб келмайсанми? — деб бақирди-да, Чувриндига синовчан қараб олди. — Қардошим, ё виски ичасанми?

— Ҳеч нарса ичмайман, — деди Чувринди норози кайфиятини яширмай. Шу онда у Орзубекнинг ҳурлик ҳақидағи гапларини эслади. «У хомхаёлми ё мен аҳмоқманми, — деб ўйлади. — СССРнинг чангалидан юлқиниб чиқмоқчи. СССР дегани фақат КПСС дегани эмаслигини, мана бунаقا хўжайинлар ҳам борлигини биладими? Биз биргина Ҳосилни йўқотдик. Ҳосилга ўхшаганлар юз мингми ёки миллионми? Депутат шуларни биладими? КПСС дегани-ку, чирий-чирий деб турибди. Лекин мана бу кучайяпти. У нима қилмоқчи. «СССРдан ажralиб чиқсаларинг ҳам сенлар менга бўйсунасанлар» демоқчими? Масковга одам сифатида келиб, қўғирчоққа айланиб қайтаманми? Бек ака... кўп янгиш ишлар қиляптилар. Бу ерга келиш керакмас эди...»

— Ҳа, қардош, гапим ёқмади, шекилли? — деди Хонгирей ҳам ўрнидан туриб.

— Гапингиз эмас, мақсадингиз ёқмай турибди.

— Нега? Ўзинг бош бўлсанг ёмонми?

— Буни назарда тутаётганим йўқ. Агар тўғри тушунган бўлсам, сиз бизни қулга айлантирмоқчисиз.

— Э, қардош, мен бундай деганим йўқ.

— Лекин шунинг иси келиб турибди. Сиз бугун менинг бош бўлишимни истадингиз. Эртага бошқасини хоҳлайсиз. Биз у томонда қўғирчоқлармиз, ўйнадиган иплар эса бу ерда, сизнинг қўлингизда. Қўғирчоқми, қулми — нима фарқи бор?

— Ў, қардош, сен файласуф экансан. Кўй, бу гапларингни.

— Бу фалсафа эмас, бу ҳақиқат! — деди Чувринди

ҳақоратланган одамнинг овозида. — Аввалги куни, идорангизда бизни анча масалаларда айладингиз. Мөхмонингиз эдим, чидаб эшилдим. Бизни ўзбек (!) дейдилар. Майли, қайсиларимиз ноаҳилдирмиз, бошқадирмиз, лекин ўзбекмиз, «ўз»имизга «бек»миз. Кулликни ҳазм қила олмаймиз.

— Қардошим, сен хафа бўлма, ўша куни мен сени ҳақорат қилганим йўқ. Камчиликларингни айтдим.

— Агар мен чеченларнинг камчилигини айтсан, сизга ёқадими?

— Қани, айт-чи?

— Ёқмайди, — деди Чувринди фикрини давом эттириб. — Ҳеч кимга ёқмайди. Мен ўзбекман, шу билан гуурланаман. Ўзбекларни барча каму кўстлари билан яхши кўраман. Жон бериш лозим бўлса, фақат ўзбек учун жон бераман. Ўзбек бўлиб туғилдим, ўзбек бўлиб ўламан. Кулликдан ҳазар қилувчи халқнинг фарзанди сиз айтган шартга кўнолмайди.

— Чиройли гапирдинг, ўзбек қардош, лекин сенлар халта кўчага қамалгансанлар. Олдиларингда ҳам, орқаларингда ҳам йўл йўқ. Ҳосилни ўлдириб катта хато қилдиларинг. Ҳосилга отган ўқларинг ўзларингга қайтиши керак. Ҳосил ўлган куни сенлар ҳам ўлгансанлар. Лекин мен сенларга уруш очмайман. Сенларни ўлдирмайман. Сабабини айтганман, эсингда, а?

— Эсимда, — деди Чувринди эътиборсизлик билан.

— Сенга Жамшидни бераман. Маматбейни бераман. Улар сенга икки қанот. Гайдарни ўзингдан четлат, аммо узоклаштирма. Ҳар бир ҳаракати кўз остингда бўлсин. У бир киссавур. Катта ишлардан узокда турсин.

— У — менинг устозим.

— Бу энди ўтмиш. Менинг гапим тамом. Бугун бир қанотингни олиб юрtingга уч. Ҳа, айтмоқчи, Козловнинг оиласи сенларникига паноҳ излаб кетибди. Яхши, паноҳингта олавер. Уларнинг қаердалигини фақат ўзинг бил. Асад ҳам, Гайдар ҳам билмасин. Козловнинг оиласи учун бошинг билан жавоб берасан. Козловни қўлга олганимиздан кейин уларни нима қилсанг қил, ихтиёр ўзингда. Тушуняпсанми, ихтиёр ўзингда. Сен — қул эмассан, қардошим!

Хонгирей шундай деб ён чўнтағидан учоқ паттасини чиқарди-да, стол устига ташлади.

— Бугун кечаси учасан, — деб хайрлашгач, чиқиб кетди.

Чувринди уйга қайтгунича ҳам бўлиб ўтган сұхбатлар магзини чақишига ҳаракат қилиб, «Қаноти бор ҳар қандай маҳлук ҳам эркин ҳамда баланд парвоз қила олмайди», деган ҳақиқатга ишонди.

XIV боб

I

Офтобсиз рангпар кун. Умрини яшаб қўйган япроқларга ҳазон нуқси урган.

Асадбек Чувринди кетганидан бери уйдан чиққиси келмайди. Кесакполвон ҳам шу ерда. Ошнасининг кундан-кун сўлиб бораётганини кўриб эзилади. Аммо ошнаси сўлиб тамом бўлганидан сўнг эгаллайдиган тахти кўз олдига келганда эса юраги шошади.

Касаллик хусусида сўз очишга бир неча марта оғиз жуфтлади. Аммо Жалилнинг «Сен индама, ўзим гаплашаман», деган амрига амал қиласди. Жалил эса икки марта келиб, бошқа гапларни валдираб-валдираб кетаверди. Кесакполвон нигоҳи билан имлаб «айтинг», деб ишора қиласа ҳам асосий гапдан бўйин товлайверди. Кесакполвон Жалилнинг аҳволини тушунмади. «Касаллингни мендан нима учун яширдинг?» дейиш Жалилга қийин эмас. Шу баҳонада гижиллашиб олиш ҳам уни ташвишга солмайди. Унинг ташвиши бошқа — Асадбекнинг қайсарлиги тутса, «Табибингни пишириб е!» деб туриб олиши мумкин. Жалил қишлоққа бориб келгунича ҳам, кейинги кунлар ҳам ўша баджаҳл табиб ҳақида сўраб-суриштирди. Кимки уни билса ёки у ҳақда эшитган бўлса бир хил жавоб беради: бу дунёда ўлимнинг иложини қила оладиган табиб бўлса, фақат ўша. Лекин... ҳаммани ҳам боқавермайди...

Кесакполвон нонуштага янги хабар билан келди.

— Прокурор болани чиқаришибди. Иш тўхтайдиганга ўхшайди, деган гап бор. Шариф ҳам чиқиб қоллар балки, — деди Кесакполвон косадаги қаймоққа нон ушатиб.

— Ишни нега тўхтатар экан? Важоҳати ёмон, девдиларинг-ку?

— Важоҳатидан ит ҳам ҳуркарди. Лекин Масковдан бир хабар келибди, шекилли. Прокуратурадаги болалар аниқ билишмайди.

— Шарифга эҳтиёт бўлларинг. Чиқса, бирон ёққа

дам олишга жүнат. Маҳмуддан яна дарак бўлмади, а? Бунақа одати йўқ эди. Хавотирланяпман.

— Хавотир олма. У менинг мактабимда ўқиган. Тегирмонга тушса омон чиқади.

— Аслида ўзим борсам бўларкан. Феъли ёмон у чечен зангарнинг.

— Сен шу сафар бир паст кетдинг. Зўр билан зўр-часига гаплашиш керак. Бунча кўрқасан ундан? Зўр бўлса зўрлигини кўрсатсин, юборсин зўрларини! Биз ҳам ҳезалак эмасдирмиз, эркакчасига гаплашиш кўли-миздан келар. Ё эркаклигимизнинг бошқача исботи ҳам керакми?

— Олифтагарчилик қилма. У сенга Ҳосил эмас. Ҳосил аҳмоқ бола эмас эди. Кимга суюнишни билган. Агар муроса қилмасак, кўп болалар қирилади. Мен ўзимдан кўрқмайман. Бир бошга — бир ўлим. Йигитлар бекорга увол бўлиб кетади.

— Бек, сен қиморбоз эдинг. Ё чикка, ё пукка! Дангалчилигинг қаёқда қолди. Мен-ку, майли, майда киссанурдан чиққанман.

— Дангалчиликни замон кўтармайди.

— Сен чарчагансан. Дуч келганни ит бўлиб қопяпсан. Би-ир дам олсанг яхши бўларди. Ўғилларингнинг тўйига борсанг юрагингнинг чигиллари би-ир ёзиларди. Ҳа, айтмоқчи, тўй ҳали ҳам аниқ бўлмабдими? Тезроқ бориб кела қолмайсанми?

Кесакполвон шундай деб айёrona боқди. Асадбек ундан нигоҳини олиб қочди. Гап хасталикка бориб тақалиши мумкинлигини сезиб, жавоб бермади.

Улар нонуштани бошлашга улгуришмай, болохона-даги йигитлардан бири эшикни қия очиб:

— Саматохун aka келдилар. Зарур гаплари бор экан, — деди.

Бу хабарни эшитиб, Кесакполвон безовталанди. Ҳожасига бир қараб олиб «кейинроқ келсин», демоқчи эди, Асадбек:

— Кирсин, — деб ижозат берди. Сўнгра Кесакполвондан сўради: — Тўйи қачон эди, эсдан чиқибди?

— Менинг ҳам аниқ эсимда йўқ. Бугун-эрта шекилли?

— Ҳаёлдан кўтарилгани чакки бўлибди. Ҳар қалай, эски қадрдонлардан.

Башанг кийинган, ўзидан фарангти атрини тара-таётган Саматохун кириб, уларнинг суҳбати узилди. Саматохун деганларининг дўкони Асадбекнинг ҳо-

мийлигидә. Шаҳарнинг гавжум жойида жойлашган бу дўкон мудири йигирма йилнинг нари-берисида уларга сариқ чақалик ҳам хиёнат қылмади. Ўз ишини билиб бажаргани учун Асадбек уни хурмат қиласди.

Фотиҳа ўқилгач, Саматохун Кесакполвонга ғалати қараб олди. Кесакполвон ундан кўзини олиб қочиб, чой қуйиб узатди.

— Охун, тўй ҳаракатлари билан чарчамай юрибсизми? — деб сўради Асадбек меҳрибонлик билан. — Муборак бўлсинга ўтамиз, деб ўтолмадик, ранжиманг.

— Ҳафагарчилик йўқ, ака. Ўзингиз соғайиб қолдингизми? Бизга сизнинг соғлиғингиз керак. Сизнинг товонингизга кирадиган тикан бизнинг кўзимизга кирсин. Худо хоҳласа бугун никоҳ, борсангиз бошимиз кўкка етади.

Саматохун «Худо хоҳласа» деган сўзга бўлакча ургу бериб, яна Кесакполвонга қаради. Асадбек ундаги ўзгаришни сезиб сўради:

— Ҳа, Охун, машқингиз пастроқми? Нима гап, тинчликми?

— Худо хоҳласа, тинчлик, — деди Саматохун. — Бек ака, орада бир ташвиш чиқиб қолди: ўғлимни ўғирлаб кетишибди.

— Қайси ўғлингизни?

— Шу... уйланётган куёв болани...

— Биронтадан гумонингиз борми?

— Гумоним-ку йўқ. Аммо...

— Чайналмай айтаверинг.

— Кечада ЗАГС эди. Бир биродаримиз «Мерседес» ваъда қилган эди. «Мерседес» ўрнига «ГАЗ-31» юборибди. «Қўлингдан келса ваъда бергин-да, эрқак» дегандай қилиб, қаттикроқ гап айтувдим. Шуни оғир олдилармикин? Ундай бўлса, тавба қилдик. «Бу аҳмок тилни чайнаб ташла», десалар чайнаб ташлай. Аммо ошга заҳар тушмасин. Мен ёмонман, бўйин этиб келдим.

Бу гапларни эшишиб Асадбек Кесакполвонга қаради.

— Менга қарама, менинг ишим эмас бу, — деди Кесакполвон «қўрқан олдин мушт кўтарар» қабилида жеркиб.

— «Мерседес»ни тўғрилаб бермадингми?

— Ўша куни бузилиб қолган бўлса мен нима қилай? Шаҳарда «Мерседес» иккита бўлса ҳам бошқа гап

эди. Ўн бешта оқ «ўттиз бир»ни юбордим. Бу акамнинг ҳамиятларига тегибди. Уша сассиқ гапни ўзимга айтмайсизми, тирранча шўпирга айтиб нима қиласдингиз?

— Тилим курсин, мен — аҳмоқ, тавба қилдим, — деди Саматохун.

— Ўғли қаерда?

— Ие, мен қаёқдан билай? Мен «Мерседес» тўғрилаб бераман, деб ваъда қилганман, ўғли йўқолса тошишнинг кафилини олмаганман.

— Бир соатнинг ичида топасан.

— Асад?

— Бошқа гап йўқ. Охун, сиз бораверинг. Базмга ўзим бош бўламан.

Саматохун ҳар икковини дуо қила-қила чиқиб кетгач, Асадбек Кесакполвонга қаҳрини сочди:

— Ўзимизнинг одамларга ҳам шунаقا қилиқ қилассанми, сўтак?

— Кимга қанақа гап айтишни ўргансин. Сен бунақаларни ўзингта яқин олиб елкангни тутсанг, булар бошингта чиқиб, бизга қараб чоптиришади. Иззатини билсин-да.

— Бир соат вақтинг бор.

Кесакполвон қаймоқча нон бўқтирилган косани қўлига олди.

— Ўн минутда уйида бўлади. Менинг қорним оч. Сен бўғилаверма. Сочининг кепаги ҳам тўкилмаган боланинг.

Асадбек оғзига келганни қайтармай сўкди. Бунақангичи сўкишларни эшитавериб бети чандирлашиб кетган Кесакполвон қаймоқча бўқтирилган нон бурдаларини чапиллатиб еб, хўриллатиб чойини ичаверди. Асадбек сал ҳовридан тушгач:

— Бугунги қаймоқ бу дунёники бўлмабди. Олсангчи, эгнимга шим кийиб, ҳали бунақасини емовдим, — деди.

— Сенинг чапиллатиб чайнашингни кўрса, итнинг ҳам кўнгли айнийди. Одамга ўхшаб ейишни қачон ўрганасан?

— Одам бўлганимда, — деди Кесакполвон ишшайиб.

— Сен одам бўлмайсан.

Шу хилдаги ғазаб, киноя, масхара тошлари аралашига отилаверди, бу тошлар темир қояга тегиб увалланган кесак ҳолига тушаверди. Болохонадаги йигит-

лардан бири мастава келтирганда Кесакполвон косани ялаётган эди. У маставадан бир-икки қошиқ ичди-ю, ҳожасининг топширигини бажариш учун ўрнидан турди. У чиқиб кетиши билан уй ҳувиллаб қолди. Асадбекнинг томоғидан овқат ўтмади. У яна ўзининг кирланган, бадбин хаёллари билан ёлғиз қолди. Юраги сиқилиб, «Аҳмоқ бўлса ҳам Ҳайдарнинг ўтиргани яхши эди. Жалилни топтириб келмасам бўлмайди», деган хаёлда қўнғироқ тугмасига қўл юборганида болохонадаги йигит эшикни очди.

— Муҳиддин ака деган одам сўрайапти, — деди у. — Зарур гапи бор эмиш.

Асадбек «Муҳиддин ака ким бўлди экан?» деб ўйланган дамда ҳовлида Жалилнинг овози эшитилди:

— Тўғри бостириб киравермайсизми? Сиздай одамнинг кутиб туриши уят-ку? Бу ошқовоқларда калла йўқ.

— Мени танимайди-да булар...

Овозидан таниди — Красноярдаги овлоқ ўрмонда қарор топган отасининг биродари!

Асадбек ўрнидан туриб, ташқарига йўналди. Муҳиддин отани айвонда бағрига босди. Отаси тирилиб қайтиб келгандай, кучогидан бўшатгиси келмади. Ҳатто кўзига ёш, бўғзига йиги келди. Йифини изига қайтармоқ мақсадида ютинганида йўтали тутди. Шундан кейингина қарияни бағридан бўшатди. Муҳиддин ота йўталнинг хунуклигидан бош чайқаб, «Ҳали ҳам тузалмабди-да?» деган маънода Жалилга қаради. Жалил ҳам кўз қарав билан жавоб қилди: «Шунақа... ошнамнинг аҳволи оғир!»

Ичкари кириб ўтиришгач, йигитлар қайта дастурхон тузашди. Асадбек хос меҳмонхонадаги ҳашам Муҳиддин ота руҳини эзib қўйишини фаҳмлаб, у ёққа бошламади. Фотиҳадан сўнг Муҳиддин ота:

— Ота юртимга йўлим тушиб эди, сизни йўқламай кетолмадим. Поездим оқшом жилар экан, унгача дийдорингизга бир тўйи, — деб келишдан мақсадини айтди.

— Ҳали поездга патта ҳам олдингизми? — деди Жалил.

— Ҳа, энди, сафар қариди-да.

— Жалил, хабаринг борми, уч-тўрт кун поездлар юрмасмишми? Темирйўлчилар иш ташлашганмишми?

— Эшитмай бўладими? Кечадан бери Масковдан айтиб ётишибди. Поезд бир ой юрмас экан.

Ҳазил аралаш бу лутфдан мамнун бўлган меҳмон миннатдорлик билдириди.

— Сиз қайтганингиздан сўнг ошнангиз келдилар. Раҳматли дадангизнинг қабрларига мармартош қўйдирмоқчи бўлдилар. Сиз айтган экансиз. Пича пул ҳам ташлаб кетган экансиз. Бўтам, сизни инжитмоқ ниятим йўқ, аммо бу иш дуруст бўлмагани боис ижозат бермадим. Уларга тушунтироқ мумкин бўлмагани сабабли «Тошни ўзим қўйдираман», деб пулни олдим. Мана, — у шундай деб қўйин чўнтағидан газета қофозига ўралган пулни олиб, узатди. — Ҳозир келаётib курдираётган масжидингизни кўрдим, Оллоҳ сиздан рози бўлсин. Бу пулни шу хайрли ишга ишлатинг.

Асадбек шу мақсадда пул қолдирмоқчи бўлганда Козлов «Битта тошга қурбимиз етар», деб олмаган эди. Ҳозир шуни айтиб, қариянинг кўлини қайтармоқчи ҳам бўлди. Лекин орада уни хижолат қилиб қўйиши мумкинлиги сабабли фикридан қайтди. Унинг ўйланиб қолганини кўрган Жалил чаққонлик қилиб, Муҳиддин отанинг қўлидан пул ўрамини олди.

— Жуда тўғри қилибсиз, боплабсиз! — деди у қарияга далда бериб. — Тош қўйиши нимаси? Исломда йўқ бунақаси. Мен болаларимга айтиб қўйдим. «Мабодо ўлиб қолсан тош-пош қўйиб юрмаларинг», дедим. Худди ўлик чиқиб кетмасин дегандай тош бостириб қўйишади-я! Одам тупроқдан бўлганидан кейин тупроққа қоришиб ётаверади-да, тўғрими, тақсир?

Жалилнинг «чала муллалиги» тутиб, меҳмонни гапга солди. Аёлларнинг қабристонга боришлиари ҳақида ўзича баҳс ҳам юритди.

— Мана, сиз, аёллар ҳам зиёрат қылсалар бўлади, деяпсиз. Ахир «Қабристонга борган аёлларга Оллоҳнинг лаънати бўлсин» деган ҳадис бор-ку?

— Бўтам, мен Яратганинг илми саёз бир бандасиман, — деди Муҳиддин ота вазмин оҳангда. — Шу кунларда айтилаётган қайси бир ҳадиси шариф саҳиҳ, қайси бири гумонли — менинг ожиз фикрим фарқ эта олмайди. Сиз айтган ҳадиси шарифда балки кўмиш маросимига бориш назарда тутилгандир, валлоҳи аълам? Ривоят қилишларича, араб аёллари қабристонга боргунларича ҳамма ёқларини юлиб, қонатиб ташлар эканлар. Яна Оллоҳ билади, балки шу ҳолат назарда тутилгандир. Яна бир фикр шуки, қабристонга фақат таҳорат билан кирилади. Аёллар баъзан бу ҳолда бўлмайдилар. Бўтам, яна бир ҳадиси шариф борки,

унда қабристонни зиёрат қилишга даъват этилади. Мозористон қиёматни ёдга солиб турди, дейилади. Мазкур ҳадиси шарифда «фақат эркаклар борсин», дейилмайди. Менинг билганим шу, бўтам, яна уламолардан сўраб, ўрганмоқ жоиздир.

Муҳиддин ота Жалил билан суҳбатлаша туриб Асадбекка бир-икки маъноли қараб олди. Асадбек бу қарашлардан қариянинг ёлғиз ўзига айтмоқчи бўлган гапи борлигини сезди. Қарасаки, ошнасининг гаплари ҳали-бери тугамайдиган, шу сабабли сўзини шартта узди-да:

— Жалил, оғайни, отамга ўз қўлинг билан бир палов дамлаб бергин. Сенинг ошингни ҳам емаганимизга анча бўлди, — деди.

Жалил «Мен қачон ош дамлаган эдим?» деган савол назари билан Асадбекка қаради. Сўзи бекорга бўллинмагани, ташқарига чиқиб туриши лозимлигини англаб, ноилож ўрнидан турди.

Жалил чиқиб кетгач, Асадбек «Энди bemalol гапи-раверинг», дегандай меҳмонга қаради. Муҳиддин ота бир озгина тараддуланиб, сўнг вазминлик билан сўз бошлади:

— Бир ҳафта бўлдимикин, ошнангиз келди. Бир хавотир билан бошпана излаб келган экан. Кимлардир изларига тушибдилар экан. Кимлар эканини ўзингиз билар экансиз.

«Кимлигини биламан, Хонгирей!» деб ўйлади Асадбек.

— Унинг изига тушганлар орасида сизда аввал хизмат қилган бир ўзбек йигити ҳам бор экан.

— Ким экан? — деб ажабланди Асадбек.

— Исмини айтмадилар. — Меҳмон Асадбекнинг ўйга толганини кўриб, сукут сақлади.

«Ким бўлиши мумкин? Балки... Ҳосилнинг одамларидандир?..» Асадбек Жамшиднинг тириклигини, Козлов изидан тушган чечен йигитлар қаторида юрган бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмади.

— Мен уни сиз кўрган кулбамда қолдириб келдим. Ўн беш кунлик озиқ-овқатини ғамладим.

— Яхши қилибсиз, раҳмат сизга.

— Хотини билан қизчасини Кемерово орқали бу ёққа олиб келдим. Ўзи келишга унамади. Бу ёқларда кўлга тушса, сизга ёмон бўлар экан. Хотини билан қизчасини Марғилондаги бир ошнамниги кўйиб келдим. Эрта-индин уларни атдан олиш керак.

— Оламиз, — деди Асадбек ўйчан, — шу бугуноқ ишончли жойга етказамиз.

— Бўтам, сизга айтмоқчи бўлган омонат гапим шу. Энди, ижозат этсалар, бир-икки сўрайдургон гапимиз ҳам бор.

— Сўранг, ота.

— Бўтам, менинг ожиз фикрим балки адашаётгандир. Лекин... сизларнинг ишларингизда бир ёвузлик кўряпман.

Муҳиддин ота «Бу савол билан юрак ярасини тирнаб қўймадимми», деган хавотирда Асадбекка қараб олиб, бошини эгди.

Асадбекнинг ҳам боши эгик эди. Отасининг биродарига, ҳалол-ҳаромнинг фарқига яхши борадиган одамга нима десин? Қандай тушунтиурсин? Жаҳл давоси или мағур, ақлдан бегона онларини қандай айтсин? Вужуди ваҳшат ичра тор-мор бўлган одам покиза инсонга кирланган юрагини кўрсата оларми экан?

Лекин... нимадир дейиши керак.

Савол берилди.

Жавоб куттилмоқда.

Асадбек бошини бир оғирлик, бир азоб билан кўтарди.

— Ота, бизнинг ишимиз нозик. Бир-иккита кооперативлар очганмиз. Дўст бор, душман бор...

— Душманинг бири ҳам хатар, — деб мезбон Асадбекнинг фикрини қувватлади.

— Биз баъзан ҳукуматни алдашга ҳам мажбурмиз. Ҳукуматнинг қоидалари чатоқ, алдамасликнинг иложи йўқ. «Одамлар қингир иш қилин» деб қингир қоидаларни ўйлаб чиқарадиган амалдорлар ҳам бор-да!

— Ошнангизни... ҳукумат таъқиб қилмади, дейман?

— Нега бундай деяпсиз?

— Ҳукумат таъқиб қилса, оиласига тегмас, дейман.

— Ҳа... тўғри англабсиз. Биз билан келиша олмайдиган бошқа кооперативлар бор.

Орага сукут чўқди. Муҳиддин ота бир неча нафаслик сукутдан сўнг бошини қуи этганича, худди ўзига ўзи гапираётгандай бир байт ўқиди:

— Ҳаётнинг тарбиятсизлик тўфонига нишон айлаб, Чунон мажруҳ ўлуб руҳлар, юраклар зоҳидон ўлмиш.

Асадбек байтнинг мазмунини англамай қарияга қараб олди. Сукут яна давом этиб, Асадбек ўзининг болалиги ҳақида оз бўлса-да айтиши лозимлигини бил-

ди. У мактабдаги, күчадаги ҳақоратларни, бир бурда қора нонга зор кунларни күрганини айтмади. Бу кунларни күрган биргина у эмас эди.

— Онам оламдан ўтганларидан кейин... қиморбозларга аралашиб қолдим. Мени ўша одамлар тарбия қилишди. Ўланганимдан кейин кўп ўйнамадим. Устозимнинг гапига кириб, ташладим. Қиморбозларга қозилик қилдим. Кейин... кооперативлар очдик. Мен ҳақимда бўлар-бўлмас гаплар кўп. Мен... намоз ўқимасам ҳам Худодан кўрқадиган инсонман. Ўлганимдан сўнг дўзахда куйишимни биламан.

— Худо сақласин, гуноҳларингизни ўзи кечирсин. Тавба қилинг, бўтам.

Асадбек кўкрагида аламли фарёд бош кўтараётган эди. Уни бўғиш учун бир неча фурсат сукут сақлади.

— Сизни билмайман-у, аммо мен шўро ҳукуматидан бутунлай норозиман. Дўзахда аввал шу ҳукумат куйиши керак эди.

— Дуруст айтдингиз, бўтам.

— Ота, маслаҳат беринг. Болаларим ўқишини битиргач, ўша ерда қолишини хоҳляяпман. Бу ерга қайтмасин. Мендан кейин ёмон бўлади...

«Мендан кейин...» Шу икки сўз айтилаётганда овози титради. Буни зийрак қария сезди. Унинг ранг-рўйига қараб, «Мендан кейин» яқин кунлар ичи содир бўлиши мумкинлигини фаҳмлаб эзилди.

Жалил ош дамлашини йигитларга топшириб, ўзи болохонада йигитларга насиҳат қилиб ўтирганида Асадбекнинг йўталини эшилди. Йўтал босилавермагач, шошилиб пастга тушди. Хонага кирганда Асадбек буқчайганча йўталар, Мухиддин ота эса унинг елкалари ни уқалар эди.

— Дўхтир чақиринг, бўтам, — деди қария, кириб келган Жалилга хавотир билан қараб.

Асадбекни ҳар куни йўқлаб, боқиб турувчи табиб ҳаялламади. Остона ҳатлаб, мижозининг аҳволига кўзи тушди-ю, янада шошли. Эм игнаси билан кетма-кет юборилган дорилар таъсир этиб, Асадбек бир оз ором олгач, табиб ҳам енгил хўрсиниб кўйди.

— Касалхонага ётинг, десам кўнмаяптилар. Нур берилемаса бўлмайди.

Йўтал азобидан ҳолдан тойган Асадбек бу гапни эшишиб, кўзини очди. Табибга қараб бармокларини қўмирлатди-да, «Сен кетавер», деган ишора қилди. Жалил табибни кузатиб чиқди. Табиб хастанинг аҳво-

ли оғир эканлигини таъкидлагач, хайрлашиб кетди. Жалил ҳовлида туриб қолди. Бу орада Мұхиддин ота ҳам ҳовлига чиқди-да:

— Ухладилар шекилли, бир оз ором олсинлар, — деди.

Шунда Жалил ошнасинг касали нима экани, касални ҳаммадан яшираётгани, ўзининг табибга бориб келганини айтди. Асадбекни у ёққа олиб бориш муаммосидан қийналаётганини ҳам билдириди. Икковлон ҳовлида турғанларича режа түздилар. Режага кура улар Асадбекнинг касалидан бехабар ҳолда, «йұтални тузатадиган» табибга бориб келишга даьеват этадиган бүлдилар. Табибининг ўжарлигини билган Мұхиддин ота ҳам бирга боришта истак билдириди.

Асадбек дорининг күчи билан пешинга қадар ухлади. У үйғонгач, режани амалга ошириш бошланди. Мұхиддин отанинг бирга боражагини билгач, Асадбек күнди.

Қишлоққа яқынлашғанларида йўл четидаги «Запорожец»га кўзлари тушиб, тўхтадилар. Режа бўйича Кесакполовон бу ёққа одам юбориб, эскироқ машина тайёрлаб қўйиши, улар қишлоққа шу аробада кириб боришлари лозим эди. Иш режа асосида бўлди.

Қишининг совуқ нафаси сезилиб турса-да, ернинг илиқ бағри кечаси ёққан қорни эритиб юборган, тошлиқ йўлдан юриш бир оз қийнлашган эди. Уриниб қолган «Запорожец» кучаниб бўлса-да, манзилга эсономон етиб келди.

Абдураҳмон табибининг дарвозаси очиқ, лойда қолган из яқин орада бу ҳовлидан уч фиддиракли трактор чиққанидан огоҳ қилиб турарди. Дарвозага етишганда Мұхиддин ота «Мен чақирай», деди-да, остоңа ҳатлади. Икки ошна берироқда тўхтаб, кутишди. Ўлим билан юзма-юз бўлгач, такаббурлиги чекинган Асадбек мисоли ювош болага айланган эди.

Қария ҳовли томон уч-тўрт қадам босиб:

— Мулла Абдураҳмон ака! — деб чақиреди. Жавоб бўлмагач, яна икки карра, энди овозини баландлатиб чақиреди. Шундан кейин овоз берилиб, дам ўтмай Абдураҳмон табибининг ўзи кўринди. Мұхиддин ота қироат билан салом берди. Шунга яраша табиб ҳам:

— Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу, — деб алик олди-да, кучоқ очиб кўришди. Улар қадрдонлардай юзларини юзларига қўйиб кўришдилар. Ислом одобини, хусусан, бу оламдаги одамлар бир-

бирларига биродар эканликларини билмаган, тушунмаганлар бу ҳолатдан ажабланишлари табиий.

— Йўлимиз шу томонга тушиб эди, сиз муҳтарам зотни зиёрат қилимасдан ўтиб кетмоқни айб деб билдик, — деди Мұхиддин ота.

— Хўб ажаб иш қилибсиз, иним. Ҳонадонимга ризқ берувчи Тангри мөхмон юборган экан, ўзига шукр қиласман. Қани, марҳамат қылсинглар.

— Тақсирим, менинг биродарларим ҳам бор.

— Ҷақириңг уларни, қадамларига ҳасанот. Тортинмай чақираверинг, уйимиз кенг, уй торлик қиласа, Худо хоҳласа бағримиз кенгdir.

Мұхиддин ота бу мурувват учун миннатдорлик билдириб, ҳамроҳларини чақириди. Ҳайдовчи киришга унамай, чойхонада бўлажагини билдириб, аробасини бурди.

Гилам тўшалган катта хонада тезликда дастурхон тузалди. Нон синдирилиб, «олинг, олинг» бошлангунга қадар деярли гап-сўз бўлмади ҳисоб. Абдураҳмон табиб мөхмонларга зиддан қараб чиқди. Назари бир неча сония Асадбекда тўхтаб, унинг хасталигини фаҳмлади. Зотан, унинг хасталигини табиб бўлмаган одам ҳам билуви мумкин эди. Мөхмонларнинг келишларидан мақсади касал боқтириш эканини сезса-да, табиб «Келинглар, хизмат» демади. Шу пайтгача бирон ўзбек мөхмонга «нима учун уйимга келдинг» демагани ҳолда пок-нопокни дуруст айира оловчи, ўзига имон йўлини маъқул деб таниган Абдураҳмон табиб айтармиди.

Жалил ҳам, Асадбек ҳам суҳбатта деярли аралашмай жим ўтиришди. Айниқса, Жалилнинг жим ўтириши улуғ таҳсинга лойиқ буюк жасорат эди.

Мұхиддин ота бирданига мақсадни айтмай, гапни узоқдан бошлади.

— Тақсир, бир ривоят ёдимга туши, ижозат бering, айттай. Ҳойнаҳой сиз бу ривоятдан хабардорсиз. Буни ҳамроҳларим учун айта қолай.

— Марҳамат қилинг, азизим...

— Ровийлар деярларки, подшоҳ бир қизни, отаси ҳамда икки акасини ўлимга ҳукм этибди. Қиз ўлими олдидан бир қултумдан сув беришларини сўрабди. Подшо мурувват қилибди. Сувни ичib бўлгач, қиз дебдики: «Эй, мурувватли подшоҳ, биз сиз берган сувни ичдик. Энди сизга мөхмонмиз. Мөхмонни ўлдириш мумкин бўлса, биз ўлимга тайёрмиз». Подшо қизнинг

ақлига тан бериб ҳукмни бекор қылган экан. Алқисса, шулки, биз сизга меҳмонмиз. Ҳақиқат шулки, сиз ўлимга ҳукм қилувчи шоҳ эмас, хасталарга шифо берувчи табибсиз.

— Ундаи эмас, иним, адашдингиз, астағфируллоҳ. Дард берувчи ҳам, шифо берувчи ҳам ёлғиз Оллоҳдир.

— Ҳақ рост, — деди Мұхиддин ота, бош эгиб.

— Иним, сиз мени күрінmas ип билан боғлаб олдингиз. Билиб турибман, бу иним, — у Асадбекка қаради, — хасталар. Муолажа ҳақида сүнгрөқ сүз юритамиз. Ҳозир меҳмондорлик таомилини бузмайлик. Аввал таом, дейдилар. Ҳалиги аробаларинг соғлом одамни ҳам хаста этади. Бир оз дам олинглар. Мен эса, сиз айтган ривоятга жавоб айтай: «Ҳазрат Луқмон ҳакимдан сұрабдилар:

— Тұғри ва аниқ сүзлашни кимдан ўргандингиз?

— Күр одамдан, — деб жавоб берибдилар ҳазрат. — Улар бир қадам босишларидан олдин аввал ҳассалари билан ерни пайпаслаб күрадилар. Мен эса сүз айтишдан аввал ўйлайман». Алқисса шулки, сиз ўйлаб-ўйлаб дуруст сүзлар айтдингиз. Менинг күнглім бундан тоғдир.

Шу зайлда лутф алмашылганидан сүнг ҳар икки томонни ажратиб турувчи ноқулайлик пардаси четта сурьлди. Сұхбат эркін мақом касб этиб, ҳатто Жалил ҳам «мұлла» сифатида қүшила бошлади. Красноярдаги сұхбатлар чоғида Жалилнинг «мұллалик» даражасини яхши фаҳм этган Мұхиддин ота вақти-вақти билан унинг сүзини кесиб туришга мажбур бўлди.

Ҳамонки улар азиз меҳмонлар мартабасига кўтарилиган экан, Мұхиддин ота ўзларини таништирмоқни лозим кўрди.

— Сизга бир қараашдаёқ қувфинди эканингизни юрагим сезган, — деди табиб. — Агар билсангиз камина ҳам қувфиндилардан. Ўз шаҳримни ташлаб келиб, бу қишлоқда макон туттанман. Бу инимнинг, — у Асадбекка қаради, — кўп зулм кўрганларини кўзларининг туби айтиб турибди. Аммо, ишқилиб адашаётган бўлай, кўзларининг сирти, айниқса қорачиқлари ўзгларга зулм қилғанларини айтиб турибди.

Бу гапни эшитиб, Мұхиддин ака бошини эгди. Асадбек ҳам бош эгиб бир оз жим ўтириди-да, сүнг тан олди:

— Ота, адашмадингиз...

— Замон мажбур қилди уларни. Бизлар қувфинларда

қолганда, булар қаровсиз бўлди. Кечаги куни Асадбек бўтам билан шуни гаплашиб эдик. Ҳукуматни кўрарга кўзлари йўқ. Бизларни қамоқдан озод қилишди, тақсир, омма фарзандларимиз руҳлари шикастланганича қолди.

— Биламан, иним, биламан, — деди табиб оғир тин олиб. — Бу гапларга ҳожат йўқ. Билсангиз иним, мен бошқа оламман. Совет Иттифоқи деган бадбаҳт давлатни дунё тан олган, аммо мен тан олмаганман. Совет Иттифоқининг чегараси сиз босиб ўтган дарвоза остонасида тугайди. Остонанинг бу томони бошқа дунё.

— Бу давлат юрагимиздан жой ололмади. Сиз яхши айтдингиз, тақсир. Энди бу чегарани янада узокроққа улоқтириш замони келармикин? Бу ҳаромилар қачон йўқ, бўларкин?

— «Ал-бирру ла йубла, ваз-занбу ла йунса ад-дайяну ла йамуту иъмал ма-шиъта кама тадийну туъдану»¹, — деди Абдураҳмон табиб маъноли оҳангда.

Жалил ҳадиснинг маъносига тушунмаса ҳам «қаранг-а!» деган ҳайрат билан бош иргаб қўйди. Мухиддин ака эса бир оз ўйга толиб сўнг табибга қараб деди:

— Астайиҳзу биллаҳ, «Ва лоқад карромна бани Адама», — Улуг қилиб яратилган одам зурриёдлари шайтон йўлига кирса шу экан-да. Астайиҳзу биллаҳ, «Ва инна алайка лаънати ило явмид-дин»².

Улар икки аллома сингари суҳбат юритардилар. Жалил уларнинг суҳбатига ўз фикри билан қўшилиш учун оғиз жуфтлаганида Асадбек тирсаги билан биқинига туртиб, кўз қараши билан «Жим ўтири» деб таҳдид қилди.

Суҳбат чиройли тарзда давом этаётганда, ҳовлида бир одамнинг «Абди!» деган бақириғи эшитилиди. Гёё жимирилаб турган кўлга тош тушгандай бўлди.

— Дев акам келдилар, — деди Абдураҳмон табиб мийифида кулиб. — Айбситманглар, меҳмонлар. У — Худонинг эрка бандаси. Менинг доимий азиз меҳмоним.

Табиб меҳмонни қаршилашга турганида остонаяда девнинг чала туғилган боласини эслатувчи, баланд бўйли, тўладан келган, соч-соқоли оппоқ оқарган, ус-

¹ Мазмунни будир: «Яхшилик эскирмайди, гуноҳ унунтимайди, Оллоҳ таоло ўлмайди. Энди нима қылсанг қиласавер. Амалинга яраша жазо оласан (Ҳадиси шарифдан).

² Мазмунни будир: «Одам зурриёдларини улуг қилиб яратдик». «Сен (шайтон)га то қиёмат кунига қадар менинг лаънатим бўлажак».

ти юпун одам күринди. У остана ҳатлаб ичкари кириб меҳмонларни күрди-ю, бир зум тұхтади. Уларга бир-бир қараб олгач, дадил юриб келиб Мұхиддин ота билан күришди:

— Ассомойкум, сенга миллион сүм бераман, — деди жиддий тикилиб.

Бу гапни әшитган Мұхиддин ота нима дейишни билмай, гангиб қолди.

Дев ака Жалил билан күришаётіб ҳам шундай деди. Аммо барчани ҳайратда қолдириб Асадбекка бундай демади.

Абдураҳмон табибга унинг феъли маълум: Дев ака бирорни сўймаса пул ваъда қилмайди. Бошқаларга миллиондан «бераверади». «Бу одамнинг нимаси ёқмади? У ҳам кўзларида зулм кўрдими экан?» деб ўйлади табиб.

Дев ака миллионларни «улашиб бўлгач», ўтириб Абдураҳмон табиб узатган чойни хўриллатиб ичди.

— Абди, — деди у тишиз милклари билан нон чайнаб. — Мих йўқ. Ҳеч ерда йўқ. Исо Масихни миҳлашга етган мих энди йўқ. Ҳамма тиланиб юрибди. Раис ҳам тиланяпти. «Социализм қуриш учун эҳсон қилинг», дейди. «Пули йўқ одам қурилиш бошламайди», дедим. — Дев ака ҳиринглаб кулган эди, оғиздаги чой соқолидан оқиб тушди. — Пул йўқ, мих йўқ, у социализм кураман, дейди.

Мұхиддин ота унга қараб туриб ажабланди: баъзи гаплари туппа-тузук, айримлари алмойи-алжойи. Уй эгаси индамай ўтиргани учун, улар ҳам гапирмадилар. Дев ака чойни ичиб бўлгач, пиёлани тўнтарди-да, ўрнидан турди.

— Абди, мих йўқ, сен социализм курма, — деб чиқиб кетди.

Шундан сўнг табиб Дев аканинг кимлигини айтиб қўйишини лозим топди.

— Биз бир қишлоқдан эдик. Қизиллар келиб биздан тилла талаб қилишди. Буларнинг уйини тит-питини чиқаришибди. Онаси яшириб қўйган битта тангани ютиб юборибди. Ҳаромилар кўриб қолиб, аёлни ҳомиладор демасдан, қиличда қорнини ёриб олишган ўша тангани. Дев ака тўрт-беш ёш экан. Ўшандан бери шунаقا бўлиб қолган.

— Астағфируллоҳ, — деди Мұхиддин ота.

— Йўғ-е, ҳомиладор хотинни-я? — деб ажабланди Жалил.

— Бу сизларга чўпчакка ўхшайди, — деди табиб. — Мен эртакчи эмасман. Билганимни гапираман. Бизни бу ёқларга кўчиришганда Дев ака эргашиб келдилар. Аввал бизникида ётиб юрардилар. Кейин-кейин дуч келган ерни макон тутадиган бўлдилар. Қишин-ёзин юришлари шу — сарпойчан.

Овқат кириб таомланишгандан сўнг табиб Асадбекнинг ёнига ўтди.

— Қани, иним, қўлларингизни беринг. Исмингиз нима, ёшингиз нечада?

Табиб Асадбекнинг кафтлариға боқди, тирноқла-рини эзид кўрди. Сўнг икки билагидаги томирга бош бармоғини кўйиб, бошини этганича анча ўтири.

— Ичингизга совуқлик ин қуриб олибди, ҳайдаш керак, — деди у Асадбекнинг билакларини кўйиб юборгач. — Бунинг иложини қиласмиш. Лекин... яна бир хасталик илашибди сизга. Бунинг иши қийин. Шифо бергувчи Оллоҳ. Оллоҳга таваккул қилгумиз. Менда дори тайёрлаш учун бир нарса етишмайди. Эски аробада келганингиз билан топар-тутарингиз яхшига ўхшайди.

— Айтинг, топамиш, — деди Жалил.

— Топасизми? — деди табиб унга норози қиёфада боқиб. — Яхши, топиб келинг. Менга тилла танга керак.

— Тилла танга? Нечта? — деб сўради Жалил, худди чўнтаги тилла тангага тўла одамдай.

— Бир дона. Аслида ундан озгина куқун сидириб оламан. Қолгани ўзингларники.

— Ошнам тузалса бўлди, бу ёғидан хотиржам бўлинг, ота. Бир эмас, юзта танга бўлса ҳам топамиш.

— Иним, иккинчи дафъя бундай дея кўрманг менга. Мен у дунёга мол-дунё билан бормайман. Ёлғиз Оллоҳга ва унинг расулига муҳаббатим билан бораман. Шу боис бу дунёдаги бойликни, сиз айтган юзта тангани сариқ чақага ҳам олмайман.

Асадбек ошнасининг биқинига тирсаги билан туртди. Мухиддин ота «аттанг!» дегандай бош чайқади.

— Узр, отахон, ўйламай гапириб юбордим, — деб бош эгди Жалил.

— Сиз менга юзта эмас, битта топиб келинг. Саййид Абдулаҳадхон тангаларидан бўлсин.

— Абдулаҳадхон? — деди Жалил.

— Бухорои Шарифда шундай амир ўтган.

— Советнинг тангалари бўлмайдими? — деди Жалил.

— Николайники ҳам, бошқа замонники ҳам бўлмайди. Менга керакли нарса фақат Сайид Абдулаҳадхон зарб этган тилласида бор.

— Мен уни қандай топаман?

— Тополмайсизми? Унда сира олдиндан катта кетманг. Мен муолажани бутундан бошлайман. Узоқдан келибсиз, шу уй сизники. Сиз эса иним, поездда бир ярим кунлик йўл, бир жойга борасиз. Ҳайим деган ямоқчини топасиз. «Абдураҳмон табибдан салом. Сиз Сайид Абдулаҳадхоннинг ўн еттинчи жияни экансиз. Табибга битта танга зарур бўлиб қолди», дейсиз. Савдолашмайсиз. Сўраган пулини берасиз.

Жалил ишнинг бу қадар осон кўчганига, айниқса, Кесакполовон оттирган отлардан гап очилмаганидан кувониб йўлга тушди.

2

Жалил поезддан тушиб, Абдураҳмон табиб айтган жойни қийналмай топди. Лекин устахонасида Абдураҳмон табиб таърифлаган кекса ямоқчини эмас, йигирма беш ёшлардаги йигитни кўрди.

— Ҳайим ака қаерда? — деб сўради Жалил.

— Ҳайм акони нима қиласиз? — деб саволга савол билан жавоб берилди. Жалил:

— Мен бир одамдан салом олиб келдим, — деди.

— Кимдан?

— Абдураҳмон табибдан. Сен билмасанг керак уни. Сен ўзинг кимсан?

— Ҳайм аконинг набираси.

— Бобонг қанилар?

— Кетганлар.

— Қачон келадилар.

— Келмайдилар. Бобом кетган жойдан қайтишга йўл йўқ.

— Исройлга кетдими?

— Ундан ҳам узоқ... Худонинг олдига...

— Үлдими? Шуни айта қолмайсанми. Гапни чўзишингни қара.

— Ако, сиз сўрадингиз, мен жавоб бердим. Бобомда нима ишингиз бор эди?

Жалил табиб тайинлаган гапларни дона-дона қилиб айтди.

— Ако, бу криминал иш. Бизга ундай танга йўқ.

— Сен маҳмадоналик қилма. Уйингта бориб бу-

вингданми, ота-онанданми сўра. Мен милиса эмасман, қўрқма.

— Ако, менга қўрқиши йўқ. Танга ҳам йўқ.

— Мен шу ерда ўтириб турай, сен уйинига бориб сўраб кел.

— Эрта келинг, ако.

— Эрта деганинг нимаси? Мен қаерда ётаман?

— Истансада ётсангиз мумкин.

Жалил қарасаки, бу йигит гап уқмайдиган. Ноилож изига қайта бошлади. Сал нари юргач, йигит чақирди:

— Ако, ҳов ако!

Жалил «Худога шукр, инсоф кириб қолди шекилли», деб ўтирилди.

— Ако, пулингиз ёнингизгаме? — деб сўради йигит у яқинлашгач.

— Сен аввал тангани топ. Пул нақд.

— Эрта келинг.

Жалил унга бир бобиллаб бермоқчи бўлди-ю, ишни бузмай деб тилини тийди. У ямоқчи айтгандай бекатга бормай, масжидни излаб топиб, ўша ердан қўноқ топди. Масжид имоми сафарга кетган, ноиби айни Жалилбоп — чала мулла экан. Иккита чала мулла суҳбат қурганда илмнинг янада саёзлашиб кетиши ўша куни яна бир карра исботланди.

Эртасига ҳам иш пишмади. Йигит яна «Эрта келинг», деб туриб олди. Жалил қайтмоқчи бўлганда яна «Пул ёнингизгаме?» деб сўради.

Учинчи боришда устахонада белига эски чарм пешбанд боғлаб, чақалоқнинг муштини эслатувчи бурнига думалоқ кўзойнак кўндириган қарияни кўрди.

— Кеча бир йигит ўтирувди? — деди Жалил у билан саломлашгач.

— Сизга йигит керакме? — деб саволга савол билан жавоб берди чол.

— Аслида менга Ҳайим ака керак.

— Ҳайм акангиз мен-ку? — деб кулди қария. —

Набирам сизга нима деди, кетди, дедиме?

— Кетди деса ҳам майли, ўлди, деди.

Ҳайим кулди:

— Набирам ҳазилга мойил. Аммо у кетди, деган, сиз ўлдими, дегансиз, ҳайми?

— Шундоқ-ку... лекин...

— Ака Абдураҳмон амонмем? Нима дейди?

Жалил табибининг гапини сўзма-сўз такрорлади.

— Ҳай, пулингиз киссангизгаме?

- Ҳа.
- Олинг.
- Қанча?

Ҳайим айтди. Жалил қўйин чўнтағидан газитга ўроғлиқ пулни олиб санамоқчи эди, ямоқчи уришиб берди:

— Ҳе, эсингизга бир нарса, сизнинг. Бу ерга санаманг пулни. Бошқа жойга санаб келинг.

Жалил холироқ кўчага бориб пулни санаб яна газета парчасига ўради-да, устахонага келиб, ямоқчига узатди.

- Эрта келинг, — деди ямоқчи.

- Яна эртами?

— Ҳа, сизга осонме, бу. Хоҳламасангиз бошқа ерга изланг.

- Хўп, хўп...

Жалил уни ичидаги сўка-сўка масжидга қайтди.

Эртасига ямоқчи унга балчиқ сурилган танга узатди. Жалил лойни артмоқчи эди. Ҳайим уни тўхтатди:

— Ҳе, эсингизга бир нарса сизнинг. Тегманг. Бу криминал иш, тушунмайсизми? Боринг, Ҳайм алдамайди. Ҳайм честний гражданин.

Уч кунлик хунобгарчиликдан сўнг Жалилнинг бағрига офтоб теккандай бўлди.

3

Тонг қиличи ғолиб келиб, туннинг икки қоши орасини поралади.

Икки қария намозни ўқиётганида Асадбекда ҳам ибодат қилмоққа майл уйғонди. Уйда ёлғиз қолганида, аzon товшини эшитганида шундай ҳис уйғонарди. Ҳозир унинг вужудида ғалати куч қўзғолиб, туришга мажбур этди. У таҳорати бўлмаса-да, намоз ўқиши билмаса-да, Абдураҳмон табибининг орқасида намоз ўқиётган Мұхиддин отанинг ёнидан жой олди. Намозхонлар турса турди, рукуга борса, руку қилди, саждага бош қўйишгандаги у ҳам жойнамозга бош қўйди. Ана шунда кўкрагида бир ўксик уйғонди. Зое кетган умрига аза очиб, йиғлагиси келди.

Саждага бош қўйгунча бошқа одам эди.

Саждадан бош қўтарганида у бўлак инсон боласига айланди.

Ҳар бир нарсада занг бор, қалб нурининг занглаши — тўқлиқдир, дейдилар. Ҳозир холис ихлос билан саждага бош қўйганида ўша занг тўкилдими — Худобилади.

«Диллардаги кибр-ҳавони қетказишга қараганда тоғни игна билан ағдариш осонроқ», дейдилар. Аммо Оллоҳ истаса бу мушкулотни осонлик билан ҳал этади.

Намоз ўқиб бўлингач, аввал Мұхиддин ота, сўнг Асадбек турдилар-да, кўрпачалар тўшалган хонага ўтилар.

Абдураҳмон табиб эса ўрнидан жилмади. Унинг одати шу: Яратган билан хаёлан гаплашиди. У бу одатини ҳеч қачон канда қилмаган. Бугун ҳам муножотини бошлиб, меҳмонларнинг туриб кетгандарини ҳатто сезмади ҳам. Вужуд қаригани сайин ақл кучга кириб боради, деб бежиз айтишмаган. Абдураҳмон табибининг муножотини тинглаган ҳар бир кимса бу ҳақиқатга яна бир карра амин бўлади.

Аввалиари, ёшлик чоғларидаги душманларга, уларни қақшатган қизил золимларга жазо беришини сўраб илтижо қилди. «Ал қасосул мин-ал Ҳақ». Қасос — Ҳақдандир. Абдураҳмон табиб аввалига нима учун кофирлар кўли баланд келаётганидан ажабланди. Ҳатто баъзан шайтон алайҳилаъна васвасасига учиб, «Агар кофирларни жазолай олмасанг қандай қодир Худосан!» (Астағфируллоҳ!) деган вақтлари ҳам бўлди. Кейинчалик ояти каримада зикр этилмиш «Куфр йўлини тутган кимсалар уларни тек қўйганимизни ўзлари учун зинҳор яхшилик деб ҳисобламасинлар. Биз уларни фақат гуноҳлари кўпайиши учунгина муҳлат берамиз. Улар учун хор қилгувчи азоб бордир», деган Ҳақиқатни англаб етди. Яна энг муҳим бир нарсага — «Оллоҳ нима сабабдан бу юртни кофирлар зулми остида эзилишига қўйиб берди?» деган саволга жавоб топди. Жавоб оддий эди — қавм Оллоҳдан узоқлаша бошлиди. Шайтон ғолиб мамлакатда кофирлар ўзларини дарё сувидаги балиқдек ҳис қилиб, яйрадилар. Кофирлар зулмидан кутулмоқнинг йўли бир — Оллоҳга яқинлашиш, Оллоҳга қайтиш!

Кейинроқ ганимларга инсоф тилади.

Ҳар инсоф тилаганида бир воқеа эсига тушади.

Қишлоқни қизиллар босди. Улар қишлоқ аҳлининг тарихини кимдандир билибдилар. Тарих шуки, уларнинг қабиласи юз йиллар муқаддам урушдан безиб, тоғ ошиб келишган. Бу қабиланинг фоят катта бойлийка эга экани ҳақида ривоятлар юради. Аслида бу ривоят эмас, ҳақиқат эди. Чиндан ҳам уларнинг катта бойликлари мавжуд, лекин унинг қаерга яширингани қаттиқ сир сақланарди. Қабила ўтроқ бўлиб, қишлоқ

вужудга келгандан сўнг ҳам бойлик сарф қилинмади. Айримлар «Эзилиб ишлайверамизми, ота-боболардан қолган бойликни улашинг», дейишганда оқсоқол вазмин туриб «Агар меҳнат билан яшашни чумолидан ўрганинг, десам сизларга уятдир. Агар бу насиҳатга амал қилмасангиз икки карра уятдир», деб мажарога якун ясаган экан. Бойлик юртга қайтиб борилгандаги-на сарф этилсин, деган васиятга барча авлод содик келди. Ана шу бойликнинг исини олган шўролар кексаларни сикувга олдилар. Ана шу онда Ислом лашкарлари ҳужум қилиб, улар Оқсоқолнинг қурғонида қуршовда қолдилар. Ислом лашкарлари кексаларни асраб қолиши мақсадида «уларни озод қилинглару кетинглар» деб шарт кўйдилар. Қизиллар «кечаси кетамиз» дейишиди. Кетишгандан сўнг қарашсаки, бойлик қаердалигини айтмаган қарияларнинг бошларини жодида бир-бир узишибди...

...Ўшанда қариялар Худога нола қилиб золимларга инсоф тилашгандир...

Дев аканинг онаси ҳам тилагандир.

Тиллани деб қанча жонлар қурбон бўлди.

Ҳамма мамлакатларда, ҳамма замонларда бунга ўхшаш воқеалар юз берган.

Аслида олтиннинг ранги сариқ эмас, тўкилган қонларга мос — қизил бўлиши керак.

Абдураҳмон табиб ҳар субҳи содиқда Оллоҳдан бандаларига имон тилайди, ҳидоят тилайди, дил қулфларини очмоқликни сўрайди...

Ташқарига аёл кишининг овози келиб Абдураҳмон табибнинг хаёли бўлинди. Муножотини ниҳоясига етказиб, юзига фотиҳа тортди-да, ташқарига чиқди. Эгнига қора духоба камзул кийган кампирга қараб:

— Яна келдингизми, синглим? — деди норози оҳангда.

— Берган дорингизни ичиб бўлдим, —деди кампир айбдор одам овозида.

— Ичиб бўлибсиз, яхши. Энди дам олинг.

— Табиб оғажон, сиз ҳамма нарсани биласиз, айтинг, бир ой ичиди ўлиб қолмайманми?

— Буни Худо билади.

— Сиз ҳам биласиз. Айтинг бир ой...

— Бир ойда нима қилмоқчисиз?

— Мен ҳеч нарса қилмайман. Менга қолса, вақтим биттан бўлса, ҳозир ҳам тайёрман. Лекин... ўғлим тўй

қилмоқчи. Мен ўлиб қолсам, тўйга атаганини азага ишлатиб, совуради. Нима бўлса ҳам тўйдан кейин ўлай.

— «Кули нафсин зойиқатул-мавта»¹, — деди табиб. Ояти кариманинг маъносини тушунмаган кампир «Табиб дуо қилди», деб унга миннатдорчилик билдириди.

Абдураҳмон табиб хос хонасига кириб қоғозга бир сиқим қуритилган кўкат солиб чиқди-да кампирга узатиб:

— Қайнатиб ичинг. Худо хоҳласа ўғлингизнинг ҳамма тўйларини кўрасиз, —деди.

— Ўригимизга ола ҳакка кўниб қақиллаяпти-да, — деди кампир хавотири боисини баён қилиб.

— Бидъатларга ишонманг, одамлар айтаверади.

— Ота-онам ҳам тушимга киряптилар.

— Бидъатга ишонманг, дедим-ку! — деди табиб жаҳл билан. — Боринг, яна икки йил яшайсиз.

Кампир «Ҳазиллашяпсизми?» дегандай қараб турди. Табибнинг қараши жiddийлигини кўриб, уни дуо қила-қила кетди.

— Одамлар қизиқ-да, — деб ўйлади Абдураҳмон табиб, унинг изидан қараб. — Икки кундан кейин ўласан, десам ишонмайди, қарғаб-қарғаб кетади. Икки йил яшайсан десам ишонади, дуо қилади. Жаноб Расулуллоҳ «Ўнг томонимга салом бериб чап томонимга салом беришга улгурманми-йўқми, билмайман», деганлар. Пайғамбар билмаган нарсани табиб қандай билсин...

4

Жалил тилла тангага кетгач, Абдураҳмон табиб муолажа бошлади. Аввал эски қонни эслатувчи қўланса дорини ичирди. Сўнг бир коса қайнатма шўрва келтирди. Шўрвани ичиб бўлгач, Асадбекни пўстинга ўраб қўйди. Асадбек шу даражада терладики, умри бўйи бунақа ҳолга тушганини эслолмайди. У еттита илонни еб семирган илон шўрвасини ичганини билмади. Шўрвага илон солинганини билса, балки ичолмас ёки қайт қилиб ташлаган бўларди. Муҳиддин ота билан очилиб гапглашаётган, Асадбекка қарагани ҳамон тундлашадиган табиб «ич», деди, тамом — бажарди.

Тонгда енгиллашиб турди. Худди дарддан буткул

¹ Мазмуни будир: Ҳар бир тирик жон ўлим мазасини тогиб кўрувчидир.

фориг бўлгандай туюлди. Намоздан кейин эса руҳи ҳам тетиклашди.

Абдураҳмон табиб кампирни кузатиб киргач, ўрнидан туриб салом берди.

— Кўринишингиз, Худога шукр, дуруст, — деди Абдураҳмон табиб, саломга алик олиб.

— Тузалиб қолганга ўхшайман.

— Оллоҳ шифо берсин. Аммо тузалишингизга фурсат бор. Бу хасталик хийла ўжар.

— Ўғлингизнинг тўйигача тузалиб кетасиз, иншооллоҳ, — деб гапга қўшилди Муҳиддин ота. Сўнг қўшиб кўйди. — Одамзотнинг фарзанди тўйини кўриш умидида яшамоги гўзал ҳол-да!

Унинг кейинги гапи оҳангидаги фарзандсиз ўтаёттанидан бир афсус, бир армон бор эди. Табиб буни сезиб гапни бурди:

— Ҳозирги кампирни айтасизми?

— У чиндан ҳам икки йил яшайдими? Ўғлининг тўйини кўрадими? — деб қизиқди Асадбек.

Абдураҳмон табиб жилмайди. Унинг бу жилмайишида хурсандлик ёки қувлик эмас, изтироб бор эди.

— Буни Оллоҳгина билади. Хаста ҳали тирик экан, тузалишига Оллоҳдан умид бор. Баъзан бироннинг кўнглини кўтараман, деб гуноҳга ботаман. Шунда ҳазрат Навоийни ёдлайман:

Эй ғофилу ғафлатқа вужудинг мағлуб,
Мажмуи ёмонлиг назарингда маргуб.
Бординг даги келмадинг бу эрди матлуб,
Ёлонларинг ичра йўқ эди мундин хўб...

Одам бу дунёга ўлиш учун келади. Ҳаробага айлантириш учун қуради. Шу ҳақиқатни тушунтиришим қийин.

Нонуштадан олдин Асадбекка яна кечаги қўланса доридан берди. Нонуштадан сўнг эса юмушлари борлигини айтиб, узр сўради. Шу кетганича пешинда бир кўринди. Мехмонларни чоғроқ, ойнаванд хонага таклиф қилди. Бу хонада танча ҳозирлаб қўйилган эди.

Асадбек танчага ўтириб, болалигини эслади.

Танча совуб қолган кунни ҳам ёдига олди.

Отасини олиб кеттан кунлари.

Сўнг танча четидаги Самандарнинг мурдаси...

«Ташқарига чиқмай туринг», дегани учун шу ўйда ўтирдилар. Эрталаб Асадбекнинг намозга турганидан кувонган Муҳиддин ота унга ибодат қоидаларини ўр-

гата бошлади. Кўл боғлаб туришни ўргатаётганда табиб кириб, унинг ҳаракатларини кузатди. Сўнг танчага омонат ўтириб, Асадбекка қаради.

— Худога шукрки, дилингиз кулфини оча бошлабди, — деди у мамнунлик билан. — Агар кеча бу биродаримнинг узрлари айтилмагандан сизни боқмас эдим. Мен сизнинг кўзингизда зулм кўрдим. Зулмкор одамлар ҳаётдан бир кун кеч кетганидан кўра, икки кун аввалроқ ўтгани дуруст. Шунда камроқ одамга зулм ўтказади.

— Бўтамни замон йўлдан чиқарди.

— Ундей демант, иним, ўша замон нима учун сиз билан мени йўлдан чиқармади? Куш қаерга ин қуришни билади, а? Демак, яшашдан мақсадини ҳам билади. Наҳотки, жонзотлар орасидаги энг олийи ҳисобланмиш инсоннинг куш билган нарсага фаҳми етмайди?

— Тақсир, — деди Муҳиддин ота. — Сизга учратгани учун Оллоҳга шукр. Худо хоҳласа ҳам тан хасталиги, ҳам рӯҳ хасталигига шифо топажакмиз.

— Бир нарсани аниқ фаҳм этинг, иним, — деди табиб Асадбекка. — Кимки ҳийлаи тадбирни ташласа, яхши ҳам тинч яшайди.

Табиб шундай деб яна ҳовлига чиқиб кетди.

Жалил эртаси кун ҳам келмагач, Муҳиддин ота хавотирланди.

— Хавотирланманг, иним, — деди табиб кулимсираб. — Ҳайим осонлик билан ишонмайди. Камида уч кун овора қиласи.

Шундан кейин Жалилнинг келишини сабр билан кутдилар.

Табиб Жалил келтирган тилла тангани ювиб, артиб чироқقا тутди. Олтин товланиб кўзни олди. Абдураҳмон табиб катта косада тайёрлаб қўйган дори билан кичик эговни олиб келиб, тангани уларнинг кўзи олдидга эговлади. Етарли миқдорда эговлагач, олтин зарраларини дорига аралаштириб четга олиб қўйди-да, тангани Асадбекка узатди:

— Олиб қўйинг, иним.

— Сизда қолаверсин, розимиз, — деди Асадбек.

— Йўқ, иним, бу ерда қолмасин.

— Яна бирорта касалга ишлатарсиз?

— Агар лозим бўлса одам жўнатаман.

— Буни сотиб, масжидга ишлата қолинглар, — деди Жалил.

— Масжидга пешона теридан топилган маблағ бўлса, ташлаб кетарсиз...

Хуллас, Абдураҳмон табиб тангани ҳам олмади, «Худо юборган меҳмонлардан пул олсан, қиёматда Оллоҳимнинг кўзига қандай қарайман?» деб «қўл ҳаки», «назир» дейилгувчи пулни ҳам олмади.

Табибининг маслаҳати билан Асадбек яна бирон ҳафта қоладиган бўлгач, Жалил уйига қайтди.

5

Муҳиддин ота Асадбекникида узоқ қолмади. Асадбек унинг ёнига икки йигитни қўшиб, «Козловни олиб келинглар», деб тайинлади. Муҳиддин ота қабристон чеккасининг ёниб кул бўлганини узоқдан кўриб, юраги эзилиб кетди. Бу ерда қандай воқеа содир бўлганини ўзича тахмин этди.

Машинадан тушди-да, бир тўп кулга айланган уйи олдида ғарибона туриб қолди.

Яхши-ёмон кунлари ўтган эди бу уйда.

«Қамоқда ҳалок бўлган биродарларим руҳи кезиб юради», деб кўнгли таскин топарди.

Биродарларининг руҳлари чирқирадими энди?

Чархпалакнинг челакчалари анҳордан сув олиб новга тўkkани каби фалак гардиши зулмкорларни замин юзига тўқаверади, тўқаверади. Зулм дарёси эса туганмас, қуримас...

Козловдан ҳам ном-нишон қолмаган. У куйиб кул бўлганми ё қочиб қолганми — Худо билади.

Муҳиддин ота бир оз тургач, қорда излар қолдириб қабрлар оралаб юрди. Асадбекнинг отаси ётган қабрга яқинлашиб, тиз чўкди. Тиловат қилди. Хаёлан у билан суҳбатлашди.

Сўнг изига қайтди. Аробага ўтириб, қишлоқقا бордилар. У ердагилар уйчанинг ёнганидан бехабар эдилар. Йигитлар Муҳиддин отани қишлоқда қолдириб, қайтишди. Бир ҳафтача туриб Муҳиддин ота ҳам қишлоқقا сифмай қолдими, у ҳам юртига қайтди.

XV б о б

1

Бир кишилик тор, зах, нимқоронги қамоқ. Қуёш нури оқиб келиши мумкин бўлган тирқиш ҳам йўқ.

Бу зах хонада соғлом одам хасталикка чалиниши,

хастанинг эса ўлими аниқ бўлиши ҳам ҳеч гапмас. Зоҳид бундай хонани энди кўраётгани йўқ. Лекин аввалги кўришлари бошқа, буниси бошқа. Авваллари терговчи сифатида, мажоз билан айтилганда «мехмон» сифатида кўрар эди. Энди эса ўзи маҳбус, яъни «мезбон». Бу ерда бир кун бўладими ё бир йилми, ёки ундан кўпми — билмайди. Ўзидан олдин бу хона мезбонлари ҳам шундай эди.

Бу совуқ бетон деворлар неча ўнлаб ёки юзлаб одамларнинг оху фарёдини ўзига сингдирган. Бу ерда қанча бегуноҳлар нола қилди экан? Девор-ку тош, нолаларга парво қилмайди. Девор ортидаги одамлар-чи? Улар «Шу хонада бегуноҳ одам ётибди», деб ўйлашганми, ачинганми? Зоҳиднинг ўзи-чи? Шундай хоналар ёнидан ўтаётганда нималарни хис қилган. Эшик тирқишидан мўралаётган кўзларни кўради-ку?..

Мана ҳозир у хона ўртасида қўлларини орқага қилиб турибди.

Шу девор ортида ҳовли бор, унинг ортида эса кўча, дараҳтлар... Булутлар билан олишаётган офтоб. Минг турли қайфу ёки минг турли баҳт билан юраётган одамлар. Қайғудагилар ҳам, баҳтиёрлар ҳам юраётган йўлларидан сал наридаги ертўлада маҳбуслар ётганини билмайди. Билса ҳам эътибор бермайди. Балки ҳозир шу кўчадан Зоҳиднинг қишлоқдан келган отаси ёки онаси ўтиб бораётгандир, балки хотини кечки овқатга кечикмай деб шошилиб кетаётгандир...

Кечки овқатга Зоҳид бормайди. Нонуштага ҳам... Хотини дастлаб хавотир олмайди... Кейин...

Кейин нима қиласи? Қайга боради?

Ишонасига келади. Бирор «Билмайман», дейди, бирор «Фалончига учранг», дейди. Фалончи пистончига юборади. Пистончи эса «Эринг порахўр», дейди. Хотини ишонадими? Йўқ, ишонмайди. Маошдан маошга аранг етиб боришади-ку, ахир. Балки... Хотини бошқа нарсани ўйлар? Пораларни олиб, ўйнашига ишлатар, дер?.. «Э, йўқ, бунақа ўйламайди, менга ишонади...»

Хаёлларига эрк берган Зоҳид адашаётган эди. Унинг ахволидан хабар топган Сайд Қодиров «Эрингиз шошилинч сафарга кетди, қишлоққа бориб турар экансиз», деб хотини билан боласини жўнатишга ултурган эди. Бергер эса эгасиз уйнинг қулфини буздирив очиб, тинтиб чиқиб кетган эди.

Дил доғланган, бардош боғланган.

Бу дунёда қаҳрамонлик кўрсатиш зарур эмас,

аммо аблахлик қилмаслик шарт, деган ақида асосида улғайған, шу ақида билан яшәттән Зоҳид тамоман гангиб қолди. Ёруғлик билан қоронгулик чегарасини аниқ белгилаш мүмкін бўлмаганидек, у адолат билан адолатсизликнинг чегарасини тамоман йўқотди. Бундай чегара борми, бўлганми — билмай ҳам қолди.

«Шариф Намозовни қамаш, қамоқдан чиқариш ҳақидаги қоғозларда менинг имзом йўқ эди. Уни фақат суроқ қилғанман. Нима учун менга айб қўйишяпти? Намозов нима гуноҳ қилган? Москвадан келишган бўлса — иш жиддий. Винзавод масаласи бўлса керак. Винзавод титилса — Асадбекнинг тагига сув кетади. Мақсад вин завод бўлса, мени нима учун тиқиширишади? Бу кимнинг иши? Асадбекларникими? Мен уларга халақит бермай қўйдим-ку? Ё бир одамни емиш қилиш керак бўлса прокуратурадагилар мени рўпара қилишдими? Мен улар учун кимман? Ҳеч кимман! Ҳали бир ишни қойиллатганим йўқ...»

Орадан қанча вақт ўтди, билмайди. Тун кирдими, йўқми — буни ҳам билмайди. Кўзлари ўнгига ҳаммаёқ хира. Бу хона ичра эмас, гўё дунё ичра ёлғиз. Ҳеч кимдан нидо йўқ. Фақат тор кўкрагига банди юраги беҳаловат тепади. Тепиб-тепиб кўкрак қафасини синдириб қочиб кетгиси келади. Ўзини ҳимоя этолмайдиган бу вужудни тарқ эттиси келади.

Эти жунжикди. Дараҳтларни кўргиси келди. Беғубор осмонни, қуёшни қўмсади. Ҳудди уларни минг ийлардан бери кўрмаяётгандай соғинди.

«Ой бўлишни хоҳлайсанми ё қуёшми?»

Бу овоз қайдан келди?

Акасининг овози. Болаликдаги беғубор, масъум овози...

Зоҳид гангиб турган пайтда овоз такрорланди:

«Ой бўлишни хоҳлайсанми ё қуёшми?»

— Қуёш бўлишни... — Бу кичкина Зоҳиднинг овози.

— Қара, ой чиройли-ку?

— Қуёш эса иссиқ. Сиз ой бўла қолинг.

— Мен куш бўлгим келади.

— Нега?

— Маза қилиб учаман. Учавераман.

— Мен ҳам учаман.

— Йўқ, сен қуёш бўла қол. Мен сенинг атрофингда учаман. Осмонда иккаламиз бўламиз...

«— Осмонда қузғулар ҳам бор.»

«— Осмонда қора булутлар ҳам бор...»

Бу кимнинг овози?

Болалик хотираларига муҳрланган ўша сұхбатда «құзғулар, қора булутлар» йүқ әди. Буни кейинроқ аңглашган. Айниқса ўша айрилиқдан кейин...

Үша машъум воқеадан сүнг Зоҳид акаси билан ғойибона күп гаплашди. Жисман ёлғиз қолган кечаларда рұхан акаси билан бирга әди. Фақат... уйланғанидан сүнг бу жараён камайди.

Судда ўртоқлари ёлғон гапиришганды акаси билан тун бўйи сұхбат қурган әди. Ўғлининг ёлғиз ҳолда қотиб ўтиришини сезган онаси хавотирланди. Үнга билдиримай ўзича чой, қанд олиб бориб домлага ўқитиб келиб, ширин чойлар қилиб ичирди.

Ўша кеча юраги сиқилиб ўтирганида биринчи марта акасининг овозини эшигтан әди:

— Сен улардан ранжима. Улар мени ўлдирганлари билан, улар... дўстларим әди. Ёлғон гапиришмаса, оғирроқ жазо олардилар.

— Улар дўст эмас... Бобом китобдан ўқиб берган эдилар, эсингиздами: «Дўстингни енгилроқ севгинки, куни келиб, душман бўлиб қолиши ҳам мумкин». Дўстларингиз шундай бўлиб чиқди.

— Ундаи дема. Вақти келганда улар билан битта майизни бўлишиб еганман. Бу... тасодиф бўлди. Ўлдириш ниятлари йўқ әди. Бобомнинг ўқиб берганлари — Ҳадис, унинг давоми ҳам бор әди: «Душманингга ҳам енгилроқ адоварат қилгинки, куни келиб, дўст бўлиб қолиши ҳам мумкин...»

— Улар дўст бўлмайдилар.

— Вақти келиб сенга яқин бўлишади.

— Ҳеч қачон! Мен уларни ўла-ўлгунимча кечирмайман.

— Бобомнинг гапларини унутма: мусулмон кечиримли бўлиши керак.

— Йўқ! Улар мусулмоннинг ишини қилдиларми? Улар мусулмонми? Йўқ, кечирмайман!

Акаси ўшанда хўрсинган әди...

Кейин...

Кейин ўқиши ташлаганида ҳам тун бўйи сұхбат қурган әди.

— Сен ўзингчаadolat топмоқчимисан? — деб сўраган әди акаси.

— Топаман, ака.

— Йўқ нарсани топиш мумкинми?

— Дунёни фақат зулмат қопламаган-ку, ёруғлик ҳам бор-ку?

— Сен ўзингни ўзинг нобуд қиласан.

— Ҳамма ўзини олиб қочаверса нима бўлади?

— Сен танлаган йўлда юҳолар бор. Илонни ютиб, думини кўрсатишмайди. Сен шундай бўла оласанми?

— Менинг йўлим бошқа.

— Кўй ҳам, бўри ҳам болалигида она сутини эмади. Сўнг... улғайгач, бири ўт ейди, бири эса унинг гўштини... Бўри қўйхонада улғайса ўт ейдими? Зинҳор!

— Мен... бўриманми?

— Йўқ, қўйсан. Бўриларга майсанинг таъми яхшилигини ўргатмоқчисан... Эҳтиёт бўл...

Дил доғланган, бардош боғланган дамлар. Турманнинг бир кишилик заҳ хонаси. Ўлимтик чироқ хира нур таратади. Тунми, кунми, билиб бўлмайди.

Ёлғизлик салтанатининг асири — Зоҳиднинг руҳлари кишанланган.

Узининг бу ерга келиб қолиши сабабларини актаради.

Акаси билан бўлган хаёлий суҳбатлари ёдига тушади, тушаверади.

Сўнг...

Ташқарида шарпа эшитилди.

Кейин эшик шарақлаб очилади. Ана шу шарпа, ана шу шарақлаш ёлғизлик салтанатини маҳв этади. Сўнг овоз:

— Шарипов, чиқинг.

Чиқинг... қаёққа чиқади? Сўроққами? Ким сўроқ қилади, ўша ажинами?

Сўроқ хоналарини четлаб ўтишди. Буюмларини қайтаришди.

— Озодсиз.

Бунча совуқ оҳангда айтди бу ширин сўзни...

Ташқарига чиқди: офтоб булут билан ҳануз олишади. Кечаси бир сидра ёққан қорни ушлаб қолган дарахт шоҳлари вазмин чайқалади. Офтоб мўралаган пайтда қор зумрад каби ялтирайди.

Осмондаги юлдузлар Ер юзини чароғон этолмагани қаби бу манзара унинг кўнглига чироғ ёқа олмади. Ўзи бунда, озодликда бўлса ҳам руҳи ҳали ҳам бир кишилик қамоқда эди...

У кўчада туриб, қаёққа боришни ўйлади. Бир кўнгли прокурорга кириб «Ходимларингизни шундай хор қилиб қўясизларми?» деб жанжаллашмоқчи ҳам бўлди.

Кейин бу фикрдан қайтиб, Саид Қодировнинг ҳузурига йўл олди. «Ҳар қалай мени огоҳлантирган эди, бир нарсани билади у», деб ўйлади.

— Келинг, сизни кутиб турган эдим, — деди Саид Қодиров уни қаршилаб. — Ҳозир сафарга кетишим керак. Мен ҳаммасидан хабардорман. Сиз мендан «Нега бундай бўлди?» деб сўраманг. Мен деярли билмайман. Билганим: Намозов Красноярскга қонунсиз равища вагонда вино юборган. Москва буни қандай илинтириди — хабарим йўқ. Фаразимча, тўдаларнинг ички низолари акс-садоси бўлса эҳтимол. Балки Ҳосилбойваччанинг ўлими ҳам шу билан боғлиқдир.

— Хўп, энди нима қили дейсиз?

— Ишингизни давом эттираверинг. Сизни ҳеч ким ишдан четглатгани йўқ. Ҳўжайинларингизга қовоқ-тумшук қилманг. Бу ишларда уларнинг кўллари йўқ.

— Мен бир фурсат топиб Элчин билан суҳбатлашсам, дёвдим.

— Нега?

— Уни танийман. У менга яқинроқ бир одамнинг ошнаси эди.

— Ҳозирча бу ишга аралашманг. Ўртоқлар ўрганишяпти.

— Унда воқеага гувоҳ бўлган одамингиз билан иккни оғиз гаплашсам.

— Ҳозир эмас.

— Унда менинг нима керагим бор ўзи?

— Сиз прокуратура терговчисисиз. Ўз ишингиз билан шуғулланинг. Вақти келганда бизга фаол равища қўшиласиз. Ҳозирча кузатинг, таҳлил қилинг.

Саид Қодиров «гап тамом» дегандай ўрнидан турди.

У «Ишингизни қиласкеринг», дегани билан, ишхонасига боришга оёги тортмади. Такси тўхтатди-да, Ҳамдам Толиповни қоралаб кетди. Бахтига Ҳамдам ишхонасида экан. Сигарет бурқситиб, ёзув машинкасига мук тушганича битталаб ҳарф терарди.

— Ие, кел, прокурор. Кеча тушимга кирувдинг. Буни қара, ўзинг келиб турибсан. Тушимда сенга орден беришибди. Асадбекни ўтқазиб қўйган бўлсанг керак-а?

— Пичинг қилманг, ака, ўзи юрак сиқилиб турибди.

— Пичингмас, ростдан кўрдим. Нима бўлди, ўтири.

— Ҳамдам ака, шу ишингизни ҳозир қилишингиз шартми?

- Дардингни айтавер.
- Ичмоқчиман.
- Гап йўқ. Кетдик, — у шундай деб курткасини кийди.

Ҳамдам «Прокурор қиттак-қиттак отиб дардини айтмоқчи», деб янгишиди. Зоҳид бўкиб ичди. Оқибат Ҳамдам уни уйигача опичиб чиқиб, ётқизди. Эрталаб шампан виноси олиб келиб сабуҳий қилдириб, ўзига келтириди. Зоҳид бу кун ишга бормади, ерпарчин бўлиб ётди.

2

Прокуратура терговчиси Зоҳид Шарипов бугун ҳам кўчага чиққиси келмади. Шартта қишлоққа жўнавормоқчи бўлди. Лекин Ботиров тақдири ёдига тушиб, фикридан қайтди. «Бир кун беайб ўтирганимда қўзимга дунё тескари бўлиб кетди. У бечора шунча йилдан бери — азобда», деб ўйлаб, ювениб-тарандида, қўшни туман милисаҳонасига қараб кетди. Икки қаватли милисаҳона биноси олди баланд темир панжара билан ўралган, бетон ариққа қалин тунукадан қоплама қилинган эди. Бу ҳол нодон кимсанинг соғлом тишлари устидан жез қоплама қилдиришига ўхшарди.

Зоҳид бу ерга Ҳамдам Толипов «Ишқал» деб атаган терговчини излаб келган эди. «Ишқал» лақабли бу одам хонасида экан. У баланд бўйли, озғин, қирра бурунли, оғзи катта одам эди. Оғзи катталигиданми гапирганда тупук сачратарди. У Зоҳиднинг мақсадини эшитиб, дабдурустдан сансирашга ўтди:

- Хўп, нима демоқчисан?
- Айрим нарсаларни сўраб билмоқчиман.
- Мен жиноятчини тутиб берганман. Уни суд қамаган, мен эмас. Қўлингдан келса суд билан гаплаш. Бошимни оғритма.
- Мен прокурорнинг топширигини бажаряпман, — деди Зоҳид овозини сал баландлатиб, сўнг бу «Ишқал» билан яхшиликча гаплашиш қийинлигини билиб, оҳангни ўзгартириди: — Мен шаҳар прокуратурасининг терговчисиман. Кўчадан келган мишиқи бола эмасман. Марҳамат қилиб, мени сенсираманг. Саволларимга эса тўла ва аниқ жавоб беринг. Агар бу ерда гаплашишни истамасангиз, марҳамат прокуратурада гаплашайлик.

— Энди ука, мендан ранжима, шу ёшга чиқиб, ўзимдан кичикларни сизламаганман. Сизлай ол-майман, хафа бўлма, — деб бир оз пасайди «Иш-кал». — Энди бу ишни топширибди, деб ҳовлиқаверма. Қамалганларнинг ҳаммаси «бегуноҳман» деб ариза ёзади.

— Қизиги шундаки, у ариза ёзмаган.

— Унда нега бошни қотирасан?

— Аризани жабрланувчи ёзган. Зўрлаган у эмас эди, деяпти.

— Гапираверади. Қилар ишни қилиб қўйиб, энди қилиқ қиласими? Менга қолса, Ботировни қамамасдим. Тўғри, зўрламаган. Қизнинг ўзи хоҳиш билдириган. Лекин барибир қонун деган нарса бор. Совет ҳокимиятида яшаётганига шукр қилсин. Йилгариги замонлар бўлганда тошбўронда ўлиб кетарди.

— Тошбўронга ҳам қози ҳукм қиларди. Гувоҳлар тасдиқ этса, ҳукм қилинарди. Миршабнинг айтгани билан ўлдирилмас эди.

— Хўп, нима демоқчисан? Сўрайдиганингни сўра, фалсафа сўқма менга.

— Жиноятчини таниш маросимида қоидани бузгансиз.

— Нима қилиб бузибман?

— Учта йигитнинг ўтладагиси, куртка кийгани, деб қизни огоҳлантиргансиз.

— Адашиб кетиб бошқа бир бечорани кўрсатмасин, дедим.

— Ботировнинг қўлига кишан солиб уларнинг олдиндан олиб ўтгансиз. Таниш маросимида ҳам кишанни ечиб қўймагансиз. Ўша куни қиз сиз айтгандай қилиб, Ботировни кўрсатган. Кейин фикридан қайтган.

— Уни қўрқитишган ёки катта пул беришган.

— Униси ҳам, буниси ҳам бўлмаса-чи? Виждони йўл қўймаган бўлса-чи?

— Виждон? У беҳаёда виждон нима қилади?

— Ундей деманг, қизингиз тенги...

— Сен қизимни орага қўшма! — «Иш-кал» шундай деб сўкиниб юборди-да, титроқ бармоқлари билан сигаретни лабига қистириб, тутатди.

Никоҳнинг эртасига уйига қайтаришган, шундан бери учинчи эр билан яшаётган қизини Зоҳид тилга олиб, унинг ярасини янгилади. Бундан бехабар Зоҳид узр сўради. «Иш-кал» сигаретни бурқситиб тутатган ҳолда асабий оҳангда деди:

— Сенга ўғил бола гапни айтайми: қўлингдан ҳеч нарса келмайди. Ботиров қамалиши керак эди, қамалди. Юқоридан топшириқ бўлган.

— Қанақа топшириқ?

— Улар жиноий гуруҳ ташкил қилишган. Бошлиғи аварияда ўлди. Булар қамалди. Ўшандада бошқа чора йўқ эди. Балки ҳозир... замон ўзгарди. Эпласанг, чиқариб юборарсан.

— Демак, у айбиз?

— Мен унда демадим. Сенга... ҳазиллашдим. Бор энди, бошимни оғримта.

Икки одам ерга баравар қараганда бири кўлмакни, иккинчиси эса ўша кўлмақдаги қуёш аксини кўради. Ҳозир «Ишқал» билан Зоҳид шундай ҳолда эдилар.

3

Зоҳид Ботировни яна сўроққа чақиришдан олдин Неъматиллоҳ алломанинг юртига бориб келишни лозим топди. Аввал Ботиров тасвирлаб берган йўл бўйича қабристонни топди. Ботиров йўлни шу даражада аниқ тасвирлаган эдик, Зоҳид шаҳарда илк бор бўлишига қарамай бирордан «Қабристон қаерда?» деб сўрамасданоқ топди. Кейин кенг йўл, сўнг ўнгта бурилган тор йўл. Ниҳоят... таҳтаси олиб ташланган ўриндиқ.

«Ўтириб Куръон ўқишмасин, деб суфириб ташлашган...»

Ботировнинг гапини эслаб ғашланди. Масжид, мозларга ҳужум бошланган пайтни яхши билади.

Пайтавафаҳм раҳбарлардан чиққан «ақл»ни майдароқ раҳбарлар байроқ қилдилар. Коммунист фарзандлар ота-оналарининг жанозаларидан қочдилар. Умри ибодат билан ўтган ота-оналар қизил кутига солиб кўмилдилар. «Оллоҳ» дейдиган тиллар қирқилиш дараҷасига етди. Қариялар «Вой тавба, Сталин ҳам бундай қилмаган эди», деб ажабландилар. Зоҳид эслайди: бир куни устози Ҳабиб Сатторов ҳам зорланиб қолди. «Қанақа замон ўзи бу, отамнинг қабрига бориб гул қўя олмасам? Арафа куни кечқурун борсам ҳам пойлаб юришибди». Шунда Зоҳид бир оз аччиқланиб: «Сиз нимадан қўрқасиз? Коммунист бўлмасангиз, бошлиқ бўлмасангиз», деган эди.

Ўша яқин ўтмишдан таҳталари сугуриб олинган ўриндиқнинг темир оёқлари ёдгорлик бўлиб турибди. «Ажойиб ёдгорлик, — деб ўйлади Зоҳид. — Фақат бит-

та лавҳа ёзиб кўйиш керак: «Бу ўриндиқ фалончи райкомнинг аҳмоқлиги туфайли бузиб ташланган...»

Зоҳид қабр тошларидағи ёзувлардан «Неъматуллоҳ» номини излади. Атрофда сомонсувоқ қилинган қабрлар ҳам кўп эди. Ботировнинг гапи бўйича шуларнинг бирида Неъматуллоҳ аллома ётибди. Зоҳид гўрковни топиб ўзини танишитирди-да, дафтари ни олиб чиқишини илтимос қилди. Сўнг ўша темир оёқ — ёдгорлик ёнига қайтиб бу қабрларда ким ётганини суришитирди. Гўрков бир дафтардаги, бир қабр тепасидаги раҳмаларга қараб айта бошлади. Тўртинчи қабрни эса дафтарга қарамаёқ айтди:

- Бунда раҳматли Нематуллоҳ аллома мадфунлар.
- Аниқ биласизми?
- Шундай одамни билмай бўладими?
- Қабрни сиз қазиганмисиз?
- Ҳа, мен.
- Ўша кун эсингиздами? Қуёш чараклаб турганими ё шамолмиди?

Қишида эди... Аввал роса ёмғир ёғди. Ернинг атаси чиқиб кетди. Лекин Худонинг қудратини қарангки, гўр қазиётганимизда девор уваланмади. Девори худди сувоқ қилингандай силлиқ чиқди. Лаҳад кавлаётганимда тепадан битта кесакча ҳам тушмади. Бунақасини мен ҳеч учратмаганман. Майитни олиб келишларидан олдин майдалаб қор ёғди. «Таборак» ўқилаётгандага офтоб чараклаб кетди. Бу ҳам Худонинг қудрати.

Гўрков Ботиров айтган гапларни такрорлар эди. Билмаган одам булар аввалдан келишиб олишган дейиши ҳам мумкин эди.

— Алломанинг Шокир Ботиров деган шогирди бормиди?

— Раҳматлининг шогирлари кўп эди. Мен уларни танимайман. Ўзларини ҳам лаҳадга қўйгач, кафани очганда кўрганман. Юзларидан нур чақнагандай бўлиб, ҳатто чўчиб тушган эдим.

— Мендан олдин ҳам бирор шу гапларни суриштирганими?

— Йўқ... Шунга ҳайрон бўлиб турибман-да.

«Ишқалнинг гапи тўғрига ўхшайди, — деб ўйлади Зоҳид. — Мақсад ҳар қандай йўл билан бўлса-да, қамаш бўлган...»

Зоҳид гўрковнинг айтган гапларини ёздириб, имзо чекдириб олди. Гўрков чўчинкираган эди, Зоҳид «Бу кўрсатмангиз алломанинг бир бегуноҳ шогирдини қа-

мокдан чиқаришда асқотади», деб тинчлантириди. Кейин: «Замон ўзгарди, энди ўриндиқларни тузатиб күймайсизларми?» деб танбек берди.

Абдунаби қорини топа олмади. У ҳам ўша кунлари ҳибсга олиниб, уйидан «наша чиққани учун қамаб юборилган экан. «Ишқалнинг гали тўғри, — деб яна қайта икror бўлди Зоҳид. — Бирваракайига олишган. Лекин... Топшириқни бажаришга шошибиганми?.. Бири қизни зино қилган, бирида наша... Намозхон одам қиладиган иш эмас-ку бу? Улар учун диндорларни қамаш ҳам, қабристондаги ўриндиқларни бузиш ҳам бир хил вазифа эди. Ҳаммасини бир хилда уddaлаганлар...»

Зоҳид Ботировнинг кўрсатмаларига кафил бўлувчи яна икки одам билан учрашгач, Неъматуллоҳ алломанинг уйига борди.

Сочларига оқ оралаган, қадди бироз чўккан, қалин қора қошли, олтмиш-олтмиш учлардаги киши ўзини «Неъматуллоҳнинг отасиман», деб танитганда Зоҳид ажабланди. Чунки Неъматуллоҳ аллома ҳақидаги гапларни эшишиб, уни камида эллик-олтмиш ёшлардаги донишманд, деб ўйлаган эди.

— Ўғлингиз неча ёшда эдилар? — деб Зоҳид ажабланганини яширмади.

— Ўттиз бешда эди, раҳматли, — деди ота армон билан. — Ўлим-ку ҳамманинг бошида бор-а, аммо менинг армоним — боламдан зурриёд қолмади. Уйланадиган дамларида орамиз бузилди.

— Нега?

— Бу ҳам терговга керакми, айтайми?

— Мен сизни тергов қилмайман. Ўзингиз сўз бошлаганингиз учун қизиқиб сўрадим.

— Ҳа, майли, айтсан айтай, зора дардим енгиллашса. «Арпа-буғдой ош бўлди, олтин-кумуш тош бўлди», дейдиган замонлар эди. Топар-тутарим, майшатим яхши эди. Лекин ўшанда «ҳалол топяпманми?» деган савол хаёлимга келмас эди. Неъматжон мактабда аъло ўқир эди. Мактабдан кейин ҳужрага қатнаб, Аълохон тўрамдан дарс олар экан, мен буни билмас эканман. Мен майшатда юрганимда ўғлим охират саройига фишт кўяр экан. Мен уни Тошкентга олиб бориб, молия институтига бермоқчи бўлдим. Одам топиб, ҳақини бердим. Шундай қилмасам ҳам бўларди, ўз ақли билмас эканман. Неъматжон масалаларини бирпасда очиб кўйибди. Дарров топширмай, бир оз ўтирганда домла

тушмагур «ишлай олмаяпти» деб ўйлаб, ечилган тайёр масалани бериб, «күчириб олинг», дебди. Ўғлим орага пул аралашганини билиб, масалани хато ишлаб ташлаб чиқибди. Домла ҳайрон, мен ҳайрон. Мен пулга күйишни истамайман, домла пулдан қуруқ қолишини хохладамайди. Сан-манга бориб турганимизда Неъматжон «Дада, бу пулни қайтариб олманг, у ҳаром пул» деди! Оғзим ланг очилиб қолди, дөнг. Ўғлимнинг қандай одам бўлганини ўшанда билибман. Уйга боргач, ота-бала орасида анчагина гап қочди. Охири ўғлим фарзандлик одоби чегарасида чида буролмади. У ерга қараб туриб, «Дада, сиз бизга ҳаром едиряпсиз, бу ишдан кетинг!» деди. Бу гапни мен ҳозир хотиржам айтяпман. Ўшандаги ҳолими тасаввур қилиб кўринг: кўзимга қон тўлди. Эскушимни йўқотдим. «Кўзимдан йўқол!» деб бақирдим. Битта кўйлак-шымда чиқиб кетди болам, бояқиш. — Ота шу ерга келганда босиб келаётган йигини қайтариш учун ютинди. — Ўшанда мен бир нарсани билмасдим. Ўғлим Оллоҳга, мен эсам шайтонга имон келтирган эканман. — У яна тин олди. Сўнг армон уммонидаги сузиб, гапини давом эттирди. Зоҳид унинг сўзларини бўлмай, жимгина тинглади. — Луқмони Ҳакимдан сўраган эканлар: «Одам зотига қайси иллатлар зиён келтиради?» Луқмони Ҳаким жавоб берибдилар: «Одам зотига ярашмайдиган иллатларнинг энг биринчиси — манманлиқдир, унинг оқибати — завол билан тугайди. Иккинчиси — нодонлик. Бундай кишиларни ҳеч ким одам қаторига кўшмайди. Учинчиси — таъмагирлик. Бу иллат инсон зотини хору зорликка олиб боради». Менда шу уч иллатнинг баридан бор. Биласизми, жаноза куни кўчага эмас, маҳаллага одам сифмай кетди. Бўлмаса ўшанда одамлар жанозадан қочадиган вақтлар эди. Турнақатор одамларга қараб мен уялдим. Битта кўйлак-шымда чиқиб кетган ўғлим одамлар орасида шу даражадаги эътиборга эришган экан.

— Ўша бўйи кўришмаган эдингизми?

— Йўқ, кўришардик. Уйга тез-тез келиб турарди. Фарзандлик одоби чегарасида турарди. Лекин... уйда овқат емасди. Бундан аччиқланардим. Бизни онаси муросага келтириб турарди. Болам дунёдан ўтгунча пешонам бир марта саждага тегмади. Ҳеч бўлмаса охирги келишида ёнида туриб намоз ўқисам эди... кўнгли тоғдай кўтариларамиди? Мендан рози бўлиб кетармиди... Тўғри, жон бериш олдидан «Ота-онамдан розиман», дебди. Лекин беҳисоб армоним бор... Қиё-

матда кўришамиз, у жаннатта, мен эса дўзахга кетар чоғимизда кўришамиз, ана ўшанда мен унинг қўзига қандай қарайман? Мен боламни уйдан ҳайдаганимда ўзимни дўзахга ҳукм қилган эдим...

Шу ерга келганда ота чидаб туролмади. Киприкли-
ри ёш селини тўса олмади. у узр сўраб ўрнидан туриб,
ҳовлига чиқиб кетди. Ўн-ўн беш дақиқадан сўнг
қайтиб, яна узр сўради.

— Прокурорман дейсиз-у, ҳеч унақа одамга ўхша-
майсиз. Нима учундир сизга ёрилгим келди. Бир нима
сўрамоқчи бўлсангиз, тортинмай сўранг.

Зоҳид мақсадини айтган эди, отанинг юзлари
ёришди. «Ўғлимнинг энг содиқ, энг иқтидорли шо-
гирди эди. Фассолнинг ёнида ўзи бўлган», деб гапи-
риб, айтганларини ёзив ҳам берди.

Зоҳид сафари унумли бўлганидан қувониб, изига
қайтиди.

XVI боб

1

«Вақт — қиличдир. У сени ҳар куни қиймалар. То
қиймалаб тамом қилганига қадар севиб қолишга ул-
тур».

Зайнаб улгуrolмади. Мұҳаббат — қамоқ. Мұҳаб-
бат — қийноқ. Унинг қалби мұҳаббат омбурига банди
эди. Унинг азобидан кутулиш қийин эди, кутула ол-
мади. Унинг аввал умидини бўғизладилар — суймага-
нига узатдилар. Бунинг учун кимни айблашни ҳам
билмайди. Ўзининг лақмалиги туфайли ўғирланиши-
ними ё отасиними?.. Зайнаб Элчиннинг мақсадини
кейинроқ фаҳм этди. Фаҳм этса-да, уни кечира олма-
ди. Айниқса, Жамшид «ўлдирилганидан» кейин унда-
ги сўнгти умид чўғи ҳам сўндирилди. Фамли кечалар-
да оҳининг куюни осмонни ўрнидан қўзғотай деди.
Кўз ёшлари селининг аждаҳоси ер юзини ютиб юбо-
раёзди.

Ҳаммаси бефойда...

Ҳатто...

Унинг чиройли бўйнига маҳтал бўлган сиртмоқ ик-
кинчи марта дофда қолди.

Балки...

Дейдилар-ку, «Баҳт водийсига баҳтсизлик саҳроси-

дан ўтиб борилади. Шундай қилинмаса баҳт водийсига етгани билинмай қолади».

Унинг баҳт водийсига етиб бормоги мумкинми ўзи?

Баҳт нима ўзи? Баҳт борми бу дунёда? Баҳтнинг ҳиди, ранги борми? Уни ким татиб кўрибди? Ширин нарсанинг ҳаммаси баҳт бўлаверадими? «Баҳт нима?» деган саволга ким тўғри жавоб бера олган?

Авваллари баҳтни турлича тасаввур этарди. Ҳозир тафаккурида баҳт деган тушунча умуман суриб чиқарилган.

Атири идишининг қопқоғи очилиб қолса, ҳиди учебкетади, қадри йўқолади. Аёлнинг номуси ҳам шундай...

Бирон бир аёл хиёнат кўчасига кирса, эридан (Худодан эмас!) кўрқади. Оиласи бузилишидан чўчийди. Уйнашининг бағридан чиқиб, болачасини боғчадан олиб, эрига ширин таом тайёрлаб ўтиради. Зайнаб у тоифадан эмас. Эридан ҳам, оиласи бузилишидан ҳам қўрқмайди. Унда қўркув йўқ, нафрат бор. Нафрат ўқи бирорвга эмас, ўзига қаратилган.

Ажаб ҳол: суйгани билан хаёлан қучоқлашса, жингалак сочларини суйиб силаса... ҳам ўзидан ўзи уяларди, баъзан ожизона бўлса-да нафратланар эди. Кейин хаёлидаги ҳолати ўнгидаги содир бўлди... Уша суйгилиси билан эмас, бутунлай бегона билан...

Айтадилар-ки, фоҳишалар ҳаётидаги уч марта уялар экан: дастлаб шу йўлга кирганда, иккинчи марта пул олишида, учинчи марта эса қариган чоғида ёш хушторига пул берганида...

Зайнаб учун уятга ўрин йўқ, унда нафрат бор. Унинг йўли фоҳишалар ёки эрига хиёнаткорлар йўли эмас. Унинг йўли — нафрат йўли. Унда меҳр чечаклари ўсмас. У ўтиб келган муҳаббат сўқмоғини эса сасциқ алафлар босиб кўздан йўқотди.

Ёш жувон муҳаббатдан узоқлашса — ёмон...

Жамики эркак зотига нафрат билан қараса — ёмон...

Дунёдан ёлғиз ўтишни мақсад қилиб қўиса — ёмон...

Зайнаб ёлғиз азоб чекарди. Ёнида тирик жон бўлишини истамасди. У ҳатто Чувриндининг хотинини ҳам сигдиролмай қолди. Унинг меҳрибонликлари ҳам ёқмади. У кетгач, бир оз енгиллашгандай бўлди, аммо бир неча соатдан сўнг ёлғизлик зулмати уни баттар эза бошлади.

Хаёлим чалғирмикин, деган мақсадда телевизор кўйди. Телевизорда қўшиқ айтаётган қизнинг тасвири кўринди. Қизнинг кўzlари маъюс боқарди, ашуласи ҳам ҳазин эди:

Хазон бўлган боғда гул сўлармикин...
Сўлган гулга булбул кеп қўнармикин...

Кўшиқдаги нола Зайнаб юрагининг фарёдига ҳамоҳанг эди. Шу боис уни охиригача эшита олмади. Телевизор каналини ўчириб, видеокассета қўйди. Ҳинд киносини томоша қила бошлади. Аввал яхши кўриб томоша қиласидигани энди ғашини келтира бошлади. Актёрларнинг қилиғидан жаҳли чиқди. Йигит кўз ёшлиари тўкаётган қиз қаршисида онт ичаётганда газабга миниб, қўлидаги ёқиб-ўчиргич қутичани отдида, ҳовлига чиқиб кетди.

Ҳовлида довдир одам каби нима қилишини билмай гангид турди. Совуқ шамол эсиб ўрик шохларини тарқ этгиси келмаётган баргларни бандидан узиб, тўзитди. Кеча Чувриндининг хотини супуриб-сидириб кетган бўлса-да, ҳовли неча ҳафтадан бери супурги кўрмагандай ҳолатда эди. Зайнаб ўзини овутиш мақсадида супургини қўлга олди. «Кўча ҳам бир бало бўлиб ётгандир», деб аввал кўчадан бошламоқни ният қилиб, дарвоза эшигини очди.

Зайнаб супура туриб, уч-тўрт хонадон наридаги симёғочга суюнганича сигарет тутаётган йигитга кўзи тушди. Унинг ўзи томон қараб-қараб кўяётганидан шубҳаланди. Кўчани чала-ярим супуриб ичкари кирди-да, эшикни кулфлади. Кейин «қўшниларникига келган одамдир», деб ўйлаб ўзини овутди. Ҳовлини супурган бўлди. Ўзи топган баҳона ўзини овута олмади. Тўпланган ахлатни челякка солди-да, эшикни очиб, кўчага чиқди. Чиқди-ю, ўгринча қаради: йигит турибди. Сал нарида машина ҳам пайдо бўлган. Зайнаб қўлида олиб чиққанини қатор турган ахлат тўла челяклар ёнига қўйди-да, тез изига қайтди. Эшикни кулфлади. Юрди қўрқувдан дукиллаб ура бошлади. Эшик яхши кулфандими, деб тортиб кўрди. Сўнг шошганича уйга қайтди-да, болохонага телефон қилди. Адаси йўқлигини билади, Асадбек табибникига кетаётсиб, қизини йўқлаган. Бир неча дақиқалик йўқловда кўп гап айттолмади: сафарга кетаётгани, қайттач Зайнабни Олмонияга тўйга юбора-

жагини айтиб, «Ёлғиз күчага чиқма», деб тайинлади. Ҳозир рақамларни терар экан, «Адам бир нимадан хавотирланган эканлар-да», деб фикр қилди. «Балки қайтгандирлар», деган ниятда отасини сўради. «Бек акам сафардалар», деган жавобни эшитгач, Маҳмуд акасини сўради-да, айни жавобни олди. Шундан сўнг «Тезда Ҳайдар акамни топиб айтинглар: уйимиз атрофида ғалати одамлар юришибди», деди. Телефондаги йигит «ғалати одамлар»га тегишли айрим саволларни сўраб билгач, «Эшикни ҳеч кимга очманг», деб тайинлади.

Ярим соатлардан сўнг эшик қўнғироғи кетма-кет жириングлади. Чақиравчи бунга қаноат қилмай, дарвозани тақилятди. Зайнабнинг эсхонаси чиқиб, ўрнидан қимирлай олмай қолди.

Ажаб ҳол: яқиндагина ўлимдан қўрқмаган, ўзига ўзи сиртмоқ ясаган жувон нотаниш кимсаларнинг ташрифидан қўрқиб ўтиrsa...

У уйдан чиқиб, ҳовли ўртасига етганда қўрқиб, яна тўхтади. Шунда таниш овозни эшитди:

— Зайнаб қизим, менман, оч.

«Ҳайдар акам!»

Тез-тез юриб, эшикни очди.

— Сен уйингга кириб тур, қизим, — деди Кесакполвон остона ҳатлаб.

Унинг важоҳатини кўриб, Зайнаб чўчиди, салом беришни ҳам унугти. Кесакполвон ҳам «Менга салом бермади-я?» деб ўйламади. Ҳозир унинг хаёли бошқа муҳимроқ масала билан банд эди. Шу сабабли буйругини тақрорлади.

— Сен уйингга кириб тур. Бизнинг ҳаммомда қиласидан ишимиз бор.

Зайнаб хўп, деб изига қайтди. Зинадан уйига кўтарилаш маҳалида беихтиёр орқасига қараб, оғзи-бурни қон, қўллари орқасига қайрилган йигитларни кўриб юраги увишди. Уйга кириб «Шулар юзини ювса керак», деб ўйлади. У бир неча кун муқаддам «Ялта» музокараси бўлгани, бу музокарада Ҳосилбойваччанинг айрим йигитлари қатнаша олмаганидан бехабар эди. Красноярга Козлов изидан кетган бу йигитларни Чувринди кутиб олиши зарур эди. У Москвага кетиб, бу вазифа унутилди. Оқибатда бу йигитлар Хонгирейнинг вакили ихтиёрига ўтиб, унинг топшириги билан пойлоқчилик қилишаётганди. Бундан икки мақсад кўзланган эди: бири — Козлов шу ерга ҳам келиши мумкинлиги бўлса (буни

ҳақиқатдан йироқлигини ўзлари ҳам билишади), иккинчиси — асосийси — Зайнабни пойлаш, буйруқ берилса, гаровга олиш. Бу мақсаднинг амалга ошуви кўп жиҳатдан Москвадаги музокараларга, Хонгирейнинг қарорига боғлиқ эди. Зайнаб гаровга олинди, деган гап — уруш бошланишидан дарак. Уруш эса кўп қурбонлар берилса-да, мағлубият билан тугаши аниқ. Зайнабнинг баҳтига, ҳа-ҳа, баҳтига Хонгирей урушни ихтиёр этмади.

Кесакполвон Ҳосилбойваччанинг йигитларини ҳаммомга ювинтириш учун эмас, тергов қилиш учун олиб кирган эди. Ювинашдан аввал яна бир-икки мушт, тепки ейишлари шарт бўлган йигитлар насибалирини олдилар. Лекин кўп гап айтиб беролмадилар. Билганлари Козловни излаш, бу ерда пойлоқчилик қилиш.

— Козловни топдиларингми? — деб сўради Кесакполвон.

— Тополмадик. Изини бир ўрмондаги кулбада йўқотдик.

— Козловни кимлар билан бирга қидирдиларинг?

— Хонгирейнинг йигитлари билан... Лекин ака, бир ғалати янгилик бор, айтишга ҳайронман.

— Айт!

— Жамшид акани кўрдик.

— Жамшидни? Валдирама, у ўлиб кетган.

— Кўрдик, рост.

— Гаплашдиларингми?

— Йўқ. Бирга юрсак ҳам чурқ этмадилар.

— Уҳшатгансанлар...

Кесакполвон Жамшидни тирик кўрганларидан эмас, унинг Хонгирей тўдасига аралашиб қолганидан ажабланди. Зелихоннинг ихтиёри билан Жамшид Москвага келтирилгани, беш-олти кун ўрмондаги бир уйда ёлғиз сақлангани, сўнг «Аслида сен гаровдаги одамсан, сени синаш учун Красноярга юборялмиз. Узингни кўрсат, Хонгирейнинг ишончли одами бўлишга интил!» деб буюрилганидан у бехабар эди.

Кесакполвон улардан бошқа гап чиқмаслигини фаҳмлағач, бўлак мавзууга ўтди:

— Қайтганларингдан кейин шерикларингни кўрдиларингми?

— Кўрдик.

— Кимга бўйсуниш кераклигини айтишмадими?

— Айтишди.

— Хўш, нимага келмадиларинг?

— Қаёққа?

— Онангнигига! — Кесакполвон шундай деб сўкиниб, тарсаки уриб қолди. Ҳозир Алининг аламини Валидан олди, десак-да бўлар. Жамшиднинг Хонгирей тўдасида юргани ҳақидаги хабар унинг учун кутилмаган зарба эди. Буни ҳам Чувриндининг иши деб билди. Чунки Жамшидни яширишни ўша зиммасига олган эди.

Бу йигитлар масаласида эса, уларни Чувринди кутиб ололмаган тақдирда ўзи амалга ошириши шарт эди.Faflat босиб, унтибди. Яхши ҳамки булар ландовурларча пойлоқчилик қилиб, Зайнаб сезиб қолди. Иўқса, иш қандай тугашини Яратганинг ўзи билади. Зайнабга бир нима бўлса, Асадбек уни кечирмас эди...

Ҳаммомда давом этган «Ялта музокаралари»нинг хulosаси шу бўлдики, Ҳосилбойваччанинг йигитлари пойлоқчиликларини давом эттираверадилар. Улардан бирининг ўели, бирининг укаси, яна бирининг синглиси гаровга олинади... Агар Зайнабнинг бир толагина сочи тўкилса...

Кесакполвон айнан шундай деди:

— Агар Зайнабнинг бир толагина сочи тўкилса...

Шундан кейингина ювиниб олишга ижозат этилди.

— Мен рухсат бермагунимча ҳаммомдан қимирламаларинг, — деб Кесакполвон Зайнабнинг ёнига чиқди.

— Дўнги қизим, тез нарсаларингни йифиштир, бизникига борасан. Фаламисларнинг кўнглида шумлик бор. Зийраклик қилибсан. Юра қол, ўртоғинг ҳам уйда. Зерикмайсан.

Зайнабнинг пешонаси сал дўнг бўлгани учун Кесакполвон уни болалигидан «Дўнги қизим», деб эркаларди. Ҳозир ҳам эркалаб гапиргани учун Зайнаб ортиқча савол бериб ўтирамади. Бир сидра кийимларини олиб, тайёр бўлди.

Зайнабнинг ўринига бу уйда Кесакполвоннинг йигити қолди.

Ҳосилбойваччанинг йигитлари эса Зайнабнинг «бир толагина сочи тўкилишидан» кўрқиб, пойлоқчикни давом эттиришди.

кама-елка турган дустининг бирдан йўқлик дунёсига кетиши Кесакполвондай бемехр одамда ҳам икки турдаги ташвиш уйғотди. Бири яқин инсондан айрилиш ташвиши бўлса, иккинчиси (муҳимроғи) унинг ўрнини эгаллаш. Кесакполвон мана шунга тайёр эмасди. Аниқроқ айтиладиган бўлса, у ўзини Асадбекдан кейинги мутлақ ҳоким деб ҳисобларди. «Чувринди укагинаси»нинг улгайиб, ҳокимлик даражасига етганини шу пайтгача фаҳм этмаган эди. Назарида «Чувринди укагинаси» — у нима деса «хўп» деб турадиган мўмин бола эди. Асадбекнинг тобора унга суюниши, айниқса, кейинги воқеалар унинг кўзларини очди, ҳушёр тортириди. Ана ўшанда у яна бир нарсани ўзи учун кашф этди: ўйлаб қараса, Асадбекдан ҳукмронлик жиловини олишга тайёр эмас экан. Бу ўринда гап фақат унинг иш юритиши устида кетаётгани йўқ. Иш юритишини бип-бинойи эплайди. Энг муҳим гап — ёнида кимларнинг бўлишида, яъни ишончли, садоқатли одамларда! Энди «Чувринди укагинаси»ни ҳисобга қўшмаса ҳам бўлади. Асадбек уни меросхўр, ўз мамлакатининг валиаҳди сифатида кўришни истаса, «Чувринди укагина»си бу истакнинг таъмидан баҳраманд бўлса, тамом, у эл бўлмайди. Ҳокимиятни Кесакполвон кўлга олгач, «укагинаси» — байъат берган тақдирда ҳам унга ишона олмайди. Энди Жамшид ҳам гумон остида. Аввало Жамшид Хонгирей хизматида доимий қоладими ё вақтингча юрибдими? Келган тақдирда ҳам «Чувринди укагина»си «Бек акамдан сени мен қутқарив қолдим», деб ишонтирган бўлса-чи? Жамшид унга ишонади. Чунки у бу тўдага Кесакполвоннинг «Чувринди укагина»си орқали кирган... Тўғри, Кесакполвоннинг содик йигитлари бор, бу ёқда Хумкалла, яна Ҳосилбойваччанинг йигитларидан Рамз... Булар бир ишни қойиллатиб бажариши мумкин, аммо унинг ёнида аъён даражасида тура олишмайди.

Кесакполвоннинг ташвиши мана шунда. Юрса ҳам, турса ҳам шуни ўйлади.

Ҳосилбойваччанинг пойлоқчи йигитларини қўлга олиши у турган тарози палласини бир қадар оғирлаштириди, ўз таъбири билан айтганда, ошиғини олчи турғазди. Бир томондан Асадбек олдида тили узун бўлди: ахир қизини сақлаб қолди-я!

Энг муҳими...

Энг муҳими, ўзига маслақдош, аъён топгандай бўлди.

У ўзининг келажагини ўйлаганида Зайнабни ҳисобга қўшмаган эди. Чунки Зайнаб унинг учун ҳали ҳам дўнг пешона қизалоқ эди. Кейин ўйлаб қараса, отаси ўрнига Зайнаб ҳам даъвогар бўлиши мумкин. Бу — Кесакполвон учун муддаонинг ўзи. Худди шоҳ ўлганда вояга етмаган валиаҳд ёнида турган вазир каби мамлакатни бошқараверади. «Чувринди укагина»си кулогини ушлаб қолаверади.

Кесакполвон Зайнабнинг бир ичидаги кўрган-кечиргандарини батафсил билмаса-да, кўп нарсалардан хабардор, баъзиларини сезади, айрим нарсаларни тахмин қиласи. Филай Шомил дастлабки учрашувда айтишни истамаган бўлса-да, Москвага жўнашидан аввал уч-тўрт дақиқа ёлғиз қолишганида Ҳосил-бойваччанинг ўлимига сабабчи воқеанинг бир улущини айтиб, бойвачча ўлдирилган кеча машшат қилишган уй бекасини ҳимоялашини сўради. «Мардона менга как хотин. Ундан битта болам бор. Асадбек уни ўлдиради. Менга бир нарса бўлса, уни асранг», деб илтимос қилди.

Зайнабдан фойдаланиш фикри Кесакполвонда ўшанда туғилди.

У ҳали Зайнабнинг аҳдини, нафрати мавжудлигини билмас эди.

Аввал нафрат уйғотмоқчи бўлди. Нафратни уйғотиши учун эса... отасининг аҳволидан огоҳ этмоқчи, сўнг эса отасининг ишларига аралашмоқча даъват этмоқни фикр қилди.

Уйга келгач, кузатди: Зайнаб унинг қизи билан очиқ-сочиқ гаплашмади. Асли исми Моҳинисо бўлса-да, ўзига ўзи Моника деб ном қўйиб олган бу қизнинг ёши Зайнабдан қаттароқ, бўйдан ҳам, ақлдан ҳам отасига тортган эди. Иккита бола кўрганига қарамай ўзини ўн олти ёшли қизалоқ ҳис этарди. Кийиниб юришлари шундан далолат эди. Кесакполвонни, унинг қизини билган одамлар «Ҳайдар aka қизини куёвга узатмади, аксинча бир лапашантга уйлантирди», дейишарди. Миш-мишларга қараганда, икки боланинг отаси айнан шу куёв тўра экани ҳам гумонли ҳол эди.

Кесакполвон Зайнабга «Ўртоғинг ҳам уйда» деганида «кеча» ёки «буғун келди» демади. Чунки қизи уззукун шу ўз уйида эди. Кечки пайт эри келиб олиб кетарди. Уйга боргиси келмаганида эса у «мазам йўқ», деб қолаверади. Эр бечора шўлтиллаб келиб, овқатни еб, шўлтиллаб кетаверади. Агар бирорта сеҳргар урго-

чисига етишолмай юрган итга «Сени одамга айлантираман, аммо шу күёвдай бўласан», деса ўша ит қўнмаса керак.

Энди нима учун Зайнабнинг Моникага ҳуши йўқлиги аён бўлгандир. Очифини айтганда, Моника хоним ҳам Зайнабни унча хушламайди. «Маданиятсиз, қишлоқсифат», деб бурнини жийириб қўяди. Аммо бу қишлоқсифат кимнинг қизи эканини эслаганида жилмайиб муомала қилишга мажбур бўлади.

Сочларига жингалак қилувчи тақиңчоқлар осиб олган, спорт кийимидағи Моника хоним Зайнабга кўзи тушиши билан «топган вақтини қара», деб бир бурнини жийирди-ю, лекин сир бой бермай ЮЗ йиллик қадрдонини МИНГ йил кўрмай, соғина-соғина адо бўлаётган одамдай қувониб, қулоч ёйиб қаршилади.

— Вой Зайнабушка, жоним, асалим, — деб ўпиди кўришди. — Келганинг яхши бўлди, сартарошни чактирувдим, сенга ҳам причёска қилиб қўяди. Бунақа класс сартарош шаҳарда битта.

— Раҳмат, сочим ўзи яхши, — деди Зайнаб, юзини ундан буриб.

— Ты что, ҳозир бунақаси модний эмас.

— Олдин уйга олиб кир, дастурхон ёз, кейин сочдан гаплашасан, — деди Кесакполвон, қизига танбех бериб.

Кесакполвоннинг хотини ҳам ўзига яраша, ўхшатмасдан учратмас, деган тоифадан эди. Бўйи эриникидан икки энликини баланд бу аёл ўзини дунёдаги ҳамма одамлардан устунроқ деб фаҳмларди. Ҳатто опаси билан кўришаётганда ҳам «Сен ҳам одаммисан?» дегандай беписанд қараб қўйиш одати бор эди. Зайнаб билан кўришаётганда ҳам бу одатини канда қилмади. Манзура ўзини камтар олиб юргани, содда бўлгани сабабли бу хотин Асадбекка яқин одамларнинг хотинларига норасмий қайнона ҳам эди. Барча хотинлар унга қараб, титраб туришади. Каиликни бўйнига олмаётган бу хотин ҳам қизига қўшилиб баробар пардоз қиласарди. Кесакполвон хотини билан ётмай қўиганига неча йил бўлган, эслолмайди. Хотин тушмагур эса пардозини қўймайди. Эр ҳам «Сен кимнинг кўзига чиройли, ёш кўринмоқчисан?» деб сўрамайди. Бу хонадондаги хизматчи аёл эртадан кечгача она-боланинг айтганларини бажараман, деб ҳолдан тойиб кетади. Кесакполвон ўйнаш алмаштиргани каби булар хизматчи алмаштиришдан чарчашибади. Тўғри-

роғи, буларга хизматчи чидамайди. Агар бирорта олим буларга темирдан хизматчи ясаб берса, бу ҳам ярим кунда эриб тамом бўлса керак.

Саломлашиш маросимидан сўнг ташрифдан «бағоят мамнун» эканликларини баён этишгач, дастурхон тузоглиқ кичик меҳмонхонага бошладилар.

Зайнаб бу хонадонга кам келган, аммо ҳар келганида уйнинг ҳашамларига, безакларига маҳлиё бўлиб боқиб, «Нега адам шунақаларга эътибор бермайдилар», деб отасидан фойибона ўпкаланарди. Бу сафар ундиндай бўлмади — ҳашамларга ҳам, тўкин дастурхонга ҳам айтарли аҳамият бермади.

Кесакполвон хотинини чақириб, Зайнабнинг бир икки кун шу ерда туражагини тайинлаб кетгач, дастурхон атрофидаги сұхбат асосан кийимлар оламидаги янгиликлар хусусида бўлди. Гап орасида Моника хоним фақат ўзига хос фазилатни ҳам айтиб ўтишни унутмади.

— Мен любой кийимни бир марта кир бўлгунинг ча кияман. Ювиб, дазмол қилинган кийимнинг за пахини терпеть не могу. Эски кийимларимни интернатга бераётувдим. Так как савоб ҳам керак-ку, да, жоним, — деб Зайнабга мурожаат қилди. Зайнаб энсаси қотса ҳам бош ирғаб, «ҳа» ишорасини қилди. — Янги директорша келиб, қабул қилдирмабди. Слишком модний эмиш. Болаларга мумкин эмасмиш. Допустим, ўзинг деревеншинасан, вкусинг — ноль! Кўйиб бер бошқаларга. Энди бермайман, плевать қиласман мен унақа паразитга.

— Аввалгисининг қилигини гапириб бер.

— Да, чуть не забыл, — деди Моника хоним. Рус тилидан дуруст илми бўлган Зайнаб унинг эркакчасига «забыл» дейишга ғаши келди. — Аввалги директорша, битта-иккита платямни бериб, қолганини комиссионкада соттирап экан. Вот паразит-а?

Шу хилдаги гаплар Зайнабнинг кўнглини бехузур қилди. Ёлғизликни хоҳлаб қолган, ҳатто Чувриндининг хотинидай мудойим, меҳрибон аёлга тоқат қила олмаган Зайнабни Худо жазога лойиқ билиб, буларга рўпара қилдимикин, валлоҳи аълам?

Дам ўтмай хонага соchlарини силлиқ тараган, хипчиндай йигит кириб келди.

— Зайнабушка, таниш асалчигим, бу Гогик, сартарошмас, класс! — деди фахр билан.

Гогикнинг ярим таъзим билан узатилган қўли

муаллақ қолди, Зайнаб унга бош иргаб қўя қолди. Гогикнинг дастурхон атрофида бемалол ўтиришидан маълум бўлдик, у оддий сартарош эмас, балки бу уйнинг эрка меҳмонларидан. Агар тұхмат ва фийбат гуноҳи кабиралар сирасига кирмаганида, биз бу гуноҳдан кўркмаганимизда «Гогик шу қадар эрка меҳмонки, қуввати етса она-болани олдинма-кейин кўнглини овлаб ҳам кетарди», демофимиз ҳам мумкин эди. Яна ким билади, валади зинонинг оиласида, ҳаромдан қайтмас одамнинг хонадонида бундан баттар ҳолат ҳам бўлмоғи мумкин эмасми?

Икки кишининг валақлашига аранг чидаб ўтирган Зайнаб учинчиси қўшилгач, тоқат қила олмади.

— Мазам йўқ, дори ичиб бирпас ётадиган вақтим бўлди, — деб баҳона қилди.

— Юр, менинг кабинетимга, — деди Моника хоним.

Дори масаласида Зайнаб алдамаган эди. Моника хонимнинг хонасига кириб нарсаларини қарасаки, шошилинчда дорини унутиб қолдирибди.

— Кўявер, ничего страшного, — деди мезбон. — Бир кун ичмасанг ичмабсан. Чарчагансан. Сенга видик кўйиб бераман, кўрсанг нервларинг успокоит бўлади. Зўр секс бор, кўрамизми?

— Йўқ, йўқ, — деди Зайнаб уни тўхтатиш учун кўлидан ушлаб. — Ҳечам кўрмайман.

— Жуда ҳам отсталийсан-да, асалчик. Обижатся қилмагину сен худди ўн тўққизинчи векнинг одамига ўхшайсан. Кўзингни очиб қара: ҳозир йигирманчи век. Ҳамма кўради бунақани. Бу идиотизм эмас, бу — искусство. Мен буни болаларимга ҳам кўрсатаман...

— Кўйинг, керакмас, мен кўрмайман.

— Вот, дурочка, как хочеш. Бўлмаса ётиб, дамингни ол. Постелим янги, ҳар куни янгиси солинади.

У шундай деб чиқиб кетди.

Зайнаб турган ерида туриб қолди. Унинг чойшаби алмаштирилган ўрнига қараб кўйди-ю, ўтиришга ҳам ирганди. Ҳайдар амакисига эргашиб келавергани учун ўзидан ўзи ранжиди. «Нима бўлса ҳам уйимда қолаверишим керак эди», деб ўзига ўзи танбеҳ берди. Бу хонадондан чиқиб кетишга баҳона излай бошлади.

Чиндан ҳам айб ўзида. Кўркув ақли-хушини олиб кўйиб, амакиси «юр» деса етаклаган ювош кўйдай ке-

лаверди. Бу она-боланинг бемаъни, бетаъсирилигини билмасмиди?

Биларди. Сартарош Гогикдан бошқа ҳамма нарса, барча қилиқлар унга маътум эди. Шундай экан, бирордан ўпкаланишга ҳожат йўқ...

У хонада бўзчининг мокисидай у ёқдан бу ёққа юраверди. «Ҳайдар амаким келсалар дорини баҳона қилиб кетаман», деб фикр қилди.

Кесакполвон шомга яқин келди. Кечки овқатни еб бўлишгач, у алмойи-алжойи гапларини бошлаган хотини билан қизига «Бошқа хонада ўтиrlаринг», деб чиқариб юборди. У боя Зайнабни уйига қўйиб чиққанидан сўнг тайин бир иш билан машғул бўлмади. Балки, Зайнаб билан қай тарзда суҳбат қуриш режаларини ўйлади. Кесакполвон «Агар шу фурсатдан фойдаланмасам, фирт аҳмоқ бўламан», деган қатъий фикрда ҳаракатини бошлашга аҳд қилган эди.

Хозир Зайнаб билан ёлғиз қолганида гапни нимадан бошлашни билмай тараалдулланди. У ўз услубига хиёнат қилмаган тарзда «Аданг касал, тузалмайдиган касал, сен отангнинг ўрнини эгалла, мен ёнингдаман», деса ҳам бўлаверарди. Унинг дафъатан сўз очолмаслигининг икки сабаби бор: авваламбор дангал, қўпол гапи билан уни хуркитиб, чўчитиб қўйиши, иккинчидан — ножӯя гапини Зайнаб отасига айтиши мумкин. Ана унда иш расво бўлади. Ана унда газетачилар тили билан айтилганда «Давлат тўнтаришига уриниш муваффақиятсизликка учрайди».

Кесакполвоннинг жимлиги кўпга чўзилмади. Гапни узоқдан бошлади.

— Аданг Сибирда шамоллаб келиб, вақтида даволанмади, ўжар-да, ўжар. Минг марта айтдим унга, касалхонага ёт, деб. Табибга кетгани яхши бўлди. Ишқилиб, ўша ердан тузалиб қайтсин.

Зайнабга бу гап ғалати таъсир этиб, Кесакполвонга ялт этиб қаради. У отасининг йўталиб турганини биларди, аммо тузалмас хасталикка йўлиқиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Кесакполвон ундаги ўзгаришни илғаса-да, ўзини сезмаганга олиб, гапини давом эттиреди:

— Адангнинг касали оғир. Аданг ўжар. Сал ўтказиб юборди. Яна касалини ҳаммадан яшиromoқчи. Мен билан Жалил амакингни қўявер, сендан, онандан ҳам яширган. Фақат Маҳмуд аканг билади. Мен ҳам тасодифан билиб қолдим... Нимага яширади? Нима, битта

у касалми? Тирик жон, ҳамма касал бўлади, ётиб даволаниди. Мен ўша табибни қидириб топдим. Бу касални фақат ўша табиб даволар экан. Дўхтирларнинг ўзи ҳам тан беришаркан унга.

— Қанақа касал? — деб хавотир билан сўради Зайнаб.

— Бу шунақа касалки... — Кесакполвон чайналди. — Фалати касал, оти эсимда йўқ, аммо тузалиши сал оғирроқ эканми-ей...

У «Отангнинг касали — рак» дейишга тили бормади. Шундай бўлса-да, Зайнаб унинг дилидаги гапни уқиб, бирданига ҳўнграб йиғлаб юборди. Кесакполвон «Майли йиғлаб, кўнглини бўшатиб олсин», деб индамай ўтириди. Сўнг пешонасини, соchlарини силади. «Дўнги қизим», деб эркалади. Зайнаб сал овунгандай бўлиб, ёшли кўзлари билан унга боқди. Илтижо қилди:

— Ҳайдар амаки, жон амакижон, «Нотўғри айтдим», денг. «Билмасдан айтдим», денг. Ахир бундай бўлиши мумкинмас-ку?!

— Чиндан ҳам билмасдан айтдим, дўнги қизим. Сен гапимни бошқача тушундинг шекилли. Аданг табибдан қайтса, ўзинг ҳам сўрайсан. Фақат мендан билганингни унга айтма. Қайсарлиги тутса, сенга ҳам ҳеч нима айтмайди. Менга ишонмасанг, Жалил амакингдан сўра. У табибга аданг билан бирга кетган. Энди сен билан иккита нарсага келишиб олишимиз керак. Биринчиси, Манзура телпон қилса, унга айт, адангни кутмасдан тўйни ўtkазиб, келаверсин. Катта тўй шу ерда бўлади.

— Нега энди? — деб ажабланди Зайнаб. — Адам бормайдиларми?

— Аданг борадиган бўлса, Манзура билан бирга кетарди.

— Мени ҳам юбормоқчи эдилар.

— Сен ҳам борма.

— Нега?

— Сенинг бошқа ишларинг бор. — Кесакполвон шундай деб бир оз сукут сақлади. Зайнаб «қандай иш экан?» деб унинг оғзини пойлади.

— Сенга бу гапни ҳозир гапиришимнинг балки ўрни эмасдир. Лекин қачондир айтишим керак. Олдинроқ билиб қўйганинг яхшироқми, дейман. Сен фақат гапимни тўғри тушунгин. «Адам эрта-индин ўлиб қоллар экан», деб ваҳима қилма. Лекин аданг ҳам, мен

ҳам яна ўн йил яшаймизми, юз йилми, барибир бир куни ўтамиз. Ўрнимизга эса кимдир қолиши керак. Афсуски, менинг ўғлим ийқ. Қизимдан эса бир иш чиқмайди. Сен эса ақдлисан, адангга ўхшайсан. Акаларингдан ҳам умид ийқ. Энди улар — олим. Биздаги кооператив-мооперативларга, магазинлардан тушадиган чўталларга қарашмайди. Аданг жуда кўп иш қилган. Бизнинг шунча тўплаганимиз соврилиб кетаверадими? Соврилмаслиги учун сен адангнинг қанотига кир. Ишни ўрган, кейин секин-аста ишни ўз қўлингта ол! Шунга ҳаққинг бор! Сен чўчима. Ёнингда мен борман, Маҳмуд аканг бор.

Зайнаб бу гапларни эшитиб, ҳайратланди. Чунки Зайнаб ўзини эмас, дилидаги маъсума, пок Кумушбинони, унга кўшиб ишончини, гардсиз эътиқодини осган куни отасига «Уларни ўзимга кўйиб беринг!» дегани шунчаки алам тутуни эмас, қасос ўтининг ёна бошлагани эди. Не шодки, бу ўтни аланга олиши учун мой сепувчи одам топилди. Зайнаб неча кундан бери қасос йўлига қандай кириш, қандай жанг қилишни ўйларди. Унинг йўлидаги биринчи курбон Мардона бўлиши керак эди. Сўнг... Мардонани ишга солган одамлар...

Зайнаб мана шуларни ўйлади-да, Кесакполвон учун ҳеч кутилмагандан:

— Хўп, амаки, — деди.

Кесакполвон бу гапни эшитиб, нима дейишни билмай қолди. Чунки у Зайнабдан рад жавобини кутган, шунга яраша гап тайёрлаб қўйган эди. У бир неча нафас ҳукм сурган ҳайронлик исканжасидан қутулиб:

— Баракалла, дўнги қизим, мен сенга ишонган эдим, — деди. Сўнг кўшиб қўйди: — Кўз ёшларингни арт. Асадбекнинг қизи йиғламаслиги керак... адангнинг касалини эшитганларнинг баъзилари жанозани ўқишганга ўхшайди. Уларнинг жанозалари ўзларига буюради. Мен ўзимнинг жонимни берсам ҳам, адангни сақлаб қоламан. Жалил амакингта ҳам шунаقا деганман, сўраб кўр. — У бир оз сукут сақлади-да, кейин дадил овозда давом этди: — Билмаганлар билиб қўйиши керак: Асадбек ўлмайди! Айниқса, сен адангнинг ёнида турадиган бўлсанг сира-сира ўлмайди!

— Айттанингиз келсин, — деди Зайнаб кўз ёшларини артиб.

Айни дамда бу дунёning дастлабки сўқмоғида қоқилган, ҳали ҳаётнинг паст-баланд кўчалари, аламла-

ри, ситамларидан бехабар жувон билан ёвузлик дунёсидаги янтоқзорларни ялангоёқ кезиб катта бўлган одам ўртасида ғойибона битим тузилаётган эди. Кесакполвон дастлабки алам-ситам тузини тотиб, фарёд ураётган жувонни ўз дунёсига чорлаётган эди.

— Дўнги қизим, сени бирор ранжитса, мен борман. Сенинг кўз ёшиңг сира ҳам тўкилмаслиги керак. Мен бошингга тушган кулфатларни сал-пал биламан. Энди бунақаси бўлмайди.

Зайнаб «Ростдан биласизми? Адам айтдиларми?» дегандай ялт этиб унга қаради. Бир оз уялиб, юзи қизара бошлади. Лекин ўзини тезда қўлга олди: ийглаши мумкин бўлмаган Асадбекнинг қизи уялмаслиги ҳам шарт!

— Амаки, гапингиз рост бўлса, менга бир одамни топишга ёрдам беринг, — деди у қатъий равища.

«Жамшидни айтади шекилли? Жамшиднинг тириклигини билармикин?» — деб ўйлади Кесакполвон.

— Ёрдам берасизми? — деб қайта суради Зайнаб.

— Албатта ёрдам бераман, айт, кимни топиб берай?

— Бир хотинни.

— Хотинни? Оти нима экан?

— Мардона. Мен касалхонада ётганимда у ҳамшира эди.

— Мардона дегин?.. — Кесакполвон Филай Шомилнинг Москвага кета туриб айтган гапини эслади. Унинг нимадан хавотирда эканини энди сал тушунгандай бўлди. — Мардонани нима қиласан?

— Уни... ўлдираман! — шундай деб Зайнаб муштларини сиқди.

Кесакполвон унинг важоҳати ўзгарганини сезиб, аҳди қатъий эканини англади. Бу ҳам унинг учун муддаонинг ўзи эди.

— Мардона керак бўлса, топамиз-да, — деди Кесакполвон, сўнг ўрнидан туриб телефон гўшагини кўтарди-да, лозим рақамни терди. Аёл кишининг овозини эшигтгач: — Алло, Мардона, сенмисан? — деди. «Йўқ, мен сингиллариман», деган жавобни эшигтгач, «Опангни чақир», деди.

Буни эшигтан Зайнаб ҳанг-манг бўлиб қолди. У «Мардона аллақачон қайси бир шаҳарга қочиб кетган, уни бир ойми, бир йилми қидириш керак», деб ўйларди. Худди тушда содир бўлгандай бир дақиқада топилиб турса?.. Зайнаб шунисига тушуна олмади. Умуман ол-

ганда, у тўғри фикр юритган эди. Мардона бошқа шаҳарга жўнашни ихтиёр этганда Филай қўймали. Аввалига «Сен қўрқаёттан Асадбек бугун-эрта инига кириб кетади», деди. Кейин эса, Чувринди ихтиёрига ўтиб имкон тополмади. Шу сабабли ҳам Кесакполвондан уни эҳтиёт қилишни сўраган эди. Қўйни бўрининг кўлига топшириб кетаётганига унинг ақли етмади.

Мардона у томондан гўшакни олди шекилли, Кесакполвон Зайнабдан кўзини узмаган ҳолда гапирди:

— Алло, Мардона, ўзингмисан? Шомилбек Масковдан телпон қилмадими? Менга бир гап айтиб кетувди. Ҳа, кулогингта айтаман. Ҳозир бораман, кутиб тур.

Гўшакни жойига илиб, Зайнабга «Хўш, ана, топдим. Энди нима қиласан?» дегандай қаради. Кейин Зайнабнинг ажабланаётганини кўриб изоҳ берди:

— Ҳосилнинг Филай Шомил деган юргурдаги бўларди. Мардона ўшаники. Ҳосил отилган кун бир борган эдим.

«Ҳосил отилган кун? Ким отди?» — деб ўйлади Зайнаб, аммо саволини тилига чиқармади. Чунки у Ҳосилбойваччанинг исминигина эшигтан, ўзини эса кўрмаган эди. Отилган вақти, сабабини билиш унинг учун айтарли шарт эмасди.

— Қани, борамизми? — деди Кесакполвон.

— Билмасам... — деди Зайнаб қатъиятсизлик билан.

— Бўшашма, дадил бўл! Сен Асадбекнинг қизисан. Биринчи қадамда лалайсанг, иш пачава бўлади. Тур, кетдик!

Йўл-йўлакай Кесакполвон Зайнабга қасос олиш йўлларини ўргатди, қасос олишдан кейинги ҳузурни таърифлади.

3

Зайнабни кўргач ҳайратдан лол қотган Мардонанинг аҳволини тасвир этмоқча қалам ожиз. Ҳа, аввал ҳайратланди, сўнг бу ҳайрат ўрнини қўркув сели эгаллади. Ҳатто аъзойи-баданидан жон чиқиб кетгандай бўлди.

Ҳосилбойвачча отилган куни Филай Шомил бу ерга Кесакполвонни бошлаб келиб, туни билан майшат қилгач, эрта саҳарда Мардона ётган хонага кирган эди.

— Иш бузилди, — деган эди у афсус билан. — Шеф инига кириб кетди. Мен билан келган пакана янги шеф. Тайёрланиб тур, сени бошқа ёқса күчира-ман.

Бир неча кундан бери Шомилнинг келишини, бошқа ёқса күчиришини кутарди. Кутгани келмай, кутмагани келди. У ҳожасининг истаги билан кўп қизларни игнага ўтқазди, яъни гиёҳвандга айлантириб берди. Кўп бокира, аммо алданган ёки кўрқитилган қизларнинг номуси ҳам шу уйда булғанди, бедарак йўқолган ёш қизларнинг сўнгти излари ҳам шу уйда қолган. Бу ишлар кимгадир фожиа бўлиб туюлиши мумкин, ким учундир даҳшат, аммо Мардона учун бу оддий, эътибор беришга ҳам арзимайдиган воқеа саналарди. Эсини йигиб, ўз номуси учун курашмоқчи бўлган қизларни «Бахтинг келганда майшат қилиб олсанг-чи, қаерда бузилдинг, ким бузди, сенга барibir эмасми? Майшат қилиб, пулинни шилсанг-чи?» деб койир эди. Улар бир кунмас бир кун ёқамдан олар ёки кўкрагига ўлим фариштасининг bemexр юрагини жойлаб келар, деб ўйламаган эди.

Тўғри, Зайнаб топширилганда дастлаб чўчиdi. Иш орқага қараб кетгач эса кўрқа бошлади. Бекор қўрқмаган экан, мана, ўлим фариштасининг номи билан келиб турибди.

— Зайнаб, айб менда эмас, буюришди, — деди Мардона титроқ овозда.

— Ичкарига кир, — деб буюрди унга Кесакполвон, кейин «Дадил бўл», деган маънода Зайнабни секин туртиб кўйди.

— Ичкарига кир! — деб бақирди Зайнаб.

Бу бақириқ Мардонага «Сенга ўлим!» деган ҳукм маъносида эшитилиб, эсхонаси чиққан ҳолда тисарилди.

— Уйда ким бор? — деб сўради Кесакполвон.

— Бир қиз... сизга... Ўслим...

Кесакполвон орқада турган йигитга қаради:

— Боласи билан қизни бир хонага тиқ, — деб буюрди.

— Нима қилмоқчисизлар? — деб йиғламсиради Мардона.

— Гаплашиб оламиз. Ётоқхонангта кир!

Кўрқувдан титраб-қақшай бошлаган Мардона буйруқни бажарди. Улар олдинма-кейин ётоқقا кирдилар.

— Мана, қизим, бу ифлос сеники. Пичноқда тишиб ташлайсанми, отасанми, ўзингнинг ишинг.

— Менинг айбим йўқ, — деб чинқирди Мардона жон ҳолатда. — Менга буюришди.

— Ким буюри? — деб сўради Зайнаб. Энди у ҳам титрай бошлаган эди. Мардонани қўркув, жон аччиғи, Зайнабни эса қасос, нафрат ўти титроқда солган эди.

— Менга Шомил ака, Шомил акамга Ҳосил ака...

— Баланд дорга осиляпсан, — деди Кесакполвон. — Ҳозир Ҳосил акангни кўрасан.

— Йўқ! — деб қичқирди Мардона.

— Амаки, сиз чиқиб туринг, — деди Зайнаб.

Кесакполвон Зайнабнинг қўлига пичноқ тутқазиб чиққач, Мардона ўзини ерга ташлаб, уввос тортиб ийғлади:

— Боламга раҳмингиз келсин, Зайнаб. Тавба қилдим, кечиринг.

— Мендан олдин ҳам қилганмидинг бу ишни? — деб сўради Зайнаб.

Эшик орқасидаги Кесакполвон худди Асадбекнинг овозини эшигтгандай бўлди. Ҳарҳолда овоз Зайнабники, оҳанг эса Асадбекники эди.

— Яширмайман, бўлган бу ишлар. Мен фақат буйруқни бажарар эдим.

— Сен ўлишинг керак, — деди Зайнаб унинг кўзларига қарамасликка ҳаракат қилиб.

— Зайнаб, кечиринг...

— Қўлларингни чўз! — деб буюри Зайнаб. — Игна санчадиган қўлларингни чўз.

— Нега, Зайнаб?

— Кўрмоқчиман, менинг кўкракларимни ҳам шу қўлларингда эзгилагансан-а? Чўз деяпман, мен бир кўрай, қонлимикин бу қўллар.

— Қон йўқ, тоза, — деб қўлларини чўзди Мардона.

Шунда Зайнаб пичноқни бир силтаб унинг билагини тилиб ташлади. Мардона чинқириб юборди. Тирқираб отилган қонни кўрган Зайнаб ҳам қўрқанидан бақирди. Бу овозларни эшигтган Кесакполвон шошилиб ичкарига кирди. Зайнаб йифламсираб бошини унинг қўксига қўйди.

— Уни ўлдир, — деди Кесакполвон. — Унга қара, қўрқма, ўлдир! Агар сенинг ўрнингда у бўлса бирпасда ўлдириб қўяди. Сен уни қийнаб ўлдир!

— Йўқ, ўлдиролмайман, — деди Зайнаб йифламсираб.

— Агар ҳозир ўлдирмасанг, кейин ҳеч қачон қиломайсан бу ишни.

— Йўқ, амаки, қўлимдан келмайди...

— Унда қараб тур, — Кесакполвон шундай деб Зайнабни Мардона томон қаратди-да, унинг қўлидан пичоқни олди. Мардона ўзини ҳимоя қилишга улгуромай ҳам қолди. Кетма-кет урилган пичоқ зарбидан омонатини топширди.

Биринчи марта пичоқ урилгандаёқ Зайнаб хонани тарқ этди. Қўчага чиқиб, машинага ўтириб олди. Дирдир титрай бошлади.

Зайнаб «Асадбекнинг қизи» бўлиши ҳаргиз мумкин эмасди.

Кесакполвон билан йигит ярим соатлардан кейин чиқишиди. Йигит болачани ёстиқ билан бўғаётганида Кесакполвон дўмбоқ қизни татиб кўрди. Шу билан қутуламан, деган қиз ҳам ёстиқда бўғилди.

Машина ўрнидан жилгач, Кесакполвон керишиб қўйди-да:

— Бугун бир-ир савоб иш қилдим. Бу дунёни иккита шилтадан тозаладим, — деди.

Тасодиф шуки, Мардона пичноқланган куни Москвада Филай Шомил ҳам ўлдирилди.

XVII б о б

I

Қош қорайиб, овқат пишгач, Ҳабиб Сатторовни онасининг уйига чақирдилар. Келини келтириб кўйган мошхўрдани тез-тез хўриллатиб ичиши Рисолат кампирга ёқмади.

— Мунча ҳовлиқиб ичсан, уйингга шошяпсанми? — деди у, кейин бир пичинг билан ўелини «узиб» олмоқчи бўлди: — Ойтовоқ хотининг «тез келинг» деганмиди?

Уз хаёлларига банди бўлган Ҳабибга бу пичинг таъсир этмади, оддий савол ўрнида қабул этиб, осойишталик билан жавоб қайтарди:

— Шошаётганим йўқ, ойи, мошхўрда қайноқ экан. Бугун кетмайман, қоламан.

— Мошхўрдани сал совугандан кейин ичса, мазали бўлади, ҳовлиқма. Хотининг нимага келмади?

— Ҳайронман, келмоқчи эди. Келиб қолар.

— Келиб бўпти. Қайниси ўлиб кўк ҳам киймади. Бегонага ўхшаб келиб-кетиб юрди.

— Ойи, қўйинг эски гапларни, энди аҳил яшашимиз керак. Мен яқинда яна Москвага кетаман. Энди кўпроққа кетаман. Ўша ерда ишлайман.

— Шошилма, аввал мен ўлай, кейин қаёқча борсанг бор.

— Ойи, бормасам бўлмайди, унаقا деманг. Келинингиз қолади.

— Уни қара-я! Ўша ойтовофинг менга қарапканми? Жағимни боғларканми? Кетавер, ўлигим кўчада қолмас, мен ўлсам шу Хонзода қизим кўмади.

Хонзода она-бала орасида гап қочаётганини билиб, чойни янгилаб келиш баҳонасида ташқарига чиқди.

— Сен бола, илмдан бошқа нарсани ўйламайсан ҳеч? — деб аччиқланди кампир. — Хонзода энди менга ким? Ҳеч ким! Барака топсин, қараб турибди. Эртаиндин бирор оғиз солса, эрга тегади-кетади. Еш жувон кўчада қолмайди. Сен кўрқма, мен узоқ яшамайман. Ҳар куни уканг тушимга кириб чақиряпти...

— Ойи, қўйинг, — деди Ҳабиб, косани нари суриб.

— Жаҳл қилмай, овқатингни ич. Пешонам асли шўр экан. Анварим тирноққа зор ўтди. Сенга яхши хотин учрамади. Жим бўл, ёнини олма.

— Енини олаётганим йўқ. Ҳўп ойи, сиз нима десангиз шу. Эрталаб сизни уйимга олиб кетаман.

— Бекор айтибсан. Бу уйда аввал аданд раҳматликинг руҳи кезиб юради. Энди у Анварим билалашди.

Ҳабиб Сатторов шу зайлдаги дам жаҳл аралаш, дам аламли, дам ҳасратли гапларга қўшиб овқатини ичди. Яна бир оз гаплашиб ўтиргач, Рисолат кампир:

— Қоладиган бўлсангт, укангнинг уйига чиқ. Хонзодам менинг ёнимда ётади, — деди.

Ҳабибнинг нияти ҳам шу эди. Онасини икки ёногидан ўпиб, ташқарига чиқди.

Ҳовлида бир оз турди.

Ҳаво худди туголмай қийналәётган хотинга ўхшайди. Ёғса ёға қолмайди, очилса очила қолмайди. Тунд бўлиб киши юрагини сиқади. Ҳабиб Сатторов юрти қўёшини соғиниб келган эди, аксига олиб ҳаво ҳам уни тундлик билан қаршилади. Англиянинг тумани, Москванинг рутубатидан безган эди. Ҳеч чекмайдиган одамнинг бирдан чеккиси келди. Ҳаёлини чалғитиш учун атрофига қаради. Ҳаммаёқ ютаман деб

турибди. Анвардан сўнг ҳовли ҳам хувиллаб қолгандай эди. Ҳовлидаги бирон дарахтнинг шохлари кесилса ҳам ўрни сезилиб турганда, бутун бошли бир одамнинг йўқлиги билинмайдими?

Ҳабиб Сатторов бир неча дақиқа мақсадсиз, маънисиз тургач, оғир қадамлар билан бир-бир босиб Анварнинг уйи томон юрди.

Уша етим уй, ўша бир оёги каноп билан боғланган етим стол, етим қалам, дафтарлар...

Беихтиёр дафтарлардан бирини олиб вараклади.

«...Во ажаб! Одамнинг заҳари илонникидан кучли эканини билмабман. Бугун ноолим, ноакадемик Холидий деган абллаҳ устоз Ҳикмат Ўролов номини булғаш учун бир арава ахлат ағдарди. Мақоласи билан газетани ҳам ҳаром қилди. Кузгун бургутни ахлат титишда айблади. Устознинг уйларига бориб зўр бир ривоят эшигдим. Бир куни буни шеър қилишим керак. Мана у:

«Луқмони ҳаким йўлда бораётсалар бир уйдан нола эшитилибди. Кирсалар хаста одам оғриқларга чидаёлмай дод дер эмиш. Табиблар келиб, уни бутун-эрта ўлади, дейишибди экан. Луқмони ҳаким хастанинг билак томирини ушлаб кўриб дебдиларки: «Дардингизга даво бор. Илон заҳри сизга шифо бергай». Хаста дебдики: «Илон заҳрини мен қайдан топай? Бир бедаво бўлсан... Ё мени шу аҳволда ташлаб кетаверасизми? Оллоҳ менинг зоримни эшитиб, Луқмони ҳакимга рӯбарў қилганида эди, у зот мени ташламас эдилар». Луқмони ҳаким бу нолани тинглаб айтибдиларки: — «Зинҳор ташламасман». Хуллас, ҳазрат Луқмони ҳаким илонзорга бориб бир ёшроқ илонни бўғзидан бўғиб турибдилар. Шунда илон иттифоқо тилга кирибди ва дебдики: «Эй инсон фарзанди, сен нечун мени бўғаётисран? Оллоҳнинг менга берган жабрлари камми эди?» «Оллоҳ сенга қандай жабрлар қилди?» деб сўрабдилар Луқмони ҳаким. «Мени кўримсиз қилиб яратди, одамлар кўрсалар мендан қочадилар. Мени ертубан қилиб кўйди, судралиб юришга маҳкум этди. Энди сен мени бўғиб, жонимни оларсанми?» Луқмони ҳаким дебдилар: «Шундай қилмасам бир одам ҳаётдан кўз юмар». Илон дебди: «Ажаб! У одамни сақлаб қолмоқ учун мени ўлдирасанми? Ахир у ҳам Оллоҳнинг бир маҳлуқи, мен ҳам. Бир жонни сақлаб қолмоқ учун иккинчисини маҳв этмоқ шартми? Эй инсон боласи, сен айт: мен бирорни чақсам, менинг заҳримни даф эта оласанми?» Луқмони ҳаким айтибдилар: «Ҳа, даф

эта оламан». Илон дебди: «Унда менинг заҳрим кучли эмас экан. Дунёда шундай заҳар борки, сен уни зинхор даф эта олмассан!» «Қандай заҳар? Қора қуртникими?» — дебдилар Луқмони ҳаким. «Э, йўқ, — дебди илон. — Дунёда энг кучли заҳар — одамнинг заҳри. Бунга даво йўқтур. Одам одамни чақса, албатта, ўлим ҳақдир! Оллоҳ биз — илонларни тубан қилиб яратди. Аммо биз бир-биirimизни чақмаймиз. Сиз — одам болаларини юқори қилиб яратди, сиз бир-биiringизни чақиб ўлдирасиз. Сен жонини сақлаб қолмоқчи бўлган хастага менинг заҳрим даво эмас, янгишма. Уни ўз дўсти чаққан. Унинг заҳрига даво топа олмассан. Бунга ҳатто Луқмони ҳаким ҳам даво топмагай. Кўй, у ўлаверсин, азобларидан қутула қолсин...»

Холидий қанча одамни чақди? Яна қанчасини чақади? Унинг шогирлари-чи? Бургут полапонини баланд қоялардан ташлаб, мағрур парвоз қилишини ўргатар экан. Кузғун эса боласига ахлат титишни ўргатади. Холидий қузғуннинг институтдаги шогирди — болалиридан нимани кутиш мумкин? Мен улар билан олишайми? Сўнг... мендан ҳам ахлат ҳиди келиб турса...»

Ҳабиб Сатторов бу сатрларни ўқиб, ўйланиб қолди: «Калласи жойида эди, балога ақли етарди. Бу дунёга нима учун сифмай қолди, ҳайронман. Улар ахлат титса титаверсин, сен титма. Баланд учавер. Мана Соҳиб Пўлатов ҳам шунақа хилидан. Мен у билан олишиб вақтимни зое ўтказишим керакми? Мени ишдан бўшатиши — чаққаними? Тупураман мен унинг ўзига ҳам, чақишига ҳам. Англиядаги китобим чиқса ўлади куйиб, тўлғониб, ўзини ўзи чақиб ўлади...»

Дафтардаги сўнгги ёзув шу эди. «Улемидан аввал ёзган шекили», Ҳабиб Сатторов шундай деб ўйлаб олдинги ёзувларга кўз ташлади. Арабий ёзуви бир неча саҳифанинг ҳошиясига битилган шеърий сатрлар дикқатини тортди:

«Менда ажиб ҳолдир азизим,
Тилим забун, лолдир, азизим...»

«Ассалом, ҳар дилдан қувфинди андуҳ!
Ассалом, ҳеч кимса сўймас изтироб!
Кўникиб кетмиш-а сенга бу тан, рух,
Ўқиши бисёр бўлди сени бобма-боб...»¹

Гулчехра Нур шеърларидан.

Ҳабиб Сатторов шеърнинг руҳини англамади. «Шеър ёзиб бошини қотирмаганида аллақачон диссертация ёқлаб, олим бўлиб кетарди», деб ўйлади-да, дафтарни яна вараклади:

«Ҳурлик ниманинг эвазига берилди? Қонлар эвазигами? Жонлар эвазигами? Жон беришга тайёр азаматлар борми бу улуғ Туркистонда? Хумоюн Мирзо хасталигида табиб Бобур Мирзога «Энг қадрли нарсангизни атанг», деганда шоҳ Бобур «Энг қадрли нарса — жоним, жонимни берайин», деган экан. Хаста она Туркистонга ким жонини фидо қиласи? Ўлимдан қўрқмас, ботир ўғлонлар наҳот бутунлай қирилиб битган? Бу қандай ҳаёт ўзи? Кун бор — қуёш йўқ, осмон бор — юлдузлар йўқ. Ватан бор — ватанпарвар йўқ. Бешикдан тобутга етгунича ҳамма пионер — кашибоф. Ўрусиya нима деса, «Доим тайёр!» деб турамиз. Ватан арzonга сотилди, сотиляпти... жуда арzon...

Аммо... бу узоқ давом этмайди. Ботир ўғлонларнинг руҳи қайтади ота юрга! Қадимгидай зўр давлат бир кун бўлажак! Ана ўшанда келажакдаги ботирлар биз — хоинларни лаънатлайдилар. Бизнинг руҳларимиз уларнинг лаънат тошлари остида эзилади. Шундай бўлиши керак! Биз шунга лойиқмиз! Бундан батарига-да лойиқмиз! Алихонтўра Соғуний домла айтган эканлар:

«Агар ўзбеклар ошнинг атрофига бирлашгандай бирлашганларида эди, аллақачон эркка эришган бўлар эдилар».

Мен бу ақли сатрларга озгина таҳрир киритмоқча жазм этаман:

«Агар ўзбеклар тўпланиб, тўй-маърака ошига ошиққанлари каби имонга ошиққанларида эди, мустақилликка шубҳасиз эришардилар.

Улуғ Туркистонни фақат имон бирлаштиради.

Вақт бўлдики, Туркистон имондан узокдашди. Оқибатда мустаҳкам бир давлатнинг ярмини Ўрусиya, ярмини Хитой эгаллаб олди. Ҳозирги ҳар икки давлатнинг қизил байроқлари мусулмонларнинг қони или қизармишdir.

Оталарининг хато-камчиликларини такрорлаган авлод — нодондир.

Имонга қайтинглар дейилса, айримлар Ўрта асрга қайтамизми, дейди. Қани эди, ўша асрларга қайтилса-ю, хоразмийлар, берунийлар, темурлар етишиб чиқса. Ўрта аср мусулмончилиги дунёни нурафшон

этди, ақл билан бойитди. Агар Беруний ернинг дума-лоқлигини кашф этмаса, Европа бунинг уддасидан чиқа олармиди?..

Ўз тарихини бузувчи кимдир? У ўз ота-онасини ўлдириб, пишириб еган фарзанд кабидир... Бундайлар қаро ер бағрига қайси юз билан борарлар?...»

Бу фикрларни ўқий туриб, Ҳабиб Сатторовнинг юраги ҳаприқиб кетди. У укасининг қалбida шунчалар дард борлигини билмас эди. Била олмас ҳам эди, чунки у бундай туйғулардан анча узоқ эди. Унинг логарифмлар билан тұла миясида бундай фикрларга ўрин йўқ эди.

«Савол:

— Дунёда барча нарсадан ғолиб нима?

Жавоб:

— Ақл.

Савол:

— Бир нарса борки келади-кетади, аммо кўриб бўлмас, ушлаб бўлмас, бироқ келиб-кетганини билиб турамиз, бу надир?

Жавоб:

— Бу — замондир!

Ҳа, замон! Конли замон, қотил замон! Ўзбекнинг содда йигитлари ҳарбийга олиниб, темир тобутларда тантана ила қайтариляпти. Ақл эса жим... Аффондан келган тобутлар кўп. Мусулмон йигитта курол бериб мусулмонларга қарши урушга ташларлар. «Доим тайёр!» Энди эса уриб ўлдирилган йигитларнинг мурдалари кела бошлади.

«Нима қилиб кўйдим мен, эвоҳ...

Ахир баҳтга бердим-ку озор...

Кўзларимдан сачрайди минг оҳ,

Вужудимга кўчади мозор...»

Ўз фарзандларининг шафқатсизларча ўлдирилишига бефарқ қаровчи халқ қандай халқ экан!!!

Хурлик ва хўрлик... Ёзилишда фарқ биргина ҳарфда. Бу фарқни йўқотиш учун нелар керак экан?..

Хаста руҳни ўлдириш мумкинми? Билмайман. Ҳарҳолда шунга ҳаракат бор. Эски шаҳардаги тарихий жойларнинг бузилишидан мақсад шу бўлиши керак. Босқинчи Ўрусия аскарларига қарши партизанлик уруши олиб борган азamatларнинг маркази бўлган жой бузилиб, ўрнига баҳайбат меҳмонхона

курилиб, унга «Москва» деб ном берилди. Бу ерларда қанча мусулмонларнинг қони тўкилган эди. Нима, бу тасодифми? Мозорлар устидан йўл солиш, мозорлар ўрнига кинотеатрлар қуриш ҳам тасодифми? Еки меъморнинг калтабинлигими? Йўқ, бунинг замирида кучли сиёсат бор... Хаста руҳни ўлдириш сиёсати...

Биз шаҳидлар руҳини оёқ ости қиляпмиз...»

Шу ерда яна арабча ҳарфларни ўқий олмай, пастки сатрларга кўз югуртириди:

«Бу — «Оли Имрон» сурасидан. Собитхон айтиб эди, мен ёзib олдим. Шаҳарни Ўрусия аскарларидан ҳимоя этиб шаҳид кетганлар руҳига мос туюлди менга. Маъноси «Аллоҳнинг йўлида қатл бўлганларни ўликлар деб ҳисобламанглар. Балки улар тирик. Лекин сизлар сезмайсизлар...» Чиндан ҳам улар тириклар. Биз эса буни сезмаймиз. Шу даражада бефаҳм авлодмиз.

Шаҳидлар: «Парвардигор йўлида шаҳид бўлиб, сўнг тирилсан, яна шаҳид бўлиб, яна тирилсан, сўнг яна шаҳид бўлсан», деб орзу қилар эканлар.

Бизнинг орзуимиз нима? Қорин тўқлиги. Тинчлик... Тинчликни нотўғри тушунамиз. Озод, ҳур, эркин юрга тинчлик керак. Истибдоддаги мамлакаттаги?.. Жиҳод, жиҳод керак. Қайси бир китоб қаҳрамони «Озодлик ёки ўлим!» деган экан. «Ҳуррият ёки ўлим!» дейдиган замонлар келарми?..»

Бу фикрлар Ҳабиб Сатторовга оғир туюлиб, ҳазм қила олмади. Дафтарни ёпди. Ҳовлига чиқиб бир айланни келди. Онасининг уйида чироқ ўчибди. Азадор хонадонда радио-телевизор қўйилмагани учун барвақт ётишган эди. Ҳабиб Сатторов ҳам чарчаганини ҳис қилди. Уйга кириб ётди. Уйку босиб келса-да, ухлай олмади. Кўзи илинди дегунча юраги ҳаприқиб уйғониб кетаверди. Ўрнидан туриб ўтириди, яна ётди. Бўлмади. Яна турди. Мехмонхонага чиқиб оёғи чўлоқ столга яқинлашди.

Шунда...

Шунда дераза ёришиб, нур оқиб кирди. Қулоғи шанғиллади. Сўнг майин овоз эшишилди:

— Бизни кутмаганмидинг?

Ҳабиб Сатторов юрагига қўрқув оралаб, атрофига олазарак боқди.

— Сен бизни кўра олмайсан.

— Кимсиз? — деб беихтиёр пицирлади Ҳабиб Сатторов.

- Курқма, биз сенга фақат яхшилик истаймиз.
 - Кимсиз? — деб пичирлади яна Ҳабиб Сатторов.
 - Биз бошқа сайёраданмиз.
 - Қайси сайёрадан?
 - Сизлар Чаён юлдузлар түркүми, деб атайсизлар.
- Биз эса Зурру деймиз. Зурру — нур ўлкаси дегани...
- Бўлиши мумкин эмас.
 - Мумкин. Деразага қара!

Ҳабиб Сатторов деразадан оқиб кираётган нурга қараб укасини кўрди. Жинниҳонадаги сўнгти тунни бедор ўтказаётган Анвар чойшабни олиб йиртди-да, арқон қилиб эшди. Сўнг эшик томон юрди. Остонага етганида изига қайтди. Қофоз-қалам олиб ёзди.

Шу онда Ҳабиб Сатторов яна ўша овозни эшилди.

— Нима ёзганига қизиқяпсанми?

— Ҳа.

— Үқиб берамиз:

*«Бошгинамга ағанаган катта тоғлар, алвидо!
Мен кетарман ҳасратланиб, руҳи соғлар, алвидо!
Бу дунёнинг шўришига навшихоллар тебранинг,
Эслироқ боғбони йўқ, қолди боғлар, алвидо!»*

А с қ а р Қ о с и м».

Овоз тинди. Анварнинг ҳаракати эса давом этди. Бўйнига сиртмоқ солаётганда Ҳабиб Сатторовнинг лаблари титради. Осилганича типирчилаётган укасини кўргач, «Анвар!» деб додлаб юборди. Кафтлари билан юзини тўсиб хўнграб-хўнграб йифлади. Куни билан келмаган йиғи энди селдай босди. Йифлаб-йифлаб кафтларини юзидан олиб, яна деразага қаради. Нур йўқолмабди.

- Нима истайсизлар мендан? — деб пичирлади у.
- Уканг билан гаплашишни хоҳлайсанми?

Сукут ризолик аломати сифатида қабул этилиб, ҳозиргина типирчилаётган укаси ўрнида, оппоқ либос кийиб олган, акасига кулимсираб қараётган Анвар кўринди.

- Ака, яхши келдингизми? — деб сўради у.
- Анвар, жон укам, нега ундай қилдинг? Ҳеч бўлмаса ойимларни ўйлашинг керак эди.
- Ойимни кутяпмиз.
- Ундай дема.

- Сиз ҳам келасиз.
— Бекор гап!
— Ишдан ҳайдашибди-ку?
— Ишдан ҳайдашса нима қилибди. Калламдан илмни сууриб олишолмайди-ку?
— Ака, келинг, бу ер яхши...
— Бекор гапларни гапирма...
Анвар чекиниб, таниш овоз эшитилди:
— Уканг түгри айтади. Биз сени зўрламаймиз.
Ўзинг руҳан тайёрланиб келасан.
— Йўқ! Йўқ! — Ҳабиб Сатторов шундай деб яна кафтларини юзига босди. Бир неча нафас шундай тургач, кўзларини очди: нур йўқолибди. Ҳаммаёқни сукунат босган. Узи терга ботган, лаблари титради. У бир оз гангид турди-да, шошилиб уйдан чиқди.
Тунни ҳовлида бедор ўтказди. Совқотиб кетса ҳам уйга қайтиб кирмади.
Келини тонгда туриб ювингач, уни саволга тутди. Хонзода Анварнинг дераза олдида қотиб туришини айтгач, ҳайратланди.
«Бу не сир-синоат бўлди?» деб боши қотди.

2

- Ҳабиб Сатторовнинг бир кечада кўзлари киртайганини кўрган хотини безовталаниб:
- Ҳа, адаси, тинчликми? — деб сўради.
— Тинчлик, — деди Ҳабиб Сатторов тўнғиллаб, — нега бормадинг?
— Қизингиз ўқишдан иситмалаб келди...
— Қизим ёш гўдак эмас-ку, дори-пори бериб, бориб келсанг бўларди. Сен туфайли мен эзилишим керак. Анварни нимага айтмадинг?
— Ишга бораман, деб турувдингиз, ортиқча ҳаяжонланманг, девдим.
— Ҳе, сендақа меҳрибонни... — Ҳабиб Сатторов анчадан бери қилмаган ишини қилди: хотинини бўралаб сўкди. Хотини бундан ранжиб, бир кўтарилимоқчи бўлди-ю, эрининг феъли бошқачалигини фаҳмлаб, ўзини тийди.

Ҳабиб Сатторов тунги воқеа нима эканига жавоб топа олмади. У қўшниси, физика билан шуғулланувчи олим дўсти Умар Баҳтиёровга учрашишни хаёл қилиб, аzonлаб келган эди. Умар Баҳтиёров биокувват, парapsихология ҳақида унга баъзан гапириб қоларди. Бу

маърузалар Ҳабибга ёқмасди. Ҳар икки тушунчани ҳам файрифанд деб ҳисобларди. Бир куни шундай деганда Умар Баҳтиёров пичинг билан:

— Худди совет олимларига ўхшайсиз, — деган эди.

— Совет олими бўлмай кимман? — деб ажабланган эди Ҳабиб Сатторов бу кинояни англамай.

— Парапсихологияни фақат совет олимлари инкор этишади. Бу фанни бутун дунё ўрганади, — деб куюниб изоҳ берган эди у.

Тунги воқеадан сўнг Ҳабиб Сатторов биринчи бўлиб шу кўшнисини эслади. Баҳтига Умар Баҳтиёров уйда экан. Соchlари умуман тўқилиб битган, Ҳабиб Сатторовдан бир ёш кичик бу олимнинг ҳаракати серфайрат, гапириши ҳам шунга яраша эди. У тез гапирганидан айрим фикрларини уқиб олиш қийин бўларди.

— Бир маслаҳатли иш чиқди, — деди Ҳабиб Сатторов, — фақат шартим бор: секин, шошилмасдан гапирасиз.

— Албатта-албатта, — деди Умар шартга кўниб.

Ҳабиб Сатторов тунги воқеани умумий тарзда айтиб бергач, у голиб одам кулгуси билан кулди-да:

— Худодан қайтиби, — деди.

— Нимага унақа дейсиз?

— Сиз бир пайтлар менинг гапларимни файрифандер эдингиз. Исботига ўзингиз учрабсиз.

— Менга гина қилманг, менга тушунтиринг, — деди Ҳабиб Сатторов бир оз асабийлашиб.

— Бу биоэнергетик чакраларнинг иши, — деб оҳиста гап бошлади Умар. — Яъни — биоэнергетик марказ десак ҳам бўлади. Одамлардаги биоқувват ҳам электр қувватига ўхшаб «манфий» ва «мусбат» бўлади. Икки одам биоэнергетик майдон ҳосил қиласди. Яъни бир одам иккинчи одамга аура орқали, яъни нурланиш орқали таъсир қиласди. Одамда нечта кўз бор? — Умар Баҳтиёров шу саволни бериб муғобирларча кулимсиради.

— Сизда балки ўнтадир. Аммо менда иккита, — деб жавоб берди Ҳабиб Сатторов.

— Ўнта эмас, учта. Учинчи кўз — гипофиз. Гипофиз ана ўша аураларни қабул этади. Укангизни ҳам, сизни ҳам бегона энергоинформацион майдонлар безовта қилган.

— Улар бошқа сайёраданмиз, дейишди?

— Бўлиши мумкин. Бошқа сайёрада бионурланиш марказлари кучлидир балки?

— Хўп, энди нима қилиш керак?

— Электромагнит экран билан шу майдонни бузиш керак. Мен шундай экран ихтиро қилганиман. Лекин уни бирор тан олмаяпти. Агар истасангиз синааб курайллик. Укангизникига ўрнатиб, нур пайдо бўлишини кутамиз.

Ҳабиб Сатторовга бу таклиф хаёлпараст талаба болаларнинг гапидай туюлди. «Ўйлаб кўрамиз», деб чиқиб кетди.

Шу гапдан кейин Умар Бахтиёров уни ҳоли-жонига кўймади. Охири Ҳабиб Сатторов кўнди. Ихтиро этилган электромагнит экранни олиб боришиди. Ўша дераза токчасига ўрнатиб кутишиди. Нурнинг пайдо бўлишини кута-кута иккови ҳам ухлаб қолишиди.

Эрталаб туриб қарашса, экран пачоқланиб ётибди...

XVIII боb

I

Чувриндини кузатиб чиқсан йигит унинг қўлига чиройли қогозга ўралиб, чиройли тасма билан боғланган кутини берди.

— Бу Хонгирейнинг Асадбекка совфаси. Шахсан ўз қўлига топширасан. Бу Хонгирей билан Асадбекни бир-бирига боғлади. Уни қўлингда кўтариб кет, синади, — деб огоҳлантириди.

Чувринди назорат бўлими орқали кутиш хонасига утганида Жамшидни кўрди. У Жамшид билан бирга кетишини билмаса-да, яқин кунларда кўражагини тахмин қилиб эди. Жамшид эса Чувриндининг Москвада эканидан бутунлай бехабар бўлгани сабабли бу кутилмаган учрашувдан дастлаб довдиради. Бир неча ой кўришмаган қадрдонлар оддийгина қўл беришиб омонлашидилар. Одамлар куршовида ортиқча гапглаша ҳам олмадилар. Чувринди Жамшиднинг кўзларидағи савол учкунларига жавобан:

— Ҳаммаси яхши бўлади, — деб елкасига оҳиста уриб қўйди.

Шундай дейишга дегани билан «Ҳаммаси қанақасига яхши бўлишини» ўзи ҳам билмасди. Масала у кутган даражадан ҳам баттар чигаллашиб кетдики, оқибатда Хонгирейнинг усталигига тан бермай иложи

қолмади. Айниңса, Жамшидни ўзи билан олиб кетиши... Хонгирей «Жамшидни бирга олиб кетасан», деганида «бу шунчаки тайинсиз гапдир», деб ўйлаб эди. Энди билса, бу ҳам Хонгирейнинг усталигидан экан. Яқиндагина «ўлди» деб ўйлон қилиниб, мурдасини ўз уйдан чиқарган одамни энди ўзи тириклайн бошлаб боради...

Шаҳарга етиб, хайрлашар маҳалида Чувринди унга:

— Уйингдан чиқмай ўтира тур. Бир-икки кун сабр қил, — деб тайинлади.

Зелихон билан учрашувдан сўнг хаёлнинг минг турли кўчаларига кириб, валинеъматларидан кўнгли қолаётган, ҳатто Хонгирей хизматига ўтганидан қувона бошлаган Жамшид меҳрибонлик билан айтилган бу гапни эшишиб, итоаткорлик билан «Хўп», деди.

Чувринди тўғри Асадбекнинг уйига борди. Ҳожасининг табибга кетганини эшишиб қўлидаги қутини йигитларга берди-да: «Бек аканг келгунларича эҳтиёт қилларинг», деди.

Эртасига болохонадаги йигитлар Чувриндиникига телефон қилиб, қутидан ҳаддан ташқари сассиқ ҳид чиқаётганини маълум қилишди. Юраги ноҳуш бир нарсани сезган Чувринди дарров етиб келди. Куди болохона айвонига чиқариб қўйилган, ундан тараляётган бадбўй кўчадан кирган одам димоғига уриларди.

Чувринди ҳиддан бурнини жийириб, йигитларга «Олиб тушларинг», деб шийпон томонга юрди.

Кутини олиб тушган йигит уни чаққонлик билан очди. Очди-ю, қўлларига қалтироқ кирди. Чувринди ҳам ҳайратдан донг қотди: қутида Филай Шомилнинг калласи турарди... Шомил калласи узилаётганини се-зишга ҳам улгурмаганми, кўзлари очиқ қолган, худди «Дунёнинг охир-оқибати шуми?» дегандай бир қўзи чапга, иккинчиси ўнгта қараб саволига жавоб излагандай бўларди.

2

Абдураҳмон табиб хайрлашиш маҳалида Асадбекка «Хастаман, деб ғам чекманг. Хасталик — баҳтсизлик эмас, баҳтсизлик — бу дунё бойлигига муҳаббат қўйишдир», деди. Мана шу гапнинг мазмунини чақиши учун Асадбек кўп ўйланди-да «устма-уст бостириб келётган баҳтсизликларим шундан экан-да», деган хуносага келди.

Хайрлашишларидан олдин табиб Мұхиддин отага қараб туриб бир ривоят айтди:

«Әмишки, Чумоли яшайдиган жой емишга бой экан. У яхши еб-ичиб, обдон семирди. Сүнг... бир куни қараб, осмондаги қушларни күрди. Күрди-да... улар каби учмоқни истади. Қанот чиқармоқни умид қылди. Кутылмаганда умиди ижобат бўлди — қанот чиқарди-ю, учди. Аммо семизлиги туфайли баланд учолмади. Ердан бир озгина кўтарилиди, холос. Шунда парвоз этмоқни истаган семиз чумолини қушлар кўрдилар. Оқибат шуки, у қушларга ем бўлди...»

Асадбек бу ривоятни ҳам кўп ўйлади. Ўзини чумоли ўрнига ҳам, қушлар ўрнига ҳам қўйиб кўрди. Аммо бирон холосага келолмади.

Асадбек уйига қайтганидан кейин ҳам табибникида ўтган кунларини кўп эслади. Айниқса, Дев аканинг ҳолати бир неча марта тушига кирди.

...Улар чой ичиб ўтиришганда табиб кириб, узрли оҳангда Дев aka хасталанганини, уни бориб кўриши лозимлигини айтди. Мұхиддин ота одамгарчиллик юзасидан «Биз ҳам борайлик, беморни йўқлаш савоб», дегач, табибга эргашдилар.

Қишлоқ чеккасидаги сомонсувоқ кичкина уйча. Абдураҳмон табибнинг сайти-ҳаракати билан қурилган бу уй — Дев аканинг бошпанаси. Ичкарида тахмон. Сандиқ. Кўрпа-кўрпачалар. Лекин Дев aka эски палос устида, бошига гувала қўйиб ётибди.

— Бу кишининг одатлари шу, — деб изоҳ берди, Абдураҳмон табиб. — Кўрпа-ёстиқда ётмайдилар. Қишин-ёзин шу аҳвол.

— У дунёда барчамиз шу ҳолда ётамиз, — деди Мұхиддин ота.

— Муту қабла ан тамуту, — деб қўйди табиб.

Беҳол ётган Дев aka бошини сал кўтариб, табиб билан Мұхиддин отага миллион сўмдан вайда қылди. Бу сафар ҳам Асадбекка «ҳеч нарса тегмади».

— Мен мих тополмадим, сен топдингми? — деб сўради Дев aka табибдан.

— Топдим, — деди табиб унинг билак томирини ушлаб.

— Яхши! — деб жилмайди Дев aka. — Яхши, энди юртимизга қайтамиз. Сарой соламиз. Ҳамма озод бўлади!

— Ҳа... озодликка оз қолибди... — деди Абдураҳ-

мон табиб bemornинг кўлини оҳиста равишда шолча устига қўйиб.

Унинг нима демоқчи эканини Муҳиддин ота англарида, Дев акага ачиниш билан қараб қўйди.

Улар кетмасларидан аввал ҳам табиб ундан хабар олган эди. Муҳиддин отанинг «Қалай, тузукмилар?» деган саволига бош чайқаб қўйиб, «Шифо Оллоҳдан» деган эди.

Асадбек уйига келгандан бери ўзига «милион сўм бергиси келмаган бу фалати одам тирикми ё бандаликни бажо келтиридими?» деб ўйлади. Кейин ўзининг ташвишлари билан бўлиб бошига гувала қўйиб ётувчи бу одамни унута бошлади.

У шифо топаётганидан кувониб, уйга қайтганда бирон яхши хабардан умидвор эди. Аммо... шодликни оширгувчи хабар бўлмади.

Чувринди ҳам, Кесакполвон ҳам унинг қайтишини ўзларига хос интизорлик, сабрсизлик билан кутар эдилар. Тила тангани олиб келгач, уйига қайтган Жалил ҳам хавотир, ҳам умид билан кутарди. Кесакполвон уникига икки марта келиб, «Яна бориб, хабар олиб келинг» деб тиқилинч қилди. Жалил биринчи сафар «Табибнинг ғашини келтириб қўйсам, «Кўтар аравангни!» деб ҳайдаб юборади» деган мулоҳазасини айтиб, уни тинчитди. Иккинчи сафар келганда «Мен сенинг югурдагингманми!» деб бобиллаб берди.

Асадбек шаҳарга етиб келишлари билан, ҳайдовчига «Жалил акангникига ҳайда», деб буюрди-да, Муҳиддин отага қараб: «Хавотир олиб ўтиргандир», деди.

Жалил уйда йўқ эди. Шу учун келинга «Ўртоғимга салом айтинг», дегач, уйига қараб юрдилар.

Кесакполвоннинг уйида сиқилиб кетган, айниқса Мардонадан ўч олиш мақсадида қаттиқ қўрқсан Зайнабнинг касали қўзиб, анча қийналди. Шунинг учун Чувринди қайтган куниёқ унга телефон қилиб, отасининг уйига келди. Ёш жувон ёлғиз ўзи турмасин, деб Чувринди хотинини ҳам шу ерга олиб келган, буни эшишиб Кесакполвоннинг фифони ошган эди. Унинг фикрича, Чувринди Асадбекнинг хона-донига тўла хукмронлик ўрнатишга эришган эди.

Чувринди хотинига айрим ишларни тайинлаб кетаётганда ҳовлига Асадбек кириб келди. Ҳожасининг анча дадил кириб келаётганини кўрган Чувриндининг зулумот бағрига чироқ ёқилгандай бўлди. Асадбек билан кучоқлашиб кўришиб, «Худога шукр» деб қўйди.

Кесакполвоннинг ваҳимали тарзда тушунтиришидан сўнг хавотир оташида қоврилаётган Зайнаб ҳам отасининг кўринишидан мамнун бўлди.

Зайнабнинг аҳволидан бехабар Асадбек ундан «Нима учун бу ердасан?» деб сўрамади. Қизининг келибкетиб юришига кўнишиб қолгани учун «Эринг тузуми?» деб қўя қолди.

Муҳиддин ота борлиги учун бу кеч ишдан гаплашишмади. Меҳмоннинг истаги билан уни эртасига Красноярга узатдилар. Шундан сўнг учковлари шаҳар марказидаги уч қаватли бино ертёласида тўпландилар.

Анчадан бери улар бу ҳолда жам бўлиб ўтирумаган эдилар. Хорижга бориб келган Ташқи ишлар вазири жумхурраис ва бош вазирга ҳисоб бергани каби Чувринди ҳам ҳожаларини сафари оқибати билан таништириди. У бу ҳисоботга астойдил тайёрланган эди. Чунки Ҳонгирей айтган гапларни, унинг мақсадини айтимоқ зинҳор мумкин эмас. У гапларини тамом қилиши билан Кесакполвон:

— Филай қани? — деб сўради.

Бу савонни у Чувринди келган куниёқ сўраган, «Ҳонгирей ёнида қолди», деган жавобни эшитган эди. Жавобга қониқмагани учун ҳожаси ёнида яна сўради.

— Филайни Ҳонгирей олиб қолди. Гаровга турсин дейди. Лекин унинг ўрнига... — Қолган гапини айтишга қийналди.

— Чайналма, гапир гапингни, — деб жеркиди Кесакполвон. У Филайнинг Ҳонгирей ёнида қолганига ишонмади. Филай ким бўлибдики, Ҳонгирей уни гаровга олиб қолса. «Филайни яширган, ўзига керак вақтида ишга солади», деган фикри қатъйлашди.

— Бек ака, биз бир айб иш қўлганимиз. Сўксангиз ҳам, урсангиз ҳам ҳаққингиз бор.

— «Биз» деганинг ким? — деди Кесакполвон.

— Сиз билан мен...

— Ие, сен билан шерикликда нима ёмон иш қилибман?

— Жамшидни айтаман...

— Жамшид? — деб ажабланди Асадбек. Кейин у ҳам жеркиб берди. — Гапирсанг-чи, бунча чайналасан!

— Гап шуки, ўшанда Жамшидни ўлдирмаган эдик. Яхши йигит, садоқатли йигит. Жаҳл устида айтвордингизми девдик. Уни Сочига юбориб, ўликхонадан бир мурда топиб ёқувдик.

— Бунақа хунарларинг ҳам борми? — деди Асадбек.

Унинг овозида қаҳр ёки зарда сезилмагани учун Чувринди сал дадиллаши.

— Бизга керакли йигит.

— Ўзи қани?

— Уйида, бирга олиб келдим.

— Сочига бордингми? — деди Кесакполвон жаҳл билан.

— Ҳозир тушунтираман. Уни Сочида Зелихон кўриб қолибди. Эсингиздами, «Академик»-чи? Ҳонгирейнинг устозиман, деган.

— Эсимда, гапиравер.

— Ҳуллас, Жамшидни олиб кетишган. Ҳарҳолда бу ўша Зелихоннинг иши.

— Унга нима алоқаси бор?

— У Элчинни ўйлаган. Зелихон Жамшидга Элчинни ҳар қадамда ҳимоя қиласан, деб шарт қўйибди. Эсингиздами, Масковда Ҳонгирей ҳам Элчинни гапиравди.

— Эсимда... — Шундай деб Асадбек ўйга толди.

Чиндан ҳам газаб оловида ёнган пайтида ҳукм қилиб эди. Кейин афсус еди... Агар шу иш бўлмаганда Зайнаби бошига қора кунлар тушмас эди. Ҳамма айб ўзида. Мана, у тирик экан, қайтиб келди. Зайнаби эса...

Кесакполвон суқунатта тоқат қилолмади:

— Жамшидни ўзинг билан олиб келувдингми? — деб сўради Чувринидан.

— Ҳа.

— Нега мен билмадим?

— Аввал маслаҳатлашай девдим.

— Демак, менга айтишинг мумкинмас. Мен сен учун ҳеч кимман. Сен — ҳокимсан, мен эса осиб, ёқишинг учун ўлик топиб келтирадиган аҳмоқман!

— Жим бўл! — деб бақирди Асадбек, хаёлини тўзғитган аъёнидан ранжиб. — Жим бўл! Бу сенга тегишли масала эмас!

— Қайси масала менга тегишли, тушунтириб қўй, бўлмаса?

— Жириллама! Ҳамма нарсага бурнингни тиқаверма!

Кесакполвоннинг алам денгизи тўлиб тошди. Оранни очиқ қилиб олиш фурсати етганини ҳис қилиб, Чувриндига қаради-да:

— Сен чиқиб тур, аканг билан гаплашиб олай, — деди.

Чувринди «Чиқайми?» дегандай Асадбекка қаради. Ҳожаси индамагач, ўрнидан туриб, чиқди.

— Оғайни, жуда бунчалик эмас-да! Кейинги пайтда итнинг кейинги оёғидай хор қилиб ташладинг-ку?

Асадбек «қани, гапиравер-чи», деб индамади.

— Нуқул Маҳмуд билан маслаҳатлашасан, пичирлашасан. Нима, мен шунчалик аҳмоқманми?

— Сен ҳовлиқасан, калта ўйлайсан...

— Шунақа деб юриб, уни талтайтирдинг. Ҳозир сенинг ўрнингни мўлжаллаётган бўлса нима дейсан? Айниқса касалинг бошланганидан бери ўзини ҳокимдай тутади. Сен ўзинг билан ўзинг бўлиб, сезмайсан.

— Ахлат титадиган одат чиқарибсанми? Гап экан, деб вақиллайверасанми?

— Асад, шу пайтгача эмакласак ҳам бирга эмакладик, югурсак ҳам бирга югурдик, йиқилсак ҳам бирга йиқилдик, турсак — бирга турдик. Энди нима учун мени четлатасан?

— Четлатаётганим йўқ. Ишдаги суюнчиғим сенсан. Фақат ҳовлиқмароқсан. Ҳозирги замон ҳовлиқмаликни кўтартмайди.

— Суюнганинг учун раҳмат. Сен Маҳмудни ақлли, деяпсан. Тўғри ақлли. Менинг унга хусуматим йўқ. Эсингда бўлса, уни ўзим топғанман. Ўзим тарбия қилғанман. Лекин ҳамма масалаларда унга тўлиқ ишонишинг яхшимас. Сенга мисол айтайми? Ҳосилнинг Красноярдаги йигитларини ким кутиб олиши, ким улар билан гаплашиш керак эди?

— Улар келишдими?

— «Келишдими?» дейсан-а? Зайнабдан сўра-чи, қанақа келишганини айтиб беради.

Бу гапни эшитган Асадбек хавотирланиб, ўрнида бир қўзголиб олди.

— Нима бўлди?

— Зайнабнинг уйини пойлашаётган экан.

— Нимага?

— Козлов шу ерга ҳам келиши мумкинмиш. Ҳа, мен бунақа гапларга ишонадиган аҳмоқмасман. Ҳаммасини қўлга олдим. Бола-чақаси гаровда. Бу ёғига сен нима десанг, шу.

— Козловни топишмабдими?

— Шунақага ўхшайди. Энг муҳими — Жамшид ҳам улар билан Красноярда бирга бўлган. Маҳмуд нима

учундир буни айтмади. Унудими? Йү-йүк, унуганийүк. Сен гапираётгандакүзларига қарамадинг, а? Қарашиң керак эди. Гапираётгандабизга қарашиң ботинмади. Бир иш қилмайсанми? Хонгирейга телепон қыл. Маҳмуд ниманидир яширди. Агар мен адашсам, майли, башарамга тупур.

Асадбек сүнгти гапни эшигиб унга ялт этиб қаради. «Башарамга тупур»... Бу гап эски ярани бир тирнаб ўтди. Асадбек «халқ душмани»нинг ўғлига нафрат изҳор қилинишини ҳали унуганийүк. Туновинда Жалил оғайнилар билан борди-келди қилмайсан, деганида ҳам бу ҳолат эсига тушган, башарамга тупурган болалар билан қандай қилиб яхши муносабат ўрната оламан, дейишга оғиз жуфтлаган ҳам эди. Жалилга буларни гапириш бефойда эканини билиб, индамай кўя қолувди. Ҳозир ўша тупургандардан фақат Кесакполвон билан бирга. Лекин бу Кесакполвонни ўша иши учун кечирди, деган гап эмас. Кесакполвоннинг тупуриш ҳолати ўқтин-ўқтин ёдига тушиб, дилини эзади. Фойибона бир овоз «қачондир бундан ўч оласан», деб даъват этарди.

Асадбекнинг ўйга толганини кўриб, Кесакполвон ўрнидан турди-да, телефонни олиб келиб, Асадбекнинг тиззаси устига қўйди. Асадбек унга бир қараб олиб, ён чўнтағидан дафтарча чиқариб Хонгирейнинг телефон рақамини топиб, терди. Хонгирейнинг йигити унинг кимлигини обдон сўраб-суриштиргач, иккичу дақиқа жим бўлди. Сўнг «Ҳозир улайман», деди. Яна бир неча дақиқадан сўнг Хонгирейнинг овози эшитилди:

— О, Асад, қардошим, омонмисан? Сени касал дейишиувди, яхшимисан?

— Раҳмат, тузалиб қолдим.

— Тузалиб қолдим... бу жуда яхши.

— Йигитлар билан кўришдингми?

— Кўришдим. Маҳмудбейдан бир совфа бериб юбордим, олдингми?

— Совфа?.. — Асадбек савол назари билан Кесакполвонга қаради. Кесакполвон « билмайман », деган елка қисди.

— Ҳа, совфа, янги йил қуруқ бўлмасин-да! — деди Хонгирей. — Сўраб ол. Биз сен билан аҳил яшашимиз керак. Бир дўстимиз йўқолиб қолибди, афсусландим. Соғ бўл, қардош...

Шундай дегач, телефонлар узилди. Асадбек ўйга

толган ҳолда гүшакни бир оз ушлаб тургач, жойига күйди-да:

— Маҳмуд! — деб чақири.

Чувринди ҳаялламай кирди-да, «Булар орасида ни-ма гап бўлди», дегандай уларга бир-бир қараб олди. Чувринди келиб жойига ўтиргунича Асадбек ундан кўзини узмади.

— Хонгирей биз билан иш юритмоқчи, дедингми?

— Ҳа, шунаقا хоҳиши бор. Ўзбекларни яхши кўраман, дейди.

— Бирга ишлагиси келса, ишлаймиз. Хонгирей кўли очиқ йигит эди. Менга совға-повға бериб юбордими? — Асадбек шундай деб унга синчковлик билан тикилди.

Чувринди ундан кўзини олиб қочиб, Кесакполвонга илкис қараб олди-да, хўрсиниб кўйиб:

— Бериб юборган эди, — деди.

— Қани совғаси, нега бу ҳақда гапирмадинг?

— Бек ака, бу совғани... кўрмаганингиз ҳам, эшишмаганингиз ҳам маъқул эди... Шунинг учун индамаган эдим. Кайфиятингизни бузгим келмади. Кейинроқ айтмоқчи эдим.

— Қанақа совға экан, айт. Ё бир қоп ахлат бериб юбордими? — деди Кесакполвон.

— Бунақа бўлганда дарров айттан бўлардим. Ундан ҳам баттар нарса...

— Чайналмасанг-чи! — деб бақири Асадбек.

— Филайнинг калласини битта қутига жойлаб берибди.

— Нима? Филайни ўлдирибдими? — деб Кесакполвон ўрнидан туриб кетди.

— Ўтир жойингга! — деб ўшқири Асадбек унга. Сўнг Чувриндига «давом эт», дегандай қаради.

— «Совға» дейишса олиб келаверибман, мен лақма. Болохонага қўйиб қўювдим, сассии чиқиб кетди. Кейин очдим. Очсан... ўша калла.

— Ўлдиришгунча индамай қараб турдингми? — деб сўради Кесакполвон.

— Борган кунимизоқ уни мендан айириб олишган. Хонгирей «Уз хўжайинига хоинлик қилган сенларга хизмат қила олмайди», деди.

— Бу гапи тўғри, — деди Асадбек ўйчан тарзда.

Филайнинг ўлими унга Кесакполвончалик қаттиқ таъсир этмади. Хонгирейнинг қўлидан тирик

қайтса, уни ўзи ўлдиарди. Ўз қўли билан ўлдиromoқчи эди...

Асадбек «Энди нима дейсан?» дегандай Кесакполвонга қаради. Унга Чувриндининг тадбири маъқул келган эди. Кесакполвонга эса бу иш ҳам қингирдай туюлиб, бир қимирлаб олди.

— Жамшидни чақир, — деб буюрди Асадбек Чувриндига.

Чувринди чиқиб, Бўтқага буйруқни етказиб келгач, Асадбек Кесакполвонга қараб туриб сўради:

— Хўш, ўлик топиб келиб ёқибсанлар, мени ишонтиридинглар. Ўрганинг одамлари ҳам ишонди. Иккита кавказлик қулогини ушлаб кетворди. Хўш, энди тириклиги маълум бўлганда нима дейсанлар?

— Буни укахонингдан сўра. Неча кундан бери ўйлаб қўйгандир?

— Ўйлаб қўйдим, — деди Чувринди унинг пичингига эътибор бермай. — Катта йўлда Жамшидни но маълум одамлар тўхтатишади. Беҳуш қилиб олиб кетишади. Бир неча ой қоронғу ертўлада сақлашади.

— Мақсад?

— Мақсадми... пул талаб қилишади.

— Кимдан?

— Ўзидан.

— Нимага чиқаришли. Пул берилдими?

— Ҳа...

— Хом гаплар бу. Кўча-қўйдаги одамлар учун. Унинг тириклигини билса анови зумраша прокурор титиб қолади. Аввал сени чақиради.

— Яна бир йўли бор.

— Қанақа?

— Қиз масаласи. Қизни алдаган бўлиши мумкин. Уйланишга рози бўлгач, чиқаришади.

— Уйлантирасанми?

— Ҳа, ўзига ёқадиган биттаси бор.

— Ўйлаб иш қил.

Жамшид масаласи шу тариқа ҳал этилгач, Кесакполвон Шариф Намозов Москвага олиб кетилганини айтди.

— Прокурор болани эртасигаёқ чиқариб юборган. У ўзининг ишини қилиб юрибди. Шарифни қўлига кишан уриб олиб кетишиди. Индамай қараб турсак бўлмас.

— Қиличга тегмабдими?

— Йўқ, бир марта сўроқ қилган. Сувдан қуруқ чиқди, хумпар.

- Шуниси ғалати, — деди Чувринди.
- Нимаси ғалати? — деди Кесакполвон энсаси қотиб.
- Сувдан курук чиққани. Красноярга юборган молнинг дарров қўлга тушгани ҳам қизиқ.
- Молнинг изига Хонгирей тушган девдим-ку, — деди Асадбек. Сўнг бир оз ўйланди-да, давом этди: — Хонгирейга Ҳосил етказган... Ҳосилга...
- Мен сенга айтудим, — деди Кесакполвон. — Қамоқдалигига уни Филай йўқлаб турган. Ҳосилга ҳам хизмат қилган у хунаса.
- Буни исбот қилиш керак, — деди Чувринди.
- Қийин эмас. Рухсат берсанг... — Кесакполвон шундай деб Асадбекка юзланди.
- Йўқ, ҳозирча жим турларинг. Шарифни нима қилишни ўйлаш керак.
- Йўқотиш керак, — деди Кесакполвон.
- Ҳайдар акам тўғри айтадилар. Винзаводни кавлаштириш тўхтатилмаса газақ олиб кетиши мумкин.
- Хонгирейга айтамиз. Ўзи пиширган ошни ўзи ичсин. Шу иш билан борилса, ўзи ҳал қилади. Маҳмуд, отлан, ўзинг бориб кел. Эҳтиёт бўл, яна Шарифнинг калласини қўлингта тутқазиб юбормасин. Ҳайдар, сен Шарифнинг оиласидан хабар олиб қўй. Уйи битганмиди?
- Йўқ, чала эди, — деб жавоб берди Чувринди.
- Битириб берларинг. Бу олимчадан иш чиқармикин, девдим, бўлмади. Майли, бола-чақаси биздан ранжиб юрмасин.

3

Бўтқа эшикни очиб, Жамшид келганини маълум қилгач, киришга ижозат этилди. Жамшид ичкарига қадам босиб салом берди-да, икки-уч қадам босиб, хона ўртасида тўхтади. Уч жуфт кўз унга тикилди. У эса «Мана, мен келдим, яна ўлимга ҳукм қиласизми? Гуноҳим нима менинг?» дегандай Асадбекка қаради.

- Тўғрисини айт: кўнглингда аламинг борми?
- Бек aka, мен сизга ҳеч қачон ёлғон сўзламаганман. Ҳозир ҳам тўғрисини айтаман: озгина бор.
- Чиқариб ташла. Яна биз билан бирга бўлишни хоҳлайсанми?
- Хоҳлайман.
- Бизнинг ишда гина-кудурат бўлмайди. Фақат...

Қадамингни билиб босиб юр, бола. Бор, ишингни қилавер.

Шу билан «Ярашув» маросими якунланди. Жамшид келаётганда «Гуноҳим нималигини сўрайман», деб қасд қилган, Асадбек ҳам ундан шу саволни куттган эди. Савол берилган тақдирда жавоб бериш истаги йўқ эди. Жамшид эслилик қилиб гапничувамади. Бу иши Асадбекка маъқул келди. У «Ишингни қилавер» дегани билан Жамшидни ҳали кечирмаган эди. Ҳали ҳам «Зайнаб билан дон олишган», деган фикр уни тарк этмаганди. Аввало Жамшидга меҳри борлигидан, қолаверса, аъёнлари ўргагани учун ён босди.

— Бек ака, аввалгидек ёнингизда бўлсинми? — деб сўради Чувринди.

— Йўқ, — деди Асадбек бош чайқаб. — Мендан нари юрсин. Иложи бўлса, кўзимга кўринмагани маъқул. Маҳмуд, унинг ҳар босган қадами учун сен жавоб берасан.

Маҳмуд Москва сафари тадоригини баҳона қилиб чиққач, Кесакполвон Асадбек билан бирпас гаплашиб ўтириди-да, у ҳам «Қилични топиб гаплашай», деб ўрнидан турди. Кўчада, видеобар эшигига яқин ерда турган бир аёл кўзига иссиқ кўринди. Аёл ўткинчи эмас, видеобар эшигига бетоқатланиб қараб-қараб кўярди. Кесакполвон унга яқинлашди-да:

— Ҳа, сингил, биронни кутяпсизми? — деб сўради.

— Шу идорада ишим бор эди, — дея аёл видеобарни кўрсатди.

— Кимда?

— Асадбек акада...

— Асадбекда нима ишингиз бор?

— Ўзларига айтаман.

— Менга айтаверинг. Асад касал. Мен унинг шеригиман.

— Мен... Шариф аканинг аёлимани.

Кесакполвон таниди. Таниса ҳам танимаганга олиб сўради:

— Қайси Шариф?

— Ҳалиги винзаводдаги... Намозов.

— Ҳа, уми? Қамалибди, деб эшитдим, ростми?

— Рост... — Насиба кўзига ёш олди. — Ҳар куни қатнайман. Кўрсатишмайди ҳам, овқат ҳам олишмайди.

«Москвага олиб кетилганини билмайди шекилли?» деб ўйлади Кесакполвон.

— Хавотир олманг, чиқиб қолар...

- Шариф акамни олиб кетишгандан кейин битта йигит келди. Пул талаб қилди.
- Йигит? Қанақа йигит?
- Танимайман. Жуда хунук... Олдин ўтирганларида бирга ўтирган экан. Юз минг сўради. Пул йўқ, девдим, боламни... ўғирлаб кетишиди... — Насиба ҳўнграб юборди.
- Йиғламанг, синглим, — деб юпатган бўлди Кесакполовон.
- Ёрдам беринг, жон ака, сизлардан бошқа кимга бораман.
- Ёрдамми?.. Бизда бунақа пул йўқ, синглим. Қариндош-уругдан йифинг. Жа бўлмаса уйни сотинг. Уй азизми, бола азизми?
- Уша йигитни... билмайсизларми?
- Э, йўқ, синглим. Биз бунақа жиноят ишларга аралашмаймиз. Бизга тинчлик керак, энди бу ерга бошқа келманг.
- Эзилиб адо бўлаёзган Насиба сўнгги умидини шу ерга кўмиб, орқасига ўгирилиб қайта бошлади. Видеобардан чиқиб келган Асадбек уни кўриб Кесакполовондан:
- Ким у, йиғлаб кетяптими? — деб сўради.
- Шарифнинг хотини. Эримни чиқартириб беринглар, деб келибди. «Ҳўп, ҳаракат қиласиз», дедим.
- Яхши айтибсан, хабар олиб тур.

XIX б о б

I

Чувринди Москвага борди-ю, келди. Хонгирейнинг бу ишга аралашишига ҳожат қолмади.

Унга қадар Шариф Намозов ўзини ўраб олган бало булути орасида кўп азоблар чекди.

Аввалига...

Зоҳид қамоқхонада адолат хусусида ўйлаётгандан, Шариф Намозов ҳам айнан шу ҳақда фикр юритарди. Улар бир нарса ҳақида ўйлаганлари билан адолат тўғрисидаги тушунчалари турлича эди. Зоҳид адолат учун курашгувчи тоифадан, Шариф эса ўзига адолат юзасидан муомала қўлмоқликларини талаб этувчи хилидан эди. Зоҳид «Нима учун адолат топталади? Адолатни қандай ҳимоя қўлмоқ, қандай тикламоқ мумкин?» деб фикр юритса, Шариф Намозов «Мен иқтидорли олим

бўлсам, ишларим билан чет эл ҳам қизиқса, нима учун менга адолат қилмайдилар», деб нолир эди.

Шариф Зоҳиддан фарқли ўлароқ, икки ўт орасида эди.

Бир ўтни қамоқдан келиб, юз минг талаб қилаётган нусха ёқарди. Бу ўтда оиласининг куйиши эҳтимоли ҳам бор. Иккинчи ўтни шим кийган, чигирткасимион терговчи хотин ёқарди. Бу ўтдан ҳам оиласи жабр кўрмоғи мумкин.

Бу икки ўтнинг бараварига, бир кунда ёқилиши шунчаки тасодифми ё атайин уюштирилганми, билолмай гаранг эди. У москвалик терговчи билан яна учрашишни ўйлаганида баданига титроқ югуради. Насибани шармандаликдан кутқариш учун олмаган пулни олдим, деди. Энди у «Пулларни топасан», деб зўрлайди. Яна қийнайди. Ўзини қийнаса майли, оиласига тегмаса бўлгани... «Ишқилиб Насиба болаларни олиб бирор ёққа қочсин»да, деб орзу қилди.

Шариф Намозов бир фикрнинг тагига ета олмас эди: унга нима учун осилиб қолиши? Ахир у амал талашмаса... Илмий иш билан шуғулланиб юрган одам эди. Бош муҳандисликни бердилар. Кейин чўнтағига қора дори солиб, қаматишди. Қамоқдан ўзлари чиқаришди. Кейин... биратўла раҳбарликни беришди. Керакми эди, унга бу раҳбарлик? Аввалига керак эмас эди. Кейин унинг шираси ёқа бошлади. Бош муҳандислигида-ку, ҳақиқат талаб қилган эди. Энди ҳеч нарса талаб қилмади. Барибир... Аксига олиб португалияликлар ҳам жимиб кетишди. Буни ҳам Шариф шу одамлардан кўрди. Ўзининг қора дорига ўрганиб қолганини ҳисобга кўшмади.

У терговчи билан учрашувни қўрқув билан кутаётганда эшик шарақлаб очилиб, соқчи:

— Намозов! Чик! — деб буюрди.

Дилгир ўтирган Шариф соқчининг амрли овозини эшишиб, ўрнидан қўзғалди. Қамоқхонада ёлғиз эзилиб ўтириш дурустми ё терговчи билан узундан-узун сухбат қуришми — билмасди.

Соқчи даҳлиздаги шеригига Шарифни топшириб, ўзи эшикни шарақлатиб ёпди.

Худди аввалги қамоқдалиги каби...

Кўнглига «Чиқариб юборишса эди», деган умид куёши мўралади.

У аввалги сафардагидай юриб борди. Фақат... Зиналардан пастга эмас, юқорига кўтарилди. Ҳовлига

чиқмади, балки яна узун дағлыш бүйлаб юрди. Энди у терговчи билан учрашуви аниқлигига ишонди. Соқчи Шарифни чоғроқ хонага бошлади. Аввалги сафар бундай хонада қалдирғоч мүйловли йигиттә дүч келган эди. Бу сафар бир семиз одамга рұпара бўлди. Бу семиз ҳам ўша мүйловли йигиттә ўхшаб, фақирига менсимай қараган подшо каби илкис назар ташлаб қўйди. Қандайдир қофозларга имзо чекди. Йигит шундай қилиб туриб:

— Намозов, сиз озодсиз. Айбларингиз исботланмади, — деган эди.

Бу семиздан ҳам шундай сўз кутди. Аммо унинг ўрнига у одам:

— Кўлларингни узат! — деб буюрди.

Шариф амрни беихтиёр бажариши билан, у чақонлик билан билакларига кишан солди-да:

— Бўлди, олиб чик, — деб орқадаги соқчига буюрди.

Аввалгидай бўлмади. Уни ҳаммаёни берк машинага чиқардилар. Машина тебраниб, анча юрганидан сўнг бир жойда кўп вақт тўхтаб турди. Шариф укоқларнинг овозини эшишиб, ажабланганча ўтираверди.

Машина эшиги очилгандан сўнг у ўзини баҳайбат укоқ олдида кўрди. Машинадагилар уни Бергер билан Владга топширишди-да, қофозларга қўл қўйдирив олиб, изларига қайтдилар. Влад курткасини ечиб Шарифнинг қўлларини боғлаб турган кишан устига ташлади. Бир ёнида Бергер, бир ёнида Влад билан Шариф худди хавфли жиноятчи каби укоққа чиқди. Унинг қўллари кишанланганлигини укоқдагиларнинг кўтчилиги сезмади ҳам. Устида плашчи бор одам нега чарм курткани кучоқлаб олибди, деб ўйлагувчилар ҳам бўлмади.

Укоқда дераза томонда Арина Бергер, ўргада Шариф, четда Влад ўтиради. Укоқ бекаси сув олиб келганди ҳам, овқатланиш пайтида ҳам кишан ечилмади. Бергер «Фиринг десанг ёки қимирласанг отаман» дегани учун жим ўтираверди.

Жим ўтирганда нима бўларди?

Дейлик, у кишанли қўлларини кўтариб «Биродарлар, мени кутқаринглар, булар мени бегуноҳ қамашди! Буларда инсоф йўқ! Булар хотинимни ҳам зўрламоқчи бўлишди!» дегани билан бирор ўрнидан турармиди? Нари борса қайрилиб қараб қўйишади. Инсофлироғи «Вечора» деб ачиниб қўяди. Шу холос... Адолат истаб бақиргани учун ўқ емаган тақдирда ҳам бўйнига Владнинг гурзида мушти тушиши тайин.

Учоқдан ҳаммадан кейин тушишди. Уларни ҳаммаёғи берк машина кутиб турарди. Бергер уни қамоқхона вакилларига топшириб, ўзи Владни қўлтиқлаганча нари кетди. Учоқдан машинага чиққунига қадар Шариф қор бўронида совқотди. Тишлари ҳам такиллаб қолди. Машина аввалига илиқ туюлган эди. Дам ўтмай аёз забтига олди.

Уни «Матросская тишина» деган сурурли номда юрувчи Москванинг қадимги турмасига олиб келдилар. Соқчи икки томони темир эшиклардан иборат даҳлиздан ўтгач, охирги эшикни очди-да:

— Жой йўқ, битта-яримта билан галма-гал ётасан, — деб киритиб юборди.

Бу огоҳлантириш Шарифга ғалати туюлди. У мемонхоналарда «жой йўқ» деган гапни кўп эшитган, аммо қамоқ, айниқса, икки қаватли каравотлар билан тўла хонада жой бўлмаслиги унинг учун ажабланарли эди.

Чиндан ҳам бу катта хонада турган ҳам, ўтирган ҳам, ётган ҳам кўп эди. Ҳаво иссиқ, нафас олиш оғир эди. Қарийб икки соатдан ошиқ совуқ машинада ўтирган Шарифга иссиқ хуш ёқиб, аввалига бадбўйга унча эътибор бермади.

У нима қилишини, қаерга ўтиришни билмай эшик ёнида қаққайиб туриб қолди.

Қадим ўтган шоир:

«Сипоҳ гардидин бўлди олам сиёҳ.

На хуршид кўрунди унга, на моҳ»,
деб ёзганида мана шундай қамоқхонадаги тирбандликни ҳам назарда тутганмикин?

Бунда киссавур ҳам, каллакесар ҳам, хизматчию олим ҳам — барчаси жамланган эди.

Бунда ҳам маҳсус бурчак — қиморхона мавжуд эди.

Бунда нажас, шиптири ҳиди ҳам, тамаки, тер ҳиди ҳам, хуллас, дунёдаги барча сассиқ ҳидлар тўпланган эди.

Шариф эътиорини бурчакдагиларга қаратди: уларнинг «иш куни» авжида. «Булар ҳам тилла тишларни суғурармиканлар», деб ўйлади Шариф.

Тура-тура оёқлари толган Шариф чўк тушиб ўтириб, деворга сунянди. Дам ўтмай деворнинг захи баданига ўтиб, жунжикди. Унга бирор «бери кел» деб лутғ қилмади. Бу орада овқат бердилар. Эплаган олди, эплай олмаганлар кейинги овқатга умид қилдилар. Шариф шу умидворлар қаторида қолди.

Бадани зирқираб, ётгиси келди. Яқиндагина бир киши ётиб турган каравотга яқинлашиб «Бирпас ётай», деб сўради.

— Э, йўқ, ҳозир келиб, ҳозир ётаман, деб ўйлаяпсанми? Бу ерда ётиш ҳукуқини олиш учун уч-тўрт кун ерда ётиб пишасан, — деди каравот эгаси.

Бу гапдан бошқалар кулди. «Бир пас ёта қолсин», дейдиган инсоф эгаси топилмади. У ноилож девор томонга қайтиб чўқди. Шу аҳволда бирпасгина мудрали. Шу мудрашда туш ҳам кўрди:

— Нималар қилиб қўйдингиз, адаси? — деди Насиба бош чайқаб.

— Нима қилибман?

— Уларга яқинлашманг девдим, кулоқ солмадингиз.

— Адашдим, Насиба...

— Сиз илмингизга хиёнат қилдингиз. Худо сизга ақл берган эди, сиз ақлсизлар билан қолдингиз...

— Худо кечирсин...

Боши чайқалиб уйғонди.

Куни шу зайлда бошланиб, шу зайлда давом этди. «Каравотингда ётай», деб бошқа ялинмади. Худди кўчадаги тиланчилар каби чўнқайиб ўтираверди.

Канча вақт ўтганини билмайди. Баданида титроқ уйғонди. У дорининг хумори тутди, деб ўйлади. Аслида унинг иситмаси қўтирила бошлаган эди. Анчагача чидади, сўнг титраган ҳолда ўрнидан турди. Бурчакда қимор ўйнаётганлар томонга нажот билан қаради. Уларнинг ўйин пайтида наша тортиш одатлари бўларди. Ҳеч бўлмаса бир тортарман, ҳеч бўлмаса тутунини ҳидларман, деб ўша томонга юрди. Даврага яқинлашганда ўтирганлардан бири ўгирилиб қараб:

— Нима дейсан? Ўйнамоқчимисан? — деб сўради.

— Ўйнардиму... пулим йўқ-да... — деди Шариф.

— Пулинг бўлмаса жўна.

— Бир тортиринглар...

— Нима?

— Куруғидан... фақат бир марта.

— Жўна дедим.

Шариф ҳақоратланган одам қиёфасида ўгирилганда даврадагилардан бири унга марҳамат қилди. Чекиб адо бўлаёзган ўрама папиросни берди. Шариф ютина-ютина тутатиб жойига борди. Аввал чўнқайди. Сўнг ётиб олди. Наша таъсирида сал роҳатлангандай бўлди. Нашанинг кучи қирқилиб, иситмаси яна қўтирилгач, безовталана бошлади. У уchoқдан машинага чиққунига

қадар, сўнгра йўлдаги совуқда шамоллаганидан, зотилжам хасталиги вужудига ҳукм ўтказа бошлаганидан бехабар эди.

Шариф оғзи қуриган, титраган ҳолда қаддини аранг кўтарди. Пича деворга суюниб ўтириди. Сўнг қийналиб бўлса-да, ўрнидан туриб бурчакдаги даврага аста юриб яқинлашди. Унинг бу туриши кўча-кўйда хорланиб юрадиган майпарастларнинг айни ўзи эди. Даврадагилардан бири ижирғаниб:

— Яна нима дейсан? — деди.

— Битта торттииринг.

— Торттирайми? Ҳозир, — у щундай деди-да, Шарифнинг юзига мушт тушириди. Кейин унинг бехуштанаси тепки ҳам еди. Шариф шу ҳолида анча ётди. Сўнгра атрофдагилар унга раҳм қилиб, жойига — девор яқинига, муздек бетон устига ётқизиб кўйдилар. Даврадагилардан бири ёзилиб чиқаётсиб, ҳали ҳам қимир этмай ётган Шарифга эътибор берди. Жойига ўтираётсиб:

— Саша, нима бало ўлдириб кўйдинг шекилли, қоравой қимир этмай қолибди, — деди.

Урган йигит аввалига қўл силтади, сўнг «Ҳозир ўзига келтираман», деб ўрнидан турди-да, Шарифнинг билагини ушлади.

— Тирик. Қоравойларнинг жони қаттиқ бўлади. Ҳозир нашатир спирт берамиз, — деди-да... Шарифнинг устига таҳорат уштади. У то ишини тутатгунча даврадагилар кулгилари билан қувватлаб туришди.

Шариф чиндан ҳам тирик эди. Ҳуши ҳам ўзига қайтган, фақат ҳолсизлиги туфайли қимиirlай олмаётган эди. У калтаклаган йигитнинг нима қилаётганини аввал тушунмади. Сўнг хўрлик ва аламдан бўғилди. Ўрнидан турмоқни, унинг бўғзига чанг солмоқни истади. Бор кучини тўплаб туришга интилди, бироқ гавдаси ўзига бўйсунмади: ерпарчин бўлиб қолаверди. Истакни бажариш учун қувват керак. Уни эса қувват тарк этган эди. Бир оздан кейин судралиб қуруқроқ жойга ўтди. Кўнгли айниб, ўқчили. Ичидা ҳеч нарса бўлмагани сабабли қайт қиломади.

Каравоти борлар ётиб уйқуга кетишли. Демак, кеч кирибди...

«Мен неча кундан бери бу ердаман? Мени бунча хорлашади? Бу хорликдан ўлганим яхши эмасми? Яхши... Аммо ўлишнинг чораси борми?» деб ўйлади Шариф.

Унинг фикри қатъийлаша бошлади. Ўлимни чакирди.

Қани энди ўлим ҳазрати олийлари кела қолса, шошила қолса...

Ўлим-ку келар, аммо қай ҳолда жон беради? Ҳаётда омадсиз эди, ўлимда ҳам шундай бўлади шекили? Итдай хор бўлиб ўлади, мурдасини итнинг ўлигидай олиб чиқиб ташлашади. Кўмишадими ё куйдиришадими?

«Нима қилса қилар, шу ердан кутулсан бўлди», деб ўйлади у.

Хозир Шариф Насибани, болаларини ўйламас эди. У азоблардан кутулиш йўлинингина ахтарарди...

Қадимнинг аллома шоири айтганидек:

Кишидинки қайтти жаҳон ичра баҳт,
Ўзи зор бўлур, иши барча саҳт.
Агар қочса ҳар сори елдек, қазо
Анга етқурур жавру дарду бало...

Қазо уни қувиб юрган экан. Қува-қува шу сассиқ қамоқхонада бўғзидан ушлади.

Шариф сал ўзига келгач, ўрнидан туриб гандираклаганича бурчакдаги даврага яқинлашди.

— Нима, яна тортгинг келяптими? — деб сўради муштлаган йигит.

— Йўқ, пичоқ бериб туринглар.

— Нима қиласан?

— Туфлим қисяпти, орқасини кесиб қўйай.

Муштлаган йигит унинг оёғига қаради:

— Яп-янги туфли экан, еч, сенга бошқасини берамиз.

Шариф ўтириб туфлисини ечиб берди. Йигит узатган туфлини кийиб:

— Бу ҳам сиқяпти, пичоқ бериб туринг, — деди.

Муштлаган йигит у томонга чирт этиб тупурди-да, кўкрак чўнтағидан буқлама пичоқча чиқариб узатди. Шарифга гўё у нажот қайигини узатгандек бўлди. Шариф жойига қайтиб ўтиради. Нималарнидир ўйлагандай бўлди. Аслида ўйламади. Ўйлай олмас ҳам эди. Ҳам хумор азоби, ҳам иситма унинг миясини шол қилган эди.

У ўтира-ўтира охири аввал ўнг, сўнг сўл билак томирларини кесиб ташлади.

Шундан сўнг азоб чекиниб, ҳузурланди.

Шу пайтгача бу қадар ҳузур кўрмаган эди...

I

Тошбақа жайронни қувиб етиб ғажиб ташлаши мумкин бўлмаганидек, Зайнабнинг ўз орзуларига етмоғи мумкин эмасди. Руҳидаги Кумушбибини осиб, отасининг йўлини танлаган кезда, дастлабки қасоснинг аччиқ мевасини татиб, кўнгиллари эзилганда, жаъмики эркак зотидан нафратланиб юрган пайтларда Жамшиднинг тирик эканини, уйига қайтганини эшитди. Эшитди-ю, осиб ўлдирилган руҳи тирила бошлади.

Бу хабарни Ҳайдар амакисидан эшитгани учун дарров ишонди. Кесакполвон бу хабарни Зайнабга бекор етказмади. Асадбекнинг «Жамшид мендан нари юрсин», дегани бир жиҳатдан маъқул бўлди. Буни ўзича Чувринди қанотининг қайрилиши деб англади. Жамшидни ўз томонига оғдириш режасини туза бошлади. У ҳожасининг ўшандаги ғазабини уйғотган сабабни ўзича тахмин этарди. Янгиликни эшитгандаги Зайнабнинг ҳолатини кузатиб, тўғри йўл танлаганига ишонч ҳосил қилди. У Зайнабга валинеъмат бўлганига тўла ишонарди. Демак, унинг муҳаббати орқали Жамшидга таъсир этиш мумкин, деб ҳисоблади.

Чиндан ҳам Зайнабнинг Жамшидга муҳаббати ўлмаган эди. Жамшидни ҳар эслаган замонда руҳи ҳайқирап эди. Энди бу ҳайқириқ унинг қасамлари тўғонини бузди. Эркак зотига бўлган нафрати ҳам истисно тариқасида сусайди. Унинг назарида Жамшид душманларни енгиб, суюклиси бағрига қайтган Отабек тимсолида гавдаланди. Фақат... Отабек суюклиси учун курашган эди. Хомидларни ўлдирган эди. Зайнабнинг Отабеги эса бир одамнинг қаҳридан чўчиб, жон ширинлик қилиб қочворди...

Хаёлига шу фикрлар келиб, ўйланди:
«Ҳозирги вақтда борми Отабеклар?..»

Зайнаб Кумуш бўла олмади, аммо Тупроқбиби бўлгани рост, тупроқдан-да баттар бўлгани рост. Отабеги эса... «Наҳот кўнглида заррача муҳаббат бўлмаса... Наҳот қалбida муҳаббати йўқ инсоннинг бу дунёда яшамоги мумкин бўлса?...» — Зайнаб ечолмаётган жумбокълар булар.

Кумушнинг Отабеги бир гўзал мактуб битган эди. Зайнаб бу мактубни ёд олган, хаёлида Жамшиддан шунга ўхшаш мактублар олиб турар эди.

Зайнаб Жамшиднинг тириклигидан бир қувониб, йўқламагани учун бир ранжиб, турли фикрлар ўтида қоврилиб бўлгач, соғинчдан энтиккан юрак яна ўша мактубни кўмсади-ю, «Ўтган кунлар»даги сатрларни ўзига мослади.

«...Суратини қўз ўнгидан кеткиза олмаган, Отабекнинг (яъни Жамшиднинг) юзини кўролмай, сўзи-ни эшита олмаса ҳам ёзған хатини ўқуб эшитиш Кумуш (яъни Зайнаб) учун катта қийматга молик эди. Отаси (хатни отаси эмас, Ҳайдар амакиси берар) йўлакдан кириши билан латиф кўкраги кучлик тин олиш ила кўтарилиб ташланди-да, гёё Отабек (яъни Жамшид) билан учраштурғондек юраги ўйнамоқфа бошлади...»

Ҳайдар амакисидан хатни олгач, у ҳам Кумушбиби сингари уялиб-нетиб турмайди. «...қизарған, қизарган эмас, ич-ичига ботган шаҳло кўзлари, ёш билан синган жингала киприклари, чимирилған тўсдек қора қошлари уни аллақандай бир ҳолга» қўяди. «Қоши устига тўзғиб тушган соchlарини» тузатмаёқ хатни ўқиди.

Кумушнинг Отабеги «ой юзли рафиқам, кундуз қошли маъшукам Кумушхонимга!» деб бошлаган эди. Жамшид акаси соддагина қилиб: «Салом, Зайнаб!» деб бошласа ҳам майлига.

Кумушнинг Отабеги:

«Шайтон устаси бўлган Хомиднинг маним отимдан сизга ёзған талоқ хатиси ила менга қарши ёниб кетган юракингизнинг нафрат ўти эҳтимол энди ўча тушкан-дир. Сохта талоқ хатини олған сўнгингизда менга хитоб қилиб ёзған фикрларингиздан эҳтимол энди қайтаёзғандирсиз... Бу хатни ёзар экан, муҳаббатингиз билан тўлуқ бўлған юрагим мудҳишибир ҳақиқат эҳтимолидан яфроқ каби титрар ва ўзининг тўлиб-тошқан ҳасратларини, фарёдларини ифодасидан адашар эди...»

«..Меним учун кўйингизда ва оёгингиз учida жон бериш жуда ширин эди ва кўбдан бери ғоям эди. Шуннинг учун яқинроғингизда ўлмак учун, ўлар эканман, сўнг дақиқамда яна бир мартаба бўйингизни олиб ўлиш учун душман томонидан уйингизга очилган туйнуқчага кирдим. Кирдим-да, сизнинг бўйингизни олдим, ҳафиғ тин олғандаги латиф ухлаған товшин-гизни эшитдим...»

«...Баъзи эҳтимолларга қарши сиз билан кўришмак менга мусассар бўлмади. Умримда биринчи мартаба

күнгил орзусига қарши бордим. Чунки манимча орадаги қора тикон супирилган эди. Мундан сүңг ҳамиша меники эдингиз. Мен Тошканда юрарман, аммо күзим ўнгида сизнинг ҳайкалингиз! Ажабо, бусиз менга мумкинми?»

Зайнабнинг хаёлидаги Отабеги шу хилда ёза биларми эди? Чиройли сўзлар тополмаса-да, хунук дағал сўзлар ила ёсса-да, майли эди. Нима деб ёзсин? «Отанг мени ўлимга ҳукм этди», десинми? Отасини «душманим» атасинми? Талоқ хати-чи? Талоқ хати бермоқ учун никоҳ лозим. Никоҳ эса... йўқ. Ўртада фақатгина Зайнабнинг аросат муҳаббати бор. Кумушнинг Отабеги учун маъшуқасининг ёёғи учида жон бериш ширин эди. Уники эса... Акалари «қоч!» деб эди, қочди...

«Мундан сүңг ҳамиша маники эдингиз...»

Қани энди шундай деса. Оддийгина қилиб, бир буюмга нисбатан айтгандай «Сен — меникисан!» деса ҳам майли.

Йўқ... ёзмади, ёзмайди ҳам.

Отабеклар борми ўзи дунёда?..

Осмонда учгувчи күшларнинг барчаси бургут бўла оларми экан?

Осмонда бургутлар борми экан?..

Буларни кўп ўйлади. Охири «хат ёзмасалар ҳам майли, бир келиб-кетсалар-чи, ҳеч бўлмаса узоқдан кўрай» деб умид қилди. Бечора жувон Жамшид учун бу кўчадан ўтиш таъқиқ этилганини қаердан билсинг?

Хат олиш умиди сароб эканига ўзини ишонтиргач, туннинг ҳаловатсиз оғушида сўйгани билан кўришмоқ онларини хаёлида жонлантириди...

«— Зайнаб, мен сени соғиниб келдим... Эсингдами, охирги учрашувимизда «Менинг ўрнимда ҳайвон бўлганида хўрланишига чидолмай, ҳеч бўлмаса ўкирарди. Эгасининг раҳми келарди. Эгаси хўрлатиб қўймас эди», дегандинг. Сен кўп хўрландинг, бунга мен айборман. Мени кечир, мен сен учун ўч оламан! — дейди.

— Қандай ўч оласиз?

— Аввал отарчини ўлдираман, биламан, сени у зўрлаган.

— У менинг эрим. Ўч олишингизга йўл бермайман.

— Мен сени ундан тортиб оламан.

— Йўқ... Энди кечикдингиз. «Сен синглимсан», деган эдингиз. Сиз... акам бўлинг...»

Шундай дейди...

Аммо хаёлидаги бу гаплар ҳам амалга ошмайди. Жамшидни яна анча вақт күрмайди. Фақат... Жанозада узоқдан бир күради. Күради-ю, аммо юраги «жиз» этмайди. Рұхидаги Кумушбібини осған Асадбекнинг қизи бу пайтта келиб қалбини муҳаббатдан тозалашга еришган эди.

2

Мұхилдин ота кетаёттан чоғида Кесакполвон билан суҳбатлашиб турған Жалилни четта тортиб «Ого әйліб туринг. Ҳозирча шифога умид бор. Аммо бир сабаб бўлиб, яна орқага силжиб кетиш эҳтимоли мавжуд экан», деб шипшиганди. Кесакполвон «Оқсоқол нима деди?» деб сўрайвергач, Жалил айтди. Ҳар ҳолда Асадбекнинг даволатиш ишида улар ҳамфир эдилар. Шу сабабли ҳам Жалил унинг бу ҳақиқатдан ого әйліши фойдалан ҳоли эмас, деб ўйлади.

Бу хабар чиндан ҳам Кесакполвон қалбининг мөғор босған қисмида пайт пойлаётган нияти учун фойдали эди. Кесакполвон «Барибир ўлади, шекилли», деб тахт сари йўлдаги ғовларни суринш ҳаракатини тезлаштириди.

Қадимда мушриклар санамларнинг ҳайкалларини ясаб олиб сиғинишар экан. Уларнинг ақидасига кўра, бу санам — Худонинг қизи. Улар ана шу санамга сиғиниш билан унинг отасига — Худога яқинлашмоқни ният қиласкан экан.

Кесакполвон режаларининг биридан ана ўша мушрикларнинг ҳиди келиб турарди. Тахтни эгаллаш йўлидаги муҳим масалалардан бири — Зайнаб билан яқинлашув экан. Гарчи Мардона воқеасида Зайнабнинг отаси йўлига яқинлашуви ҳали узоқ эканини англаған бўлса-да, фикридан воз кечмади. Бильякс, у билан кўпроқ учрашадиган бўлди. Ўз хаёлида Зайнабни қайта тарбиялай бошлади.

Ана шу кунларнинг бирида Хумкалла унга ғалати хабар етказди. Ҳалимжон деган йигит у билан суҳбатлаша туриб, гапни айлантира-айлантира «Ҳосилбойвачча қаерга кўмилди?» деб сўрабди.

Бу хабар Кесакполвон учун кутимаган ютуқ эди. Ҳосилбойваччанинг қаерга кўмилгани билан ҳатто Асадбек ҳам қизиқмади. Мурданинг қаерга кўмилганини Чувринди ҳам билмайди. Филай унга айтмаган бўлиш керак.

«Ҳалимжон деганига бу нима учун керак?» — деб ўйлади Кесакполвон. «Бунга фақат Ҳонгирей ёки ўрганинг одами қизиқиши мумкин. Ҳалимжон ким ўзи? Уни Маҳмуд топган. Маҳмуд... Чувринди укагинам... Сени сийласам, чорифинг билан тўрга чикяпсанми?.. Шунаقا қиласкерсанг, битта чорифинг билан қолдирман, бола. Бек аканг сени «ақлли» дейди. Ишқилиб ақлинг сени гўрга етакламасин-да... Мен ҳам сени яхши кўраман. Сенга кўп хизматим сингган. Лекин оёғим орасида ўралашаверсанг, халақит берсанг, Бек Жамшидни аямагандек, ман ҳам сенга раҳм этмайман!»

Кесакполвон бир неча фурсат ўз хаёлига банди бўлгач, жавобга, аниқроғи мақтовга илҳақ Ҳумкаллага қаради:

- Қаерга кўмилганини сўрадими?
- Сўради.
- Айтдингми?
- Билмайман-ку?

«Ҳа, бу билмайди», деб ўйлади Кесакполвон. Сўнг сўради:

- Билсанг айтармидинг?
- Э, мен жинниманми? Бунаقا гапларнинг бирорга айтилмаслигини биламан мен.

— Гап бундай: сен Ҳосилбойваччанинг қайси қабристонга кўмилганини биласан, — Кесакполвон шундай деб қабристон номини айтди. — Кўмишга Филай бирга борган. Сен ўшандан эшитгансан. Шу гапни қанақасига бўлса ҳам унга айтгасан. Кейин беш-олти йигит шу қабристонни пойлайди. Қани билайлик-чи, мурда нима учун керак бўлиб қолди экан?

— Қойиллатамиз! — деб тантанали ваъда берган Ҳумкалла чиндан ҳам бу гапни ишонарли қилиб етказди. Гўёки Асадбек Ҳосилбойваччанинг бу қабристонга кўмилганини билиб, «Бошқа мозорга қўйиш керак эди», деб сўккан эмиш.

Ҳалимжон бу хабарни кутилмаган муваффақият деб билиб, керакли жойга етказди.

Бу унинг жиддий хатоси бўлди.

3

Ҳалимжондан бу хабарни олган Саид Қодиров бир ишониб, бир ишонқирамай ўйланди. Ўйлай-ўйлай Зоҳидни чақирди.

— Бир-бирлариға уруш эълон қилмай туриб, ўзаро урушни бошлаб юборгандырып рост чиқапти, — деди у. Сўнг Чувриндининг Москвага бориб келгани, Жамшиддининг пайдо бўлгани ҳақидаги кутилмаган янгиликни айтди. — Бу ерда ғалати ўйинлар бор, ипларни роса чигаллашибтиришган. Чигални ечишни бошлашимиз керак.

Бу Зоҳиддинг кўнглидаги гап бўлди. Аммо энди чигални ечиш осон эмаслигини у билиб турарди. Айниқса Жамшиддинг пайдо бўлиши муаммоси ажаб ҳол эди.

— Суннатуллаевни кузатинг. Ҳамонки, у ўлмаган эканми, демак икки чўнтакларида тўла баҳона бор. Мени бир нарса хавотирга соляпти. Бизнинг одам дастлаб Ҳосилбойвачча қаерда кўмилгани билан қизикканда уларнинг одами айтмаган. Ҳолбуки, у ҳам ўша куни Асадбекнинг эски ҳовлисига яқин жойда пойлоқчиликда бўлган. У қабристонни уч кундан кейин айтган. Энг муҳими — гапни ўзи бошлаган.

— Бизни чалғитмоқчи бўлган, демоқчимисиз?

— Чалғитиши бир масала. Иккинчи масала — бизнинг одамга қармоқ ташлашган. Ундан шубҳаланишган бўлса-чи? Биз ўша қабристонни боссак, шубҳалири тасдиқланади. Ана унда одамимизни аяб ўтиришмайди.

— Бу турган гап. Понани пона билан чиқаради, деган гап бор. Агар улар бизни чалғитмоқчи бўлса, биз ҳам шундай қиласайлик.

— Масалан, қандай?

— Масаланми... Бошқа бир-икки қабристонни суриштирган бўламиз-у, улар айтганга яқинлашмаймиз.

— Бутунлай борилмаса ҳам шубҳали. Уч-тўрт қабристондан сўнг у ерга ҳам ўтиш керак. Ҳозир қўлингизда қандай иш бор?

Зоҳид Ботировнинг охирлаб қолаёзган «Иш»и ҳақида қисқача маълумот берди.

— Қабристонлар билан ўзингиз шуғулланинг. Гўрковлада гап кўп.

Бу ташрифдан сўнг Зоҳиддинг кўнгли ёришди. Кўчага чиқканда осмон ўйини авжда эди. Бевош булутлар чоки сўқилди-ю, Зоҳиддинг кўнглига ҳамоҳанг равища қуёш бир чараклади...

дай омадли ҳис эта бошлади. Улар айтган қабристон эмас, бошқаларининг текширилиши, гўрковларнинг сўроқ қилиниши Ҳалимжонга бўлган гумон оловини заррача бўлса ҳам пасайтирмади. Хизматга келган дастлабки кунларида бўйин эгмаган бу йигитни Кесакполвон унча ёқтирмас эди. Эндиғи қизиқиши туфайли уни қармоқقا илинтириб, шу билан Чувринди юзига тарсаки урмоқчи, Асадбекни ундан совутмоқчи эди.

Ана шу ташвишлар билан юрганида унга яна омад кулиб боқди: уйига Маматбей кириб келди.

Кесакполвон майшатни барвақт якунлаб, уйига тунги соат иккиларда қайтган эди. Маматбей ўн беш дақиқадан сўнг дарвоза кўнғирогини чалди.

Кесакполвон Асадбекка тақлидан болохона қурдирган, унда икки йигит галма-галдан пойлоқчиллик қилишарди.

— Хўжайнингни чақир, — деди Маматбей пойлоқчига.

— Сиз ким бўласиз?

— Хонгирейман, Масковдан келдим.

Кийимини алмаштираётган Кесакполвон йигитнинг гапини эшитиб, «калланг борми?» деб сўкинди. Шубҳасизки, у Хонгирейнинг келганига ишонмади. Аммо «Хонгирейман», деган аҳмоқ ким экан?» деган қизиқиши билан елкасига тўн ташлаб, дарвозахонага чиқди. Маматбейни кўриши билан таниди.

— Салом, қардошим, Хонгирейдан сенга улуғ саломлар, — деди Маматбей у билан кўриша туриб.

— Саломат бўлсинлар, — Кесакполвон шундай деб, уни уйга таклиф қилди.

— Ўзбекларга қойилман, — деди Маматбей, меҳмонхонага кириши билан, — дастурхони доимо шай туради.

Маматбей иззатталаб инсонлардан эмас эди. Кесакполвон «Олинг» деб таклиф қилиши билан дастурхондаги ноз-неъматлардан бетартиб равишда истеъмол қила кетди.

... Бу хонадонга у ўз хоҳиши билан келмади. Хонгирей чиндан ҳам Кесакполвонга салом айтган эди.

Чувринди юргига қайтгач, Хонгирей бир режани обдон пишириш учун бир-икки кун ўйланди. Сўнг Маматбейни чақирди.

— Ўзбекларни нима қилсан экан? — деб сўраб, унга синовчан тикилди.

- Улар ўйин қоидасини бузишди. Майдондан чиқариб ташлаш керак, — деди Маматбей дангалига.
- Мен уларни тўсатдан чиқариб ташлай олмайман.
- Нега?
- Ўзбекларга кўл кўтаришга ҳаққим йўқ. Улар дин қардошлар, бу бир. Иккиламчи, улар устозимга нон беришган. Агар уларга кўл кўтарсан Зели оғамнинг руҳи чирқирайди.
- Уларни жазосиз қолдирмоқчимисиз?
- Ҳосилни Асад ўлдирган. Унга тегмасам ҳам эрта-индин ўзи ўлади. Иккита лайчасини нима қиласми?
- Очифи... билмайман, — деди Маматбей. У осон йўлини айтган эди, ҳожаси унамади. Маматбей унинг яширин нияти борлигини пайқаб, жавобдан бўйин товлади.
- Бизга уларнинг биттаси керак. Қайси бири?
- Зўрроғи-да, — деди Маматбей.
- Қайси бири зур?
- Билмайман.
- Шуни аниқлайсан. У ҳам зўр бўлсин, ҳам бизга итоат этсин — Ҳосилнинг ўрнини боссин. Ўйла!
- Маматбей бош эгиб, ўйланган бўлди. Кейин елка қисиб «Амр ҳожамдандир», деган маънода қаради.
- Мен Маҳмудбейга Асаднинг ўрнига сен бўласан, дедим. У бир оз ноз қилди. Лекин мен бунақа нозларга ишонмайман. Ҳали таҳтдан воз кечадиган аҳмоқ дунёга келмаган. Юрагига чўғ солғанман. Иккинчи чўғни сен Гайдарга соласан. Ана энди иккиси олишин. Ақллиси, зўри қолади. Бизга ўшаниси керак.
- ...Ярим кечада Кесакполвон уйига келган Маматбейнинг асосий вазифаси шу — бўлажак таҳт эгаси қалбига чўғ солиш эди. Аслида бунда чўғ эмас, тўғрироғи, олов мавжуд эди. Маматбей энди бу оловга мой сепиб аланг олдирмоғи даркор.
- Маҳмудбей Масковдан қандай гап олиб келди? — Маматбей шу саволни бериб, айёrona кулимсиради.
- У Хонгирейнинг совғасини олиб келди, — деди Кесакполвон, гапни қисқа қилиб.
- Асадбейнинг соғлиғи қалай?
- Яхши, — Кесакполвон шундай деб ажабланди.
- Бу касал ёмон... охири олиб кетади...
- Нима деяпсиз?
- Ракнинг давоси йўқ.
- Рак деб ким айтди сизга?

- Ким айтиши мумкин? Ҳа, яна бир савол: Асадбей нима сабабдан Ҳосилбейни отди, билмайсанми?
- Асадбек отмади.
- Сенга ёлғон гапириш ярашмайди. Асадбейнинг ўрнига ўтирадиган одам ҳақгүй бўлиши керак.
- Ҳақгүй денг... Битта донишманд айтган экан: «Агар рўпарангдан заҳарли илон билан ҳақгүй чиқиб қолса, аввал ҳақгүйни ўлдир».
- Биз ундей донишманд эмасмиз. Биз оддий одамлармиз. Ҳақгүйларни яхши кўрамиз.
- Ҳақиқат шуки, ўша куни мен бошқа ёқда эдим.
- Билишимизча, Ҳосилни сен кўмибсан?
- Ким айтди?
- Ким айтиши мумкин? — деб жилмайди у. — Умуман савоб иш қилгансан. Мусулмонни кўмиб қўйган яхши.
- Шу гапларни... Маҳмуд айтдими?
- Айтмаганида... Жамшидбей иккита каллани кўтариб келган бўларди. Филай садоқатлироқ экан, чурқ этмади. Сенлар ўргатган гапни тўтиқушдай такрорлайверди.
- Бу гапларни нима учун менга айтяпсиз?
- Хонгирей Асадбей ўрнида сени кўрмоқчи. Маҳмудбейда шундай ҳаракат борлиги бизга маътум. Лекин у эплай олмайди. Асадбейнинг энг яқин одами — сенсан. Биз сенларнинг ишларингизга аралашмаймиз. Ўзларинг ҳал қилиларинг. Мен «лалайиб ўтириб, ўлжани оғзингдан олдирма!» дегани атайн келдим.
- Кесакполвон унинг келишидан мақсадини сезгандай бўлди. Шу боис ўсмоқчилаб сўради:
- Агар ёрдамингиз керак бўлса-чи?
- Биз — қардошлармиз, — деди Маматбей.
- Кесакполвон келажакда нима бўлиши билан иши йўқ, бугун ҳамнафас топилганидан қувониб, қадаҳни уриштириб ичди.

XXI б о б

I

Ривоят қилишларича, Мусо алайҳиссалом Бани Исроил қавми билан Фиръавн зулмидан қутулмоқ ниятида Мисрдан чиқиб кетаётгандарида йўлларини тўсиб турган денгиз Оллоҳнинг қудрати илик иккига

бўлиниб, барчалари ундан эсон-омон ўтиб олган эканлар. Қувиб келаётган Фиръавн ва унинг лашкарлари ўртага келгандарида денгиз изига қайтиб, қўшилиб уларни қаърига ютган экан. Ўлеми ҳақ эканини билган Фиръавн иймон келтириб «Мен мусулмонлардан-дирман — Оллоҳга бўйинсунувчилардан дурман», деган экан.

Асадбек ҳам Абдураҳмон табибникида шу ҳолда эди. Гарчи у Фиръавн каби ўзини Худо деб билмаган бўлса-да, Оллоҳнинг бирлигига ҳамиша ишониб келган эса-да, иймон чегарасига анча кеч яқинлашган эди. Фиръавн учун айтилган «Ал ана ва қод осойта қаблу ва кунта минал муфсиидий»¹ ояти каримасини балки Асадбек учун ҳам эсламоқ жоиздир, валлоҳи аълам? Бу каби ҳукм этмакка бизда (хуқуқ) йўқтур. Аммо Расули Ақрам жанобимиз Оллоҳдан ривоят этган сўзда буюрилганки: «Йа бани Адама! Иза вақаат фил балаи закартани ва иза кашафтуху насийтани кааннака мaa арафтани».²

Асадбек кабилар учундир, деб фикр қилишимизнинг боиси шундаки, аzon товшини эшитганда, хусусан Абдураҳмон табибникида ибодатни ихтиёр этган одам, хасталиги чекина боргани сайин яна асл ҳолига қайта бошлади. Бу фофил банда шифога етишмоғи бир синов эканини, булутлар орасида кўринган қуёш дилларни бир яратиб, сўнг яна беркинишини, сўнг кўп ўтмай тун бошланаяжагини қайдан билсин?

Абдураҳмон табибникида «Уйга боргач, ҳар куни масжидга чиқаман», деган қарорга келган Асадбек аҳдига вафо қилмади, ўз ташвишларига берилиб кетди.

Айниқса, Хонгирейнинг совфаси уни кўп ўйламоқ-қа, тадбир билан иш юритмоққа маҳбур этди. Жамшиднинг озгина муддат бўлса-да, Хонгирей қўлида таълим олиб қайтгани ҳам унга бир ташвиш эди. Шу боис унинг изидан одам қўйди, қизини ҳам кузатди. Зайнаб кўпроқ ота уйида бўлгани сабабли уни ортиқча кузатишнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Лекин бу кузатув бошқа натижа берди: Кесакполвоннинг Зайнаб атрофифа ўралашиб юришини Асадбекнинг ўзи ҳам сезди,

¹ (Фиръавнга) дейилдики: «Ҳаётдан умид узганингда (энди) иймон келтирдинми? Йлгари Оллоҳга осийлик қилган ва бузгунчилардан бўлган эдинг?!»

² Эй Одам фарзанди, қачон бало ва мусибатта йўлиқсанг, мени ёдга оласан. лекин қачон у балони сендан кутарсам, мени ҳеч танимас кишидек эсдан чиқариб юборасан.

йигитлар ҳам айтишди. Ҳамиша бузуклик ботқоғига ботиб юрувчи Кесакполвоннинг Зайнаб атрофида ивирсишидан Асадбек бошқа гумонга борди. Шаҳар марказидаги уч қаватли иморатнинг ертўласига жойлашган идорасида Кесакполвон билан ёлғиз қолганида шу мавзуда гап очди:

— Зайнабнинг атрофида нима учун ўралашиб қолдинг? — деди Асадбек унга қаттиқ тикилиб.

Кесакполвон бир кунмас-бир кун шундай савол берилишини кутгани учун довдиралади.

— Мен унинг амакисиман. Ўз қизимдан аъло кўраман. Бечора эзилиб кетди-ку?

— Сенинг ишинг бўлмасин. Эзилиб кетган бўлса, қарайдиган отаси бор.

— Маҳмудга ҳам шундай дейсанми?

— Маҳмуд мен айтган ишни қилади.

— Маҳмуд уни игнага олиб борди.¹

— Бекор айтибсан!

— Сен яширганинг билан деворларнинг кулоқлари бор. Бизга ҳам етиб келади. Ўзинг гап очдинг, айтай: ўғилларингни олим бўлишини истардинг — бу ўзингнинг ишинг. Менда ўғил йўқ. Қизим ясан-тусандан бошқасини билмайди. Лекин Зайнаб бошқача. У сенинг йўлингдан бормоқчи. У сенга ўхшайди. Ақлли, кўрқмас, қасоскор...

— Валдирاما! — деди Асадбек жаҳл билан. Кейин бехосдан қизининг «Уларни ўзимга қўйиб беринг» деган овозини қайта эшитгандек бўлди.

— Энди сен валдирамай эшит: Зайнаб ўч олмоқчи экан, мен ёрдам бердим.

— Қанақа ўч?

— У Мардонани ўлдириди... ўз қўли билан.

— Бекор айтибсан! Уни... қаердан топдинг?

— У Филайнинг ўйнаши эди.

— Ҳайвон! Сен ҳаддингдан ошяпсан! — деб бақириди Асадбек.

— Ҳайвон бўлсам ҳам сенга содикман. Фақат сенга яхшилик қилишни ўйлайман.

Яхшилик қилиш... Асадбек фарзандларини бу ишлардан нари бўлишларини истар эди. Нодон аъёни эса қизини бу йўлга киритиб, яна «яхшилик қилдим» деб керилади... Асадбек қизининг одам ўлдириши мум-

¹ Гиёҳвандга айлантириди, демоқчи.

кинлигини тасаввурига сифдиролмас эди. Ҳозир ҳам бир зумгина кўзларини юмиб аввал тўппонча ушлаган, сўнг пичоқ санчаётган, сўнг... бўғаётган Зайнабни кўриб инграб юборди-да, кулданни олиб, рўпарасидаги Кесакполвонга қараб отди. Оғир кулдан елкасига тегиб, зириллатган бўлишига қарамай, Кесакполвон сапчиб туриб, Асадбекнинг кўлларига ёпиши.

— Асад, ўзингни тут, жаҳдинг чиқмасин!

— Сен... ҳайвон, мактабдалигингда баҳарамга туфлаган эдинг. Энди юрагимга туфламоқчимисан?

— Ундей дема, Асад, мен фақат ишимизни ўйладим.

— Ҳе, ишингни!.. — Асадбек бўралаб сўкди. Кесакполвонни нари итариб, тепмоқчи эди, кучи етмади. Илгариги ҳоли бўлганда бу одамчани булғалаб ташланган бўларди. Куввати етмагани боис бутун қаҳрини тили орқали сочди: — Сен кесак полвон эдинг. Ҳоҳлайсанми, йўқми, шундайсан. Сен одам бўлмайсан ҳеч қачон! Иўқол, турқингни кўрсатма!

Кесакполвонни авваллари ҳам Асадбек сўкиб турарди. Лекин бу сафаргиси ошиб тушди. Аввалгилари Кесакполвоннинг ўнг қулоғидан кириб чап қулоғидан чиқарди. Буниси ҳар икки қулоғидан кириб юрагига курум каби ўтириди. Асадбекнинг бу қадар газабга мимиши сабабини излаб, кўз олдига Чувриндини келтирди. Аммо ҳожасига сир бермади. Асадбек уни идорасидан ҳайдаб чиқарган бўлса-да, эртасига нонушта пайти ҳожасиникига қаймоқхўрликка келди. Асадбек уни уйидан қувмади.

2

— Ҳа, йигитнинг гули, бормисан бу оламда?

Ўйга толиб ўтирган Жамшид Кесакполвоннинг овозини эшишиб, енгил сесканди-да, кўришмак учун ўрнидан жилди.

Қувфинди бўлганидан бери тақдир ўйинларига ажабланиб юрган Жамшид овлоқ кўчаларда адашиб тентираган кимса ҳолига тушган эди. Зелихондан ўзининг «фожиали ўлеми», «дафн маросими»ни эшигтанда таажжубланган эди. Воқеанинг даҳшатини уйида ҳис этди.

Энг аввал ўтгай онасининг эси оғиб қолаёзди. Эрига овқат егизаётган аёл ҳовлида ўтгай ўғлини кўрди-ю,

аввал кўзларига ишонмади. Жамшид уйга кириб, салом бергач, «Вой, вой, худойим!» деганича ўрнидан қўзғалолмай қолди. Тилдан, ҳаракатдан қолган отаси кўзларидаги эса ёш кўринди. У ўғлининг «ўлимидан» бехабар бўлса-да, қалби бир ёвузликни сезган, ўзини соғиниб ётган эди.

Кейин қариндошлар йўқлови бошланди. Биринча гап бўлганини батафсил билишни хоҳлади, биринча шунчаки кўнгил сўрайди.

Кесакполвондан сал олдин келиб кетган меҳмон эса шунчаки сўрамади. У бўлган воқеаларни ипидан-игнасигача билишни истади. Бу меҳмон — Зоҳид эди.

Зоҳид сўроқни узоқдан — унинг биринчи қамалишидан бошлаб, гапни «ўлими»га олиб бориб тақади. Жамшид Чувринди билан пишитган маслаҳатига кўра «номаълум кишилар машинасини тўхтатишганини, уриб, бехуш қилиб номаълум ёққа олиб кетишганини, бир неча ой ертўлада сақлашганини» айтди. Зоҳид унинг уйдирмаларини индамай ўтириб эшилди. «Бир неча ой ертўлада ётганини» эшишиб, унга тикилди-да, ўзича «Бир неча ой ертўлада ётган одамнинг ранги бунақа бўлмас», деб ўйлади. Бироқ, гумонини сиртига чиқармади.

— Улар сизни нима учун уришди, нима сабабдан қамаб кўйиши? — деб сўради Зоҳид.

Бу кутимаган саволга Жамшид қийналмай жавоб қайтарди:

— Аниқ билмайман. Йигитчилик... Бир қиз туфайли бўлса керак.

— Ким у қиз?

— Фақат исмини биламан. Кўчада танишганман. Убрашиб турардик. Унга ҳали тегинмаган эдим.

— Нима учун айнан шу қиз туфайли деб ўйлаяпсиз?

— Ертўлада бир гап бўлувди. «Қизни узатамиз, агар номуссиз чиқса — сенинг ўлганинг» деб шарт кўйишган.

— Демак, улар тўйни кутишган, шундайми?

— Шунақадир.

— Агар қизга совчи келмаса, бир-икки йил ертўлада ётармидингиз?

— Шунақага ўхшайди.

— Шу қизга ўзинг уйланасан дейишмадими?

— Бунақа шарт бўлмади.

— Шу айтган гапларингизга ўзингиз ишонасизми?

— Сиз ишонмаяпсизми?

- Хўп, ишондим ҳам дейлик. Хўш, унда нима учун ўлихонадан мурда олиб ёқиб кетишиди.
- Сабаби оддий: мени қидиришмасин, дейишган.
- Ким қидиради?
- Бизда йўқолган одамни ким қидиради? Милисада.
- Сизнинг бундай йўқолганингизни Маҳмуд акангиз ҳам билмасмидилар?
- Ҳеч ким билмаган.

Зоҳиднинг тилига бир савол келди-ю, айтишдан олдин ўйланиб қолди.

«Сиз Маҳмуд акангиз билан бир самолётда келибсиз, сиз қамалган ертўла Москва томонларда эдими?» — деб сўрашнинг айни пайти эди. Лекин бу хабарни Сайд Қодировга етказган одам шубҳа остига тушиб қолишини ҳисобга олиб, саволни кейинги учрашувлар учун асраб қўйди.

Зоҳид сукутга берилгани ҳолда Жамшиддан кўз узмас эди. Сезгирикда анча-мунча одамга дарс бера олувчи Жамшид эса бу қарааш замирида кўп гаплар яшириниб ётганини фаҳм этарди. Шунинг асносида тўқиган уйдирмалари пуч эканини ҳам ҳис этиб, ўзидан ўзи норизо бўларди.

Зоҳиднинг сукути узоқ чўзилмади.

- Сиз телевизор кўриб турасизми? — деди у.
- Ҳа, унда-бунда... — деди Жамшид саволдан мақсадни уқмай.

— Бир эълон беришяпти. «Хайрли тун, кичкин-тойлар», деган кўрсатувлари бор. Шу кўрсатувни олиб бориш учун яхши эртакчи одам керак экан. Бир хабарлашинг. Шу иш айнан сиз учун, — Зоҳид шундай деб заҳарли жилмайди-да, хайрлашиш учун кўл узата туриб қўшимча қилди: — Эртакларингизнинг муҳлисиман. Яна учрашамиз. Янгиларидан эшитаман, деган умидим бор.

Ҳамиша дангал гаплашишга ўрганган, сўз келмаган тақдирда мушт тилида гаплашган Жамшид бу кинояни ҳазм қила олмади. Бундай учрашув ҳали кўп бўлишини англаб, фижинди. Мурдани осиб ёқиб юборган акахонларининг катта хатога йўл кўйганларига унда шубҳа йўқ эди. Уларнинг оламида катта хатолар қон эвазига тузатилгувчи эди. Бу хато кимнинг қони эвазига тузатиласди?

Жамшид шу саволга жавоб излаб ўтирган дамда таниш овозни эшитди:

— Ҳа, йигитнинг гули, бормисан бу оламда?

Жамшид Кесакполвонни Асадбек ҳузурида кўргандан бери учрашмаган эди. Унинг уйга кириб келишидан ажабланган ҳолда саломлашди. Кесакполвон батартиб хонага кўз ташлаб олгач, диванга ўтириди.

— Ҳайдар деган акахоним бор эди, деб бир йўқлаб ҳам қўймайсан-а? — деди у гина оҳангиди.

— Биздан нарироқ юрсин, деган гапни эшитувдим, — деди Жамшид худди шу оҳангда.

— Бу Бек акангнинг гапи. Сен ундан хафа бўлма. Ҳозир касал, юрагига ҳеч нарса сифмаяпти.

— Бек акамдан хафа бўлган куним — ўлган куним.

— Бу гапни яхши айтдинг. Асаддай одам бу дунёда бошқа йўқ. Сен ўзимизнинг одамсан. Шунинг учун сени ўлимдан олиб қолдим. — Кесакполвон «ўлимдан олиб қолдим» деган гапга алоҳида ургу бериб, «тириклигинг учун Маҳмуд акангта эмас, менга қуллуқ қил», деб шама қилди. — Ҳозир ишларимиз бироз нотинчлигини биларсан? Ҳар ҳолда Красноярларда бекор юрмагандирсан?

— Козловни қидирдик.

— Буни биламан. Сен Хонгирейнинг қўлига қандай тушиб қолдинг?

Жамшид бу тафсилотни яширмай, барчасини айтиб берди.

— Хонгирей билан ҳеч гаплашдингми?

— Йўқ.

— Сенга улар қандай топшириқ беришли?

— Ҳеч қандай. Юртингга жўна, дейишди, вассалом.

— Кузатиб юр, бирон гап бўлса етказасан, дейишмадими?

— Мен гап етказадиган хотинчалиш эмасман.

— Эркаксан, эркак! — Кесакполвон унга бир оз тикилди-да, сўнг гапини давом эттириди. — Масковдан Маҳмуд аканг билан отамлашиб келибсан-да, а? Маҳмуд аканг сенга қанақа топшириқ беряпти?

— Ҳозирча уйда ўтири, деганлар.

— Сен уйда тухум босиб ўтиришни хоҳламасдинг, шекилили?

— Иш бўлса, айтинг, қиласай?

— Бир иш бор. Лекин буни иккаламиз биламиз. Бек аканг ҳам, Маҳмуд аканг ҳам сезмаслиги керак. Шу шартта кўнсанг, айтай.

— Сиз... улардан яширинча иш юритмоқчимисиз?

— Ақлинг ўтмаслашиб қолибди, бола. Хаёлингга дарров бузук фикр келдими? Мен шерикларимга қарши иш қиласынан номардманми?

— Үндай деганим йўқ.

— Ҳе, сени устозингни... — Кесакполвон икки оғиз «ширин сўзлар»дан сўнг муддаосига яқинлашди. — Бир одамда шубҳа бор. Шуни кузатиш керак. Хитларнинг хизматини қилаётганини сезган заҳотинг йўқотасан.

— Ким?

— Сен аввал шартимга розилигингни айт.

— Розиман.

— Ҳалим деган бола. У сенинг ўрнингни босмоқчи эди. Бек акантга, Маҳмуд акантга ҳам яқин. Бурни узунга ўхшайди. Бир нималарнинг ҳидини олиб юрибди. Сен азият чеккан боласан. У билан ошна бўлиб олиб, бир-икки минифирлаб ҳасрат қил. Хуллас, илон бўлиб қўйнига кириб ол. Чак, дейишим билан чақиб ўлдирасан.

Кесакполвон бир ўқ билан икки қўённи урмоқчи эди. Аввало Жамшид топшириқни бажарса, Ҳалимжонни йўқ қилиши мумкин. Лалайса, эплай олмаса, Ҳалимжон уни гумдон қиласи. Ҳар икки ҳолатда ҳам ютуқ Кесакполвонда бўлади.

У ўйлаб топган тадбиридан бениҳоя шод эди.

3

Аъёни билан бўлган можаро Асадбекнинг дилини хуфтон қилди. У ўзининг хасталиги аъёnlари орасига раҳна солиши мумкинлигини тахмин қилиб юради. Тўрт-беш йил илгари эшитган бир латифани такрорлаб туришни яхши кўради. Табибдан қайтганидан бери Кесакполвоннинг Чувриндига нисбатан айтәётган гаплари уни анча сергак тортириди. Икковини ёнига олиб: «Мен ҳали тирикман. Ҳозирдан бир-бирингни ғажиши бошламаларинг», демоқчи ҳам бўлди. Кейин «балки мен адашаётгандирман», деб ўйлаб фикридан қайтди. Фақат бир латифа айтиб берди.

Бу аччиқ ҳақиқатдан иборат латифани шарҳлаб ўтирамади. «Узлари тушуниб, холоса чиқариб олишар», деб ўйлаб, нодонлик қилди. У адашди: зулм мевасидан баҳраманд одамларни латифа айтиб тарбия қилмоқ мутлақ мумкин эмасдир. Ташлиникни сув қондириши қанчалик ҳақиқат бўлса, Кесакполвонга бу гапларнинг

таъсир этмаслиги ҳам шунчалик ҳақиқат эди. Ҳонгирейнинг суҳбатидан сўнг ўзини ахён-ахёнда бўлса-да «тхат» устида кўра бошлаган Чувриндига ҳам энди бундай гаплар таъсир этмас эди.

Асадбекнинг ғазаб отига миниши фақат Зайнаб туфайли эмас эди. У аъёнларининг тахт талаша бошлаганига ишониб бораётган эди. Ҳонгирей билан муносабат бузилганда буларнинг хурмача қилиқлари ошиқча эди. Гарчи Ҳонгирей у билан телефонда сўзлашган бўлса-да, Асадбек унинг юборган «совфа»сидан шум ниятини англади. Ҳосилбойваччани ўлдириб, хатога йўл қўйганини ҳам фаҳм этди. Вазият кескинлашган дамда Кесакполвоннинг Зайнабни бу оламга тортиши унга мудҳиш ҳол бўлиб туюлди.

Кесакполвонни ҳайдаб чиқаргандан сўнг Зайнабни тезлик билан Олмонияга жўнатмоғи лозимлигини англади.

Шу фикрда уйга қайттанида, ҳовли ўртасида туриб олиб Зайнабга ақл ўргатаётган Жалилни кўрди. Жалил дарвозага орқа қилиб тургани учун Асадбекнинг келётганини сезмай ваъзини давом эттириди:

— Шунаقا, қизим, ота ўтирган уйнинг томига чиқиб бўлмайди...

Зайнаб отасига салом бергач, Жалил орқасига ўтирилди.

— Энди кетмоқчи бўлиб турувдим, аҳволинг қалай? — деди ошнаси билан сўрашиб.

— Яхши, — деди Асадбек тумтайган ҳолда.

Ошнасининг кайфияти бузуқ эканини сезган Жалил, уйига қайтиш фикридан воз кечиб, унга эргашди.

Асадбек ичкари кирди-ю, лўлаболишини қўлтиғига олиб, ёнбошлади.

— Ҳа, мазанг қочдими? — деб сўради Жалил, унинг рўпарасидан жой олиб.

— Бирпас жим ўтири.

— Гапим ёқмаётган бўлса, кета қолай!

— Бирпас жим ўтири, деяпман!

Жалил «хўп» деб тиз чўкканича, итоаткор талаба сингари индамай ўтириди.

Хонадаги сукунат то Зайнаб чой олиб киргунича чўзилди.

— Ада, овқат олиб келаверайми, олдин дорингизни ичиб оласизми?

— Ҳа, албатта, олдин дорини ичади, — деб Асадбек ўрнига жавоб берди **Жалил**.

Асадбек дорини ичди-ю, аммо овқатга қарамади. Илон кукуни солинган қайнатма шўрвани хўриллатиб ичиб олган **Жалилни** тер босди.

— Бўлди, энди жа оширвординг. Сени тумтайи-шингни кўрган одам, бу кўёвтўранинг хотини қари чиқиби, деб ўйлади. Овқатингни ич.

— Овқат ўтмайди.

— Бўлмаса, ёрила қол: нима бўлди?

Жалилнинг гапида жон бор: ёрилмаса, дардини айтмаса бўлмайди.

— **Жалил...** — шундай деб тин олди. — **Жалил...** мен оғирлашганимда... Ҳеч нимани сезмадингми?

— Нимани?

— Ҳайдар билан Маҳмуд ўртасида гап ўтмадими?

— Ҳа, буми... — **Жалил** унинг мақсадини англади. — Энди, оғайни, ўзинг гап очдинг, айтай: мол аччиғи — жон аччиғи, деган мақол бор. Подшо касал бўлса, меросхўрлар пайт пойлашади.

— Улимимни кутишяптими? Шунаقا демоқчими-сан?

— Мен уларнинг ичидаги мақсадларини бил-майман.

— Ҳайдар Маҳмудни тинч қўймайди, деб чўчияп-ман.

Чўчияпман... Ҳеч нарсадан қўрқмайдиган Асадбек-нинг чўчиши қизиқ... «Чўчиётган бўлса, юраги бир нарсани сезган», деб ўйлади **Жалил**.

— Ҳайдарингнинг қўлидан ҳар бало келади. Сенга неча марта «Шу паканангнинг турқи совуқ, ўзингдан узоқлат!» деб айтувдим-а?

— Вақтида менга керак эди. Ёрдами кўп теккан. Энди замон ўзгарди, лекин у ўзгармаяпти. Замонга қараб иш юритмайди.

— Ўшанинг ўзгаражканми? Букирни гўр тўғри-лайди. Сенга анчадан бери айтишга тилим бормаёт-ган эди. Сен унинг бир қилиғини билиб қўйишинг керак. — **Жалил** шундай деб унинг Абдураҳмон табибга учрашгани, сўнг отларини оттирганини айтди. Бу гапларни эшитган Асадбек қаҳр отига минди:

— Хунасанинг чотини айириб ташлайман! — деб бақирди.

Жалил уни фикридан қайтаришга уринмади. Агар

Кесакполвон ҳозир шу ерда бўлганида бир балога учраши нақд эди. Бахтига орада тун бор. Тун ва сокинлик Асадбек учун маслаҳатчи бўлди. У ўйлай-ўйлай Кесакполвон билан ҳозирча муроса қилмоқ жоиз эканини англади. Шу боис ҳам эрталаб Кесакполвон қаймоқ кутариб кирганида уни қувмади, ғазаб отидан тушмаган бўлса-да, қаҳрини сочмади.

Қаймоқ устита нон тўғраётган Кесакполвонга синовчан тикилди-да:

— Ҳайдар, сен отларнинг фарқига борасанми? — деб сўради.

Кесакполвон бу саволдан сўрафувчининг мақсадини англаган бўлса-да, сир бой бермади.

— Қанақа отлар?

— Ҳа, энди отлар ҳар хил бўлади: аравага кўшадигани, улоқчиси.

— Қазига бопи...

— Ҳа, билар экансан.

— Мен отларнинг фарқига бормайман. Нега сўраяпсан?

— Зўр улоқчи отлардан иккитасини топиш керак. Нархи осмон баравар бўлса ҳам сотиб оламиз.

— Нима бало, улоқ чопмоқчимисан?

— Мени даволаган табиб улоққа ишқибоз экан.

Шунга совға қиласиз.

— Яхши ўйлабсан. Гап йўқ, топамиз.

— Ўша табибнинг отларини кимдир отиб кетибди...

Қаймоққа бўккан нонни ҳузурланиб чайнаётган Кесакполвон бир ҳўплам чой билан луқмасини ютди-да:

— Жалил айтдими? — деди беписандлик билан.

— Ҳа, айтди.

— Бекор айтибди. Мени биласан-ку, ғашимга теса ўзини отаман. Отлари билан нима ишим бор?

— Жалилнинг гапи ёлғонми ё сеникими?

— Уйингда Куръон бўлса бер, Куръон урсин, агар ёлғон гапирсам.

Асадбек унинг қасамига ишонгандай бўлди. Кўнглидан «Хали бу гапга қайтамиз», деган фикрни ўтказиб:

— Қаймогингни е. Бир ҳафтада зўр отлардан топасан, бу сенинг қўлингдан келади, — деди.

Кесакполвон уч кунда отларни топди. Абдураҳмон табибга етказди. Аммо у отларни олмади, изига қайтарди. Бундан ғаши келган Кесакполвон уларни сўйдириб, қази қилдириди.

I

Жамшид «Хонгирейдан ҳеч қандай топшириқ олмадим», деб ёлғон гапирган эди. Филай ўлими олдиdan Ҳосилбойваччани ўлдирган Элчинни отганини айттан бўлса-да, унинг гапларига унча ишонишмаган, Ҳосилбойваччани Элчин ўлдириши улар учун ҳақиқатдан узоқ бир гап эди. Жамшиднинг вазифаси эса айни ҳақиқатни билиш эди.

Кесакполвон келиб-кетган куннинг эртасига Элчин ётган касалхонани қоралаб бориб кузатди. Кейинги кун оқшом чоғида Элчинни йўқлаш мақсадида келиб, Асадбекка тегишли машиналардан бирини кўрди-ю, ўзини панага олди.

Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтгач, Зайнаб кўринди. Бошини эгиб юриб келган Зайнаб ҳеч қаёқقا қарамай машинага ўтироди. Жамшид ҳайдовчини танимади. «Ҳайдар акам айтган йигит шуми?» деб ўйлади.

Жамшид «буёқقا кириш мумкин эмас», деган ҳамширанинг чўнтағига пул солиб кўйди-ю, ўз уйига кириб бораётгандай эшикни бемалол очиб, остона ҳатлади.

Элчининг кўзлари ярим юмуқ — унинг ўлик ёки тирик эканини билиш мушкул эди.

Элчин кўз олдини қоплаган хира парда орқали Жамшидни таниди. Бу жингалак сочли йигитни унтиш мумкин эмасди.

Хозиргина Зайнаб келиб кетди. Табиб Элчинни беҳуш деб ўйладими, «Эрингизни уйга олиб кеттанингиз маъқулмикин?» деди. Элчин бу гапни эшилди. «Ишим хуржун шекилли?» деб ўйлади. Кейин Зайнабнинг овозини эшилди:

— Агар эримга бир нима бўлса, ҳаммангиз қурийсиз!..

Овоз Зайнабники... лекин оҳанг... Зайнаб бу оҳангда гапирмас эди...

Элчин хотинининг қалбдаги Кумушбибини осиб, Асадбек қизига айланмоқчи бўлаётганидан бехабар эди. Шу боис гап оҳангни унга бегона туюлди.

Зайнаб чиқиб кетиши билан... Жамшид кирди. Элчин орада ўтган ярим соатни сезмади. Назаридан Жамшид изма-из кириб келгандай бўлди.

«Дарров топишиб олишибдими? Ўшанда Зайнаб тўғрисини айтганмиди?

«— Мен Жамшид акамни яхши кўрардим... Сизга хиёнат қилдим!..»

Зайнабнинг бу фарёди ёлидан кўтарилгани йўқ. Бу фарёд ўқтин-ўқтин кўзғолиб юрак ярасига туз сепарди. Шундай пайтда Элчин руҳ азобида бир инграрди-ю, «Зайнаб жон аччиғида айтди», деб ўзини-ўзи ишонтира бошлар эди.

Хозир эса...

Ўзини ўзи ишонтиришга ҳаракат ҳам қилмади.

Чунки... рўпарасида хотини ёқтириб қолган ўша одам турар эди.

Жамшид унга яқинлашди.

«Нимага яқин келяпти? Бўғиб ўлдирмоқчими? Биратўла Зайнабга эга чиқмоқчими?»

Жамшид яқинлашиб, у томон энгашди:

— Ҳофиз ака, эшитяпсизми?

Элчиннинг юзига унинг нафаси урилиб, енгил сесканди.

— Ҳофиз ака!

— Гапиролмайдилар, — деди хонага кириб келган ҳамшира.

— Тилдан қолганми?

— Келганларидан бери гапирмайдилар. Гапирмасалар ҳам керак.

— Нима учун?

— Билмасам, дўхтирлар шунаقا дейишяпти...

Яrim очиқ кўз юмилди. Овозлар узоқлашди. У яна уча бошлади. Қуш каби енгил учди. Учди, учаверди...

2

Асадбекнинг муомаласидаги ўзгариш Кесакполвонга маъкул келса-да, айни чоқда сергаклантириди. Назарида «Чувринди укагинаси» ундан ўзини олиб қочаётгандек туюлди. Чувринди Шариф Намозов масаласида Москвага бориб келгач, Кесакполвонни Маматбей йўқлади. «Уканг ҳокимиятни ўз қўлимга оламан, бу ишни мендан бошқа ҳеч ким эплай олмайди», деб Хонгирей билан шартлашди. Хонгирей Асадбекни ҳам, сени ҳам тан олмайди! деб тутаб турган оловга мой сепди. Кесакполвонни бу гапга ишонтириш учун телефонда Хонгирей билан улади.

«— Хонгирей оға, бу мен, Ҳайдарман!

— Қанақа Гайдар?

— Асадбекнинг шериги.

— Мен ҳеч қанақа Гайдарни ҳам, Асадни ҳам танимайман. Менда ишиңг бўлса Маҳмудбейга учраш. Мен Маҳмудбейни танийман!»

Кесакполвон учун шу гап кифоя эди. У «Хонгирейнинг ўзи билан гаплашдими ё бирор йигити мени лақиллатдими?» деб ўйлаб ҳам кўрмади. Чувринди Москвага борганида бу гапнинг тескариси бўлганидан, яъни «Сен тактифимизга дарров жавоб бермадинг. Биз энди сени танимаймиз. Гайдар билан шартномамиз бор», дейишганларидан ҳам бехабар эди.

Чувринди Хонгирейнинг қарорини Асадбекка айтмоққа журъат этмади. Ҳали ҳақиқат экани текшириб билинмаган гапни етказиб «аканг устидан мағзава афдарма», деган таъна эшитмай, деб ўйлади.

Бу унинг энг сўнгги, ҳал қилувчи хатоси бўлди.

Асадбекни уйига кузатишгач, Кесакполвон «Би-ир отамлашишни» таклиф қилди. Чувринди акасининг раъйини қайтаргиси келмади. Улар яrim тунгача улфатчилик қилдилар. Чувриндининг кайфи ошди. Уйга қайтганда дарвозани очган ўели «Асадбек амакимникидан телпон қилишди, тез етиб борар экансиз», деди. Чувринди дарров машинани орқага бурди. Катта кўчага чиқиб, тезликни оширган маҳалда рўпарасида юк машинаси кўриниб, чироқларини ёқди...

«Камаз»дан тушган Ҳумкалла олд томони пачоқланаб бутунлай йўқ бўлиб кетган «Жигули»га пича қараб турди-да, ўзини сал нарида кутаётган машина томон юрди.

3

Дағн маросимига келганларнинг барчаси тарқалди. Қор аралаш ёмғир севалаб тургани учун домла ҳам «Таборак» сурасини яrim қилиб ўқиб кўя қолди.

Одамлар тарқалишгач, Асадбек қабр бошига келди. Иккита бир хилдаги мармар тош. Бирида онаси, иккинчисида Самандар — укаси. Уларнинг ёнига уқадек азиз бўлиб қолган Чувринди қўйилди.

Асадбек осмоннинг кўз ёшлари остида пича турди. Пальтоси ивиб кетди. Юзларини, кўз ёшларини қораралаш ёмғир ювди.

«Бу ер менинг жойим эди, Маҳмуд укам. Сен келдинг. Ёнингда яна бир жой бор... «Мастликда бўлган», дейишиягти. Мен бунга ишонмайман. Сенга қасд қилганни хор қилмасам, отимни бошқа кўяман. Қасос олмагунимча ёнингга келмайман...»

Кимдир қўлидан ушлаб, тортди.

Ўгирилиб қаради: Кесакполвон.

— Сен менинг юрагимга тупурдинг, — деди Асадбек.

— Ундай дема, Асад, агар шу менинг ишим бўлса —
Худо урсин!

— Йўқол...

— Асад...

— Йўқол, дедим!

Кесакполвон уч-тўрт қадам чекинди-ю, аммо йў-
қолмади.

ЭНГ СҮНГИ БОБ

Зоҳид, 1990 йил, 3 февраль.

Прокурор имзо чекканидан сўнг ҳам Зоҳид ишонмади: наҳот адолатга етишган бўлса?! Наҳот Ботиров «Иш»и шу тариқа яхшилик билан якунланса. «Иш-кал»нинг гапи нима бўлди? «Топшириқ билан қамаганмиз, эплай олмайсан» деб эди. Топшириқ билан қамагани тўғри. Оқланиши-чи? Сайд Қодиров айтмоқчи, ўзгаришларнинг мевасими? Замон шунчалик тез ўзгардими?

Ботиров ўзининг кийимларини кийиб, кўчага чиққач, «Алҳамдулилоҳ, Оллоҳ, ўзинг буюксан, қудратлисан!» деб кўйди. Зоҳид уни уйига қадар кузатиб борди. Сўнг қувончини баҳам кўриш учун Ҳамдам Толиповни йўқлади. У топшириқ билан чиқиб кетган, қачон қайтиши номаълум эди. Шундан сўнг илк устоз саналган майор Солиевни кўргиси келди.

Майор Солиев унинг суюнчилик хабарини эшишиб, қўлини сиқди-да:

— Адолатга осонлик билан етиб бўлмайди, — деди.

Ботировнинг озод этилиши Зоҳид учун дастлабки муҳим ғалаба эди.

Асосий курашлар ҳали олдинда.

Бу — энди эртанинг иши...

Асадбек, 1990 йил, 3 февраль.

Асадбек қабристондан түгри эски шаҳардаги уйига борди.

Совуқ уй. Совуқ танча. Худди қирқ йил аввалги каби...

Хўл пальтосини ечмай танчага ўтириб, қунишди. Эти увишди. Дераза орқали кўча эшигига қаради.

— Ҳозир отаси чана кўтариб киради.

— Тойчоқ! — деб эркалайди...

Йўқ, отаси кирмади. Икки номаълум киши кирди.

— Отанг — халқ душмани! — деди.

Сўнг... мактаб ўқитувчиси ўқувчиларни бошлаб кирди. Ўқувчилар саф тортган ҳолда, унга бир-бир яқинлашиб башарасига тупурдилар...

Асадбек инграб юборди.

У ҳар йили ўттиз биринчи декабр куни шу уйда ўтиради. Бу сафар одатини канда қилди — ўша куни табибникида бўлди. Ўзи узоқда бўлса-да, кўнгли шу уйда эди. Қайтгач, неча марта келишга қасд қилди. Аммо ўз ташвишлари билан ўралашиб кела олмади.

Бугун келди. Елкасида бир олам ғам билан келди.

Инсон боласига хос покиза туйғуларни қувган кундан бери орадан қирқ йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Ўшанда митти юрагига ёвузлик тухум қўйган, ёвузликнинг биринчи овозини ўртоғи Жалил эшигтан эди:

— Уларни ўлдираман!..

Ҳозир бу овозни ўзи ҳам эшилди. Эти сесканди.

Кўча эшиги очилди: Жалил кўринди. Орқасида бир одам.

— Асад!

Жалил одати бўйича ҳовли ўртасига келиб чақирди. Овоз бўлмагач, яна чақирди.

— Асад!

— Киравер, — деди Асадбек бўғиқ овозда.

Жалил билан ҳам, нотаниш одам билан ҳам ўтирган жойида саломлашди.

— Бу ўртоқ ижроқўмдан экан, — деб изоҳ берди Жалил. — Ҳозир уйимга келсам, рўйхат қилиб ўтирибди.

— Қанақа рўйхат?

— Бу жойлар бузилармиш. Бу ердан катта йўл ўтармиш...

Бу гапни эшитиб, Асадбек бошини эгиб ўйга толди. Назаридә бульдозер овози эшитилди. Уйга бостириб кела бошлади... Том босиб тушди. Онаси... Саマンдар қолди... Асадбек бир сесканиб, «ижроқұмдан келган ўртоқ»қа қаради:

— Йўлни нариги маҳалладан сол, бу ер бузилмайди.

Нотаниш киши ажабланиб, Жалилга қаради-да:

— Иш бошланган. Лойиҳани ўзгартириб бўлмайди... — деди.

Алқисса:

Эй нафси ҳавосига гирифтор ўлғон,
Шайтон ишига ишинг намудор ўлғон,
Ҳам зуҳд ила иззатка созовор ўлғон,
Ҳам фисқ ила олам элиға хор ўлғон.¹

СҮНГСҮЗ

Алҳамдулилаҳқи, асарга сўнгти нуқта қўйиш фуррати етди.

Мен кўркув билан иш бошлаган эдим. Кўркувнинг боиси — кимларданdir зулм кўришда эмас, балки ёзганларимнинг сизга мақбул бўлмай қолишида эди. Биринчи китоб ўзлон қилингач, ёзаётган ҳар бир сатримда сиз, азиз ўқигувчиларнинг нафасларингизни сезиб турдим. Сиз менга далда бериб турдингиз, Оллоҳ сизлардан рози бўлсин!

Асарда шубҳасиз, сиз ишонмайдиган ёки ҳафсангизни пир қиласидиган ерлар бордир. Бунинг учун узр сўрайман. Бу — қаламнинг ожизлиги ёки фикр доирамнинг торлигидандир. Худо хоҳласа, бу қусурлар кейинги асарларда барҳам топгусидир.

Бундан сўнг ҳам Сизлар билан янги асарлар орқали кўришмоқ ниятим бор. Шаръий ниятларга Яратганинг ўзи етказсин. Бир асарга ном бўлган «Шайтанат» энди туркум номига кўчади. Бу туркум асарда яна бир неча қисса яратиш умидим бор. Булар сизларнинг ўқиганингиз «Шайтанат»нинг давоми эмас, балки шу руҳдаги мустақил қиссалар бўлади, иншооллоҳ.

¹ Ҳазрат Алишер Навоийдан.

Менга бир нарса маълум: бу асарни ўқиб маъкул дейдиганлар билан бир қаторда ёқтирамайдиганлар, ундан камчилик, хато қидирадиганлар бор. Шундай бўлиши табиий. Аввало, ҳеч қайси асар барчага баробар ёқа қолмас. Қолаверса, ожиз қаламим билан битилган бу асар камчиликлардан ҳоли, деган даъвом ҳам йўқ. Менинг танқидчилардан фақат бир ўтингим бор: қандай танқид ўқлари бўлса, ўзимга қаратинг.

Мен азиз, ардоқли китобхонларга бир неча йил мобайнида бирга бўлганликлари учун миннатдорлик билдираман. Оллоҳ барча мўмин бандаларини Шайтанат оламидан ўзи асрасин.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Кул аъуузу бироббиннаси. Маликиннаси. Илаҳиннаси. Мин шаррил васвасил хоннаси. Аллази ювасвису фии судуриннаси. Минал жиннати ваннас.¹

Омийн йа Роббил Оламийн!

¹ Мазмуни будири: Мехрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан (бошлайман).

(Эй Муҳаммад) айтингки: «Мен барча инсонларнинг Парвардигоридан, барча инсонларнинг Илоҳидан (менга) узи жин ва инсонлардан бўлган, инсонларнинг дилларига васваса соладиган (қачон Оллоҳнинг номи зикр қилинганида) яшириниб оладиган васвасачи (шайтон)нинг ёмонлигидан паноҳ беришини сураб илтижо қилурман». («Ан-нос» сураси. Алоуддин Мансур маъно таржимаси).

Мурод Мансур

АСАДБЕКЛАР ФОЖИАСИ

Үзларидан ажойиб ифорлар таратиб, юзларидан нур ёилиб турадиган, ҳалимдан-ҳалим тақводор бир поччамиз бўлар эдилар. Қодирий домла Юсуфбек ҳожининг феълини у кишидан олганмидилар ё ўзлари шунақамидилар — ҳеч ажрата олмасдим. Ишқилиб, шунақа хушфеъл, чиройли мўйсафид эдилар.

Мен у киши ҳақда на олдиларида, на орқаларидан ёмон гап эшитганман. Фақат фазилат ахтаришар эди, ҳайратланиб чарчашибасди.

Яхши асар ҳам шунақа бўларкан! Фазилат ахтариб чарчамас экансиз. Худди Қодирий асарларидан ҳануз фазилат ахтариб толмаганимиздек, ҳар гал янги-янги жавоҳирлар топганимиз каби!..

«Шайтанат»ни ўқиб ҳам шу ўйларга бордим: «Қани эди, ҳаммамизнинг Юсуфбек ҳожидек отамизу Узбек ойимдек оналаримиз бўлса, ўшаларнинг қанотида эр етишсак! Асадбеклар шу кўйларга тушмасми эди?!» Ва шунда бутун фожиа таг замири ила кўриниб кетгандек бўлди! Бекорга оталаримиздан айирмаган эканлар бизни!..

Мулла бувалари омон қолган болакайлар баҳтли эканлар! Иссиқ бағирларидан чиқармадилар. Нима яхши, нима ёмон, нима ҳаром, нима ҳариш, ҳарқалай, ажратадиган қилдилар.

Аммо мулла бувалари, опоқдодалари совуқ ўлкаларга сургун этилиб, оталари урушда, қамоқларда қолиб кетгандар-чи? Уларнинг ёзуғи не эди? Мурғак юрагига ёвузлик уруғи тухум кўйиб улгурган болакайлар, етимхоналарни тўлдирган «зумраша»ларнинг гуноҳини ким елкасига олгай? Қайси жамиятнинг суд китобига ёзгаймиз? Асадбеклар шу имонсиз жамиятнинг мевалари, унинг қасос ўти кўзини кўр қилган «ўғлон»лари эмасми?

«Шайтанат» муаллифининг энг биринчи ютуғи шундаки, у зулмнинг ўқ илдизини топиб, асарга қўл урибди. Тоҳир баъзилар ўйлагандек олди-қочди, шунчаки саргузашт асар ёзиш учун қўлига қалам олмаган.

У кўп йиллар яшаб қоладиган ва қанча кишиларни сергак торттириб, шайтанат оламига кириб қолищдан қайтарадиган чинакам бадиий асар яратибди!

«Шайтанат» Тоҳир Маликнинг баланд асари. Қоладиган асари. Ҳар сатри, саҳифасидан истеъдод нафаси (чукур бадиий тадқиқ руҳи) уфуриб турибди. Кимдир илгариги асарларига ўшшата олмаётган бўлса, уни охирiga қадар ўқишга сабри етмабди. Йўналишини англамабди, мағзини чақолмабди.

Асар наинки Асадбеклар фожиаси ҳақида, балки у яратган шайтанат олами одамларининг аччиқ кечмиши, ҳар биттасининг охиривой бўлгучи тақдирлари ҳақида ўзига хос бетакрор қиссалар ҳамдир. Сўнг бари жамланиб, яхлит бир рўмонни ташкил этаётир...

Холисаниллоҳ айтинг: Чувриндининг тақдирни, бошига тушган аччиқ қисмат Асадбекникидан камми?! Еки бўлмаса, Анварнинг фожиаси-чи, бошига тушган кўргиликлар-чи? Кимни, қайси юракни титратмайди? Қолаверса, Асадбекнинг қизи Зайнабнинг бошига тушган жафо тоши, абри балолар-чи? У кўрган зулм, ёвузиликлар қиз боланики муҳаббат кўчасидан чиқариб, қасос кўчасига бошласа, қайси жамият, тузумни айблаш керак? Шариат ман этиб қўйган ҳадларни ланг «очиб қўйган» тузумними ва ё уни қайтаролмаган, ўзи қайси боши берк кўчаларда шайтон етовида кетаётган Асадбекдек оталарними, қасос ўтида ёниб, йўлини йўқотган ва устма-уст гуноҳга ботаётган эри Элчиними? Елғиз онаизор Манзура бошини қайси тошларга урсин?!

Мен Тоҳирнинг кўп асарларини биринчи бўлиб қўлёзмадан ўқиганман. Ҳаммасининг ўз ўрни, салмоғи бор. Вақтида воқеа бўлган асарлар. «Чорраҳада қолган одамлар» ҳам, «Сўнгги ўқ» ҳам. Лекин бу галги асари «Шайтанат»ни алоҳида бир интиқлик билан кутдик. Алоҳида бир титроқ-ла ўқиб чиқдик. Ва мен яширмай айта қолай. Учинчи китоби қўлёзмасини ҳам ҳаяжонла ўқиб чиқиб, қониқишила сўнгти саҳифасини ёпар эканман. Яратганга беадад шукрлар айтдим. Негаки ёзувчини Оллоҳнинг ўзи қўллаб, ўзи илҳом ато этибди. Шайтанат олами фуқароларининг адашувларини очмоқда ўзи изн берибди. Аксинча, бу зўравонликка курилган, ёзулик барқ уриб униб-ўсаётган ўзига хос хуфия салтанат оламини бунчалик таг-замари билан тасвирлаб бўлмас эди. Адашувнинг илдизи очилмайди қолиши мумкин эди. Бу қоронғилик — зулмат

салтанатини чок-чокидан сўкиб юборгувчи нурни Тоҳир кўра олибди ва ўша нур — чироқ ёрдамида унинг кўл етмас пучмоқларигача қарангки, кириб борибди. Бу нур иймон бўлиб чиқди! Агар ёзувчи кўксисда шундай бир нур — тоза иймон бўлмаса эди, унинг шайтанат оламига сафари бесамар чиқмоғи ҳам мумкин эди.

Мен сал илгарилақ кетдим, чоғи. Асли бир бошдан сўзламоқчи эдим, асарнинг фазилатларини таъмин этган тугуллардан сўз очмоқчи эдим. Қирқ тўққизинчи йилнинг сўнгти куни. Совуқ уй, совуқ танча. Отаси чана, аяжониси укача олиб келадиган бир кунда бу уйга кулфат булутлари бостириб кирдилар. Ва бу абри бало бу хонадонни бир умрга ота меҳридан жудо қилиб кетди. Бола «Дадамга тегманг?! Тегманг дадамга!» деб ҳайқиролди-ю, бошқасига кучи етмай танчали уйда ёлғиз қолаверди. Ота бағрига олиб, юзини юзига босгандা теккан кўз ёшгина қолди. Бир олам хўрлик, аччиқ алам қолди. Шу кеча мурғак қалбга ўрмалаб кирган шайтон унинг ўксик, аламзада қалбига ўзининг ёвузлик тухумини кўйиб улгурди ва у қасос истаб, ўч хукмини ўқиди:

— Уларни ўлдираман!..

Ва болагина билмасдики, бизнинг динда ўч олмоқ ҳаром қилинган эди, қасос ёлғиз Оллоҳга тегишли эди.

Шайтонсаройга биринчи гишт ўша куни кўйилди! Кейин шайтони лайн бу саройга бошқа аламзада ва валади зиноларни етаклаб келиб, Асадбек хизматига топширди. Шу тариқа салтанат ичидаги норасмий салтанат туп кўйиб палак ёйди. Ва бу салтанат «энг гуллаб», оғизга тушган кезда унинг одамларидан бири қиморда хонумонини ютқизиб кўйган ҳофизнинг уйига бостириб кириб, (кирганда ҳам номаҳрам оёқ босиши ман этилган жойга қадар кириб бориб) аёлининг номусини топтагани топтаган, кўксига пичноқ уриб кетди.

Асар ҳар қандай эр кишининг гурурини букиб-да ташлайдиган ана шундай воқеадан, у аламларини ичига ютиб, судда гуноҳни бўйнига олиб қамалиб кетишидан ва ўн йил қасос кунини кутишидан... бошланади.

Асар илк сатрлари, саҳифалариданоқ у «олди-қочди», «кувди-йитди», «отди-кетди»лар асосига эмас, чинакам маънавиятга дахлдор масалалар, ҳаёт-мамот масалалари, азалий ор-номус, адолат, эзгулик ва ёвузлик курашларига курилгани кўриниб-англаниб турибди. Барча курашларнинг марказида ўзига хос шахслар, бе-

такрор характерлар турибди. Ва қадам-бақадам, саҳи-фама-саҳифа ўзлигини намоён этиб бормоқда.

Асадбекнинг ўзи бетакрор характери, хислат ва фазилатлари билан, чигал тақдирни ва букилмас иродаси билан алоҳида олам бўлса, Чувринди энг қийин — экстремал шароитларда ҳам топқирлиги, узоқни кўра олиши билан, тегирмонга тушса бутун чиқа олиши билан бизни ҳайратга солади. Тақдирчи? Унинг бошига тушган кўргиликлар-чи? Тағинам у метин экан, унинг ўрнида бошқа ҳар қандай инсон ёвуза айланниб кетар эди! Лекин Чувринди адолат ҳиссини, дўстта садоқат ҳиссини йўқотмайди! Шу жиҳатлари билан Кесакполовондан ўн карра баланд туради. Ва шу баланд тургани учун ҳам рақиби томонидан йўқ қилинади.

Асаддаги Элчин, Зайнаб образлари — ички олами энг ёрқин ва ишонарли, бутун зиддиятлари ила чизиб берилган образлар сирасига киради. Кумуш муҳаббатидек покиза бир муҳаббатни илҳақлик ила, беғуборлик ила кутган бир қалб қасос қурбонига айланса ва шармандалик чодиридан қутулиш учун ўша ишни қилган одамга узатилса, у қайси дил, қандай юрак билан яшаб ўтади бу дунёдан?! Зайнаб фожиасига бағишиланган боб ва саҳифалар асарни чиндан баяанд мавқега кўтариб, бадииятга дахлдор этиб турибди. У чинакам истеъод меваси эканидан ҳеч-ҳеч тониб бўлмайди.

Шу қизининг фожиаси туфайли Асадбек не кўйларга тушиб, не ўтларга қоврилмаяпти! Шу баҳонада ёзувчи Шайтон салтанатининг энг чиркин гўшаларигача кириб бориб тасвирлашга муваффақ бўлади. Бу салтанатда бир тўда бошқа тўдани йиқиш, синдириш учун ҳар қандай қабиҳликлардан қайтмаслигини кўрамиз. Элчин Асадбекдан ўч олиш учун унинг қизини ўғирлаб, номусини буқмоқни ва бир умр эзилиб ўтишини истайди. Зайнаб шу мақсадда ўғирланади. Бошқа бир рақиб — Ҳосилбойвачча эса, Мардонани ишга солиб, Зайнабни не кўчаларга етаклатади. Игна ила сархуш эттириб, гиёҳвандлар қавмига қўшади ва сархушлик ҳолатида суратга олинган кассетани отасига «тақдим» этади. Ўзбек қизларининг бу кўчага кириб келиши аввало даҳшат! Ҳеч бир ота бу иснод олдида чидаб туролмас! Айниқса, Асадбекдек қудратли одам! Нима бу? Қайтар дунёми?! Асадбек ўз қилмишларининг жазоси, қайтимини шу дунёдаёқ, тириклигидәёқ топаяптими?

Адиб қаҳрамонларини шундай чигал ва экстремал ҳолатларга, кўргиликларга солиб синайди, қовурадики, ҳар бири нималарга қодирлигини табий равишида, ўз-ўзидан намоён этиб бораверади. Тан олиш керак, Тоҳир Малик ўзбек адабиётида саргузаштг унсурлари бадииятнинг ажралмас қисми эканини биринчи бўлиб амалда ишбот этган ёзувчидир. Биз шу вақтга қадар бу унсурларни менсимай, унга паст назар билан қараб келдик ва адашганимизни энди кўриб турибмиз. У чукур бадиий мушоҳадага хизмат этишини энди инкор қилиб бўлмайди. «Шайтанат» бунга ёрқин далил.

Тоҳир асардан асарга бўй ростлаб бораётибди. Айниқса, шу «Шайтанат»ида чеварлигини намоён этибди. Чокини чокига келтириб, воқеаларни улаш, тақдирларни чогиштириб бориб уч китобдаи иборат яхлит асар яратиш ҳар қандай адибнинг қўлидан кела-вермайди. Буни чинакам истеъдод эгаси, Худо юқтирган талантгина уддалаши мумкин. Асадбекдек мураккаб қаҳрамоннинг шусиз ҳам чигал ҳаёти, ҳавас қилмагулик тақдири атрофида ундан кам кўргиликлар кў-часидан ўтмаган, ўша бешафқат ҳаётда шафқатсизларча яшашдан бўлак йўл топмаган Чувринидек, Кесак-полвондек бир гуруҳ бошқа олам фарзандларининг қисматларини шундай ишонарли чизадики, ҳайратга тушмай иложингиз йўқ. Биргина Зелихон тақдири, Хонгирей қисмати, улар босиб ўтган йўл ва етишган чўққи, ниҳоят биридан иккинчисига мерос қолаётган бу хуфия салтанат билан боғлиқ воқеалар нимага тенг?! Улар чинакам топилдиқ: Шайтанат салтанатининг ҳудудларидан, қудратидан далолат бергувчи! Илдизлари қаерга бориб туташувидан, ёвузликнинг уруғи қаерларгача сочилиб, қандай заҳаролуд мевалар бераётганидан ҳикоя этгувчи! Ва булар барчаси қўшилиб, Шайтанат олами ҳақида шундай яхлит бир тасаввур уйғотадиким, бу олам кишиси бўлиб қолишдан Оллоҳнинг ўзи арасин! Асарни бобма-боб, китобмакитоб ўқиганингиз сари, Оллоҳга қайтишдан ўзга тўғри йўл йўқ! — деган бир нидо янграб келаверади! Асар ичидан жаранглаб чиқаверади!

Тоҳирнинг энг катта ютуғи ҳам ана шунда! **Иймонга чорлашида!**

Агар хотирангизда бўлса, «Шайтанат»нинг биринчи китобининг ички муқоваларида бир ажойиб рамзий расм бор эди. Китобни безаган истеъодли ёш рассом

Хуршид Зиёхонов мозористони тарқ этиб бораёттан оқ туялар — авлиёлар руҳини чизиб, бизни бир ҳайратта солган эди. Иккинчи китобнинг ички муқоваларида эса, шу рассом ундан ҳам ажойиб манзарани акс эттириди. **Йўғонгина**, лекин ҳалқумининг кичикилигини хисобга олмаган илон каттагина бир балиқни юта бошлаган-у, юта олмай қолган. Балиқ ночор, жон аччиғида думини асабий силкийди, илон ундан ночор — ютиб юта олмайди, қўйиб қўя олмайди... Рамз хўб ўрнига тушган. Қолаверса, бу ривоятларни рассом осмондан эмас, асардан олган. У Тоҳир Маликнинг топилдиқлари, рассом ҳам буни ҳақиқий истеъодларда бўладиган ўткир идрок ила англаб, бизга унинг айнан мағзини етказиб бера олган.

Мен учинчи китобнинг қўлёзмасини ўқиётиб, рассом навбатдаги китоб муқоваларига қай ривоятни рамз қилиб олар ва чизар экан деб ўйладим. **Инсон қулогига кириб бораёттан улкан мингёёқними ёки қанот битган чумолиларими?** Ҳарқалай менга қолса, Луқмони ҳаким билан илон сұхбати ривоятидаги икки оёқли — баланд қилиб яратилган, лекин бир-бирини чаққанда бедаво қилиб чақадиган одам маҳлукларни бутун даҳшати билан тасвирлай олса қани эди, дедим. Ўша ривоятни эслсангиз, илон Луқмони ҳакимга: «Оллоҳ биз — илонларни тубан қилиб яратди. Аммо биз бир-бирилизни чақмаймиз. Сиз — одам болаларини юқори қилиб яратди, сиз бир-бирингизни чақиб ўлдирасиз. Унинг заҳрига ҳатто Луқмони ҳаким ҳам даво тополмагай», дейди. (Ҳикмат Ўролов, Анвар тақдирларини эсланг! Аслида Холидийлар Асадбеклардан-да хавфли «зот»лардир!).

Ҳикмат Ўролов тўсатдан қазо қилиб, жаноза олдидан илм даргоҳидаги дўсту душманлари унинг уйига боришгандаги мана бу манзарага эътибор беринг. «Анварнинг кўзига ҳамма — дўст ҳам, душман ҳам илон бўлиб кўринди. Узини улкан бир илонхонада ҳис этиб, баданига муз югурди. Назарида қўл қовуштириб, қайғуга берилгандай бўлиб турганлар одамлар эмас, балки луњини шишириб, тилини ўйнатиб, бир ҳамла билан чақишига тайёр турган илонлар эди гўё. «Мана шу турганларнинг қай бири қачон қай бирини чақар экан? Мана шу турганларнинг қай бири қачон одам заҳрини тотиб ўлар экан? Ростмана илонлар чақади юқочади, икки оёқлилар эса то кўмиб ташламагунча тинчимайди. Жасадни кўмиш билан чекланса кошки эди...»

Шайтон етовига кириб кетган иймонсиз кимсаларни бундан ўтказиб тасвираш мумкинмикан?!

Шу ўринда мен ўзимдан бир оғиз сўз қушгим келди. Фақат шайтон етовига тушганларгина шундай чақъайлар! Иймонли кишилар бундан мустаснодирлар! Заҳарнинг ёлғиз давоси иймондир. Оллоҳга қайтмоқликдир. Чиндан ҳам солиҳ кишилар, у дунёсини ўйлаган зотлар бир-бирини аямаганларини, амал, шуҳрат, дунё кетидан қувган кишилардек бир-бирларини чақиб ўлдирганларини ким кўрган?! Агар инсон боши саждага етиб ҳам, масжидга қатнаб ҳам, ҳожи бўлиб ҳам ёмонлигини қўймабди, дилозорлигини ташламабди — у ҳидоят топмабди. Иймони суст кимсалардир. Уларни тақвадорларга тенглаштирмангиз! Тоҳир Малик асарининг мағзи-мағзидан сизиб чиқаётган хулоса ҳам шу!

Фан тилида «интуиция» деган атама бор. Оддий тилда биз буни ички ҳис билан сезиш, деймиз. Уни қарангки, Оллоҳга қайтмоқлик — нажот эканлигини Хуршиджон ҳам учинчи китобнинг безакларида ўзига хос талқинда тасвирабди. Асарда табибга ўз ҳукмини ўтказа олмаган Кесакполвон унинг чопқир отларини отиб ташлашга буоради, отлар ўлдирилади. Демакким, «одамилон» ўз заҳрини сочди, табибни руҳан ўлдириш ииятида уни чақди. Коидага кўра расмда ҳам шу нарса тасвириланиши керак эди. Рассом эса худонинг қудрати билаи уларга мангулик ато этибди: ўқ отиляпти-ю, отларга кор қилмайди, бирор томчи қон ҳам йўқ, кўзлар чақнайди, ёвкур отлар гўё қанот чиқариб учайтгандек елиб боришлоқда. Яъниким, иймони басаломат табиб ғолиб чиқди. Отлар — унинг орзулари ҳам мангуликка дахлдор.

Шайтанат олами гирдобига тушган Элчиннинг мажруҳ ҳолати, ўз жонини сақлаб қолиш учун садо-қатдан юз ўтирган Шомилнинг охир-оқибатда калласи олинниб совға тариқасида кутига жойланиши тасвири; орзу-армонлари абадий кўмилган Зайнабнинг аччиқ қисмати — барча-барчаси биз учун, ҳаёт аталмиш умр йўлиниң ўнқир-чўнқирлариданми, жин кўчаларию равон йўллариданми кетаётган ҳар бир инсон учун ҳаётий сабоқлардир.

Умуман олганда, Хуршид Зиёхоновдай ёш бир искеъоднинг асарни шундай зукколик билан тушуна олиши, унинг нозик томонларини ички бир ҳиссиёт билан топиб, учала китобдаги воқеаларни тасвирида

бир-бирига боғлаб бизга етказа олганлигининг ўзи алоҳида таҳсинга сазовор!

Мен «Шайтанат» савияси мундайроқ ўқувчиларга мўлжаллаб ёзилибди, шунинг учун қўлма-қўл ўқилаётir, уларга жаҳон адабиётининг дурданасини берсангиз бетига қарамайдилар деб «куюнаётган»ларни «Ўзингиз асар давомини қандай кутдингизу қай тариқа ўқиб чиқдингиз?» деб сўроққа тутган бўлардим. Ва шубҳасиз, улар вижданан, ички туйғуларига эрк берганиндида эди: «Интиқлик билан кутдигу чанқоқлик билан ўқиб чиқдик» деган бўлардилар.

Ваҳоланки, «Шайтанат» олами — яқин ўтмишдаги бизнинг оламимиз, бизнинг воқелигимиз, бу оламни бир тирик вужуд деб қарайдиган бўлсак, шу вужуддаги оғриқлар, дард-хасталиклар бизнинг дарду аламларимиз. Шундай экан, нечун биз бу дардларга, «дард устига чиқкан чилқон»ларга бефарқ қарашимиз керак? Табобатда бемор дардига шифо бериш учун, аввало, касаллик туб-тубигача аниқланиб, унинг илдизлари очиб ташланади. Сўнг муолажага ўтилади. Шунинг баробаринда, «Шайтанат» дардларимизга шифо беришда бир восита — малҳамдир ҳам. Айтингчи, қайси бир бемор дардига даво бўлиши мумкин бўлган малҳамдан бош тортган? Савиямизнинг «ундай» ёки «бундай»роқлиги хусусида бош қотиришнинг ўзи жоизмикин шундай ҳолатда??

Яна асар таҳлилига қайтамиз.

Аввало тақдирларни қаранг, бири бирига ўхшамаслигини кўринг. Зелихонни Хонгирейга чалкаштирмайсиз, Ҳосилбойваччани Шилимшиққа тенглаштирмайсиз. Асадбек билан Чувринди, Кесакполвонлар-чи? Ҳар бири ўзига хос ўзга олам вакиллари. Ўз қаҳри-захри, алами, армонлари билан бетакрор шахслар. Шайтанат оламининг устунлари. Қиёфалари, феълу таъбу дунёқарашлари билан ҳам бир-бирига сира ўхшамайди. Улар ўртасида гоҳ ошкора, гоҳ зимдан бораётган кураш бутун шафқатсизлиги билан қаламга олиниши, кўлами билан ҳайқмай тасвирланиши чиройли. Асадбекнинг ўз отаси қабрини зиёрат этгани бориши, Козлов билан алоқалари, Хонгирейнинг дасти узунлиги, у юборган терговчиларнинг ашаддий сиқувлари ва ниҳоят Зелихоннинг қурбон берилishi саҳифалари асарни баланд поғонага кўтариб турибдики, унча-мунча ёзувчи Шайтанат оламининг бу ўрдаларига кириб боришга журъят ҳам этол-

майди, иқтидори ҳам етмайди. Айниқса, Асадбек оғир хасталикка чалингандан кейин шайтанат оламида унинг ўрнини эгаллаш учун бошланган пинҳона ва очиқ курашлар асарга янгитдан «жон ва рух» бағишлаб юборганки, бу Тоҳирнинг маҳоратидан далолат бериб турибди.

Мана шу хасталик айниқса, Асадбек сафдошлари учун зўр синов бўлиб, шу баҳонада Чувриндининг садоқати, Кесакполвоннинг ҳожасининг ўрни учун «ўлиб-кутилиш»лари яна ҳам ёрқинроқ очила боради. У ёлғиз даъвогарлик учун курашиб, ўзидан неча бош баланд турган Чувриндини усталик-ла йўқотиши фақат Шайтонсаройларга хос ёвузликнинг бир кўринишидир.

Асадбек Чувриндининг қабри тепасида ёлғиз қолгандаги манзарани эсланг: «Икки бир хилдаги мармар тош. Бирида онаси, иккинчисида Самандар укаси. Уларнинг ёнига уқадек азиз бўлиб қолган Чувринди кўйилди.

Асадбек осмоннинг кўз ёшлари остида пича турди. Пальоси ивиб кетди. Юзларини, кўз ёшларини қораралаш ёмғир ювди.

«Бу ер менинг жойим эди, Маҳмуд укам. Сен келдинг. Ёнингда яна бир жой бор... «Мастликда бўлган» дейишияпти. Мен бунга ишонмайман. Сенга қасд қилганинн хор қилмасам, отимни бошқа кўяман. Қасос олмагунимча ёнингга келмайман...»

Кимdir унинг қўлидан ушлаб тортди.

Ўгирилиб қаради: Кесакполвон.

— Сен менинг юрагимга тупурдинг, — деди Асадбек.

— Ундай дема, Асад, агар бу менинг ишим бўлса, Худо урсин!

— Йўқол...

— Асад...

— Йўқол, дедим!..»

Ҳа, бусиз ҳам ўзини Худо уриб қўйган Кесакполвоннинг иши эди бу. Асадбек уни ички бир туйфу ила ҳис этиб, сезиб турибди.

Қолаверса, у Асадбекнинг юзига биринчи тупуриши эмас. Бошда топишгандаёқ, болаликдаёқ тупуриб ултурган эди. Эсланг, ўғри тўгрининг юзига, валади зино аламдийданинг юзига тупурган эди.

Бу бешафқат тасвирлар қаҳрамон ички оламига даҳлдор бўлмай нимага даҳлдор экан? Нега бизни

шунчалик ларзага соляпти экан, агар чинакам бадииятта алоқадор бўлмаса! Қалбнинг нозик пардалариға тегиб титратмаса?

Асадбек кечаги бешафқат тузумнинг аламзада фарзанди. Аччиқма-аччиқ бешафқатлик кўчасига кирган, қасдма-қасдига жамият қонуналарини оёқ ости қилиб, қасос-ла қалбига малҳам топиб юрган ва ҳеч кимга бўй бермай келаётган одам. Агар у вақти-вақти билан энг тўғрисўз дўсти Жалилни кўргиси келиб қолмаганида, танчаси писиллаган ўша эски уй — отасидан қолган ёлғиз хотирани қўмсаб бормагандан, билмадим, уни шу кўчада юрган бошқа ёвузлардан фарқи қолмасми эди! Лекин у ҳам тирик инсон, ожиз банда эканини биз оғир хасталикка чалиниб, мунгли бир қиёфага кирганида, қўли қисқалигини сезиб қолганида яққол кўрамиз. Айниқса, Асадбекнинг ўша хасталик бошланганда кўрган туши, руҳи шодлар ва қабр азобини тортаётганлар диёрида кезиб, онаизорининг «оҳ»ини эшитиб, қабри устида олов тилларини кўриши, хаста Самандарни, отасини учратиши, улар билан мулоқотлари шунаقا жонли, ишонарли тасвирланганки, ўқиб лаззатланасиз. Муаллиф бизни Асадбек қалбининг қаҳрдан холи, армон тўла пучмоқларигача етаклаб киради.

«— Ада, — деб ажабланади Асадбек. — Сиз ҳам шу ердамисиз?

— Ҳаммамиз биргамиз, тойчоқ, — дейди отаси жилмайиб.

— Яқинда мен ҳам келсам керак, — дейди Асадбек.

— Келасан... Мен кутяпман. Сенга чена ясад қўйибман... ченада учишни соғиндингми?

— Соғиндим, ада.

— Болам, қийналиб кетдингми? — дейди онаси.

— Қийналдим, — дейди Асадбек.

— Кела қол, аданг... ёғоч чена ясадилар ўзлари.

Асадбек атрофга аланглайди. Чена кўринмайди. Баъзи қабрлар устида чарх ураётган оқ қушларга ажабсиниб қарайди.

— Булар қандай қушлар? — деб сўрайди.

— Булар... руҳлар... у дунёда солиҳ фарзанд қолдирганлар.

— Сизникида олов кўрдим?..

— Оҳ, болам... сен қабр азоби нима эканини билмайсан...

— Сизлар бу дунёда ҳалол яшадингиз, умрларингиз азоб билан ўтди. Яна қандай азоб?..

— ...Солиҳ фарзанд — амали...

— ...Нима бу?..

Онаси жавоб ўрнига «оҳ!» деб кўяди.

Қабристон этагида оқ туялар кўринади. Туя карвони аста юриб, қабристонни тарқ эта бошлайди.

— Оқ туялар кетишяпти, — дейди онаси афсус билан.

— Уларни қайтариш керак, — дейди отаси.

— Мозорларимиздан авлиёлар кетиб қолишияпти.

Одамлардан иймон кўтариляпти.

Асадбек аввал ҳам эшитиб эди бу гапни... Манзура айтиб эди. Онаси ҳам айтаяпти.

— Туяларни қайтараман, — дейди Асадбек.

— Қайтаролмайсан, — дейди отаси...»

Кейин Асадбекнинг атай Красноярга — отаси туткунда ётган жойларни излаб бориб, овлоқ ўрмон четидаги мозористондан қабрини топиб, зиёрат этиши — унча-мунча дунё кўрган, дунё кезган фарзандларнинг ҳам хаёлига келмаган иш. У шу жихатлари билан ҳам ўз замондошларидан бир пофона юқори турди. Қалби ҳам айрим пайтлари юмшаб кетади, олижаноб ишларга қодирдай кўринади-ю, қалбига бир вақтлар тухум кўйиб улгурган ёвузлик уйғониб кетганда тамомила ситамкор ва қасоскорга айланади. Унинг Мұхиддин отага айтган гапларини эсланг.

«Мен ҳамоз ўқимасам ҳам Худодан қўрқадиган инсонман. Ўлганимдан сўнг дўзаҳда куйишимни биламан. Сизни билмайман-у, аммо мен шўро хукуматидан бутунлай норозиман. Дўзаҳда аввал шу хукумат куйиши керак!» дейди у. Асадбек қанақа мураккаб шахс экани худди мана шундай нозик паллаларда бутун бўй-басти билан кўриниб кетади. Унинг табибдан шифо истаб борганида (худди Зелихон сингари) қарияларга кўшилиб, намозга ўтгиси келиши... ўтиши қанчалик табиий бўлса, тузалиб, дард орқага чекингач, Худони унутиб, шайтанат оламига шўнғиб кетиши шунчалик ишонарлидир. Қалбларини ёвузлик зардоби босиб кетган бундай кишилар осонликча иймонга кела қолмайдилар. Асадбек фожиасининг бугун даҳшати ҳам шунда, сабоги ҳам шунда.

«Шайтанат» асарида нурга йўғрилиб, санъаткорона чизилган бир талай образлар ҳам борки, улар рўмонга ўзига хос оҳанг десамми, мунг десамми, нур десамми

таратиб турибдилар. Бу энг аввало Анвар, Зайнаб, Элчин образлари дири. Анварнинг заураликлар билан мулоқотлари, руҳлар оламига саёҳатлари ва ниҳоят унинг ёзиб қолдирган хатлари асарга бир ойдинлик бағишлаб, ҳақиқат нурини сочиб турибди.

«Хурлик ниманинг эвазига берилди? — деб ёзади у. — Қонлар эвазигами? Жонлар эвазигами? Жон беришга тайёр азаматлар борми бу улуг Туркистонда? Хумоюн Мирзо хасталигида табиб Бобур Мирзога «Энг қадрли нарсангизни атанг», деганда шоҳ Бобур «Энг қадрли нарса — жоним, жонимни берайин», деган экан. Ҳаста она Туркистонга ким жонини фидо қиласди? Ўлимдан қўрқмас, ботир ўғлонлар наҳот бутунлай қирилиб битган? Бу қандай ҳаёт ўзи? Кун бор — қўёш йўқ. Осмон бор — юлдузлар йўқ. Ватан бор — ватанпарвар йўқ...

Алихонтура Соғуний домла айтган эканлар: «Агар ўзбеклар ошнинг атрофига бирлашгандай бирлашгандарида эди, аллақачон эркка эришган бўлар эдилар. Мен бу ақли сатрларга озгина таҳрир киритмоққа жазм этдим:

«Агар ўзбеклар тўпланиб, тўй-маърака ошига ошиққанлари каби иймонга ошиққанларида эди, мустақилликка шубҳасиз эришардилар».

Улуг Туркистонни фақат иймон бирлаштиради...»

Уша кечаги шўролар жамиятида шундай одам жинни деб эълон этилиши ва ўзини осибгина руҳига эрк бериши табиий эди. У шундай фожиона қазо топди. Замонга сифмаган Анварни озод руҳлар чақириб олдилар.

Бу мунгли қисса шайтонсаройнинг гуноҳ китобига абадий ёзилиб қолди. Ҳудди Асқар Қосим қиссаси каби... Элчин фожиаси каби... Бояқиши Элчин. Шундай истеъдолли ҳофиз. Қайси шайтон уни йўлдан оздирди? Ҳонумонидан, суйган хотинидан ажратгани, ўн йил қамоқхоналар тузини тоттиргани кам эканми? Қасос кўчасига рўбарў қылмаса? Мана энди Асадбекни ўтдай куйдириб, сал таскин топдим деганда... Ноиласи рози эмас. Ахир унинг руҳини рози этиш учун қилмабми эди шу ишни?

Асарда ҳақиқатни ойдинлаштириб келатурган руҳий ҳолатлар, парвозлар, ўтган яқинларнинг руҳлари билан учрашув-мулоқотлар нозик, муҳтасар тасвиirlарда айланаб-айланаб келадики, улар рўмонга янги фазо ва янти ҳаводай тушган. Эсингизда бўлса, муаллиф уша Фарғонадаги ур-сур тасвирида биринчи бор шу услугга муро-

жаат этган эди. Зелихон ҳушидан кетганида тушга ўхшаган ғалати бир нарса кўрганини ўн оғизгина сўз билан ифодалаган эди: «Бошимга зарба тушиши билан ҳаммаёқ гир айланди. Кейин атрофни зулмат ўради. Иккита шарпа келиб, қўлтиқлаб кўтарди. «Яхши бўлди, булардан кутқаради», деб ўйладим. Шарпалар қўлтиқлаб кўтарганча мени чир айлантириб баландга, жуда баландга олиб кетишди. Худди сахродаги гирдобга тушшиб қолгандай бўлдим. Кейин бирдан зулмат тугаб, ёруғликка чиқдик. Атроф шу даражада ёруғ эдики, кўзларим қамашиб кетди. «Буни нимага олиб келдиларинг, ҳали муҳлат бор», деган ғалати овоз эшишилди. Кейин яна гирдобга тушдим, яна зулматда қолдим. Шарпалар мени ерга ётқизиб, йўқ бўлишди. Кейин кўзимни очсам... Иигиталининг айвонида ётибман.

Зелихон жавоб кутиб, Исмоилбейга тикилди. Исмоилбей бир оз ўйга толди, чукур хўрсинди. Сўнг:

— Бунинг таъбирини айтишга фикрим ожиз, — деди. — Валлоҳи аълам, Тангрим жонингни қайтариб берибди. Бунинг маъноси шуки, энди саёқ юришингни ташла. Қалбингни зангдан тозала...

— Қалб занги? — Зелихон кулимсиради. — Роса зўр гапларни топиб гапирасиз-да, тоға. Ҳозир намоз ўқиётганингизда нима учундир менинг ҳам ўқигим келди...»

Инсон руҳий оламининг бехудуд сарҳадларигача кириб боришга уриниш, руҳлар оламига саёҳатлар кейинчалик Анвар, Элчин образларини очища, тақдирларини чизишда, фожиаларининг илдизларини кўрсатиб беришда жуда ҳам кўл келган. Рўмондаги бу боб ва саҳифалар симириб ўқилса-да, ҳеч ёддан кўтарилемай, чукур ўйларга толдираверади. Ҳаётнинг ниҳояти имтиҳон дунёси экани, ҳар ким экканини ўриши, ҳеч бир жиноят жазосиз, яхшилик мукофотсиз қолмаслиги теранроқ англатиб борилаверади.

Муаллиф ҳатто хаёлий сұхбатлар, тасаввур оламида кезишлар, армонли онлардаги қалб кечинмалари тасвиirlаридан ҳам заргарона, узукка кўз қўйгандек фойдаланиб кетадики, булар барчаси биргаликда бадииятга хизмат қилган. Айниқса, бу усул алоҳида муҳаббат-ла тасвиirlangan Зайнаб образида, унинг ички оламини назокат ила чизишда жуда ҳам кўл келган. Шусиз ҳам армонлари беадад, шусиз ҳам орзулари топталган Зайнабнинг онаси-ла хаёлан сұхбатларини эсланг.

«— Сен болалигингда Кумуш бўлишни орзу қилардинг.

- Орзу қилардим, ойижон.
- Кумуш заҳарланган эди, шуни ўйламабмидинг?
- Ҳа, заҳарланган эди.
- Ўзбек ойим қора кийган эди-ку...
- Ҳа, қора кийган эди.
- Заҳарланган Кумуш қайта тирилар, деб ўйладингми?
- Ўйладим, ойижон.
- Ўзбек ойим қора либосини ташлайди, мотам кунлари тугайди, деб хаёл қилдингми?
- Хаёл қилдим, ойи».

Шайтанат олами Зайнабни ана шундай гузал орзуларидан, бир умр кутиб ардоқлаб келаётган Кумуш муҳаббатидан жудо қилди. Наинки уни, Зелихондек, Чувринидек мард йигитларни адо қилди, бевақт хазон қилди.

Анварни қувғинди, Элчиндек ҳофизни хароб этди. У олим-ку, у истеъод-ку демади.

Асадбек-ку қасос деб нимага эришди?

Эсланг. Укасидек азиз бўлиб қолган Чувринидан айрилган... «Асадбек қабристондан тўғри эски шаҳардаги уйига борди. Совуқ уй. Совуқ танча. Худди қирқ йил аввалги каби...»

У ҳар йили ўттиз биринчи декабрь куни шу уйда бўларди. Бу сафар кела олмаганди... Кечикиб бўлсада, «Бутун келди. Елкасида бир олам фам билан келди. Инсон боласига хос покиза туйгуларни қувган кундан бери орадан қирқ йилдан ошиқроқ вақт ўтиби. Ушанда митти юрагига ёвузлик тухум қўйган, ёвузлиниг биринчи овозини ўртоғи Жалил эшиштан эди.

— Уларни ўлдираман!..

Хозир бу овозни ўзи ҳам эшишти. Эти сесканди...» Сескангани рост бўлсин!

Етиб келган жойини англағани рост бўлсин!

Сиз ила биз эса «Аузу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм» дея қувилган лаънати шайтон ёмонлигидан Оллоҳ паноҳини сўрайлик. Илоҳим, ҳар биримизни Ўзи ҳақ йўлига бошлаб, бошга ташвиш тушган кезларда чиройли сабр этгувчилардан қилсин. Ердаги барча гуноҳ ишларни чиройли кўрсатиб қўйгувчи Шайтондан ўз паноҳида асрасин.

ТОҲИР МАЛИК

ШАЙТАНАТ

Kussa

Учинчи китоб

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси

Бош таҳририяти
Тошкент — 2013

Муҳаррилар: *M. Мансуров, Э. Мирзаҳакимова*

Бадиий муҳаррир *У. Халиқов*

Техник муҳаррир *Л. Ҳижсова*


Мусаҳих *М. Зиямұхамедова*

Саҳифаловчи *M. Атхамова*

Нашр лицензияси АI № 201, 28.08.2011 йил.

Тайёр диапозитивдан босишига рухсат этилди: 15.07.2013.
Бичими 84x108  «TimesUZ» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоги 20,16. Нашриёт-ҳисоб табоги 20,23. Нашр адали 5000. Буюртма № 3179. Баҳоси шартнома асосида.

**«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Туров кӯчаси, 41-үй.**



ISBN 978-9943-26-053-5



9 789943 260535

